

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

БАХТИНГ ОЛИС МАНЗИЛИ

Саргузашт-детектив роман

ТОШКЕНТ «O'ZBEKISTON» 2008

84(5У)6


И 81

Исмоилов, Нуриддин.

Бахтнинг олис манзили: Саргузашт-детектив роман.
/ Нуриддин Исмоилов. — Т.: O'ZBEKISTON, 2008.
— 336 б.

ISBN 978-9943-01-203-5

ББК 84(5У)6



© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008.

Мен севиб қолдим.

Аслида, қишлоқнинг оддий боласиман, бунинг устига, онам уч фарзандини чирқиллатиб, ҳали мен ўнга ҳам кирмасимдан ўлиб кетган. Отам, ўзининг айтишича, эсини таниганидан бери сувчилик қилади. Камбағал. Туманимиз марказидан бошқа жойни кўрмаган. Боришга кўрқадим — адашиб кетаман, дейди. Бунинг устига, ўлардай содда. Агар биров киприк қоқмай: “Туянинг думи ерга тегибди”, деса, чиппа-чин ишонади. Ишонганини бировга айтмайди-ю, лекин биз болаларга жўшиб-тошиб, бир хум тилла топиб олган одамдай завқ-шавқ билан гапириб беради. Биз ҳам ёшлигимизда отамнинг гапларига ишонардик. Ёшимиз улғайиб, оқ-қорани таний бошлагач, кўнгли учун кулиб қўядиган бўлдик. Тўғри, баъзан жаҳлимиз чиқарди, лекин отамга ҳеч нарса деёлмасдик. Сабаби, у содда бўлгани билан, чапани эди. Хурсанд пайти биров унга қарши гап айтиб қўйса, тамом, қиёмат кўпди, деяверинг. Қўлига илинган нарса билан тушириб қолади. Болохонадор қилиб сўкишларини-ку, айтмай қўя қолай. Хуллас, икки укам билан шундай бир шароитда катта бўлдик. Четдан қараганда, отамдан бизнинг деярли фарқимиз йўқ эди. Ишонувчан, бир бурда нон бермаса ҳам бировларнинг хизматини қилиб кетаверадиган, эртанимиз нима бўлади, деб ўйламайдиган болалар эдик.

Қишлоғимиздаги оғзига кучи етмайдиганлар гоҳ ошкора, гоҳ орқамиздан гапирадиган, куладиган бўлишди. Бунга мен, отам каби, аввал индамай келдим. Бироқ кейинчалик бўлар-бўлмас гаплар оғир бота бошлади. Бирорта одам (у ким бўлишидан қатъи назар) сал ножўя гап айтиб қолса, аямасдан башарасига мушт тушириб қолар, кучим етмаса, қўлимга илинган нарса билан урар эдим. Бу қилигим оқибатида “тентак” деган лақаб орт-

тирдим. Аммо шу-шу ҳеч ким бизни ерга урадиган гап қилмайдиган, одамга ўхшаб сўрашадиган, гаплашадиган бўлди.

Мактабни битираётганимда, синфимизнинг энг сулув, аълочи қизи Нозимадан хат олдим. Очиғи, ўшанда довдираб қолганман. Чунки бу пайтга келиб синфдошларим аллақачон икки-уч мартадан севишга улгуришган, мен эса юрак ютиб биронта қизга ҳатто тузук-қуруқ қарай олмаганман. Бунга камбағаллигимизми, одамовилигимми сабабчи дейман-у, яна ким билсин...

Ўша қизни зимдан кузата бошладим: юриш-туришига, дугоналари билан, ўғил болалар билан муомаласига қарадим. Ёмонмас. Ҳатто бир-икки марта гапиришга ҳам чоғландим, негадир юрагим бетламади. “Мен сенга ҳазиллашгандим. Сен бечоранинг ҳам кўнглиниги бир кўтариб қўяйин дедим-да”, дея изза қиладими, деган хаёлга бордим. Аммо адашганлигимни кейинроқ билдим. Мактабда охирги имтиҳонни топшириб ҳовлига чиқсам, Нозима турган экан.

— Беш бўлдимми? — деди у очилиб, чиройли кулиб.

— Уч қўймоқчийди, амаллаб тўрт қўйдирдим, — дедим ундан кўзимни олиб қочиб. — Аслида, уч ҳам бўлаверарди.

— Нега унақа дейсиз? Ўқишга киришингизга асқотиб қолиши мумкин, — деди у ҳеч кутилмаганда мени “сиз”-лаб.

Юзимдан “лов” этиб ўт чиқиб кетди гўё.

— Мен... Мен... — дедим бироз довдираб, — ўқишга кирмайман.

— Оддий ишчи бўлмоқчимисиз?

— Билмадим...

— Уйга кетаяпсизми?

— Ҳа, сен... Эй-й, сиз ҳам кетасизми? — дедим ғалати аҳволдан чиқолмай.

— Юринг, бирга кетамиз.

Биз ёнма-ён, жуда секин қадам ташлаб мактабдан узоқлашар эканмиз:

— Нодиржон, — дея мурожаат қилди у менга. Боя сизлаганида юрагим бир ҳаприққан бўлса, бу сафар кўкра-

гимдан отилиб чиқиб кетай деди. — Мен сизни ака десамайлими?

— Нега? — дедим мен ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам титраб. — Мендан икки ойлик каттасиз-ку.

— Нима қипти? Менинг акам йўқ, иккита опам бор. Кимнидир ака дейишим керак-ку. Ўйлаб-ўйлаб, охири сизни ака деб чақирришга қарор қилдим. Ака бўлганингиздан кейин, “сиз” дейишим керак.

— Фақат шуми? — бирдан тилимни тишладим. Тўғриси, ўзим ҳам бу гапни қандай айтганимни билмай қолдим.

Нозима жим бўлди. Шу бўйи анча вақт ундан садо чиқмади. Бунгача мен неча марталаб ўзимни-ўзим койидим: “Ўл-а, латта, гўл, шундай пайтда шунақанги гапни айтасанми?”

— Нодир ака, — дея бир маҳал тагин тилга кирди Нозима, — мен сизга хат ёзгандим.

— Хат? — дедим мен ўзимни билмаганга олиб.

— Анча бўп кетди, — у бироз сукут сақлади, сўнг чуқур хўрсинди, — ўқимаган бўлсангиз яхши.

Мен жавоб бермадим. Аслида, нима дейишни билмасдим. Шу боис, индамай қўя қолдим. Шундан сўнг гапимиз қовушмади. Қадамларимиз эса тезлашди.

Уйга бориб ўзимни кўрпачанинг устига ташладим, анча вақт шифтга термилиб хаёл суриб ётдим. Ўзимни ниҳоятда аҳмоқона тутганимни сездим. Бир қиз менинг додирлигимга қарамай юрагидагини айтиб турса-ю, мен товуқмия назарга илмасам! Ўзим кимман-у, тагин осмондан келаман? Уларнинг оиласи ўзига тўқ, отаси тиш дўхтири, онаси мактабда адабиётдан дарс беради... Мен галварс, ҳатто мактабни битирганидан сўнг нима иш қилишини ҳам сўрамабман...

Қаттиқ ҳаяжонландим, шекилли, бошим оғрий бошлади. Чалқанча ётиб, кўзимни чиппа юмдим. Бироздан кейин ухлаб қолибман.

Уйимизда юмуш кам, томорқамиз этакдай, узоғи билан уч сотихча. Картошка, пиёз, помидор, бодринг экилади. Лекин бу ишларни отамнинг бир ўзи эплаб ташлайди. Айниқса, охириги пайтларда ерга эгалар пайдо

бўлганидан кейин, отам зерикиб қолмаслик учун эрта-
лабдан ўзини томорқага уради. Эринмай ишлов берилга-
нидан бўлса керак, экинлар гуркираб, роса ҳосил беради.
Ҳатто томорқаси бизникидан ўн барабар катта қўни-
қўшнилар ҳам қишда у-бу нарса сўраб чиқиб туради.
Уйимиздаги сигир-бузоқнинг емишини ҳам отам беради.
Хуллас, биз болаларнинг бекорчи вақтимиз кўп, айти шу
сабаб, мени кечки овқат маҳалигача биров уйғотмаган.

— Хўш, энди нима қиласан? — сўради отам, овқатдан
кейин ёнбошлаб олиб чой ичаркан, мактабни битирган-
нимни эшитиб.

— Билмасам.

— Анави Шокир Нормат билан бирга Тошкентга иш-
лагани кетаётганмиш. Ипподром деган жой бор экан, шу
ер катта бозор бўпти. Шокирнинг айтишига қараганда,
ҳар куни оқшом мошин-мошин юк келармиш. Савдогар-
лар олиб келармиш. Беш-олти кишилашиб шу юкларни
туширармиш. Ҳар бировига битта мошинага юз-икки юз
сўмдан бераркан. Сенам бормайсанми? — дея отам бир
менга, бир укаларимга қараб қўйди.

Юз сўм ўша пайтда катта пул эди. Шу боис, отамнинг
гапига кўпам ишонмадим. Яна Шокир отамнинг қўйни-
ни пуч ёнғоққа тўлдириб юборган бўлса керак, деб ўйла-
дим ва мужмалроқ қилиб:

— Билмасам, — деб жавоб қилдим.

— Энангнинг гўриниям билмайсан сен ит! — деди
отам жаҳли чиқиб. — Путингни кўтариб ётишдан бўлак
нарсага ярамайсан ўзи.

Отамдан бундан-да “ширинроқ” гапларни илгариям
кўп эшитгандим. Миқ этмай пиёладаги чойимни ичавер-
дим.

— Гап шу, эртага нарсаларингни йиғиштириб, сен ҳам
шулар билан бирга кетаверасан. Ўзим айтиб қўяман, сенга
кўз-қулоқ бўлишади.

Кўнглимда ўқишга кириш ниятим, ўқишни битириб,
яхши жойда ишлаб, одамга ўхшаб яшайман, деган уми-
дим бор эди. Лекин айтолмадим. Яна сўкиш эшитиб
қолишдан қўрқдим. Индамай бошимни қимирлатиб, ро-
зилигимни билдириб қўя қолдим.

Шокир деганлари ён кўшнимиз бўлади. Ориқ, бўйи теракдай. Пешонасини аллақачон ажин босиб, сочига ҳам оқ оралаган. Ёши бўлса, йигирма беш билан ўттиз орасида. Лекин ичидан пишган — гўрдан гўшт олиб чиқадиганлар хилидан. Бир мақтанса оғзи кўпиради. Армияда Украинада хизмат қилган экан. Ўша томоннинг қизлари жуда бошқача бўлармиш. “Армияга борган кунимоқ биттасини топиб, роса маза қилиб сурганман”, дейди. Лекин ўзи ҳалигача уйланмаган. Сабабини суриштирсангиз, қойиллатиб жавоб беради: “Агар ҳозирдан уйланиб кўйсам, ўсиб келаётган зўр қизчалардан қолиб кетаманда. Ўттиз бешларга кирганда уйлансанг законний бўлади. Хотининг ёшгина, чиройли бўлса, яшаяпман десанг ярашади”.

Нормат деганлари эса Шокир аканинг тескариси, ундан кичиг-у, иккита боласи бор. Хотини, яъни янгамиз фермада соғувчи, Нормат аканинг ўзи молбоқар бўлиб ишлаган. Иккаласи молхонада танишган. Очиғи, мен билмайман-у, лекин одамларнинг айтишича, “гижинг-гижинг” қилиб кўйишганми-ей, хуллас, янгамизнинг қорнида “тарвузча” пайдо бўлиб қолган. Сўнг, илож йўқ, уйланган. Ўзиям янгамиз тўй оқшоми туғруқхонага равона бўлиб, қишлоқдагиларнинг бир неча йил оғизларидан тушмаган. Нормат аканинг уйидагини айтмай қўя қолай.

Хуллас, шу икковига қўшилиб Тошкенти азимга ишлаб пул топиш мақсадида борадиган бўлдим. Кечаси нарсаларимни йиғиштириб, эски латта сумкага жойладим. Хаёлимда бир кунда ўн-ўн беш машина юкни тушириб ташлайдигандайман. Чўнтагимни бир ойда қаппайтиргач, қишлоққа қайтиб келиб: “Пул топиш мана мунақа бўлади-да, сизлар ҳам юрибсизлар-да қишлоқда чориқларингни судраб”, деб мақтанаман. Кейин яна ўша Ипподром деган жойга қайтиб бориб, аввалгидан ҳам кўп пул ишлайман. Тағин чўнтагимни бўшатиш учун қишлоққа қайтаман. Қарабсизки, тўрт-беш ой деганда яп-янги “Нексия” миниб, ҳамманинг кўзини куйдираман. Ўшанда менинг, отамнинг, укаларимнинг устидан кулганларни бир кўрай тишининг оқини кўрсатганини! Кейин “тойчоғим”ни минволиб, Нозиманинг ёнига бораман.

Унинг хурсанд бўлиши тайин. Чунки қизлар машинали йигитларни кўрса бўғини бўшашади. Буниси аниқ.

Шундай ширин хаёллар оғушида тонг отиб-отмай ухлаб қолибман. Бир маҳал отам турткилаяпти:

— Тур! Ўл-а, валакисалак, индамаса пешингача сасиб ётасан!

Сакраб ўрнимдан турдим-да, кўзимни уқалаганча унга қардим.

— Бор, тезроқ ювиниб кел! — бақирди отам. — Мен Шокир билан гаплашиб келдим. Бир соатдан кейин кетаркан!

Отамнинг гаплари ҳали қулоғимдан кетмай туриб ташқарига отилдим. Кўз очиб-юмгунча ювиниб қайтдим. Отам мендан-да илдамлаб жойимни йиғиштириб, дастурхон ёзибди. Укаларим чой дамлаш билан овора.

Шоша-пиша нонушта қилиб, кийимларимни кийдим-да, тайёр бўлдим.

Отам алмисоқдан қолган, боғичи ингичкалашган, ойнасининг бир чети ёрилган, лекин бинойидек ишлайдиган соатига кўзини қисиб қаради-да:

— Ҳали вақт бор экан, озгина ўтир, — деди.

Лекин менинг ичим ўт бўлиб ёнарди, эртароқ пул хазон бўлиб ётган ерга етгим келаётганди.

— Шокир ака кетиб қолмасин тағин, — дедим ҳовлиқиб.

— Кетмайди, — жеркиб берди отам, — инсофли бола у!

Шокир ака кўзимга олижаноб кўриниб кетди ва бироз бўшашиб кўрпачага чўкдим. Ичим ёниб турганиданми, отам билан суҳбатимиз унча қовушмади. Ҳозир унинг ўшанда менга нималар деганини эслай олмайман.

Орадан бироз ўтиб отам яна соатига қараб олиб:

— Энди юр, кетдик, — деди.

Ўзимда йўқ хурсандман, қўйиб берса, учишга-да тайёрман.

Шокир ака кўчага чиқиб турган экан, яқинига боришимизда менга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг бурнимни чимдиб:

— Яхши меҳнаткаш боласан, буни биламан, лекин ўлгу-

дай ўжарсан, қишлоқда уришмаган одаминг қолмаган бўлса керак. Хў-ўш, отанга айтдим, энди ўзингга ай-тиб қўяй, — деб у мендан кўзини узди-да, отамга қараб қўйди. — Бораётган жойимиз шаҳар, унинг олдида қишлоғинг чумчуқнинг инидай, шунинг учун қишлоқда қилган қилиқларингни шаҳарда қилмайсан, чизган чизигимдан чиқмайсан. Шу шартга розиман, деб отангнинг олдида менга ваъда берсанг, олиб кетай сени.

Отам “гапир” дегандек биқинимга туртиб қўйди.

— Майли, — дедим мен бошимни эгиб, — нима десаңгиз шу.

— Ишқилиб, — отам мўлтираб Шокир акага қаради, — ўзинг кўз-қулоқ бўлиб турасан-да, бунинг-ку топганига зормасман, боя айтганимдай, кўча кўрсин, кўзи пишсин, дейман-да. Шу одам бўлса, укаларини тортиб кетди-да.

Отамнинг гапини қаранг. Мен боғдан келсам, бу киши тоғда юрибди. Топганимга зор эмасмиш. Топмасам, “Нексия”ни ким олади? Ким Нозиманинг ёнига талтайиб машинада боради? Ким қишлоқдошларнинг оғзини очиб қўяди?..

Жаҳлим чиқди. Лекин лом-мим демадим. Фақат чаккамни қашладим, холос.

— Хавотир олманг, ака, — деди бир ишни қойиллатиб қўйгандай Шокир ака гўддайиб, — айтганимни қилса, зўр одам бўлади.

Кўп ўтмай, Нормат ака ҳам етиб келди. Мен билан Шокир ака пўрим кийиниб олганмиз. У бўлса қишлоқда киядиганларини эгнига илиб олибди. Шокир ака унияма бошдан-оёқ назоратдан ўтказди-да:

— Ҳа, фермер, хотинингнинг путидан чиқолмадингми? — дея чақиб олди.

Дарвоқе, Нормат ака тўйида бўлган ўша ҳангомадан кейин “фермер” деган лақаб орттириб олган. Бошда биров уни шу лақаби билан атаса, жаҳли чиқарди. Аста-секин кўникди. Энди ўзининг асл исмини ҳам унутиб юборган бўлса ажабмас.

Биз отам ва укаларим билан хайрлашиб, сумкаларимизни елкамизга олиб, “Қаердасан, Тошкент, пуллар ха-

зондек сочилиб ётган шаҳар?” — дея йўлга тушдик. Нозималарнинг уйи ёнидан ўтиб кетаётганимизда мен ичикдим: “Қани, ҳозир Нозима чиқиб қолса-ю, менинг қаёққа кетаётганимни кўрса: “Тезроқ қайтиб келинг, мен сизни интизорлик билан кутаман”, деб чиройли табассум ҳада қилса”, дея ўйладим. Аммо унинг қораси кўринмади. Уйига мўлтираб бир-икки қараб қўйдим-да, шерикларимдан ортда қолмаслик учун шитоб билан юриб кетдим.

Ярим соатларда катта йўлга чиқдик. Шу ердан Тошкентга қатнайдиغان автобуслар ўтарди. Анча туриб қолдик. Шокир ака асабийлашиб сўкинар, у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Ниҳоят бизни ўша жаннатга олиб кетдиغان қип-қизил “Икарус” кўринди. Юрагим ҳаприқиб кетди. Сумкамни қўлимда маҳкам ушлаб, нажот манзилига элтувчи уловга термилдим.

Аммо номард ҳайдовчи автобусни тўхтатмади: ёнимизга келганда бир марта сигнал берди-ю, ўтди-кетди. Алам билан ортидан қараб қолдим. Шокир ака эса сўкинди. Нормат ака фиринг демади. Ҳатто пинагини ҳам бузмади.

Орадан ўн беш дақиқалар ўтиб яна биттаси кўринди, бироқ у ҳам умидларимизни саробга айлантириб кетди.

Ҳартугул, учинчи автобус тўхтади. Худди қолиб кетадигандай шошганча, бир-биримизни турткилаб чиқиб олдик.

Ҳайдовчининг ёнида турган шопмўйлов, билаклари бақувват йигит бизга орқа ўриндиқлар бўшлигини айтиб, шу ёққа боришимизни тайинлади.

Аввалига ойнадан ташқарини томоша қилиб кетдим, кейин кўзим илиниб, ухлаб қолибман. Бир маҳал ғалаговурдан уйғониб кетдим. Кўзимни уқалаб қарасам, автобусда бўш жой қолмабди. Қачон шунча одам чиққанини, очиги, сезмай ҳам қолибман.

Шокир ака уйғонганимни кўриб:

— Уйқудан уй соласанми, баччағар, дарров тарракдай қотиб қолдинг? — деди кесатиб.

Мен унга қараб илжайдим. Бир нима деб унинг қитиқпатаига тегмоқчи бўлдим-у, лекин миямга тузук-қуруқ гап

келмади. Яна ойнадан ташқарини томоша қила бошладим.

Автобуснинг ичи чиққан пайтимизда жуда тартибли кўринган эди. Аста-секин чанги чиқа бошлади. Айниқса, йўл четига тўхтаганида, энг охирги ўриндиқларда ўтирганимизгами, эшик тирқишидан кирган чанг-тўзон кийимларимизга қўнарди. Йўл узоқ, бунга ҳам кўникдик, бошқа иложимиз қанча?

Орадан чамаси ярим соатлар ўтганидан сўнг, сўл томонда ўтирган икки йигит қарта ўйнай бошлади. Тўғриси, аввал мен бунақанги ўйинни билмасдим, биринчи кўриб туришим. Қизиқ туйилди. Биттаси учта қартани қайриб олиб, олдига қўйилган жомадоннинг устига чаққон алмаштириб ташлар, иккинчиси қизилини топишга уринарди. Назаримда, қизил қартани топиш жуда осондай туйилди. Қартабоз иккита қорасини аниқ кўрсатиб ташлайди-да, битта қизил қартани ҳам шеригига кўрсатиб, чеккага қўяди.

“Шуниям топиш қийинмикан?” — деб хаёлимдан ўтказаман. Бир пайт ўрнимдан тура солиб: “Мана!” — деб кўрсатгим келиб қолди. Қартабознинг овсар шериги бўлса, тополмай боши қотаётибди. Агар қартабоз шериги қизил қартани беш-олти марта топиб олганидан кейин: “Энди пулга ўйнайман, бир сўм ташлаб топсанг, икки сўм қилиб қайтариб оласан, тополмасанг бир сўминг думини ушлаб кетади”, демаганда, эҳтимол, зерикиб қарамай қўярмидим? Қизиқ, у шу гапни ажабтовур баланд овозда маънилатиб айтдики, олдинги ўриндиқда ўтирганлар ҳам ўгирилиб қарашди.

— Бўпти, — деди шериги иржайиб, — қани, ташла.

Иккита қора ва битта қизил қарта кетма-кет жомадоннинг устига тушди. Мен ҳаммасини кўриб-билиб турибман, отам чўнтагимга солган пулдан йигирма сўмгинасини олиб, ўша айтган қартасини топсам, пулим кўпаядику, деб ўйладим. Аммо жойимдан туришга улгурмадим: қартабознинг ярамас шериги қизил қартанинг қаерга тушганини пайқаган экан, чўнтагидан битта йигирма беш сўмлик чиқариб қартанинг устига ташлаб очди. “Эсиз,

мен ҳам топувдим, ундан олдин пул ташласам бўларкан”, дея хаёлимдан ўтказдим.

Ўйин давом этди. Топқир бир сира уч марта ютганидан кейин ютқазиб қўйди.

Бирпасда уларнинг атрофини одамлар ўраб олди. Ўйинни кўролмай қолдим. Ўрнимдан туриб қарашга тўғри келди. Энди қартабознинг шериги четга чиқиб қолган, бошқалар қизил қартани топиш билан овора эди. Бири ютар, бошқаси ютқазар... Лекин агар мен ўйнасам, ҳаммасини бехато топаман, деб ўйлардим.

— Мана, — деди ўйинчилардан бири қартани қўли билан босиб.

— Ака, — деди қартабоз унинг юзига қараб, — аввал пулни тикинг, пулсиз очмайсиз.

Ўйинчи шошиб чўнтагига қўлини тиқиб бели букилмаган бир пачка юзталиқ чиқарди-да, қартанинг устига қўйди. Ютди. Қартабоз ҳам ўғил бола экан, шартта чўнтагидан пул чиқариб санаб берди. Шундан кейин ўйин қизигандан қизиб кетди. Ютганлар қийқиради, ютқазган одам бошини чангаллайди. Менинг эса ичим ёниб, ўйнагим келаяпти-ю, хаёлимда кимдир: “Ҳали сен ёшсан, бунақанги ўйинлар ўйнашингга эрта”, деб кўкрагимдан итараётгандай. Охири чидаёлмадим. Шартта чўнтагимдан эллик сўм чиқардим ва бутун диққатимни қартага қаратдим.

— Киссангга тиқ пулингни, — деди Шокир ака, — бир тийинсиз қолиб очингдан ўлмоқчимисан?

— Ака, ютаман! — дедим мен гўлдайиб. — Мана кўрасиз, ютаман!

— Ўтир-э, жипириқи, — жаҳли чиқди Шокир аканинг.

— Кўйинг, боланинг шаштини қайтарманг, — деди кимдир.

Бу гапдан баттар руҳланиб кетдим ва Шокир акага қишлоқда берган ваъдамни унутиб, энди пул тикмоқчи бўлганимда, биттаси чаққонлик қилиб, бир пачка икки юз сўмликни қартанинг устига ташлади.

— Қирққа ўйнайман, — деди қартабоз, — очманг!

— Қирқта пулим йўқ, бор пулимни тикаяпман, — деди

ўйинчи ва иккала қўли билан чўнтакларини уриб кўрсатди.

— Бўпти, — деди илжайиб қартабоз, — фақат шу сафар.

Шу пайт кимдир:

— Қартани алмаштирди, қарта алмашган! — дея бақирди.

Аммо унинг гапига ўйинчи қулоқ солмади ва ушлаб турган қартани ўгирганди, қора чиқди.

Ўйинчининг манглайига тер тепчиди, юзи қизарди, ҳансираб нафас ола бошлади. У бирор икки дақиқа шу тахлит турганидан сўнг боя кимдир гапирганини эслаб қолди ва бирдан қартабознинг ёқасидан ушлаб бўғди.

— Пулни қайтар, сен мени алдадинг, пулни қайтар! — дея қичқира бошлади.

— Ҳов, ака! — деди тўпланганлар ичидан биттаси ўйинчининг елкасидан ушлаб. — Биров сизга ўйна дедими? Ютқиздингизми, чидайсиз-да!

— Ҳалол ўйнамадинглар, фирромлик қилдинглар, ҳамма кўрди! — деди бўғилиб ўйинчи.

— Ким фирром ўйнабди, бу бола пастаянна ҳалол ўйнаб келган, мен буни яхши биламан! — деди унинг елкасидан ушлаб турган киши.

Ўйинчи гапга қулоқ соладиган аҳволда эмасди. Бунинг устига, ҳўкиздай қорувли эмасми, ориққина қартабозни автобус деразасига тираб:

— Онангникига тиқаман, пулни қайтармасанг! — деб ўкирарди.

— Кўйвор уни, — таҳдид билан унинг биқинига пичоқ тиради қиморбоз билан биринчи ўйнаган шериги, — бўлмаса, ичагингни бошингга салла қиламан!

Унинг таҳдидидан сўнг автобусда ғала-ғовур кўтарилди. Аёллар дод-вой қилишди. Шундан кейин ҳайдовчининг ёнида келаётган барваста киши келди.

— Ў-ў, мараз, — деди қартабознинг шеригига, — ўйинчогингни бу ёққа бер!

Унинг овози дўриллаб чиқди. Қаттиқ гапирганда жуда ваҳимали эшитиларкан.

— Биз тоза ўйнадик, ютқазиб аламига чидолмай...

— Тозангни онангникида ўйнайсан! Қартанг қачондан бери тоза бўп қопти, мараз? Бер анави пичоғингни бу ёққа, бўлмаса, ҳозир ўзингни бир ёқли қилиб ташлайман!

Шундан сўнг қиморбоз билан унинг шериги, ҳартугул, инсофга келди, пичоқ билан бирга пулни ҳам қайтариб беришди.

— Ким айтади сизни мўйсафид одам деб? — таъна қилди ҳайдовчининг ёрдамчиси пулни эгасига қайтариб бераркан. — Нима, шу пайтгача уч қарта ўйнамаганмисиз? Бу баччағарлар, — у қартабоз билан шеригига қўлини бигиз қилди, — қанча одамнинг шўрини қуритган. Биласизми, ким буларни ютади? Ўзларининг одамлари. Бошқалар уларнинг ютганига маст бўлиб ўйнайди, кейин қандай қилиб чув тушганини билмай қолади.

Пулини қайтариб олган ўйинчи-йўловчи қизариб бошини ҳам қилди.

Ҳайдовчининг ёрдамчиси эса қартабозни шериклари билан қўшиб (улар тўрт киши экан) автобусдан тушириб юборди.

— Кўрдингми? — деди ёнимда ўтирган Шокир ака. — Ўйнаганинда кўрардинг кўргилигингни. Отангнинг олдидан берган ваъдангни эсингдан чиқарганга ўхшайсан.

Мен унга жавоб қайтара олмадим. Нимаям дердим?

Яна ухламоқчи бўлдим, лекин уйқум келмади. Устига-устак, бошим лўқиллаб оғриди. Кўзимни юмиб жим ўтирдим.

Билмадим, орадан қанча вақт ўтди, бир пайт автобус кескин силкиниб тўхтади, учиб кетаёздим. Ҳайдовчининг болохонадор қилиб сўкингани эшитилди. Кейин у бирдан жимиб қолди. Ҳамма: “Нима бўлди? Нима гап?” — дея бўйнини чўзиб олдинга қарай бошлади.

— Орқага! Орқага ҳайданг, — деди ҳайдовчининг ёрдамчиси. — Ўтиб кетиб қоламиз.

— Айтгандим мен сенга: “Шулар билан тенглашма, аралашма уларнинг ишларига”, деб. Ана энди, манглайингдан дарча очиб кетади.

— Кўп гапирмай орқага ҳайданг! — бақирди ёрдамчи.

— Кўрмаяпсанми қўлидагини?! — ҳайдовчи ҳам бақирди.

— Менда қўл телефони бор, — деди ўртада ўтирган бир йўловчи, — милисага телефон қилайлик.

У қўлидаги кичкина аппаратчанинг тугмаларини босди-да, қулоғига тутиб ким биландир гаплашди. Умримда бунақанги матоҳни кўрмаганман, оғзим очилиб қолди. Анграйганимдан унинг нималар дегани ҳам қулоғимга кирмабди.

Бир маҳал автобуснинг олд эшиги очилди, аёллар изиллаб йиғлай бошлади. Олдинда ўтирганларнинг гапларига қараганда, қандайдир машина автобуснинг олдини тўсиб, ундан қуролланган одамлар тушиб автобусга келаётган экан.

— Бу ёққа туш, ўв ҳўкиз! — деган овоз эшитилди пастдан.

Ким экан бу, деб пешонамни ойнага тираб, ташқарига — автобуснинг очилган эшиги томонига қарамоқчи бўлдим.

— Қарама! — деди Шокир ака қўлимдан тортиб.

Мен унга норози бўлиб кўз ташладим.

— Жим ўтир, — деди у яна қўлини илкис силкиб.

Ҳайдовчининг ёрдамчиси пастга тушиб кетди. Бироздан кейин “қарс-курс” этган овоз чиқди. Кимдир ингради. Сўнг бирин-кетин икки киши автобусга чиқди. Бирови қўлидаги тўппончани бироз ўйнаб турди-да:

— Ҳамманг чўнтагингда борини чиқар! Агар ким пулини яширса, итдай отиб ташлайман! — деди.

— Қирғин келсин сенларга! — бақирди аёллардан бири.

— Йўлтўсарлик қилиб мол топгунча очингдан ўлганинг яхши эмасми?!

— Ҳов, манжалақи, яна бир марта сайрайдиган бўлсанг, тилингни суғуриб оламан, тушундингми?! Босиб ўтир-да, айтганимни сумкачангдан чиқариб тур, ҳозир ёнингга бораман! — деди ўша йигит дағал овозда.

Пешонамдан тер чиқиб кетди. Отам бор-йўғи беш юз сўм берган. Йўл ҳақини тўласам, шимилдириқ ҳам қолмасди. Оёқ-қўлим титраб, бутун умидимни кўзимга жамлаб, Шокир акага қарадим. Кўринишидан у мендан бат-

тар аҳволда эди, биров бўғаетгандай тез-тез нафас олар, кўзлари аланг-жалаңг боқарди.

Аксига олиб, зўравон “чўтал” йиғишни энг орқа ўриндиқлардан бошлашини айтди-да, биз томонга лапанглаб кела бошлади.

— Тўхтанг, ука, — деди бир маҳал, боя қўлидаги қанақадир матоҳ билан телефон қилган киши йўлтўсар унинг ёнидан ўтиб кетаётганида ўрнидан туриб, — бир нарсага келишайлик.

Зўравон тўхтаб унга ўгирилди-да, афтини буриштириб қаради:

— Қани, — деди беписанд оҳангда, — нимага келишмоқчи бўлаяпсан?

— Манавини қаранг, ука, — деди йўловчи бояги матоҳини унга кўрсатиб, — нархи қиммат, “кўк”ида етти юз туради. Шунинг сизга берайин-да, бошқаларга тегинмасдан, орқангизга қайтинг.

Йўлтўсар унинг қўлидаги матоҳни олди ва обдон айлантириб кўрди. Сўнг нимадандир норози бўлди, шекилли, афти бужмайди.

— Бунинг нима ўзи? — деб сўради.

— Қўл телефони, — деди йўловчи хотиржам овозда, — бу билан ўзимиз тугул, дунёнинг исталган тоқасига телефон қилиш мумкин.

— Йўғ-э! — деди йўлтўсар кўзлари ҳайратдан чақчайиб, — шунақасиям чиқдимми ҳали?! Қойил, сим-пим йўқ, хоҳлаган жойингга телефон қилаверасан. Қани кўрсатчи, қандай ишлатади буни?

Йўловчи эринмасдан, тугмаларни бирма-бир босиб кўрсатди. Сўнг: “Хоҳласангиз, мана ҳозир Тошкентга телефон қиламиз”, деб рақам тера бошлаган эди, зўравон унинг қўлидан матоҳни юлқиб олди-да:

— Бу ёғини ўзимга қўйиб беравер, — деди ўшшайиб, — лекин-чи, бу аппаратинг билан қорин тўйғазиб бўлмайди. Пул керак, муллажиринг керак бизга. Шунда белимизам бақувват бўлади, қорнимизам тўяди. Майли, буни сендан подаркага оламан. Нима қипти, эслаб юрамиз-да, фалон автобусдан интеллигентний кийинган, гадстукча-

лари осилиб турган одамдан совға деб... Энди чўнтагинг-дагини чиқар!

— Унда телефонни бер, — деди йўловчи бу сафар сенсираб, — биратўла ҳам бўйидан, ҳам энидан урасанми? Ўғри бўл, фар бўл, инсофи билан бўл-да!

— Вой итдан тарқаган, ҳали биз фар бўп қолдикми, ўзинг-чи, ўзинг кимсан?! Манавини, — у кўзи чақчайганча қўлидаги матоҳни кўрсатди, — энангнинг эри ўйнаб юришинг учун бериб қўйдими, ифлос?! Бировни қон қақшатиб, пулига сотиб олгансан, яна етти юз “кўк”ида туради, деб гўддаясан менга?! Чиқар пулни, биринчи сендан оламан!

Йўловчи аста чўнтагига қўлини тикиб, бир пачка юз-талиқни олди-да, эринмасдан, зўравоннинг кўзини ўйнатиб санай бошлади. Ўша содда, гўл (қўполлигини қаранг, отам шу гапга қандай чидаб яшаб юрганига ҳайронман) отам: “Пул топиб, ақл топмаган аҳмоқ”, деган гапни бир неча марта айтгани эсимда бор.

— Эй-й, онангни эмгурдан бўлган, нима қилаяпсан?! Бер ҳаммасини! — дея ўкирди йўлтўсар ва бир юлқиб унинг қўлидан пулларини тортиб олди. — Сен итда яна пул бор, қолганиниям ўз ихтиёринг билан чиқармасанг, ҳамманинг олдида голий қиламан, тушундингми?!

— Кейин-чи, — деди пўрим кийинган йўловчи, — бошқаларга тегинмайсанларми?

Унинг бу гапидан нафақат зўравон, балки автобусдагиларнинг бари ҳайрон бўлди. Ҳа, йўловчилар унинг чўнтагидаги бор ақчасини зўравонга қўшқўллаб тутқазаетганига эмас, балки “геройлик” қилаётганига ажабсиниб қараб туришарди.

— Сен, — деди тажанглашган зўравон, — шунча аёлнинг кўз олдида қип-яланғоч бўлмоқчимисан?!

— Агар яланғоч бўлишимнинг уларга фойдаси тегса...

— Эракмисан, ҳезалакмисан? — унинг гапини чўрт кесиб бақирди зўравон.

Пўрим кийинган йўловчи унга тикилганча жим тураверди.

— Шу қолувди, — деди аёллардан бири бардоши тугаб, — бир камимиз сенинг авратингни томоша қилиш

қолувди. Уялмаган шарманда, бер пулингни ўзингни бунча ерга ургунча!

Унинг танбеҳи бошқа аёлларга ҳам таъсир қилиб, шовқин кўтарилди. Автобус ичида бирпасда ғала-ғовур қупди. Ҳатто бир-иккита аёл ўрnidан туриб ҳам кетди.

— Ҳов! — қичқирди уларга йўлтўсар. — Ўтир ҳамманг! Ўлгинг келдими?!

Энди унинг таҳдидидан аёллар қўрқмай қўйган, бари ечинишга тайёр турган эркакни қарғар, қўллари етса унинг сочидан юлишга, юзини тимдалашга шай эдилар. Пўписаси иш бермаганини кўрган зўравон қўлидаги тўппончадан тепага қаратиб ўқ узди. Бир зумда ғала-ғовур ўрнини қий-чув, дод-вой эгаллади. Аёллар ҳайҳайлашиб жой-жойларига қайтишди, шошганидан баъзилари бир-бирининг устига чиқиб ҳам кетди.

Уларнинг таҳликага тушганини кўриб зўравон маза қилиб кулди. Сўнг бирдан жиддий тортиб:

— Жуда эзмаланиб кетдинг, давай, чўнтагингда борини бу ёққа чўз! — деди бояги йўловчига.

— Бўпти, — деди у ҳам бу гал эзмалик қилиб ўтирмай ва чўнтагидаги бор-будини чиқариб унинг қўлига тутқазди.

— Ўҳ-ҳў! — дея иржайди йўлтўсар қўлидаги пулни салмоқлаб. — Энди анави бармоғингдаги узукни ҳам еч.

— Инсоф қилинглар, — деди йўловчи дадил овозда, — хотинимнинг совғаси бу, ҳеч кимга берилмайдиган.

— Айни шуниси керак-да бизга.

Иягининг остига тўппончанинг учи тиралганидан сўнг, узук ҳам жойидан қўзғалди. Очиғи, унга жудаям ичим ачиб кетди. “Шартмиди ҳамма нарсасидан бирдан айрилиб қолиши? — ўйладим ичимда. — Озгина тилини тийиб турганида, бу падарингга лаънатилар пуллари олиб, қолган нарсаларига тегинмай тушиб кетишарди-ку”.

Бечорани шип-шийдам қилган зўравон автобус охирига келиб ўтирмай, кейинги ўриндиқда ўтирганларни шилиб кела бошлади.

— Манавини ол, — дея биқинимга туртди бир маҳал Шокир ака.

Қарасам, қўлида пул бор.

— Нима қиламан? — пичирлаб сўрадим.

— Анави эшикнинг тагига отиб юбор, — деди у ваҳимали шивирлаб.

Мен зўравондан кўз узмаган кўйи Шокир аканинг қўлидаги пулни олдим. Аммо отиб юборишга улгурмадим. Ташқарида қандайдир машина “ғийқ” этиб тўхтади, кейин “тарс-турс” этган товуш чиқиб, кимнингдир инграгани эшитилди. Миямдан: “Ҳайдовчининг ёрдамчисини бир ёқли қилиб қўйишди-ёв”, деган ўй яшин тезлигида ўтди. Кимдир: “Милиция!” — дея қичқирди.

Зўравон билан унинг ортидан келаётган шериги шошапиша автобуснинг олд томонига югуришди. Аммо орқада кетаётган зўравон эшиккача етиб боролмади. Боягина ҳамманинг кўз олдида ечинишга-да тайёр бўлиб турган ориққина йўловчи ўтирган жойидан сакраб турди-да, ёнидан югуриб ўтиб кетаётган зўравоннинг орқа миясига чунонам мушт туширдик, йўлтўсар овоз чиқаришга-да улгурмай йўлакка юзтубан гурсиллаб қулади. Кейин у бир ҳатлашда йўлтўсарнинг шеригига етиб олди ва икки оёғининг орасига туфлисининг учи билан тепди. Ана энди чинқириқни эшитинг. Ўйлашимча, мендан узоғи билан бир-икки ёшгина катта, манави зўравон акаларининг қаноти остида иягини осмон қилиб юрадиган йўлтўсарваччанинг эркаклиги моматалоққа айланиб кетди-ёв. У нозик жойини икки қўллаб бекитганча, тор йўлакчада буралиб шунақанги ўкирардик, наърасидан баъзи кўнгли бўш хотинларнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Қолган воқеалар кўз очиб юмгунча содир бўлди. Автобус ичига ниқоб кийган, ҳарбий кийимдаги, қўлларида автомат ушлаган бақувват йигитлар қирғийдай учиб киришди. Агар энди ҳақиқий қаҳрамонга айланган ўша йўловчи қизил гувоҳномасини чиқариб кўрсатмаганида, бу йигитлар ҳамма эркакларнинг пешонасига қурол тираб, қўлларимизни орқага қайириб пастга олиб тушар, балки бир-иккитамиз мушт ейишгаям улгурармидик?

— Манави иккаласи, — деди ҳалиги киши.

Бирпасда ниқобли одамлар иккала йўлтўсарни ҳам худди қоп кўтаргандай бир силтаб автобусдан туширишди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай автобусни тарк этишимизга тўғри келди.

Ташқарига чиққанимиздан сўнг қарасам, бир эмас, етита милиция машинаси тепасидаги чироғини айлантириб турибди. Шундагина ҳалиги қўл телефони бор одамнинг йўлтўсарлар билан нега бунча эзмалик қилганини тушунгандай бўлдим. Қизталоқ, у атай вақтни чўзган экан.

Манзилга мўлжаллагидан анча кеч, қуёш уфққа ёнбошлай бошлаган маҳал етиб келдик. Мен нима қилишни билмасдим, карахт бир аҳволда эдим. Шокир аканинг юзидан норозилиги кўриниб турарди. Пешонасини тириштириб, тез-тез нос отиб, зум ўтмай тупуриб ташларди. Нормат ака эса ҳар доимгидек аҳволда, кўринишидан на хафа бўлганини ва на хурсандлигини биласиз.

Автобусдан тушиб, бирор километрча яёв юрдик. Кейин одамлар тўпланиб турган жойга бордик. Тўғриси, бизга ўхшаганлар бунчалик кўп бўлишини ўйламаган эканман. Кўз олдимда гўё ер ёрилган-у, ёриқдан одам бодраб чиққандай. Бири сариқ, бири оқ, бошқаси қора, узун, калта, семиз, ориқ. Биттасининг афти тиришган, бошқасиники қайғули. Ҳамма бесаранжом, яна недандир умидвор. Биз учовлон уларнинг сафига қўшилдик. Шокир ака турганлардан бир-иккитаси билан кўришган бўлди, сўнг биттасидан аҳволини сўради. “Дабдала”, деган қўполгина жавоб эшитилди. “Оббо, — дея ўйладим мен, — энди Нозиманинг олдига нимада бораман? Уфф, қачон қарамайин, омад мендан юз ўгиради”.

Бу Ипподром деганлари ғалати жой экан. Тўғриси, мен бунақа деб тасаввур қилмаганман. Биз турган жойдан сал нарида чойхона бор экан, унинг сўл томонида қатор дўконлар. Қизиғи, бизникига ўхшаш — бири баланд, бири паст, бири кенг, бири тор. Биттасининг томи шифер бўлса, бошқасиники брезент. Шуларни кўриб туриб кайфиятим бутунлай “оёқости” бўлиб кетди. Шу боис, бошқалар қатори бурнимни тортиб, энди ҳеч балодан умид қилмай туравердим.

Бир маҳал узоқдан қандайдир машина кўринди. Одамлар жонланиб қолди. Кимдир: “Бу мошина бизники, ҳаммадан олдин келиб кутиб турибмиз”, дея бақирди. Аммо

машина яқинлашганда “меҳнаткаш” йигитлар уни ўраб олиб, юришига қўймади. Иккитаси юк машинанинг зинасига чиқиб олиб, ҳайдовчининг ёнида ўтириб келаётган одам билан савдо қилишга тушиб кетди. Сўнг:

— Бўлди! — дея мамнун қиёфада бақирди. — Мошина зайнит. Бизнинг бригадамиз туширади, ҳеч ким эргашмасин!

Кошки, унинг гапи бировнинг қулоғига кирган бўлса, машина юриши билан беш-олти одам унинг ортидан эргашди. Мен: “Нима қилдик?” — деган маънода Шокир акага қарадим. У бепарво қўл силтаб, кун ботишга қараб олди-да:

— Ана, кеч тушаяпти, энди юк келади, шошилмаслик керак, — деди.

Хартугул, алдамаган экан, қуёш ботиб, атрофга қоронғилик этагини ёза бошлаганда олдинма-кетин юк машиналари кела бошлади. Шуларнинг биттаси бизга насиб этди. Печенье ортилган экан. Беш киши (бизга яна иккита одам қўшилган эди) бир ярим соатларда юкни дўконга киргизиб тахладик. “Ерга тахляпмиз, зах босиб кетса керак”, хаёлимдан ўтди менинг. Бироқ қайғурмадим, чунки кейин нима бўлса бўлар. Муҳими, ҳар биримизга юкнинг эгаси юз эллик сўмдан берди.

Пулни қўлга олганимдан кейин кайфиятим ўзгарди. Уйимизда шифтга қараб ётиб қилган орзуларим хаёлимда тикланди.

Навбатдаги машина ҳам бизни кўп куттирмади. Атиги ярим соатдан кейин «кока-кола» туширишни бошлаб юбордик. Бу сафар мен қутиларни машинадан пастдагиларга узатиб турдим. Менга Шокир ака ёрдам берарди.

Чамамда, машина яримлаб қолганида қаддимни кўтариб бироз нафас ростлаб, Шокир акага қарасам, у клёнкани йиртиб, ўртадаги идишнинг қопқоғини очиб, боядан бери оғзимдан сувимни оқизаётган «кока-кола»дан ичаяпти. “Вой қизифарнинг боласи, — хаёлимдан ўтказдим, — балонинг калтаги экансан-ку!” Авжим келиб кетди. Шартта битта «кока-кола»нинг оғзини очдим-да, қултуллашиб ичиб олдим. Бирам яйрадимки, бирам яйрадимки, таърифига тил ожиз. Вужудимга қандайдир қув-

ват киргандай бўлди ва янада шиддат билан ишлай бошладим.

Соат тахминан тунги бирларда ошхонага кирдик. Шу маҳалда ҳам бу ер одам билан гавжум экан, амал-тақал қилиб, навбатда туриб, бир косадан палов олдик. Ҳаётимда биринчи марта фақат сувга пиширилган палов ейиш насиб этди. Мазасини, устидаги гўшти чумчуқнинг тилидай майдалаб тўғралганини айтмаганда, оддий ошдан фарқи йўқ. Қорним роса очқаган экан, иштаҳа билан едим. Аммо Нормат ака чимхўрлик қилиб ўтирди.

— Ҳа-а, — деди унга қараб Шокир ака, — ейишинг унмаяпти. Биздан яшириб бирон нима ютганмидинг?

— Шуюм ошми? — жавоб қилди Нормат ака. — Сувга қайнатилган гуруч.

— Нормалнийсини, жўражон, уйингга борсанг, хотинчанг пишириб беради. Бу ерда арзонгинага қорнинг тўйганига шукур қилиб кетавер.

Ярим оқшомдан кейин юк туширувчилар (негадир “мардикорлар” дейишга тилим бормаяпти, дўкондорлардан бири “чоракор” деб чақирганини эшитган эсам-да) камайди. Иш эса кўпайди. Сафдошларимиз нархни кўтарди. Шу пайтгача битта “КамАЗ”ни беш-олти киши юз эллик ва ҳаттоки юз сўмдан туширган бўлса, энди нарх икки юз сўмга чиққанди.

Тонг ота бошлаганида тинкам қуриди. Буни Шокир акага ҳам айтдим. У эса ҳар сафар:

— Ишлагани келдингми ёки энангнинг уйида дам олганими? — дея жеркиб ташларди.

Ҳартугул, соат олтиларда унга инсоф бердим:

— Юринглар, — дея Нормат ака икковимизни қуёш чиқиб келган томонга етаклади. Кўзим юмилиб кетаётганидан қаёққа бораётганимизни билмасдим.

Чамаси бир соатлар юрганимиздан кейин бир дарвоза ёнида тўхтадик. Шокир ака эҳтиёткорлик билан тақиллатди. Кўп ўтмай, юзини ажин босган, сочлари тўзғиган бир аёл чиқиб келди-да:

— Нима керак? — дея сўради афтини бужмайтириб.

— Хола, мардикорлармиз...

— Ҳимм, ухлашга жой керак санларга, — деди аёл Шокир аканинг гапини бўлиб, — кириглар.

Шундай дея у бизга йўл бўшатди. Ичкарига кирдик. Мен кўзимни йириб атрофга қарадим. Бироқ уйқунинг зўрлигидан қовоқларимни оча олмадим.

Биз бир хонага кирдик. Очиғи, эшикни очишимиз билан шунақанги бадбўй ҳид димоққа урилдики, нафасим қайтди.

— Шу ерда ётасанлар, — деди орқамиздан келган кампир.

— Хола, — деди Шокир ака норози бўлиб, — бу ердигиларнинг ўзи бир ёнбошида ётибди-ку, биз қандай сиғамиз? Бизга бошқа хона топиб беринг.

— Банд, ҳамма хоналарда одам бор. Мана, эшикнинг тубида бўш жой бор, санлар ҳам битта ёнбошларингда ётаверасанлар, уч-тўрт соатга ўлиб қолмайсанлар, ноз қиладиган бўлсанглар, катта кўча! — шанғиллади аёл.

Ноилож кўндик. Аввал Шокир ака, кейин Нормат ака ва охирида аканг қарағай эшикнинг тубидан жой олдик. Кўрпа-тўшак ҳақида гапириш ортиқча, шунчаки юпқагина гилам устига чўзилдик. Шунда ҳам гавдамнинг ярми қуруқ тахта устига тушди. Кўзимни юмишим билан уйқуга кетибман.

Ҳа, дарвоқе, айтиш эсимдан чиқибди. Ётишимиздан аввал, Шокир ака ҳамма пулларимизни яхшилаб бекитишимизни тайинлади.

Қанча ухлаганимни билмайман, ора-чора тушимдами, ўнгимдами, ишқилиб, биров орқамдан тепгандай бўлди, яна бироздан кейин қаттиқ нарса тегиб ўтди. Сўнг кимнингдир сўкингани ҳам қулоғимга чалинди. Шунда ҳам ширин уйқумни бузмадим.

Кейин қандайдир қўл баданимни сийпалаётгандай бўлди. Аввалига туш кўраяпман, деб ўйладим. Бироқ қўл икки оёғимнинг орасига кирганидан кейин чидаб туролмадим, кулгим қистаб, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Тепамда соқоли ўсиб кетган, сочлари патак бир одам турар эди.

— Сизга нима керак? — дедим юрагим дукиллаб уриб.

— Тисс, — деди ҳалиги одам лабига кўрсаткич бармо-

гини босиб, — бошқаларни уйғотиб юборасан, ухлайвер.

Мен унга қараб қотиб қолдим. У бўлса секин ёнимдан ўтиб Шокир аканинг чўнтақларини пайпаслай бошлади.

— Ҳов ака, — дедим мен атай овозимни баландлатиб, — нима қилаяпсиз?

— Ишинг бўлмасин, — деди у важоҳат билан менга қараб, — ухла дедим сенга! Бўлмаса ҳозир каллангни сапчадай узиб ташлайман!

Ногаҳон унинг қўлидаги пичоққа кўзим тушиб, бирдан ўрнимдан туриб кетдим. Тураётиб, ёнимда ётган Нормат акани қаттиқроқ тепиб юбордим. У ҳам бирдан чўчиб уйғонди. Аммо мен унга эътибор бермадим. Саросимага тушган кисавурга безрайганча тикилиб туравердим.

— Нима гап? — деди Нормат ака бошини кўтариб.

— Манави... Манави, — деб қўлим қалтираганча бояги одамни кўрсатдим, — чўнтагимизни титкилаяпти.

Менинг гапимдан кейин чўнтаккесар қўлидаги пичоғини Нормат аканинг томоғига тиради-да:

— Финг десанг сўйиб ташлайман, — деди.

Мен нажот истаб хонага кўз югуртирдим. Тўрда тўрт киши бир ёнбошда дераза томонга қараб ётибди. Қолганлари аллақачон чиқиб кетибди.

Шовқиндан Шокир ака ҳам уйғониб кетди. Аввалига карахтланиб турди, вазиятни идрок қилгач, бирдан сўкиниб юборди.

Кисавур пичоқни Нормат аканинг томоғидан олиб Шокир аканикига тиради-да:

— Энди учовинг ҳам яширган пулларингни чиқар, бўлмаса, ҳаммангни бўғизлайман, — деди.

Бу сафар у овозини хийла кўтарганди. Шу боис, тўрдагилар ҳам ўринларидан туриб биз томонга қарашди.

— Бўпти, мен бераман, — деди бир маҳал Нормат ака ва чўнтагини ковлаган киши бўлди-ю, мутлақо кутилмаганда кисавурнинг чотига тепиб юборди.

— Вой итдан тарқаган! — дея оғриқдан ўкириб юборди эгилиб қолган кисавур.

Шу маҳал эшик қарсиллаб очилиб, тўрт нафар девқомат йигит бостириб кирди. Мен уларга энг яқин тургандим, биттаси жағимга қарсиллатиб тушириб қолса бўла-

дими? Зарба шунчалик кучли эдики, гурсиллаб гилам устига қуладим. Шу пайтда кимдир ёмон сўкинди ва: “Мана сенга, мана сенга, ур!” деган овозлар янграй бошлади. Очиғи, ўшанда ким кимни урапти, ким тинмай сўкинапти, идрок этолмасдим. Чунки кўз олдимни туман қоплаб олгандай, қулоғим тинимсиз шанғилларди.

Муштлашиш қанча вақт давом этди, билмайман. Бир маҳал кимдир юзимга сув сепди, секин кўзимни очдим. Нималар бўлганини англаёлмай, гарангсиб ётдим. Кейин сув сепган одам қўлимдан тортди, бир амаллаб ўрнимдан турдим. Бошим лўқиллаб оғрияпти. Аланглаб шерикларимни қидирдим. Ажабо! Улар ёнгинамда туришарди. Фақат Шокир аканинг лабининг бир чеккасидан қон оқар, Нормат ака эса кўзлари ўт бўлиб ёниб, қизариб-бўзариб турарди. Ерда бўлса, боягина бостириб кирган девқомат йигитлар инқиллаб-синқиллаб ётишарди.

— Яхшимисан, ука? — деди Нормат ака елкамга қўлини қўйиб.

Мен “ҳа” дегандек бошимни қимирлатдим.

— Унда тезроқ бу худо қарғаган уйдан кетайлик, ҳали бу итваччаларнинг қолганлари ҳам келиб қолиши мумкин.

Биз апил-тапил ташқарига чиқдик ва мен қайрилиб пастаккина, сувоқлари кўчган уйга разм солиб қарадим.

Кечаси уйқум зўрлигидан, ҳали айтганимдай, маҳалла оралаб келганимизни пайқамаган эканман. Баланд-паст уйлар оралиғидаги тор йўлдан кетиб бораяпмиз. Шокир ака жағи тинмай Нормат акани мақтайди. Зўравонлар мени уриб ағдарганларидан кейин Нормат ака қутуриб кетибди. Уларни шунақанги тепкилаб ташлабдики, Шокир ака анграйиб қолибди.

— Қаердан ўргангансан бундай муштлашишни? — деди Шокир ака.

Нормат ака жавоб қилмади. Индамай бошини эгганча кетаверди. Бироздан сўнг Шокир акадан:

— Қаерда турамиз энди? — дея сўради.

— Яна битта жой бор, лекин анча узоқ, тахминан яна икки километрча юрамиз, ўзиям маҳалланинг охирида. Эгалари яхши одамлар. Ҳамманиям қўявермайди. Икки

кун ётиб кетганман. Ҳар қалай, кўз таниш бўлиб қолган-миз, бизга жой берар, — деди Шокир ака.

— Амаллаб борармиз, тинч бўлса бўлгани, — деди Нормат ака.

Нихоят Шокир ака айтган жойга етиб бордик. Хийла батартиб уй экан. Хонадон эгалари ҳам кўринишларидан ёмон одамларга ўхшамади. Шокир акани дарров танишди. Лекин бошида жой йўқлигини, энди ижарага одам қўймасликларини айтиб, изимизга қайтариб юборишмоқчи бўлишди. Шокир ака астойдил ялиниб, кунига уч юз сўмдан беришни ваъда қилганидан сўнг, ноилож рози бўлишди.

Бизга ажратилган хонага кўпи билан тўрт киши сиғарди. Бунинг устига, кўрпа-ёстиқлари ҳам бор экан. Қолаверса, ювиниш хонасига ҳам бемалол кириб чиқишимиз мумкин.

— Бундан зўрини топиб бўлмайди, — деди Шокир ака кўрпачалардан бирини тўшаб устига ўтирар экан, — хўжайинлар — эр-хотин қариб қолишган, нарсаларимизни ҳам бемалол қўйиб кетишимиз мумкин. Биров тегинмайди.

— Айтиб бўладими? Яна бирорта хонасига одам қўйса... Ҳозир ўғридан кўпи бормикан, ўзимизга пишиқ бўлиб, бор ашқол-дашқолимиз... — Нормат ака тутилиб қолди. — Ўзи қанчагина нарсамиз бор?

Дарвоқе, у энди гапга қўшиладиган бўлиб қолганди.

Хуллас, биз жойлашиб олганимиздан кейин, яна икки соатлар чамаси дам олдик, сўнг ювиниб ишга отландик.

Пайшанба катта бозор бўларкан, Қозоғистондан савдогарлар келиб мол олиб кетишар экан, иш кўп.

Мен ҳар бир машина юкини тушираётганимизда ўзимча чўнтагимдаги пулнинг ҳисобини оламан, назаримда, ҳали камдай туйилаверади-да, қоним қайнаб, бошқалар битта яшиқни кўтарганда мен иккитасини ташишга улгураман.

Бир сафар Шокир ака билан Нормат ака бошқа бир бригадага қўшилиб кетиб қолишди-ю, гала бегоналар орасида қолдим. “Майли, шу сафар дам олиб турай, улар қайтиб келганларидан кейин бошқасига бирга бораман”,

дея бир четда тургандим, қорин қўйган, пўрим кийинган бир одам келиб:

- Ишлайсанми? — деб сўради.
- Ҳа, — жавоб қилдим мен хурсанд бўлиб.
- Шерикларинг борми?
- Улар юк туширишаяпти, айтиб келайми?
- Керакмас, юр бу ёққа.

Мен унинг ортидан эргашдим. Ўзимча: “Ҳозир бораман-у, икки-учта одамнинг ишини битта ўзим қилиб ташлайман, кейин уч баробар пул оламан, акалар ҳайрон қолишади”, дея хаёл қилиб кетаяпман.

Унча узоқ юрмадик, чойхонадан эллик қадамча ўтганимиздан кейин, ўнг томондаги биринчи дўконга кирдик.

Менга иш бермоқчи бўлган одам кирган заҳоти дўконнинг ичидаги бир одам билан тортишиб кетди. Мен бўсағада уларга анграйиб қараб турибман.

— Ҳов, паразит! — дея ўқирди бир маҳал мени эргаштириб борган одам ортига ўгрилиб. — Бу ёққа кел!

Мен қўрқа-писа унинг ёнига бордим.

— Сан ишлайсан-а! — деди у газабланиб.

Мен довдирай бошладим. Ҳеч нарса деёлмайман. Унинг баттар жаҳли чиқди ва хезланиб аввал бўйнимга, кейин кекирдагимга мушт туширди. Оёғим ердан узилиб учиб кетдим, тахлаб қўйилган қутиларга бориб урилдим. Қутидаги нарсалар устимдан тўкилди. Бир қаттиқ нарса белимга урилиб, инграб юбордим. Шунда мени урган одам жуда ёмон сўкинди. Ёшлигимдан онамнинг номини айтиб сўқинишса қўтаролмасдим, жунуним қўзиб, муштлашишга тушиб кетардим. Сўкинган кишининг ёши катта, кучим етмайдиган одам бўлса, қўлимга илинган нарса билан урардим, тавбасига таянмагунча тинчимасдим. Шундай ҳам бўлганки, оғзи-бурним қонга беланиб, ожизлигимдан ҳўнграб йиғлаганман. Ҳозир ҳам ўрнимдан сапчиб турдим-да, қўлимга илинган қути билан мени бу ерга алдаб олиб келган одамнинг бошига аямасдан урдим. Бахтига, картон қути экан, унга ҳеч нарса қилмадию, боши қутининг ўртасидан ёриб чиқди. Назаримда, у мендан буни кутмаганди. Шу боис, аввал довдираб қолди,

қизариб-бўзарди. Шу лаҳза миям яшин тезлигида ишлаб кетди ва яна битта қути билан унинг бошига солдим. У бир лаҳза менга термилиб кўзи олайиб турди-да, кейин гурсиллаганча орқасига қулади. Энди қочиш керак эди.

Ташқарига қадам қўйганимни биламан, калламга бир нима қарсиллаб урилди. Бошимни ушлаганча, нафасим тиқилиб, ҳарсиллаб қочдим. Тўғриси, ўшанда қаёққа кетаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Мақсад — қочиш, анавилардан узоқлашиш. Ниҳоят, оёғимдан дармон кетиб, тўхтадим ва бурилиб ортимга қарадим. Мени ҳеч ким қувламаётган экан. “Ўл-а! — дея янидим ичимда ўзимни-ўзим. — Юрак ҳам қуённиқидан баттар экан-да”. Лекин негадир хурсанд эдим. Ҳар қалай, боғладим. Ҳақимни бериб қўймадим. Энди бировга қўл кўтаришдан олдин у ёқ-бу ёқни ўйлайди.

Бироқ бироздан кейин кайфиятим тушиб кетди, чунки энди мардикорлар ёнига боролмас, бирорта иш қилолмас эдим. Бошим қотди, нима қиларимни билмай, анча муддат ўйланиб турдим. Миямга тузукроқ бирор фикр келмади. Шундан сўнг, Шокир ака билан Нормат акани топмоқчи бўлдим. Энди битта илинжим шулардан. Ҳартугул, Нормат аканинг қўлидан икки-учта одамни бир ёқли қилиш келаркан. Ўлибдими, бу сафар ҳам яккалатиб қўймас. Кўзим жиққа ёшга тўлди, ўксиндим ва тез-тез юриб уларни қидириб кетдим.

Йўқ, юк тушираётганлар орасида улар кўринмади. Сўнг мардикорлар тўдалашиб турган жойга яқин бордим. Улардан беш-олти қадам берида тўхтаб, мушукка ўхшаб пойладим. Юрагим гурсиллаб урар, елкамдан бир дунё хавотир босарди.

Мени дўконига олиб бориб урган одам билан шериги кўринмади. Лекин барибир кўнглимда ҳадик бор, ваҳима босади. Назаримда, у пойлаб тургандай, тўдага қўшилишим билан, кела солиб, ёқамдан бўғадигандай туйилади. Шу боис, пойлаб туравердим. Билмадим, қанча турдим. Бир маҳал Шокир акага кўзим тушди. У елкасининг чангини қоқиб, “ҳамкасблар”ининг ёнига келаётганди. Энтикдим, югурганча унга етиб олдим.

— Ака, — дедим йиғламсираб, — бунақамас-да энди.

— Нима бўлди? — сўради у овозимдан хавфсираб.

Мен гапирмадим, йиғлаб юборишдан уялдим, ортимга ўгирилиб кета бошладим. Табиийки, у: “Тўхта, тўхта”, дея орқамдан эргашди. Икки-уч қадам юргунимча, ҳар қалай, бироз ўзимни босиб олдим ва тўхтаб ортимга ўгирдим. Қаердандир Нормат ака пайдо бўлибди.

— Ака, — дедим энди Нормат акага мурожаат қилиб, — менга уришишни ўргатинг.

Гапимдан иккаласи ҳам ҳайрон бўлиб, бир-бирига қараб олишди.

— Ҳов бола, — деди Шокир ака, — гапир бундай, нима бўлди ўзи?

Шундан кейин мен уларга бўлган воқеани айтиб бердим. Гапимнинг охирида:

— Отамга ваъда берувдингиз-ку, Шокир ака, қараб юраман деб, — дея ўпка-гинамни ҳам билдириб қўйдим.

— Ким юр деса кетаверасанми, эшшак?! — бақирди Шокир ака. — Сал одамнинг турқи-тароватига қараш керак, кимлигини билиш керак, ундан кейин ишга борилади-да!

Мен гинг демадим, бошимни эгиб туравердим. Бунга сайин, Шокир ака жазовага тушиб, боласини уришгандай бидирлайверди.

— Қўйинг, ака, — деди охири Нормат ака уни “сай-раш”дан тўхтатиб, — бу ҳали ёш бола-да, яхши билан ёмоннинг фарқини қаердан билсин? Бу-ку, майли, ўзимиз ҳам ҳозир биров етакласа, кетаверамиз, тўғрими? Кетдик, ҳали иш кўп. У ёғи бир гап бўлар. Дунё сўроқсиз эмас-ку, магазини бўлгани билан осмонни ушлаб турмагандир.

Унинг гапидан кўнглим кўтарилди, ҳурматим ошди. Худди ўзимнинг акамдай кўриб кетдим. Сал қолди кучоқлаб олишимга. Шу маҳал ёнимизга бир йигит келди. Ёши ўттизлар атрофида.

— Йигитлар, иш бор, қиласизларми? — дея сўради.

— Неча пул берасиз? — сўради Шокир ака унга бошдан-оёқ қараб чиқиб.

— Кароче, эллик сўмдан. Фақат яна учта одам. Сизлар камлик қиласизлар.

— Нима иш? — деди Шокир ака.

— Битта тунука бор. Шунини узоғи билан бирор километр наридан олиб келишимиз керак.

— Қўшинг.

— Ўзи битта тунука бўлса, нимасига қўшаман?

— Биз қиладиган меҳнатимизга яраша сўраяпмиз. Бир километр жойга бориб келгунча битта мошинадаги юкни туширса бўлади, олти киши. Юздан ками кам.

— Бўпти, етмиш беш! Бирпасда бўлади.

Шокир ака кўнди, мен хурсанд бўлдим. Ҳар қалай, анави ярамаслардан узоқроқ, кўнглим хотиржам бўлади. Ҳеч кимдан хавфсирамайман.

Бозордан чиқиб, бироз тепаликка юрдик. Дарахтзор бошланди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, ҳеч ким гапирмайди, жим кетиб борамиз. Ора-чора дарахт шохида бир қуш сайраб қўяди. Юракка гулгула тушади. Шериклардан ортда қолмасликка ҳаракат қиламан. Ҳеч юракнинг ўйноғи босилмайди. Сабабки, қабристон ичидан кесиб ўтаяпмиз. Тўғриси, қабристонга кундузи боришга қўрқардим, ҳозир оқшомда юришнинг ўзи бўладими? Ўлганнинг устига тепгандек, олдинда кетаётган иш берувчи: “Эҳтиёт бўлларинг, эски қабрлар омонат, босволиб ичига тушиб кетманглар тағин”, деб огоҳлантириб қўядики, одамнинг юраги ортига тортиб кетади.

Масжидга ўхшаган бир иморат қурилаётган экан: пишиқ ғиштдан терилган баланд деворлари битган, устига шифер қоқилган, лекин ҳали эшик-роми ўрнатилмабди. Бино ичига кирдик. Тўғриси, аввалига ичкарига оёғим тортмади. Чунки кинода кўргандим, одамларни мана шундай овлоқ жойга олиб келишиб, отиб ташлашади. Бироқ ташқарида қолишга ҳам юрагим бетламасди, чунки йигирма қадам нарида, баланд-паст, бирининг атрофи панжара билан ўралган, бошқасининг усти, қоронғида яхши кўринмайди-ю, ҳар қалай, бетонми, мрамарми, ишқилиб, нима биландир ёпилган қабрлар дўмпайиб турибди.

Йўл бошловчи тимирскиланиб ниманидир топди-да:

— Келинглари, кўтаринглари, — деди.

Биз у айтган нарсани ушладик, ҳақиқатан ҳам, қанақадир тунука экан. Эни икки метрча келади-ю, лекин

узунасига олти-етти метрдан кам эмас. Оғирлиги ҳам шунга яраша. Олти кишилашиб инқиллаб-синқиллаб кўтардик. Сўнг уни бинонинг ичидан олиб чиқиб, оптимизга қайтдик. Йўлак хийла тор, гоҳ-гоҳида юмшоқ жойларни ҳам босардик. Эҳтимол, бу қабрди, оёқ остига қарашнинг эса иложи йўқ.

Хуллас, айтилган манзилга тунукани элтиб бердик, очиги, бўларим бўлди. Айниқса, ўша одамнинг дўкончилардан бири билан талашиб-тортишиб: “Ока, бу нарсани қимматга олганман”, деган гапини эшитганимда, устига-устак, ваъда қилинган пулдан йигирма беш сўмдан қисиб қолганида, қоним кўпчиди.

— Манавини олиб қўйинг, — дея у берган пулни Шокир акага узатдим.

— Нега? — деди у.

Чироқ ёруғида унинг ҳам норозилиги шундоққина юздан кўриниб турарди.

— Кейинроқ берарсиз. Менга сал илвирагани тушибди. Йиртиб қўяман, пулларингизнинг орасига қўйсангиз, яхши туради.

Бу оқшом ҳам тонг отгунча ишладик. Шерикларимдан камроқ топдим-у, лекин улардан кўпроқ чарчабман. Оёғимни судраб ижара уйга етиб, бошим ёстиққа тегиши билан ухлаб қолдим. Одатда, мен камдан-кам туш кўрардим. Кўрган тушларим ҳам эсимда қолмасди. Ишонасизми, қишлоққа оппоқ “Нексия” миниб борибман. Ҳамма мени кутиб олгани чиққанмиш. Олдинда отам, укаларим турибди. Улардан сал орқароқда Нозима. Пушти ранг кўйлак кийиб олган, сочларини алламбало қилиб, лабини қизилга бўяган... бир сулув-бир сулув эмишки, кўриб кўзимга ишонмасмишман. Яна қариндош-уруғимиз бир четда қолиб, айнан унинг ёнида машинамини тўхтатибман-да:

— Қани, хоним, ўтиринг, — дебман илжайиб.

У ҳам атрофидагиларга “кўриб қўйинглар” дегандек кеккайиб бир сидра қараб чиқибди-да, секин машинага ўтириб, менга жилмайибди. Оҳ, ўшанда унинг сулувлигини бир кўрсангиз эди! Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам бу дунёсидан кечиб юборган бўлардингиз! Аммо

ширин лаҳзалар узилди, кимдир: “Онагинангни...”, деб сўкди. Ортимга ўгирилиб қарасам, отам. “Ўлдим!” — деб бақирибман ва машинадан туша солиб қочибман...

У ёғини билмайман, нима бўлди? Уйғониб кетдим. Қарасам, шерикларим аллақачон ўринларидан туриб, ювиниб ҳам бўлишибди. Соат кечки бешни кўрсатиб турибди. Ноилож жойимдан турдим.

Кўрган тушим ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Юрганим-даям-турганим-даям хаёлимда айланаверади. Машина миниб қишлоққа борганимга хурсанд бўлсам, отамнинг сўкканидан эса кайфиятим тушиб кетади. Шунданми, билмадим, ишимнинг ҳам тайини бўлмади.

Орадан ўн кун ўтди. Анча-мунча пул жамғариб қўйдик. Энди бу пулларни ўзимиз билан олиб юришимиз ёки ижара уйда (гарчи бу ер аввалгисидан ишончлироқ бўлса-да) қолдириб кетиш хавфли эди. Хотин, бола-чақасидан хабар олиб келиш учун Нормат ака қишлоққа кетадиган, биз бир кун ейиш-ичишимизга етадиган пул олиб, қолганини унга бериб юборадиган бўлдик. Лекин мен унинг кетишини ҳечам истамаётган эдим. Ҳар қалай, камгап бўлса-да, Шокир акадан кўра, унга кўпроқ суяниб қолгандим. Хоҳламаётганимнинг яна бир сабаби эса, мени урган ўша дўкончининг (уни бошқа кўрмадим, балки бирон ёққа кетгандир, эҳтимол, шу жипириқ бола билан муштлашиб юраманми, дея қўл силтаб қўя қолгандир) мени қидириб келиб қолишидан хавфсираётгандим. Аммо начора? Унинг бола-чақаси қишлоқда, хабар олиб келиши керак.

Орадан икки кун ўтиб, у қайтиб келди. Айтишича, отамнинг димоғи чоғ бўлибди: “Лақманинг боласидан ҳам одам чиқаркан-да”, деганмиш. Бу гап менга алам қилиб, Нормат акага ўқрайиб қарадим. Назаримда, у менинг, отамнинг, умуман, уруғ-аймоғимнинг лақмалигини эсимга солаётгандай, камситаётгандай эди.

— Ишқилиб, бериб юборган пулларимиздан чўнтагингизда оз-моз қолиб кетмадими? — дедим унга ҳам бир ниш санчиб қўйиш мақсадида.

— Ни-ма?! — деди у бирдан кўзи олайиб устимга бос-тириб келаркан. — Яна бир қайтар-чи!

— Кўй, — деб унинг олдини тўсди Шокир ака, — ёш бола, билмай гапириб қўйди-да. Шунга уришишинг керакми? Кап-катта, бола-чақали одам...

— Йўқ, эшитдингизми унинг гапини... Ҳов бола! — деди у ўқрайиб. — Бир тийинингни обориб бермайман энди. Сволич! Яхшилиқни билмаган ҳайвон!

Шунақанги тилим қичидики, зўрға тишимни-тишимга босиб чидаб турдим. Биламан, агар бирор нима дейдиган бўлсам, аяб ўтирмайди. Бундай пайтда жим туриш — энг яхши йўл (ўша пайтда мен соданинг шунга ақлим етганини қаранг).

Шундан кейин ҳам анча вақтгача Нормат аканинг қовоғи очилмади. Шокир акага гапиради-ю, менинг юзимгаям қарамайди. Ўлай агар, ёрилиб кетай, дедим. Охири кечирим сўрадим. “Билмай гапириб қўйибман”, дедим. Шу-шу олам гулистон, аввалгидек ака-укага ай-ландик.

Бозор энди қишлоғимдай бўлиб қолди. Қаерда нима сотилади, дўкони қанақа-ю одамлари — хуллас, менга беш қўлдай маълум. Энди қаерга бўлса, шерикларимсиз кетавераман. Шундай кунларнинг бирида биз макон қурган чойхона ёнидаги майдончага (дарвоқе, бу чойхонанинг бошлиғи ғалати эди. Бошида оппоқ салла, эгнида оҳори тўкилмаган чопон, оёғида ялтираган маҳси-калиш, чиройли соқол қўйган. Лекин оғзидан боди кириб шоди чиқади. Қаердан бу сўкишларни ўрганган экан, деб ўйлаб қоласан киши. Яна денг, қўлида, албатта, қамчи бўлади. Мабодо, мардикорлар унинг чойхонаси яқинида тўпланиб қолишса, аяб ўтирмайди: инидан учиб чиқиб дуч келган одамни савалаб кетади) кўзойнакли, галстук таққан, қўлида пакет кўтариб олган бир киши келди. У аввал эринмай мардикорларни кузатди. Сўнг менинг ёнимга келиб:

— Бир иш бор эди, ука, — деди мулойим жилмайиб.

Очиғи, унинг юмшоқ муомаласидан ҳайиқдим, бироз орқага тисарилиб:

— Қанақа иш? — дея сўрадим.

У кулди. Менимча, чўчиганимни пайқаб шундай қилди.

— Агар, — деди юзидаги ҳалимликни ўзгартирмай, —

бир-иккита акаларингиз (шу пайтгача ҳеч ким, ҳатто укаларим ҳам мени сизламаганди, ғалати бўлдим) ёки шерикларингиз бўлса айтинг, улар ҳам боришсин. Бир ўзингиз эплаёлмайсиз. Камида икки киши керак. Томга шифер қоқиб берсанглар бўлди. Кўп эмас, узоғи билан йигирматача.

Тўғриси, ўшанда: “Юр, иш бор”, деганида, ўлақолсам ҳам бирга кетмаган бўлардим. Лекин нима ишлигини очиқ айтганидан сўнг бироз ишончим ортиб, қишлоқдошларимни қидирдим. Нормат акани топдим-у, лекин Шокир акани кўрмадим. Кетиб қолибди бир машина ортидан. Ҳалиги нотаниш одамга: “Ҳозир келаман”, дедим-у, Нормат аканинг ёнига югурдим. Бориб қанақа иш чиққанини айтдим.

— Яхшиям вақтида усталик ҳам қилган эканман. Бор-сак бораверамиз. Бугун душанба. Юк кам бўлади. Шу баҳона шаҳарниям томоша қиламиз, — деди у.

Бозордан чиқиб, машинага ўтирдик (бетон йўлнинг ёқасида унинг мен орзу қилган оппоқ “Нексия”си турган экан). Унгача “клиент” (мен бу сўзни шу ерда эшитгандим) бизнинг исмимизни сўради. Кейин ўзиникини айтди: “Мен Маҳкам Тўраевич бўламан”. “Тўраевичига бало борми? Оддийгина: “Маҳкамман”, деса ҳам бўлаверади-ку! Бу шаҳарликлар бунчалик ўзларига бино қўйиш-маса?! Юриш-туришини айтмаса ҳам бўлади. Гапийам сипсиллик, ғадир-будур йўқ”, дея ўйладим. Албатта, бу — ҳозир айтаётган гапларим. Ўша пайтда у шунчаки Тўраевичлигини айтганида, менга ёқмаганди.

Оппоқ “Нексия”да ўзимни жуда бошқача ҳис этдим, гўё машина меники-ю, ҳайдовчим рулда ўтирибди. Ястаниб орқа ўриндикда ўтирибман. Пиёда кетаётган одамлар кўзимга бечораҳол бўлиб кўринади

Ғўдайиб ўтириб манзилга етиб келганимизни сезмай қолибман. Қаршимизда ҳайҳотдай кўкимтир дарвоза турибди. Маҳкам Тўраевич ёшига ярашмаган чаққонлик билан машинадан ирғиб тушди-да, қўнғироқни босди. Биласизми, ўшанда сезиб қолдим: у тугмачани жуда эҳтиёткорлик билан босган эди.

Бироз ўтиб, дарвозанинг кичкина табақаси очилди. Ва...

ичкаридан тўлишган ойдай сулув бир санам чиқиб келди, оғзим ланг очилиб қолди. Очиғи, спорт кийими кийган қиз болага шаҳарга келганимдан бери кўзим кўп тушган. Аммо бунақаси... Юзи сутга чайилгандай оппоқ, қоп-қора сочлари елкасини тўлдириб турибди, қайрилма қошу узун киприklar узукка кўз қўйгандай. Келишган қадди-қоматига-ку, очиғи, таъриф йўқ. Менман деган рассом ҳам кўзи билан кўради-ю, лекин ўхшатиб чизолмайди. Буниси аниқ. Чунки бу қизга кўзи тушса, тамом, ҳайратдан қотади. Менга ўхшаб довдирайди... Фақат... Чунки қизғанасиз, қизғанмай иложингиз йўқ. Унинг табассумини бир кўрсангиз эди. Юрагим гупиллаб уриб кетди. Бутун танамга титроқ кирди. Пешонамга тер тепчиди, чамамда. Бутун дунёни унутиб, дарвоза ёнида хиёл эгилиб отасининг юзидан ўпиб қўяётган қизга бақрайганча қараб қотиб қолибман.

Аммо сулув биз томонга бир қараб ҳам қўймади, дарвозадан қандай чиқиб келган бўлса, шундай ичкарига кириб кетди. Дарвозани эса Маҳкам аканинг ўзи очди.

Ичкаридаги манзарани таърифлашга тил ожиз. Икки қаватли уй қаср, ҳовли ўртасида фаввора отилиб турибди, сал чапроқда ҳовуз. Атрофи кўм-кўк майса. Ҳовуз билан фаввора оралиғида чиройли шийпонча бор, фақат усти очиқ. Уларга алоҳида-алоҳида йўлакчадан борилади. Йўлак четида турли-туман гуллар очилиб ётибди, кўриб кўнглинг яйраб кетади.

Маҳкам ака бизни тўғри шийпонча томон бошлади.

— Мана шунинг устига шифер қоқиш керак, — деди.

Узоғи билан икки соатлик иш. Қўйиб берса, ўзим бунинг уддасидан чиқаман. Маҳкам аканинг юзи рангпар, ўзиям нимжондай. Шиферни ўзи қоқиб ташласаям бўлаверарди, ҳарна, озгина чиниқарди. Бе, бунақанги бойваччалар қўлини совуқ сувга урармиди? Тайёр овқатни оғзига солиб чайнасяям катта гап... Лекин бизни олиб келгани ҳам яхши бўлди-да. Баҳонада анави қизни кўрдим. Дунёда шунақанги сулувлар ҳам бор экан.

— Шифер подвалда. Ҳозир обориб кўрсатаман, — деди Маҳкам ака.

Ертўла, тўғрисини сизга айтсам, бизнинг қишлоқдаги

меҳмон кутадиган уйимиздан ўн барабар катта. Бу ерда ҳам ҳовуз. Стол-стул. Оёқ остига чўғдай гилам тўшалган. Юмшоқ ўриндиқлар... У ёғини мендай қишлоқнинг содда боласи қандай таърифласин?

Ишни бошладик. Очигини айтадиган бўлсам, жон-жаҳдим билан ишладим. Бу сафар кўпроқ пул ишлайман, деган ниятим йўқ эди. Қани, бояги соҳибжамол ҳовли-сига чиқса-ю, ишимни кўрса. “Ҳаракатлари чаққонгина бола экан”, деса. Яна ора-чора, туя ҳаммомни орзу қилгандай, ўша соҳибжамол билан гаплашишдан ҳам умидвор бўлиб қўяман.

Эътибор бериб қарасам, Нормат аканинг ҳам қўли-қўлига тегмаяпти. Жаҳлим чиқиб кетди. “Иккита боланинг отасисан, жа ўлиб-тирилиб ишламасанг ҳам бўларди. Бундай қизлар менга ўхшаган бўйдоқларники”, деб ўйладим. Ўшанда, ўнта болали эркакнинг ҳам кўнгли борлиги, гўзалликка дуч келганда унинг ҳам меҳри товланиши хаёлимга келмабди. Буни кейинчалик тушуниб етдим.

Файрат қилиб ишни анча тез уддаладик-да, юз-қўлимизни ювиб, кетишга шайландик. Шайланиш қаёқда дейсиз, мажбур эдик кетишга. Ичимизда-ку, шу ерда қолсак, деб ўлиб тургандик.

— Ичкарига киринглар, овқатланиб кетасизлар, — деди ювинаётганимизда Маҳкам ака.

Биз, албатта, номигагина “йўқ” дедик. Буни Маҳкам ака ҳам тушунди, чамаси, астойдил қисталанг қилди. Шу боис, оёқларимизни ювишимизга тўғри келди. Сабабини ўзингиз тушунасиз, оёғимиздаги матоҳ эрталаб кийилса, ётар маҳал ечиларди, ундан атир ҳиди келмаслиги аниқ.

Ичим тўлиқиб бораётир, ўша соҳибжамолни, ҳеч қурса, овқатланадиган жойимизда бир кўриб қолсам керак, деган умидда эдим. Бироқ, чучварани хом санаган эканман — қорасини ҳам кўрсатмади. Ёши элликлардан ошган аёл овқат олиб кирди. Ҳатто Маҳкам ака ҳам биз билан ўтирмай, ёқимли иштаҳа тилади-ю, чиқиб кетди. Нормат ака билан рўпарама-рўпара ўтириб, овқатландик. Сўнг бир-икки пиёла чой ичиб, энди ўрнимиздан турмоқчи эдик, Маҳкам ака кўз-қошларига бўёқ чаплаган, сочини

ҳам ғалати турмаклаб олган аёлни эргаштириб кириб келди. Аёл бизга ёқимсизгина иржайиб қараб:

— Яхши ишларкансизлар, йигитлар, — деди жарангдор овозда, берган саломимизни эшитмаганга олиб, — тепадан қизим билан бирга кузатиб турдим. Бундай чаққон ишлайдиган йигитлар ҳозир кам топилади, тўғрими, адаси, — деб гапини эрига тасдиқлатиб олди-да, сўнг давом этди: — Шунинг учун сизлар, тўғрироғи, сиз, — деб у мени кўрсатди, — бизникида қолиб, майда-чуйда ишларни қилиб юрсангиз-чи? Эвазига “Ипподром”да ишлаб топаётганингиздан кўпроқ ҳақ тўлаймиз. Яна тоза юриб, тоза ейсиз. Уй-ётоқ муаммоси бўлмайди.

Мен ичимда қолай деб ўлиб турган бўлсам-да, савол назари билан Нормат акага қарадим. У: “Билмасам”, дегандек елка қисди.

— Яхши, — деди аёл, — сизлар бир-бирингизга яқин одамларга ўхшайсизлар. Маслаҳатлашиб олинглар, беш минутдан кейин яна гаплашамиз.

Улар ошхонага қандай кирган бўлишса, шу тахлит чиқиб кетишди.

— Нима қилай? — сўрадим Нормат акадан.

— Ўзинг биласан. Лекин, тўғриси, қолганинг ҳам маъқул. Битга таланиб, эшакдай ишлаганингдан кўра, бу ҳовлида маза қилиб юрганинг тузук. Унақанги оғир иш буюришмаса керак. Бир соатда ҳаммасини тахлаб ташлаб, кейин дам олиб ётсанг ҳам бўлаверади. Отанг ҳам хавотир олмайди. Меникига ўхшаб қишлоқда болаларинг чирқиллаб қолгани йўқ. Булар ёмон одамларга ўхшамайди. Муомаласини кўрдингми? Анави қизи даҳшат экан. Тўғриси, мениям ичим куйиб кетди. Афсус, худди хотинсиз қолиб кетадигандай уйланиб олибман-а! Лекин сен йўлини топсанг, куёв қилиб олишиям мумкин.

Шу гапнинг ўзи менга етиб-ортди. “Ҳаммасидан кечсам кечаманки, шу қизни бир бало қилиб илинтираман”, деган ўй ўтди хаёлимдан ва эру хотин қайтиб келган ҳамон розилигимни билдирдим.

Шундай қилиб, Нормат ака кетди. Мен бўлсам, бир дунё орзуларга берилганимча қолдим.

Аввал яп-янги кийим-бош беришди. Сўнг ҳаммомни

кўрсатишди. Бир яйраб чўмилдим, бир яйраб чўмилдим — у ёқ-бу ёғи йўқ. Ўзиям баданимдаги кир бир жойларимда ўрмалаб юрган майда махлуқларга қўшилиб тушиб кетди.

Янги кийимларни кийиб ҳаммомдан чиққанимда, учиб кетгудай шаҳдим бор эди. Кайфиятим чоғлигини айтмасам ҳам бўлаверади. Яна денг, йўлакда анави соҳибжамол билан дуч келиб қолдим, шундоқ ёнгинамдан менга ним табассум инъом этиб ўтиб кетди. Ў-ў, ўлиб қолаёзим. Худди уни биринчи бор кўрганимдагидай юрагим тез уриб кетди.

Ошхона ёнида бизни кутиб олган аёл мен учун ажратилган хонани кўрсатди. У... Яхшиси, келинг, биринчи қаватни ўзим кўрганимча таърифлаб берай.

Ташқаридан киришингиз билан катта залга рўпара бўласиз: эни саккиз-тўққиз метр, бўйига ҳам шунча, қандайдир айлана шаклида. Ҳинд киноларини кўрган бўлсангиз, тасаввур қилаверинг, шуларникига ўхшаб кетади. Ундан иккинчи қаватга зина бор. Тагин, кираверишда чап қўл томонга эшик очилган — бу ошхона. Нормат ака иккаламиз овқатланган жой. Тўғридаги эшикни очсангиз, йўлак келади. Ҳаммом шу ёқда, чамамда, ҳожатхонаям бор. У ерда иккита эшикни кўрдим, бироқ улардан қаёққа кирилади, очиги, ҳозирча билмайман. Менга беришган хонага ўнг томондаги эшикдан кирилар экан. Уйдаги бошқа хоналар сингари бу ер ҳам алоҳида таъмирланган, оёқ остида чўғдай гилам. Тўрда юмшоқ каравот. Мендай қишлоқ боласига бундан ортиқ яна нима керак? Ўзимни жаннатга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Кувончим ичимга сифмай кетди.

Орадан ярим соатча ўтиб, хонадон аъзолари билан танишув маросими бўлди. Уй бекасининг исми Индирахон экан. Лекин у исмини айтишимни бошданоқ тақиқлади, “Опажон”, деб чақирасиз”, деди табассум билан. Менга нима фарқи бор? Опажон дейманми ёки бошқами, унга ёқса бўлди-да. Шу пайтгача у ёқ-бу ёқни кўрсатиб юрган аёл асли рус экан, ўзбекчани биздан кам билмаскан, исми Соня, бироқ уни уй эгалари Сора деб чақиришаран. Менинг юрагимга чўғ солган офатижонга эса Ниго-

ра деган исм кўйилганига ўн етти йил бўлибди. У танишув маросимида кўринмади. Хонасида бир нима билан шуғулланаяпти, деб кўйишди.

— Элдоржон исмли эрка ўғлимиз бор, — деди Индира опа, менинг ёшимни-ю исмимни, қишлоғимни билиб олганидан сўнг. — У Англияда ўқийди, сиздан бор-йўғи икки ёшгина катта. Бошқа нарсаларни вақт-соати билан билиб олаверасиз. Ҳа, айтиб кўяй, рухсатимизсиз, биронта ортиқча ҳаракат қилмайсиз. Келишдикми?

— Ҳўп бўлади, — дедим мен итоаткорлик билан.

— Яшанг, — деди Индира опа.

Шу маҳал Нигора хонасидан тушиб келди. У онасининг ёнидаги юмшоқ курсига ўтириб оёқларини чалиштирди ва мафтункор табассум билан менга қаради.

Юрагим ўйнаб кетди. Ҳалигина худди шундай табассумидан энтиккандим. Ундан олдин қиз бола ҳам шундай сулув бўлишини ўйлаб ҳайратга тушган эдим. Аммо унинг кўз қараши бу қадар ўткирлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган экан. Бир қарашнинг ўзидаёқ жонингни суғуриб олиб кўя қолади.

Довдираб турганимни пайқади, шекилли, қиз кулиб юборди.

— Ҳов бола! — деди Индира опа ҳам жилмайиб. — Агар қизимга шундай тикилаверсангиз, ҳайдаб юбораман.

Менга энди бошқа гапнинг кераги йўқ эди, ер ёрилмадики, кириб кетмадим. Ўзиям шолғомдай қизариб-бўзариб бошимни эгдим. Бу аҳволимга қизнинг завқи келди, шекилли, қиқирлаб кулиб юборди. Мен баттар ўсал бўлдим. Маҳкам ака ўзининг борлигини билдириб кўйиш учун томоқ қирди, мен ўзим сезмаган ҳолда эшик томон бир-икки қадам ташладим. Очиги, йигит бўлиб бундай ноқулай аҳволга тушмагандим.

— Кўйинглар, — деди Маҳкам ака, — қишлоқнинг содагина боласини уялтираверманглар.

Унинг гапи менга бироз таскин бердими, тўхтадим. Хонадан чиқиб кетолмасдим ҳам. Чунки ихтиёрим аллақачон анави Нигоранинг кўлига ўтиб бўлганди.

— Бугун кечгача, Нодиржон, хонангизга кириб дам олинг, — деди Индира опа эрининг гапидан кейин.

Елкамдан гўё тоғ ағдарилди, чаққон юриб ошхонадан чиқиб кетдим.

Хонамга кириб, талай муддат шифтга термилиб ётдим. Хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқдим. Кўз ўнгимдан Нигоранинг табассуми кетмайди. Анчагача ўзимга келолмадим. Ҳаяжонимни босай деб каравотдан тушиб, дераза ёнига бордим ва ойнадан ташқарига қараб турдим. Шу маҳал негадир қишлоққа кетгим, кўримсизгина, ғариб кулбамизга кириб, юзимни ёстиққа қўйиб ётгим келди. Ўгирилиб каравотимга қарадим, ҳа, бу жой мен учун жуда юмшоқлик қиларди. Ҳали бу каравотда қанча ётишимни ўйлаб, очиғи, юрагим орқага тортиб кетди.

Тошкентга келганимдан бери бир маза қилиб тўйиб ухласам, дердим. Мана, энди уйқуданам зерикдим. Тезроқ хизматкор аёл келса-ю, менга юмуш буюрса. Аммо ундан ҳадеганда дарак бўлавермади. Ташқарига чиқиб кетолмасам. Чунки рухсатсиз хонани тарк этишим мумкинмас, деб ўйлардим.

Хуллас, амал-тақал билан кунни кеч қилдим. Ўзимча ташқарига чиқиш учун баҳона ўйлай бошлагандим, эшик тақиллаб қолди. Сўнг: “Нодиржон”, деган хизматкор аёлнинг овози эшитилди. Хурсанд бўлиб кетганимдан сакраб турдим, югуриб бориб эшикни очдим.

— Сени Индирахон чақираяпти, — деди у майин товушда, — манавиларни кийиб чиқаркансан.

Шундай дея у қўлидаги жинси шим билан юпқагина кўк футболкани берди.

Мен дарров кийимларни кийиб, ошхонага бордим. Аммо у ерда Индира опа йўқ эди. Ҳовли томонда машинанинг товуши келди. Шу ёққа югурдим. Қарасам, хонадон маликаси қоп-қора чет эл машинаси (“Мерседес”-лигини кейинроқ билдим) ичида талтайиб ўтирибди. Машинага бу аёлнинг ўтириши жуда мос тушган, кўрган одамнинг ҳаваси келарди.

— Дарвозани очайми? — сўрадим ёнига бориб.

У тасдиқ маъносида бош силкиди. Дарров амрини бажо

келтирдим. Машина кўчага чиққанидан кейин дарвозани ёпдим. Индира опа машина ойнасини тушириб:

— Ёнимга ўтиринг, — деди.

Индамай кетаяпмиз. Менинг бир нарсаларни сўрагим келади-ю, оғиз очишга ийманаман, кўнглига ўтирмайдиган гап айтиб қўймай, деб чўчийман ҳам. Йўл-йўлакай опа менга бир-икки қараб қўйди. Қарашидан пайқашимча, мен нимадир дейишим керак. Кошки, шу маҳал тилимга тузукроқ гап кела қолса. Опанинг қарашига маънисиз, қуруққина қараш билан жавоб бериб қўя қолдим.

— Мошина ҳайдашни биласизми? — сўради опа ниҳоят менга тагин нигоҳ ташлаб қўйиб.

— Йўқ, — дедим мен бош чайқаб.

— Чатоқ экан. Ничего, ҳали ўрганиб кетасиз. Нигора ҳайдашни биледи-ю, лекин унга кўпам ишонавермайдиман. Бечора қизим ўқишига таксида бориб келади.

— Нигора ўқийдими? — деб сўрабман ўзим ҳам сезмаган ҳолда.

Опа кулиб қўйди-да:

— Конечно! Юридическийда! Биринчи курс. Ўз кучи билан кирган, — деди фахрланиб.

Мен миямда ҳисоблашга тушиб кетдим. “Агар ўн еттига кирган бўлса, энди мактабни битириши керак. Қандай қилиб ўқишга кирди экан?.. Опа мени лақиллатаётганга ўхшайди. У ўн еттига кирмаган, ёши каттароқ. Кўринишидан ҳечам ўқийдиган қизга ўхшамайди. Пул билан киритган... Айтганча, қизиям менга тикилиб қаради-ку. Лекин ҳеч ким индамади. Қайтанга мени уялтиришди. Мабодо бизнинг қишлоқда бирорта қиз ота-онасининг олдида бегона йигитга шундай қараса борми, сўйиб ташлайди. Буларда бемалолгарчилик экан-да”. Ҳисоб-китобдан бошланган ўй-хаёлларим ўз-ўзидан мана шундай чалкашиб бошқа томонга кетди. Ўйларимни Индира опанинг овози бўлди. Мен унинг нима деганини англаёлмадим. Шу боис:

— А-а? — дедим.

— Хаёл қаёқда? — кесатди Индира опа.

Шу лаҳзада каллам ишлаб кетди.

— Анов мошинга қараб қолибман, — деб олдимизда

кетаётган Индира опанинг уловидай ҳашамдор машина-ни кўрсатдим.

— Кўрдингизми, одамлар тўрт кунда “БМВ”нинг сўнгги моделини миниб юришибди. Ҳаракат қилса, эришади ундан ҳам зўрига. Лекин-чи, гўзалликни яхши кўраркансиз-а, бу, қайсидир томондан, тузук. Интиласиз-да...

У шундай деб гапини чала қолдириб, мен тушунмайдиган тилда қандайдир қўшиқни хиргойи қила бошлади. Бироз хотиржам тортдим ва ойнадан атрофни томоша қилиб кетавердим.

Машина деразалари қорамтир, девори, ўша кезларда нималигига менинг ақлим етмайдиган, аллақандай нарса билан қопланган бино ёнига тўхтади. Кираверишда кўзим пештоқидаги узундан-узун, ярми қизил, ярми яшил рангдаги ҳарфларда ёзилган “Супермаркет Саратон” деган ёзувга тушди. Бунинг дўконлигини айтсам, ҳозир одамлар кулиши мумкин, аммо ўша пайтда, ҳақиқатан ҳам, унинг дўконлигини мен билмасдим. Ичкарига кириб безаклари кўзни қамаштирадиган турли-туман егулик, ичкиликлар ва яна аллабалоларни кўрганимдан кейингина харид учун келганимизни тушундим.

Индира опа пулнинг бетига қарамас экан, кўзига яхши кўринган, кўнгли тусаган нарсаларни нархини сўрамай менинг қўлимдаги саватга солаверди. Ваҳоланки, мен ишлаган бозорда бу нарсаларни арзонга сотиб олса бўларди.

Хуллас, ярим соат ичида учта сумкани тўлдириб, дўкондан чиқиб, орқамизга қайтдик.

Эртаси кuni мен майда-чуйда ишлар билан овора бўлдим. Бир-икки марта Нигорага кўзим тушди. У хонасида ўтирарди. Зерикмаганини қаранг! Мен бўлсам ёри-либ ўлардим.

Одам бир жойда ҳафта-ўн кун яшаса кўзи шу жойга ўрганиб қолар экан. Кўрганларим энди мени ҳаяжонлантирмайди, азалдан шу қасрдай ҳовлида яшаб юргандай индамай кетавераман. Фақат Нигорани кўриб қолсам ёки овозини эшитсам ҳали ҳам ичимда титроқ пайдо бўлади, лекин гаплашишга кўрқардим. Мабодо гаплашиб қолсам Индира опа қувиб юборади, деган хавотирим ҳам бор.

Гап у берадиган пулда эмас, албатта. Кувса, яна “Ипподром”га бориб мардикорчилик қилиб юравераман. Қайтанга эркин бўламан, хоҳласам ишлайман, хоҳламасам ижара уйда оёғимни узатиб ётаман. Энг ёмони, қувилсам, Индира опанинг қизи — соҳибжамол Нигорани кўриб туришдан маҳрум бўламан.

Уни энди кўрмасдан туролмайдигандайман. Унинг ҳаёли мени буткул ўзига боғлаб олган, ажрасам, ўлиб қоладигандайман, назаримда. Бу нарса кундан-кунга кучайиб бораяпти.

Бора-бора, ўзим сезмаган ҳолда, унинг жамолини кўриб қаноат ҳосил қилмайдиган бўла бошладим. Бошда, зарурат бўлмаса-да, бирон ишни: “Қилайми, қилмайинми?” — деб атай ундан сўрардим. Унинг жавоби эса, доим бир хил: “Билмадим, ойимлардан сўранг”. Дарвоқе, кузатувларимдан аён бўлдики, бу уйдагилар Индира опанинг амрига бўйсунаркан. Эри Маҳкам ака кўғирчоқдай гап. Индира опанинг измидан бир қарич четга чиқмайди.

Эрталаб ишга (дарвоқе, у институтда дарс берар экан. Уни дастлаб кўрганимдаёқ домла бўлса кераг-ов, деб ўйлагандим. Адашмаган эканман) шошаётган бўлса-да, чой ичмай опани кутиб туради. Бошқа масалада-ку, қўяверасиз: “Индирахон, хўп-хўп...”, “Индирахон, шу ишни қилсак қандоқ бўларкан?” “Индирахон, сиз нима дейсиз?” Баъзан унинг гаплари энсамни қотирадиди, дод деб юборгим келарди. Қишлоғимизда эркак кишининг хотинини сизлаганини эшитмаганман. Бунисиям майли, аммо ҳожатхонагаям маслаҳат сўраб борса, чизган чизигидан чиқмаса — бунисини ҳазм қилиш қийин бўларкан. Тўғри, қишлоғимизда ҳам бор бир-иккита хотинининг қулига айланганлар, лекин улар ҳам бунчалик паст кетмайди. Ҳар қалай, кўп ишларни ўз ихтиёрлари билан қилади.

Шунга қарамай, Маҳкам аканинг бир нарсасига қойил қолардим. Уйда ўзининг алоҳида ишхонаси бор эди. Бир-икки марта Сора опа ўша хонани тозалаётганида мени чақирган, оғирроқ столни суриб бергандим. Ишонасизми, у ердаги китобларни бирма-бир ўқиб чиқиш у ёқда турсин, санагунча тинка-мадорингиз қуриб кетади. Маҳкам ака ана шу китоблар орасида кунига камида беш-

олти соат ўтиради. Ўқийди, бир нарсаларни ёзади, шунчалик берилиб кетадики, хонасига кирганингизни сезмайди. Бундай пайтда уни ҳеч ким, ҳатто Индира опа ҳам безовта қилмасди. Фақат мен бошида билмасдан кириб қолганман. Сора опа роса койиб берган: “Иккинчи бундай қилма, агар Маҳкам ака ишлаётганда уни безовта қилсанг, сени кечиришмайди”, деган.

Чалғидим шекилли. Нигора ҳақида гапираётгандим. Хуллас, уни аста-секин ўзимга ўргатиб олдим. Энди елкасини қисиб, кулимсираб: “Билмадим, ойимдан сўранг”, демайди. Мен билан чиқишади. Куни кеча: “Гулнинг тагини юмшатиб, ундан кейин сув қуйиш керакми ёки сув қуйиб қўйса ҳам бўлаверади?” — дея сўрадим. Аслида, гулларнинг парвариши билан мен шуғулланмасдим. Сора опадан ортмайди бундай ишлар. Буни Нигора ҳам билади, бироқ бироз ўйланиб турди, сўнг мен билан гаплашгиси келдими: “Сиз нима деб ўйлайсиз?” — деб саволимга савол билан жавоб берди. Гапимиз туппа-тузук қовушиб кетди. Нигорахон билан бир соатдан мўлроқ суҳбатлашдик. Шунинг учун бўлса керак, мана, бугун у мени ўзининг хонасига чақириб турибди. Ичимда шунанга бир ҳаяжон тошиб келяптики, таърифлашга мендай содда қишлоқ боласида забон қани?!

— Мумкинми? — дедим Нигоранинг эшигини биров эшитмайдиган қилиб тақиллатиб, сўнг қия очарканман.

— Бемалол, — деди Нигора юмшоқ курсидан тураркан, — кираверинг.

Унинг хонасидан хушбўй ҳид димоғимга урилди. Шунданми, киришим билан кайфиятим кўтарилди. Кўзимга фақат Нигора кўринди. Хонасидаги қимматбаҳо жиҳозлар ва умримда энди кўриб турган компьютер деган телевизорга ўхшаш нарсага эътибор бермабман ҳам.

— Мана бу ерга ўтиринг, — деди у иккита юмшоқ курсидан бирини кўрсатиб, — сиз билан гаплашгим келди. Зерикиб кетдим. Кўчага чиқишга эринаяпман.

Менга ҳам шу лаҳзада бундан бўлак ҳеч нарса керак эмасди. Умуман, бу уйда мени тутиб турган аслида Нигора! Шу боис, гапи тугар-тугамас, кўрсатган жойига ястаниб ўтириб олдим ва эшикка хавотирланиб қараб:

— Опа билиб қолсалар (тез кунда тошкентча лаҳжада гапиришга кўникиб қолгандим) хафа бўладилар-да, — дедим.

— Хафа бўлмайдилар, ўзим чақирдим дейман, — дея Нигора хавотиримни тарқатди. — Компьютерда ўйин ўйнашни биласизми?

— Нима у компьютер? — деб юборибман содда бўлмасам.

Нигора қиқирлаб кулди ва ёнидаги стол устида турган телевизорга ўхшаш матоҳни кўрсатиб:

— Мана шу компьютер, — деди.

Мен гўл шундаям тилимни тийиб турмай:

— Унда ўйин ўйнаса бўладими? — дедим ажабланиб.

Бу гапимдан ҳам Нигора ҳузур қилиб кулди. Сўнг:

— Бўлмасам-чи, оддий нарса-ку, ўзим ўргатиб қўяман, — дея узун киприкларини пирпиратди.

— Яхши бўларди, — дедим мен, — фақат бу ерда кўп ўтиролмайман-да.

— Дарров ўрганиб оласиз. Лекин ҳозирча компьютерни қўйиб турайлик. Мен ундан ҳам роса зерикканман. Яхшиси, қишлоғингиз ҳақида гапириб беринг. Мен ҳечам қишлоқда бўлмаганман. Тўғри, Бўстонлиққа — дачамизга кетаётганда, кўп қишлоқларнинг ёнидан ўтганмиз.

— Қишлоқ... — дейишим билан тилим тутилди, чунки туйқусдан қишлоғимиз кўз олдимга келди-ю, уйдагиларни соғинганимни ҳис қилдим. — Бизники кичкинагина, санасангиз, юзтача оила яшайдиган қишлоқ. Кўчалари чанг, ўйдим-чуқур. Лекин оёқяланг тупроқ чангитиб юриш маза. Ёзда одам яйрайди, чўмиладиган жойлар кўп.

Шундай дебман-у, хаёл суриб кетибман: қишлоғимиз ўртасидан кесиб ўтган ариқни, дарахтларни, пастқам уйимизни, отамни, укаларимни...

— Ҳей! — деди бир маҳал Нигора кўли билан туртиб. — Нега ўйланиб қолдингиз?

“Ялт” этиб унга қарадим. У шунақанги гўзал табассум билан тикилиб турардики, меҳрим аввалгидан икки баробар жўшиб кетди.

— Кечирасиз, — дедим айбдор одамдай қизариб.

— Кетгингиз келдими? — деди у меҳрибонлик билан.

— Йўғ-э, ўзим, шунчаки, ўйланиб қолибман.

— Унда, бир нарса сўрасам майлими? — дея айёрона жилмайди у.

— Бемалол.

— Қизингиз борми? Севган қизингиз.

Мен баттар қизардим. Нигорага қарашга ботинолмай компьютер томонга юзланиб:

— Йўқ, — деб жавоб қилдим. Ваҳоланки, худди шу маҳал кўз ўнгимдан синфимизнинг аълочиси, қишлоғимизнинг энг олд қизларидан бири — Нозима ўтган, унинг: “Энди мен сизни ака дейман”, деган сўзлари қулоғим остида жаранлаган эди. Бироқ мен севаманми-йўқми, билмасдим. Ахир, у шу гаплари, қолаверса, ёзган хати билан менга бўлган муносабатини билдирган, лекин шунда ҳам менинг юрагим жиз этмаган эди.

— Нега? — сўради Нигора ўзини ажабланаётгандай кўрсатиб.

— Билмадим, — дедим елкамни қисиб.

— Қишлоқларингда чиройли қизлар йўқми?

— Кўп. Лекин уларни бошқалар яхши кўради-да.

— Нима қипти? Мана, масалан, мен кўчага айлангани чиқсам, йўқ деганда иккита бола гап отади. Кўзи билан тешиб юбораман, деганлариям кўп бўлган. Мактабни битираётганимда, болалардан олган хатларни институтдагилари билан қўшсам, битта китоб бўлади. Ёнимга келиб, қўлимни сўраганлари қанча! Ўшалар, масалан, бошқа биров менга севги изҳор қилишганини билишади-ку! Шундай бўлсаям, барибир гапираверишади. Биласизми, бир марта учта ўртоқ севги изҳор қилган. Ўшанда уларнинг устидан қотиб қулганман.

— Мен ундай қилолмайман.

— Биламан. Сиз жуда уятчансиз. Кейин соддасиз. Беғубор содда. Мана шунақа одамлар менга ёқади.

Унинг охири гапи бошқача таъсир қилди. Қандайдир куч вужудимга эниб, Нигоранинг кўзига қарадим. Қизнинг юзида табассум йўқ, кўзида эса бошқача бир ўт бор эди. У мени худди оҳанрабодай ўзига тортар, юрагимдаги қўрқув, ҳаяжон қаёққадир ғойиб бўлганди. Мен қаердалигимни, бу сулув хўжайинларимдан бири эканини унут-

гандим. Шундай эса-да, танам юрагим измига бўйсунмади, нимадир мени орқага тортди. Орадан бирор дақиқалар ўтиб мен аста-секин ўзимга кела бошладим. Шу маҳал кўлимнинг устида бир нима турганини ҳис этдим. Унинг тафти борган сайин кўлимни куйдирарди. Бу, шубҳасиз, Нигоранинг оппоқ узун бармоқлари...

“Ғийқ” этиб эшик очилиб қолса денг! Нигора чаққон кўлини тортиб олди. Мен дик этиб ўрнимдан турдим. Бўсағада Индира опа турарди. Унинг қошлари чимирилиб, қовоқлари уйилганди. Юрагим “шиғ” этди: “Ўлдим, энди бу хотин мени шарманда қилиб ҳайдайди”, деган ўйдан тиззам қалтираб кетди.

— Ҳа-а, йигит! — деди опа киноя билан. — Бу ерда сиз нима қилиб ўтирибсиз?

— Ойи, мен ўзим чақиргандим, — ёнимни олди Нигора. — Каравотим остига соткам тушиб кетувди. Кўлим етмади. Каравотни суришга чақирувдим.

Нигоранинг овози қалтираб кетди. Билдимки, у ҳам онасидан бошқалар каби ўлгудек қўрқар экан.

— Ҳар нима бўлгандаям, йигит киши қиз боланинг хонасига кириши мумкин эмас. Ана, каравотни суриш керак бўлса, Сорани чақир, бундан кейин хонангда Нодирни кўрмайин, — деди Индира опа қизига қараб, сўнг менга юзланди-да, — сиз ҳам уққандирсиз, яхши йигит? — деди кўзлари билан тешиб юборгудек бўлиб.

— Хўп, хўп, — дедим мен чайналиб.

— Қани, бу ердан марш!

Ёмон изза бўлдим. Ҳовлига чиқиб у ёққа-бу ёққа бориб келаман. Ҳеч ўзимни босолмайман. Индира опа кўзимга жуда хунук кўриниб кетди, илон ундан беҳроқ эди. Бундан кўра, “Ипподром”да машиналарнинг орқасидан югуриб юрганим яхшийди. Чунки биров: “Нега югураяпсан? Орқангга қайт, сенга пишириб қўйибдимми?” — демайди, деган тақдирдаям, тўпиғимгача келмайди. У ерда Нигора йўқ, ҳамма бир-бирига қўпол гапирарди. Шунга ўрганишган. Шусиз бировга гап уқтириб бўлмайдиам.

“Ўзи мени нега олиб қолди? Мен ялиниб-ёлвормагандим-ку. Агар Нигорани кўрмаганимда, бошимдан тилла

сочганидаям рози бўлмасдим бу ялмоғизнинг хизматини қилишга. Бунинг устига, қизининг хонасига мен ўзим кирганим йўқ-ку... Итни ҳайдагандай ҳайдайди”. Хаёлимдан шу фикрлар ўтаётган лаҳзаларда мен ўзимни жуда осмон тутаётганимни билмасдим. Ҳолбуки, нима бўлган тақдирда ҳам, айбдорлигимни ҳис қилмасдим. Агар Нигора билан яна озгина ўтирганимда нима бўларди? Ҳамма нарса кундай ойдинлашганди-ку!

— Нодирбек, — чақириб қолди Индира опа ичкаридан.

Мен овоз келган томонга ўқрайиб қарадим, кейин оёғимни зўрға судраб унинг ёнига бордим.

— Бугун уйга меҳмон айтиб қўйганман, Сора опанг билан бирга бозорга чиқиб келасанлар. Тез кийимларингни алмаштир.

Индира опа гўё ҳеч нарса бўлмагандай буйруқ берарди. Ҳатто юзида қувонч аломатиям бордай. Бу мени ажаблантирди. Ёшлиқдан бир одатим бор: биров билан гапим сал келишмай қолса, қайтиб юзига қарагим келмайди. Опанинг ўзини тутишидан жаҳлим кўзиди. “Боплаб уришдимми, энди тезда буйруғимни бажар”, деяётгандай. Аммо ҳеч нарса деёлмадим, бошимни қимирлатиб, маъқулладим, холос.

Индира опа билан супермаркетда савдо қилганимда, унинг қўли очиклигига тушунмагандим. Сора опа ҳам ундан қолишмас экан. Бозордаги сархил меваларнинг нархини суриштирмай: “Икки кило, уч кило тортинг”, деб айтавераркан. “Менга нима, — ўйладим охири, — пулим кетмаётган бўлса, билганини қилмайдим?”

Бозорлаб келишимизга узоғи билан икки соатча вақт кетди. Нарсаларни олиб кетаётиб, ошхонада Нигорага дуч келиб қолдим. Унинг юзида ҳам хафалик аломати кўринмади. Жилмайиб, кўзини қисиб қўйди. Шу билан кўнглимдаги ғубор тумандай тарқаб, кайфиятим кўтарилди. Авжим келиб, сулувга бир нима демоқчи эдим, анави анакондадан қўрқдим ва хаёлимга: “Наҳотки шу илондан ҳам фаришта туғилса?!” — деган ўй келди.

Нигора ошхонадан тез юриб чиқиб кетди. Кўнглим хуфтонга айланди-ю, лекин у тўғри қилди. Ҳозир Инди-

ра опа (қизини кўрганимда уни илонга ўхшатгим келмасди) кириб қолса, яна бир нималар деб иккаламизниям чақади.

Тайёргарлик зўр бўлди, меҳмонхонадаги стол устига ёзилган дастурхоннинг кафтдай жойи очиқ қолмади ҳисоб: қази-қарта дейсизми, “кока-кола”дан тортиб, турли хил спиртли ичимликлар дейсизми, шўр данаг-у бодом дейсизми — ҳаммаси тахт. Буларни кўриб: “Меҳмон каттароқ идорада ишласа керак”, деб ўйладим. Ўйим нотўғри чиқди. Куёш ботиб, атрофга қоронғилик этагини ёзган маҳали, бир-биридан юпун, калта, очиқ-сочиқ кийинган семиз-ориқ, узун-паст олти нафар аёл кириб келди. Индира опа уларни ўзгача тавозе билан кутиб олди. Фақат Маҳкам ака хонасидан чиқмади. Ҳеч ким уни безовтаям қилмади.

Меҳмонлар билан бирга Индира опанинг ёнидан Нигора ҳам жой олди. Уям гарчи ўзининг уйида эса-да, ясан-тусан қилиб олибди. Яна денг, калта юбка билан қизил футболка кийиб олган, киндиги кўриниб турибди. Фашим келди. Бироқ на илож? Бирон нима дейишга рухсат йўқ.

Очиғи, бу аёлларнинг эркаклардан фарқи йўқ экан: қадаҳларини тўлдириб ароқ ичишади, оғизларини тўлдириб овқат чайнашади. Хохолаб кулишади. Гапларини-ку, айтишга тилим бормайди. Дастлаб эшитганимда қизариб-бўзариб кетдим. Кейин... кейин даврадаги кайфият таъсир қилдими, кўникиб қолдим. Шу боис, ҳеч уялмасдан Сора опа сузиб берган таомларни уларнинг ёнига ташийвердим.

— Вой-вўй! — деди оппоқ елкасидан кийимни кўтариб туриш учун ғалтак ипидай келадиган ип ўтказиб олган, кўкрагининг ярми очиқ, қоп-қора сочлари елкасига тушиб турган, ўттизлар атрофидаги жувон менга қараб. — Бундай кетворган йигитни қаердан топа қолдингиз, Индира опа?

— Топамиз-да! — илжайиб жавоб қилди Индира опа.

— Менгаям шунақасидан битта топиб беринг. Бунинг бўй-бастини!

Аёлларнинг нигоҳи менга қадалди. Юзим ловуллаб ёниб кетди, уялганимдан тез чиқиб кетмоқчи эдим, бироқ:

— Яхши йигит, тўхтанг! — деди ҳалиги жувон. — Сиз билан яхшилаб танишиб олайлик.

Даврада кулги кўтарилди. Мен эса тамом бўлдим. На- жот истаб аввал Индира опага, кейин Нигорага қарадим. Аммо улар жилмайишиб, меҳмоннинг гапини қувватла- гандай туришарди.

— Йигитчани кўрқитиб юбординг, Гул! — деди давра- дагилардан бири. — Қара, бечора шолғомдай қизариб кетди.

— Ўзимнинг жоним! — деди ўша Гул деганлари. — Қизарганида янаям чиройли бўлиб кетаркан.

Менинг яқин бормаслигимга кўзи етди, чоғи, ўрнидан туриб ёнимга келди ва билагимдан сиқиб ушлаб, Индира опага юзланиб:

— Исмлари нима бу шаҳзоданинг? — деди.

— Ўзидан сўранг, Гуляхон, — жавоб қилди Индира опа.

— Унда ўзимиз танишиб оламиз, қани, бу ёққа юринг, — деб у ўзи ўтирган столга етаклади. Оёғимга тегирмон тоши боғлаб қўйилгандай эди, ҳеч қадам босолмайман Гўё туш кўраётгандайман.

Гуляхоннинг ёнида ўтирган аёл дик этиб ўрнидан ту- риб, тўрдан жой олди ва менга стулини бўшатди.

Ўтиришим билан Гуляхон катта пиёлани тўлдириб ароқ қуйди-да, қўлимга тутқазди:

— Қани, исмингизни айтиб, мана шу пиёлани битта оқ қилиб беринг, — деди.

— Мен, — дея довдирадим, — ҳалиги, ошхонада тарелкалар бориди...

— Э-й, туради тарелкалар, ҳозир кераги йўқ. Қани, олинг!

Аммо мен ичолмадим, қўлимдаги пиёлага термилганча ўтиравердим.

— Индира опа, — деди шунда Гуляхон, — бирон нима денг. Бўлмаса, шундай шакар йигитни потеря-ю, по-ж-а-л-с-та, хотяби раз. Для меня.

— Гул. У менга жудаям керак. Мы с ним скоро полетим. Так что, его не заставляй.

Индира опанинг гапига тушунмадим. Лекин ичимда тарафимни оляпти, деб суюндим. Аммо Гуля мени қўйиб юбормади.

— Мне всеровно, куда будети летат. Он сегодня мой. Давай, ичинг. Бўлмаса, уялиб қоласиз.

Ана шу лаҳзада кўзим Нигорага тушди. У ўқрайиб қараб турар эди, иложини топса, мени қучган жувонни юмдалаб ташлагудай. Шундан сўнг: “Зора, шу падар лаънатини ичиб, шу билан қутулсам”, деган ўйда бир кўтаришда пиёладаги ароқни ичиб юбордим.

— Маладес, — қарсак чалиб юборди Гуля ва юзимдан ўпиб қўйди.

Шуниси етмай турганди. Одамни шунчалик калака қиладими? Шартга ўрнимдан турдим. Гуля қўлимга ёпишди.

— Ешё не всё, — деди у, — энди рақсга тушамиз.

Уни даврадаги аёллар қўллаб:

— Гу-ля! Гу-ля! Гул-я! — деб қичқиришга тушишди.

— Биз ҳали бу билан Таиландга боришимиз керак, қўйвор, ишини қилсин, — деди Индира опа.

Бу гапни, назаримда, мендан бошқа ҳеч ким эшитмади. Томошага сабри чидамаган Нигора ўрнимдан турдида, ташқарига чиқиб кетди. Менинг эса бошим айланиб, кўзим тина бошлади.

Хаёлим чирмовуққа ўхшаб ёлишиб олган Гулянинг бачкана (ҳар қалай, менга шундай туйилаётганди) қилиқларидан аччиқланиб, мени рашк қилиб чиқиб кетган Нигорада эди. Ҳозироқ унинг кўнглини кўтаришим ва меҳмонларнинг ёнига бошқа кирмаслигимни айтишим зарурдек туйилаверди. Шу боис, гарчи оёқларим чалишаётган бўлса-да, Гулянинг бўйнимга чирмашган қўллари олиб ташлашга уриндим. Елимни бир амаллаб кўчириш мумкиндир, лекин бу жувоннинг ёпишқоқ қўллари ни ажратишнинг имкони бўлмади. Оч қоринга ичилган бир пиёла ароқ ҳам ёрдам бермади. Димоғимга урилаётган хушбўй атир ҳиди кайфимни кўтарди, чамамда, қулогимга аёлларнинг қаҳқаҳаси мойдай ёқар, кўксимга ти-

ралиб турган юмшоқ тўшдан эса ақлимни йўқотар даражага келган эдим.

— Гуля, — деди бир маҳал Индира опа жувоннинг қўлидан тутиб, — бу йигитча бор-йўғи хизматкор. Паст кетма, жоним!

Мени чақмоқ ургандай бўлди, зумда кайфим тарқади. “Чирмовуқ”ни бир силтаб чангалидан чиқиб кетдим ва Индира опага юзландим. Аммо айтмоқчи бўлган гапларим ичимда қолиб кетди, чунки эшикдан кириб келган Нигора:

— Тез Сора опанинг ёнига бораркансиз, — деди менга қараб.

Ошхонага кирганимда, юзим лов-лов ёнарди. Миям тинимсиз ғувиллар, кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Энг ёмони, Нигоранинг олдида ўзимни гуноҳкор сезаётгандим.

Ошхонада Сора опа йўқ, демак, Нигора атай ёлғон гапириб мени чиқариб юборган. Ақлига қойил қолдим. Қиз бола бўла туриб, мени ноқулай вазиятда қолдирмади. Ҳа, у нафақат гўзал, мафтункор, балки ниҳоятда ақлли ҳам...

Нигора ҳақидаги ўйларим ниҳоясига етмай ошхонага ўзи кириб келди:

— Қалайсиз, раққос? Сизнинг чиройли йигитлигингизни мендан бошқалар ҳам илғади-я! Анави иккита тарелкани олинг-да, дарров ичкарига киринг. Сизни кутиб қолишди. Фақат тез бўлинг, — деди у ва чиқиб кетди.

Очиғи, ҳеч балони тушунмадим. Бу сулув қиз ичкаридагилардан мени рашк қилмаганмиди? Атай бу ёққа чақирмаганмиди?.. Қизнинг амрига бўйсуниб, стол устидаги бўш ликопчалардан тўрттасини олдим-да, тагин ғалаговур меҳмонхонага бош суқдим ва яна Гуляхоннинг чангалига тушдим.

— Индира опа, — деди у қўлимдан ушлаб ёнидаги бўш стулга ўтқизаркан, — он хоть кто, мне очень понравился, сейчас таких трудно найти. Шунинг учун ўзимнинг жоним опам, менга совға қила қолинг!

Унинг гапидан кейин даврада шўх кулги кўтарилди. Русчанинг “р” ҳарфини ҳам тушунмайдиган мендай ча-

ласавод бу гапларни қандай англасин? Шу боис, анойилигимни сездирмаслик учун бошимни эгиб олдим. Бироқ қоним қайнай бошлади: “Мен нима, буюмидимки, тўғри келган одамга совға қилишса?”

— Я, — дея гапида давом этди кулгидан бироз ноқулай аҳволга тушган жувон, — шунақанги, аёлларни хушламайдиган йигитларни уважаю, чесна-чесна слова.

— Давайте, — деди тўрда ўтирган сариқ сочли жувон, — сыграем, чтонибудь, ким ютса, парен ўшаники! Розимисиз, Индира опа?

Унинг бу гапи жинимни кўзиб юборди, сакраб ўрнимдан туриб, сайроқи аёлга ўқрайиб қараб:

— Мени қиморга тикаяпсизми?! — дедим.

Гапим даврадагиларга кулгили туйилди, чоғи, улар кайфи ошган нашавандлардай кулавериб буралиб қолишди.

— О-о-о, йўқ, йўқ!.. Ҳаддиларингдан ошиб кетдиларинг. Я сама еле его нашла, по этому, давайте, бошқа нарса ҳақида гаплашайлик. Яхшиси, бир-иккита эркалардан таклиф қилсам бўларкан, шунда зерикмасдиларинг, — деди Индира опа унга қараб, сўнг менга юзланди-да: — Иккинчи овқатни олиб келинглар, — деди.

Йигитлик ғурурим топталиб, аёллар орасида қўлмақўл бўлиб кетишимга оз қолганидан ғазабим тошиб шахдам юриб чиқиб кетдим.

— Овқатни ўзингиз олиб кираркансиз, — дедим Сора опага, — Индира опа шунақа деди.

Сора опа норози қиёфада бир қараб кўйди-да, косаларга овқат сола бошлади. Мен тўғри бориб музлаткични очдим ва бир шиша ароқ олдим-да, пиёлани тўлдириб куйдим.

— Нима қиляяпсан? — ёвқараш қилди Сора.

— Мардлик учун, — дея пиёладаги ароқни бир кўтаришда ютиб юбордим ва лаб-лунжимни енгимга артиб, тоғорадаги котлетдан бир донасини олиб оғзимга солдим.

— Жинни бўлма, — деди Сора опа бошини сараксарак қилиб, — гап эшитасан.

Мен унга жавоб бермай, иштаҳа билан оғзимдаги луқмани чайнай бошладим. Сора опа овқатни ўзи сузди, ўзи

меҳмонларга олиб кирди, ора-сира ўқрайиб қараб қўйганини айтмаса, менга деярли эътибор бермади. Негадир кайфим бу сафар унча ошмади. Лекин иштаҳам карнай, худди стол устидаги меҳмонлардан ортган салатларни, котлетлару колбасаларни биров тортиб оладигандай шошиб-пишиб оғзимга тикардим. Бу пайтда аёлларнинг гап-сўзларини, суйкалишларини ҳам унутдим ҳисоб.

Орадан ўн дақиқа ўтдими ёки зиёдроқми, билмайман, бир пайт икки юзи олмадай қизарган Индира опа келиб қолди. Уни кўришим билан, бўшашиб ўтирган эсам-да, ўрнимдан турдим. “Бу анаконда яна захрини сочса керак”, деб ўйладим.

— Сора, — деди у хизматчи аёлга, — биз Нодиржон билан гаплашиб олишимиз керак.

“Тамом, ҳозироқ паттамни тутади”, хаёлимдан ўтди. Сора опа чиққач, кобранинг кўзлари менга кулиб боқди ва секин ёнимга келди. Сўнг мутлақо кутилмаганда бўйнимдан иккала қўлини ўтказиб юзимдан ўпиб қўйди-да:

— Маладес! — деб ҳиринглади. — Синовдан зўр ўтдингиз, энди мени подвадить қилиб қўймайсиз. Ишончим комил. Но, Гуля сизни яхши кўриб қолди. Она проста безума от тебя. Балки...

Унинг ўрисча-ўзбекча аралаш гапларини чала-чулпа тушундим. Лекин хурсанд бўлмадим, Индира опа мени қандайдир буюмга ўхшатаётгандай эди. Лекин дардимни бу сафар ҳам ичимга ютдим. Сассиз-садосиз, мутедай туришим Индира опага ёқди, мени ачомлаб, ўпди-да, чиқиб кетди.

Мени бошқа безовта қилишмагач, хонамга кириб ётдим. Лекин ҳадеганда кўзим илинавермади. У ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдариламан. “Қанийди, Гуля билан Индира опанинг ўрнига мени Нигора кучоқлаб ўпганида эди”, деб ўйлайман. Ўзимча ҳузурланиб жилмаяман. Хаёлан Нигоранинг ўпичидан лаззатланиб ҳамма нарсадан воз кечиб юборгудай ҳаяжонга тушаман. Бир маҳал тўлқинланиб, ўрнимдан сапчиб турдим-да, кийимларимни кийиб хонадан чиқдим. Ошхонага бордим. Сора опа ўтирибди, ниманидир ковшаб.

— Ҳалитдан ухлаб қолмагин, — деди у ялинчоқ овозда, — бир ўзим қийналаман дастурхонни йиғиштиришга.

Рости, унга ичим ачиди. Бир ўзининг бўйнида қанча иш бор? Ҳаммасини саранжом-саришта қилиши керак. Жонига тўзим берсин бу аёлнинг.

Ҳартугул, меҳмонларнинг базми узоққа чўзилмади. Қиқирлашиб, хохолашиб, бир-бирини суяб меҳмонхонадан чиқишди.

— Анави йигитнинг гули қаерда? Ҳеч курса, хайрлашайин.

Бу Гуляхоннинг овози эди. Дарров ўзимни панага олдим. Индира опа рус тилида алланималар деди. Шу билан енгилтак жувоннинг уни ўчди.

Дастурхонни йиғиштиришнинг ўзига икки соатдан мўлроқ вақт кетди. Сора опа иккаламизнинг қўлимиз қўлимизга теккани йўқ. Оёғимни судраганча хонамга бориб, ечинишгаям ҳолим келмай каравотга чўзилдим. Билмадим, қаймаҳал, бошимни, елкамни, кейин қўлимни биров силагандай бўлди. Кулоғимга иссиқ нафас урилганини ҳам сездим. Туш кўраяпман, шекилли, деб ўйладим. Силаётган қўл ҳаракати аста-секин тезлашиб, оёқларимда ҳам бурга ўрмалагандай бўлди. Уйғониб кетдим. Лекин кўзимни очишга кўрқдим. Куённинг терисини шилгандай кийимларим бирма-бир танамни тарк эта бошлади, шундан сўнг хавотирланиб ўгирилдим. Ва мутлақо кутилмаганда қайноқ, хаёлни жинкўчаларга олиб қочувчи лабга лабим туташ келди... •

Қилиб қўйган ишимни фишт қолипдан кўчганидан кейингина англаб етдим. Умримда ҳали бундай ишга қўл урмагандим, довдираб қолдим. Қўйнимда кўзларини юмиб пишиллаб нафас олаётган Нигорага ҳадиксираб қаралдим. Сочларини силадим-да:

— Мени кечиринг, билмасдан...

— Жиннивой, — деди гапимни бўлиб, — ўзим келдим-ку!

Пичирлаб айтилган бу гапда эҳтирос шунчалик сингишиб кетгандики, мойдай эриб кетдим...

Одатдагидан анча кеч уйғондим. “Коньякка шоколад закуска қилгандим, Гулянинг қилиқлари баттар кўзғатиб

юборди. Чидолмадим, келавердим”, деган гап қулоғимдан кетмаётганди. Шу гапни эшитгим келиб, жойимдан тургим келмасди. Аммо Индира опа эсимга тушиб, бирдан сергак тортдим, апил-тапил кийиниб, ювиниб, ташқарига отилдим.

Ҳовлиққаним бекор кетди. Сора опанинг гапига қараганда, “малика” саҳарлаб қаергадир кетибди машинасини миниб.

Эшитиб иржайдим, яна бироз ухламаганимдан афсусландим.

Бундай пайтда Маҳкам ака ҳам уйда бўлмас, дарсга кетарди. Нигорани кўргим келди. Сора опа тайёрлаган нонуштага ҳам қарамай, иккинчи қаватга кўтарилдим. Хаёлимдан: “Хонасига кираман-у, пари-пайкарнинг кўрпасини секин тортаман, бурнини бармоғим билан чимдийман, у уйғониб кетади, сўнг: “Сизмидингиз?” — деб жилмайиб кўзини очади, кейин мени оҳиста қучоқлайди ва ҳоказо... ва ҳоказо”, деган ўйлар кечди. Аммо на кечаси қилиб қўйган ишим ва на бунинг оқибати хаёлимга келади. Унинг: “Ўзим келдим-ку, жиннивой!” — деган бир оғиз гапи далда бўлиб, хавф-хатарни унутгандим.

Нозаниннинг хонасига кирдим. Оёқ учида юриб каравоти ёнига бордим. Ўйлаганимдай кўрпасини бироз тортдим. Оппоқ бадани кўриниб, юрагим бўғзимга тиқилди.

Аввал унинг қоши чимирилди, кейин кўрпанинг ичидан бир қўлини чиқариб, пашшани қувмоқчи бўлгандай сермади. Афтидан, пашша айёрлик қилиб, тутқич бермай жуфтакни ростлади. Париваш эса, яна бир маромда нафас ола бошлади. Аммо хира пашша тагин ҳунарини давом эттирди. Шунда гўзал жаҳл билан кўзини очишга мажбур бўлди.

— Ҳимм, — деди Нигора афтини бужмайтириб, — сизмидингиз? Нима керак, нега кирдингиз бу ерга? Чиқиб кетинг.

Мен ҳайкалдек қотиб қолдим. Бир зум хаёлларим бошимдан тўзғиб, гарангсиб қолдим. Туни билан қўйнимда тўлғонган бу жонон нега бунча ўзгариб қолди? Ёки мен туш кўрдимми, ҳаммаси тушимда бўлдимми? Унда нега бу

ерда серрайиб турибман? Энди бу қизнинг бетига қандай қарайман? Яна онасига айтиб берса-я.

— Ҳалиям қаққайиб турибсизми, ойимларни чақирайми? — деди эринчоқлик билан кўзини очиб менга тикилган қиз.

Мен ҳар қанча довдираб, ҳаяжонланиб турган бўлсамда, қизнинг хонасини тарк этишга мажбур эдим. Шундай ҳам қилдим. Энди тунги воқеалар туш эканига ишончим комил эди. Бироқ кўнгилнинг бир чеккасида алланима бордай. Шу сабаб, хонамга кириб, каравотимни бир қур назардан ўтказишга қарор қилдим.

Ажабо, ёстиғимдан хушбўй атир ҳиди келар, устидан уч дона узун соч толаси чувалашиб ётарди. “Ким киргани бу ерга? — ўйлай бошладим. — Нигорами ёки... Анави Гуля Индиранини чалғитиб, мен ухлаганимдан кейин қайтиб келиб... Икки соатдан зиёд вақт ўтувди-ку. Унгинача у қаерда эди? Уйда бўлса, нега мен уни кўрмадим? Ё Индиранини опанинг ўзи... Бўлиши мумкин эмас, дарров сезардим. Нигора... Нигора... Мен унинг овозини эшитдим-ку, шивирлашлари ҳалиям қулоғим остида жаранглаб турибди-ку. Нега унда у ҳозир мени ҳайдаб чиқарди? Шунча иш бўлганидан сўнг йиғламайдими, қовоқлари шишиб кетмайдими, “Мени ташлаб кетмайсиз-а?” — деб ялиниб-ёлвормайдими?” Миямда ўралашиб, чарх уриб айланётган саволларнинг ҳеч бирига жавоб тополмасдим.

Тушга яқин Индиранини опа қайтиб келди. Қовоғидан қор ёғади. Авзойини пайқаб кўзига кўринмаслик учун узоқроқ юрдим. Лекин туяқушга ўхшаб тумшугимни қумга тикқаним билан иш битмади, унинг ўзи ёнига чақириб қолди, тагин ётоқхонасига. Шунгинача Индиранини опа бирор марта мени ётоғига чақирмагани. Ичимдан зил кетди. “Нигора сотганга ўхшайди”, деган фикр ўтди миямдан. Адашмаган эканман. Нигора у билан ёнма-ён икки кишилик ўриндикда ўтирарди.

— Қани, мана бу ёққа ўтиринг-чи, эркак! — деди Индиранини опа бироз киноя ҳам дағал овозда курсини кўрса-тиб. — Сиз билан би-ир гаплашиб қўяйлик.

Қизариб-бўзариб у кўрсатган жойга чўкдим.

— Қишлоқда мактабга борган бўлсангиз керак-а, —

дея гап бошлади аёл ва кўлидаги бир парча қоғозни кўрсатди, — манавини ўқишни биларсиз. Ёки ўзим ўқиб берайинми? Ҳа, шундай қилганим маъқул. “Туман прокурори номига ариза. Мен — Эгамназарова Нигора, ариза ёзишимдан мақсад шуки, Толипов Нодир исмли йигит бугун, яъни 28 июль кунни мени алдаб номусимга тегди, топтади. Бир умрга шарманда қилди. Оилам, кўни-кўшнилари олдида бошимни кўтаролмай қолдим. Эрта бир кун турмушга чиқсам, қай аҳволга тушишимни ўйлаб, ҳозирдан кўрқиб кетаяпман. Ўзимни ўлдириш пайида юрибман. Агар сизлар бу жиноятчини тезда ушлаб қамасангиз, мен шармандаликка чидамай, ўзимни бир нарса қилиб қўяман”.

Индира опа қоғозда ёзилганларни ўқиб бўлгач, менга ўқрайди. Оёғимгача титраб кетдим. Буни кобра сезди, албатта.

— Зўрлаганга қанча беришини биласизми, эркак?! — деди яна киноя билан.

Мен гунгу қар эдим. Сурдо тилида бўлса ҳам, барибир, ҳеч вақони тушунмасдим. Безрайганча қараб туравердим.

— Менга қара! — деди у ва ўзига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан сапчиб туриб ёнимга келди. — Агар бу иш билан қамаладиган бўлсанг, турмада ўтирганлар сенинг ўзингни хотин қилиб ташлашади. Буниям эшитмаган бўлсанг керак!

Мендан садо чиқмади.

— Ўлиб-пўлиб қолдингми?! — дея бақариб, Анаконда кўлимдан ушлаб силтай бошлади. Шундан кейингина мен ўзимга келдим ва важоҳатидан ит кўрқадиган Индира опага тикилиб:

— Мени кечиринг, — дея олдим, холос.

— Вой, манавининг гапини қара, — деди у қизига, — мени кечиринг эмиш. Қанақа қилиб кечираман? Кечирсам, Нигоранинг номуси тикланиб қоладими?! А-а, тикланиб қоладими?!

Худди шу маҳал Нигора ўхшатиб “оҳ” тортдики, ичим тўкилиб тушай деди.

— Уйланаман, — дедим бошимни эгиб, — ўзи унга уйланиш ниятим бор.

— Ия! — бақриб юборди Нигора сапчиб туриб. — Уйланаман?! Менга-я! Ўлиб қоламан ҳозир, чидолмайман. Қаёқдаги хизматкор менга уйланармиш!

У бу гапларни шунақанги шўх овозда айтдики, ҳеч ким бу қизни номусидан айрилиб қайғу гирдобига тушган, деб ўйламасди.

— Менга уйланадиган одам, биласизми, қанақа бўлиши керак? — деди у ёнимга келиб энкайганча бурнини бурнимга теккизгудек бўлиб. — Менга мана шу хонани тўлдира оладиган даражада пули бор одам уйланади, яхши йигит.

— Нигора, ўзингни бос! — деди овозига зўр бериб Индира опа.

Нигора бошини кўтариб, Индира опага норози қиёфада қараб қўйди.

— Балки Нодирнинг шунча пул топишга қурби етар, — дея дарров юмшади Индира опа қизининг норози нигоҳига эътибор ҳам бермай.

— Топ... Тополмайман, — дедим мен.

Ўша пайтда рангимда ранг қолмаган бўлса керак. Тўғрида, бир уй пулни қаердан топаман? Тополганимда, бу ерларда юрармидим бировнинг қўлига қараб.

— Мен йўлини кўрсатаман, сиз олиб келасиз. Ундан кейин, ажабмас, манави хурлиқони никоҳингизга олсангиз, — илжайди Индира опа. — Ўзи бу қизни яхши кўрасизми?

— Ҳа, — дея бошимни қимирлатиб Нигорага бир қараб олдим ва унинг энсаси қотаётганига гувоҳ бўлдим.

— Унда келишдик. Сизга визов бор. Чет элдан. Мен бугун бориб визангизниям гаплашиб келдим. Хў-ўш, эртага тайёр бўлади. Индинига қанот қоқиб, чет элга учиб кетасиз. Борасиз-да, бир самолёт пулни олиб, ортингизга қайтасиз Ундан кейин — тўй. Нигорахон кучоғингизда. Қалай?

Мен ҳангу манг эдим. Бораман, бир самолёт пулни оламан, ортимга қайтаман, тўй. Бунча осон. Агар шунақа бўлса, ҳозироқ учиб кетсам бўлмасмикан?.. Индира опа-

нинг гаплари жиддийдай туйилмади. У устимдан кулаёт-
гандек эди.

— Хўш, нима дейсиз? Розимисиз ёки қамалиб кетаве-
расизми? Мен бу таклифни Нигора сизни ёқтириб қол-
гани учунгина айтаяпман. Бўлмаса, ҳозир милисахонада
бўлардингиз.

Рози бўлишдан бошқа иложим йўқ эди.

Розилигимдан кўпроқ Нигора қувонди. Қувонмасин-
ми? Тунда ўзи хоҳлаб қўйнимга кирган бўлса-ю, кейин
бир дунё молу мулкнинг эгасига айланса! Шубҳасиз, мен
олиб келадиган пулнинг тўқсон тўққиз фоизига Индира
опа эга чиқади. Содда бўлсам ҳам, бунисига ақлим ета-
ди. Ҳар қалай, гўдак эмасман-ку.

Нигора қўлимдан тортиб ўрнимдан турғазди ва онаси-
нинг кўз олдига уялмай-нетмай бўйнимга осилиб, ла-
бимдан ўпишга тушиб кетди. Мен ерга кириб кетаёздим
ва қизни ўзимдан нари итардим.

Индира опа кулди.

— Нигорахоннинг ўзиям анча шўх қизлардан-да, ле-
кин шўхлиги ўзига ярашади, — деди.

Бу гап қизни руҳлантириб юборди, шекилли, тагин
яқинлаша бошлади. Нима бўлган тақдирда ҳам, унинг
истагини бажаришга юзим чидамасди. Шунинг учун та-
шқарига чиқиб кетдим.

Хонамга кириб бироз ўзимни босиб олиб, бўлиб ўтган
гап-сўзларни хаёлимда тиклаб, ўзимча таҳлил қила бош-
ладим ва: “Нигора мени севар экан”, деган хулосага кел-
дим. Эҳ, пишмаган калла! Ахир, ўшанда улар осонгина
бўйнимга қанча нарсани илиб қўяётганлари кундай аён
эди-ку.

Кейинги кунларим хушчақчақ ўтди. Ҳеч ким менга
ҳеч қандай иш буюрмади. Нигора доим ёнимда, ниҳоят-
да юмшоқ, менга меҳрибон, худди хотинимдай муомала
қилар, иложи борича зериктирмасликка уринарди. Мен
эса мойдай эриб, лаззат оғушига бутун борлигим билан
кириб кетибман-у, вақт ўтганини сезмабман.

Бир куни Индира опа қандайдир идорага олиб борди.
У ерда савол-жавоб бўлди. “Таиландга нега бораяпсиз?
Неча кун бўласиз? Қайси тилларни биласиз? Ким сизни

кутиб олади? Дўстингизнинг кетганига кўп бўлдим?” Индира опа аввалдан бу саволларга мени тайёрлаб қўйганди. Шу боис, тугилмай жавоб беравердим.

— Яхши, — деди мени сўроққа тутган костюм-шимли, оқ кўйлак устидан бўйинбоғ таққан қирқ ёшлар чамасидаги киши қўлимни сиқиб, — сафарингиз бехатар бўлсин.

Индира опанинг қувончи чек-чегарасиз. Машинага етиб келгунимизча бўйнимга осилиб, беш-олти марта ўпиб қўйди, кейин маҳкам бағрига босиб елкамга қоқди-да, рулга ўтириб машинани юрғазди. Пул жуда-а кўп бўлса керак, деб ўйладим, акс ҳолда, опа менга бунчалик ялтоқланмасди. “Майли, кўп бўлгани яхши, машинадан тушираётганимда озгинасини амал-тақал қиламан”. Бироздан кейин бу хаёлимдан ўзимнинг кулгим қистади: Мен шунча пулни олиб келаман, машинага ортаман-у, ҳеч ким билмайдими? Менинг чет элга бориб келишимдан бошқа мақсад кўзланаётгандир-ов. Агар пул бўлган тақдирда ҳам бизники эмас, мен охириги пайтларда кўп эшитётган доллар бўлса керак. Айтишларича, озгина долларга ҳам кўп нарса сотиб олса бўларкан.

Шундай ўйлар гирдобида уйга етиб келганимизни ҳам сезмабман.

Ўша кундан бошлаб менга эътибор кучайди. Бир-икки марта Нигора билан концертга ҳам тушдик. Ҳа-а, одамлар дам олишни билишаркан. Менга ўхшаганлар бўлса, уйқуни дам олиш, деб юрган экан-да.

Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда Индира опа билан Нигоранинг сирли гапларини эшитиб қолдим. Улар Нигоранинг хонасида ўтирганди. Кечикиб келиб қолдим, шекилли, суҳбатнинг ўртасидан бошлаб эшитдим.

— Кутилганича бўлмади, — нолиди Индира опа, — бор-йўғи еттига сотдим.

— Яхши-ку, — эътироз билдирди Нигора, — олдингисини тўрттага сотдим дегандингиз.

— Унинг ёши анча катта эди-да. Кейин тез пуллаб юборгандик. Сен ҳам бор-йўғи тўртми-учми оқшомни ўтказгандинг. Харажат кам бўлувди. Бунинг еб-ичганларини ўзинг кўрдинг... Майли, бориға шукур.

— Опа-а, ўқишимни ҳалиям тўғриламадик-ку...

— Айтдим-ку, унисидан хавотир олма, деб. Олдинги сафар бир кун ҳам ўқимаган эдинг, лекин сессиянгни тўлиқ ёпиб бердим.

— Битта “дум” қолиб кетган, шуни деб отчисленинга тушиб утирибман.

— Яна бир-икки ҳафта сабр қилсанг, ҳаммаси зўр бўлади.

— Опа, ундан кейин анави, — дея чуқур уҳ тортди Нигора, — яна кўнглим айнияди.

— Обб-о-о, нима бало? Ёнингдан ўтиб кетса ҳам, бўп қолаверадими? Яна харажатми, сен бўлсанг яхши сотилибди, дейсан. Мана шуларни ҳисоблаб чиқсанг, биласанми, қанча пул кетяпти? Одам эҳтиёткор бўлади-да. Йўли бор-ку.

— Билмасам... Ҳаракати жа кўп бўп кетаяпти-да.

— Ўзинггаям ёқиб қолганга ўхшайди... Майли, буниси охиргиси. Яна такрорланадиган бўлса, ўзингнинг бўйнингга кўяман.

Шу ерда сирли гаплар тугади. Улар бошқа мавзуга ўтишди. Менинг эса буткул бошим қотди. Индира опа нимани, қанақа қилиб сотган? “Еб-ичишлари”, дегани нимаси, бирор ҳайвонни айтяптими? Лекин Нигора нега уч-тўрт кечани ўтказди?.. Сессия, отчислени... Тўғриси, бунақа гапларни энди эшитиб турганим учунми, ҳеч балога тушунмадим. Лекин Нигоранинг кўнгил айниши мени баттар ўйга чўмдирди. “Бирорта ёмонроқ нарса еб кўйдими? Унда катта харажат қилишга ҳожат йўқ. Бир-иккита дори ичса, қолади-ку”. Бунинг учун Индира опа уни койиши жуда ғалати... Ҳа айтганча, Нигора Индира опани “ойи”, демади-я. Ҳар доим “ойи” деб чақирарди-ку! Бунисиям қизиқ!

Эшикдан секин узоқлашиб хонамга бордим. Каравотимда шифтга тикилганча ётиб, тагин уларнинг гапларини мулоҳаза қилдим. Нуқул бир нарсани ўйлаб ётавериш зериктирди. Эшитганларим шунчаки гапдай туйилиб, шу кўйи ухлаб қолибман.

Орадан икки кун ўтиб, Индира опа кўлимга самолёт чиптасини тутқазди, юзимдан ўпиб кўйди ва бугун оқшом учишимни айтди.

Мен сафарга тайёргарлик кўрмадим, ҳисоб. Кийим, егуликларни Сора опа сумкамга жойлаб қўйди. Ўзим Нигора билан овора бўлдим. У билан анча-мунча шўхликларни “хотирага михлаб” қўйганимиздан сўнг, жоду маликаси бўйнимдан кучиб:

— Мен сизни соғинаман. Тезроқ келинг, — деди.

Ўзимни урушга кетаётгандек, Нигорани эса эрини кузатаётган аёлдек тасаввур қилдим. Маҳкам кучоқлаб, сочларидан узоқ ҳидладим...

Шаҳар ўртасидан кесиб, ер ости йўлидан ўтганимиздан сўнг, Индира опа машинани йўл четидаги чиройли кийинган, бир қўлида қоп-қора дипломат кўтарган киши ёнида тўхтатди ва уни ҳам миндириб олди. Мен орқа ўриндиқда ўтирардим. Бегона одам Индира опанинг ёнидан жой олди. Улар ўпишиб кўришди.

— Это он? — деди бегона киши ортига ўгирилиб менга қўлини узатар экан.

— Тот самий, — машинасига газ берди Индира опа.

— Меня зовут Валерий, — деди бегона.

Мен унинг нима деганини тушундим. Исминни айтдим. Валерий ҳам кулди ва менинг англашим у ёқда турсин, тилим ҳам буралмайдиган сўзлар билан Индира опага гапирди. Опа хохолаб юборди. Мен бўлса бўзрайиб ўтиравердим. Худди гунг-соқовлардай.

— Нодиржон, — деди бироздан кейин Индира опа йўлдан кўзини узмай, — Валерий сизга ҳамроҳлик қилади. Унинг гапидан чиқманг. Ўзингизча бир нарсалар қиламан, деб юрманг. Уқдингизми?

— Ҳа, — дедим мен бош ирғаб.

Шундан сўнг улар рус тилида гаплашиб кетишди. Бошда қулоқ солдим, бирор нимани англашга уриндим. Аммо уринишим бесамар кетди. Кейин хаёл суриб кетдим. “Агар самолётда чет элга учишимни, яна пул олиб келишимни отам эшитганида борми, осмонга сакрарди. Кўни-қўшниларга: “Мана, ҳамманг шу пайтгача мени лақма деб, устимдан кулиб келдиларинг. Лекин бирортангнинг боланг шу лақманинг улича бўлмади-ку”, деб мақтанарди”. Ўйлаган ўйларимдан кўнглим кўтарилиб, ўзимдан ўзим хурсанд бўлиб кетдим. Қувонишга арзийдиган иш бўлаяпти-

да ўзиям. Ҳадемай мен ҳам бойлар қаторига қушилиб қолсам, ажабмас.

Машина аэропортга етиб тўхтади. Индира опа самолётгача кузатиб қўйса керак, деб ўйлагандим. Бироқ у уловидан тушмадиям. Ортига ўгирилиб, мени ўзига тортиб ўпиб қўйди-да:

— Омад ёр бўлсин, — деди, холос.

Машинадан тушиб Индира опага қарадим. Унинг ёнидаги ўриндиқда қоғозга ўралган бир нарсага кўзим тушди. Минаётганимда ҳеч вақо йўқ эди. Ғалати бўлиб кетдим. Негадир бундан икки кун аввал опа билан Нигоранинг қандайдир савдо-сотик ҳақида гаплашгани хаёлимга келди. “Мени савдога қўйган бўлмасин тагин”, деган ўй яшин тезлигида хаёлимга келди.

Валерий қўлимдан ушлаб, аэропорт томонга етаклаганда бу хавотир мени тарк этди.

Аэропортга биринчи маротаба кираётганим боис, мени жиҳозлару залнинг кенглиги — салобати босди. Андак ҳаяжонландим, аммо бу ҳаяжон тезда ўтиб кетди.

Учта жойда текширувдан ўтказишгач, самолётга чиқдик. Мен дераза ёнидаги ўриндиққа ўтирдим: осмонга кўтарилганда тепадан ерни томоша қилмоқчийдим.

Самолётнинг ичи (“салон” дейишаркан) аввал менга анча-мунча қизиқ туйилди. Қулоқни қоматга келтириб гуриллаган овоз чиқариб, самолёт жойидан силжий бошлагунча салонни томоша қилдим. Очиги, жиҳозлару юмшоқ ўриндиқларни кўриб, шуларни одам боласи ясаганига ақлинг бовар қилмайди. Масалан, мана, мендаям саватдай бўлмаса-да, ҳар қалай, бундайроқ калла бор; иккита кўзу иккита қулоқ ҳам ишлаб турибди. Бошқалардай ейман, ичаман, оёғим билан юраман, қўлим ҳам қараб турмайди. Тўрт мучам соғ. Лекин самолётнинг ўзи у ёқда турсин, унинг ўриндиғидаги қоплагичлар нимадан, қандай тўқилганини билмайман. Аммо буни биладиганлар озмунчами? Ҳатто шуларчалик ҳам бўлолмаганман-а! Бундай ўйлаб қарасам, қўлимдан ҳеч вақо келмас экан. Тўғри, кетмон чопишни, экин экишни қойиллатмасам ҳам, уддалайман. Аммо ҳозир айна чоғда кўриб турганларим олдида бу юмушлар ҳеч нарсага арзимайди.

Назаримда, дунёда ҳамма ақлли, фақат менинггина каллам ишламайдигандай...

Самолёт учди. Мен думалоқ ойнага ёпишдим. Тепадан туриб, ерни томоша қилишнинг гашти бўлакча экан, худди мен ердан бир неча баробар катта қурилмада учиб кетаётгандайман. Бинолар, дарёлар, кўкаламзорлар аста-секин майдалашиб, харитадаги чизиқларга ўхшаб қолаётир. Лекин томоша кўпга чўзилмади. Самолёт булутларни ёриб учиб, уларнинг тепасига чиқиб олди. Тагимизда яккам-дуккам, баланд-паст қор ёки пахта уюмига ўхшаш оппоқ булутлар сузиб юрибди. Менимча, Антарктика шундай бўлса керак. География ўқитувчимиз тушунтирганда мен худди шундай тасаввур қилган эдим. Бошида булутларни мароқ билан томоша қилаётгандим, кейин зерикдим. Ёнимга қарадим. Валерийнинг кўзи юмуқ, ухлаяпти. Мен ҳам ухламоқчи бўлдим. Лекин улгурмадим. Кичкина аравачасини судраб хизматчи қиз келиб қолди (буни қарангки, унинг стюардессалигини ўша пайтда билмабман. Қачонлардир улар ҳақида эшитган эдим. Аммо калламга келмаган).

Валерий ўзини ухлаганга солиб ўтирган экан. Дарров кўзини очди. Қизга рус тилида алланималар деди илжайиб. Сўнг у олиб келган егуликларни, олдимиздаги ўриндиқнинг орқа томонига ўрнатилган столчани очиб, устига қўйди. Мен ҳам унинг ҳаракатини такрорладим. Фақат пиво олмадим.

— Пиво хороший вещь, нет-нет, надо пить, — дея Валерий бир шиша пивони столчам устига қўйди.

Овқатдан олдин шишадаги сабил қолгурни ичиш керак экан. Валерийнинг гапларига тушунмадим-у, имошораларидан буни англадим. Алдамабди. Кайфиятим кўтарилди. Валерий билан гаплашгим келди ҳатто. Аммо бирор гапимни уқтиролмадим. Охири қўл силтадим ва ўриндиққа бошимни қўйганча ухлаб қолибман. Тушимда осмонўпар бинолар устида худди самолётдай учиб юрганмишман. Мени ҳеч ким кўрмасмиш. Бироқ мен ҳаммани кўриб турармишман. Ҳамма ёқ қоронғи, кетма-кет электр симларига дуч келиб қоларканман. Шунда ток урмасин деб яшин тезлигида юқорилаб кетармишман.

Бир маҳал юрагим ўйнай бошлади. Жуда юқорилиб кетдим, шекилли, деб ўйлаб қўрқа-писа пастга қарадим. Дарҳақиқат, ердан анча олислаб кетибман. Пастда қоронғилик, бирор нарса аниқ кўринмайди. “Ерга қайтиш керак”, деб ўйладим ва шўнғий бошладим. Юрак ўйноғи кучайгандан-кучайди. Худди шу пайтда тубанлик сари тошдай учиб тушардим. Шу тезликда қуласам, ер-парчин бўлишим аниқ... Чўчиб уйғониб кетдим. Атрофимга олазарақ қарадим. Валерий саросималаниб уйғонганимни кўриб кулди ва белидан ўтказилган камарни кўрсатди-да, бир нималар деди ва самолёт кўнишга ҳозирлик кўраётганига ишора қилди. Дарров унинг айтганини бажардим. Ўртада юрадиган қизлар камарларимизни бир сидра кўздан кечириб чиқишди.

Самолёт кўтарилаётганида қандай бошни айлантирган, қулоқни қоматга келтирган бўлса, қўнаётганда ҳам худди шундай бўлди. Ундан тушиб, текшир-текширлардан кейин аэропортдан ташқарига чиқдик. Валерий такси ушлади.

Тошкентни биринчи бор кўрганимда ҳайрон қолгандим. Ҳозир Таиланд деб аталган жойни, мен номини ҳам билмайдиган шаҳарининг осмонўпар иморатлари-ю, уларнинг пештоқидаги алламбало ёзувлар битилган, теваратида майда чироқлар ёниб ўралган плакатларни, кўчадаги минг хил машиналарни кўриб оғзим очилиб қолди. Одам деганингиз чумолидай, гўё ер ёрилган-у, ёригидан одам қайнаб чиқаяпти. Буларнинг бари бу шаҳарга қандай сиғади, ҳайрон қоласан киши. Йўл четидаги турлитуман дарахтлар, гуллар, майсалар кўзни қамаштиради.

Ҳайратим узоққа чўзилмади. Шаҳарга кўзим бироз ўрганганидан сўнг (бир соатдан мўлроқ юргандик) пул ҳақида ўйлай бошладим. Индира опа: “Борасан-у, бир самолёт пулни олиб орқангга қайтасан”, деганди. Лекин машинада шунча вақтдан бери шаҳар айланиб юрибмиз-у, пулдан дарак йўқ. Умуман, пул деганларига ишончим сўниб борапти. Бу ишончсизлик Индирахоннинг машинасида тушаётганимда ўриндиқ устидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани кўрганимда бошланганди. Янаям аниқроғи,

Индира опа билан Нигоранинг гапларини эшитганимда кўнглимда бир умидсизлик пайдо бўлган эди...

Икки соатча юрганимиздан сўнг машина ўзимизнинг жинкўчаларга ўхшаш тор, ўнқир-чўнқир кўчага кирди. Энди, чамамда, шаҳар ортда қолган, биз аллақандай га-дойтопмас, бинолари ярим вайрона, кўчалари қинғир-қийшиқ бир жойда бораётган эдик. Икки-уч жойда со-қоллари ўсиб кетган, афт-ангори бир аҳволдаги кимса-лар (назаримда, улар пиёнисталар бўлса керак) ерга қапи-шиб секин юраётган таксининг капотига осилиб кўриш-ди. Ҳайдовчи деразадан бошини чиқариб ўзининг тили-да алланималар деб бақирди, Дарвоқе, бу ерда мен кўрган одамларнинг бари қисик кўзли эди. Тўғри, шаҳар ичидан ўтиб бораётганимизда бир-иккита сариқ сочлиларга ҳам кўзим тушганди, лекин улар жуда озчилик эди.

Машина икки бор чап томонга бурилганидан сўнг, кўримсизгина бир иморат ёнида тўхтади.

Жинкўчага бурилганимиздаёқ тезлашган юрагимнинг уриши баттар авж олди. Кўрқув устун келиб, машинадан тушмаёқ тўрт тарафга аланглаб қарадим.

— Приехали, — деди Валерий кулиб, — давай, влезай.

Култ этиб ютиндим, сўнг эшикни секин очиб, оёғим-ни худди тиканнинг устига қўяётгандай эҳтиёткорлик би-лан ерга қўйдим.

— Не бойся, давай, шевелис, — қўлимдан тортди Ва-лерий.

Шундан сўнггина ноилож машинадан тушдим. Сўнг ҳамроҳимдан:

— Қаерга келиб қолдик? — деб сўрадим.

Шу пайтгача бирон оғиз ҳам ўзбекча гапирмаган бач-чагарнинг боласи гапимни тушунди. Буни унинг бош бармоғини юқорига қилиб:

— Всё будет окэ! — деган гапидан билдим.

Машинадан тушиб бироз юрдик, сўнг йўлнинг чап тарафига ўтиб, кўриниши хийла тузукроқ, икки қаватли бинонинг ёнида тўхтадик. Валерий менга иржайиб қараб қўйди-да, зиналардан енгил кўтарилиб, қоп-қора темир эшикнинг тугмачасини босди ва ўзича хиргойи қила бош-лади. Унинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Демак-

ки, биз ҳазилакам жойга келмадик, йўқса, менинг йўлбошловчим бунчалик ҳаяжонланмасди, деб ўйладим.

Икки-уч дақиқадан сўнг эшик очилиб, бўйи нақ икки метр келадиган, калласи хумдай, сочлари жайранинг сихига ўхшаш тикрайган, кўзлари қисик, бадқовоқ, яна шу ҳолига иягининг тагида бир тутамгина соқоли ҳам бор, пешонасининг нақ учта жойи тиртиқ, угри обдан сийлаган шекилли, юзи шудгор бўлиб кетган, бир одамнусха махлуқ чиқиб келди. Уни кўриб рангим оқарди, Валерийга қарадим, унинг-да афт-ангори меникидан қолишмасди. Мени-ку, тушунса бўлади, тушимда ҳам кўрмаган жойга келиб қолганман. Валерий, адашмасам, бу ерга илгариям камида уч-тўрт марта келган. Манави тимсоқ-башарани аввал ҳам кўрган. Шундай бўлгач, унинг юзи нега бўздай оқаради?

Валерий билан тасқара алланималар тўғрисида мен мутлақо тушунмайдиган тилда гаплаша бошлашди. “Шуни-си каммиди? — ўйладим мен. — Ўзи Валерийнинг гапига тушунмай, пешонам тиришиб, анқовга ўхшаб юрвдим. Энди “ға-ғу” деган яна бир бало бошланди”. Қизиқ, Валерий бу тилни қаердан ўрганган экан?

Тасқара ёмон гапирмади, шекилли, ҳамроҳимнинг юзига қон югуриб, иржайди.

Тасқара бир нималар деб, ортига бурилди, Валерий унинг орқасидан эргашди. Менга ҳам “юр” деган ишорани қилди.

Ичкарига қадам қўйишим билан этим жимирлаб кетди. Биз кирган йўлакнинг ҳавоси бўғиқ эди, устига-устак, зах, қоронғи. Шифтда осилиб турган товуқнинг тухумидай келадиган қизил чироқнинг хира нури йўлакни ёритолмас, қайтанга ваҳимали тус берарди. “Пул, менимча, шу ерда бўлса керак, — деб ўйладим, — булар-ку, шунчалик сир сақлар экан, мен қандай қилиб бемалол олиб кета оламан? Э, худо, ўзинг мадад бер!” Ўйимни ўйлаб тугатмасимдан чап томонда эшик кўринди. Тасқара қўлидаги узун калитни эшикнинг тешигига тиқиб шарақлатиб очди. Сўнг, ҳе йўқ-бе йўқ, менинг қўлимдан ушлаб ичкарига тортқилади. Камига Валерий ҳам елкамдан итарди, жон-поним чиқиб кетди ва:

— Ёрдам беринглар! Ким бор? Ёрдам беринг! — деб бақриб юбордим.

Бироқ менинг овозим бу зимистондан ташқарига чиқмагани аниқ эди. Ичкарига киришим билан ортимдан эшик қандай очилган бўлса, худди шундай шарақлаб ёпилди.

— Очинглар! Очинглар, қўйворинглар! — деб яна бирикки марта бақирдим. Аммо додимни эшитадиган бирор жон йўқ. Йўлакдан аста-секин узоқлашиб кетаётган оёқ товуши эшитилди, холос. Ноилож дамим ўчиб, хонанинг ичига кўз югуртирдим. Бу ер ҳам йўлакдаги каби зах ва қоронғи эди. Фарқи, ўнг томонда девор тубида каравот турар, унинг устига чойшаб ёпиб қўйилганди.

— Қаерга келиб қолдим? Э, худо, энди нима қиламан?! — дедим ўзимга-ўзим пичирлаб. — Нега бу ерга олиб келишди? Нима қилишмоқчи мени?!

Кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ёш боладай ўксиниб, ҳиқиллаб йиғлашга тушдим. Тахминан ярим соатлар ўзимга-ўзим гапириб, кўзимдаги ёшни тез-тез кафтим билан артиб эшик ёнида турдим. Сўнг қўрқа-писа каравотнинг ёнига бордим-да, секин ўтирдим. Миямга жўяли фикр келмайди, юрагимнинг гупиллаб ураётганидан баттар қўрқаман. Шу аҳволдаям, денг, кўнглимни кўтармоқчи бўлиб, яхши нарсалар тўғрисида ўйлашга уринибман. Лекин шуниям эплаёлмадим. Баттар аламим ошди, ўксиндим.

Ҳамма нарсани вақт даволайди, деб бежиз айтишмаган экан. Аста-секин кўзим қоронғиликка ўрганди. Сўнг бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир эслашга ҳам қурбим етди. Мен учун мутлақо кутилмаган чет эл сафари... Индира опа билан Нигоранинг хуфиёна суҳбати... “Малика”нинг машинасида қолдирилган қоғозга ўроғлик нарса...

— Ўл-а, лақма! — дедим паст овозда манглайимга бир муштлаб. — Алдашаётганини кўриб-билиб турувдинг-ку! Нимадан умидвор бўлдинг? Анали Нигоранинг ноз-карашмалариданми?! Эй, аҳмоқ!

Ўзимни кечирим қийин бўлди. Бир неча марта деворни муштладим. Охиргисида алам кучлилик қилди,

шекилли, қаттиқ мушт урганимдан қўлимнинг суяги зириллаб кетиб, шунақанги қаттиқ оғриқ турди, инграб юбордим. Оғриқ босилгунча афтим бужмайиб, қўлимни кучоқлаб ўтирдим. Бироқ энди бошимни тошга урганим билан, томоғимни йиртиб бақирганим билан биров келиб: “Сенга нима бўлди?” — деб ҳол сўрамаслигига ақлим етди ва каравотга чўзилиб ётиб олдим.

Билмадим, орадан қанча вақт ўтди, бир пайт, эшикнинг қулфи шарақлади. Ўрнимдан сакраб турганимни сезмай қолдим; умид, илинжимни кўзимга жойлаб эшикка термилдим. Аммо кўз очиб юмгунча умидим қўрқувга айланди: бирин-кетин кириб келган учта барзанги ва битта жиккаккина одамни кўриб, ортимга тисарилдим. Айниқса, улар киришлари билан эшикнинг қарсиллаб ёпилганини кўриб, ўзимни қассобнинг оёқлари остидаги қўчқордек ҳис этдим. Шу маҳал кутилмаганда шифтда яна битта чироқ ёнди ва мен қамалган хона ичи бутунлай ёришиб кетди. Шундагина келганларнинг афт-анго-рига тузукроқ қараш имкони туғилди.

Уларнинг бари куйдирилган калладай иржайиб турган эса-да, юзларидаги совуқ заҳиллик кишининг этини қаҳратон изғиринидай жунжиқтириб юборарди. Учта барзангининг кийими ҳам анави тасқараникига ўхшарди. Бироқ булар оқ-сарикдан келган, кўзлари укникикидай, сочлари маллатоб. Бошларида бир хил оппоқ кепка. Кепканинг соябони устида олтита нуқта. Пакана кўзойнакли одамнинг устида кўк халат, бошида дўхтирлар киядиган қалпоғи бор. Бўйнига нафас олишни эшитиб кўрувчи асбобни осиб олган. Халатининг кўкрак чўнтаги устида олти нуқта туширилган.

— Саломалайкум, — деди кўзойнак менга бошдан-оёқ қараб чиққанидан сўнг ўзбекчалаб.

Унинг оғзидан шу биргина сўзни эшитиб юрагим гурсиллаб уриб кетди. Худди ўзимнинг биродаримни, қариндошимни, акамни кўргандай уни кучоқлаб олдим-да, маҳкам бағримга босдим ва:

— Акажон! Акажон! Бор экансиз-ку! — деб йиғлаб юбордим.

— Нема бўлди? Нема бўлди? — деди у ўзбекчада бузуқ талаффуз билан.

— Ака, мени бу ердан олиб чиқиб кетинг; — дедим юзига мутеларча термилиб.

— Сез, чеқасез, ўртоқ, чеқасез, нема проблем?

— Акажон, — унинг оёғига тиз чўқдим, — илтимос сиздан, бир умр кулингиз бўлай, мени бу ердан тезроқ олиб кетинг, қамаганлар юрагимни ёришди.

Бу гапим кўзойнакка бошқача таъсир қилди, чамамда, қошлари билинар-билинемас чимирилди-да, ёнидаги барзангиларга юзланди. Уларга бир неча сония тикилиб турганидан сўнг чийилдоқ овозда қайсидир тилда шунақанги бақирдики, бечораларнинг кўзлари олайиб кетди. Шундан сўнг, кўзойнак мен томонга юзланиб, жилмайиш билан ниҳоятда майин овозда:

— Юринг мен билан, — деди.

Ичимда чироқ ёнгандай бўлди. Кўзимга кўзойнак меҳрибон кишимдай кўриниб кетди. Ахир, ўзбекча гапирди, тарафимни олиб анави гўрсўхталарни бошқа тилда бўлсам уришди. Мана энди зимистондан олиб чиқаяпти.

Биз йўлак адоғига қараб юрдик, бироқ охирига етмасдан ўнг тарафда зина бор экан, шу зинадан пастга тушдик. Туйқусдан кўнглимга яна шубҳа оралади: “Буям менга яхши гапириб алдаган бўлса-чи?” Бироқ дарров бу хаёлни миямдан қувдим. Чунки пастки қават чароғон, деворлари европача услубда таъмирланган экан. Оёқ остидаги кафелга қараб бемалол соч тарасангиз ҳам бўлаверди. Лекин нима мақсадда мени бу ерга олиб тушишганига тушунолмадим. Дарвоқе, бу қаватда одам кўп экан. Ҳаммаси оппоқ халатда, дўхтирларникига ўхшаган қалпоқда ва халатларининг кўкрак чўнтаги устида олтита нуқта бор. Улар йўлакда шошиб юришар, эшиклари ойнаванд хоналарга кириб-чиқишарди. Ўзлари билан оворадек туйилди. Аввалига: “Касалхонага келиб қолдим”, деб ўйладим. Қизиқ, уларнинг менга тегишли бўлган пулга қандай алоқаси бор? Дарвоқе, мен яна Индира опа айтган пуллар ҳақида ўйлай бошладим! Касалхонада пул нима қилсин? Беморлар ётади бу ерда, дўхтирлар уларни даволайди. Борингки, озроқ пул ҳам бўлиши мумкин. Лекин

кўп эмас. Унда Валерий нега мени бу ерга бошлаб келди? Тагин анави тасқарага ёрдамлашиб зах хонага қамади. Тўхта, у Индира опанинг кўзига чўп тиқиб, пулнинг ҳаммасини ўмариб жуфтакни ростлаб қолган бўлса-чи? Аниқ, шундай қилган! Бекорга тасқара билан ҳиринглашмади. Улар ташқарида келишишган. Пулни менинг ўрнимга Валерий олади. Кейин иккаласи арралайди... Демак, мен ортиқчаман. Мени орадан чиқариб ташлаш керак... Тўхта, Валерий мени самолётдан тушганимиздаёқ адаштириб кетиши ва бу ерга бир ўзи келиши мумкин эди-ку... Айтганча, унинг ўзи қаёққа ғойиб бўлди?... Уфф, бари жонга тегди! Буларни эсимдан чиқаришим, ҳеч кимга ишонмаслигим, уйга омон-эсон бориб олишим керак. Ким билади, манави олдимда юмронқозиққа ўхшаб пилдираб кетаётган кўзойнакнинг нияти нима?

Биз ҳали йўлакда келаётганимизда иккита оқ халатли аравачасини суриб ўтди. Аравачада кимдир ётар, унинг устига оппоқ чойшаб ёпиб қўйилган эди. Чойшабдан ётган одамнинг қўли чиқиб турарди. Қўлнинг қоралигидан, гарчи умримда кўрмаган бўлсам-да, унинг негрлигини билдим. “Бечоранинг касали оғир экан-да, жон таслим қилибди”, дея ўйладим.

Йўлак бўйлаб юриб икки марта чапга, сўнг ўнгга бурилдик. Лекин кўзойнакли юмронқозиқ тўхтамай демасди. Эътибор қилсам, қадами тезлашаётгандай. Негадир юрагим ғашланди. Аста-секин бу ғашлик кучайди. Орқа-олдимга қараб олдим.

Ниҳоят йўлбошловчи эни икки метрлар чамаси келадиган қоп-қора деразали, икки табақали эшик ёнида тўхтади ва менга ўгирилиб:

— Шу ерга керамез, — деди илжайиб.

Мен индамадим. Кўзойнак эшикни очмади. Эшик ўзи очилди. Бу мени ҳайратлантирди.

Ичкари ёп-ёруғ, хона бир неча алоҳида хоначаларга бўлиниб, оққа бўялган ойна билан ўралган, бу ёқдагилар нариги томондагиларга кўринмайди, бу ёқдагилар нариги томонда ўтирганларга. Бировлар мен тушунмайдиган лаҳжада алланималарни гапираяпти.

Кўзойнакли мени кираверишдаги курсига ўтқазиб

қўйиб, ўзи ўша хоначалардан бирига кириб кетди. Бир неча сониядан кейин ўзига ўхшаган кийимдаги киши билан етаклашиб чиқди ва менинг ёнимга келди.

— Кўйлакни еченг, — деди кўзойнак иржайиб.

— Нега? — дедим мен ҳайрон бўлиб. — Соппа-софман-ку!

— Шуне текшерамез.

Мен истар-истамай эгнимдагиларни бирма-бир ечдим. Кўзойнак шериги билан бирга бўйнидаги матоҳининг бир учини қулоғига тиқиб, иккинчи томонидаги темирчасини кўкрагим устида обдан юргизди. Баъзи-баъзида улар кўз уриштириб олар, бир нарсалар деб валдирашарди. Кўкрак қафасимнинг текширилмаган жойи қолмагач, улар мамнун жилмайишиб, қадларини ростлашди.

— Сарёқ бўганмисез? — сўради ўша-ўша мулойимлик билан кўзойнак.

— Йўқ.

— Окэ! — деди у бош бармоғини юқорига қилиб ва шеригига қараб яна ўша ёт тилда валдиради. Шериги эса эшик тепасидаги соатни кўрсатиб, бир балолар деб жавради.

Кўзойнак бошини қимирлатиб унинг гапини тасдиқлади ва менга юзланиб:

— Сез, шу ерга ўтираде, без тез келамез, — деди.

— Майли, — дедим рози бўлиб.

Уларнинг оёқ излари совиб улгурмай, кичик ойна билан ўралган хоналардан олдинма-кетин оппоқ халат кийганлар чиқиб келишди ва менга қайрилиб ҳам қарамай ҳалигиларнинг ортларидан равона бўлишди. Мен ёлғиз қолдим. Бир муддат жойимда қимирламай ўтирдим, кейин зерикдимми, ўрнимдан туриб, эшик томонга ўгринча қараб олиб, оҳиста қадам босиб ойнали бўлинмалар томон бордим.

Мен кўрган манзара даҳшат эди. Уни кўргунча, кўзим оқиб тушса мингдан-минг рози эдим. Кўрқа-писа хонача эшигини очдим-у, қотиб қолдим: ўртадаги узунасига икки, энига бир метрча келадиган стол устида кўкрак қафасию қорни очиб ташланган, кўзи олайган мурда ётарди. Оёқ-қўлим қалтиради, юрагим тез ура бошлади, этим

увишди. Бақирай дейман-у, овозим чиқмайди. Бир маҳал гурс этганча тиззалаб ўтириб қолдим. Ўтакам ёрила-ёзди ва сакраб ўрнимдан туриб, қочмоқчи бўлиб, кейинги хонанинг ҳам эшигини очиб юборибман. Бунисида кўрганим ундан-да даҳшат эди. Одамнинг кесиб олинган қўл-оёқлари, боши осиб қўйилган, стол устида ичаклар чувалашиб ётибди. Мен адои тамом бўлдим. Бир йилча бурун оёғи синган хўкизчамизни қассобхонага олиб боргандик. Ўшанда қассоб молни ташқарида сўйиб, терисини шилиб, гўштини кушхонага олиб кириб мана шундай чавақлаганди. Ҳозир шу кўз олдимга келди.

Эшикни қандай ёпдим, билмайман. Аста ортимга тисарила бошладим. Миям жуда тез ишга тушиб кетди. Лаҳзада анави кўзойнак ва унинг шериги мени текширувдан ўтказгани хаёлимдан ўтди...

Қишлоғимизда Аброр исмли бир йигит бор. Ўзимизнинг шаҳарда ўқийди. Ҳали ёш бўлсаям, тепакал. Ўша бир гапни айтиб берган. Эски бир шаҳарда битта кўча бор экан. Мабодо ёш бола адашиб бу кўчадан ўтиб қолса, ўша ернинг одамлари уни ушлаб олиб уйларига олиб кирарканлар-да, ертўласига қамаб ширин таомлар билан боқишаркан. Сўнг ўзларининг қанақангидир маросимида семирган болани чўмилтириб, ун солинган супра устига ўтқазаркан-да, атрофини қўлларида бигиз ушлаб ўраб олишаркан. Улардан бири:

— Кел, ўзим сенга шоколад бераман, — деб болани ёнига чақираркан. Кўрққанидан дағ-дағ қалтираган шўрлик бола секин ўзини чақирган одамга яқинлашаркан ва кутилмаганда этига санчилган бигиздан чинқириб, қочмоқчи бўларкан-у, бошқа биттасининг ёнига бориб қоларкан. Бу сафарги бигиз нақ унинг суягигача етиб бораркан. Хонани эса бола бечоранинг ноласи билан бирга, қонхўрларнинг ҳайқириғи эгалларкан...

Аброр қолганини ҳам айтган эди. Лекин мен уни бировга гапириб бериш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам кўрқаман...

Орадан маълум муддат ўтиб, уларни милиционерлар навбатдаги маросимларини нишонлаётганларида қўлга олишибди. Бироқ ҳаммасини эмас. Баъзилари чет элга

қочиб кетибди. Аброрнинг сўзларига қараганда, улар бошқа давлатда ҳозир ҳам шу иш билан шуғулланишаркан. Чунки қон ичмаса, одамнинг қонига қорилган нон емаса, худди нашавандлардай жинни бўлиб қолишаркан.

Орқага тисарилаётганимда, ана шу воқеа хаёлимга келди-ю, одамхўрларга ем бўлиш навбати менга келганини сезиб, тирик мурдага айландим.

Кўз олдимни туман қоплагандек, ҳеч нарса кўринмай қолди. Хаёлимда одамхўрлар қўлида қўйдай сўйилаётганга ўхшардим. Бу айтишга осон, лекин ўша пайтда жоним бўғзимга келиб талвасага тушган, қассобнинг қўлида пичоқни кўрган жонивордай типирчилар эдим.

Аброрнинг ҳикоясини эслаганим ва бир неча сония аввал кўрганларим мени шу кўйга солган эди. Ана шундай вазиятда туйқусдан миямга: “Қочиш керак”, деган ўй келди ва мен орқа-олдимга қарамай ўзимни эшикка урдим.

“Кўрққанга қўша кўринар”, деб бежиз айтишмаган экан. Йўлакда югуриб кетаяпман-у, худди биров орқамдан қуваётгандай жоним борича чопишга уринаман.

Тепага чиқиладиган зинага етиб келиб, учта зинани бир қадамлаб сакраганча юқорилай бошладим. Тепага чиқишим билан рўпарамдан Валерий иккимизга эшикни очган тасқарага дуч келдим. Ана шу пайт шифтда қизил чироқлар ёниб, “вай-вай”лаган сирена чалинди. Кўрқувдан оёқларим қалтирай бошлади. Биринчи бор кўрганимдаёқ товонимгача музлаб кетган тасқарага гавдам билан чунонам урилдимки, у орқасига отилиб кетди. Мени ушлаб қолмоқчи бўлганларга чап бериб қочдим.

Бир маҳал эшикка қарсиллаб урилиб, чалқанча қуладим. Аммо шу ондаёқ сакраб оёққа турдим. Чунки ҳар дақиқада ҳаёт-мамотим ҳал бўлиши тайин эди. Ҳаяжондан ҳовлиқаётган эсам-да, эшик зулфинини тортиб очишни эпладим.

Ахлатга кўмилиб кўчада югуриб кетаяпман, одамларнинг бақир-чақири қулоғимга чалинади. Бироқ тўхтадим ва овоз келган томонга қарадим ҳам, жоним борича югуриб кетавердим. Бахтим бор экан, йўлимни биров тўсиб чиқмади. Ортимдан қувлаб келаётганлардан анча узоқлаб

кетдим ва одам гавжум, машиналар тирбанд йўлга етдим. Аммо югуришдан тўхтаганим йўқ, йўл-йўлакай: “Эй Худо, ўзинг куч-қувват бер”, дейман ичимда.

Билмадим, қаерларга келиб қолдим, бир маҳал силлам куриб тўхташга мажбур бўлдим. Оёқларим тарашадай қотган, ўпкам шишиб кетган, энтикиб зўрға нафас олаяпман. Анави тасқара билан эшикка урилганим эсимга тушди — елкаларим зирқираб оғрийди. Тўхтаб тиззаларимга қўлимни тираб ҳансираб нафас оларканман, ортимга аланглаб қараб қўйдим. Ортимдан қуваётган одам ҳам кўринмагач, хотиржам тортдим.

Қаттиқ чарчаганда одамнинг танаси совимасин экан, сўнг юриш ўлимдан қийин бўларкан, худди иккала оёғимга тегирмон тоши боғлаб қўйилгандай. Юриш азоб, бу бир менга ва бир Худога аён. Кўзларимдан тирқираб ёш оқади, устига-устак, борар жойим ҳам йўқ. Бинолар, кўчалар, одамлар — ҳаммаси бегона. Фамим икки ҳисса ошиб, теваракка жовдираб қарайман, ҳалигилар қидириб келиб қолиш эҳтимоли ҳам юракка гулгула солади.

Бундай қалтис вазиятда одам ўзини тутиши қийин экан, мен ўзимни ўлдиргим келди. Атрофга қараб қулайроқ жой қидираман. Қани энди топила қолса! Ҳамма ёқда чумолидай одам изғийди.

Ярим соатча оёғимни судраб юриб антиқа, умримда кўрмаган дарахтлар, ям-яшил майсалар, турли анвойи гулларга тўла боққа рўпара келдим. Аммо ҳечам кўрганимдан баҳри-дилим очилмади. Оёғимни судраб босиб боққа кирдим-да, бўш ўриндиқ топиб ўтирдим. Танам яйради. Оёқларимни уқаладим, руҳим тетиклашгандай туйилди. Шундан кейин кўнглимда қандайдир ёруғлик пайдо бўлди. Эгилган бошимни кўтариб, атрофга разм солдим. Боғда ҳам одам кўп эди. Улар бепарво саланглаб, эҳтимол, дам олиб юришарди. Севишган йигит-қизларнинг қўл ушлашиб юришларини кўриб ҳавасим келди.

Мен ўзимнинг аҳволимдан хижолат тортдим. Шу боис, уларни четдан туриб кузатишдан ўзимни тийиб, кўзимни ерга тикиб ўтиравердим.

Бир маҳал кимдир энгашиб, оёғим остига пул ташлаб

кетди. Бошимни кўтариб қарадим — тахминан мен тенги оппоқ юзли, киприклари узун, қадди-қомати келишган, оқ кўйлаги ўзига ниҳоятда ярашган, кўзлари шаҳло бир қиз жилмайиб қараб турибди.

Ўзиям ер ёрилмади, мен кириб кетмадим. Назаримда, у мени тиланчи деб ўйлаган. Дарров пулни олиб, қизнинг қўлига тутқаздим. Аммо қиз пулни қайтиб олишни истамай бир нималар деганча бошини сарак-сарак қилди.

— Керакмас, — дедим мен қизариб, — тиланчи эмасман.

Қиз гапимни тушунмади, албатта, бироқ ўзининг тилида алланималар деди. Ўлай агар битта сўзига тушунган бўлсам? Ҳатто унинг гапирганига ҳам ишонмадим. Чунки лаблари қимирлар, ниманидир талаффуз қилгандай бўларди-ю, менга шивирлаган товуш эшитиларди, холос.

— Барибир бир-биримизни тушунмаймиз, яخشиси, мени уялтирма, кетавер, — деб унга йўлни кўрсатиб, бармоқларим билан юраётган ишорани қилдим.

Ҳартугул, қиз нима демоқчи бўлганимни англади ва менга кўзлари ғамга тўлиб бироз қараб турди-да, ортига бурилиб кета бошлади.

“Ортиқ бу ерда ўтирмай, — дея ўйладим мен. — Кўнгли ийган, ичи ачиган одам шу қизга ўхшаб озгина пул бериши мумкин. Лекин, худо кўрсатмасин, буларнинг полицияси кўриб қолса, ўғри-пўғри деб, обориб қамаб қўяди. Ундан кейин додимни кимга айтаман?! Яخشиси, кетганим маъқул”.

Энди ўрнимдан кўзғалган эдим, ҳалиги қиз қайтиб келди-да, қўлимдан ушлади. Мен унинг бу қилиғига тушунмадим ва қошимни кериб: “Нима дейсан?” — деб ишора қилдим. У бўлса:

— Камон, камон, — деб мени боғ ташқарисига етаклади.

Шу пайт хаёлимдан: “Бу анави одамхўрларнинг шериги бўлса керак”, деган ўй ўтди-ю, силкиб қўлимни тортиб олдим.

— Чучварани хом санабсанлар, бориб айт ўша акачаларингга, энди улар менинг қорамни ҳам кўрмайди, тушундингми?! — деб бақариб бердим.

Кошки қиз гапимни англаган бўлса. У киприк қоқмай кўзларини менга тикиб тураверди.

— Уфф, — дедим у ёқ-бу ёққа қараб, — қанақанги галчасан?

Бу гапим жавобсиз қолмади, қиз астойдил куйиниб бир нималар деди. Сўнг қўлимдан ушлаб, яна кўча томонга тортқилади. Бу билан шубҳамни баттар кучайтириб юборди.

— Онангни эмгур, шайкаларингнинг ёнига обормоқчимисан, ундан кўра бу ёққа юр, гаплашамиз, — дедим мен уни боғнинг ўртарафига тортиб.

Қизиқ, у индамай менга эргашди, ҳатто кулиб қўйди. Бирдан Нигора хаёлимга келди. Бу қиздан у чиройли бўлса чиройли эдики, аммо кам эмасди. Мен лақма чиройга ошиқ бўлиб, мана, не кўйларга тушиб юрибман! Менимча, бу қиз ҳам аввал ўзининг гўзаллигини кўз-кўз қилиб илжайиб, кучоғини очади, кейин катта-кичик ишлар бошланиб кетади ва мен аҳмоқ осонгина қопқонга тушаман. Йўқ, бу сафар ҳийла ўтмайди, кўр ҳам ҳассасини бир маротаба йўқотади-ку. Энди бу қизни шундай ўйнатайинки, онасидан туғилганига пушаймон бўлсин.

Хаёлга алаҳсиб, анча ичкарилаб кетганимизни сезмабман. Ҳатто оёқларимнинг толиққани, елкамнинг оғриғини ҳам унутибман. Бир маҳал рўпарамиздан иккита полициячи чиқиб қолса, денг. Юрагим “шув” этиб, ҳаяжон босди. Лекин буни сездирмаслик учун юришимни ўзгартирмадим. Аммо балонинг ўқиға гирифтор бўлгурлар, барибир, сезишибди. Яқинлашганимизда новчаси қисик кўзларини баттар қисиб, алламбало дея қўлини ҳавода силкитганча: “Тўхта”, дея ишора қилди. “Оббо, бу ёғи чатоқ бўлди. Шу падарингга лаънат қиз қаёқдан ҳам пайдо бўлди?” — дея ўйладим. Лекин хаёлимни бир жойга йиғиб улгурмай қиз олдинга ўтиб, полициячиларга нимадир деди. Тартиб посбонлари қизга қараб илжайишди, оғизларини ғалати қимирлатишиб нимадир сўрашди.

Шундан кейин қиз шунақанги сайраб кетдики, унинг нима деяётганини тушунмасам-да, оғзига термилиб туравердим. Бир маҳал қарасам, полициячилар ҳам анқайиб тикилиб қолишган. Қизнинг товуши тингач, новча по-

лициячи менга қўлини узатиб, қўлимни сиқиб қўйди-да, индамай нари кетди.

“Вой афирист, — хаёлимдан ўтди, — буларни осонгина алдаб юбориб, кейин мени қассобларинг қўлига топширмоқчимисан? Билиб қўй, оғзингдан чиқаётган бу товушинг менга кор қилмайди. Биринчидан, мен тилингни тушунмайман. Тушунган тақдиримдаям энди лақмалик қилмайман, қайтанга ўзингни “сарсон” қилиб бир жойга ташлаб кетаман. Сўнг юрасан, додингни худога айтиб”. Ўзимга кўпроқ ишонаётганимдан руҳим тетикланди, лекин бу қизни қандай қилиб чув туширишни билмасдим. Мушт туширай десам, ҳар қадамда одам. Алдашнинг эса иложи йўқ. Бошим қотди. Тўхтаб, аланглай бошладим. Қиз менга бир муддат тикилиб турди, сўнг қўлимдан тортқилаб, дарахтлар қалин томонни кўрсатди.

Тушундим. Демак, ўша одамхўрлар шу ёқда. Бизнинг боғдан чиқмаганимизни кўриб, бошқа йўл билан бу ерга келишган, қиз уларни кўриб, энди мени шу ёққа етаклаяпти. Мен борсам-у, шериклари бошимга қоп кийги-зишса. Хўш, яна нималарни хоҳлайсиз, ойимқиз?

Тавба, буларга менинг гўштимни ким ширин деб айтган экан? Мол-пол, қўй-пўй қуриб кетдими, одам гўштини ейишса? Қаерларга келиб қолдим ўзи? Қутулиб кетишнинг иложи бормикин?

— Бормайман, тушундингми?! Умуман, бу ердан туёгингни шиқиллат. Билиб қўй, ҳозир анави, — деб қиз ишора қилган томонга қўл силтадим, — гумашталарингни бу ердан олиб кетмасанг, ҳаммангни полицияга тутиб бераман. Одам ўлдириш, гўштини бурдалаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди сенларга!

Қиз башарамга тикилиб қотиб тураверди, бирорта туки ҳам ўзгармади. Демак, у кўрқмади, гапларимни тушунмаган бўлса ҳам юзимдан жаҳлим чиққаниниям пайқамади, чамамда. Ахир, қовоғимни уйиб турган бўлсам, аччиқланаётганимни сезиши керак-ку! Ёки булар жаҳли чиққанда илжайримкан?..

— Нима хоҳлайсан мендан? Айт. Турма бу ерда безрайиб! — дедим атайин овозимни бир-икки парда кўтариб.

У қилт этгани йўқ. Бу ғалчани нима қилсам, деб ён-атрофимга қарадим. Кўзим бехосдан сув тўла ҳовузга тушди. “Яхши, — дедим ичимда, — бир йўла бет-қўлимниям ювиб оламан”. Кейин қизга бир қараб қўйдим-да, ҳовуз томон юрдим. Мени қолқонга тушириш қўлидан келмаслигига ақли етиб, энди қайтиб кетса керак, деган хаёлга боргандим. Қаёқда, айлана шаклида қурилган, атрофи мраммар ҳовузга эгилиб бир ҳовуч сувни олишим билан қиз ортимдан етиб келиб елкамдан, яна оғриган жойидан туртиб турибди-да! “Имм!” — деб юбордим бехосдан ва ўгирилиб қизга важоҳат билан қарадим. У кўрқиб ортига тисарилди.

— Кўринишингдан нозиккинасан-у, қилигинг бунча кўпол? — дедим.

Гапим ўзим учун айтилганди. Тўғриси, бу аҳволда жинни бўлиб қолишим ҳеч гапмас: биров мени тушунмайди, уларнинг оғзидан чиқаётган ҳар хил товушларнинг маъносига эса менинг ақлим етмайди. Кўргилик деганлари бундан ортиқ бўлмаса керак.

Аламдан бўғилиб юзимни ювмоқчи бўлгандим, қиз қўлимни силади. Бошқа жой, бошқа вазиятда унинг қилиғи мойдай ёққан бўларди, лекин ҳозир асабимни баттар ўйнатиб юборди. Қиз йигирма қадамча наридаги ўрдакнинг ҳайкалчаси оғзидан бир маромда оқиб турган сувни кўрсатди.

— Бу ерда ювиниш мумкин эмасми? — деб ўзимга ўзим гапирдим-да, у кўрсатган тарафга бордим.

Оқиб турган сувда юзимни, бўйнимни ювдим. Танам роҳатланди. Сўнг шохларининг эгилиб туришидан мажнунтолга ўхшаб кетадиган, лекин барглари шапалоқдай-шапалоқдай дарахтнинг тагидаги ўриндиққа бориб ўтирдим. Шубҳасиз, “дум” ҳам “ялт” этиб ёнимдан қўним топди. Унинг ёпишқоқлигидан кўнглидаги нияти ёмонлигини пайқаб турардим. Ахир, Нигоранинг эркалиниб суйкалишлари, Индира опа, Валерий, кейин анави кўзойнакли юмронқозикнинг юмшоқ гаплари тагидаги разилликни кеч бўлсаям билдим-ку. Энди бунинг кўнглимни овлаши учун забони камбағаллик қилиб турибди, холос.

Шундай ўй-хаёллар билан ўтирганимда қайси гўрдан-

дир басавлат полициячи пайдо бўлиб қолса денг. Унга мендан олдин қизнинг кўзи тушди ва мени кучоқлаб, юзимни силаб, бурнимни чимдиб:

— Ҳа, ҳе, ху, ҳа, — дея (ҳар қалай, менинг қулоғимга унинг гаплари шундай эшитилди) эркаланган бўлди.

Мен ҳам полициячининг қўлига тушиб қолмаслик учун илжайиб қизнинг оғзидан чиққан товушга бошимни силкидим.

Шайтон қизнинг ҳийласи иш берди, полициячи ғиринг демай ўтиб кетди. Кейин қиз кўйлагимни ушлаб бир нималар деди.

— Ҳа, тушундим, — дедим бир қўлим билан кўйлагимни ушлаб, иккинчисини ҳавода қимирлатиб. — Йиртилган. Бошқа йўқ-да, алмаштирай десам. Энди шу кўйлақда юравераман.

Буни қарангки, қиз мени тушунди, бироз кўзимга ўтли нигоҳини қадаб турди-да, кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, жавради. Сўнг ўрнидан туриб қаёққадир югуриб кетди. Мен аввалига ҳайрон бўлиб, ортидан қараб турдим. Сўнг миямга: “Бу анави шерикларининг ёнига кетди”, деган ўй келди-ю, ўрнимдан туриб кетдим. Қизнинг қораси ўчганидан кейин, аста орқа тарафга, беш-олти метр наридаги дарахтларга, уларга чирмашган чирмовиқларга синчиклаб разм солдим. Назаримда, ўша жойда одамхўрлар бекиниб тургандай туйиларди. Лекин шубҳали ҳеч нарсага кўзим тушмади. Менимча, ўша ёқда йўлак бўлса керак, чунки у ёқдан-бу ёққа оёғига хина қўйгандай бир-бир қадам босиб одамлар ўтиб-кешиб турарди. Демак, қизнинг шериклари бизни йўқотиб қўйишган, ахир, сайр қилиб юрганлар кўп-да. Қизнинг айтганига кўнганим яхши бўлди, бопладим уни, деб ўйладим. Аслида бошида пишиқ бўлишим керак экан. Бироз ўтирганимдан кейин, эртароқ бу ердан жуфтақни ростламоқчи бўлдим, бошқа иложим ҳам йўқ. Қиз гумашталарини етаклаб келса, кейин кеч бўлади.

Ўрнимдан турмоқчи бўлганимда, қўлим бир нарсага тегиб кетди. Қарасам, оппоқ, кичкина сумкача. Мен бу сумкачани қизнинг елкасида кўргандим. Нега ташлаб кетди? Эсидан чиқдимикин? Ёки мени бирон жойга кетиб

қолмасин, деб атайин шундай қилдими? Бошим қотди. Бир хаёл, унинг сумка-пумкасига тупуриб, кетвормоқчи-ям бўлдим. Бироқ нимадир тутиб турарди мени. Ҳа, кўнглимнинг бўшлигидан бу... Хуллас, нима қиларимни билмай, ўтиб-қайтаётганларга қараб ўтиравердим. Кетиб қолишимга яна бир нарса — кийим-бошимнинг абгорлиги йўл қўймаётганди.

Ана кетаман, мана кетаман, деб бир қарорга келгунимча қизалоқ ҳовлиқиб югуриб келиб қолди. Икки қўлида елимхалталар. “Нима балони кўтариб келди бу “елим”?” — деб ўйладим.

Қиз қулоғимга сингиб қолган товушда нималардир деди ва қўлидаги елимхалталарнинг биттасини узатди. Олиб ичини очдим. Битта оппоқ футболка ва кўк жинси шим. Уларни кийишим кераклигини сездим-у, лекин ўзимни гўлликка солиб, қизга қайтардим. Қиз бидирлаб гапирганча футболкани елимхалтадан чиқарди-да, қўлимга тутқазиб, имо-ишора қилди. Унинг айтганини қилиб, кийимларни кийдим. Қиз менга бошдан-оёқ қараб, бош бармоғини юқорига кўтарди, демак, ярашибди. Кейин бошқа елимхалтани кўрсатиб, боши билан “юр” дегандек имо қилди.

Ўша пайтлари шайтон ишончингга кириб олганидан кейин алдашни бошлайди, деган гапдан беҳабар эдим. Шу боис, қизга эргашиб бўш ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Елимхалта ичидаги орасига гўшт солинган кулчани иштаҳа билан туширдим. Итдай оч эканман. Эсласам, Индира опанинг уйида овқатланганим, шундан бери туз тотмабман. Қизга кулиб қараб, хурсандчилигимни билдириб қўйдим. У ҳам кулимсиради ва сумкачасини титкилаб, ручка билан кафтдай дафтарча олиб очди-да, уй расмини чизиб, устига сўроқ белгисини қўйди. Кўз ўнгимда беихтиёр қишлоғим, уйимиз, отам, укаларим гавдаланиб, энтикиб кетдим. Қани қанотим бўлса-ю, учсам. Отам роса... Йўқ, сўкмайди. Бир марта бўлсаям пул жўнатдим-ку. “Келдингми?” — деб бир оғиз сўрайди. Тамом-вассалом.

Ўзиям дунёда менинг отамдай ичи кенг одам бўлмаса керак. Бир ҳисобдан шунисиям яхши...

Қизнинг товуши хаёлимни бўлди. Унга бир қараб қўйдим. Қўлидан ручкасини олиб уйга стрелка қўйдим-да, тахмин қилиб, 15 000 км, деб ёздим. Қиз бир менга, бир дафтарчасига қараб бошини сарак-сарак қилди.

— Ана шунча узоқда менинг уйим, — дедим хўрсиниб.

Қиз кўзлари ғамга ботиб менга қаради. Сўнг ўзининг тилида алланималар деди. Менимча, кўнглимни кўтармоқчи бўлди. Қизиқ, одам бошқанинг тилини тушунмаса-да, нима демоқчилигини англаб оларкан. Қизнинг уйим қаердалигини сўрагани ва таскин бермоқчи бўлганини илғашимга тил билишимнинг ҳожати қолмади.

Шу пайт бизнинг олдимиздан ўтиб бораётган икки кишига кўзим тушди. Бирининг сочи сарғиштоб, оппоқ кўйлак, қора шимда, галстук тақиб олган. Атрофга аланглаб кетаётганидан бесаранжомлиги кўриниб турибди. Ичимдан бир нима узилгандай бўлди ва қизни маҳкам кучоқладим-да, юз-кўзидан ўпа бошладим. Мақсадим, анавиларни чалғитиш. Лекин қиз қурмағур кўкрагимдан итариб, мени чув туширди. Йигитлар рўпарамизда тўхтаб, бизга синчиклаб тикилишди ва аста-секин бизга яқинлашишди. Нима қиларимни билмай қолдим. Қочай десам, икки ҳатлаб етиб олишади. Қочмайин десам...

— Яхшимисиз, йигитча? — деди улардан бири ўзбекчалаб ва кўришмоқчи бўлиб кўлини узатди.

Унинг ўша одамхўрлардан бири эканига энди шубҳам қолмаган эди. Ўзимни йўқотиб қўйиб, унга қўл берганимни сезмай қолибман. Бир маҳал шарақ этиб биланга кишан ҳалқаси кийилди, унинг иккинчи учи эса одамхўрнинг билагида эди.

— Кўйвор! — деб қичқирганча қўлимни силтадим.

Суягим зирқираб оғриди, бироқ кишандан қўлимни бўшатолмадим. Мени осонгина тутиб берган қизга нафрат билан қарадим-да:

— Кўнглинг жойига тушдими, манжалақи?! — деб бақирдим.

Овозимдан сесканиб кетган қиз мени тутганлардан ниманидир сўради. Иржайган сариқ сочли одамхўр қизнинг тилида жавоб қилди ва бўш қўли билан чўнтагидан қандайдир ҳужжатни олиб кўрсатди.

— Алдаяпти! — бўкирдим мен, чунки одамхўрлар ҳуж-
жат кўрсатишганидан қизнинг уларга шерик эмаслигини
тушуниб етгандим. — Алдашаяпти! Булар ҳозир мени
олиб бориб сўйишади!

Жон аччиғида кишанланган қўлимни тишладим-да,
этимдан бир тишлаб узиб олдим, кейин бўш қўлим би-
лан одамхўрлар мени мана шундай ейишларини қизга
имо-ишоралар билан тушунтира кетдим. Қизнинг, авва-
лига, афти буришиб кетди, бир муддат қўлимнинг қон
жўшиб турган жойига, сўнг ўзимга қараб турди. Кейин
мутлақо кутилмаганда сариқ сочли барзангининг икки
чоти орасига шунақанги тепдики, у ўкирганча букчайиб,
иккала қўли билан оғриган жойини чангалламоқчи бўлиб,
мени ҳам тортиб юборди. Бўш турган эканман, силтаниб
кетиб, манглаймни одамхўрнинг бошининг орқасига ур-
волдим. Бир зум кўз олдим қоронғилашди, лекин тез
ўзимга келиб, қизнинг қўлимни кишандан бўшатаётга-
нини кўрдим. “Иккинчиси қочиб қолдими?” — деб ён-
веримга қарадим ва кўзим ерда чўзилиб ётган одамхўр-
нинг шеригига тушди. Ҳа, тушунарли, мен карахтлан-
ганда қиз ишини битириб қўйган экан.

Атрофимизни одамлар ўраб олишди, шовқин кўтарил-
ди. Қиз нимадир деб қичқирди, мен унинг “полиция”
деган сўзигагина тушундим. Биз қочдик, майсалар усти-
дан қуёндай сакраб-сакраб боққа ўтдик.

Богдан чиқиб олгандан сўнг югуришдан тўхтадик. Қиз
зувиллаб оқиб ўтаётган машиналарга қўл кўтарди. Бир
машина ёнгинамизда тўхтади. Қиз ҳайдовчидан сўраб
ўтирмай орқа эшикни очди-ю, чаққон кириб ичкарироқ
силжиди. Тўғриси, унинг нозик ҳаракатларига ҳавасим
келиб кетди. Аммо машина қўзғалиши билан шеригимга
айланган бу гўзалдан шубҳалана бошладим ва биз ўтир-
ган уловнинг қаёққа кетаётганига эътибор бермоқчи
бўлдим, бироқ билолмадим, чунки машина бироз юриб
чапга қайрилди. Мен эса, бу томонларни энди кўришим.
Аксига олиб, эти узиб олинган қўлимнинг оғриғи кучай-
ди. Тишимни тишимга босиб чидашга уринаман, қон
оқиши тўхтамайди, яп-янги кийимларим қонга бўялди.
Ярнинг тепасидан соғ қўлим билан маҳкам сиқдим. Қиз

ҳам қўлимни ушлади ва синчиклаб ярамга тикилди. Кейин (очиғи, ўшанда унинг ақлига қойил қолдим: тўполонда эски кўйлагимни олишни унутмаган экан) Индира опа совға қилган кўйлақдан бир парча йиртиб олиб, қўлимни маҳкам боғлаб қўйди.

Орадан кўп ўтмай машинадан гушдик. Бир қарашда бозорни эслатадиган одам гавжум тарафга юрдик. Адашмаган эканман, кўчанинг ҳар икки томонига дўкончалар пала-партиш қуриб ташланган, латта-путта, кийим-бошлар илиб ташланган. Калта иштондаги савдогарлар оёғида шиппак билан чаққон бориб-келиб юрибди. Шовқин унчалик кучли эмас, бироқ ора-сира бир-бирига бақириб гапираётганлар ҳам бор. Мени эса бошқа нарса, бу ерғанима мақсадда кирганимиз ўйлантиради. Кўйлагим қон бўлди, бошқасини обертмоқчидир, деб ўйладим, аммо қиз кийим-кечакларга қарамай, илдам юриб кетаяпти. Югуравериб тинкам қуриб қолганидан, ундан бироз ортда қола бошладим. Қиз аввалига буни сезмади, кейин ортига бир қараб қўйди-ю, тўхтади.

— Бирон жойда озгина дам олайлик, барака топгур, — дедим унга етиб олганимдан кейин. — Оёқларимда дармон қолмади.

Аммо қиз соғ қўлимдан ушлаб судраётгандай тез-тез юриб кетди. Икки юз қадамча юрганимиздан кейин кўкат бозори бошланди. Қиз турли-туман ўтларга диққат билан қараб, қадамини секинлатди. Унинг ортидан, бир нимани биладиган одамдай, мен ҳам кўкатларга қарай бошладим. Қиз барглари беданикига ўхшаб кетадиган, новдаси йўғон ўтдан икки боғ сотиб олди. Сўнг асал ва бир дона тухум ҳам харид қилди. Уларни сумкачасига жойлаб, менинг қўлимдан ушлади-да, орқа тарафга бошлади.

Кўчанинг бошига чиқишимизга озгина қолганида негадир бошим айланиб, кўзим тинди. Гандираклай бошладим. Қиз аҳволимни сизди, шекилли, тўхтаб юзимга тикилди. Сўнг қаторнинг чап томонидаги пакана, қоринчаси дўппайган, сочи тап-тақир олинган сотувчига юзланиб, бир нималар деди. Сотувчи бошини қимирлатиб,

дўконига кириб кетди ва зум ўтмай қўлида шиша идиш кўтариб чиқди.

Шишадаги қип-қизил суюқлик тахир экан, спирт қўшилганга ўхшади. Қизнинг ишораси билан охиригача ичдим. Биласизми, бирдан кўз олдим равшанлашди ва қизга илжайиб:

— Кетдик, — дедим.

Йўл бошига энди чиқиб боргандик, боғда айнан қўлимга кишан солган барзангилардай кийинган ўн чоғли одам иржайишиб-тиржайишиб туришганини кўриб, ҳайкалдай қотдик. Энди қўлга тушганимга шубҳам қолмаганди. Аламдан қўлларим мушт бўлиб тугилди.

Уларнинг бу ерда қандай пайдо бўлиб қолгани мени ўйлантириб қўйди. Ахир, биз боғдан қочиб чиқиб, машинага ўтирганимизни ҳеч ким кўрмаганди. Кўзи тушганлар эса оддий йўловчилар. Полиция қидириб келганида ҳам тушунардим, чунки иккита барзангини сулайтириб қочишимиз уларда шубҳа уйғотиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин булар... қаердан ҳид олди? Ким бизнинг бу ердалигимизни хабар қилди? Ёнимдаги қизга алам билан қарадим. Чунки гумоним айнан шу қиздан эди.

Йўлтўсарларнинг учтаси тўладан ажралиб чиқиб, бизга яқинлаша бошлади. Ўзимни тақдирнинг қўлига топширган эсам-да, айти пайтда, осонликча жон таслим қилмоқчи эмасдим. Гарчи мадорим қуриган, биров туртиб юборса ағанаб тушадиган аҳволимда ҳам ёқаланишга шай эдим.

Қиз кўкрагимга қўлини қўйди-да: “Сен нари тур”, дегандек орқага итарди. Ўжарлигим тутиб, қўлини силтаб ташладим. Қиз менга ғалати қараш қилиб, қошларини чимирди-да, алланималар деди. Сўнг яна мени орқароққа итариб, ўзи бир қадам олдинга чиқди. Назаримда, у яқинлашиб келаётган учта барзанги билан муштлашмоқчидай. Бир кулгим қистайди, бир ғашим келади. Тўғри, у боғда иккитасини бир ўзи эплади. Лекин боғдаги муштлашиш мутлақо улар кутмаганда рўй берганди. Қолаверса, иккинчи одамхўрни урганини мен кўрмадим. Балки

кимдир ёрдамлашиб юборгандир-у, мен ўзим билан ўзим овора бўлиб илғамагандирман.

Йўлтўсарлар билан орамизда бир қадамча қолганида қиз энгил ҳаракат қилиб оёғини кўтарди ва ўртадаги барзангининг жағига тепди. Аммо қизнинг тепкиси унга чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Боши бир силтанди, холос. Оддий шапалоқ ҳам одамнинг юзини ачитиб юборади. Барзангининг афти бужмайиш ўрнига тиржайди ва қизнинг иккинчи зарбасини осонлик билан қайтариб, юзига зарб билан мушт туширди. Қиз бечора: “А-а!” — дея бақирганча ёнига йиқилди. Шунда мен чинқирик ҳамма тилда бир хил бўлишини билдим.

Мен ортимга тисарилиб, қўлимни мушт қилиб тугдим, ўзимча: “Қайси бирини урсам экан?” — деб ўйладим ҳам. Аммо шу пайт орқа томондан шовқин эшитилди. Бурилиб қарамадим. Тўғрироғи, қарашга қўрқдим. Чунки йўлтўсарлар яқин келиб қолишган, ушлаб олиши тайин эди. Биттаси ҳатто қўлини чўзиб, ёқамдан тутмоқчи ҳам бўлди. Аммо мен чаққонлик қилиб ўзимни орқага олишга улгурдим.

Бир маҳал йўлтўсарлар чекина бошлашди. Шунда мен ортимга ўтирилдим-у, ҳайратдан донг қотдим: хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир гала одам алланималар деб бақирганча бостириб келарди. Бирининг қўлида калтак, бошқасиникида арматура. Ҳеч шубҳа йўқки, улар мени, аниқроғи, лабидан сизиб чиққан қонни кафти билан артаётган шеригим — исми номаълум қизнинг ҳимоясига ташланишганди.

Билагимга ғойибдан куч қуйилди, югуриб бориб, менинг қонимга-ю этимга ташна одамхўрлардан бирини ушлаб олиб, хуморим босилгунча тепкилагим келди. Аммо бир қадам босдим ё босолмадим, кўз олдим қоронғилашиб, ортимга йиқилдим. Қизиғи, йиқилаётганимни ўзим аниқ ҳис қилдим. Хаёлимда бу анча вақт давом этгандек туйилди. Йиқилаяпман-у бирон жойим лат емасин, деган ўйда қўлимни ерга таямоқчи бўламан. Бироқ қўлларим бўйсунмайди, кесакдай қотиб қолган.

Кўзимни очсам, қоронғи бир жойда ётибман. Миямга келгани: “Тирикманми?” — деган ўй бўлди. Юрагим ор-

қага тортиб, секин баданимни ушлаб кўрдим, кўкрак қафасимга қўл теккизишга қўрқдим. Ёрилган, ичидаги ашқол-дашқоли кесиб олинган, ўрнида қон юқларигина қолган ёриқ кўкрагимга қўлим тегиб кетса борми?! Даҳшат! Мен ўлдимми? Бунча тез?! Ўлим деганлари шунчалик осонми?.. Мени энди биров эслармикан? Эслайди. Отам эслайди. Уям тириклигида эслайди. Эҳтимол, қайтиб келишимга умид қилиб, кўзлари тўрт бўлиб ўтиргандир. Лекин Шокир акани тинч қўймаслиги аниқ. “Боламни сен олиб кетгандинг, топиб берасан”, деб ёқасидан бўғади. Балки бундай қилмас. Ахир, ўзи Шокир аканинг ёнига бориб: “Нодирни ҳам шамоллатиб кел”, деганди-да. Лекин бечора шу иши учун ўзини-ўзи еб адо қилса керак... Нозима... Нозима мени бир маротаба бўлсам эслармикан? Эслаганда нима наф? Мендан дарак бўлавермагач, биттасига эрга тегади барибир. Аслида эсламаганим маъқул. Чунки мен унга хиёнат қилдим. Анави падарингга лаънат Нигоранинг чиройига учиб, унинг тузоғига илиндим-у, бир неча соатлик кайфу сафо учун, мана, ўлиб кетдим. Айтганча, одам ўлганидан сўнг руҳи танасидан ажралиб чиқади, деб эшитувдим. Руҳ бемалол хоҳлаган жойига учиб кетиши, истаган одамни кўриши мумкин дейишарди, қани бир учиб кўрай-чи!

Шу хаёлда шифтга интилдим. Қаёқда? Жойимдан қимирламадим ҳам. “Наҳотки тирик бўлсам?!” — деб кўкрагимни ушладим. Во ажаб! Ҳаммаси жойида! Ҳеч ким мени ўлдирмаган, кўкрагимни ёриб, ўпка-жигаримни суғуриб олмаган. Қувониб кетдим. Ўрнимдан туриб, баданимни пайпаслаб чиқдим. Худога шукур, тўрт мучам соғ. Билагимнинг зирқирашини айтмаганда, бошқа бирор жойимда оғриқ сезмадим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, бир маҳал кўзлари корейсларникига ўхшаш икки киши эшикни очиб кириб келди. Бир нарсалар дейишиб, ташқарини кўрсатишди. Кўрқа-писа ташқарига чиқдим, шундоққина кўча бўйидаги дўконлардан бирининг омборида эканимни пайқаб, хотиржам тортдим.

Қуёш терак бўйи кўтарилибди. Балки ботаётгандир,

ахир, мен бу ерда офтоб қай томондан бўй кўрсатиб, қай томонга ёнбошлашини билмайман-ку!

Эшикни очганлар дўкон ичкарасида қолиб, имо-ишора билан мени ташқарига чиқишга ундашди. Озод бўлганимдан хурсанд эдим-у, лекин қайга бораримни билмай бир муддат ўйланиб қолдим. Шу баҳонада дўкон пештахталарига ёйиб қўйилган турли-туман матоларни кузатган бўлдим. Бу қилиғим дўкондорга ёқмади, шекилли, келиб қўлимдан ушлади-да, эшиккача кузатиб қўйди.

Кўча ўртасида мени ҳалиги қиз кутиб турган экан, бир қарашда уни танимадим. Оппоқ кофта ва жинси шим кийиб, қоп-қора кўзойнак тақиб олган экан. Устига-устак, бу мамлакатнинг одамлари бир-бирларига шунчалик ўхшаб кетишадик, ажратиш жуда қийин.

Кўчага чиққанимдан сўнг мендан кўзини узмай турган қизнинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлдим, бироқ яқинлашишим билан у кўзойнагини олди. Шунда кўзи кўкарганни кўрдим ва унга тикилишим билан қиз жилмайиб:

— Хай, — деди ва ярадор қўлимни ушлаб (дарвоқе, эсимдан чиқибди, қўлим дока билан яхшилаб боғланган, эгнимдаги футболка ҳам ўзгариб қолибди), ўзининг тилида бир нималар деб чулдиради.

— Озгина оғрияпти-ю, лекин чидаса бўлади, — дея жавоб қилдим ва жилмайиб қўйдим.

— Окэ, — деди у бош бармоғини юқорига қилиб ва сўраб ҳам ўтирмай, кўча боши томон юрди. Қаёққа кетаётганимизни билмасдим. Лекин энди қизга менда ишонч пайдо бўлганди. Ахир, кеча озмунча талотўп бўлмагандир. Қизнинг калтак еганини ўзим кўрувдим, кўзиям кўкариб кетибди. Шундай бўлсаям мени ташлаб кетмабди-ку. Анави “тўрткўз”нинг шерикларига қўшқўллаб топшириб юбормабди-ку. Лекин бу корейс нусхалар ёмон одамларга ўхшамайди. Мана, битта шу қизни урганига қанчаси тўпланиб бирдан ёпирилишди...

Биз кун бўйи шаҳар айландик, назаримда, бормаган жойимиз қолмади. Таассуротлар бир дунё. Шаҳар шунақанги ёқдики, лекин барибир ўзимизнинг юртга келмайди. Шишадек ялтираб турадиган осмонўпар иморатлар, умуман, кўрганларимнинг ҳаммаси сунъийга ўхшайди:

фақат турли-туман дарахтлардан ташқари. Тўғри, уларнинг шохлари қирқилиб, бир шаклга келтирилган. Лекин, ҳар қалай, табиий-да.

Қизнинг кун бўйи гапирган гапларидан узоғи билан олтитасини англадим, холос: шунда ҳам имо-ишоралардан кейин. Бир маҳал у сумкачасидан кичкина китобча чиқарди-да, менга кўрсатди. “Нима бало экан бу?” — деб варақлаб кўрдим. Алламбало ҳарфлар, бирортасигаям тишим ўтмади. Китобчани ёпиб қайтараётгандим, у бир нарсаларни қўли билан тушунтирган бўлди-да, китобнинг биринчи саҳифасидаги мунгайиб ўтирганча хаёл сураётган йигитнинг суратини кўрсатди. Синчиклаб разм солдим. Ҳеч нимани англамадим ва қизга савол назари билан қарадим. Бу сафар қиз гапирмади, китобдаги мунгайган йигитнинг суратини, сўнг мени кўрсатди. Кейин тагин суратга ва менга ишора қилди.

— Шу бола менга ўхшайдими? — дедим кулиб кўрсаткич бармоғим билан кўкрагимни кўрсатиб. Қиз бош силкиб тасдиқлади.

Мен суратга синчиклаб назар солдим, лекин ҳеч ўзимга ўхшатолмадим. Эътирозимни имо-ишоралар билан қизга тушунтирдим.

Қиз билагимдан ушлаб, йўл четидаги бетон плита устига ўтқазди-да, қўли билан бўйнимни озгина эгиб туришимни кўрсатди. Айтганини қилдим. У қиқирлаб кулди ва сумкачасидан фотоаппарат чиқариб, “чирқ” этказиб суратга олди. Сўнг матоҳини яқин келтириб, суратим акс этган ойнани кўз олдимга тутди. Мени ўзимнинг суратимдан кўра фотоаппаратнинг антиқалиги ажаблантирди. Тўғриси, бунақасини ҳали умримда кўрмагандим. Шундай эса-да, ажабланганимни қизга сездирмай, суратимга тикилдим.

Ҳа, ўхшарканман китобдаги йигитнинг расмига. Демак, боғда чорасиз, ҳориб-толиб, танамдаги оғриқдан азобланиб бошимни ҳам қилиб ўтирганимни кўрган қиз мени китобдаги йигитга ўхшатган. Менимча, китоб зўр, ақлли одам ҳақида ёзилгандир, бўлмаса қиз мен учун бунчалик куйиб-пишмасди, жонини хавф остига қўйиб ёрдам бермасди. Қизга меҳрим жўшиб, ўрнимдан тури-

боқ уни қучдим-да, ўлдим. Нигора юзимнинг терисини анча қалин қилиб қўйган экан, йўқса, шаҳарнинг ўртасида, шунча одамнинг кўз ўнгида қизни ўпармидим? Қиз ўзини олиб қочмади, узун киприклари пирпираб менга тикилиб қолди, сўнг майин жилмайиб бурнимдан чимдиб қўйди.

Кечга бориб толиқибман, троллейбуснинг деразасига бошимни қўйиб, кўзим илинибди. Агар қиз туртиб тушишимизни айтмаганида, донг қотиб ухлаб қолардим.

Троллейбусдан тушиб, бироз юрдик ва атрофи ям-яшил майса билан ўралган мўъжазгина уй ёнига етиб келдик. Қиз дарвозача ёнида тўхтади ва менга юзланиб бир нималар деди. Мен кулиб елка қисдим. Шу пайт уйдан бир аёл ва бир эркак олдинма-кейин чиқиб келишди. Улар бизни кўриб, бўсагадан жилмайганча қараб қолишди. Қиз безовталанди, саросимали нигоҳини кўзимга тикиб, бир нарсалар дея пичирлади. Сездим, қиз ноқулай вазиятда, афтидан, улар ота-онаси бўлса керак, шуларнинг кўз ўнгида мен билан ёнма-ён турганидан уялаётганга ўхшайди.

Фикримни жамлаб, бир қарорга келишга улгурмасимдан, эркак шитоб билан биз томон кела бошлади. Юрагим товонимга тушиб кетаёзди. Ахир, бизнинг қишлоқда қиз бола йигитини уйига етаклаб келмайди-да. Етаклаб келиш у ёқда турсин, кўча-кўйда гаплашиб турганини уйдагилардан биров кўриб қолса борми, қиёмат-қойим бўлади. Бундай пайтда йигитга битта йўл қолади: қочиш! Қиз эса, ўзи жавоб беради. Тузукроқ баҳона тополмаса, бир-икки шапалоқ ейди, сўкиш эшитади. Икки-уч кун уйдагиларининг қовоқ-тумшукларига бардош беришига тўғри келади. Бу ерда қоида қанақа билмайман, эҳтимол, буларнинг қизлари йигитни уйига олиб келишар. Киноларда чет элликлар шунақа қилишади-ку.

Эркак қизга қисик кўзларини кериб ўқрайиб қаради ва бир нималар деди. Қиз синиқ товушда жавоб қайтарди. Назаримда, овози бироз қалтираб чиқди. Эркак унинг гапидан қоникмади, шекилли, бақира кетди. Сўнг ожизанинг кўзойнагини юлқиб олди-да, гапиришдан тўхтади. Орага ғалати жимлик чўкди. Эркак гап бошлагунча бир неча бор қошлари манглайига чиқиб-тушди. Кўзи

баттар йирилди, қовоғи осилди. Сўнг алланималар деб шунақанги баланд овозда бақирдики, қиз шўрлик қалтираб кетди, кўзидан ёш оқди. бироқ лом-мим демади.

Шундан сўнг эркак менга юзланиб бақира кетди. Мен безрайиб қараб туравердим. У баттар тутақиб кетди. Агар қиз бир нарса деб тўхтатиб қўймаганида, ким билади, яна қанча вақт овозига зўр берарди? Қизнинг гапидан сўнг у бирдан жимиб, афт-ангори ўзгариб, юзимга маймунга қарагандай илжайиб тикилиб турди-да, чўнтагига қўлини тиқиб, бир даста пул чиқарди ва учтасини ажратиб қўлимга тутқазди. Унинг бу қилиғидан жон-поним чиқиб, берган пулини отиб юбордим-да, ортимга бурилиб тез-тез юрганча улардан узоқлашдим. Тахминан ўн қадамча юргананда қизнинг чақиргани эшитилди. Бироқ тўхтамадим. Ортимга ўгирилиб қарамадим ҳам. Чунки энди ортимга қайтолмасдим, гурурим топталганди.

Анчагача ўзимга келолмай, сўкиниб, жаҳлимни босолмай юрдим. Шу кетишда қаерларга бориб қолганимни, қизнинг уйи қайси томонда қолиб кетганини ҳам унутибман. Упкамни босиб олгач, қилмишимдан пушаймон бўлдим, ахир бечора қиз мени деб не кўйларга тушмади. Бирров тўхтаб, ортимга ўгирилсам асакам кетармиди? Нимага бунчалик гўддайдим? Эҳ, аҳмоқ, ҳеч калланг ишламади-ишламади-да. Энди бу ҳайҳотдай шаҳарда киминг қолди? Уйингга кетиш у ёқда турсин, шу туришинг бўлса, очингдан ўласан-ку!

Юравериб бир сайилгоҳга келиб қолибман. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Одамларни кузатдим, уларнинг юзида табассум, ҳаётдан мамнун, чақчақлашиб юришибди. Биргина мен омадсиз-у ландовур, ўзича осмонни чоғлаб ботқоққа ботган. Эҳ, бундан баттар кўргилик ҳам бормикан дунёда? Қишлоғимдан чиқмай, араванинг орқа оёғи бўлсам-да, юрмайманми тинчгина? Қишлоғимиздаям одамларнинг куни ўтиб турганди-ку. Бало бормиди Нигорага ошиқ бўлиб? Озгина сабр қилсам, чидасам, Нозима меники бўларди! Ўзи яхши кўришини айтувди-ку.

Асабим кўзиб, бошимга муштладим-да, чуқур хўрсиниб, сайилгоҳда юрган одамларни кузатиб ўтиравердим.

Бир маҳал ёнимдаги ўриндиққа сочлари тап-тақир олинган, ўрта бўйли йигит келиб ўтирди. Аввал эътибор бермаган эканман, ўзим билан ўзим овора бўлиб. Қарасам, у сигарета чекаяпти. Беихтиёр чекким келди. Бўлмаса, аввал чекмаганман. Тўғри, бир-икки марта тутунни оғзимга олиб пуфлаганман, лекин бу чекишга кирмайди-да. Ҳозир ўлардай чекким келаяпти. Бунинг устига, тақирбош шунақанги ҳузур қилиб тутунни ютаяптики, кўриб иштаҳанг очилиб кетади.

Сукланиб унга бир-икки қараб кўйдим. Негадир кўзимга танишдек кўринди. “Қаерда кўрган эканман?” — деб ўйладим ва топдим! Эрталаб қиз билан кўришганимда узоқдан термилиб турганига кўзим тушувди. Кейин қаҳвахонада овқатланаётганимизда, у бизга яқинроқ столга ўтириб олиб, нимадир ичган, ора-чора кўз қирини ташлаб кўювди. Охирги марта троллейбусда... Юрагим безовта ура бошлади: мени чавақламоқчи бўлганларнинг шериги, орқамдан пойлаб юрибди.

Секин ўтирган жойимдан кўзғалиб, унга кўз қиримни ташладим. Йигит гўё хаёл сураётган одамдай, бемалол ўтирибди. “Яхши, сен жойингдан қимирлама, мен сал нарига кетиб олай”, деб хаёлимдан ўтказдим-да секин узоқлаша бошладим. Беш-олти қадам юргач, бирдан тўхтадим-да, ортимга ўгирилдим. Дарҳақиқат, йигит ўрнидан туриб, менинг қайрилиб қарашимни кутмаган, шекилли, ортимдан қараб турарди. Кўзларимиз тўқнашди ва тақирбош буни тасодифга йўймоқчи бўлдими, кўзини олиб қочиб, бошини бурди. Энди кўнглим панд бермаганига, бу нусха чиндан ҳам ортимдан тушганига ишончим комил бўлди ва илдам юриб оломон орасига кириб кетдим. Бироз шу тахлит юрганимдан сўнг югуришга тушдим. Оёқларим ҳам чиниқиб қолган, шекилли, анча югурсам ҳам чарчамадим. Лекин хавотирим кучайиб, тақирбош ортимдан етиб келгандай туйилаверди ва мен тезликни оширдим, бироқ қаёққа қочиб кетаётганимни билмасдим. Кўзим фақат йўлни кўрарди, оқибатда бир-икки одамни туртиб ҳам юбордим, улар ортимдан чинқириб қолишди.

Уч километрдан зиёдроқ югурибман, тўхтаб нафасим-

ни ростлаб олдим, ортимга ўгирилиб қарадим. Мени таъқиб қилган тақирбошнинг қораси кўринмади. Энди бир жой топиб бекинишим керак, бу аҳволда одамхўрларнинг қўлига тушмасам ҳам, полициячиларда шубҳа уйғотишим тайин. Қўлимда ҳужжатим йўқ, қамаб қўйишади. Тилни билмайман, қамоқда чирийман кейин.

Атрофга алангладим. Катта-кичик бинолар қаққайиб турибди, яширинадиган кавак йўқ. Бунинг устига, иморатларнинг қайсисида одам яшайди-ю, қайси бири идоралигини ҳам билиб бўлмайди. Ҳар қалай, одамлар яшайдиган жой бўлса, каллани суқадиган туйнук топилади-да. Таваккал, деб кўп қаватли кўркам иморатлар томон илдамладим. Биринчи бинони айланиб ўтгандим, ортида пастқамроқ уй кўринди. Бола кўтарган аёллар шу уйнинг йўлагига кириб кетишди. Икки қадам ташлаб, негадир ортимга қараб қўйгим келди. Яхшиям қараганим, ортимдан икки йигит қуюндай бостириб келаяпти. Бирининг боши тақирлигини шу ердан туриб ҳам кўрса бўларди.

Капалагим учиб, ҳалиги иккита аёл кириб кетган йўлак сари шамолдай учдим. Йўлакка етдим-у, ортимга ўгирилдим. Улгурмабман. Изқуварлар яна мени кўриб қолишди.

Иккита зинани бир қилиб юқорилар эканман, кўзим аланглаб очиқ эшикни қидирдим. Учинчи қаватда бир эшик қия очиқ экан, иккиланмай ўзимни ичкарига урдим-у, ортимдан эшикни ёпдим. Ичкарида ўттизлардан ошиб қолган бир жувон, деворга суянганча хаёл суриб турарди. Менинг отилиб кирганимни кўриб қичқириб юборди.

— Жим! Овозингни чиқарма, илтимос. Тис-с-с!!! — дедим кўрсаткич бармоғимни лабларимга босиб.

Ҳартугул, аёл бошқа товуш чиқармади. Лекин кўзлари чақчайган кўйи мендан кўз узмай тураверди. Мен тиз чўкдим-да, икки қўлимнинг кафтларини жуфтлаб олдинга чўздим. Ажабмаски, бу ажабтовур қилиғимдан сўнг у мени ҳақиқатан ҳам ҳиндистонлик деб ўйлаган бўлса.

Жувон дағ-дағ титраб, секин ортига тисарила бошлади. Мен бош чайқаб: “Кўрқма”, демоқчи бўлдим. Кейин қўлларимни ҳавода силкиб, эшикни қулфлашни тушун-

тирдим-у, бу ишимдан ўзим пушаймон бўлдим. Чунки аёл эшикни ёпиш баҳонасида қочиб чиқиб кетиши, қувлаб келаётганлар менинг шу ердалигимни билиб бостириб киришлари тайин. Аёлнинг тинч туришини яна бир марта ўтиниб сўраб, ўрнимдан турдим-да, эшик зулфинини ўтказдим.

Шу маҳал йўлакдан “тап-тап” этган оёқ товушлари эшитилди. Баданим музлаб кетди. Орадан бир-икки сония ўтар-ўтмай, ташқарида хавф борлигини аёлга яна бир карра билдириб қўйиш учун эшикка қулоғимни қўйдим. Эҳтимол, шундан сўнг жувон ўзини бироз босиб олгандир. Бу, ҳар қалай, ҳақиқатга анча яқин эди. Чунки унинг афт-ангори аслига қайтганди. Лекин қисқа сониялар ичида ҳавони бадбўй ҳид босиб кетди. Тўғриси, бурнимни бекитишга уялдим.

Мен қочиб кирган уйнинг бекаси бошқа хонага кириб кетди. Мен бўлсам жойимдан қимирламадим. Қулоғим динг — йўлакда “тиқ” этган товушдан юрагим санчади. Тепадаги қаватда эшик тақиллади. Эркакларнинг баланд овозда гаплашгани эшитилди. Сўнг нимадир қарсиллади, эшик ёпилди, шекилли. Нафас олишни ҳам унутиб, эшикка қапишдим. Оёқ товушлари аста-секин узоқлашаётганини аниқ-тиниқ эшитиб турдим.

Бир маҳал ёнгинамда уй бекаси пайдо бўлди. Ишонасизми, унинг бошқа хонадан чиқиб келганини мутлақо сезмабман, кийимларини алмаштириш учун кириб кетди, деган хаёлда эдим. Адашган эканман. У ўша-ўша тунги кўйлакда эди. Бироқ мен жувоннинг оппоқ елкалари, ярми кўриниб турган сийналарига эътибор берадиган аҳволда эмасдим.

Аёлга савол назари билан қарадим. Шу пайт йўлакдан келаётган оёқ товушлари мен яширинган уй эшиги ёнида тинди, нафасим ичимга тушиб кетди. Агар жувон ёрдам сўраб бақириб қолса борми, тамом, жанозасиз гўрга кириб кетишга тайёргарлик кўрсам ҳам бўлаверарди. Лекин аёлнинг кўзида ачиниш аломатларини кўрдим ва билдимки, у менга ёмонлик қилмоқчи эмас.

Хаёлимни бир жойга йиғиб улгурмасимдан эшик қўнғироғи жиринглади-ю, титраб кетдим. Қалтираётган бар-

моғимни лабим устига босдим. Кўнғироқ қайта-қайта жиринглади. Бундан диққати ошган аёл бетоқатланди-да, эшикни очмоққа чоғланди. Жон-поним чиқиб кетди. Ўзим сезмаган ҳолда йўлига кўндаланг бўлиб, бошимни чайқадим. Шунда аёл мен томонга энгашиб, лабларини қулоғимга яқин келтириб алланималар деб пичирлади. Ундан таралган хушбўй ҳид маст қилаёзди мени.

Бунақанги ифорларнинг анча-мунчасини татиган мендай йигитнинг энди аҳмоқлик қилишга ҳақим йўқ эди. Шу боис, секин жувоннинг кўкрагидан итардим. Бармоқларим момиқ сийнасига ботиб, бир муддат хаёлим қочди, бироқ ўзимни босдим. Қизиги, аёл бу ҳаракатимдан жаҳлланмади, аксинча, назокат билан сочимни силади, сўнг қўлимдан ушлаб ичкарига олиб кирди-да, оппоқ узун кўрсаткич бармоғини лабига босди ва ўзи ортига қайтди.

Мен аҳмоқ, ландовур, гўл, яна алдандим! Бир марта сочимни силагани-ю, хушбўй атир ҳидидан ўзимни йўқотиб қўйдим-а! Энди пушаймон қилишнинг нафи йўқ, чунки аёл кўнғироғи узлуксиз жиринглаётган эшикка етган эди. Юрагим гупилаб уриб, каловланиб қолдим. “Эй, худо! — дея пичирлади лабларим. — Тағин кўргиликка рўбарў қилдингми?” Кўзимга жиққа ёш тўлди. Югуриб бориб деразадан пастга қарадим. Йўқ, жудаям баланд. Сакрасам, ўлмай қолсам-да, майиб бўлишим аниқ.

Мен ҳали бир қарорга келиб улгурмай эшик очилди ва эркак кишининг дағал овози эшитилди. Тавба, шундай пайтда шовқин одамнинг этига игнадай санчилиб, баданини музлатиб юбораркан. Айни лаҳзада кўрқув ўрнини алам эгаллади, қўлимни мушт қилиб тукканча аёлнинг “овчи”ларга жавобига қулоқ тутдим. Шундан сўнг эшик ёпилди. Хаёлимда менинг гўштимни ейиш пайида бўлган одамлар (ўша лаҳзада уларни йўлбарсга, ўзимни эса кийикка ўхшатардим, лекин йўлбарсларда инсоф бўлади. Кийикни қўлдан чиқариб юборса, тамом, уни унутади-да, бошқа бир жониворни овлаш пайида бўлишади. Булар бўлса...) изларига қайтишди. Биламан, барибир узоққа кетишмайди. Кўзага тумшуғини тиколмаган аламзада тулкадай тимирскиланиб юришади шу уйнинг атрофида.

Аёл қайтиб келди ва деворга суянганча менга тикилди. Бу нигоҳ бир умр хотирамдан учмаса керак. Аёлнинг кўзида маънос бир ғамзали ачиниш бор эдики, йигит бошим билан шу аёлнинг этагига яширинганимдан ўзимдан хафа бўлиб кетдим.

У гапирмади. Барибир ҳеч вақони тушунтириб беролмайди. Бу ўзига ҳам, менга ҳам кундай аён.

Ноилож қолганимдан қўлларимни ёздим. Жувоннинг юзида табассум пайдо бўлди ва у имлаб мени ёнига чорлади. Мен яқинига йўламасимдан ортига бурилиб йўл бошлади. Ювиниш хонасига кирдим. Мириқиб чўмилдим. Совуни шунақанги хушбўй ҳид таратаркан, еб қўйгинг келади. Кўпирганини айтмайсизми... Хуллас, ярим соатларда қушдай енгил бўлиб чиқдим. Аёл овқат тайёрлаб қўйган экан, сиполик қилиб ўтирмадим, иштаҳа билан едим. Ахир, яна қачон овқат ейман, худо билади. Бунинг устига, қуёш ботиб, атрофга ғира-шира қоронғилик туша бошлаган, бундай пайтда қаёққа боришим даргумон. Шу боис, бир оқшомга бўлса-да, жувоннинг уйида тунаб қолишим керак эди. Бунинг учун, албатта, унга ёқишим шарт. Дарвоқе, у мени бекордан-бекорга уйига қўймагандир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: беш-бегона одам ҳовлиқиб уйингизга кириб келса-ю, имо-ишоралар қилиб эшикни ёпиб олса, хўш, нима хаёлга борардингиз? Баракалла, қўлингизга илинган нарса билан уриб ёки тўс-тўполон қилиб ҳайдардингиз. Қўшнилари чақирардингиз, уйингизга рухсатсиз кириб олган одамни (агар у қочишга улгурмаса) милисага топшириб юборардингиз. Кейин бегона йигит уйингизга қандай киргани-ю, ўзингизнинг қўрқиб кетганингиз, юрагингиз ёрилаёзганини оломонга ҳаяжонланиб гапириб берардингиз. Бу билан қандайдир бир рағбат ҳам олардингиз. Аммо бу аёл ундай қилмади. Нега? Шу савол мени кўпроқ қийнаётган эди.

Нозима қиз боши билан муносабатини хат орқали бўлса-да маълум қилган эди. Нигоранинг ёқтиргани ҳам рост (майли, у ким бўлган тақдирда ҳам). Гуля исмли аёл бўйнимга осилганди. Индира опадан сотиб олмоқчиям бўлувди мени. Ўша базмдаги бошқа баъзи аёллар ҳам еб

юборгудай тикилгани ёдимда. Мана, боғда учратган қиз, тилимни билмаса-да, бир кўришдаёқ мен билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди, менга қайғурди. Кўнглига ўтирган-дирман-да.

Шуларни ўйлаб, ўзимни ҳар қандай қиз орзу қиладиган йигитдек тасаввур қила бошладим. Манави, рўпарамда овқатланишимни завқланиб кузатиб ўтирган бу аёл ҳам ёқтириб қолганига шубҳам йўқ. Бундан ўзимга ишончим икки карра ошиб кетди. Лаб-лунжимни сочиқчага артарканман, унга илжайиб қарадим. Жувон мафтункор эди. Силлиқ оппоқ елкаси, ялтироқ юпқа тунги кўйлаги остида бўртиб, ўзининг қай даражада назокатли эканини кўзкўлаб турган сийнаси кўзни ўйнатарди. Мен ортиқ тоқат қилиб туролмай, аста унинг кўлидан ушладим. Жувоннинг қараши бирдан ўзгарди, нигоҳида ўт чақнади. Мен хато қилганимни сезиб, кўлини кўйиб юборишга улгурмасимдан “тарс” этиб чап юзимга шапалоқ тушли-ю, юзимдан ўт чиқиб кетди. Ундан бундай қилиқни мутлақо кутмагандим. Шу боис, тахтадай қотдим. Сўнг секин аланга олаёзган тарсаки изини силадим ва ўзимни ёмон кўриб кетдим: “Қазисан, қартасан, асли наслинга тортасан”, дейишади. Ўзим кимман-у, яна кимга кўлимни узатиб турибман? Бу муштипар одамгарчилик қилиб, мени анавилардан асраб қолди, нон-туз берди. Мен нормард тузлуғига тупуриб ўтирибман-а!

— Узр, — дедим бошимни эгиб, — билмасдан қилиб кўйибман.

Овозим мунгли чиқдики, ўзимнинг товушимдан ўзим жирканиб кетдим, қаддим букчайиб қолди. Энди бу ерда ортиқ қололмасдим. Ташқарида чиқишимни тиш қайраб кутиб туришганини ич-ичимдан сезсам-да, кетишим керак эди. Бу аёлнинг олдида ортиқ ўтиролмасдим. Худо йўл кўрсатиб, жонимни омон қолдирса, яшайман, бўлмаса одамхўрлар кўлида итдай ўлиб кетавераман, деб ўйладим.

Ўрнимдан туриб, кўлимни кўксимга қўйиб аёлга таъзим қилиб кечирим сўрадим-да, эшикка йўналдим. Жувон бунга мутлақо кутмаган экан, бақрайиб қолди. Оёқларимни зўрға судраб босдим, чунки ташқарида мени ажал кутаётганди, тирик қолишимга ишонмаётгандим. Эшик

зулфинини ушлашим билан елкамга қўл текканини сездим, эгим жимирлади. Киприк қоққунча шайтоний хаёллар кўнгилни бузди. Бироқ бу сафар ўзимда куч топдим ва жувоннинг қўлини секин елкамдан олиб, эшикни очмоқчи бўлдим. Аёл мени шаҳд билан ўзи томонга бурди-да, бўйнимдан кучоқлаб, лабларини лабимга босиб ўпа кетди... Қолганини таърифлашга тил ожиз. Нигора бу аёлнинг олдида ип эшолмайди. Шунақа ишлар ҳам бўлишини тасаввурга сиғдира олмайсан, киши. Танамдан мадор қуриди, сўлжайиб қолдим. Лекин бир нарса чатоқ бўлди. Энди колбаса ёки қазини кўрсам кўнглим айниши тайин...

Ювиниб чиқиб, оромкурсида ястаниб энди бу ёғига нима қилишимни ўйлаб ўтирдим, эшик кўнғироғи жиринглади. “Анави падар лаънатилар яна қайтиб келдими?” — деб саросималандим. Бироқ рўпарамда тиржайганча пиво ичиб ўтирган аёл пинагини ҳам бузмади. Мени етаклаб бошқа хонага олиб кирди-да, ўзи эшикни очгани кетди. Бирдан сергак тортдим, миямни ваҳимали хаёллар чулғади: “Мен аввал ишимни битириб олай, кейин бемалол ушлаб, олиб кетасизлар”, деган бўлса-чи бу макора аёл одамхўрларга!

Ҳимояланиш илинжида оғирроқ, уришга қулайроқ нарса қидириб хона ичига кўз югуртирдим. Деворда осиглиқ қилич турарди. Қилични қўлга олдим. Қуролланганимдан дадилланиб, эшикка яқинлашдим, қия очиб, бемаҳал безовта қилган одамни кута бошладим. Назаримда, маккор аёл ортимдан тушган одамларни шу хонага бошлаб келадигандай туйилди. Бироқ ҳаммаси мен ўйлаганимдан бутунлай бошқача тарзда кечди. Боягина мен билан истаганча кўнглини хушлаган жувон бўсағада бир эркак билан ютоқиб ўпишди, кейин кийимларини юлқиб ечганча бир-бирига чирмашди. Бир муддат уларнинг ақлга сиғмайдиган қилиқларини кўриб қотиб қолдим. Наҳотки, мен ҳам шу эркак қилаётган қилғиликни қилган бўлсам?! Эркакнинг аёл этагига шўнғиши... Йўқ, бўлиши мумкин эмас, бу иш менинг қўлимдан келмайди, дея ўйладим. Ана шундагина қаерга кириб қолганимни англадим ва тезроқ бу исловотхонадан гумдон бўлишнинг

чорасини ахтардим. Ким билади, навбатда яна нечта одам турганини?

Мен бекиниб турган хонадан айвонга бемалол ўтса бўларкан. Ўтиб энгашганча, айвоннинг бурчагидаги эшикни очиб кирдим. Ошхона. Ундан кейин меҳмонхона. Мен шу ерда овқатлангандим. Шундай паллада овқатни эслаш... Кўнглим беҳузур бўлди.

Даҳлизда шляпа, костюм ва яна алланималар палапартиш сочилиб ётарди. Кўзойнак ҳам бор экан. Костюмни кийиб, шляпани бошимга қўндирдим-да, кўзойнакни тақиб олдим. Мақсад, уй атрофида аланглаб мени кутаётганларни чалғитиш. Адашмаган эканман, ўша тақирбош билан унинг новча шериги кўчада у ёқдан-бу ёққа саланглаб сигарета тутатиб юришарди.

Гўё шу уйда яшаб юрган одамдай йўлакдан чиқдим-у, ўнг томонга бурилиб кета бошладим. Кўз қирим билан душманларимнинг сергакланганини, сўнг бир-бирига маъноли қараб қўйганини кўрдим. Бироқ улар жойларидан жилмади, демак, мени танишмади. Шундай эса-да, юрагим типирчилаб, эллик қадамча масофани тишимни тишимга босиб, зўрға юриб ўтдим. Кейин қадамимни тезлатдим. Уларнинг кўзи илғамайдиган жойга етганимдан сўнг ортимга ўгирилиб қарадим. Қимирлашгани йўқ, менинг йўлакдан чиқиб қолишимга умид қилиб туришибди. “Минг йил қимирламанглар, қармоқларингга лаққа балиқ илинади”, дея ўзимча мамнун жилмайдим-да, йўлимда давом этдим.

Уч соатча юрганимдан сўнг дармоним қуриб, уйқу боса бошлади. Тунашга эса жой йўқ. Яна юрдим. Чироқлари камроқ, қоронғироқ бир жойга етдим. Иморатлар тоғ қояларидай қорайиб турибди. Бу уйларда ҳам одамлар яшаса керак, ҳозир улар маза қилиб ухлашаяпти, деб ўйладим. Ҳавасим келди уларга. Уйлардан бирига яқинроқ бориб тепага қараб тургандим, қаердандир хуррак овози келди. Атрофга қарадим. Кўзларимни зўрға очиб турардим, тик оёқда ухлаб қоладиган аҳволдаман. Хуррак эса бир баландлаб, бир пасайиб эшитилади. Ниҳоят, пайқадим — хуррак товуши иморатнинг ертўласидан келаётганди. Пайпаслаб ертўлага кириладиган кичкина эшик-

ни топдим. Итарсам, очилиб кетди. Бирпас киришимни ҳам, кирмаслигимни ҳам билмай туриб қолдим. Сўнг таваккал қилдим.

Зинанинг охири зим-зиё, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Шу боис, кирган жойимда деворга суяниб секин ўтирдим. Шу кўйи ухлаб қолибман.

Қанча ухлаганимни билмайман, шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Туришга ҳам улгурмасимдан бир барзанги йигит ёқамдан ушлади-да, биқинимга мушт туширди. Оғриқнинг зўридан букчайиб қолдим. Бўйним аралаш бошимга зарба тегди-ю, ҳушимдан кетдим. Кейин нима бўлганлигини билмайман.

Кўзимни очсам, ҳамма ёқ қум — саҳро. Тиккайган дарахт кўринмайди. Атрофимда соч-соқоллари ўсиб кетган, уст-боши кир, йиртиқ-ямоқ еттита одам қум устида чордона қуриб ўтиришибди. Қаердалигимни билолмай, кўзимни уқалаб секин ўрнимдан туриб ўтирдим. Ёнимдагилардан бири елкамга қўлини кўйиб бир нима деди. Тушунмадим. Қараб қўйдим, холос. Сўнг ўрнимдан туриб чор тарафга қарадим. Ўтирганимда кўринмаган экан, биздан анча нарида баланд дарахтлар силкиниб турибди. Ўнгу сўлдаям шу манзара, фақат орқада кўм-кўк денгиз, охири кўринмайди. Биз турган жойдан узоғи билан элик қадамча чапда пастқам иморат бор. Узоқдан дам олувчиларнинг оддий палаткасига ўхшайди. Қаерга келиб қолганимни билолмай бошим қотди. Гарангсиб турган маҳалим уйчадан қадди спортчиларникидай тик, барваста иккита йигит чиқиб, тўғри биз томон юрди. “Одамхўрларнинг шерикларимасми?” — деб ўйладим юрагим ҳаприқиб. Кийимларига, юз тузилишига синчиклаб қарайдим, корейсларга ўхшаб кетишаркан. Кўнглим таскин топгандай бўлди. Аммо уларнинг турқидан яхшилиқнинг асари ҳам кўринмасди. Келибоқ иккаласи қаратэ усулида ёнимдагиларни шунақанги тепкилаб кетишдики, кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетаёзди. Ҳар қалай, навбат менгача етиб келмади. Чигалларини ёзиб олгач, йигитлар баримизни уйча томон ҳайдади.

Эшикдан киришимиз билан ер остига тушиладиган зинани кўрдим. “Тамом, бу сафар қутулиб чиқолмайман,

ёриб ташлашади”, деб ўйлагандим, хайрият, ундай бўлмади. Тушган жойимиз хийла кенг экан. Тепада ўнлаб чироқ. Деворлар бетон. Оёқ ости ҳам. Шунақа овлоқ жой, бунинг устига, ернинг тагига қаердан ток олиб кирилганига ақлинг етмайди. Яна қандайдир асбоб-ускуналар, тош майдаловчи чўқморлар аралаш-қуралаш бўлиб ётибди. Бизни кексароқ бир эркак кутиб олди. Сафга тизиб, ҳар биримизга синчиклаб қараб чиқди. Бир нималар деди. Мендан бошқа ҳамма ҳиринглади. Демакки, уларга хуш ёқадиган гап айтди. Афсус, тил билмайман, йўқса уларга қўшилиб ҳиринглармидим?

Йўқ, барибир ҳирингламас эканман. Бир шиша вино келтиришди. Ёнимдагилар шишага кўзлари тушишлари билан типирчилаб қолишди. Лабларини ялаб ютоқишди. Шундан билдимки, алкашларга қўшилиб қолибман. Лекин чол винони уларга бериб қўймади, ҳар бирининг қўлига пиёлага ўхшаш идиш тутқазиб, атиги бир қултумдан вино қуйди. Ўшанда пиёнисталарнинг жиғибийрон бўлганини кўрсангиз эди. Айримлари биров савалаётгандай ўкириб юборди. Ташқарида каратэчи йигитлар тепкилаганда ҳам улар бунчалик дод-вой қилишмаганди.

Шундан сўнг чол ишларни тақсимлади. Менинг зиммамга отнинг калласидай тошларни майдалаш тушди. Чунки пиёнисталарнинг орасида энг бақуввати ўзим эдим. Бунинг устига, тилим йўқ.

Қишлоғимизда Муртоз гунг деган одам бўларди. Гапиролмасди-ю, лекин шунақа бақувват, сергайрат эдики, унча-мунча ишлар унга чикора эди. Ўзиям қишлоқнинг нимаики оғир юмуши бўлса, ўшани тўғрилашарди. Ҳозир манави чол ҳам мени, ҳойнаҳой, тентак кучи кўп, деб хаёл қилди, шекилли, ишнинг оғирини менга юклаб, имо-ишоралар билан нима қилишни тушунтирди. Жаҳлим чиқди: “Нега энди мен буларнинг ишини қилишим керак? Нима ҳақи бор мени ишлатишга? Ўтказиб қўйган жойи борми?” Шуларни ўйлаб, жойимдан қимирладим. Бошқалар буюрилган юмушларига киришиб кетишди. Чунки уларга жонларидек азиз вино ваъда қилинган эди.

Менинг қимирламаётганимни кўрган чол бир нималар

деб гапирди. Мен бақрайганча туравердим. Бир нима уқтириш қийинлигини сезгач, чол биз тушиб келган зина ёнига бориб, тепага қараб бақирди.

Бирпасда иккита тепағон йигит пайдо бўлди. Аввалига улар менга иржайиб қарашди. Кейин биттаси башарамга шунақа тепдики, яхшиям вақтида юзимни қўлим билан бекитиб қолганим, бўлмаса, кўзим хонасидан отилиб чиқиб кетармиди? Шундоғам қўлимнинг устидан теккан зарбадан бурним пачоқ бўлди-ёв. Бироқ улар бир тепки билан қаноатланишмади, бетинг-кўзинг демай обдан калтаклашди. Сулайиб қолдим. Шундан кейин чол юзимга бир чўмич сув сепиб қўлимдан ушлаб туришимга кўмаклашди.

Ишим унмади. Калтак зарбидан пўла бўлган аъзойи баданим зирқирарди. Бунинг устига, зил-замбил чўқморни ҳар кўтариб ташлаганимда қўлим зирқиллаб оғрир, жоним чиқиб кетгудай бўларди.

Бир маҳал овқат беришди, тушлик бўлса керак. Бошқаларга кўпроқ, менга камроқ. Ишдан бўйин товлаганим, тошни кам майдалаганимгадир. Чол қўлини ҳавода ҳаракатлантириб шуни уқтирди, шекилли. Тўймай қолдим. Энди кечгача қаттиқроқ ишлаш керак, деб кўнгилдан ўтказдим. Шерикларимга бир пиёладан вино ҳам улашилди.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Дам олгани ўтирганимда аъзойи баданим қақшаб оғрийди. Шунга қарамай, аста-секин таиландликлар тилини ўрганиб олдим. Пухта билмасам-да, ҳар қалай, гапимни шерикларимга уқтира оламан. Пиёнисталардан бирининг исми Андрес экан (негадир уларни алкаш деб аташ менга одат бўлиб қолганди). Унинг онаси асли америкалик экан, Таиландга дам олгани келиб, шу ерлик бир йигит билан танишиб қолибди. Орада севги пайдо бўлибди. Бироқ унинг умри бир йилдан нарига ўтмайди. Америкалик сулув Исроилдан келган бошқа бир сайёҳ билан топишиб, икки ойлик Андресни отасига ташлаб, янги хушторининг юртига кетибди. Бола етти ёшга тўлганида отаси автоҳалокатга учраб, оламдан ўтади.

— Шунгаям, мана, йигирма йилдан кўп бўлди, — деди

Андрес кечқурунги ризқи — бир пиёла виносини ичиб олгач, — ғамимга винони шерик қилдим. Охири пиёнистага айландим.

— Онанг сени сўроқламадими? — сўрадим ундан.

— Отамнинг айтишича, уч ёшлигимда бир марта кўнғироқ қилган экан. У ошиқ бўлган йигит шайтон қавмидан экан. Онамнинг бобосидан мерос қолган икки миллиондан ортиқ пулини алдаб-сулдаб ўзиники қилиб олганидан сўнг орқасига тепиб ҳайдаб юборибди. Хуллас, кўнғироқ қилганида отамдан пул сўрабди. “Сенинг ёнингга бораман, ўғлимизни соғиниб кетдим, бирга яшаймиз”, дебди. Бироқ отам унинг гапларига ишонмаган. Шу-шу дом-дараксиз.

Андресга ачиндим. Мени-ку, отам, укаларим кунда бўлмасаям кунора эслаб туришар. Бу бечоранинг ҳеч кими йўқ. Ҳаётдан совиб бўлган. Бир амаллаб озгина вино ичиб олса бўлди, кун бўйи шунинг кайфи билан юраверади. Бир марта Таскин исмли бўйдор, чўпдай озгин, тишлари қорайиб кетган, оғзидан қўланса ҳид келадиган одам билан вино талашиб уришиб қолди. Андресга бир пиёла камлик қилди, шекилли, Таскинникини тортиб олмоқчи бўлди. Лекин у ҳам осонликча жон берадиганлардан эмас. Жанжал бошланиб, ёқалашиб кетишди, вино ерга тўкилди. Ундан кейин ҳақиқий муштлашув бўлди. Ёлғиз мен уларнинг орасига тушдим, қолганлар пинагини ҳам бузгани йўқ, бемалол виносини ичиб, овқатланиб ўтирди. Таскин калтак еб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Сўнг ерга чўзилиб ётиб, тўкилган насибасини ялади. Унинг бу қилигини кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Андресдан нафратландим ва чидолмай ёнига бордим-да:

— Агар яна бир марта унинг виносига чанг солсанг, билиб қўй, уриб ўлдираман! — дедим бақириб.

Бироқ гапим Андресга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. У индамай овқат еб ўтирарди.

Шу воқеадан кейин тахминан уч ойларча ўтганидан сўнг тинкамиз қурий бошлади. Келганимиздан бери қуёшни кўрмаймиз. Меҳнатимиз оғир, лекин ейишимиз, ётиб-туришимизга одам тугул ит ҳам чидамайди. Озиб-тўзиб, қоқ суякка айландик. Бироқ нимадандир умидвормиз. Бу

ердан қутулиб чиқишдан эмас, албатта. Ҳеч бўлмаса, бир мартагина тўйиб вино ичишдан. Мен эса, уйимни, отамни, укаларимни, ҳеч қурса, бир мартагина кўришни орзу қиламан. Иш бошқарувчи Суканья ҳар сафар овқат олиб тушганида умид билан қарайман: “Ишларингни қилиб бўлдинглар, энди сизларни қўйиб юборамиз”, дейишини кутаман. Бироқ ундан сас чиқмайди. “Ўзимнинг винохўрларим, — дейди, — кўп еб-ичаяпсизлар, лекин ишларингнинг унуми йўқ. Аввалгилар сизлардан кўпроқ ишлаб, камроқ вино ичарди”. “Инсофсиз, — ўйлайман ичимда, — кун бўйи тинмаймиз-ку. Қанча тошни майдалаяпмиз. Ичидаги ялтироқ нарсани ажратиб бераяпмиз. Ҳаммасини бир чўмич ёвғон учун қилаяпмиз-ку. Яна нима истайсанлар биздан?” Аммо гапларим ичимда қолиб кетади. Кўрқаман айтишга. Чунки энди келган пайтимда еган калтакларим эсимдан чиққани йўқ. Эсласам, баданим жимираб кетади.

Канг йиқилди. У орамизда қари, нимжони. Ортиқ чи-долмади ишлашга. Уни бир қоп ундай судраб тепага олиб чиқиб кетишди. Кейин қўйиб юборишдими ёки ўлдириб бир жойга кўмиб ташлашдими, билмадик. Шундан сўнг руҳимиз чўкиб, маъюс тортиб қолдик.

Эртасига Суканья икки яшик вино олиб келди. Ўшандаги қийқириқни бир эшитсангиз эди, теримизга сизмайдиган даражада қувондик. Шу кунгача мен ичмаётган эдим, менга беришмасди ҳам, бироқ бу сафар Суканья яшикларни ўртага қўйиб: “Тўйгунча ичинглар, бўлди, ишларинг тугади!” — деганида ўзимни тутиб туролмадим. Кўзимдан ёшим тирқираб оққанча ҳаммадан олдин бир шиша винони қўлимга олдим-да, оғзини очиб шишапишаси билан кўтардим. Бир дақиқада шишани бўшатиб, иккинчисини қўлга олдим. Шерикларим ҳам мендан ортда қолишмаётган эди. Ҳамма имкон қадар тезроқ ва кўпроқ ичишга уринар, гўё яшикларни биров улардан тортиб оладигандай. Адашмасам, тўртинчи шишани бўшатганимдан кейин бошим айланиб, одамлар кўзимга иккитадан кўрина бошлади. “Бўлди, Нодир, бошқа ичма”, дейман ўзимга-ўзим, лекин яна ичаман. Бир пайт ғирт маст бўлиб қолдим. Қолганлар мендан-да баттар аҳволда

эди. Учтаси аллақачон ағанаган, бошқалари шишани кучоқлаганча гўлдираб ўтирарди. Суканья аҳволимизни кўриб кулди ва сахийлиги тутиб, бир донадан сигарета улашди. Тутатиб олишимизга ҳам қарашиб юборди. Ана шу лаҳзаларда ундан яхши одам йўқ эди биз учун.

— Мен, — деди Андрес оёқда зўрға тураркан, — сени яхши кўраман. Сен дунёдаги энг буюк инсонсан. Кел, битта ўпай.

Аммо Суканья ўптирмади, кўкрагидан итариб юборди. Андрес думалаб кетиб, сигаретани эзгилаб юборди ва ётган жойида йиғлай бошлади. Унга сигаретамни бериб овутмоқчи бўлдим, аммо эплаёлмадим. Оғзимдан гўлдираган товуш чиқди, қалтираётган кўлим эса қимирламасди.

Орадан бироз ўтиб, тўрттаси тепадан тушиб келди. Бу пайт кўзимни уйқу элтган ва ерда узала тушиб ётгандим. Улар бизни тепага кўтариб олиб чиқаётганларини аниқ-тиниқ сезиб турдим. Чиқсам қуёшга қарайман, офтобда тобланаман, деб умид қилгандим. Бўлмади. Чиққунимча тарракдай қотиб ухлаб қолибман.

Ўзимга келганимда, уммонда пароходда сузиб кетаётгандик. Аввалига пориллаган овоздан чўчиб тушдим. Бирдан ён-веримга қарадим. Менга тақдирдош бўлиб қолган шерикларим бирин-кетин кўзларини очишаётган эди. Ҳамма ҳайрон, қаёққа кетаётганимизни ҳеч ким билмасди. Менинг эса, қувончим ичимга сиғмайди, чунки бир кун келиб уммонда пароходда сузаман, деб ҳеч хаёлимга келтирмагандим.

Шерикларим шундай ажойиб сайрдан ҳузур туйишмаётгани мени ажаблантирди. Тўлқинланиб турган кўм-кўк сув, ҳавода гоҳ пастлаб, гоҳ юқорилаб учиб юрган оқчарлоқлар жуда чиройли эди. Наҳотки буларни кўриб одам завқланмаса?!

— Балки, — деди Андрес сувдан кўзини узмай, — Америкага оборишар бизни. Ўша ёқда қандайдир иш қилсак керак-да.

— Йўқ, — деди Таскин пароходнинг буруқсиган мўрисига қараб, — бу кема кичик, унда Америкага етиб бўлмайди. Менимча, яқин-атрофдаги бирорта шаҳарга

ташлаб кетишади. У ёқдан уйимизга етиб олиш ўзимизга қолади.

— Ҳе, — кулди Жо исмли ҳамроҳимиз, — қайси уйинга? Анави ертўлагами?

— Ҳарна, одамга қадрдон бўлиб қолувди ўша ертўла. Ўзимизга хон, ўзимизга бек эдик. Хоҳлаганча ухлардик. Биров келиб оромимизни бузмасди.

У гапининг охирида оғир хўрсинди. Сўнг секин ўтирди. Ўксинганиданми, танаси қалтирай бошлади.

— Хафа бўлма, — унинг ёнига чўкди Жо, — яна шунақанги жой топиб оламиз. Ундан кейин маза қилиб яшаймиз.

— Яхшиси, бир қултумгина вино топиб бер. Бошим ёрилиб кетай деяпти.

— Қаердан топаман? Ўзим ўлай деяпман-у. Озгина чидасак, ўзлари бериб қолишар.

Шундан сўнг орага жимлик чўкди. Биламан, барининг хаёлида вино. Чунки буларнинг жони-дили фақат вино. Ана, юзларида нимтабассум пайдо бўлди, ҳойнаҳой, хаёлида тип-тиниқ қизил винони симираётгандир. Ичадида, сўнг дунёни унутиб, лаззат оғушида роҳатланади. Мен эса, бундай қилолмайман. Кўм-кўк уммонга термилиб, жуда олисдаги мунғайибгина турган кулбаимизни эслайман. Ёш, шўх болалигимни қўмсаб ичикаман...

Кутилмаганда ҳамма ёқни туман қоплади ва аста-секин қуюқлашиб, сув ҳам кўринмай қолди. Юрагим безовталанди, сиқилдим. Негадир ўзимни уммонга ташлагим келди. Кеманинг бортига бориб, тутқичдан ушладим, қўлларим титрай бошлади.

— Нима қилмоқчисан? — деди Жо ортимдан келиб елкамга қўлини қўяркан.

— Билмадим.

— Керак эмас. Яхши кунларинг ҳали олдинда.

Шу бир оғиз гап кўнглимга таскин берди. Очиғи, Жодан бунақанги гапни кутмагандим, бир пиёниста бўлса, ҳис-туйғулардан йироқ. Ниятимни қандай пайқади?

Шерикларим ёнига бориб, бошимни ҳам қилиб ўтирдим.

Вақт имиллаб ўтар, бунга сайин хомушлигимиз ортиб

борарди. Қизиги, энди менинг ҳам вино ичгим келаёт-ганди. Бир маҳал кеманинг биз турган бурни томонга бир-биридан бақувват учта йигит келди. “Яна калтак-лашса керак”, деб ўйладим. Аммо улар бундай қилишмади, бироқ вино ҳам беришмади.

— Сизларга иккита қайиқ берамиз, — деди уларнинг новчароғи иржайиб, — зўр битта оролга яқинлашиб келаяпмиз. Агар ўша қайиқда оролга етиб боролсанглар, тирик қоласанлар, бўлмаса изғиб юрган акулаларга ем бўласанлар.

Акуланинг йиртқичлигини кўп эшитганман. У қайиқни бир зарбада бўлақларга бўлиб ташлаши ҳеч гап эмас. Юрагим ўйнади. Шерикларим орасидан бақувватроғини қидирдим, улар билан битта қайиққа чиқмоқчидим. Қасқда? Ҳаммаси қоқ суяк, эшкак эшишга ярашини худо биледи. Менинг ҳам ўзимга ишончим йўқ. Шу боис, ўзимни тақдирнинг ихтиёрига топширдим.

Қайиқларга ўтирганимиздан кейин бизни сувга туширишди. Сўнг кема сувни ёриб илдамлаб кетди. Унинг ортидан бир муддат алам билан термилиб қолдик. “Бироз юрганидан сўнг кема тўхтади, бизни бортга олишди, ҳазиллашувдик, дейишди, сўнг вино беришди...” Бироқ бу ширин умидли ўйлар саробга айланди. Кема шитоб билан биздан узоқлашиб кетди. Умидимиз узилиб, бошимиз эгилди ва менинг кўзим қайиқ тубидаги тешикдан кираётган сувга тушди.

— Фарқ бўламиз! — бақириб юбордим ваҳимага тушиб.

Менинг овозим ҳавога сингиб улгурмай:

— Ўлди-и-к!!! — дея Таскин ўкириб юборди.

— Маразлар, итдан тарқаганлар!!! — қичқирди Жо.

Бошқалар ҳам буткул саросимага тушиб қолди. Қайиқ тобора сувга тўларди. Жазавада тезроқ эшкакни тез эшиш зарурлиги, шундагина оролга етиб олиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Бу орол деганлари бор нарсами ёки рўеми — биров билмайди. Тўпиғимгача сувга ботиб, тик турганча тўрт тарафга қарайман. Туман, ҳеч вақо кўринмайди.

— Ана!!!

Бир маҳал қўшни қайиқда Таскин бақириб қолди. У

ҳам тик турганча аланглаб оролни қидираётган экан. У қўли билан кўрсатган тарафга кўзим тешилгудай бўлиб қарадим. Биздан тахминан икки-уч километр нарида нимадир қорайиб, элас-элас кўзга ташланиб турарди.

— Сузайлик! Сузайлик! — деб қичқириб юбордим ўзим сезмаган ҳолда.

Падар лаънатилар қайиқларда бор-йўғи иккитадан эш-как қолдиришган экан. Ҳарчанд уринмайлик, қайиқларимиз қозиққа боғлаб қўйилгандай ҳеч жилмасди. Бу аҳволда юз қулоччаям сузишимиз амримаҳол. Қайиқ ичига йиғилган сувни ҳовучлаб чиқариб ташлашга уриндик. Бу туяни қошиқда суғоргандай гап эди. Қайиқ борган сари сувга тўлиб оғирлашарди. Бир марта қишлоғимизнинг этагидан оқиб ўтадиган катта ариққа чўкиб кетганман. Менимча, олти-етти ёшлар атрофида бўлсам керак. Сув ютиб, ўлишимга бир баҳя қолган, нафасим қайтиб шунақанги қийналгандимки, ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. Ўша воқеани эслаганим ҳамон жон талвасасида увадаси чиқиб кетган йиртиқ кийимларимни ечиб ташлаб, ўзимни сувга отдим ва юзалаб келиб қайиқни орқасидан итардим. Бироқ қайиқ олға силжиш ўрнига ортига кета бошлади.

— Нима қилаяпсан, тентак?! — қичқирди Жо. — Чик қайиққа!

Бир амаллаб олти юз метргача силжидик. Бошқа қайиқдагиларнинг аҳволи бизникидан батгарроқ, улар бири қўйиб бошқаси бақирар, ёрдам сўрарди. Бироқ бу дод-фарёдни ким ҳам эшитади, ҳамманинг жони ўзига ширин.

— Қайиқни ағдарайлик! — дедим томоғим йиртилгудек қичқириб. Буни қаранг, америкалик ҳиндулар ҳақидаги бир кинофильмда танг вазиятда шундай усулни қўллашгани ёдимга тушиб кетди.

— Акулаларга ем бўлмоқчимисан, аҳмоқ?! — бақирди Таскин.

— Агар ҳозир шундай қилмасак, кейин кеч бўлади, барибир чўкиб кетамиз!

Гапим жавобсиз қолди, лекин қайиқдош шерикларим гапимга киришди. Бизни кўрган бошқа қайиқдагилар ҳам

шу усулни қўллашди. Лекин сувга тўла бошлаган қайиқни ағдаришнинг ўзи бўлмас экан. Уч киши бир томонга ўтиб, бор юкимизни ташладик. Қани энди, қайиқ бир томонга ётса. Ўзимиз эса қушдай енгил бўлиб қолган эканмиз. Барибир минг машаққат билан бўлса-да, уддаладик, қайиғимиз тўнтарилган қозондай сув юзига қалқиб қолди. Учаламиз унинг орқа томонига ўтдик-да, оёғимизни тинимсиз шалоплата бошладик. Бироқ узоққа кетолмадик, дармонимиз қуриб, ҳансираб қолдик. Тўхтаб озгина дам олдик. Шу пайт пиёниста Жо:

— Акулага ўзимизни сездириб қўямиз бу аҳволда! — деб ваҳима солди. Сувнинг совуқлигидан суяк-суягимгача музлаб кетаётган чоғда Жонинг бу гапи юрагимга кутку солди. Бўйнимни чўзиб, атрофга қараган бўлдим. Ҳартугул, тепа қанотини антенна қилиб сузадиган махлуқ кўринмади. Кўнглим бироз хотиржам тортди ва яна оёқларимни қимирлатиб, сувни шалоплата кетдим. Астасекин масофа қирқилиб, кўзимизга жаннатдай кўринаётган оролга яқинлашавардик. Юрак эса ҳаприқди, кучимизга куч қўшилгандай бўлди.

Туман бутунлай тарқаб, қуёш уфққа ёнбошлаган паллада манзилга етдик. Тинка-мадорларимиз қуриган. Сувдан чиқа солиб иссиққина тошлар устига чўзилиб ётиб олдик. Танам шунақанги яйрадики, асти қўяверасиз. Сандикдан ҳам катта силлиқ тошлар офтоб нурида роса қизиган экан. Демак, бу ерга туман тушмаган. Хийла муддат ўликдай қимир этмай ётдик. Бироқ кўп ўтмай, қуёш ҳали ботиб кетмасиданоқ тагимиздаги тош совий бошлади. Дастлаб мен ўрнимдан туриб, чўзилиб ётган шерикларимга бир сидра қараб чиқдим. Қизиқ, негадир тўрт киши қолган эдик. Ҳайрон бўлиб, тепароққа кўз югуртирдим. Йўқ, ҳеч ким кўринмайди. “Наҳот чўкиб кетган бўлса? Оролга ҳаммамиз чиқиб келгандик-ку! Ёки менга шундай кўринганмиди?” — дея ўйладим. Ўзимга ишониб-ишонмай, кўзларини юмганча, куракларини тошга бериб ётган ҳамроҳларимни яна бирма-бир назардан ўтказдим. Йўқ, адашишим мумкин эмас. Ҳақиқатан ҳам, битта одам кам. Қизиқ, қаёққа йўқолди у?

Миямда минг битта ўй билан оролга кўзим илғагунча

синчиклаб разм солдим. Унда-бунда буй чўзиб турган буталару етти-саккизта дарахтни айтмаганда, орол фақат тошдан иборат эди. Унчалик ҳам баланд эмас, бир нафасда тепасигача чиқиб олиш мумкин. Тепага чиқиб атрофга қарагим келди-ю, лекин кўрқдим. Айтиб бўладими, қанақанги ҳайвонлар бор бу ерда? Бу мўъжазгина оролда айиқ, йўлбарсга ўхшаган йиртқичлар йўқдир, лекин каттароқ илон бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Секин Таскинни туртдим. “Кўй, — деди у кўзини очмасдан, — озгина дам олай, дармоним қуриб кетди”.

— Конг йўқ. Чўкиб кетмаганмиди? — дедим уни яна қаттиқроқ туртиб.

— Билмадим, мени тинч қўй.

Бошқалар ҳам қилт этмай ётибди. Демак, уйқуларини бузганимдан наф йўқ. Ўзим бир айланиб келаман. Илон йўқдир, бекорга шубҳаланаётгандирман, деб ўйладим.

Қизиқиш устун келиб, юқорилай бошладим. Қийналмай тепани забт этдим. Бир муддат кўнглим завққа тўлди. Хиёл аввалги: “Чўкиб кетиб ақулага ем бўламан”, деган кўрқув кўнгилни тарк этди. Кўм-кўк уммонга маҳлиё бўлдим. Майин эсаётган шамолдан дилим яйради. Бир неча дақиқа шу тахлит турганимдан кейингина оролнинг нариги тарафига қарадим — биз етиб келган тарафга нисбатан хийла ёйиқроқ, дарахтлари ҳам кўпдай. Лекин орол дўппидайгина экан. Бирпасда айланиб чиқса бўларкан. Конг кўриниб қолармикин, деган ўйда ҳар бир харсангга синчиклаб қарайман. Бироқ қораси кўринмайди. Сўл томондаги қия бир тошнинг ортида қандайдир шарпа кўрингандай бўлди. Кўзимни узмай қараб турдим. Йўқ, менинг кўзимга шундай кўрингандир, деган ўйга бордим.

Тепада туриб қуёш ботишини томоша қилишнинг гашти бошқача бўларкан. Қип-қизил баркашдай қуёш уммонга чўкиб кетаётгандай, видолашаётгандай — сўниб бораётган чўгдай нурларини атрофига сочиб, бор-будидан айрилаётир гўё. Офтоб бутунлай кўринмай кетгунча кўзимни узмай турдим. Қишлоғим қайси тарафдалигини ўзимча чамаладим. Энтикдим. Кўзимга ёш қалқди. Сўнг алам билан пешонамни силаб, пастликка эндим.

— Топдингми? — сўради Таскин.

— Йўқ.

— Ерга кириб кетдими? Ёнимга келиб чўзилганди-ку, — деди Андрес ўрнидан туриб ўтириб. — Қорин очқаб кетди. Итдан тарқаганлар, вино бермагани етмагандай, бир бурда нон ҳам ташлаб кетишмади-я. Очимиздан ўлиб кетамиз, шекилли.

— Нафасингни иссиқ қил, — деди Жо ётган жойида.

— Қаерга кетган бўлиши мумкин? — дедим бошимни қашлаб.

— Орол катта эканми? — сўради Андрес.

— Қаёқда...

— Унда ўзи келади.

Бироқ Конг келмади. Тунги совуқда дийдираб, амаллаб тонгни оттирдик. Қуёш бўй кўрсатди. Бир терак бўйи кўтарилди. Танамизга иссиқ югурган бўлди. Яна Конгни эсладик.

— Жонга тегди! — ўкириб юборди Андрес. — Яхшиси, бирор егулик топайлик.

Унинг гапи туртки бўлди, ўзи ичакларимиз бир-бирига ёпишиб қолаёзган эди. Бирин-сирин ўрнимиздан туриб, аввал юқорига чиқдик, кейин оролнинг орқа тарафига ўтдик. Лекин оролдаги дов-дарахтда бир дона ҳам егулик меваси йўқ экан. Аламимиз олти бўлиб, атрофга жовдираб қараймиз. Таскин ўтириб олиб йиғлашга тушди. Биламан, у овқат емайди-ю, лекин вино ичмаса жинни бўлиб қолиши тайин. Хаёлимга: “Илдиз ейиш керак”, деган ўй келди. Тарих ўқитувчимиз: “Узоқ ўтмишда аж-додларимиз илдиз еб кун кўришган”, деб айтган эди. Қўлимга учкурроқ тошни олиб, кичкина бир бутанинг тагини ковлай бошладим. Ёнимдагиларнинг миялари қайнаб кетганидан, қилаётган ишимга эътибор ҳам беришмади.

Илдизнинг таъми нордон экан. Лекин ошқозонни алдаса бўлади. Яна битта илдизни ковлаб олдим. Бунисининг тупроғини қоқиб, бир қаватини шилишга улгуролдим, холос, Жо қўлимдан юлқиб олиб оғзига тикди-да, гўё биров оғзидагини тортиб оладигандай шошиб чайнай бошлади. Луқмани ютгач, мамнун илжайди.

— Калланг ишлар экан, — деди у менга қараб.

Мақтов менга ёқдим, емишимдан айрилганимдан хафа бўлмадим. Аксинча, руҳим кўтарилди. Тагин бир бутанинг тагини ковлаётиб ён-веримга алангладим, энди бу илдизни яна кимдир илиб кетишини истамасдим. Аммо энди хавотирга ҳожат йўқ эди, шерикларим ўзлари илдиз ковлашга тушиб кетишганди. Биз гўнг титкилаётган паррандага ўхшардик. Фарқи шуки, парранда юмшоққина гўнгни оёқлари билан титади. Биз эса тошлоқ ерни тош билан ковлаялмиз. Лекин илдиз билан қорин тўйғазиб бўлмас экан, нордон нарсани гажиш меъдага тегаркан. Кўп ўтмай бирин-кетин ер ковлашни бас қилдик. Бироқ илдиз ковлаган жойимизда чўнқайиб, бошимизни ҳам қилганча ўтиравердик. Гўё бу жойдан туриб кетсак, биров келиб еримизни олиб қўядигандай. Ҳар қайсимиз ўз ковагимизни, бутамизни йўқотиб қўйишдан чўчиётгандик. Чарчаб, ҳолдан тойдик. Ҳаво исиб, ланж бўлгандик. Бунинг устига, кечаси совуқда мижда қоқмаганимиз боис уйку босиб келарди. Чанқагандик. Негадир сувли илдиз чанқатарди. Лабларим тупроққа беланган, оғзим тахир эди. Шунданми, ўтиролмадим, ўрнимдан туриб кўм-кўк уммонга қарадим ва аста-секин пастга туша бошладим. Шерикларим ортимдан эргашар, деб ўйлагандим. Бироқ улар жойларидан қимирламади.

Сув шўр экан, кеча сузганимда ҳўплаб кўрмаган эканман, овора бўлдим, деб ўйлаб энди изимга қайтганимда тошлар орасидан сизиб чиқаётган булоққа кўзим тушди. Бирдан жон кирди, чўк тушиб, бир ҳовуч сув олиб ичдим. Бирам мазалики, асти қўяверасиз. Ҳовучлаб ўтиришга сабрим чидамай, лабимни булоққа тутдим. Ютоқиб қониб ичиб, кейин қаддимни ростладим-да, тепадаги шерикларимга бақирдим:

— Ҳов, ўтираверасизларми?! Сув бор экан! Сув!

Улар ўринларидан туришиб мен томонга югура бошлашди. Жога ҳовлиқмалиги панд берай деди, оёғи бир чалиниб кетди-ю, лекин дарров ўзини ўнглаб олди.

Булоқ бошида узоқ ўтирдик. Сув ичганда енгил тортгандай бўлувдик. Орадан бироз ўтиб, чарчоғимиз сезилиб, узала тушганча ухламоқчи бўлдик. Қуёшнинг қайноқ

тиги остида ухлаш азоб экан. Ўрнимиздан туриб, тик ўсган, танаси ярим қулоч келадиган, фақат тепасидан шохалаб барг чиқарган дарахтнинг бир парча соясига ўтдик. Сояга ҳаммамиз сифмадик, шу боис, иккига бўлиндик.

Билмадим, қанча ётдик. Бир маҳал қорним ғулдирай бошлади. Ўтиб кетар, деб қимирламадим. Лекин бураб оғрий бошлагач, чидаб туrolмадим. Ўрнимдан сапчиб туриб, кўздан панароқ жойга югурдим.

“Шу етмай турувди, — ўйладим инқиллаб-синқиллаб жойимга қайтиб келиб, — энди бу балодан қандай қутуламан?” Пешонамдаги терни артиб, чўзилганимни биламан, Андрес инқиллади. Сўнг ўрнимдан туриб пастликка югурди.

Ишонасизми, шерикларимнинг бариси бирин-кетин холи жойга чопишди. Яхшиям, мен икки марта чопиб қутулдим, улар беш-олти марта қатнади-ёв.

— Одаммассан! — деди ҳолдан тойган Жо. — Мақсаднинг бизни шарманда қилиб ўлдиришмиди? Шунча кўрган азобимиз каммиди?

— Мен қаёқдан билибман? — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб. — Шу билан қорин тўйса керак деб ўйловдимда.

— Тўйдими қорнинг? Бундан кўра очимиздан ўлганимиз яхши эмасмиди?

Очлик азоби бундан кам бўлмаслигини Жо билар, лекин ҳозир унинг жони қийналаётганди. Шу боис, оғзига келган гапни қайтармаяпти. Мен эса ич-ичимдан: “Ишқилиб, сўкиниб юбормасин-да, сўкинса ўзимни тўхта-толмай қоламан”, деб ўйлардим. Ҳартугул, у сўкинмади.

Кечга бориб, худога нолаларимиз етдими, ҳар қалай, аҳволимиз бироз яхшиланди. Лекин ичимиздаги бор оҳоримиз тўкилиб, кечагидан-да баттар дармонсиз бўлиб қолдик.

Эртасига қуёш терак бўйи кўтарилганда уйғондим. Қимирлашга мажолим йўқ, осмонга қараб ётавердим. Бир маҳал Андреснинг:

— Ёқдим! Ёқдим! — деган бақириви эшитилди. Овоз келган томонга бошимни зўрға буриб қарадим. Андрес

гуриллаб ёнаётган олов атрофида рақс тушарди, ёнида ҳеч ким йўқ. У аланга теварагидан беш-олти марта қийқ-ириб айлангач, биз ётган жойга югуриб келди. Югуриши маст одамнинг гандираклашига ўхшарди. Бирон калима сўз айтишга ожизман-у, уни йиқилиб кетмасайди, деб ўйлайман.

— Балиқ тутамиз, — деди у ҳовлиқиб, — пастда камар бор, кўрдим. Балиқлар камарда кўп бўлади. Энди пиширилган балиқ еймиз.

Унинг гапидан сўлагим оқиб кетди. Ўзимни мажбурлаб, қўлларимга таяниб туриб ўтирмақчи бўлдим, бошим айланиб ёнбошимга ағанаб тушай дедим. Бошқалар қимирлаб ҳам қўймади. Адресга ҳавасим келди. У биздан кўра чидамли экан. Ҳар қалай, оёқда юрибди.

— Тур, — деди Адрес қўлтиғимдан суяб турғазидан уриниб, — бу аҳволда ўлиб қоламиз. Балиқ ушлайлик, пишириб еймиз.

Лекин мени турғазидан унинг кучи етмади, ўзи ўтириб қолди. Шундан сўнг амал-тақал қилиб ўзим оёққа турдим. Адрес билан суяшиб пастликка эна бошладик. У нуқул иккита тошни бир-бирига уриб олов чиқарганини вайсарди.

Адрес камар деб кўрсатган жойга сувга тушганимдан сўнг бироз тетикландим. У адашмабди, қўлимни камарга тиқишим билан беш-олтита балиқ потирлаб қочди. Биттасини ушлаб олдим-да, қуруқликка отиб юбориб, яна сувга қўлимни тикдим. Тагин омадим чопди.

Балиқлар билакдай келарди. Биттасини Адрес икковимиз паққос туширдик. Иккинчисини чўзилиб ётган шерикларимизга олиб бордик. Улар тамадди қилганларидан кейин ҳам ярим соатча ётишгач, ўзларига келишди.

Ўша куни кечгача балиқ ови билан машғул бўлдик. Бир ёқда олов ёниб турса, бошқа томонда егулик бўлса, кўнгил ҳам хотиржам тортиб қоларкан. Бемалол хаёл суришга, бир нималарни орзу қилишга майл туғиларкан.

— Конг қаерга йўқолдийкан? — сўраб қолди Жо қоронғи тушиб, гулхан атрофида уймалашиб ўтирганимизда.

— Ҳеч қаерда кўринмади-я, — деди Андрес ярми ёниб чўққа айланган шохни сермаб ўйнаб.

— Қирғоққача сузиб келгани аниқми? — дедим мен.

— Келувди. Ёнимга ётганиниям биламан. Кейин қаёққа ғойиб бўлди?..

— Балки сенга шундай туйилгандир. Қаёққа ғойиб бўлиши мумкин? Орол ўзи бир ҳовуч бўлса. Чўкиб кетган-да, бечора, — деб Жо Андресга қараб қўйди.

Унинг гапи ҳақиқатга яқинроқ эди. Чунки Конгнинг қаноти йўқки, бирон жойга учиб кетса. Пиёниста бўлсам яхши эди. Шунча вақт ишлаб бировга қаттиқ гапирганини эслай олмайман. Сўнгги пайтлар рамақижон бўлиб қолганди. Уни еган акулалар ҳам барака топмаган, қоқ суякни ғажидан нима фойда?

Саҳар вақти совқотганимни айтмаганда, оролга келганимдан бери энди одамдай ухладим. Алоқ-чалоқ тушлар кўрдим, бироқ ёдимда қолмади. Совуқ ўтиб, дағ-дағ қалтираб ўрнимдан туриб ўтиришга мажбур бўлдим. Қарасам, гулхан ўчиб қолибди. Қўлимга шохча олиб кул уюмини титдим. Тагида бир ҳовуч чўғ қолган экан, дарров устига бир сиқим хас-чўпларни ташлаб, пуфладим. Аланга олиши қийин бўлди, буриқсиб тутади. Қаранг, амаллаб олов ёқиб, балиқ пишириб ебмиз-у, ўтни ўчирмай сақлаш хаёлимизга ҳам келмай ухлаб қолибмиз. Навбат билан шох-шабба қалаб ўтирсак бўларкан.

Ниҳоят хас-чўп олов олиб, унда бироз исинганимдан кейин шерикларимга қарадим. Андрес билан Жо пишиллаб ухлаб ётибди. Таскин йўқ! Аввалига ҳожатга кетгандир, деб хаёл қилдим. Бироқ тонг отиб куёш чиққунгачаям келмади. “Нима бало, борган жойида ухлаб қолдимми?” — деган ўйда ўрнимдан туриб яхшилаб керишиб олдим-да, оролчанинг ўнгу сўлини кўздан кечириб чиқдим. Таскиннинг изи ҳам йўқ. Кўнглимга ваҳм тушди ва Андрес билан Жони уйғотмоқчи бўлиб энгашганимда ерда бир ниманинг судралгани изига кўзим тушди. Қўрқиб, шерикларимга бақира бошладим:

— Қаранглар бунга! Қаранглар!

Иккала шеригим ҳам чўчиб уйғониб, кўзларини уқалашди.

— Нима бўлди, тинчликми? — сўради Жо.

— Нимадир бу ердан судралган, мана изи!

Жо истар-истамай эгилиб қаради, аммо уйқули кўзлари изни илғамасди. Бошини кўтариб менга анқайди.

— Мана, мана! — деб қўлимни теккизиб ердаги изни кўрсатдим.

— Изга ўхшамайди-ку, нималар деб валдираяпсан? Шунинг учун уйғотдингми?

— Таскин йўқ.

— Кетгандир-да енгиллашгани.

— Икки соатдан бери йўқ. Излайлик.

Аввалига улар қайта жойларига чўзилишди, бироқ ўйларини тинчлик бермади, шекилли, ўринларидан туришди.

Оролчани изғиб айланиб чиқдик. Ерга кириб кетганими, осмонга учганими, Таскинни топмадик. Шундан сўнг бизни ваҳима босди. Аввал сувга тушиб кетгандир, деган тахминга бордик. Кейин, бирор аждаҳосифат илон ёки тимсоҳ еб кетган, деган эҳтимол пайдо бўлди. Лекин бу фаразларга ўзимиз ҳам ишонмасдик. Кеча қорнимиз тўйиб балиқхўрлик қилганимиздан кейин бироз кучга эниб қолгандик. “Таскин сувга тушиб кетган тақдирда ҳам бемалол сузиб чиқоларди. Бунинг устига, уммоннинг оролга туташган жойлари хийла саёз-ку”, деди Жо. Илон ёки тимсоҳ еган дейдиган бўлсак, ҳеч қурса, Таскиннинг бақирганини, типирчиллаганини эшитардик, сезардик-ку...

Балиқ овимиз бароридан келмади, учтагина тутдик ва шу билан қаноатландик. Шу пайтгача оғизларидан “вино” тушмаган, илдизни ачитсак, балки спирти чиқиб қолар, деган хомхаёлга борган Андрес билан Жо ичимлик ҳақида оғиз очишмади. Бир-биримиздан икки қадам узоқлашмай юрдик. Кечаси навбатчилик қилишга келишдик.

Тун осуда кечди. Лекин кун бўйи қўрқув бизни тарк этмади. Тиқ этган товушга аланглаб қараймиз. Бирор шубҳали нарса кўринмади. Бугунимиз кечаги кундан фарқ қилмади, фақат кўпроқ балиқ тутдик. Жо билан Андреснинг хаёли яна винога кетди. Андрес буталарнинг баргларини йиғиб келиб, обдан эзғилади. Бироқ ачитишга идиш йўқ эди. Шундан кейин алам билан эзғилаган бар-

гларни улоқтириб юборди ва: “Бир қултум вино ичиб, кейин ўлсам армоним йўқ!” — дея бақирди.

Эртасига унинг Жога ғалати қараётганини сезиб қолдим. Бу оролда биздан бўлак жонзот йўқ. Ҳатто илонлар ҳам. Бор бўлганида кўрардик-да. Тимсоҳлар ботқоқликда яшайди. Демак, орамиздан кимдир... Йўқ, қаллоблик қилиш Жонинг қўлидан келмайди, юз фоиз ишончим комил. Уни ичкиликдан бошқа нарса қизиқтирмайди. Ўзини туртиб юборса йиқилиб тушгудай аҳволда. Лекин Андрес ҳали бақувватга ўхшайди. Олов ёқишни уддалади, балиқ тутишни ҳам шу ўйлаб топди... Эҳтимол, бизни ишлатган ўша муттаҳамлар билан тил бириктирган бўлса-чи? Балки гугуртни яширинча олиб чиққандир... Қизиқ, бизни ўлдириб юбориш учун тил бириктириш шартми, кемадан сувга итариб юборса бўлди эди. Чўкиб акулаларга ем бўлиб кетардик... Унда нега у Жога ғалати қаради?.. “Кўлинг билан ушламагунча ўғри ўғри эмас”, дерди отам. Нима бўлган тақдирда ҳам уни кузатишим керак. Салгина ортиқча ҳаракат қилса, бўйнидан бўғаман. Ҳар қалай, унга кучим етади. Шундай ўйлар билан навбатим ўтиб кетган бўлса-да, кўзимни юмиб ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Аслида Андресни биринчи навбатга қўйсақ бўларкан. Навбатидан кейин тарракдай қотиб ухларди.

Эртасига тушга яқин Андрес йиғлади. Винонинг хумори тутибди. Жо унга қайрилиб қарамади ҳам. Чунки виносиз ўзининг тинка-мадори қуриб бораётганди. Тушда иккаласи ҳам балиқдан шунчаки татинди, холос.

— Шу балиқнинг ўрнига бир қултумгина вино бўлсайди, — деди Жо уммонга умидсиз термилиб.

— Сабр қилайлик-чи, бирорта кема ўтиб қолар. Олиб кетишмасаям, бирор шиша вино ташлаб кетар, — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Кошкийди, — деди у чуқур хўрсиниб, — лекин ҳечам ишонгим келмаяпти. Эсиз, маст пайтимда бирор машинанинг тагида қолиб, ўлиб кетмаган эканман-да. Қийналиб юрмасдим.

— Ҳали кўп ичасан. Мана, мени айтди, дерсан.

Аммо бадбахт Жога яна вино ичиш насиб этмаган

экан. Эртасига у ҳам йўқолиб қолди. Тунда мендан кейин навбатчиликка турганди. Уйғотганимда бир нарсалар деб гўлдиради-да, туриб ўтирди. Кейин мен чўзилдим. Кўзимни юмар-юммас уйқуга кетибман. Эрталаб турсам, у йўқ. Туйқусдан: “Наҳотки ундан ҳам айрилдик? — деган ўй келди хаёлимга. — Йўғ-э, юргандир айланиб”. Ҳамма ёқни ахтардим. Тополмагач, энди уйқудан туриб, бошини ҳам қилиб ўтирган Андреснинг тепасига келиб бақирдим:

— Жо қани?!

У ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Биладан, — дедим унга ўқрайиб, — ҳаммаси сенинг ишинг! Битта-битта ўлдириб, сувга ташлаб юбораяпсан! Энди ўзингни ўлдираман!

— Жиннимисан?!

Андрес ўрнидан туришга улгурмай башарасига туширдим. Афтидан, у буни кутмаган эди, Ёнбошига “гуп” этиб ағанади. Ўрнидан турмоқчи бўлди, биқинига тепдим. Фужанак бўлиб қолган Андрес:

— Нега? Нега урасан? — деди инграб.

— Қани Жо? Нима қилдинг уни?! Оролда сен билан мендан бошқа бирор зоғ йўқ-ку, номард!

— Бил-май-ман, илтимос, бош-қа урма мени. Ўлиб қоламан!.. Мен ҳам ухлаётгандим. Ҳеч балодан хабарим йўқ.

Ўтириб олиб ерни муштладим. Аламимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Унда бу кимнинг иши?! Кимга керакмиз биз?!

Андрес ёнимга ўтирди. Лабидан оққан қонни титраган қўллари билан артаётиб:

— Мен қилмадим, — деди хирқираб, — бу ерда сен билан мендан бошқа яна кимдир борга ўхшайди.

— Қани ўша кимдир? Нега уни биз кўрмаяпмиз? Ҳамма ёқнинг тит-питини чиқардик-ку!..

Ўша куни бир дона ҳам балиқ тутолмадик. Кун бўйи дарахт соясида мум тишлаб ўтирдик. Қуёш уфққа ёнбошлаган маҳал бир-биримиздан йироқлашмай ўтин териб келиб гулхан ёқдик. Осмонда юлдузлар чарақлади, ҳаво совиб, жунжика бошладик. Андрес:

— Мени ўлдирма, нима десанг тайёрман. Илтимос, фақат ўлдирма. Кема келиб қолишидан умидим бор. Агар вино ичмай ўлсам, армонда кетаман, — деди йиғламсираб.

— Жони, Таскинни, бошқаларни мен ўлдирган деб ўйлаяпсанми?! — дедим жаҳлим чиқиб.

— Нима қилай?! — йиғлашга тушди у. — Ҳали бироз яшасам, дейман. Ростини айтай, шу ёшимгача бирор қизнинг қўлини ушламаганман. Ичим тўла армон. Мени ташлаб кетган бўлсаям онамни бир кўришни истайман!

У елкамга бошини қўйди, мен эса без бўлиб ўтиравердим, гапларига ишонмадим. Одамларга ишониб-ишониб, мана, қай аҳволга тушдим? Энди бунга ишонсам-да, у ўлдириб юборса мени... Ахир, мениям армонларим бир дунё. Қай бирини айтай?

— Мен ҳали қўлимни қонга ботирганим йўқ. Ботирмайман ҳам...

Эртасига очлик ёмон азоб берди, балиқ овламасак бўлмади. Аммо иштаҳа йўқ, томоғимиздан овқат ўтиши қийин бўлди.

Орадан яна икки кун ўтди. Кечалари қуш уйқу бўлиб қолганман, “тиқ” этган товушгайм уйғониб кетаман. Чигиртканинг чириллашига (тавба, шу ерда ҳам чигиртка бор экан) уммоннинг шовуллаши қўшилиб қолса, ваҳимани кўринг, дарров сергак тортаман. Жо йўқолиб қолган куннинг учинчи оқшоми, сергак ётгандим, қулоғимга ихраган товуш чалинди, уйғониб кетдим. Шундоқ бошим устида биров қараб турибди — жон-поним чиқиб кетди. Кўрққанимдан кўзимни чирт юмдим. Ёнгинамда ётган Андрес бир-икки марта ихради-ю, жимиб қолди. “Эй, худо, — деб ўйлайман, — ишқилиб, менга тегинмасин-да”. Шундан сўнг ниманингдир судралгани ва қадам товуши эшитилди. Нафасим ичимга тушиб кетган. Танам қулоққа айланиб, шерикларимни гумдон қилган жонзотнинг (унинг одамлигига ишонмасдим) узоқлашишини кутдим.

Бир оз ўтиб юрагимда ғазаб алангаси ёнди: “Ҳеч ким қолмади, ҳаммани ўлдирди бу ёвуз. Энди у мени тинчитади. Ҳозироқ ҳамла қилишим, кучим етса уни жаҳан-

намга жўнатишим лозим. Бошқа чора йўқ. Ортидан бормасам, изини йўқотиб қўяман, ундан кейин ажалимни кутиб ётишим керак”. Танамга ғойибдан куч эниб, ўрнимдан ирғиб турдим. Унинг қай тарафга кетганини тахмин қилиб, изидан тушдим.

Йигирма қадамлар юрганимда милтиллаган шуълага кўзим тушди. Таққа тўхтадим, юраримни ҳам, юрмасимни ҳам билмайман, оёғим қалтирайди. Бормай десам, эртага ўлиб кетишимни ўйлайман. Ахийри, энгашиб тимироскиланганча чақалоқнинг бошидай тошни қўлимга олдим-да, товуш чиқармай қадам ташлаб ўша шуъла милтиллаган жойга яқин бордим. Икки қадамча қолганида тўхтаб ерга ўтирдим, диққатимни жамлаб эмаклаганча силжий бошладим.

Ёруғлик чиқиб турган жой ўрага ўхшарди. Ер бағирлаб ётган жойимда секин пастга қарадим-у ҳайратдан қотиб қолдим. Ўранинг ичи анча кенг, ўртада гулхан ёниб турар, бақувват бир одам қўлидаги болта билан Андреснинг жасадини чопарди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди, ўзимни орқага ташладим. Аъзойи баданим дағ-дағ қалтирайди. Кўрганим кўрқинчли тушга ўхшайди... Ўнгимми ё тушимми — ишонмасдим. Нафасимни ютиб, яна бир марта туйнукдан мўраладим. Йўқ, тушиммас, ўнгим. Энди кўзларимга ишондим.

Кўрқув ўрнини ғазабим эгаллади, шекилли, дадилланиб каттароқ тош қидирдим. Қўлимга ўн килоча келадиган тош илинди, секин кўтардим-да, туйнукнинг оғзига келдим. Пастдаги одамнусха махлуқ жасадни бўлаклаш билан банд. Бор ғазабим билагимга энди ва қулочкашлаб тошни зарб билан ўранинг ичига улоқтирдимки, тош қотилнинг бошига гурсиллаб урилганини эшитдим. Махлуқнинг бошидан ҳар томонга қон сачради ва у юзтубан йиқилди. Ўзим бир муддат тош қотдим. Вужудим музлаб қолгандай. Нима иш қилиб қўйганимни англаёлмасдим. Бу шунчалик тез юз бердики, ақлимни йиғишгаям улгуролмай қолдим.

“Ақлим билан қилмадимми шу ишни?” — деган хаёлга бордим. Ҳаммасини олдиндан мўлжаллагандим: мақсадим — жонимга қасд қилмоқчи бўлган махлуқни ўлди-

риш эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Лекин... Лекин мен одам ўлдирдим! Бировнинг қонини тўқдим!.. Оёқларимнинг дармони қуриб, чўк тушиб ўтириб қолдим. Ўтиравердим... Шу ўтирганимча қуёш бир терак бўйи кўтарилгунча қимирламадим. Хаёлимдан нималар кечмади, эслолмайман. Балки ақл-идроким ўчгандир. Лекин қаттиқ кўрққанам рост. Йўқ, қилмишимни сезиб қолишларидан, қамашларидан кўрққанам йўқ. Одам ўлдириш жуда ёмон экан...

Ниҳоят ўрнимдан турдим. Шунда тош устига ўтирганимни, тиззамга тош ботиб кетганини сездим.

Ички бир туйғу мени ўрага тушишга ундади. Оҳ, айна лаҳзада бунинг мен учун нақадар кўрқинчли эканлигини билсангиз эди! Бунинг ўрнига: “Уммонга чўк”, дейишса бажонидил рози бўлардим.

Ўрага бошимни тиқиб қарадим. Бу ердаги манзара мени баттар даҳшатга солди. Қатор терилган ўнтадан зиёд калла суяги, ўра дорига осилган одамнинг қўли, сони... кўзим тиниб, эсим оғиб қолаёзди. Йиқилиб тушмаслик учун ўранинг лабига қўлларимни тирадим. “Ўҳ, мараз! Бу одам-нуса махлуқ шерикларимдан бошқа яна қанча кишиларнинг бошини еган экан?” Ўйлаганим сайин ғазабим тошди ва ҳеч иккиланиб ўтирмай, “тап” этиб ичкарига сакраб тушдим.

Ўра эмас, бу бир ғор эди. Ҳавоси шунақанги бадбўй-ки, димоғни ёради. Беихтиёр қўлим билан бурнимни бекитдим. Кўзларимга ишонмайман-у, лекин дорга илинган гўшт бўлаклари пиширилган эди. Гулхан ўчиб қолган эса-да, қуёшнинг ёруғи ичкарини ёритиб юборган, хом гўшт билан пишганини фарқлаб бўларди. Чидаб туролмадим, кўзи шокосадай очилиб, тили оғзидан чиқиб қолган одамхўрнинг лошини бир тепдим. Шунда унинг елкасидаги расмга кўзим тушди: олти нуқтадан иборат белги... Шундан кейин унинг кимлигини янаям яхшироқ англадим. Ғазабим икки ҳиссага ортди.

Мурдани тепган одаммасдим, лекин ҳозир ўзимни тутолмай, нафасим бўғзимга тиқилгунча одамхўрнинг жасадини тепкиладим. Сўнг манглайимдан оққан терни артиб: “Бу ифлос яна нима қилғиликлар қилган экан?” —

деган ўйда атрофни кузата бошладим. Форда болта, пичоқ, нарвон ва бир киши чўзилса бўладиган хас-хашак тўшалган ётоқ-жой ҳам бор эди. Бўртиб чиққан тошлардан бинойидек тоқча ясаб олибди бу ёвуз. Тоқчадаги идишларда туз, гугурт ва яна алламбалолар бор.

Ортиқ бу ерда туrolмадим. Нарвонни горнинг оғзига тирадим.

Ташқарига чиққач, бир оз чўзилиб ётдим. Буткул ҳолдан тойган эдим. Ором олгим келар, бироқ кўзимни юмишим билан форда кўрганларим жонланарди. Одамхўр тошларни суриб ташлаб фордан чиқиб келаётгандай туйилаверди. Кўрқиб бошимни кўтариб фор томонга қарадим. Майин шамол эсарди, фор оғзига қотирилган харсанг қабрдай дўмлайиб турарди. Мен бу ерда ортиқ туrolмаслигимни сезардим. “Бир оқшом юрагим ёрилиб ўлиб қоламан”, деб ўйладим. Хаёлимда ўликлар энди тинч кўймайдигандек. Лекин қаёққа бораман? Ҳамма ёқ сув бўлса...

Бояги журъатдан юрагимда асар ҳам қолмаганди. Шу ерда тагин озгина ўтирсам, мени ваҳимага солаётган оқшомни кутишга ҳам ҳожат қолмайдигандек. Судралиб ўрнимдан туриб юқориладим. Оролнинг энг баланд жойига чиқдим, узоқларга термилдим. Кутилмаганда кунчиқар томонда, чапроқда бир қора нарсага кўзим тушди. Юрагим ҳаприқиб кетди, нафас олишим тезлашди. “Нега шу пайтгача қарамадим у тарафга? Мен қутулдим! Мен омон қоламан!” — деб бақирганча рақсга тушиб кетдим. Шодлигим чексиз эди. Худди қишлоғимни кўргандай бўлгандим.

Аммо шодлигимнинг умри жуда қисқа бўлди. Туйқусдан хаёлимга келган: “У ергача қандай сузиб етаман?” — деган ўйдан ҳафсалам пир бўлиб, чўк тушганча йиғлаб юбордим: “Ўлиб кетаманми шу тошлар орасида, эй, Худо?” — ерни муштлаб нола қилдим. Бу билан ҳам қаноатланмай, қўлимга илинган тошни олиб пастга улоқтирар, айна чоғда худди бировдан қасд олаётгандай: “Мана сенга, ярамас! Мана сенга!” — деб бақирардим. Отган тошларимдан бири узоқ учди. Кўзимдан ёш оққанча қараб турдим. Тош ерга тушиб думалаётганида кўзим

қайиққа тушди. Қайиқнинг бурни қуруқликка туртиб чиқиб, дум қисми эса сувда қалқиб турарди. Ғам билан қувонч ораси бир қадам экан. Мен шамолдай елиб пастликка шўнғидим. Ҳовлиққанымдан, ўзимни тўхтатолмай, шалоплаб сувга кириб кетибман...

Қайиқнинг тешигини эгнимдаги йиртиқ кўйлагимни тиқиб бекитмоқчи бўлдим. Кўнглим тўлмади. Бир тошни понага ўшатиб йўниб, устидан кўйлагимни ўраб тешикка тикдим. Ҳартугул, тешик жипс беркилди. Бахтимга эшак ҳам бор экан.

Қайиққа ўтириб, сўнги бор қувончу қайғуларимга маскан бўлган оролга қарадим. Шерикларимни бирма-бир эсладим. Кўз ёшга тўлди. Тирик қолсам, улар учун қасд олишни кўнглимга тугдим. Шундан кейин эшак эша бошладим. Очиғини айтсам, шу оролга ҳам меҳрим тушиб қолган экан. Ҳа, бу ерда хавф-хатар остида яшадим, лекин барибир яшаган жойи одамнинг кўзига иссиқ кўринадиди.

Бошида билинмайди-ю, кейинчалик эшак қўлни толиқтириб қўяркан. Бунинг устига, тепада қуёш қиздираяпти. Тез-тез бошимни ҳўллаб оламан, аммо фойдаси кам.

“Эй, Худо! — деб илтижо қиламан. — Ишқилиб, акула-пакулага дуч келиб қолмайин-ди. Қайиқни парчалаб ташласа тамом. Ёмғирдан қутулиб дўлга тутиламан”. Хаёлим ўзимга душман. Ҳар балони ўйламасликка ҳаракат қилдим. Чалғий деб Нозимани эслашга уриниб кўрдим.

Йўқ, эслаёлмадим. Одамхўр махлуқ, териб қўйилган бош суяклари, дордаги гўшт... (булардан қутулолмайман, шекилли) мени севган қишлоқдош қизнинг қиёфасини кўз ўнгимга келтиришга йўл бермасди. Эшак эшаётган озғин қўлларим титрар, бўғзимга ўкинч тиқилган эди.

Бир маҳал шамол турди. Омадимни қарангки, шамол айна мен мўлжаллаб сузаётган қуруқлик томон эсарди. Шамол кучайганида қувондим, тез-тез ортимга ўгирилиб, қуруқликка қараб қўяман. “Яқин қолди, насиб этса, ҳадемай кўзлаган манзилимга етаман”, деб ўйладим. Аммо ширин хаёлим тарқамай туриб, довул қўпди, тўлқин қайиқни писта пўчоғидай ўйната бошлади. Мен жон-жаҳ-

дим билан эшакка ёпишдим, узоғи билан бир соатларда қуруқликка омон-эсон етиб оламан, дея мўлжалладим. Афсус...

Том бўйи кўтарилган тўлқин қайиқ билан қўшиб ютиб юборгудай қутуради. Эшакни қайиқ ичига ташлаб, икки қўлим билан қайиқнинг четидан маҳкам ушлаб ўтириб олдим. “Агар қайиқ тўнтарилиб тушса ҳам қўйиб юбормайман”, деган хаёлдаман. Аммо бандасининг айтгани бўлавермаскан. Бир пайт қора тўлқин устимдан бостириб келиб, чирпирак қилиб улоқтириб юбордики, қайиқдан учиб чиқиб кетганимни сезмай ҳам қолибман. Бир зум хаёлим қочди, карахтлигимда ичимга сув ютиб юборибман. Лекин тезда ўзимни ўнглаб, юзага чиқишга уриндим.

Тез-тез нафас олганча қайиқни қидирдим. Бахтимга, узоққа тушмаган экан. Амаллаб етиб олдим-да, маҳкам ёпишдим, тўлқин қанчалик қутурмасин, қўйиб юбормадим. Аммо дармоним қуриб, кўзим тиниб, атрофни ғирашира илғардим. Шу аҳволдаям умидимни узганим йўқ. Қирғоқдаги дов-дарахтлар кўзимга кўрина бошлаганда чўкаётганимни аранг англадим...

Кўзимни очсам, кум устида ётибман. Олтмиш-етмиш қадам нарида ўрмон: дарахтларнинг шохлари шамолда тебранапти. Кўнглим беҳузур бўлди, ўқчий бошладим. Ичимда сувдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Чарчаб қолдим ва юзимни кумга қўйдим. Ана шу пайт қулоғимга чақалоқнинг чинқирган товуши эшитилди. Бошимни кўтардим. Овоз ўрмон томондан келаётганди. Ўрнимдан турдим. Худди маст одамдай гандираклаб товуши тинмаётган чақалоқни ахтариб йўлга тушдим.

Биринчи, иккинчи дарахтнинг ёнидан ўтдим, учинчиси етганимда ғалати манзарани кўрдим: олти-етти ойлик чақалоқ оёғидан дарахт шохига осиб қўйилганди. Шўрлик гўдак шамолда ҳар тебранганида, дарахтнинг танасига манглайи билан уриларди. Уни ечиб олдимми-йўқми, тўғриси, аниқ билмайман, бирдан кўкрагимга бир нима гурсиллаб урилди. Эҳтимол, менга шундай туйилгандир, ишқилиб, нима бўлган тақдирда ҳам, орқамга ағанаётганимни эслайман, холос.

Қанча вақт беҳуш ётганимни билмайман, кўзимни очсам, оппоқ соқоли кўкрагига тушган бир чол бош учимда ўтирибди. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим, у “қимирлама” дегандек кўкрагимдан босди.

— Қаердаман? — сўрадим ўзбекчалаб.

Қария жавоб ўрнига кулиб қўйди. Шундан кейин гапимни таиландчада такрорладим.

— Менинг уйимдасан, — деди чол ўша қўйи жилмайиб.

— Қандай... келиб қолдим?

— Бу саволингга ўзинг жавоб беришинг керак. Фақат ҳозир эмас, кейинроқ. Аввал ўзингга келиб ол, қара, суягинг қолибди, холос.

Мен жилмайишга уриндим, лекин уддалай олмадим. Кўзим юмилиб кетаверди.

— Ухлашни бас қил, — деди чол майин овозда, — уч кундан бери ухляяпсан. Қайтиб уйғонмайсанми, деб қўрққандим. Жонинг тошдан экан. Кел, манавини ич.

У қўлини бўйнимдан ўтказиб бошимни кўтарди ва оғзимга пиёлада қандайдир суюқлик тутди. Икки марта хўплаёлдим, холос. Учинчи қултум томоғимга тиқилиб қолди. Ўқчидим, лекин қусмадим. Пешонамдан тер чиқиб кетди. Чол бошимни оҳиста ёстиққа қўйди. Мен чуқур-чуқур нафас ола бошладим. Кўзимга ҳар бало кўришиб кетаверди: қишлоғимиз, отам, укаларим ўтди кўз олдимдан. “Ўлаяпман, шекилли, — деб ўйладим. — Бунча тез? Бунча осон? Жон бериш қийин бўлади, деганлари бекор экан”. Йўқ, чол айтгандай, жоним тошдан экан. У пешонамга нимадир қўйганини сездим.

— Мен ўлмайманми? — сўрадим ундан.

— Хавотир олма, энди яшайсан.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай бемалол кўзимни очдим.

— Ана, айтдим-ку, — деди чол хурсанд бўлиб, — энди манавидан ич, тетиклашасан.

У берган суюқлик тахир эди. Бу таъмни мен аввал ҳам туйгандайман. Лекин қаерда татиб кўрганимни эслаёлмадим.

Беш кун жойимдан қимирламай ётдим, чол ҳам ёнимдан жилмади ҳисоб. Соқоли уникидан қолишмайдиган,

кўзлари қисик, пешоналарини ажин босган уч-тўрт киши ҳам кириб-чиқиб туришди. Ҳаммаси мен биладиган таиландчада гапирарди. Уларнинг гап-сўзларига қараганда, сувдан чиқиб келибман. Сўнг дарахтда осилган чақалоқни ечиб олиб, ерга қўйибман.

Улар менинг жудаям озғин, мурдага ўхшашимдан хавфсирашибди. Чақалоққа зиён етказиб қўйишимдан чўчишиб, “пегана” (бамбукдан ясалган думалоқ қурол) билан уриб ағдаришибди. Сўнг бу ерга — оқсоқолнинг ёнига олиб келишибди (қизиқ, кўринишидан бари бир-бирига ўхшайди, оқсоқолини қандай ажратиб олиш мумкин?). Ҳа, эсладим: улардан дастлаб:

— Мени семиртириб, кейин сўйиб емайсизларми? — деб сўраганман.

Чоллар бир-бирларига ажабланиб қарашди, сўнг менга юзланишди. Берган саволимдан ўзим ҳам ноқулай аҳволга тушдим-у, лекин нима қилай, мудом одамхўрлар қўлига тушавериб, юрагим зада бўлиб қолган эди-да.

— Хавотир олма, — деди оқсоқол, — уйингга бемалол етиб оласан.

Бирдан кўзимда ёш ҳалқаланди, йиғлаб юборишдан ўзимни зўрға тийдим.

— Энди тур, ётаверсанг оғирлашиб қоласан. Еттита касалинг бор. Иккитасини даволадим, холос. Қолганини, ҳаракат қилмасанг, тузатолмайсан.

Унинг гапи таъсир қилиб, ўрнимдан туришга ҳаракат қилдим. Бир уринишда кучим етмади. Чоллар ёрдам берай демади, безрайиб қараб туришибди. Алам қилиб, иккинчи уринишда ўрнимдан туриб ўтирдим. Бошим айланди, ётиб қолмай деб ерга қўлимни тираб олдим.

— Яхши, — деди оқсоқол кулиб, — иродали йигит экансан. Тез орада ўзингга келасан.

Улар оёққа туришимга ёрдамлашишди-ю, лекин ташқарига чиқиб олишимга кўмаклашишмади. Бу қариялардан нима умид? Ўзларининг гавдасини кўтариб юришсаям катта гап. Ёшлариям етмиш-саксонга бориб қолгандир, деб ўйладим.

Ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олдим. Ёғочдан тикланиб, томи қамиш билан ёпилган тўртта уй қўққайиб

турарди. Беш-олти қадам наридан бошланадиган ўрмонга кўз ташладим. Буларнинг барини мен аввал кўргандай эдим, шу боис, ҳайратланмадим, шунчаки бош чайқаб қўйдим. Уйлар олдида беш-олти бола чопқиллаб юришар, ора-чора енгил сакраб ҳавода ўмбалоқ ошиб тушишарди, бунга ҳайратланмай иложим йўқ эди.

Болакайлар нари борса олти-етти ёшларда. Уларни кўриб ёшлигим, кўча чангитиб юрганларим эсимга тушиб, йиғлаб юбораёздим. Тўғри, уларга ўхшаб ҳавода учиб айланиб ерга тушиш менинг қўлимдан келмасди. Аммо болаликдаги завқ-шавқим буларникидан кам бўлмаган.

Оқсоқол билан бирга овқатландим. Кўп емасам-да, дарров тўйиб қолдим.

— Ҳали ўрганиб кетасан. Ошқозонинг кичрайиб кетган. Ҳа, сенга маслаҳатим: сувга қарама. Бирор ўн кундан кейин қарайсан, — деди оқсоқол.

Нега бундай деганини тушунмадим, шундай эса-да, “хўп” дегандек бош силкиб қўйдим.

— Мана, анча ўзингга келиб қолдинг, — деди у гапини давом эттириб. — Энди нима бўлганини бирма-бир гапириб бер.

Мен учун ўтмишимни эслаш жуда оғир эди. Не кунларни бошдан ўтказмадим. Қанақанги каззобларнинг қўлига тушмадим. Энди ўшаларни бир бошидан қайта эслаш... Оғир... Жудаям оғир.

Бир муддат тин олдим. Мардикорликка борганимдан оролда одамхўрни ўлдирганимгача кўрган-кечирганларимни хаёлимдан ўтказдим. Шундан кейин гапиришга тушдим.

Оқсоқол, бирор марта бўлсин, гапимни бўлмади. Тўхтаб хаёл суриб қолган кезларим юзимга диққат билан тикилиб тураверди. Аммо одамхўр билан рўй берган воқеани айтаётганимда чидаб туролмади: менга тушунарсиз тилда бир нима деб қаттиқ гапирди. Сўнг менга “давом эт” дегандек ишора қилди.

— Биламан, — деди у гапларимни охиригача эшитиб бўлгач, — улар Исо пайғамбар — Оллоҳнинг элчисининг хочга михланишига сабабчи бўлишган. Мана, неча юз

йиллар ўтса ҳамки қони тўкилган, вайронагарчилик рўй берган ҳодисаларга улар аралаш. Умрларининг ҳар бир сониясида Оллоҳга ширк келтириш билан овора. Қани, бу ёққа юр, сенга кўрсатадиган нарсаларим бор.

У ўрнидан туриб уй томон юрди. Ортидан эргашдим. Зиналардан иккинчи қаватга кўтарилдик. Сиртдан қарасангиз, бу уйни ҳечам икки қаватли деб ўйламайсиз. Саксондан ошиб қолган қариянинг зиналардан енгил кўтарилиши янада таажжубланарли. Тепадаги қаватга чиққанимизда оғзим очилиб қолди. Пастда учта хона бўлса, тепадаги қаватда бу жой яхлит бир хона, ичи китобга лиқ тўла эди. Кичкина бир оролда, гадойтопмас бир жойда бунчалик кўп китоб борлиги ҳар қандай одамнинг ақлини шошириб қўяди. Ҳайҳотдай хонани китоб жавонлари тўлдириб турарди. Мен кирган жойимда анграйиб туриб қолдим. Оқсоқол жавонлар орасидан адашмай бориб битта китобни олди-да, варақлади. Сўнг мени ёнига қақриб кўрсатди.

— Мана, — деди у китобдаги тагига қизил қалам билан чизиб қўйилган сатрларни кўрсатаркан, — мана бу ерда аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган.

Ёзувнинг арабча эканини билардим, бироқ ўқишга тишим ўтмасди. Шу боис, бир китобга, бир оқсоқолга қарардим.

— Дининг нима? — сўради у.

— Ислом.

— Нега унда билмайсан?

— Ҳеч ким ўргатмаган.

— Нега ўргатмаган?

— Билмадим.

— Яхшимас, ўзининг динини билмаслик... Бу бетда Исо воқеаси ёзилган. Ўз қавмининг одамлари римликларга Исони сотишади, унинг устидан бўҳтон уюштиришади. Исо калтакланади, минг бир қийноққа солинади. Бироқ сотқинлар бу билан ҳам қаноатланмай, Оллоҳнинг элчисини хочга михлашни талаб қилиб туриб олишади... Балки ўшанда Исо уларни қарғагандир, лаънатлагандир. У ёғи бизга қоронғи. Лекин далил шуки, ўша лаънатланганлар ўта маккор, ўта ақлли. Қаердаки, бой-

лик бўлса, унга эга чиқишга ҳаракат қилишади, буни уддалашади ҳам. Улар аввал ишончига киради. Бунинг учун минг хил найрангни ўйлаб топади. Кейин жуда устомонлик билан алдаб, бор-будига эга чиқади. Қараб-санки, қуп-қуруқ тошлоқ жойда осмонўпар миноралар, сайилгоҳлар, фавворалар пайдо бўлади.

Сен ёш болаларни супрадаги ун устига яланғоч ўтқазишиб бигиз тикқанларини эшитганингни гапирдинг. Бу ҳали ҳолва. Улар шундай хунрезликларга қўл уришганки, ҳайратдан ёқангни ушлайсан... Буни сенга кейинроқ гапириб бераман... Сени ертўлага олиб тушганларида емоқчи бўлишмаган. Ўпка, жигарингни, юрагингни сотишни мўлжаллашган. Дунёда шундай бой одамлар борки, битта юракни сотиб олиш учун миллион-миллион долларни аямайди. Аслидаям, аяб нима қилади? Агар юраги ишдан чиқиб, яшашдан маҳрум бўлиб қолса, пулларининг кимга кераги бор? Энди ер остида қилган ишинг хусусида: уларнинг нияти, албатта, сенинг аъзоларингни сотиш бўлмаган. Кимёвий йўл билан олмос ясаш мумкин. Лекин бунинг учун ҳам махсус тош керак. Хуллас, сени ишлатишган, холос. Кейин мурувват кўрсатишган...

— Сиз буларнинг барини қаердан биласиз? — дея оқсоқолнинг гапини бўлдим.

У жилмайди ва китобларни кўрсатди:

— Бу ер — хазина. Ҳар битта китобни камида ўн мартадан ўқиб чиққанман.

— Қандай қилиб?

— Еттита тилни биламан. Шунинг учун ҳам сен билан бемалол гаплашиб турибман.

— Тил билган билан... бунча китобни ўқиб чиқиш учун озмунча вақт керакми?

— Нима, сенингча, бир юз ўттиз икки йил кам вақтми?

— Ни-ма? — дедим мен ҳайратланиб, — бир юз ўттиз икки?!

— Ҳа, мен шу ёшдаман, — деди оқсоқол жиддий тортиб. — Суҳбатимизни шу ерда тугатамиз. Сенга кўп ҳаяжонланиш мумкин эмас, касалинг оғирроқ.

Мен карахт эдим. Қулоқларимга ишонгим келмасди.

Одамзод қандай қилиб бир юз ўттиз икки йил яшаши мумкин? Ақлга сиғмайди. Балки оролдаги ҳалиги чолларнинг ёшлари ҳам юздан ошиб кетгандир. Қаерга келиб қолдим ўзи? Танимда еттита касаллик борлигини бу чол қаёқдан била қолди? Дўхтир эмас-ку... Балки ёшлигида табиблик билан шуғуллангандир. Майли, бунисигаям ишонса бўлади. Лекин сохта олмос яшаш, қайси қавмнинг қандайлиги тўғрисидаги гаплари зўр-ку!.. Миямда минг бир савол туғилган, бироқ уларнинг ҳеч бирига жавоб тополмасдим. Чол мени ухлашинг керак, деб ётқизиб қўйди. Кўзимга уйқу келмайди. Юрагим безовта.

— Манавини ич, — деди бир маҳал оқсоқол мен ётган хонага кириб.

Индамай унинг айтганини қилдим — пиёладаги суюқликни ичиб бўлибоқ ухлаб қолдим.

Эрталаб уйғониб ўрнимдан тетик бўлиб турдим. Ташқарига чиқдим. Оқсоқол билан бирга овқатландик. Энди иштаҳам очилганди. Чол билан бир соатдан зиёдроқ гаплашиб ўтирдим.

— Кеча шу атрофда бошқа одамларни ҳам кўргандим. Ҳозир улар қаерда? — сўрадим гап орасида.

Оқсоқол кулди. Сўнг ўрнимдан туриб, ўрмон тарафга енгил қадам ташлади. Мен унинг орқасилан лўкиллаб эргашдим.

Ўрмон мен ўйлагандан кўра анча қалин экан. Дарахтлар тубидан кўкарган бута ва ўт-ўланлар тиззадан келади. Мен икки ҳафтадан кўпроқ яшаган одамхўрнинг оролида қуш товушиниям эшитмагандим. Бу ерда чуғурчуқларнинг сайрашидан қулоғинг битаёзади. Ҳавонинг тозаллигини айтмайсизми, бир чуқур нафас олсангиз, ўзингизни қушдай енгил ҳис этасиз. “Шундай жойда яшагандан кейин мингга киради-да одам”, деб ўйладим.

Ярим соатлар чамаси ўрмон оралаб юрганимиздан кейин кўм-кўк ўт билан қопланган ялангликка чиқдик. Мен бу оролда кўрган одамлар шу ерда экан. Бешта қизжувон, етти-саккиз нафар болакай, қариялар, олтита кампир ва тўртта йигит. Улар аллақандай машқ билан машғул.

— Сен шу ерда ўтир, — деди оқсоқол шуғулланаётган-

ларнинг ёнига етганимизда, — мен баданимни озгина қиздириб олай.

Чол қаторга қўшилиб, оёқларини ердан енгил узиб тепага сакраб ўмбалоқ ошиб тушар, қўллари билан сокин ҳаракат қилиб ҳавода сузарди. Унинг ҳаракати қушнинг парвозини эслатарди. Орадан бирор соат ўтиб, машғулот якунига етди, шекилли, улар ўзларига рақиб танлашиб, ўзаро жангга тушиб кетишди. Ёшлари-ку майли, лекин қарияларнинг дадил уришаётганини кўриб оғзим ланг очилиб қолди. Улар рақибига зарба бериш баробарида, шунақа сакраб ҳимояланишардики, кўзингга ишонгинг келмайди. Чолларнинг абжирлигини тушуниш мумкин дир, кампирларни айтмайсизми! Агар уларнинг оёқ зарбаларидан биттаси менга ўхшаганга тегса борми, майиб қилиши тайин...

Қўл жанги нақ икки соатга чўзилди-ёв. Ҳеч ким ютқизмади, бирор киши ҳансираб ҳам қолмади. Мен эса уларни кўриб-қузатиб туриб ўзимдан хафа бўлиб кетдим.

Ортга қайтдик. Ҳамма ўзининг уй-уйига кириб кетди. Мен чол билан қолдим.

— Юздан ошган одамнинг ҳассага таянмай гавдасини кўтариб юриши ўзи даргумон-у... сиз қандай қилиб...

— Ҳали ҳаммасига тушуниб оласан, — деди оқсоқол гапимни бўлиб, — аввал соғайиб олгин.

Орадан бир ҳафта ўтди, мен бутунлай соғайиб кетдим. Шу орада орол қавми билан танишиб ҳам олдим. Улар сиртдан вазмин кўрингани билан шўх, хушчақчақ экан. Гапирганда, албатта, ҳазил, киноя аралаштиришаркан. Энг ёққан томони эса, менинг ёнимда улар ҳеч қачон бошқа тилда гаплашишмасди.

— Нега бундай қиласизлар? — деб сўрасам:

— Кўнглингга гулғула тушишини истамаймиз, — деб жавоб қилишди.

Шу гапдан кейин меҳрим икки ҳисса ошди ва уларга ҳавас қилдим. Оқсоқолнинг ёнига бориб (у куннинг асосий қисмини китоб мутолааси билан ўтказарди. “Нима қиларкан шунча ўқиб? — деб ўйлайман мен. — Бу китобларни бир неча марта ўқиб чиққан бўлса, яна тикилган билан мойи чиқармиди?”):

— Менгаям каратэни ўргатинг, — дедим.

Оқсоқол кулди ва ўқиётган китобини эҳтиёткорлик билан ёпди-да:

— Биз каратэ билан шуғулланмаймиз, бажараётган амалларимизни қилолмайсан. Ёшинг ўтиб қолган, — деди.

— Нега ёшим ўтиб қолади? Ҳали йигирмагаям кирманман-ку, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сен дарахтдан ечиб олган ўша чақалоқ олти ойлик. Бизда одамни шу даврдан бошлаб ўргатилади. Сизмаган экансан-да, биз — нинзалармиз.

Мен ҳайратдан донг қотган эдим. Оқсоқолнинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасдим. Аммо кўзим билан шунча нарсани кўрганимдан сўнг ишонмасдан иложим йўқ эди.

— Оёғидан осилган гўдак ҳар тебранганида дарахтга урилади. Албатта, унинг боши ғурра бўлмаслиги учун дарахтга юмшоқ қоплама бойлаб қўйганмиз, — дея гапида давом этди оқсоқол.

— Олти ойлик гўдак нима каромат кўрсатиши мумкин? Ёки сиз мени шунчаки...

— Олти ойлик гўдакда ҳам сезиш қобилияти бор. Бошқа биров ёрдам бермагач, у ўзини-ўзи ҳимоя қила бошлайди. Сен бўлсанг, ўзингни ҳимоя қилиш палласидан ўтиб кетгансан. Энди сенга бирон усулни ўргатиш қийин. Ўрганишинг мумкин, фақат оддий нарсаларни.

— Йўқ, — ўжарлигим тутди, — мен ҳали кўп нарсани ўргана оламан. Мана кўрасиз.

Чол кулиб қўйди ва китобни очиб, келган жойидан ўқишга тушиб кетди. Ҳафсалам пир бўлиб, унинг ёнидан чиқдим.

Агар уларнинг жанг усулларини ўрганиб олсам, мени шу кўйга солганлардан ўч олар эдим. Одамни хароб қилиб, унинг тана аъзоларини сотадиганларнинг кунини кўрсатардим...

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Оқсоқол кўмак бермаслигига ишончим комил бўлгач, ўзим саҳарлаб туриб, бошқаларга қўшилиб югура бошладим. Улар бажараётган машқларни такрорлашга уриниб кўрдим. Бироқ машқ бажариш у ёқда турсин, ҳатто оёғимни икки ёнга чўзиш-

га ҳам қурбим етмас, бу менга алам қиларди. Лекин на илож? Кампирлар колтоқдай сакраб машқ бажарганда, бир нарсани эплолмасам-да, югуриб турганим яхши эмасми? Лекин ичимда ўзимни улардан кучлироқман, деб билардим. Бир куни бўйи меникидан калтароқ, бургутбурун, сочлари типратиканга ўхшаш, кўзи бир чизиқ — қисик Сёхэй исмли йигитнинг ёнига бориб:

— Мен билан спаринг тушмайсанми? — деб сўрадим (спаринг — ўзингга рақиб танлаб, тепишиш машғулотли).

У менга бошдан-оёқ разм солди-да, кулди. Кейин етти-саккиз ёшлардаги Такешини кўрсатиб:

— Ўша билан тушсанг, қаттиқ урмайди, — деди.

— Нима деяпсан? — дедим жаҳлим чиқиб. — Менинг тенгим шу гўдак бўлиб қолибдими?

— Хафа бўлма, лекин сен ҳали ҳеч нарсани билмайсан.

— Кўрамиз!

— Майли, ўзингдан кўр, — деди у.

Хаёлимда: “Биринчи бўлиб мен уришим керак. Шунда у қочишга улгурмайди. Кейин ер билан битта қилиб ташлайман”, деб ўйладим.

Рақибим, менга ўхшаб, қўлларини мушт қилиб тугмади, жангга тайёрланмади. Демак, менсимади мени. Кўрамиз, бунинг оқибати нима бўларкан? Сакраб-сакраб секин унга яқинлашдим-да, икки қоши ўртасини мўлжаллаб зарба бердим. Бемалол уриб ағдарсам керак, деб ўйлагандим. Назаримда, унда куч йўқдай. Кучи бўлмагач, у ёқдан-бу ёққа сакраганидан нима фойда? Лекин у бошини озгина қимирлатди, муштим тегмай ўтиб кетди. Мувозанатимни йўқотиб, йиқилаёздим.

— Биринчисидан қутулиб қолдинг, — дедим ҳансираб, — мана бунисига чап бериб кўр-чи?

Унинг нима қилаётгани ақлимга сиғмасди. Секин қимирлаб қўяди-да, менинг зарбаларимни бемалол ўтказиб юборади. Сўнг мени масхаралагандай иржайиб қўяди. Аламдан жон-поним чиқиб кетади. Ўлжасини ғажимоқчи бўлган арслондай ташланаман-у, ерга ағанаб тушаман. Чамаси, ўн дақиқалар олишиб, унга ҳатто бармогимнинг учиниям теккизолмадим. Нафасим бўғзимга ти-

қилиб қолди. Тепмоқчи бўлиб оёғимни силтаганимни биламан, юзтубан йиқилдим. Кейин ғазаб билан ерда ётган таёқни қўлимга олдим-да, бурилиб “душман”имга улоқтирдим. Шу ҳам тегмай ўтиб кетди. Сёхэй ўзини озгина чапга олди, холос. Таёқ ёнгинасидан ўтиб кетди. Шунда бошқаларнинг “қаҳ-қаҳ” отиб кулгани эшитилди. Атрофимга разм солиб қарасам, одамлар тўпланиб томоша қилиб туришган экан. Уларга еб қўйгудек бўлиб тикилдим.

Оқсоқол ёнимга келди. Оталарча меҳрибонлик билан елкамга қўлини қўйди-да, кўзимга ғалати назар билан синчиклаб қаради. Билмадим, чолнинг кўз қараши таъсир қилдими, муштлашолмай шарманда бўлганимдан тошиб турган ғазабим ўз-ўзидан ариди.

— Энди шуғулланамиз, — деди у бир оғиз ва ортига бурилиб кетди.

Эртасига тонг отмасидан, оқсоқол мени туртиб уйғотди.

— Тинчликми? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ортимдан югур.

Ташиқарига чиқишим билан оқсоқол ўрмон ичига қараб чопиб кетди. Мен ортда қолиб кетмаслик учун югурдим. Ҳали уйқум тарқамаган, нега чопаетганимизни билмасдим. Ўрмон зим-зиё, бу ҳолатда кундуз куни ҳам эҳтиёткор бўлмаса, бирорта шох-шаббага урилиб кетиши ҳеч гап эмас. Уйқусираётганим панд берди. Ҳали тузукроқ ичкариламай туриб пешонам бир шохга қарсиллаб урилди-ю, кўзимдан ўт чиқиб, орқамга гурсиллаб қуладим.

— Тур! — қичқирди оқсоқол.

Мен уни кўрмадим, овозини эшитдим, холос. Шу ёшида бу чолнинг чопқиллаб кетишини қаранг! Кўзи ҳам тузук-қуруқ кўрмаса керак. Кеча китобни кўзойнак билан ўқиётганди. Қандай қилиб шохларга чап бериб югуради, ҳайронман.

Гандираклаб ўрнимдан турдим. Бироқ уч ёки тўрт қадам босар-босмас яна бир шохга манглайимни уриб олдим. Бу сафар оғриқнинг зўридан инграб юбордим.

Чол иложсиз ортига қайтиб, қўлимдан ушлаб турғазди.

— Сен олдинга интилишинг керак, — деди юмшоқ, аммо қатъий оҳангла.

— Яна дарахтга урилсам, бошим иккига бўлинади! — дедим йиғламсираб.

— Орқага қайтиш йўқ!

У икки қўлимни елкасидан ушлатиб, югуришга тушди. Юзимга майда шох-шаббалар урилар, кўзимни юмиб олгандим. Лекин ҳадеб юзга шох-шабба урилаверса, одамнинг этини пўла қилиб қўяркан. Энди энкайиб, оқсоқолни пана қилиб чопишга тушдим. Унинг бўйи меникидан паст, югуриш ўта ноқулайки, бир неча марта оёғим чалишиб йиқилай дедим. Бироқ чолни менинг аҳволим мутлақо қизиқтирмас, у тинмай югурарди. “Бунинг чарчамаганини, озгина дам олса нима қиларкан?” — деб ўйлайман.

Бир маҳал оёғим чуқурчага тушиб қайрилиб кетди, йиқилдим. Оёғим синди-ёв дейман, оғриқ жуда кучли эди. Инграб ётишим қариянинг парвойига ҳам келмади. Тортаётган азобларим камлик қилганидай, қўшимчага эшимча қилиб аямасдан оч биқинимга икки марта тепса бўладими?

— Қасдингиз борми менда?! — дея ўкириб юбордим.

— Тур! — деди у ғазаб билан.

Товуши шунчалик ўткир чиқдики, оғриқни ҳам унутиб, сакраб турдим. Югурмай десам, чол яна калтаклаб қолишидан қўрқаман, югурай десам, оёғим узилиб тушгудай оғрияпти. Хуллас, ялангликка чиққунимизча ит азобини кўрдим.

Қариянинг оғзидан: “Озгина дам ол”, деган гап чиқиши билан ўзимни ерга ташладим. Негадир ўкириб-ўкириб йиғлагим келди. Лекин... Тишимни тишимга босдим.

Ҳартугул, оқсоқол анча дам олишимга изн берди. Ўзи эса уфққа тикилганча бир нималарни пичирлаб ўтираверди.

Тонг отди. Чарчоқ ва оғриқдан инқиллаб, ухлаб қолибман. Чол ўтирган жойидан туриб ёнимга келди-да, оёғимни кўздан кечирди. Сўнг бошини сарак-сарак қилиб:

— Бошқа югуролмайсан, — деди. “Сенда ҳам юрак

бор экан-ку, сен ҳам тушунаркансан-ку, кўрдингми, оёғимни майиб қилдинг”, деб хаёлимдан ўтказдим. — Ўзинг айбдорсан, — деди у гўё фикримни уққандай.

Гапини қаранг: ўзинг айбдорсан, эмиш. Нима, мен ўз-ўзимдан шу қалин зим-зиё ўрмон ичида югурибманми? Менга қолса, тонг отиб, ҳамма ёқ ёришганидан кейин мана шу ялангликка келиб, қанча бўлса югураверардим. Сенлардай бўламан деб бирон жойимни майиб қилишим шартми?

— Кейинчалик ўзинг тушуниб оласан, — деди диққат билан юзимга тикилиб турган оқсоқол. Сўнг қўлимдан тутиб, ўрнимдан туриб олишимга кўмаклашди. Кейин юргизиб кўрди. Чўлоқланиб юришимдан кўнгли тўлмай:

— Мен сени опичлаб оламан, — деди.

Бир кулгим қистайди, бир жаҳлим чиқади. Ёши юз ўттиздан ошган бу чол ушоқдай гавдаси билан мени ортмоқлаб қаергача борарди? Кўтараман деб қоқилиб кетмаса бўлгани. Қолаверса, биздаям гурур бор, чоллар устига миниб оладиган хотинчалишлардан эмасмиз.

— Шарт эмас, аста-секин ўзим боравераман.

Оқсоқол жилмайди. Сўнг мендан сўраб ҳам ўтирмай, бир қўлимдан тортиб, оёғимдан чаққон кўтариб, елкасида хуржундай осиб олди. “Баттар бўл, ҳозир йиқиласан”, деб ўйладим. Лекин у пилдираб юриб кетди. “Озгина юр, ундан кейин кўраман ҳолингни, қари чол”, деган хаёлда индамай кетаяпман. Юз метр, икки юз метр юрди, кейин қалин ўрмон бошланди. Бироқ қария тўхтамайди. Қайтанга, шундоғам шилиниб кетган юзимга шохшабба урилиб баттар азоблайди. Манглайимдаги гурранинг лўқиллашини-ку, айтмай қўя қолай.

Ўрмоннинг ўрталарига етганимизда чол мени секин елкасидан ерга туширди. Бу чол мени ортмоқлайман деб бели чиқиб кетди-ёв, дегандим, у ҳатто ҳансирамасди ҳам. Мени кўтариб олганда қандай бемалол турган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай қаққайиб турибди.

— Бу ёғига ўзинг йўл топиб борасан, — деди у илжайиб. — Огоҳлантириб қўяй: таёққа суянадиган бўлсанг, ўзингдан кўр.

“Онангни эмгур! — ичимда сўқдим уни. — Бу аҳволда

қандай етаман? Соғ оёғимниям майиб қилайми? Ўзи, сен дўстга ўхшамайсан. Агар сал одамгарчилигинг бўлганида, мени бунча қийнамасдинг”.

Оқсоқол хайр-маъзурни насия қилиб, ортига бурилиб кетди. Ўрмоннинг ўртасида ёлғиз қолдим. Аламим келиб, ерга чўзилдим. Бош, оёқ оғриғига хўрлигим қўшилиб кайфиятим бузилди. Кўп азобларни кўрдим-у, лекин бу падар лаънати нинзага ўхшаб ҳеч ким мени усталик билан лаққа туширмаган. Камбағални урма-сўкма, кўйлагини йирт, дейишади. Оқсоқол ҳам шундай қилди. Беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бурнимни торта-торта, кўз ёшларимни кафтим билан артдим. Сўнг секин ўрнимдан турдим. Аввалига: “Оқсоқол уриб ўлдирмайдими, бирорта таёқ топиб суяниб кетаман”, деган ўйга бордим. Лекин кўрқдим. Одам тинимсиз калтак еяверса ҳам безиллаб қоларкан.

Бир оёқда чўлоқланиб ҳақкалаб кета бошладим. Бахтимга, дарахтлар қалин, уларга суяниб, нафас ростлайман, сўнг яна йўлимда давом этаман.

Азобдан, очликдан тинка-мадорим қуриб, оқсоқолнинг уйига етиб борганимда қуёш тиккага келган эди.

— Мана келдим, — дедим кўзимни зўрға очиб. — Яна қаерга бориб келай?

Бўсағада чордона қуриб, чой ичаётган оқсоқол тиржайди (чой ичиб ўтирган жойини қаранг).

— Яхши, — деди пинагини бузмай чол, — ёнимга ўтир.

— Ўтирмайман.

— Нега?

— Кейин туришим қийин.

— Ўтир, бошқа турмайсан.

Кампирлардан бири тоғора кўтариб кирди. Унинг ортидан келган қизнинг қўлида ҳар хил кўкатлар бор эди. Чол аввал тоғорадаги сувда оёғимни ювди. Сўнг шишган жойига кўкатни эзғилаб сувини чиқариб босди-да, устидан латта билан сиқиб боғлади. Манглайимга ҳам кўкатни сиқиб босиб, боғлаб қўйди.

Уч кун чўлоқланиб юрдим. Чол мени ётқизиб қўймади, қўлимга арабча ёзувдаги китобни берди. “Нима қила-

ман буни? Ўқий олмасам”, дегандим, яна калтак остида қолдим.

Тўртинчи куни оқсоқол оёғимдаги латтани ечиб ташлади. Шиш қайтибди.

— Тузук, — деди чол, — дардга бардошли экансан. Манглайингдаги гурра ҳам қайтибди.

Лекин бундан мен қувонганим йўқ, ҳозир тузалган бўлса, кечқурун бундан баттар аҳволга тушади, деб ўйладим.

— Баракалла. Демак, бирон жойингни жароҳатламаслик ўзингга боғлиқ, чидасанг — шу, — деди у хаёлимни уққандай.

Мен жавоб беролмадим. Нима ҳам дердим, у ҳақ эди. Чунки ўзим улардай чаққон бўлишни, ҳар қандай шароитда рақибдан устун келишни истадим.

— Сёхэй! — дея чақирди оқсоқол.

Оқсоқол ҳамманинг кўз ўнгида мени шарманда қилган йигитга бу сафар ўз тилида гапирди. Ҳар доим олдимда мен тушунадиган лаҳжада гапиришларига ўрганиб қолган эканман, хафа бўлиб кетдим.

Табиийки, гап мен ҳақимда эди. Демак, улар менинг тушунишимни иташмаяпти. Бунинг устига, Сёхэй менга беписанд қараб қўйди. “Шошмай тур, — кўнглимдан ўтказдим, — менсимаслик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман ҳали сенга. Пушаймон едиртирмасам...”

— Сёхэй билан бирга ишлайсан, — деди гаплашиб бўлишгач оқсоқол менга юзланиб. “Шарт эмас”, демоқчи бўлдим-у, лекин тилимни тийдим. Норозилигимни кўзимдан иллаган оқсоқол елкамга қўлини қўйиб:

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — дея юпатган бўлди.

Сёхэй ўрмон бошланадиган жойгача мен билан ёнмаён борди. Сўнг туйқусдан югуриб ўрмонни оралаб кетди. Ортда қолиб кетмаслик учун мен ҳам югурдим. Тан олиб айтай, Сёхэй оқсоқолдан чаққон эди. Унинг шох-шаббаларга чап бериб ўтаётгани сезилмасди. Лекин мен ҳам энди пишиқ бўлиб қолгандим. Ички бир туйғу билан шохларни ёнлаб ўтишга интилардим. Тўғри, ҳозир кундуз, ёруғда ҳамма нарса кўзга яққол кўриниб турибди. Аммо барибир ялангликка чиққунча пешонам гурра бўлди.

Ўпкам бўғзимга тиқилаёзди. Сёхэй эса ҳеч нарса кўрма-
гандек, ҳатто ҳансирамасди ҳам.

Бир оз дам олдик. Тўғрироғи, мен нафас ростладим. Анави қанотсиз “қуш” эса бир дақиқа бўлсин тинмади. Ҳали сакрайди, ҳали умбалоқ ошади... “Илон рақси” га-
ям тушди. Кейин ёнимга келиб:

— Энди ёнма-ён югурамиз, гавдамни қандай тутишим-
ни, нафас олиб нафас чиқаришимни кузатиб бор, —
деди.

У кўкрак қафасини олдинроқ, бошини озгина орқага
ташларкан, менга ўхшаб тез-тез эмас, балки секин ва
чуқур нафас оларди. Югура туриб бундай қилиш осон
эмаскан. Белим толиқиб, анча қийналдим.

Орадан бир ой ўтгач, югуришни ўргандим. Бўш вақ-
тимда араб имлосини ўқиб, ҳарфларини бирма-бир ёдла-
дим. Ҳижжалаб сўзларини ҳам ўқишга кириша бошла-
дим. Албатта, ўқиш қийин, ўқиган сўзларим маъносини
билмасдим. Дастлаб мени бу нарса қизиқтирмади ҳам.
Сўнгра ўз-ўзидан ўқиган сўзларим хаёлимда такрорлана-
верадиған бўлди. Югураётганимда, шохларга усталик би-
лан чап бериб югураётиб ўша сўзларни ўзим сезмаган
ҳолда такрорлайверардим.

Кейинги ойдан янги машғулотни бошладим. Оқсоқол
ҳассадай келадиган таёқларни ерга қоқиб чиқди. Кейин
Сёхэйни чақириб, таёқларни тепиб синдиришни буюрди.
Сёхэй худди эрмак учун тепаётгандай, таёқларни ҳеч бир
қийинчиликсиз синдириб ташлади. Навбат менга кели-
шини ич-ичимдан сезиб турардим. Шундай ҳам бўлди.

Биринчи таёқни тепишим билан чинқириб юбордим.
Суякларим синиб кетгудай бўлди. Вой-войлаб оёғимни
ушлаб ўтириб қолдим. Оқсоқол қўшимчага эшимча қилиб
бошимга урди ва кейинги таёқни тепишга мажбурлади.
Оқибати шу билан тугадик, иккала оёғим ҳам латтага
ўралди. Ҳар қалай, суякларим мустаҳкам экан, шикаст
етмабди. “Бир ҳафтада отдай бўлиб кетасан”, деди оқсо-
қол. Лекин бу сафар дам олдириб қўймади. Ҳар хил
машқларни қилдириб, кун бўйи юрғизар, орала икки
соатча китоб ўқитарди. Кечга бориб қўшдан чиққан ҳўкиз-
дай овқатни ейишга ҳам мадорим етмай қотиб ухлаб

қолардим. Яна тонг бӯзармай уйғонишим, қуёш терак бўйи кўтарилгунча бадантарбия билан шуғулланишим шарт эди. Фақат орадан саккиз ой ўтганидан сўнггина таёқларнинг етти-саккизтасини синдироладиган бўлдим. Бошқа машқларга ҳам укувим келиб қолди. Сёхэй билан навбатдаги спарингларнинг бирида унинг оёғига бир мартагина тепишга ҳам улгурдим. Тўғри, шундан кейин унинг жаҳли чиқиб, бир дақиқага қолмай, мени ерга чўзилтириб қўйди. Лекин кундан-кунга маҳоратим ошиб бораётганини сезардим. Шуниси муҳим.

Бу ерда илгари бир-икки марта қор ёққан экан. Уни ҳам оқсоқолдан бошқа ҳеч ким кўрмаган. Демак, бунга ҳам камида етмиш-саксон йил бўлган. Қадамим “қутлуғ” келдими ёки вақт-соати етганми, шу йил қор ёғди. Қанчалик чаққон бўлмасин, совуқдан бу ернинг одамлари анча дийдирашди. Ўша кунлари мен билан оқсоқолгина ташқарида юрдик. Одатдаги машқларни бажармадик, балки орол шимолидаги тоққа бориб келдик. Бу тоғни мен узоқдан кўргандим. Аммо ёнига бирор марта бормагандим. Тоғда унчалик узун бўлмаган, оғзи ҳам торгина (бир кишигина сиққулик) гор бор экан. Оқсоқол, унинг уруғ-аймоғи бу гордан омбор сифатида фойдаланаркан. Ун ва бошқа егуликларни олиб қайтдик. Қизиқ, уларнинг деҳқончилик билан шуғулланганларини кўрмагандим, қаердан шунча озуқани йиққан, ҳайронман. Қолаверса, бутун қавмда тўрттагина сигир бор. Елинлари ерга теккудай, кўп сут беради. Эшакдан каттароқ, отдан кичикроқ, ўзимизнинг хачирлардай келадиган отдан бошқа улов йўқ.

Уч-тўрт кунда қор эриб, ҳаво илиди. Аввалгидай машғулотлар бошлаб юбордик.

Орадан икки йил ўтиб, тезлик ва муштлашишда оролдаги етти-саккиз ёшлиларни ортада қолдириб кетдим. Сёхэй ва у қаторидагиларга эса етиш қийин эди. Оқсоқолнинг айтишича, бундан у ёғига ўтолмас эканман, ёшим ўтиб қолибди. Кўнглимда яна кўп-нарсани ўрганиш ниятим бор эди-ю, бу ердагиларнинг ўргатиш истаги йўқлигини сезиб, индамай қўя қолдим. Аммо ҳар куни оқсоқол билан бирга тўрт-беш соат китоб ўқир ва ўқиганла-

римнинг мағзини чақишга уринар эдим. Бирорта араб билан гаплашганим йўғ-у, лекин араб тилини анча-мунча ўрганиб олдим.

— Дунёни англадим, — деб қолди бир куни оқсоқол.

— Шу пайтгача билмасмидингиз? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Йўқ. Билмасдим. Дунёда Оллоҳгагина сиғиниб, Унинг буюрган амалларинигина бажариш керак экан, холос. Дунёга эга чиқаман деганлар... Кел, бир нарсани сенга кўрсатаман, — деб у ташқарига юрди, мен орқасидан эргашдим. У ўрмонга кирди ва ниманидир қидиришга тушиб кетди. Нимани излаётганини сўрасам айтмади. Ўзи қидирди. Ярим соатлар ўтганидан кейингина излаганини топди.

— Манави чумолиларга қара, — деди ҳашаротларни кўрсатиб.

Қарадим, бироқ ҳеч балони тушунмадим. Оддий чумолилар. Физиллаб бориб-келиб, хас-хашак ташиётир.

— Буларнинг подшосини ўлдириб қўйсанг, мана шундай беозор, меҳнаткаш ҳашаротлар ўртасидаям қирғинбарот бошланиб кетади. Токи биттаси ҳокимиятга эга чиқмагунча бир-бирини қираверади.

— Кейин-чи?

— Ҳеч нарса. Ҳоким еб ётади, холос, бошқалар ишлайди. Яна кўпайиш даври бошланади. Сўнг бошқа чумолилар билан уруш бўлади. Қирғинбарот такрорланади. Биласанми, уруш нимадан келиб чиқади? Сабаб битта — емиш талашиш. Қорин ғамининг ташвиши. Бошқа мақсад йўқ. Ҳокимият учун жанжалларнинг моҳиятида шу нарса ётади, аслида. Бегона чумолилар маҳв этилгач, уларнинг тўялаган озуқаси бу ёққа ташиб келтирилади. Демак, бу йўл пешонангни терлатгандан кўра самаралироқ. Беш-ўн минг чумоли ўлса, ўлибди-да! Ҳокимга зиён етмаса бўлгани, шуниси муҳим. Агар ҳокимнинг бу билан ҳам нафси қонмаса, яна бошқа чумолиларга, бошқа ҳашаротларга ҳужум бошланади... Одамлар орасида бу ҳолат бошқачароқ кечади. Чунки одамларнинг чумолилардан фарқли томони — ақли бор. Айтайлик, битта уруғ иккинчисини босиб олиши, ерларига эга чиқиши лозим.

Замонавий тактикада қилич яланғочлаб, чумолиларга ўхшаб “ура-ура” қилинмайди, балки ҳийла ишлатади. Яъни сопини ўзидан чиқаради.

— Қанақа соп, қанақа ҳийла?

Оқсоқол менга қараб кулди. Афтидан, эзмалик қила-япман, деган хаёлга борди. Ваҳоланки, мен унинг гапларини жон қулоғим билан эшитаётгандим. Чумолилар “фалсафа”си бироз энсамни қотирганди-ю, лекин кейинги гаплари қизиқ эди.

— Айтайлик, битта уруғ бошқасининг устига бостириб борди. Енголмади. Аниқроғи, енгди. Подшосини ўлдирди. Лекин халқ тинчимади. Ҳали у бурчакдан, ҳали бу бурчакдан бош кўтарганлар кўп. Шунда у ўзи қўйган қўғирчоқ ҳокимни атрофидагиларнинг қўли билан йўқ қилиб, ўрнига ўғлини қўяди. Уйингни чумоли босса, қутулишнинг энг осон йўли, биттасини заҳарлаб қўйиш. Бир оз фурсат ўтар-ўтмай, ҳамма чумолининг оёғи осмондан келади. Ўғилнинг ҳам ўз қондошларига нисбатан нафрати қўзийди. Отасини ўлдирганларни биттама-битта йўқ қилишга тушиб кетади. Қарабсанки, жиғибийрон, жангари уруғ ўз-ўзидан итоаткор, ҳар битта сўзингни қулоқ қоқмай бажарадиган бўлиб қолади.

— Мен оддий одамман. Бунақанги ишларга алоқам йўқ.

— Биладан, лекин юртингга етгунингча ҳали кўп воқеаларни бошингдан кечиришингга тўғри келади. Ҳаритадан сенинг юртинг қаердалигини кўрдим. Биладан, у ер ниҳоятда тинч, одамлари аҳил. Мана, неча йиллардан бери ўша ерда уруш бўлганини эшитмайман. Лекин сен босиб ўтишинг керак бўлган бошқа тупроқлар ҳам борда. Ҳозир нефть деган бир бало чиққан. Унинг эгаси сўзсиз дунёнинг энг бой кишисига айланади. Бу эса у ернинг уруш ўчоғига айланишига олиб келади. Чунки бой бўлишни истаганлар ниҳоятда кўп. Айниқса, зўравон давлатлар.

— Сиз буларни қаердан биласиз? Бу ерда на телевизор, на газета бор. Сиз айтган урушлар неча минг километр нарида бўлаяпти.

Оқсоқол менга қараб қолди. Сўнг кўзимнинг устидан бармоқларини юргизиб:

— Юр бу ёққа, — деди.

Биз озиқ-овқатлар сақланадиган омбор — ғорга кирдик. Ғорнинг сўл томонида тошдан ишланган эшик бор экан. Уни бир қарашда пайқаш мушкул эди.

Оқсоқол ташқи томонга бўртиб чиқиб турган тошни итарган эди, эшик очилди. Ичкарини кўриб оғзим ланг очилиб қолди. Ўрмонда бу қавм ибтидоий ҳаёт кечирсада, бу ерда энг замонавий техникалар ўрнатилганди. Афсуски, бу техникаларнинг номи, қандай қўлланилишини билмасдим. Уларнинг тугмалари, майда чироқлари кўплигидан ҳайратга тушдим. Эсимда, бир вақтлар Қозоғистондан ракета учиришганларида, мана шунга ўхшаш аппаратуралар билан бошқаришганини телевизордан кўрсатишганди. Миямга келган хомхаёлни қаранг: “Булар ҳам яширинча ракета учиришса керак”.

Икки йигит беш-олтита радиодан таралаётган овозларни магнит тасмасига ўхшаш тасмаларга ёзиб олаётганди.

— Буларнинг бари тўлқин тутадиган мосламалар, — деди оқсоқол тушунтирган бўлиб, — қаерда қандай тўлқин тарқатилса, тоғ тепасидаги сим орқали мана шу аппаратлардан эшитамиз.

У шундай дейиши билан ёнимизга ҳовлиққанча Сёхэй кириб келди:

— Пароход яқинлашаяпти.

Оқсоқолнинг ранги ўзгарди, бир муддат хабарчи йигитга термилиб турди-да:

— Ҳали вақт бор эди-ку. Бир ҳафтадан кейин келади, деб кутгандим. Бирон нарса бўптими? — деди.

Сёхэй жавоб қилмади. Шундан сўнг биз шошганча ташқарига чиқдик ва гўё ким ўзарга чопгандай хабарчи кўрсатган томонга югурдик. Шу пайт эътибор қилдим: югуришда оқсоқолдан ўтиб кетарканман. Унга кексалик энди кучини кўрсатаётганга ўхшайди.

Оролнинг шимоли-шарқига етганимизда биз томон яқинлашиб келаётган пароход кўринди. Оқсоқол Сёхэйга

қўли билан ишора қилди. Бу, ҳаммани йиғиб олиб кел, дегани эди. Аввал ҳам унинг бу ишорасини кўргандим.

Кўп ўтмай, оролдаги бола-ю қариялардан бошқа ҳамма йиғилди. Ҳаммасининг бўйнига найзалар осилган, белига қилич тақилганди. Оқсоқол ҳам улар келтирган қурол билан қуролланди. Ёлғиз менгина асбоб-анжомсиз эдим.

Кема қирғоқдан икки юз метрлар нарида тўхтади ва ундан битта қайиқ сувга туширилиб, биз томонга сузиб кела бошлади. Бир оздан кейин қайиқ қирғоққа етиб келди ва мен анграйиб қотдим: қайиқдан биринчи бўлиб тушиб, оқсоқолнинг ёнига келиб у билан кучоқлашиб кўришган одамни танирдим! Бу ўша — бизни итдай ишлатиб, сўнг ўлим оролига жўнатганлардан бири эди. Унинг пароходда иржайиб-тиржайиб бизни кузатиб қолганлигини аниқ-тиниқ эсладим.

Билагимга куч йиғилди: “Ҳозироқ, ҳозироқ ўлдираман. Энди мен ожиз эмасман. Буни тилка-пора қилишга қурбим етади. Ўлиб кетган шерикларим учун, ўзим учун ҳозирнинг ўзидаёқ ўч оламан! Менинг биринчи қурбоним шу бўлади!” — дея ўйладим. Қўлларимни мушт қилиб тугиб, унга яқинлаша бошладим. Мақсадим, бир зарба билан уни асфаласофилинга жўнатиш эди.

У томонга икки қадам ташлашим билан оқсоқол ўгирилиб менга шунақа ўқрайдики, жойимда таққа тўхтаб қолдим. “Наҳотки оқсоқол у билан ош-қатиқ бўлса?! Наҳотки шерикларимнинг ўлиб кетишида, сунъий брильянт тайёрлашда унинг ҳам қўли бўлса?” Билимли, доно қариянинг бу нопок ишларга аралашиши мумкинлигига ишонгинг келмайди. Лекин унинг лўттибоз жиноятчиларга шериклигини кўриб турибман-ку! Қариянинг ҳозирги қилигига унинг дунё бузғунчилари ҳақидаги гаплари мутлақо тескари-ку! Бошим қотди. Бир томондан, оқсоқол менга устоз. Бошқа тарафдан, қилаётган иши...

Оқсоқол билан ўша мен танийдиган, кўзимга балодай кўринаётган чақирилмаган меҳмон қўлтиқлашиб биздан нари кетишди. Талай муддат ниманидир гаплашишди, баҳслашишди ҳам. Охири бир тўхташга келишди чоғи, бир-бирининг қўлини сиқиб қўйишди-да, ёнимизга қайтишди.

Оқсоқол бизга бир оғиз: “Олиб келинглар”, деди. Мен нималигини тушунмасам-да, йигитларга қўшилиб кетдим.

Сёхэй отни аравага қўшаётганида:

— Нима қиламиз? — дея сўрадим.

— Бизга мол олиб келишган. Тушириб оламиз, — жавоб қилди Сёхэй иши билан андармон бўлиб.

“Қанақанги мол? Нега айнан ўша қаллоб олиб келади? Қандай алоқа боғлаган?” — деб унинг бошини қотириб ўтирмадим. Яхшиси, ҳаммасини кузатай, шунга қараб иш тутаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Биз боргунимизча кема қирғоққа яқинлашиб, беш-олти қайиқ устига оқсоқол айтган турли-туман “мол”ни ортиб сузиб келарди.

Иш қизиди. Биз омборга тўрт марта қатнадик. Ун, ёғ, гуруч, кийим-кечак, яна турли идишлардаги егулик-ичкиликларга омбор тўлди. Булардан ташқари, оқсоқол элликтдан зиёд турли тилдаги қалин-қалин китобларни ҳам олди. Шундан кейин кема изига қайтиб кетди.

Ишлар тугаб, кутубхонага кирдим, янги китоблардан бирини берилиб варақлаётган оқсоқолнинг ёнига бордим.

— Сизни бошқача одам деб ўйлардим, — дедим имкон қадар ўзимни жиддий тутиб, — лекин қилган ишингизни кўриб оғзим очилиб қолди.

Оқсоқол аввалига юзимга ажабланиб қаради, сўнг кулди-да:

— Энди ким деб ўйлаяпсан? — деб сўради.

Бир муддат каловланиб қолдим. Миямга тузукроқ фикр келмай, қийналдим. Ниҳоят тилим айланди:

— Сизга бу нарсаларни бериб кетган одамни яхши танийман. Аслида у одаммас, ҳайвондан баттар. Ўша-да бизни эшакдай ишлатган, кейин таги тешик қайиққа ўтқазган. Сиз бўлсангиз, у билан олди-берди қилаяпсиз. Шунинг учун кўнглимда шубҳа пайдо бўлди.

— Бу жудаям яхши. Одам фикрлай билиши ва фикрини бировга уқтира олиши лозим. Акс ҳолда, унинг роботдан фарқи қолмайди. Сен айтган одамнинг исми Пийя. Унинг кимлигини яхши биламан. Мен у билан савдо

қилдим. Пул бердим. Эвазига нималар олганимни кўрдинг. Бу билан унинг шеригига айланиб қолмайман. Айни пайтда савдо қилишимиз учун ундан ишончлироғи йўқ. Тахминан йигирма беш йил бурун учта савдогарнинг молини сотиб олгандик. Орадан икки ой ҳам ўтмай, улар навбатма-навбат бостириб келишди. Ўшанда элликта одамимиз нобуд бўлди. Улардаги қурол бизда йўқ эди. Бунинг устига, улар биздан уч баробар кўп эди. Кемалари қирғоққа яқин келмади, узоқдан туриб тўпга тутди. Йигитлар сузиб бориб чўктириб юборгунча биз ҳам анча талафот кўрдик. Мана, кундан-кун камайиб, ер юзидан уруғимиз бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида. Аёлларимиздан бирортаси ҳомиладор бўлса: “Ишқилиб, чақалоқ ногирон туғилмасин”, деган хавотирда юрагимни ҳовучлаб тураман. Чунки бу ердагиларнинг ҳаммаси бири-бирига яқин қариндош. Тушунасанми шуни?!

Сўнгги гапни айтаётганида оқсоқолнинг кўзи ёшланди, ияги титради, қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Мен, — дедим бошимни эгиб, — мен сизларга бегонаман-ку. Фойдам тегиб қолар.

— Мен сендан олдин бу фикрга келганман. Ҳатто бир сафар Ренага уйлантирмоқчи ҳам бўлгандим.

Кўз ўнгимдан истараси иссиқ, кўзлари катта-катта, юзи оппоқ, доимо ялтираб кўзни олувчи қора сочлари белига тушган хушбичим, юзида кулгичи бор қиз ўтди.

— Лекин дарров ниятимдан қайтдим. Чунки суяк бузилади. Туғиладиган фарзанд биздан кўра сенинг миллатингга яқинроқ бўлади. Суяк ўзгаради. Ундан кейин бошқалардан фарқимиз қолмайди.

— Фақат қариндош-уруғлардан туғиладиган болаям сиздай ақлли бўлмайди-ку. Бир кун ўзингиз хавотирланиб айтаётган воқеа рўй беришидан кўрқмайсизми?

— Бошқа жойларда ҳам нинзалар яшашади. Муҳими, уларнинг қони айнамаган бўлсин, улардан кўпайишимиз учун фойдаланамиз. Агар қизлари бўлса, бир йигитимизга учтасини олиб бераман. Агар йигит дуч келса, икки-учта қизимиз уники... Умуман, бу гапни тўхтатайлик, ўзингга тегишлисини билиб олдинг, тамом. Бошқа бу ҳақда оғиз очма.

— Кечиринг, билмасдан гапириб қўйдим.

— Ниятинг ёмон эмас, шу боис, хафа бўлганим йўқ. Билсанг, дарахтда оёғидан осилиб турган чақалоқни, ўзинг бир аҳволда бўлсанг ҳам, ечиб олгансан. Бу яхшиликдан дарак. Шунинг учун ҳам сенга қўлимиздан келганча ёрдам бераяпмиз.

— Раҳмат.

— Энди манави китобни ўқи, рус тилида ёзилган. Ўзингга таниш сўзларни топсанг ажабмас, хурсанд бўласан.

Чолнинг бу гапидан чиқиб кетишим лозимлигини тушундим.

У берган китобнинг муқовасига қарамадим ҳам. Кутубхонадан чиқиб, ўрмонга кирдим, узоқ кетмадим. Бир оз юргач, майса устига ўтирдим. Китобни варақлаган киши бўлдим-у, аммо ўқиёлмадим. Нигоҳим сатрлар устида югуради-ю, хаёлим оқсоқол билан бўлган суҳбатда. Ўринсиз берган саволларимдан виждоним қийналаётир. “Бегона эмишман, ёрдамин тегиб қолармиш”. Яна нималарни кўнглинг тусаб қолди, йигитча? Ўзи асли кимсан? Шу чол ёрдам бермаганида, аллақачон ҳайё-ҳуйт деб нариги дунёга равона бўлардинг. Ўлигингни ит топмасди.

Кўнглимда оқсоқолдан кечирим сўраш илинжи туғилди. Аммо бир ҳафта давомида чол билан тузук-қуруқ гаплашолмадим. Ҳар кун эртадан кечгача баданимни чиниқтириш билан овора, бўш вақтимда китоб ўқиш билан машғул бўлардим. Оқсоқол эса кутубхонасидан чиқмас, мутолаадан бош кўтармасди. “Бунга нима зарур экан, шунча ўқигани етмайдими? Ундан кўра оёғини узатиб даммини олиб ётмайдими?” — деб ўйлардим.

Кема келиб кетганидан саккиз кун ўтгач, оқсоқол кутубхонадан чиқди. Унинг юзи қизарган, кўзлари кулиб турарди. У ҳамма билан аввалгидан бошқача, мулоим сўрашди (оқсоқол илгари ҳам юмшоқ гапирар, лекин бу гал у бошқача эди. Балки менга шундай туюлаётгандир). Сўнг бизга қўшилиб ҳар хил машқларни бажаришга тушиб кетди.

— Оқсоқол, одатда, кутубхонадан чиққанидан сўнг

аччиқ чой ичар, ўрмон кезарди. Ўзгариб қолибди. Иш-қилиб, ажали яқинлашмаган бўлсин, — деди уни кузатиб турган Сөхэй.

Бу гапидан юрагимга ғулғула тушди. Агар чол ўлиб қолса, менинг аҳволим не кечади? Ўрнига бўладиган оқсоқол ёрдам берадими-йўқми? Ахир, буларнинг ҳам ҳар хили бор. Худо кўрсатмасин, “Келган жойингга жўна”, деса нима қиламан? Қаёққа кетаман? Шунча илм кимга керак? Сувга чўкиб ўламан, балиқларга ем бўламан.

Оқсоқол кечгача уруғ-аймоқлари билан гаплашиб, чақчақлашиб ўтирди. Менинг кўнглимда эса ўша ҳадик. Унинг ҳар бир ҳаракатидан бир нима қидираман. Охири чидамадим. Ҳамма уй-уйига кириб кетганидан сўнг кутубхонага — оқсоқолнинг ёнига кирдим. У китоб мутолааси билан машғул. Мени кўргач, юзида табассум пайдо бўлди.

— Яхши келдинг, — деди, — сенга айтадиган гаплар бор эди.

— Берган китобингизни ўқиб чиқдим, — дея баҳона қилдим.

— Менда эса сен учун янгилик бор.

— Қанақа?

— Энди сен билан диндошман. Ислом динини қабул қилдим.

— Йўғ-э! — дедим ҳайратим ошиб.

— Дунёдаги бор динларни ўрганиб чиқдим ва Ислом энг мукамал дин эканига амин бўлдим. Бу динда ҳамма саволга жавоб бор. Ислом одамни маънан поклайди. Жисмонан тетик сақлайди. Мен бундан буён мусулмон, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам — пайғамбарим. Эртадан бошлаб намоз ўқишни ният қилдим. Қандай таҳорат олиш, намоз ўқиш ҳақида қўлимда китоб бор, — деб у столи устидаги китобни олиб менга кўрсатди.

Тўғриси, уялиб кетдим. Оқсоқол шу ёшигача яшаб энди мусулмон бўлиб, намоз ўқишни ният қилибди. Мен эса мусулмон фарзанди бўлиб ҳали бирор марта саждага бош қўйган инсон эмасман.

— Илтимос, — дедим қизариб-бўзариб, — менга ҳам ўргатинг.

— Фақат сенга эмас, ҳаммага ўргатаман. Бутун уругимиз бундан буён намоз ўқийди.

Биз кучоқлашдик. Оқсоқолнинг кўзи ёшланди ва чуқур нафас олди.

Шундан кейин гапларимиз фақат мусулмончилик ҳақида бўлди.

— Биласанми, сўфийлар қандай пайдо бўлган? — сўраб қолди у гап орасида.

Мен “йўқ” дегандек бош чайқадим.

— Саккизинчи асрда араб халифалигида таниш-билишчилик, мол-дунёга ҳирс қўйиш кучайиб кетган. Ана шунда бундай қилмишлардан норози бўлган тақводор одамлар норозилигини билдириш мақсадида тарки дунё қилганлар. Яъни моддиятдан мутлақо воз кечишган. Нимадан манфаат келса, барини ўзларидан нари суришган. Кейинчалик бундайлар орасидан авлиёлар чиққан... Эсингда бўлса, сен билан манфаат тўғрисида гаплашгандик. Ўшанда гапимиз чала қолганди. Хуллас, манфаат шундай нафе балосики, афсус, тўқсон фоиз одам шуни деб яшайди. Мана, оддийгина мисол. Сени нега алдаб-сулдаб самолётга ўтқазиб юборишди? Чунки ўша аёл пул олди сен учун. Бойлик орттирди. Сени чавақлаб, юрагингни, ўтингни сотишни мўлжаллашди. Мақсад — манфаат кўриш. Ундан кейин, текин ишлатганларнинг ҳам, шубҳасиз, бойликдан умидлари катта бўлган. Буларнинг бари ҳали кичкина манфаат — узоғи билан йигирмадан зиёд одам шу йўл билан пулдор бўлишга интилган. Катта манфаатда эса, беш-ўн эмас, балки минглаб одамлар қурбон бўлади. Сўфийлар уларнинг ҳар иккисидан ҳам воз кечишган. Ҳаттоки манфаат боласидан келса-да, ҳеч иккиланмай уни ҳам бегоналар қаторига қўшиб қўйган.

Оқсоқолнинг гапларига ишонгим келмади. Чунки кўнглимда кўплаб саволларим бор эди, уларга ўзим ишонганидан жавоб олишим керак эди. Лекин ўтган сафаргидай, оқсоқолдан сўраб, унинг дилини ранжитиб қўйишни истамасдим. Шу боис, ростлигини билиш учун кўзим билан кўришни ният қилиб қўя қолдим.

Орадан яна бир қиш ўтди. Мен жанг санъатини анчамунча ўзлаштирдим. Сёхэй билан бемалол спаринг ту-

шар, унинг зарбаларига қийналмасдан чап берардим. Лекин ундан устунлик қилиш қўлимдан келмасди, барибир. Албатта, буни тан оламан. Аммо оддий одамларнинг беш-олтитасини бемалол енгаман. Бу даражага етгунимча оёғим уч, қўлим икки марта синди. Ҳар сафар оқсоқол даволаб қўяверди.

Кунларнинг бирида қишлоғимни, отамни, укаларимни соғиниб, сув бўйига бордим-да, узоқларга термилганча хаёл суриб ўтирсам, Рена келиб қолди. Индамай ёнимга — намчил қум устига ўтирди.

— Кетгинг келаяптими? — деди мен тикилиб турган тарафга қараб.

— Ҳа, — бош силкидим.

— Бу ер зерикарли, тўғрими?

— Унчаликмас, лекин...

— Яширмай қўяқол, биламан. Беш-олти кундан бери ковоғинг очилмайди. Демак, зериккансан. Оқсоқол қўйиб юбормаяптими?

— Ундан сўраганим йўқ. Менимча, рухсат берса керак.

— Биз озчиликмиз. Шунинг учун у сени жангга тайёрлади. Одатда, бегоналарга бизнинг сиримиз ошкор этилмасди. Лекин оқсоқол сени хабардор қилди. Балки, нимадандир умиди бордир... Ахир, шу аҳвол бўлса, яқинда бутунлай қирилиб кетсак керак.

— Нега бунақа деяпсан?

— Икки ой аввал Нэнэ туққан болани кўрдинг.

Нэнэ Рена билан тенгқур. Қомати келишган қиз. Эркаклар қилолмайдиган ишни ҳам бемалол уддалайди. Чиройи ҳам жойида. Ўтган йили уни оқсоқол Харуки исмли йигитга турмушга берган эди. Бу йил туғди. Лекин бола жуда нимжон, бунинг устига, чақалоқ бор-йўғи икки кун яшади. Ҳаммадан оқсоқолга қийин бўлди — у изтиробга тушди. Ўн кун кутубхонасидан чиқмади. Тинимсиз тиловат қилди.

Ренага ўгирилиб қарадим, кўзлари жиққа ёш.

— Нэнэ билан Харуки, — гапида давом этди у, — ака-уканинг фарзандлари. Уларнинг кейинги боласи ҳам ногирон туғилишидан қўрқаман.

— Балки ундай бўлмас...

Рена бирдан мени кучоқлаб елкамга бошини қўйди. Овоз чиқариб йиғлади.

— Сен кетма, мен сени келган кунингданоқ ёқтириб қолганман. Қонунларимиз сенга турмушга чиқишимга йўл қўймасаям, бола кўрмоқчиман сендан.

— Нима? — дедим у томонга ўгирилиб, юзини кафтарим орасига олар эканман. — Яна бир қайтар.

— Менинг болам ҳам Нэнэникига ўхшаб чала туғилишини истамайман, тушунаяпсанми, истамайман! Агар сен кетиб қолсанг... Бу ерда ҳамма менга қондош.

— Шунинг учун ёқтирганмидинг мени?

— Йўқ! Лекин бу ҳам битта сабаб. Сен яхшисан, ёқимтойсан...

— Тисс, — дедим уни кучиб, — бўлди, гапирма. Эшитиб қолишлари мумкин. Мен сенга уйланолмаслигимни яхши биласан. Мен сенга етти ёт бегонаман. Агар оқсоқол гапларингни эшитиб қолса...

— Бегоналигинг учун ҳам кераксан менга.

У мени ўпа бошлади. Аввалига ундан ўзимни тортдим. Сўнг индамадим. Кўнглимда ҳадик бор эди. Битта-яримтаси кўриб қолишидан чўчиётгандим.

Қарасам, Рена тобора “чуқурлашаяпти”.

— Бу ер яланглик, мумкин эмас, — дедим унга.

У бир зум ўзини тийди, ён-атрофга қаради. Кейин ўрнидан туриб, қўлимдан тортди.

Гарчи ўрмон ичи бежавотир эса-да, барибир одам ҳадиксирайди. Устига-устак, бизнинг ялаб-юлқашишимиз чўзилиб кетди.

...Совиб, нечоғли тубан кетганлигимни ҳис қилганимдан кейин этим увишди. Бировлар менга пасткашлик қилган бўлса-да, ўзимнинг тубан кетишим ҳеч қачон халёлимга келмаган. Туз еган тузлугимга тупурмайман, деб ўйлаб юрардим. Мана энди... Оқсоқолнинг, Ренанинг туғишган акаси Сёхэйнинг кўзига қандай қарайман? “Бошқа миллат, халқнинг одамига ишонмайман”, деган эди оқсоқол. Мана, унинг гапи тасдиғини топди.

— Аканг сени ўлдиради, — дедим кўксимга бошини қўйиб ётган Ренага. — Мен ҳам ҳаёт билан видолашсам бўлаверади.

— Кўрқаяпсанми? — деди Рена.

— Йўқ. Лекин уларга хиёнат қилдим. Бу ҳар қандай жазога лойиқ.

— Мен учун жазолашса афсусланасанми?

— Афсусланмайман. Лекин қондошдай бўлиб қолган одамларнинг кўзига чўп тикқанзимга ўзимни кечиролма-япман.

— Мен акам билан гаплашганман. У сендан бола орт-тиришимга рози бўлган. Оқсоқолни ҳам кўндирали.

— Аканг?! Шундай ориятли йигит кўндими?! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Дарровмас. Бир йилдан кейин.

— Бир йил! — беихтиёр ўрнимдан туриб Ренага қара-дим.

— Ҳа. Келганингдан кейин икки ой ўтиб сени яхши кўриб қолганман. Нэнэ ҳам яхши кўрган. Икковимиз ҳам севгимизни ичимизда сақлашга мажбур эдик. Сенга ўхшаб оқсоқолдан кўрқардик. Мен сени доим кузатиб юрардим. Эсингдами, оёқларинг сингани. Ич-ичимдан эзилганман...

— Нега менга шу пайтгача айтмадинг?

Рена жавоб қилмади. Ўрнидан туриб ўтирди-да, ел-камга бошини қўйди. Мен унинг сир сақлай олишига қойил қолдим. Бироқ бу на мени ва на уни оқлаётди.

Рена кетди. Мен талай муддат жойимдан жилмай хаёл суриб ўтирдим. Ўзимнинг гуноҳсизлигимни исботлаш учун баҳона қидирдим. Тополмадим. Шундан кейин энг олий жазога лойиқлигимни ич-ичимдан ҳис этдим.

Кечки пайт Сёхэй ёнимга келди ва еб қўйгудек тикил-ди. Кўзидаги қаҳр олови тешиб ўтгудек. Бошқа пайт қилт этмасдим, лекин ҳозир айбдорман. Рена “акамни кўндир-дим”, деб алдаганга ўхшайди. Йўқса, у бундай қарамаган бўларди... Пешонамдан тер чиқиб кетди. “Палид, бунинг ўрнига яхшилаб битта мушт тушир”, дедим ичимда. У эса, тикилишдан нарига ўтмайди. Бирор икки дақиқа у уккидай кўз қалаб турди. Индамасам, тураверадиган.

— Яхшиси, сўйиб ташла, ҳар қалай, шунда кўнглинг жойига тушади, — дедим.

— Йўқ, — деди у тусини ўзгартирмай, — жияним

отасини кўришини истайман. Қариндошим бўлганинг билан табриклайман.

У мени маҳкам қучди. Шундан кейингина бўшашиб, эркин нафас олдим.

Рена билан тез-тез яширинча учраша бошладик. Бир-биримизга тўймасдик. Гапларимиз ҳеч тугамас, биздан-да бахтли одам йўқ эди, гўё. Яшаб турган оролимиз бу дунёнинг жаннатидай туйиларди.

Бироқ кўнглимнинг бир чеккасида ғашлик бор, чин бахтга эришишимга нимадир халал берарди.

Орадан тўрт ой ўтиб, Ренанинг қорни билиниб қолди. Бироқ бу мен, Рена ва Сёхэйдан бошқа ҳеч кимни қувонтирмади. Айниқса, оқсоқол қаттиқ жаҳлланди.

— Мен сенга ҳаммасини тушунтирган эдим. Нега айтганимни қилмадинг?! — деди у Ренанинг ҳомиладорлигини пайқаган заҳоти.

Нима деб жавоб қилишни билмадим. Юзим қизариб, кўзимни ерга қададим.

— Бу айбдор эмас, — деди Рена, — ҳаммасига ўзим сабабчиман. Соғлом фарзанд кўришни истадим.

— Соғлом фарзандингнинг қони бегона. Шунга ақлинг етадими? Демак, бизнинг авлодимиз охирлабди. Бир марта қон бузилдими, тамом, уни қайтиб тозалаб бўлмайди! — бақриб юборди оқсоқол.

— Сиз Исломни қабул қилган эдингиз. Мусулмон мусулмонга уйланиши, турмушга чиқиши мумкин, — дедим мен. Шу пайт хаёлимга ҳамқишлоғимнинг татар қизга уйлангани келди. Ўшанда қишлоғимизда бу ҳақда кўп гап бўлган эди.

Оқсоқол кескин ўгирилиб менга қаради. Қошлари чимирилди. Пешонаси тиришди.

— Сенга, — деди у вазминлик билан, — битта қайиқ, қилич, камон бераман. Эртага эрталаб бу ердан кетасан!

Рена иккаламиз бир-биримизга қарадик. Мен севган қизнинг кўзидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Оқсоқол эса гап тамом, дегандек илқис бурилди-да, бир-бир қадам босиб биздан узоқлашди. Мен пешонамни ушладим. Сёхэй қўлини елкамга қўйди ва оқсоқолга:

— Мен жиянимнинг отасиз қолишини истамайман! — деб бақирди.

Оқсоқол юришдан тўхтади. Ортига қайтиб, тез-тез юриб Сөхэйнинг ёнига келди ва унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Бундай бўлишини мутлақо кутмаган эдим. Бир қалқиб тушдим. Ренанинг акаси қизариб кетди ва шу ондаёқ тиз чўкиб бошини эгди. Оқсоқол унга бироз сўзсиз тикилиб турди-да, яна изига қайтди.

Ренанинг ёнимга келишини тақиқлашди. Шу боис, тонгга қадар хонада ёлғиз бедор ўтирдим. Тиқ этган товушга қулоғим динг. Худди Рена кириб келаётгандай. Бироқ қуёш чиқишидан тахминан икки соат олдин оқсоқол кирди. Ҳурмати учун ўрнимдан туриб, бошимни эгдим.

— Ухламадингми? — деди у ҳеч нарса бўлмагандай, ёғоч курсига ўтираркан.

— Йўқ, — бош чайқаб жавоб қилдим.

— Мен ҳам ётмадим, китоб варақладим. Сенга ўрғаниб қолган эканман. Кетишингни тасаввур қилолмаяпман.

— Ўзингиз ҳайдаяпсиз-ку.

— Мен ҳам ўйландим. Қарорим тўғрими, нотўғрими, билмоқчи эдим. Агар адашган бўлсам, сени кетказмайман, деган ўйда эдим. Аммо, оқлашим учун бирор далил тополмадим. Мусулмончиликда ҳам эркак билан аёл никоҳсиз қовушиши мумкин эмас. Бу энг оғир гуноҳлардан бири, деб ёзилган. Менинг сенга берадиган жазом Оллоҳники олдида ҳеч нарса эмас. Шунинг учун тинимсиз тиловат қил, зора, Парвардигор гуноҳингдан ўтса. Билиб қўй, бизнинг суяк ҳеч қачон бошқа қавмники билан аралашган эмас. Агар Исломни қабул қилмаганимда, сенинг каллангни олишим, Ренани боласи туғилмасидан бурун нобуд қилишим керак эди... Бошқаларга ибрат бўлсин, деб фақат кетказиб юбораяпман сени, холос. Менинг ҳам умрим охирлаяпти. Сени бу ерда қолдирадиган бўлсам, ўлганимдан кейин уруғимиздан асар ҳам қолмайди. Йигитлар бошқа жойларга ошиқади. Ўзга юртнинг қони бошқа қизларини олиб келишади. Қайтишса, албатта. Қизлар ҳам қараб туришмайди. Бошқа

юрт эркакларини хоҳлаб қолишади. Қарабсанки, йигирма-ўттиз йил ўтмай урф-одатимиз, қонимиз бутунлай ўзгариб кетади. Биз буткул унутиламиз...

— Унда Ренани мен билан бирга жўнатиб юборинг. Увол-савобимиз ўзимиз билан. Акулаларга ем бўлмай, ўтиб кета олсак...

— Йўқ. Бир ўзинг кетасан. Рена тавбасига таянади. Бола туғилганидан кейин бошқа бировга никоҳлаб қўяман. Шундоғам озчиликмиз. Уруғимизни камайтирма.

Оқсоқол илтимос оҳангида гапирди. Қараши ҳам мунгли эди, ичим ачиди. Ўзимни ёмон кўриб кетдим. Бошқа гапирмадим.

Оқсоқол кетди. Бир оздан кейин Рена Нэнэ билан бирга келди. Унинг кўзлари қизарган, демак, туни билан йиғлаган. Бечора, қийналибди. Мени деб юзи қора бўлди. Кетганимдан кейин қандай бош кўтариб юради?..

У менга термилиб турди, сўнг бирдан бўйнимга осилди. Шунда унинг юраги гурсиллаб ураётганини аниқ эшитдим.

— Сенга сиқилиш мумкин эмас. Боламизга таъсир қилади, — дедим. Гўё бошқа йўл билан уни юпатиб бўлмайдигандай. — Соғ-омон туғсанг, мени эслатиб туради.

Гапларимга у чидолмади, чоғи, ҳўнграб йиғлаб юборди. Шу маҳал Нэнэ келиб, унинг қўлидан тортди:

— Бўлди, ўзингни бос. Иродали бўлишинг керак, унутма. Ҳар қандай қайғуга тушганингдаям Накамура авлодидан эканинг эсингдан чиқмасин.

Накамура деган зот қачон яшаб ўтганини бу ердагиларнинг ўзлари ҳам билишмайди. Лекин гап-сўзларига қараганда, улар шу зотнинг авлодлари. Накамура тенгсиз ақл эгаси, жасур жангчи бўлган экан.

Рена Нэнэга жаҳл билан қаради, бироқ бир сўз деёлмади. Сўнг бурилиб, чиқиб кетди.

Менга иккита қайиқ беришди. Бири кичкина, фақат бир одам сиққулик. Иккинчиси кенг, чуқур, ўнта одам бемалол жойлашади. Сёхэй қўлимга битта қилич ва камон тутқазиб, қучоқлашиб хайрлашди. Кетишимдан олдин оқсоқол ҳам мени бағрига босди.

— Рена билан фарзандингдан хавотирланма. Улар доим соғ-саломат бўлишади. Бола туғилганидан кейин унга сен ҳақингда, албатта, айтамиз. Манавини бўлса, — деди у мени кучоғидан бўшатиб, кафтимга мусичанинг кўзидай келадиган брильянтни қўйиб, — йўқотма. Бизни эслатиб туради... Яна сенга насиҳатим, душманларингдан ўч олишда шошқалоқлик қилма. Ақл билан иш тут.

— Хўп, ҳаммаси айтганингиздай бўлади.

Оқсоқол мендан узоқлашгач, қолганлар ҳам мен билан бирма-бир хайрлашди. Ёнимга Рена келишини истардим. У ҳаммадан орқада, менга тик қараб турарди. Лекин жойидан жилай демас, балки шундай қилгани тузукдир, уни тезроқ эсдан чиқаришимга, қийналмаслигимга ёрдам берар, деб ўйладим. Албатта, шунчаки таскин эди. Ҳеч қачон Ренани унутолмаслигимни билардим. Лекин айни чоғда қўлимдан ҳеч бало келмасди!

Ўтган йиллар мобайнида қариндошимдек бўлиб қолган одамлар билан хайрлашгач, улкан уммонга юзланиб, сал нарида қалқиб турган кемалар томон сув кечиб кета бошладим. Кўнглимда бир дунё армон, алам. Ҳеч вақт пушти камаримдан бўлган боламни бир жойда қолдириб кетаман, деб ўйламагандим. Ичимда: “Рена ақли, унинг қўлидан ҳар иш келади. Болани яхши тарбия қилади, соғлом ўстиради”, дея ўзимга таскин берардим-у, бироқ барибир юрагим жизиллаб оғрирди.

Қайиққа зўрға чиқдим. Қирғоқда мени кузатиб қолаётганларга қарамасдан эшкакни эша бошладим. Шу пайт:

— Тўхта! — деган чинқирик эшитилди. “Ялт” этиб овоз келган тарафга қарадим. Не кўз билан кўрайки, сувни шалоплатиб Рена югуриб келар, қирғоқда турганлар уни қайтарай демас, қаққайганча қараб туришарди.

— Қайт! Орқангга қайт! — деб бақирдим. Аммо Рена гапимга қулоқ солмади. — Сёхэй, тўхтатиб қол!

Бироқ қизнинг акаси ҳам қилт этмади. Сакраб қайиқдан сувга тушдим-да, қиз томон юрдим (сув белимдан келар, югуришнинг иложи йўқ эди).

Рена етиб келиб бўйнимга осилди, кўзидан дув-дув ёш оқиб:

— Сен билан кетаман! Мени олиб кет! — деди йиғлаб.

— Мен билан кетишинг хавфли! Сен... Сен, яхшиси, қол! — дедим. Лекин у гапимга қулоқ солмади. Бўйнимга маҳкам осилганча тураверди. Шундан сўнг:

— Сёхэй! Сёхэй! — деб акасини чақирдим.

Овозимни эшитган акаси олдинга интилди, аммо оқсоқол унинг елкасидан тутиб қолди. Ҳаммаси тушунарли: оқсоқолнинг ўзи Рена мен билан кетишига рози. Кўзимга ёш қалқиди.

— Раҳмат! Раҳмат ҳаммангизга! Мен сизларни ҳеч қачон унутмайман! Ренани бахтли қиламан!

Оқсоқол ортига ўгирилиб кета бошлади. Унинг орқасидан бошқалар эргашиди. Аммо Сёхэй қимирламади.

Орол кўринмай кетгунча Рена она тупроғидан кўзини узмади. Унинг кўзидан оқаётган ёш ҳам тинмади. Мен эса жим, бир маромда эшкак эшардим. Ичимда хурсанд эсам-да, қадрдон бўлиб қолган жойдан узилиб кетаётганимга юрагим ачишарди.

Куёш ботишига бир терак бўйи қолганида узоқдан антеннага ўхшаш бир нарса биз томонга шитоб билан яқинлашаётганига кўзим тушди. Дарров эшкакни қўйиб, ўрнимдан турдим-да, шу томонга қарадим. Антенна аста-секин катталашди. Аввалига сув остида сузадиган кема бўлса керак, деб ўйладим. Адашибман. Акуланинг думи ёки қаноти экан.

— Акула! — пичирладим. Бошини эгганча хаёл суриб ўтирган Рена ҳам бирдан сергакланиб:

— Қани?! — деди хавотирли товушда.

Мен Ренага жавоб қилмасдан: “Акула бизни четлаб ўтиб кетармикин?” — деган хаёлда ундан кўзимни узмай тикилиб туравердим. Лекин йиртқич бошқа томонга бурилай демас, тўғри устимизга бостириб келарди. Бирор чора кўрмасам, қайиқни иккига бўлиб, мен билан Ренага қўшиб боламизни ҳам нобуд қилиши аниқ. Шатакка олинган кичик қайиқ устига сакраб тушдим-да, қиличимни кинидан суғурдим.

— Аввал манавини синаб кўр, учи заҳарга ботирилган, — дея Рена камонни менга ирғитди.

Оролда камон отиш машқининг ҳадисини олган эдим. Кўп ҳолларда нишонни бехато урардим.

Отилган ўқ акуланинг кўриниб турган қаноти ёнига тушди, аниқ мўлжалга теккан-тегмаганлигини билолмадим. Шу боис, яна бир марта камон ипини чўздим. Иккинчи ўқ ҳам мўлжалга борди-ю, бироқ акула тўхтамади. Демак, ўқим тегмаган ёки таъсир қилмаган.

Кичик қайиқни каттасидан ажратдим-да, акуланинг рўпарасига сузиб бордим. Энди бу ёғи худодан эди: агар йиртқич мени енгса, Рена ҳам соғ қолмайди. Тўғри, у жангда мендан устароқ-ку, ammo ҳозир ҳомиладор. Қалтис ҳаракат қилиши мумкин эмас.

Хаёлимда акуланинг ҳаракати сусайгандай эди. Кўнглимда балки у енгилишини билиб изига қайтар, деган умид туғилди. Бироқ йиртқич ортига қайтмади. Баттар тезлашди. Менга етишига беш, тўрт, уч, икки... ва ниҳоят бир метр қолди. Шу маҳал мен у томонга сакрадим. Бундай ҳаракатни кутмаган шекилли, акула мен ўтирган қайиққа ўзини урди. Мен эса унинг устига тушаётиб, қиличимни бандигача орқасига суқиб юбордим-да, ёнига босганча сувга қуладим.

Қилич ниҳоятда ўтқир эди. Йиртқични деярли иккига бўлиб юборди. Лекин у осонликча жон таслим қилмади, мени думи билан уриб юборишга улгурди. Бир муддат карахтландим. Оёқ-қўлим ўзимга бўйсунмай, сувга чўка бошладим. Худонинг раҳми келдими, ҳар қалай, сониялар ичида ўзимни ўнглаб, тезда юзага сузиб чиқдим. Сув юзида ҳали қон сингиб кетмаган, анча ёйилган экан. Йиртқич кўринмасди. Демак, уни ўлдирганман. Падар лаънати чўкиб кетган.

Хавотирланиб Рена ўтирган қайиққа қарадим. Кўрдим, у тик турибди. Қонли сувдан кўзини узгани йўқ. Қўлимни юқорига кўтардим. Шундагина у мени кўрди, шекилли, бирдан ўтириб олди. Агар унинг ўрнида бизнинг қишлоқ қизлари бўлганида, лод-фарёд қилиб дунёни бошига кўтарарди. Буларнинг эса, хавотир олганиям, кўрқиб кетганиям билинмайди.

Энди суза бошлаганимда, ўнг қўлим қаттиқ оғриб инграб юбордим. Йиртқич ёмон урганга ўхшайди. Бир қўллаб сузиш оғир. Рена аҳволимни сезди ва қайиқни шу томонга буриб эшкак эшди.

Қайиққа чиққанымдан сўнг Рена бўйнимдан маҳкам кучоқлади. Елкамдаги оғриқдан инграб юбордим.

— Нима бўлди? — сўради Рена ва шоша-пиша кийимларимни ечди. Елкам шишибди. Қиз бечора қайиқнинг орқа томонидаги латта-путталар орасидан сочиқ олди. Дарвоқе, оролдагилар қайиққа беш-олти кунга етадиган егулик, кийим-бош, сочиқ, тоза сув ва яна алламбалолар юклашганди.

Рена баданимни сочиқ билан яхшилаб артгандан сўнг, кўлимни силаган бўлиб, силтаб қаттиқ тортди.

— Имм! — дея инграб юбордим. — Нима қилаяпсан?

— Кўлинг чиқибди.

У юзимдан чўлпиллатиб ўпди-да, елкамнинг шишган жойига қандайдир ёғ суртди. Танамнинг бошқа аъзолари лат еган-емаганини текширди. Кейин мени ғалаба билан олқишлади. Унинг гапига қараганда, йиртқич мен томонга думини бир силтабди-ю, фарқ бўлибди.

— Сениям ўзи билан чўктириб кетди, деб кўрқдим. Тўғриси, жуда қалтис сакрадинг, озгина кутишинг, шундан кейин унинг устига ўмбалоқ ошиб тушиб, қилич солсанг бўларди. Сен эса...

— Барибир енгдим-ку, — дедим мен тиржайишга уришиб.

Акула билан тўқнашувдан кейин Рена оролини бир оз унутди, очилиб гаплашиб ўтирди, тамадди қилди, менга ҳам овқат едириб қўйди.

— Тўхта, — дедим мен орадан бирор соатча ўтганидан сўнг, — нега ҳалиям бир жойда турибмиз? Акулалар қонни тез пайқайди, деб эшитганман. Биттасидан қутулиб, бошқаларига тутилиб қолмайлик тагин.

Рена жилмайди. Унинг табассуми бирам гўзал эдики, айниқса, кун ботарда, қуёш қизғиш нурларини сочиб турганда унинг чехраси очилиб кетганди. Кўзларидан чексиз меҳр балқиб турарди. Агар Ренани биров билан жанг қилаётганида кўрсангиз, уни ҳечам меҳрибон деб ўйламайсиз. Баджаҳл, қайсар, эркакшода, кўпол, деган хаёлга борасиз. Лекин ҳозир ожиза, кўркам аёлда неки назокат, нафосат бўлса, бари Ренада мужассам.

У эшкак эшиб менга ёрдамлашмоқчи бўлди. Очиғи,

толиққандим. Гарчи елкамнинг шиши тез қайтган эса-да, ўнг кўлим кучсизлангандай эди, назаримда. Шундай эса-да, Ренани эшкак эшишга қўймадим.

— Энди дам оламиз, йўқса йўлдан адашиб, айланиб-айланиб яна оролга қайтиб бориб қоламиз, — дедим мен.

— Ҳов анави ёруғ юлдузни кўраяпсанми? — деди Рена кўлини осмонга чўзиб. — Унинг оти “Безмамур”, ғарбдан чиқади. Шуни мўлжал қилиб кетаверсак адашмай-миз.

— Демокчисизки, хоним, тонггача тиним билмаслигимиз керак.

— Эвазига кундузи дам оламиз. Ҳозир эса эшкакни мен эшаман.

— Сенга мумкин эмас.

— Ўзимни зўриқтирмайман. Хавотир олма.

Рена айтганидай атроф ёришиб, юлдузлар ўчгунга қадар навбатма-навбат эшкак эшлик. Сўнг ухладик. Қуёш тиккага келганида уйғониб тамадди қилдик. Тўғриси, бир текис мавжланиб турган кўм-кўк сувни томоша қилишнинг завқи бошқача эди, лекин унинг чек-чегарасизлиги, довул туриб уммоннинг ваҳимали чайқалишини ўйла-санг, юрагинг орқага тортиб кетади. Сафарга отланганимизга ҳам бир кун бўлди. Ҳозирча океан сокин. Ишқилиб, шундай бўлиб турсин.

Ренанинг саволлари борган сари кўпайди: “Яшайдиган жойларинг қанақа?”, “Уйларинг қандай қурилган?”, “Оилаларингда неча кишисизлар?”, “У томонлар иссиқми, совуқми?”, “Одамлар кўпми?” ва ҳоказо. Барига батафсил жавоб бергунимча нақ икки соат ўтди. Кейин у:

— Севган қизинг борми? — деб сўраб қолди.

Нима дейишни билмай каловландим. “Тўғрисини айтсам, хафа бўлиб қоладими?” — дея хавотирландим. Алдасам, қишлоғимизга боргач, ҳаммасидан хабар топиб, кейин бир умр кўнглидан чиқаролмай юриши ҳам мумкин.

— Ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Албатта, бўлган. Сен қизларнинг кўзига яқин йигитсан. Очигини айтавер, ҳечам хафа бўлмайман.

— Тўғриси, сенга нима дейишни билмаяпман. Агар севганим бор эди десам, ёлғон гапирган бўламан. Бирга ўқиган...

— Ким ўқитган?

— Ўқитувчилар.

— Оқсоқолга ўхшаганми?

— Нима десам экан? Ҳа, шунга ўхшаган.

— Келганингда ҳеч балони билмасдинг-ку. Югуришни ҳам эплотмасдинг.

— Биз бошқача ўқиганмиз. Ҳеч мактаб деб эшитган-мисан?

— Гонгконгда, Японияда, кейин Хитой деган жойда яхши мактаблар бор, деган оқсоқол. Уларда ўқиб чиққанлар жуда яхши уришишаркан. Лекин барибир бизникидай мукамал эмас, дейишади.

Мен кулиб юбордим. У худди ёш болалардай соддадил эди. Очигини айтсам, оролга борганимда мен ҳам худди Ренадай содда эдим. Ҳар нарсага ҳайратланиб қарардим. Балки буни чақалоқ билан қиёсласа бўлар. Бундан беш йил бурунги воқеаларни эсласам, ўзимни гўдакдай тасаввур қиламан. Айни чоғда Ренанинг мактаб ҳақидаги саволлари ҳам шунга ўхшаб кетаётганди.

— Бизнинг мактаб мутлақо бошқача. Борганингда ўзинг кўрасан. Хуллас, бирга ўқийдиган қиз хат ёзувди менга. Хатида севишини ёзган. Бор гап шу.

— Сен мени ёлғиз ташлаб кетмайсанми?

— Ёлғиз... Отам, укаларим бор, мен бирон жойга кетганимда шулар билан бирга ўтирасан. Уйга етгунимизча кўзинг ёриб қолса керак.

— Юртинг Америкадан ҳам узоқми?

— Хужжат чатоқ, — уни қучоқладим. Шундай қилмасам, ҳали-бери саволлари тугамайдиганга ўхшайди.

Икки кундан кейин бўрон турди. Бахтимизга, унчалик кучли эмас. Лекин қайиғимиз сувга тўлаёзди. Аммо кундуз куни тўфон кўлам зарар етказмади.

Орадан яна тўрт кун ўтгач, Рена узоқда элас-элас қорайиб турган қуруқликни пайқаб қолди. Қийқирдик, қувондик, кейин мен жон-жаҳдим билан эшкак эша бошладим. Тун бўйи ишлаганим, чарчоғим билинмади. Ман-

зилга эртароқ етиш учун бор куч-қувватимни ишга солдим. Ўша лаҳзаларда менга қараб жилмайиб қўяётган Ренани ҳам унутиб қўйгандим. Уни кўрардим, лекин ҳаёлим бошқа ёқда, юрагим ҳаприқади. Қани имкони бўлсаю, сув устида югуриб кетсам (бир сафар Сёхэйнинг сув устида югурганини кўрганман. Кўп эмас, уч қадамча босган. Ўзиям шамолдан илдам эди у).

Қуруқликка яқинлашганимиз сайин Ренанинг чеҳраси ўзгариб, ранги ҳам бир оз оқаринқиради.

— Тинчликми, бирон жойинг оғримаяптими? — сўрадим ундан.

— Оғримаяпти, — деди у бош чайқаб, — лекин негандир кўнглим ғаш. Қуруқликда баланд уйлар кўп экан, катта кемалар ҳам сузиб юрибди, қаерга келиб қолганимизга ҳайронман.

— Шаҳар бўлса керак, — дедим ортимга бир қараб олиб, — бирорта порт шаҳарга келдик, шекилли.

— Нима деганинг у? — ҳайрон бўлиб сўради Рена.

— Шаҳарми? Шаҳарда минг-минглаб одамлар яшашади. Ер камлигидан мана шунақанги баланд иморатлар қуришади. Кемалар кўп тўхтайдиган жойни порт дейишади.

— Бўлмаса, у ерга бормайлик. Бизни бегона деб ҳайдаб солишса ёки ўлдириб юборишса нима қиламиз?

Унинг гапида жон бор эди. Лекин ҳозир Ренанинг кўнглини чўқтирмаслигим лозим. Шу боис:

— Шаҳарда бир-бирини танимаганлар қанча, сен билан мен уларнинг орасига сингиб кетамиз, чўчима, — дедим жилмайиб.

У менга ишонгандай бўлди, қарашидан буни пайқадим. Бироқ кўнглининг ғаши тарқамагани аниқ. Ундаги ғашлик менга ҳам кўчгандай. Қуруқликка интиқ бўлиб интилгандим, энди ҳечам қирғоққа тушгим йўқ.

Одатда, узоқ вақт сувда юрсанг, тупроқни соғинасан, ерга қадам қўйсам, ётиб ўпаман, кўзларимга суртаман, дейсан. Лекин бизнинг ерга оёқ қўйишимиз бошқача бўлди. Бандаргоҳдагилардан ҳайиқиброқ, атрофга олазрак боқиб қадам босдик ва бу билан соҳилдагиларни чўчитиб ҳам қўйдик.

Қолган-қутган егуликларни қопга солиб орқалаб олдим-да, Ренанинг қўлидан ушлаб, секин бандаргоҳдан чиқиб кетиш йўлини қидира бошладим. Ҳар қаламда худди маймунни томоша қилаётгандай иржайган башараларнинг таъқибиде юриш оғир эди. Мен уларга эътибор бермасликка уриндим, Ренага ҳам: “Бировга қарама”, деб тайинладим. Аммо сигарета тутатиб турган тўртбеш кишининг ёнидан ўтиб кетаётганимизда улардан бири йўлимизни тўсди. Аввал у бизга бошдан-оёқ разм солди. Сўнг шерикларига мен тушунадиган таиланд тилида:

— Манави исқиртларни қаранглар, қайси гўрдан пайдо бўлишди? — деди сарғайиб кетган тишини иржайтириб.

— Ҳиндуларга ўхшайди, — деди нарироқдаги шериги.

— Тўғри, қара буларнинг устидаги латта-путталарга, — деди йўлимизни тўсиб чиққан кимса енгимдан тутиб.

— Тегинма, — деб унинг қўлини силтаб ташладим.

— Эй-й, — деди қисик кўзини йириб очган йўлтўсар, — ҳиндуга ўхшамайди-ку.

— Пияниста бўлса керак, — деди шерикларидан бири, — гапираверсанг пул сўрашга тушади.

Мен Ренага қараб “кетдик” деб ишора қилиб, йўлимда давом этмоқчи эдим, йўлтўсар қўлимдан тутиб қолди.

— Мен алкашларнинг қопини титишни яхши кўраман. Уларнинг ҳаёти қизиқ, — деди у тиржайиб, — бунинг устига, ойимчанг ҳам зўр экан. Зерикиб турганимизда озгина валақлашсак, вақт ўтармиди?

Мен ҳақоратга ортиқ чидолмадим.

— Яхшиси, улфатларинг билан чақчақлашиб туравер, — дедим унга қовоғимни уйиб.

Қаршилигим йўлтўсарнинг шерикларигаям баҳона бўлди, шекилли, дарҳол бизни ўраб олишди. Уларнинг қиёфаси бандаргоҳдаги юк ташувчиларникига ўхшамасди. Афт-ангорлари, оғизларидаги сақичларини чайнаб тиржайишлари кўпроқ безориларни эслатарди. “Буларга фарқи йўқ экан-да, — дея ўйладим, — ўзлари бизни пиянистага чиқариб туришибди-ю, тагин чўнтаklarимизни ковламоқчи, аслида пиянистадан ҳам баттар, шекилли булар”.

Йўлтўсар иягимдан ушлаб, бошимни у ёқ-бу ёққа қимирлата бошлади. Чидаб туролмадим — қорнига тизза қўйдим. Буни унинг шериклари сезишмади ҳам, гўё қорни туйқусдан бураб оғриб қолгандай у букчайди.

Ортиқча валақлашиб тургим келмади, бир оёқ кўтаришда иккитасининг тумшугига тепиб юбордим. Бироқ қолган иккисини уришга улгурмадим, Рена мендан олдин уларга зарба беришга улгурибди.

Тўртала шериги ерда чўзилиб ётганини кўрган йўлтўсар “қорин оғриғи”ни ҳам унутиб, орқа-олдига қарамай қочишга тушди. Рена иккаламиз ортидан қараб кулдикда, у кетган тарафга юрдик.

Бир пайт қарасам, иккита полициячи биз томонга шитоб билан келаяпти. Ренанинг кўнглида хавотир уйғотмаслик учун унга жилмайиб қараб, бу ернинг ҳавоси лоҳас қилаётганини айтдим. У сергак эди. Чалғимаслиги керак эди. Умуман, Рена ҳушёр, у мен олган таълимни маромига етказганди. Ҳозир ҳам полициячиларнинг нима мақсадда чопқиллаб келаётганини сезиб турарди.

Булардан ҳам осонлик билан қутулиб кетишимизга шубҳам йўқ. Лекин қуруқликка қадам босар-босмас шунча муаммога дуч келаётганимиз ёмон-да. Бошида шунақа бўлса, ҳали бизни тағин нималар кутиб турибди, ёлғиз худога аён.

Икки нафар қорувли полициячи ёнимизга келиб ҳужжатларимизни сўрашди.

— Тўфонда қолиб кетдик, ҳамма нарсамизни сув оқизиб кетди, ўзимиз зўрға омон қолдик, — дедим миямга келган гапдан хурсанд бўлиб.

— Шунақами, яхши, — дея илжайди мўйловли полициячи, — қани, биз билан юринглар-чи, аниқлаштирамиз ўша тўфон қаерда бўлган экан?

— Мана, — дея бир парча оддий қоғозни полициячига узатди Рена, — чўнтагимизда экан, эсимиздан чиқибди...

Сўроққа тутаётган полициячи қоғозга диққат билан тикилди. Сўнг бизга қараб жилмайди-да:

— Фақат кийимларингни алмаштиринглар, бу аҳволда шаҳарда юриб бўлмайди, — деди. Сўнг шеригига юзлан-

ди-да: — бизга нотўғри маълумот беришибди, — деб мўйловини силаб қўйди.

— Қоғозни қаёқдан ола қолдинг? — сўрадим Ренадан полициячилар кетганларидан сўнг.

— Сени яна муштлашишга тушиб кетмасин, деб уларни алдаб қўя қолдим, — жавоб қилди Рена.

У нинзалар учун жуда оддий, лекин бошқаларга сирли туйиладиган усулни қўллаганди. Бу усулни оқсоқол менга ҳам ўргатган. Хаёлингни бир жойга жамлаб, қўлингдagi нарса нималигига аввал ўзингни ишонтирасан, кейин шу фикрни кўзингнинг нури орқали рақибга жўнатиб, унга руҳан таъсир ўтказасан. Қарабсанки, рақиб оддий қоғозни ҳужжат, тошни эса олма деб қабул қилади.

Бандаргоҳдан энди чиқиб кета бошлаганимизда (аллақачон асфальт йўл, зувиллаб бир-бирини қувиб ўтаётган машиналар кўриниб қолганди), полициячилар ортимиздан қувиб етишди. Уларнинг ёнида йўлимизни тўсган безори ҳам бор эди.

— Биз сизларга ҳужжатимизни кўрсатдик-ку, яна нима гап? — дедим афтимни бужмайтириб.

— Тартибни бузгансизлар. Қолган гапни кейин гаплашамиз, қани юринглар, — деб полициячилардан бири қўлимдан ушлаб етаклай бошлади.

Қўлимдан етаклатиб қўядиган вақтлар ўтганига анча бўлган, шу боис, полициячининг бу қилиғи асабимни ўйнатиб юборди. Айниқса, шериги Ренанинг биллагидан тутганини кўриб жон-поним чиқиб кетди. Ҳеч нарсани ўйламай, иккиланмай, мўйловли полициячининг қулоғи тагидаги томирига урдим. Зарба кучли эмасди, ammo мўлжални аниқ олгандим. У бирдан юзтубан йиқилди. Шеригининг эса қошлари ўртасига мушт туширдим, у ёнбошига қулади.

Полициячига қўл кўтариш бировни ўлдириш билан баравар. Аввал индашмасаям, энди қамашлари аниқ. Бунинг устига, анави падар лаънати йўлтўсар яна қочишга улгурди. У тагин кимни етаклаб келади, ёлғиз худога аён.

Биз аввал тез-тез юрдик, кейин югурдик. Одамлар ажабланиб қарашарди. Югурганимизни кўриб шубҳаланиш-

ди, шекилли. Серқатнов йўлга чиқиб, бошимиз оққан томонга кетаётганимизда, ёнгинамизда қоп-қора “Мерседес” тормоз бериб тўхтади. Эшиги очилиб, биласизми, ким тушди: ўша, мени итдай ишлатиб, тешик қайиқ совға қилган, оқсоқол билан олди-берди қилиб юрган нусха! Уни кўришим билан таққа тўхтадим.

— Тушимми-ўнгимми?! — деди у бизга тикиларкан. — Бу ерда қандай пайдо бўлиб қолдиларинг?!

— Осмондан тушдик, — жавоб қилдим унга. Жиддий гапирмоқчи эдим, бироқ гапим кулгилироқ чиқди.

— Машинага чиқинглар, — деди у юзида табассум билан, — шаҳарда бунақанги аҳволда юриб бўлмайди.

Бу таклиф айна муддао эди. Шу боис, дарров орқа ўриндиққа чиқиб олдик. Бироз юрганимиздан сўнг олдинги ўриндиқдаги итимдан ҳам баттар ёмон кўрадиган ўша нусха орқасига ўгирилиб, оқсоқолни, оролдагиларни сўради. Жавобимни эшитгач, бизни кўриб қолгани яхши бўлганини айтди. Кейин ўзини таништирди. “Пийя”, деди у ўзининг исмини айтиб ва илжайганча менга ғалати қараб қўйди. Сезиб турибман, унинг кўзига иссиқ кўринаяпман. У мени қаердадир кўргандай бўлаяпти-ю, лекин эслолмаяпти. Шуниси маъқул. Танимаса ортиқча ғалвага ҳожат қолмайди. Оролдагиларни у қаттиқ ҳурмат қиларди. Оқсоқолга: “Сенинг одамларингга ёрдам бердим”, деса обрўси, ҳурмати янаям ошади.

Қаёққа бораётганимизни билмасдик. Лекин яёв юргандан кўра, машинада узоқроқ кетганимиз тузук. Рена машинага биринчи бор ўтиргани учун бир оз безовталанди, кўлимдан маҳкам ушлаб олди.

Бир соатлардан сўнг маҳобатли ресторан ёнига тўхтадик. Пийя машинадан тушгач, орқа-олдига қараб олиб, биз ўтирган тарафдаги эшикни очиб:

— Марҳамаг, тушинглар, — деди ўзгача илтифот билан.

Ресторан ичкарисси шинам, деворлари антиқа бўёқларга бўялган, шифтига жуда катта қандил осиб қўйилганди. Беш-олти хўранданинг тамадди қилаётганини айтмаганда, одам йўқ ҳисоби. Хўрандаларнинг кўзи бизга тушиб, ажабланишди.

Пийя бизга ҳаммомни кўрсатиб, ўзи ортига қайтди. Чўмилиб чиққунимизча кийим-бош тайёрлаб қўйишган экан. Худди бизга ўлчаб тикилгандай, меники ҳам, Ренаники ҳам ўзимизга лойиқ келди. Шундан кейин тамадихонага ўтдик. Бояги хўрандалар кетиб бўлишибди. Битта стол ноз-неъматлар-у турли хил ичкиликлар билан тўла. Пийя Гавана сигарасини лабига қистирганча, газета ўқиб ўтирибди. Бизни кўриши билан ўрнидан туриб, жой кўрсатди.

Овқатдан олдин бир қадахдан ароқ ичдик. Рена қадахни қўлига олганда унга қараб “ичма” деган ишорани қилдим.

Пийя билан гапимиз қовушмади, чунки гаплашадиган гапнинг ўзи йўқ эди.

Қанча овқат едим эсимда йўқ, бир маҳал бошим айланди, аввал Ренага, сўнг Пийяга қарадим. Иккиси ҳам туман ичида. Қоп-қора костюм-шим кийиб, оппоқ кўйлагининг устидан қизил бўйинбоғ таққан, нукул иржайиб турадиган Пийя тинмай жағ ураётир. Бироқ унинг гапи қулоғимга кирмасди. “Кўп ичиб қўйдим, шекилли, энди бошқа ичмайман”, дея хаёлимдан ўтказиб, кўзимни шунча йириб очишга уринмай, фойдаси бўлмади. Охири чидолмай, ухлаб қолдим.

Бир маҳал оёқ-қўлим қақшаб оғриганига чидолмай кўзимни очсам, иккита қўлимдан шифтга, оёқларимдан эса пастга маҳкам тортиб боғлаб қўйишибди. Аллақандай темир-терсаклар уюлиб ётган омборга ўхшаш жойдаман. Аланглаб Ренани қидирдим. У ёнгинамда, худди мендай осилиб турарди. Фақат боши бир томонга қийшайган.

— Оҳ! — деган овоз келди. Рўпарамга қарасам, Пийя турибди иржайиб. Ёнида ўн беш чоғли ўзига ўхшаб қоп-қора костюм-шим кийган йигитлар, улар орасида бандаргоҳда бизга биринчи бўлиб йўлиққан йўлтўсар ҳам бор. — Сизни қўлга тушириш қанчалик қийин бўлганини билсангиз эди! Фақат бу сафар тўримга осон тушдинглар.

— Нима истайсан биздан? — дедим унга ўқрайиб. — Сенга нима ёмонлик қилдик?

Пийя жавоб қилмади. Бир-бир қадам босиб ёнимга

келди. Сўнг тиржайиб туриб чўнтагига қўлини тикди-да, оқсоқол менга совға қилган брильянтни олиб кўрсатди.

— Жуда нодир матоҳ. Бу матоҳни деб қанча-қанча одамлар ўлиб кетади. Европада, Америкада кўз-кўз қилиб тақиб юришади. Шунақанги ноёб, қимматбаҳо тош бу. Сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Оқсоқол буларни қаердан олади? Ҳар сафар борганимда, беш-олтита майдасидан беради. Агар шуни айтиб берсанглар, бутун бошли кемада ороллариингга етиб олишлариингга ёрдам бераман. Ёки шунақанги қаср қуриб бераманки, манави, — деб у Ренани кўрсатди, — ойимчанг билан кайфу сафо қилиб яшайсан.

— Айтмасам-чи? — дедим киноя билан.

— Биламан сенларни. Сирни ошкор қилгандан кўра, тиллариингни ғажиб ташлаш осон сенларга. Қани энди ҳамма сенларга ўхшаса... Лекин шу сафар айтмасдан иложинг йўқ. Чунки хотинчанг ҳомиладор. Агар керакли жавобни ололмасам, ҳомилаям, хотинчанг ҳам нариги дунёга равона бўлади. Албатта, ортидан сени ҳам гумдон қиламан. Унгача тилингни ғажиб ташлашингга шубҳам йўқ. Ҳа-а, эсимдан чиқай дебди. Эшитишимга қараганда, қавминг жуда камайиб қолган эмиш. Арзимаган тошни деб бутун бошли уруғ қирилиб кетиши шартми?

Мен юзимни ўгирдим. Кўз ўнгимда оқсоқол, Сёхэй ва бошқалар гавдаланди. Пийя бўлса, Ренанинг ёнига борди. Бир муддат унга тикилиб турди. Сўнг қорнини ушлаб секин силай бошлади.

— Тегинма! — бақриб юбордим. — Ўлдираман, тегинма!!!

— Ў-ў, зўрсан-у, — Пийя мийиғида кулди. — Шу аҳволдаям бемалол ўлдирмоқчи бўлаяпсан-а. Гап йўқ, бу сенинг қўлингдан келади.

Шу пайт Рена ҳушига келди, кўзини очиб атрофга аланглади. Мени кўргач, юзи аламли тус олди.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим унга кўнглини кўтармоқчи бўлиб, — булар ҳали жавоб беришади.

Пийяга қарадим. Қоним қайнади. Қани ҳозир, ҳеч бўлмаганда, оёқларим бўш бўлса, оғзи-бурнини қора қонига белардим.

— Силаш одамга ёқади, лекин, — деб Пийя костюмининг ички чўнтагидан тўппонча чиқарди ва Ренанинг қорнига тиради. — Мановдан отиладиган қўрғошин парчаси жонни ёмон оғритади. Хонимчанг азобланади-ю, боласи ҳеч балони сезмайди. Бешгача санайман. Агар айтганимни қилмасанг, мендан ҳам яхшилик кутма. Бир!..

— Келишдик, — дедим чуқур нафас олиб ва Ренага қарадим. Биласизми, шу пайт унинг кўзлари гўё мисоли олов пуркаётганди. Нафрати шу қадар кучли эдики, қарашга ботинолмасдингиз.

— Айтишга улгурмайсан, — деди шивирлаб ғазабли оҳангда Рена, — тирик қўймайман сени!

Пийя ҳиринглади ва қўлидаги темир матоҳини айлан-тириб ўйнаганча ёнимга келди. Хунук қараш қилиб, мушти билан қорнимга уриб-уриб қўйди. Бу билан гўё: “Сенларда ҳам иссиқ жон бор экан-ку, қўрқитса бўларкан-ку сенларни ҳам”, деяётгандай. Сўнг у ортига бурилиб, шотирларига буюрди:

— Хонимча гаров сифатида шу ерда осилганча қолади. Бунисини бўлса, — у кўрсаткич бармоғини менга ниқтади, — нариги хонага олиб ўтинглар. Иккови бир жойда бўлса, гап олиш қийин булардан.

Мени саройдан ташқарига олиб чиқишди. Атрофимни тўрт-бештаси ўраб, тўппончаларини тўғрилаб туришарди. Сал қалтис ҳаракат қилсам, қуроллар ишга тушар ва мени илма-тешик қилиб ташларди.

Ташқарига чиққач, шаҳарда эмаслигимизни билдим. Ҳушсиз ётганимизда ҳеч ким қадам босмайдиган бир вайрона саройга олиб келишган экан. “Балки, — ўйладим ичимда, — итдай ишлаб сохта брильянт ясаган жойимиз ҳам шу атрофдадир”.

— Сизни аввалдан танийман, — дедим Пийяга тик боқиб. — Зўр тадбиркорсиз, ҳатто сиз сунъий брильянт ясашни ҳам биласиз.

Пийя менга тикилганча бир муддат жим қолди. Пешонаси тиришди, ранги оқарди. Бу унинг нимадандир ҳадиксираганидан далолат берарди.

— Гапларим ростлигини ўзингиз ҳам тасдиқласангиз

керак. Ҳартугул, асосий даромадингиз шунинг орқасидан. Адашмасам, бу ернинг қонун-қоидасига кўра, гиёҳванд модда билан олди-сотди қилганлар қаттиқ жазоланади. Лекин ҳеч кимнинг ҳаёлига сохта брильянт яшаш мумкинлиги келмайди.

Пийя жаҳл билан ёнидан тўплончасини олди-да, пешонамга тиради.

— Сиз мени ҳозир отиб ташлаёлмайсиз. Чунки кўзбўямачилик учун сизга тоза брильянт ҳам керак бўлади. Уни қаердан топишни мен яхши биламан.

Бу гапларим ҳам Пийяни тешиб ўтди, чамамда. У қўлидаги қуролининг дастаси билан бошимга чунонам туширдик, кўзимдан ўт чиқиб кетаёзди. Бир муддат атроф қоронғилашди, ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Мувозанатни йўқотиб, ерга йиқилибман. Буни юзимга сув сепиб ўзимга келтиришганидан кейин билдим. Қаердалигимни англаганимдан сўнг хурсанд бўлдим. Чунки, озми-кўпми, вақтдан ютгандим.

— Кўзимга иссиқ кўрингандинг, — деди тепамда тиржайиб турган Пийя, — яхши эслатдинг. Хоҳласанг, ўша ишлаган жойингга олиб бораман, бу ердан унча узоқ эмас. Манави томонга юрсанг, — у орқа томонидаги дарахтларни кўрсатди, — ўша жойдан чиқасан.

Менга айти шу керак эди. Энди оқсоқол ўргатган усулларни қўллаб, ҳаммасини ер тишлатаверсам бўлади. Фақат Ренанинг ёнида Пийянинг иккита одами қолган, мен этиб боргунимча уни отиб қўйишлари мумкин, шундан чўчирдим.

Кўзим билан сарой эшигигача бўлган масофани чамаладим: ўн қадамча келади. Рена боғланган жойгача тахминан етти-саккиз қадам. Улгуришим қийин. Лекин бу ёғи — Худодан. Агар ҳозир оқсоқолни сотган тақдиримда ҳам (аслида оқсоқолнинг брильянтларни қаердан олишини билмасдим, буни у менга айтмаганди. Берган маълумотим барибир нотўғри чиқарди) отиб ташлайди. Ундан кўра муштлашганим маъқул.

Мени уриб хушимдан кетказганидан сўнг Пийянинг шотирлари ҳовурларидан тушиб, анча талтайишибди.

Менимча, улар: “Йигитнинг суроби тўғри бўлди, энди у ёқдан-бу ёққа ўйноқламайди”, деб ўйлашаётганди.

— Майли, — дедим ўрнимдан туриб жилмайишга ури-нарканман, — бориб кўрсатсанг, ёмон бўлмасди. Менимча, у ерда бошқалар ишлашаётгандир. Уларни бир кўрсам, кўнглим хотиржам тортарди. Ҳозир ўзим сендан шуни сўрамоқчи бўлиб тургандим. Яхши, ўзинг айтдинг.

— Ҳей, — кулди Пийя, — жуда соддасан-а! Ҳеч вақони билмайсан. Ўрмон ичидан ўтгунимизча нинза қурғур нималарни бошимга солмайди, дейсан. Биласанми, дунёда шунақанги ўтлар борки, унинг кўкариши учун ҳавонинг намлиги ҳам етади. Сенлар шунақасанлар. Лекин мен сенга кўп-қуруқ ҳаво бераман. Шунда ҳам кўкарсанг, ёқиб юбораман... Дарвоқе, мен сенларни тешиқ қайиқда сувга ғарқ бўлиб кетган бўлсанглари керак, деб ўйловдим. Қолганлар қани? Ё битта ўзинг тирик қолдингми? Унда қандай қилиб нинзалар яшайдиган оролга бориб қолдинг?

Индамай унга термилиб туравердим. Гапиргани сайин у юмшаётганди. Одам озгина юмшаса, ундан нимадир кутиш мумкин. Мен буни ҳаётда кўп кўрганман. Қолаверса, оқсоқол ҳам: “Ҳар қандай қаттиқ нарса озгина юмшаса, демак, уни синдирса бўлади”, деганди.

Саволига жавоб ололмагач, у яна гапида давом этди:

— Сени тирик кўрганимга ҳайрон қолаётганим йўқ. Тасодиф туфайли омон қолиш мумкин. Нинзаларнинг қизига қандай эга чиққанингдан таажжубланаяпман. Одатда, улар бегонани яқинига йўлатишмасди. Сен бўлсанг, уни ҳомиладор қилиб қўйибсан. Демак, қўлингдан кўп иш келади... Бойиб кетишни хоҳламайсанми? Агар менга қўшилсанг, умринг кайфу сафода ўтади.

— Нинзалардан яхши таълим олганимга шубҳа қилмасанг керак. Акс ҳолда шунча одаминг менга “матоҳ”ини тўғрилаб турмасди. Шундай экан, менга қандай ишониб ёнингга олишинг мумкин? Бир куни ўлдириб кетишимдан кўрқмайсанми? — дедим мазахомуз кулиб.

— Кўрқаман, лекин сен нинзалар авлодидан эмассан. Қўлингга озгина бойлик тушса ўзгаришинг мумкин. Қолаверса, дангал гапираяпсан. Бунақа одамлар панд бермай-

ди. Оқсоқол нинза ҳам сени шунинг учун ёқтириб қолган бўлса керак.

— Менимча, кўп валақлашиб қолдик. Агар сенга қўшилишимни, катта бойликни қўлга киритишингда ёрдам беришимни истасанг, ўша мени ишлатган жойингга олиб бор, бир кўрай. Ундан кейин...

— Яхши, — деди у гапимни бўлиб, — унда яна ҳушингдан кетасан. Чунки оёқ-қўлинг боғлиқ ҳолда ҳам сен билан ўрмондан ўтиб бўлмайди.

— Машинада кетамиз-ку.

— Машинада узоқ юришга тўғри келади, пиёда борган маъқул.

Пийянинг ишораси билан бир шиша ароқ олиб келишди. Ёнида бир бурда колбасаям бор. Мен дарҳол оғзимга тупугимни тўплладим. Пийя стаканни ароққа тўлдирди ва қўлимни бўшатмай, ўзи ичкизди. Тўғриси, тупугимни ютиб, ароқни оғзимда сақлаб қолмоқчи эдим, стакандаги ароқ кўплик қилди. Барибир ютиб юбормадим. Оқсоқол бутун ички аъзолардан тортиб, мускулларгача измимга бўйсундиришни ўргатганди. Ароқни томоғимда сақлаб қолишнинг уддасидан чиқдим. Шу ҳолда бир оз турдим-да, гўё ҳушдан кетгандай ерга ағанадим. Пийянинг шотирлари шошиб қолишди. Энди уларга менинг соғлиғим керак эди, албатта.

— Агар шу болани, — деган товушини эшитдим Пийянинг, — ўзимники қилиб олсам, кўп иш беради менга.

Унинг овози қувноқ чиқди, демак, у оқсоқолнинг борбудиға эга чиқмоқчи, сунъий брильянт ишлаб чиқаришни давом эттирмоқчи. Қолаверса, Рена туғадиган болани ҳам ўзиники қилиб олмоқчи. Буларнинг барини қўлга киритиш — дунёнинг манаман деган бойлари қаторига киришдай гап. “Жуда-а кўпмасми, жаноб? Иккала қўлингизнинг бармоқлари оғзингизни йиртиб юбормасмикин?” — дея хаёлимдан ўтказдим.

Буларнинг елкасига чиқиб олиб бир маза қиларканман, деб ўйлагандим. Бироқ мени машинага ортишди. Бу ҳам кутилганди. Чунки Пийядай одам мени алдолмаса, нима қилиб юрибди шунча шотирига бош-қош бўлиб?

Машина жойидан жилди. Шу маҳал мускулларим бўша-

шиб, томоғимдаги ароқ ичакларимга ўтиб кетай деди. Ароқни томоғимда сақлаб қолишга зўрға улгурдим. Тахминимча, икки-уч дақиқадан сўнг ўрмонга киришимиз керак. Ҳамма ёқ дарахт билан қопланган, ҳар қандай шароитда ҳам уларни оралаб ўтишимиз лозим.

Кутилган муддатда аввал оёқ-қўл мускулларим бўшашди, қўлимдаги кишандан осонгина қутулдим. Кейин ўхчиб юбордим, томоғимдаги заҳри қотил оғзимдан отилди, ўзим энгашиб қолдим. Машина орқа ўриндиғида икки ёнимда ўтириб кетаётган кўриқчи йигитлар буни хаёлларига ҳам келтирмаган, шекилли, довдирашди. Шунинг ўзи менга етарли эди: чап томондаги кўриқчининг гарданидаги томирига кўрсаткич бармоғим билан жуда катта тезликда урдим, унинг боши ёнига қийшайди. Ўнг томондагиси эса тирсагимдан зарба еди ва кўзини очишга-да мадори етмади. Ҳайдовчининг бўйни синди. Унинг ёнида ўтирган йигит пичоғини олишга улгурган экан, ажали пичоқдан бўлди, қўлини қайирганимда пичоқ кўкрагига санчилди.

“Оқсоқол шунча илмни ўргатган экан-у, машина бошқаришга келганида эсидан чиқарибди”, дедим ичимда. Ваҳоланки, унинг бир юз ўттиз йилдан зиёд умри давомида машина деган матоҳнинг изиниям кўрмаганини яхши биламан.

Қоп-қора баланд машинанинг (ўша пайтда унинг “Жип”лигини билмасдим) салобати босар экан. Ҳайдовчининг жасадини ўриндиқдан олмай, рулни маҳкам ушлаб, машина бирор дарахтга урилиб кетмасин деб рулни бошқараяпман, аммо тезлик аста-секин сусайяпти. Орқадан келаётган улов чироғини ёқиб ўчирди. Менимча: “Нима гап?” — деб сўраётган бўлса керак. Сўнг ҳайдовчининг чўнтагидаги телефон жиринглади. Жавоб бермадим. Умуман, бунақанги телефонни ҳали қўлимга ҳам ушламаганман. Автобусда Тошкентга келаётганимизда шунақасини бир кўрганман.

Телефоннинг овози ўчди. Лекин анча илгарилаб кетган машинанинг тезлиги ҳам сусая бошлади. Демак, қўнғироққа жавоб бўлмагач, олдиндагиларга қўнғироқ қилинган. Эртароқ тушиб қолмасам бўлмайдиганга ўхшай-

ди, деб қулайроқ жой келишини чамалаб озгина кутдим. Аммо ўрмон жуда қалин, сакрасам бирор дарахтга урилиб кетишим мумкин эди. Шунда оқсоқол билан бирга югурганларимиз хаёлимга келди. Бундан бу ёғига сезгимгагина ишонишим лозимлигини англадим. Рулни қўйиб юбориб, орқадаги эшикни очдим-да, ўзимни отдим. Тез илғаш ва ҳаракат қилиш қобилиятимни ишга солиб, биринчи дуч келган дарахт шохидан ушлаб қолдим ва шу лаҳзада иккинчи дарахт томон сакрадим. Ундан учиб ерга тушдим. Оптимиздан келаётган машина тўхтагунча югуриб унинг ортига ўтиб олдим.

Бу пайтда мен сакраб тушиб қолган машина дарахтга урилган, унинг ортидан изма-из келаётгани икки-уч қадам орқада тўхтагани. Нима содир бўлганини ҳали илғамаган орқа уловдаги йигитлар бирин-кетин машинадан сакраб тушишди. Иккитаси дарахт билан тўқнашган машинани бориб кўришди. Қолганлари мен сакраган тарафга автоматларини тўғрилашди. Шериклари жон таслим қилишганини билганларидан сўнг уларнинг қўлларидаги қуроллари тариллашга тушиб кетди. Ўқлар дарахтларнинг тана пўстлоғини титиб ташлаётганди. Отишма Пийя етиб келгунча давом этди.

— Тўхта! — қичқирди у шотирларига. — Каллаларинг жойидами, маразлар!!! У аллақачон қочиб қолди!

Пийя ён телефонини олиб шошганча рақам терди ва баланд овозда:

— Эшикни қулфланглар! Ўзларинг ташқарига чиқиб, ҳамма томонни назорат қилинглар! Бирор қора кўринса, ўқни аямасдан отинглар! Нинза қочди! — дея томоғини йиртгудай бўлиб қичқирди.

Мен ич-ичимдан қувониб кетдим. Демак, мен боргунимча улар Ренага тегинишмайди. Унгача буларни бир ёқли қилиб улгураман.

Жиғибийрони чиққан Пийя шотирларига менинг изимдан боришга буюрди. Ўзи эса битта йигити билан машина ёнида қолди. Киши бир нарсани қойиллатса-ю, бошқалар укувсизлик қилганини кўрса, қулгиси келар, жаҳли ҳам чиқар экан. Балки оқсоқол таълим бера бошлаганда мен ҳам Пийя ва унинг шотирларига ўхшагандир-

ман. Эҳтимол, булардан ҳам батарроқ бўлгандирман. Лекин айти дақиқада жаҳлим чиқмади, қайтанга хурсанд бўлдим. Ахир, булар менга, ўзлари билмаган ҳолда қулай имконият яратиб беришганди-да.

Бемалол энг ортдаги машинанинг орқасига яширдим. У ердан Пийя билан шеригини кузатдим. Улар ораси дарахтларни нишонга олиб ўқ отганча, ўрмон ичкарасига кириб кетаётган йигитлардан кўз узмасди. Ердан кичкина бир таёқ олдим-да, четроққа отиб юбордим. Улар дарҳол қуролларини шу тарафга ўқталишди. Пийянинг асаби дош бермади, икки марта тепкини босди. Мен учтўрт қадам сакраб уларнинг ёнида пайдо бўлдим ва Пийянинг шотирининг орқа миясига зарба бердим. Айти дамда Пийянинг қурол ушлаб турган қўлига уришга ҳам улгурдим. Рақибим бунга мутлақо кутмаган шекилли, додираб қолди ва мен осонлик билан қўлини орқасига қайтириб, уни ўрмонга судрадим. Бир оз ичкарилашимиз билан кўйлагини йиртиб ечиб олдим-да, қўлларини чандиб боғладим.

— Агар, — дедим унинг юзига кўрсаткич бармоғимни тираб, — озгина ортиқча ҳаракат қилсанг, ўлдираман!

У худди соқовга ўхшаб бақрайганча тураверди. Бундай қараши негадир кўнглимни хижил қилди. “Майли, келгунимча “дам” олиб турсин”, деб башарасига мушт тунширдим. У бир мартагина “иҳ” деди, сўнг кўзи олайиб орқасига қулади.

Ўқ товушидан ўрмонга ичкарилаётганлар сергакланиб, изларига қайтишди. Хўжайинлари йўқолиб, у билан қолган шериги ҳушидан кетиб ётганини кўрганларидан кейин баттар саросималаниб, доира ясаб туриб олишди. Бирор дарахтнинг шохи шитирласа, улар ўша тарафга ўқ ёмғири ёғдиришарди. Шунинг учун ўрмондан чиқиб кетмасдан, дарахт тагига ётиб, бир муддат кузатдим. Уларнинг бироз бўшашишини кутдим. Мўлжаллаганимдай, уч-тўрт дақиқадан кейин улар бир-бирларига қараб олишди. “Шитир” этган шохни нишонга олаверишмади. Аввал машиналарни бирма-бир кўздан кечириб чиқишди. Кейин Пийяга соқчи бўлиб қолган йигитни ўзига келти-

риб, сўроққа тутишди. Ундан тайинли жавоб чиқмади, чамаси.

— У аллақачон хотинчасини қутқаргани кетган, — деди биттаси.

— “Босс”-чи? — сўради ундан иккинчиси. — У қаерда?

Бу савол жавобсиз қолди. Улардан бири чўнтагидан жимитдай матоҳини олиб рақам тера бошлади. Аммо охиригача теришга улгурмади. Кўкрагига теккан ўқдан ағанашга мажбур бўлди. Найза ёки пичоқни мўлжалга уришда адашмасдим. Лекин тўппончани биринчи ишлатишим. Ҳар қалай, мўлжалда адашмадим. Энг муҳими, мен қулатган йигитнинг шериклари ўқ қайси томондан отилганини сезмай қолишди. Шу боис, ҳар тарафга палапартиш ўқ ёғдиришга тушиб кетишди. Бу гал мен ҳам қараб турмадим. Чунки айти пайтда тўппончани ишлатсам, улар мени сезмасди, менинг тўппончамнинг товуши уларники билан қоришиб кетарди.

Уларнинг тағин иккитаси жон таслим қилди. Буни кўрган шериклари ўқ отишга тушиб кетишди. Мен дарахт орқасига яшириндим-да, қимирламай ётавердим. Ниҳоят кутганим содир бўлди. Рақибларимнинг тўппончалари чиқиллашдан нарига ўтмай қолди. Шундай эсада, ҳар эҳтимолга қарши, осмонга ўқ узиб кўрдим, жавоб бўлмади. Шундан кейин яширинган жойимдан чиқиб, тез-тез юрганча уларнинг ёнига боравердим. Сафи камайиб, бор-йўғи тўртта қолганди, мени кўриб душманларини енг шимаришди.

Уларнинг ҳам машқи ёмон эмаскан, йигирма дақиқача олишишимга тўғри келди. Ҳатто бир марта елкамдан тепки ҳам едим. Тўғри, ишни кўпга чўзмаслигим мумкин эди. Бироқ анча пайтдан бери яхшилаб чигалёзди қилмагандим. Шунинг учун рақибларимга ҳам оёқларини чўзишларига, бир неча марта ҳавони “дўппослаш”ларига имкон бердим. Рақибларим роса чарчаганидан сўнггина уларни бирма-бир ер тишлатдим. Аямадим. Тўрттасидан иккитаси ўлгани аниқ.

Сўнг ўрмон ичкарасига кириб, ҳали ўзига келмаган Пийяни елкамга олдим. Шу пайт муаммо пайдо бўлди —

саройга Пийя билан бирга боришим керак. Албатта, машинада. Мен эса машинани бошқаролмайман. Пийяни ўзига келтириб, унга ҳайдатсам-чи?

— Сенларга ўзи мутлақо имконият бермаслик керак экан. Мен аҳмоқ... Қара, нима қилдинг, хонавайрон қилдинг мени, — деди Пийя машинани ҳайдаб кетаркан менга қараб хунук илжайиб. У ҳазиллашмоқчи эди, назаримда, лекин ўхшамади. Овози мунгли чиқди.

Боснинг машинаси қайтганлигини кўрган Пийянинг саройдаги йигитлари қуролларини пастга туширишди-да, бизга пешвоз чиқишди. Пийя уларга тикилди. “Қайт! Ўққа тут!” — дея нигоҳи билан шотирларига буйруқ берган бўлса не ажаб? Аммо, кошки эди, йигитлар унинг нигоҳидаги буйруқни илғашса. Қуролларини ерга осилтириб келишаётир. Уларнинг автоматлари ғалати экан: икки қарич, ўқдони узун. Менимча, хийла енгил ҳам бўлса керак. Шундай қалтис вазиятда хаёлимга: “Ўқдонига нечта ўқ кетаркан?” — деган ўй келса бўладими? Келаётган йигитларга ачиниб қарадим. Бекорга ўлиб кетишади. Аммо начора, оқсоқол: “Душманингни сен ўлдирмасанг, у сени ўлдиради”, деган.

Мен аввал узоқроқдаги, сарой эшиги ёнида бизга қараб турган қорани нишонга олдим. Чунки у Ренага яқин эди. Саройга кира солиб, биттагина ўқ отса, тамом...

Тўппонча товушини эшитгач, бизга яқинлашиб келаётган иккала йигит ўзларини ерга ташлашди. Сарой эшиги олдидагиси эса ёнига қулади. Мен Пийя билан баробар машинадан тушдим ва қўлимдаги қуролни унинг орқасига тираб:

— Йигитларингга айт, қуролларини ташлаб, ўзлари четроққа чиқиб туришсин, — дедим.

Пийя буйруқ беришни истамади. Аммо биқинига икки марта туртганимдан сўнг тилга киришга мажбур бўлди.

Йигитлар аввалига унинг буйруғига бўйсунушмади. Қуролларини бизга ўқталганча ётаверишди. Шундан кейин Пийя сўкиниб бақирди-да, буйруғини такрорлади.

Албатта, Пийянинг шотирларида бошқа қурол ҳам борлигига шубҳам йўқ. Кутилмаганда отилган ўқ ҳар қандай одамни нобуд қилиши мумкин. Шу боис, зийракликни

йўқотмай, Пийянинг битта шотирини жуда тез қулатдим. Ёнига боришимиз билан икки оёғи ўртасини мўлжалга олганимда, жон аччиғида инграб юборди. Иккинчисини эса, Сёхэй билан машғулотларни эсга олиб, ағдардим. Буларнинг барига Пийя томошабиндек қараб турди. Ортиқча бирон ҳаракат қилмади.

Ренанинг қўллари қийилиб кетган экан. У занжирдан озод бўлганидан кейин ҳам талай муддат билагини уқалади. Гоҳ-гоҳида менга норозиланиб қараб қўярди. Унинг қарашидан ноқулай аҳволга тушиб:

— Мен билан бирга келмаганингда бўларкан. Қийнаб қўйдим, — дедим.

— Жиннисан, — дея у елкамга бошини қўйди. — Сенинг ўрнингга мен боришим керакмиди? Бунча одамга битта ўзинг туриб беролмайсан, деган ўйда эдим.

— Бу гапларинг билан мени хафа қилаяпсан. Шунча йил бекорга ўтмади-ку, ҳар қалай.

— Лекин барибир тайёр эмассан.

— Биламан, — дедим чуқур нафас олиб, — яна уч-тўрт йил оролда бўлишим керак эди.

— Барибир, ўрганолмасдинг. Ёшинг ўтиб қолган.

Ренанинг кўзларига қарадим: камситиш, менсимаслик сезилмади, бироқ ачиниш бордай эди. Шу ҳам менга оғир ботди. Чунки бировнинг менга ачиниб қарашини истамасдим.

— Манави нусхани нима қилдик? — дедим Ренани чалғитиш учун ёнимда қўллари боғлиқ ҳолда қаққайиб турган Пийяни кўрсатиб.

— Ўзинг биласан.

Бир муддат бошим қотди. Аслида Пийяга нисбатан зигирча ҳам ёмон ниятим йўқ эди. Ундан хафалигимни унутгандим. Агар у йўлимни тўсмаганида, фақат қишлоғимга етиб олишга уринардим. У ярамни янгилаб қўйди. Энди Андрес, Жо, Таскин ва бошқа мен билан бирга бу кимсанинг қўлида ит азоби кўрганлар учун ҳам ўч олишим зарур. Қолаверса, оқсоқолни ҳам ўлдириб, унинг ҳамма бойликларига эга чиқмоқчи бўлди. Демак, ўша қора нияти учун ҳам жазоланиши керак бу мараз. Лекин қай услубда? Шуниси бошимни қотираётганди.

— Юр, — дедим Пийяга қараб, — мен ишлаган жойни кўрсат.

Биз саройдан ташқарига чиқдик. Ҳушидан кетган йигитлар ҳали ўзларига келишмабди. Пийя уларга нафратланиб қаради. Ренанинг юзидан ачинаётгани сезиларди. Мен эса ҳеч қурса учаласидан иккитасини ўлдирмаганимдан хурсанд эдим.

Уммон бўйидаги ер ости иншооти Пийя айтганидек яқин эмаскан. Машинада уч соатча йўл босдик. “Албатта, у ерда ҳам Пийянинг камида уч-тўрт одами бўлиши керак”, ўйладим мен. Чунки шундай даромад келтираётган жойни у қўриқчисиз қўймайди. Эҳтимол, яқинларини назоратга қўйгандир. Шу боис, машинани анча берида тўхтатишни буюрдим.

— Бекор қилдинг, — деди Рена, — у ёқдагиларни чўчитиб қўясан. Яхшиси, яқинроқ борайлик.

Унинг гапида жон бордай. Пийянинг елкасига қўлимни қўйдим-да:

— Ҳайда, — дедим.

— Укам бор. Уни ўлдирма. Энди йигирмага кирди. Сенга ёмонлик қилмаган, — чуқур тин олди Пийя.

— Укангни уларнинг орасидан ажратиб бўларканми? Ажали етган бўлса, ўлиб кетаверади. Балки бирон жойини майиб қилиш билан қаноатланиш ҳам мумкиндр. Бу ёғи сенга боғлиқ. Машина ичидан қимирламаслигинг керак. Уқдингми?

Бу ердагилар бизни хотиржам кутиб олишди. Чунки улар Босс билан бирга кимлар келганини билмасди. Шу сабаб, “тинчителишимиз” осон кечди. Курол ишлатмадик. Учаси тепада оғзи-бурнидан қон оқиб ерга ағанади. Ренанинг қаттиқ жаҳли чиққан, шекилли, биттасининг жағига шунақанги тепдики, бечоранинг оғзидан тиши учиб чиқди. Иккинчисининг эса кўкрак қафасига мушт урди, суягининг сингани аниқ эшитилди. Йиқилиши билан қимир этмай қолган йигит ўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Пийя эса аввалгидек, томоша қилишдан нарига ўтмади. Фақат биз ишни битириб бўлганимиздан кейин:

— Пастга ўзим бошлаб бораман, — деди.

Унинг қандайдир шумликни ўйлаганини сезган бўлсам-да, индамадим. Ер остида аянчли ҳолнинг устидан чиқдик. Пийянинг иккита шотири қоқ суяклигидан мурдан фарқи қолмаган бир бечорани ерга ётқизиб олиб аямасдан тепар, ора-сира қўлларидаги занжир билан уришарди. Улар шу қадар жазавага тушиб кетишгандики, бизнинг тушиб борганимизни пайқашмади ҳам. Бир зум бу ерда ит азобини кўрганларим хаёлимдан ўтди. Ўшанда менинг ҳам мана шу ишчилардан фарқим йўқ эди. Мени ҳам калтаклашганди, шафқат қилишмаганди.

Охирги зинадан ерга оёғимни қўйишим билан югуриб бордим-да, сакраб зўравонларнинг (улар ёнма-ён туришарди) иккаласини баравар товоним билан тепдим. Кутилмаганда теккан зарба уларни қулатди. Бироқ бу билан қаноатланмадим. Зўравонлардан бирининг қўлидаги занжирни тортиб олиб ҳар иккисини савалашга тушиб кетдим. Ўша лаҳзаларда мен буткул ўзимни унутгандим. Кўз ўнгимда чўқмор билан тош майдалаганим, қўлларимнинг қавариб кетгани, калтак еганларим гавдаланар ва бу мени баттар қутуртириб юбораётганди. Агар, Рена келиб, қўлимдан ушлаб қолмаганида, иккала зўравоннинг ҳам бошларини мажақлаб ташлардим.

— Ўлиши шарт эмас, — деди Рена менга қаттиқ тикилиб.

— Й-ў-ўқ! — ўшқирдим мен. — Тилка-пора қиламан! Булар мени қандай азоблашганларини сен билмайсан!

— Лекин мен биламан!

Рена иккаламиз ялт этиб, овоз келган томонга қардик. Бақирган Пийя эди. У Ренанинг нариги томонида, қандайдир ҳалқани ушлаб турарди.

— Яхши биламан, — деди у иржайиб, — ўша азобларнинг ҳаммасини ўзим ўйлаб топганман. Лекин, афсус, ўшанда сувга фарқ қилишим керак эди. Мен сенинг жонингни омон қолдирдим. Мана оқибати! Ярим одамимни қириб ташладинг. Энди ўзинг ҳам итдай ўлиб кетсан!

Мен энди у томонга интилган эдим, Рена елкамдан ушлаб тўхтатди.

— Ҳозир бу ер портлайди. Ҳамма ўлади. Мен ҳам.

Лекин кўп нарсага эришиб қўйганман. Саккизта ўғлим бор. Тўплаган бойликларим уларга етиб ортади.

— Ўзинг ҳам уларга қўшилиб маза қилиб яшашинг мумкин. Биз сенга тегинмаймиз, — деди Рена.

— Шунақа дегин. Ҳаётимда бир мартагина адашдим. Энди адашмайман. Ҳозир манави ричагни тортаман, — деб у ҳалқани кўрсатди, — кейин қорнингдаги боланг ҳам бу дунёни кўришга улгурмайди.

Одамга алам қиларкан. Шунча қалтис вазиятдан омон-эсон чиқиб кетсанг-у, озгина эътиборсизлик оқибатида ҳаётинг жар лабига бориб қолса!

Ўзимни чорасиз ҳис қила бошладим. Лекин ич-ичимдан бир тийиқсиз куч бош кўтарарди. Ўзимга-ўзим: “Қутулиб кетасан, чораси бор. Қидир!.. Қидир!..” — деб қайта-қайта такрорлардим. Рена бўлса Пийяга тикилиб қолди. Рашким келди, жаҳлим чиқди. Бироқ иложим қанча? Пийя бирдан кўзини Ренадан олди.

— Менга бу ҳунаринг ўтмайди! — дея бақирди у ва бор кучи билан ҳалқани тортди. Аммо унинг истагани амалга ошмади. Ҳалқани тортиб ололмади. Пийя икки қўллаб ҳалқага ёпишди. Ёнгинамда турган Рена гўё кушдек учиб, унинг нақ белига тепди.

— Имм! — дея инграб юборди Пийя, аммо шунда ҳам ҳалқани қўйиб юбормади. Буни кўрган Рена уни силтаб деворга ёпиштирди. Энди мен тезда уларнинг ёнига етиб, Пийянинг жағидан ушлаб бўйнини қайириб синдиришим лозим эди. Пийя ўлаётганида инграмади. Деворга қапишган кўйи бўшашди. Ўтириб қолди, сўнг ерга ағанади.

Ўлганларнинг чеҳраси чиройли бўлади, деб эшитган эдим. Ҳаммада шундай бўлса керак, деб ўйлардим. Аммо бунақа эмаскан. Пийянинг башарасига одам қараб бўлмасди. Нафақат кўнгилда кўрқув, балки жирканиш ҳам уйғотар экан.

Ренага ўгирилдим-у жилмайдим ва бурнидан чимдиб:

— Ёмонсан, — дедим.

— Қара, — деди Рена, — ҳалқа ўз-ўзидан ечилаяпти.

Мен девор томонга юзландим. Дарҳақиқат, ҳалқа аста-

секин девордан узоқлашар, қозикқа ўхшаш темир худди кўкараётгандай чиқиб келарди.

Уни бор кучим билан тусиб қолишга уринарканман:

— Ҳаммани тепага олиб чиқ! — деб қичқирдим Ренага.

У жуда тез ҳаракатланарди. Ишчиларни тепага чиқариб юбораркан, менга хавотир билан боқар:

— Эҳтиёт бўл!!! — деб тинимсиз такрорларди.

Кўркувдан кўзлари олайиб кетган ишчилар шовқин-сурон билан тепага кўтарила бошлашди. Пешонамдан тер куйилиб келар, жон-жаҳдим билан қозикни итаришимга қарамай, кучим етмаётганди, қозик аста-секин силжиб келаётганди. Билмадим, қанча вақтда портлаш юз беради? Ҳамма чиқиб улгурадими? Мен-чи?

Албатта, ҳали ўлгим келмас, қилишим керак бўлган ишларим жуда кўп эди. Қишлоғимни, отам ва укаларимни қаттиқ соғингандим.

Аслида Рена билан бирга чиқиб кетсам бўларди. Лекин одамларни кўрганимда Жо, Андрес, Конг ёдимга тушиб, булар ҳам қадрдондек кўриниб кетган эди.

Калтаклар зарбидан сулайиб қолган ишчининг тепага чиқиши қийин бўлди. Бошқаларида мадор қолмаганди. Шу боис, уни олиб чиқиш қийин кечди. Ҳомиладор бўлишига қарамай, Рена ҳам ёрдамлашди.

Ниҳоят ер остида ҳеч ким қолмагач, ҳалқани кўйиб юбориб, сакраб зинага чиқдим-да, юқорига интилдим. Чиқдим. Портлаши керак бўлган жойдан ўн қадамча узоқлашишга ҳам улгурдим. Лекин ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади. “Пийя алдаган экан-да”, деган хаёлда Ренанинг тортқилашига қарамай, тўхтаб ортимга бурилганимни биламан, шунақанги гумбурладики, икки метрча нарига отилиб кетдим. Устимга чанг-тўзон аралаш бир нарса келиб тушди. Ўрнимдан сакраб турдим. Ерга юзтубан ётганча қимир этмай қолган Ренанинг устидаги тупроқни шоша-пиша суриб ташладим-да:

— Сенга нима бўлди? Тирикмисан?! — дедим ҳовлиқиб кўлидан тортар эканман.

— Тирикман, шекилли, — деди у ва кўли билан бошидаги чангни қоқиб ўрнидан турди.

— Ҳеч қаерингга ҳеч нарса қилмадимиз? Бирон жойинг оғримаяптими?!

— Йўқ. Хайриятки, вақтида чиқиб олдинг, — у бўйнимга осилди.

Биз қайси томондан келганимизни билмасдик. Шу боис, бошимиз оққан тарафга кета бошладик. Рена иккаламиз-ку, юришдан қийналмаймиз, кетаверамиз. Аммо неча вақтдан бери бир шиша вино эвазига (ҳойнаҳой, булар ҳам ароқхўр бўлишса керак) бутун кучини қора меҳнатга бериб бўлган тутқунлар жуда имиллаб қадам ташлашарди (дарвоқе, Пийянинг машинаси ҳам портлашда мажақланиб кетганди). Шу боис, биз анча илгарилаб кетиб, сўнг уларнинг етиб олишини кутар, кейин яна юришда давом этардик.

Тахминан ўрмоннинг ўрталарига етганимизда, занжир билан калтакланган киши жон таслим қилди. Шу ергача шериклари уни навбатма-навбат кўтариб келишаётганди.

Жасадни ўрмон ичига кўмишга қарор қилдик. Бироқ кўмиш ҳам муаммо экан. Ер қазийдиган ҳеч нарса йўқ эди. Дарахт шохлари билан ерни тимдалашга тушдик. Қабр қазिश уч соатларга чўзилди. Жасадни унча чуқур бўлмаган лаҳадга қўйганимиздан сўнг марҳум билан бирга ишлаганлар ўзларича чўқинишди.

Яна йўлга тушдик. Бир соатлардан сўнг ўрмоннинг охири кўрина бошлади.

— Шаҳарга борамизми? — сўради Рена дам олиш учун тўхтаганимизда.

— Ҳа.

— У ерда нима қиламиз?

— Билмадим.

— Манавилар билан бирга юраверамизми? — деди у кўзи билан уч-тўрт қадам нарида ерга чўзилиб, кўзларини юмиб дам олаётганларни кўрсатиб.

— Йўғ-э, булар билан юриб нима қиламиз? Ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Устига-устига, буларнинг аҳволини кўрган полициячилар бошимизни қотиради. Бороверайлик-чи, бир гап бўлар.

Ўша куни биз кўзлаган манзилимизга етолмадик. Ша-

ҳар жуда узоқ экан. Аслида қаёққа кетаётганимизни билмасдик. Менинг шубҳам ортиб борарди.

— Биз, — деди энди ўрнимиздан туриб яна йўлга отланганимизда соч-соқоли ўсиб, кўзлари ичига ботган, ҳамма ёғи кир-чир, паст бўйли киши, — шу ерда қоламиз. Бундан бу ёғига юролмаймиз. Дармонимиз йўқ. Бизни қутқарганларинг учун раҳмат сизларга.

Рена менга қаради. Тўғриси, унинг таклифи менга ҳам маъқул тушганди. Чунки буларнинг борадиган жойи йўқ. Қаердан бир шиша вино топилса, ўша жойни макон қилиб кетаверади булар.

— Ўзларинг биласизлар. Лекин биз кетмасак бўлмайди, — дедим мен.

Қуёш уфққа ботиб, атрофга қоронғилик этагини ёза бошлаган маҳал ялангликнинг ўртасида ёғочдан қурилган бир уйга дуч келдик. Атрофга бир қур назар ташлагач, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан садо чиқмади. Шундай эса-да, бир оз кутдим. Сўнг эшикни итариб кўрдим. Очилмади. Нима бўлса бўлар, деб қаттиқ тепгандим, эшик очилиб, бир томонига қийшайиб қолди. Секин ичкарига кирдик. Тахтадан қилинган полни айтмаса, хонада ҳеч вақо йўқ экан. Орқа томондан туйнук очилган, лекин ром ўрнатилмаган. Қандайдир ёқимсиз ҳид бор. Бунақанги ҳидга қаердадир дуч келгандим, лекин айнан қаердалигини эслаёлмадим.

Аслида, бизга бунинг аҳамияти йўқ эди. Қуруқ полга бўлса-да, ётиб бир амаллаб тонг оттирсак бўлгани.

Рена кўксимга бош қўйди. Чарчоқ зўр келиб, кўзимни юмишим билан ухлабман. Туш кўрдим. Қишлоғимиз, пастқам уйимиз, чорпояда менинг йўлимга кўз тикиб ўтирган отам. Унинг ёнида бошларини ҳам қилиб укаларим туришибди. Яна иккита келинчак. Уларнинг бири дастурхон тузаяпти, иккинчиси чойнак кўтариб келаяпти. Атлас кўйлақда. “Ким бўлди булар?” — деб ўйлайман. Укаларим уйланганми десам, улар кўзимга жуда ёш кўринаяпти. Мен кетаётганимда қандай бўлса, ўша-ўша. Негадир ҳамма ғамгин. Нима бўлган уларга, ҳайронман.

Мен отамдан нега бундай ўтирибсиз, деб сўрамоқчи бўлганимда, унинг ўрнида Пийя пайдо бўлди. Қўллари

боғланган. Менга мўлтираб қараб турибди. “Нега жимсан?” — деб сўрасам, индамайди. “Шунча одамингни қириб ташладим. Ўзинг ҳам портлаб кетдинг. Ўшанда ҳам жим эдинг. Сенинг олғирлигинг, одамларга зуғум ўтказиб роҳатланишинг, ожизларни ишлатиб уларнинг устидан кулишинг қаёқда қолди? Бу аҳволингни кўрган одам қўй оғзидан чўп олмаган мўмин экан, деб ўйлайди”, дея сўрайман. Барибир миқ этмайди. Қараб тураверди. Қараши бирам совуқки, этни жимирилатади.

Бир маҳал эсимга оқсоқол берган брильянт тушди. Мени ҳушимдан кетказиб, мана шу бадбахт уни чўнтагимдан олганди. “Қани брильянт?” — деб сўрашим билан Пийя кўздан йўқолди. Мен эса уйғониб кетдим.

Аллақачон тонг отиб, куёш бир терак бўйи кўтарилибди. Мен буни ёнимда Рена йўқлигидан хавотирланиб, ташқарига чиққанимда кўрдим. “Бунақа ухламасдим, қаттиқ чарчабман, шекилли”, хаёлимдан ўтди ва кўз югуртириб Ренани қидирдим. У узоқлаб кетмаган экан. Биз тунаган харобанинг сўл томонида кичкина кундачанинг устига ўтириб ўйга толганди.

Бечорага қийин бўлди. Уйда, оролида тинчгина, ғамқайғудан холи яшаб юрган эди. Агар кўнгилбўшлик қилмаганимда, ҳомиладор бўлиб қолмаганида бу ёқларга келмас, бу оғир кунлар бошига тушмасди.

Ёнига бордим. Елкасидан кучдим. У менга юзланди. Кўп йиғлабди. Чехраси сўлғин, кўзи қизарган. Пешонасидан ўпиб, ёнида бир оз ўтирдим. Сўнг Ренанинг сочларини силаб:

— Оқсоқолнинг омонатини йўқотдим, — дедим.

— Қанақа омонат? — ҳайрон бўлиб менга ўгирилди у.

— Кетаётганимда бир дона брильянт берувди. Пийя бизни ухлатиб қўйганида чўнтагимни титкилаган экан. Уни қўлга туширганимизда қайтариб олиш эсимдан чиқибди... Эсиз, оқсоқолни доим эслаб юраман, деб ўйлагандим. Ҳатто тушимга ҳам кирди.

Рена кийимининг чўнтагига қўлини тикди.

— Шуми? — деди юзида ним табассум билан.

— Сенга қандай тушиб қолди? — сўрадим ҳайратимни яширолмай.

— Пийя ўлишидан олдин унинг чўнтагини титкиладим. Кўлимга бир-иккита қоғоз ҳам илашиб чиқди.

Рена чўнтагидан чиқарган қоғозлар пул эди, бир даста.

— Аслида чўнтаккесар бўлишинг керак экан, — дедим унинг кўлидаги пулларни олиб санарканман.

— Нима деганинг бу?

— Оддий, ўғри.

Гапим ёқмади, шекилли, Рена терс ўтирилди. Уни хафа қилмоқчи эмасдим. Шу боис, маҳкам қучиб, юз-кўзларидан ўпдим.

Шу тахлит талай муддат ўтирдик. Гапим Ренанинг кўнглига қаттиқ ботган экан, қовоғи очилавермади.

— Мен билан келганингга афсусланаёпсанми? — сўрадим ундан.

— Йўқ, — деди у бош чайқаб, — ўтиб кетади.

— Балки қариндошларинг ёнига оборарман.

— Ҳожати йўқ. Улар энди мени қабул қилишмайди...

Яхшиси, кўйлагингни еч. Анави ерда, — у кўли билан чап томонни кўрсатди, — ариқчада сув бор экан. Ювиб бераман. Ўзинг ҳам чўмилиб оласан.

Дарҳақиқат, уст-бошимга қараб бўлмасди. Баданим ҳам кийимимдан-да ирkit.

Сувда чўмилиб чиққанимдан сўнг қуриб, сарғайиб қолган майсазорга чўзилиб осмонга қараб ётдим. Куёш тафти элтиб, ухлаб қолай дебман.

Кўярда-қўймай Ренани елкамга кўтариб олдим. Ҳомиладор аёллар жисмоний меҳнат қилиши мумкин эмас, деб эшитгандим. Бу бечора кеча қанча пиёда юрди. Бунинг устига, асабийлик, тўс-тўполон... Ҳеч қурса, асфальт йўлга чиққунимизча елкамда кўтариб бораё дедим.

Адашмасам, уч километрча юрганимиздан сўнг йўлга чиқдик. Аввалига машина кутдик. Келавермади. Сўнг ўзимизча шарқ томонда шаҳар бор, деб тахмин қилиб кетавердик. Офтоб тепага келган, иссиқ, пешонамдан тер селдай оқади. Ренанинг раҳми келди. Бир неча бор ерга тушир, деди, аммо мен унамадим. Анча юрдик. Бир маҳал орқа томондан мотор товуши эшитилди. Дарҳол Ренани ерга туширдим-да, ўгирилиб қарадим, трактор экан.

Тележкаси ҳам бор. Қўлимни икки ёнга ёзиб, йўлнинг ўртасида туриб олдим.

Ҳайдовчи чапани одам экан, тракторини тўхтатди-да, бақира кетди. Гапига қулоқ солмадим. Жағи тинишини кутдим.

— Бизни олиб кет, чарчадик, — дедим уловини юрғаза бошлаганда тракторчига.

У менга анграйганча тикилиб қолди. Назаримда: “Бу бола аҳмоқ бўлса керак. Шунча вақт бунга нима деб вайсадим-у, бунинг топган гапини қара”, деган хаёлга борди-ёв.

— Сенлар ўзи қаердан келаяпсанлар? — деди тракторчи мендан кўзини узиб Ренага қараб.

— Ошналаримиз билан келгандик. Ўрмонда адашдик. Шаҳарга етиб олишимиз керак. Юравериб оёқларимиз шишиб кетди. Олиб кет, биродар, — дедим юмшоқ гапирришга уриниб.

— Шаҳарга бормайман.

— Ҳеч қурса яқинроғига борарсан.

— Икковинг кабинага сиғмайсан.

— Ҳечқиси йўқ. Тележкага чиқиб оламиз.

— Бўпти, чиқинглар.

Одатда, бесўнақай одамлар кўнгилчан бўлишади. У кабинани тўлдириб ўтирарди. Ёнига нафақат икковимиз, биттамыз ҳам сиғмаслигимиз аниқ.

Трактордан тушиб, яёв юрдик. Кечки пайт шаҳарга кириб бордик. Машиналар тиғиз, уйлар баланд. Одамлар қаёққадир шошади, барининг ташвиши бор. Фақат Рена иккаламиз телбалардай санқиб юрибмиз. Борар жойимизнинг тайини йўқ. Юрагимизда ҳадик бор. Полициячиларнинг кўзига тушмасайдик. Аслида-ку, уларнинг қўлидан осонлик билан чиқиб кетиш осон. Аммо буям ортиқча ташвиш-да.

Юравериб охири бир хиёбонга дуч келдик. Дарҳол илк марта Таиландда бўлганим, хиёбонда нотаниш қизга дуч келганим, у билан бўлиб ўтган ҳангомалар ёдимга тушиб, эзилдим. Чунки ўшанда қора кунларни бошимдан ўтказгандим. Ҳозир-ку, ҳеч қурса, тил биламан, ҳунарим бор. Ўзимни бировга хафа қилдириб қўймайман. Лекин

ўшанда ожиз эдим, мисоли гўдакдай. Агар она ўз ихтиёри билан кўкрак тутмаса, очликдан ўлиб кетадиган даражадаги гўдакдай.

Чироқлар нурида дарахтлари кундузгидан-да гўзал, тароватли хиёбонга кирдик. Бўш ўриндиқ топиб ўтирдик.

— Очликдан қийналмаяпсанми? — сўрадим Ренадан.

— Йўқ, — деди у бош чайқаб, — лекин боланг менинг оч юришимга кўнмайди.

— Бўпти, унда сен шу ерда ўтира тур, мен егулик топиб келаман.

Ренани ёлғиз қолдириб кетиш хавфли эди. Чунки бу ерларда полициячилар кўп изғишини биламан. Бирортаси ундан кимсан, қаердан келдинг, деб сўраб қолса жавоб беролмайди. Шубҳаланиб олиб кетмоқчи бўлишади. Лекин кучлари етмайди, Рена уларни ер билан яксон қилади. Қайтиб келганимда ҳамма ёқда шов-шув, қандайдир қиз полициячиларни обдан дўппослаб қочган, дейишади. Табиийки, Рена мен кетган тарафга қочади. Топса-ку, яхши. Тополмай қолса-чи?

Миямга келган ваҳимали ўйлардан қадамим секинлашди. “Йўғ-э, — дея ўзимни чалғитмоқчи бўлдим, — жа унчаликка бормас. Рена бддий қизлардан эмас-ку, полициячиларга тузук-қуруқ гап топиб беролмаса. Қолаверса, мен узоқламайман. Тезроқ қайтаман”.

Хартугул хиёбондан чиқиб чап томонга юргандим, кичкина дўкончага дуч келдим. Бахтимга фақат егуликлар сотиларкан. Колбаса, пишлоқ, нон ва икки шиша яхна ичимлик харид қилиб, ортимга қайтдим.

Рена хаёлга ботиб ўтирарди, ёнига борганимни ҳам сезмади. “Бечорага қийин бўлди. Ҳар қалай, туғилган гўшасини ташлаб, тайини йўқ одам билан бирга кетиш осонмас”.

— Сиз билан танишсам бўладими? — ҳазиллашдим унинг қаватига ўтирарканман.

Рена кулди. Бошини елкамга қўйди. Чуқур нафас олди.

— Мен сендан хавотир олдим.

— Мен ҳам, — жавоб қилди у.

— Мана, егулик олиб келдим. Икки кундан бери туз тотмадик. Қани, бир ақула бўл-чи.

— Нега акула?

— Чунки у дунёдаги энг очофат жонзот.

Кулишдик. Сўнг хузур қилиб овқатландик. Қорнимиз тўйгач, хиёбонга ичкариладик. Одам кам, кўздан пана-роқ жой излаб, топдик. Бахтимизга, бу ердаги симёғоч-нинг чироғи ёнмаётган экан. Куйиб қолган бўлса керак. Ўриндиққа Рена иккаламиз ёнма-ён ўтирдик. Талай муддат гурунглашдик. Сўнг Рена ухлаб қолди. Мен эса ўтган тунда кўрган тушимнинг таъбирини ўйлай бошладим. Қанақасига ўйламай, уйдагилар менга аза очган бўлишса керак, деган фикрга келардим. Ахир, орадан қанча йил ўтиб кетди. Балки аввал мени роса қидиришгандир. Эҳтимол, менинг сарсон-саргардон бўлиб юришимга сабабчи бўлган падар лаънати Индиранинг уйига ҳам боришгандир. Отам кўзлари мўлтираб, мени ўша айёр хотиндан сўрагандир... Сўраганда нима? Индира соддагина одамни лақиллатолмаса нима қилиб юрибди? Қочиб кетди, дейди. Тузимни еб тузлуғимга тупурди, дейди. Мендан анча қарзи бор, уйимда ташвиш чиқиб қолди, танишларимдан бериб юбораман, деган дейди. Шу билан соддагина, бечорагина отамнинг бўйнига бир дунё нарсани қўйиб қайтариб юборади. Отам шўрлик менинг қарзимни тўлайди. Қўни-қўшнилardan пул олади. Уйдаги сигирни сотади. Ишқилиб, амал-тақал қилиб оз-оздан бўлсаям... Омон-эсон борай, ўлдираман у тўнғиз қўпгурни, анави суюқоёқ Нигораниям тирик қўймайман...

Хўрсиндим, кўзимда ёш қалқди. Отамнинг хор бўлиб, ҳар кимнинг эшигида пул сўраб юрганини ўйлаб ўрнимдан тура-сола югуриб кетгим келди...

Рена чўчиб тушди ва бирдан тиззамдан бошини олди.

— Ухла... Ухла, — дедим шошиб.

— Сув тушгандай бўлди, — деб у юзини артди.

— Сенга шундай туйилгандир, ухла.

У қайта тиззамга бошини қўйди. Сочларини меҳр билан силадим. Яхшиямки уйғонди, йўқса ўйга чўмиб қанча эзилардим, билмайман.

Эртасига хиёбондан чиқиб кетдик. Ётиб туриш учун ижарага уй олишимиз, сўнг иш топишимиз керак эди.

Ахир шунча йил йўқолиб кетганим камдек, тагин уйга қуруқ қўл билан бормайман-ку.

Кечга яқин шаҳарнинг чеккасидан ғарибгина кулба топдик. Бир қари кампир ёлғиз ўзи яшар экан. Аввалига унамади. “Бир ўзим кўникиб қолганман. Оромимни бузасанлар”, деди. Шунда Рена уни қўлтиқлаб, бир оз нарига етаклаб борди-да, бир нималар деб тушунтирди. Шундан кейин кампир рози бўла қолди.

Кулбада иккита хона бор экан. Биттасида кампир, иккинчисида Рена иккаламиз яшайдиган бўлдик. Ойига икки юз долларга келишдик.

Кечки пайт кампир бизни меҳмон қилди. “Бошқа хотамтойлик қилмайман, — деди у. — Биринчи гал яқинроқ танишиб олайлик дедим-да”.

Овқатланиш баҳонасида гурунглашиб ўтирдик. Кампирнинг айтишича, эри билан қирқ йил турмуш қуриб фарзанд кўришмабди. Шунда ҳам бир-бирини яхши кўрганликлари учун яшайверишибди. Кампир тўқувчилик фабрикасида ишлар, эри эса аравада одам таширкан.

— Раҳматли бир умр арава судради, — деди у кўзига ёш олиб. — Ёшлигида чаққон, чайир эди. Автобусдан ортда қолмасди. Йўловчиларни бир зумда айтган жойига обориб қўярди. Кунига уч юз-тўрт юз доллар топган пайтлари ҳам бўлган. Чет элдан келган бойваччаларни шаҳар айлантларди.

Кампирнинг шу гапидан сўнг Рена менга маъноли қараб қўйди.

— Арава қаерда? — сўрадим кампирдан.

— Сақлаб қўйибман. Шўрликдан ягона эсдалик, мерос.

— Менга бериб турмайсизми? Ишсизман. Иш топгунимча эрингизнинг касбини қилиб турардим.

— Бераман, — деди кампир ҳеч иккиланмай, — хотиннинг ҳомиладор экан. Ишинг бўлмаса, қандай боқасан? Лекин бир умр аравақашлик қилиш ярамайди. Охирги пайтларда эримнинг оёқлари шишиб кетганди. Ўзиям, шундан ўлди... Араваниям ижарага бераман. Ойига эллик доллар тўлаб турсанг, етади. Албатта, бошида. Озроқ пул йиғиб олгунингча. Кейин юздан берасан.

Бажонидил рози бўлдим. Ажабмас, менинг ҳам омадим келиб, чет эллик бойваччаларни шаҳар айлантирсам.

Шу куни маза қилиб ухладим. Тонг отиб, қуёш энди чиқиб келаётган паллада кампир уйғотди. Ҳовлига чиқсам, арава тайёр турибди.

— Бўл тез, — деди кампир, — ҳозир ҳамма ишга боради. Автобуслар тиқилинч. Йўлда машина кўп. Ишга етиб боргунча икки-уч соат ўтиб кетади. Аравангни чоптириб тортсанг ярим соатда етиб олишади.

Рена билан хайрлашиб, аравани судраб чиқиб кетдим. Кампир ҳақ экан. Марказий кўчалар машиналарга тўлиб кетган, битта чорраҳадан ўтиб олгунча кўп вақт кетади. Мен бўлсам, йўлакдан кетавераман. Дарвоқе, менга ўхшаб арава судраб юрувчилар ҳам бисёр. Эътибор қилсам, аксарияти чет элликлар.

Биринчи мижозим қоп-қора костюм-шим кийган, оппоқ кўйлагининг ёқасига бўйинбоғ таққан, дипломатли ўттиз ёшлардаги йигит бўлди. Унинг ишхонасига етгунимизча саккиз километрча юрдим. Юрмадим, югурдим. Мижозим инжиқ одам экан. Ҳар сонияда: “Кечга қолаяпман, тезроқ югур”, деб қичқириб турди. Лекин яхшигина пул берди.

Тушдан кейин битта олифта қизни шаҳар айлантирдим. Ўзиям талтайган экан. Лабига Гавана сигарасини қистириб олиб, араванинг юмшоқ ўриндигига ястаниб ўтирди-да, суқланиб шаҳарни томоша қилди. Уч соатлар чамаси олиб юрдим. Югурмадим. Шаҳар катта, адоғи кўринмайди, унинг бўлса ҳали у кўчага, ҳали бу кўчага киргиси келиб қолади. Ишқилиб, адашиб кетмайин, уйни тополмай сарсон бўлмайин, деган ўйда ҳар бир иморат, дарахт, йўл бўйидаги белгиларга эътибор бераман.

Кечга бориб, оёқларимдан дармон кетди. Юришга ҳолим қолмади. Ижара уйга зўрға судралиб етиб олдим. Рена аҳволимни кўриб йиғлаб юборай деди.

— Оқсоқол маромига етказолмаган экан, — деди оёқларимни уқалар экан.

Бирдан жаҳлим чиқди. Ахир, темир эмасман-ку. Тирик жон бўлганимдан кейин чарчайман-да. Бироқ Рена-

га ҳеч нарса демалим. Қовоғимни уйиб қараб қўйдим, холос.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб шаҳарни анча билиб олдим. Эътибор қилсам, аравакашлар кўпинча эски, тарихий иморатлар, сайилгоҳлар атрофида туришаркан. Чунки бу ерларда сайёҳлар кўп айланиб юришаркан. Улар маҳаллий аҳолига нисбатан тузукроқ кира ҳақи беришади, албатта. Бироқ бу жойларнинг эгалари бор экан. Дастлаб мени турткилаб кўришди. Учаси бараварига калтак еганидан сўнг унлари ўчди. Ўшандан кейин топаётган пулим ҳам кўпайди.

Орадан тўрт ой ўтди. Ренанинг ой-куни яқинлашган, мен фақат эрталаб чиқиб аравакашлик қилиб келардим. Бир куни анча вақтдан бери қидириб келаётган одамларимдан биттасини учратдим. У олтмиш ёшларда, шляпа кийиб олган, кўзойнак таққан, юзи ниҳоятда совуқ эди. Аравага минаётганида кўйлагининг кўкрак чўнтаги устида олтита нуқта борлигини кўриб қолдим. Агар бу нуқталар бирлаштирилса, қиррали шакл ҳосил бўларди. Ичимда аллақандай ғалаён кўзғалди. Ҳаяжонланганимдан оёқ-қўлим титраб кетди.

— Ибодатхонага ҳайда, — деди у араванинг юмшоқ ўриндиғига астойдил ўрнашиб олганидан сўнг. “Ибодатхона” деган жойни икки марта кўргандим. Шаҳарнинг жануби-шарқида. Одамлар ибодат қиладиган жой эмас. Қайсидир миллиардернинг уйи. Айтишларича, у Европадаги қиморхонага бир киргандаёқ миллиардер бўлиб чиққан экан.

Тахминан икки гектарча жой оқ мрамор қопланган девор билан ўралган. Дарвозасини кўрсангиз, нақ оғзингиз очилади. Шунақанги чиройли безак берилганки, таърифига тил ожиз. Иморати жуда баланд.

Мижозни дарвозагача олиб бордим. Бирон соатлар вақт кетди. У тушаётиб садақа бергандай битта эллик долларни башарамга отиб юборди. Орқасидан ғазаб билан қараб қолдим. Бироз туриб қолдим, шекилли, дарвоза ёнидаги қора кўзойнакли, костюм-шим кийган иккита барзангидай негр безовталанди.

— Нима қилиб турибсан, қани, пешонангдан дарча

очиб қўймасимиздан жўнаб қол-чи! — деб бақирди. Шунда ўзимга келиб, аравамни судраганча ортимга қайтдим.

Талай муддат ўзимга келолмай юрдим. У мени одам қатори кўрмагани, қолаверса, чўнтаги устидаги олти нуқта хаёлимни бузган эди. Ич-ичимни нимадир кемирарди. Уйга бориб Ренанинг ҳолидан хабар олгач, чиройли кийиниб, сочларимни тараб, ортимга қайтдим. Худди аввал бу ердан кўп юриб ўтгандай дарвоза ёнидан ўтаётгандим, ўша мен аравада олиб келган олти нуқтали тамғаси бор одам икки киши билан гаплашиб чиқиб қолди. Мен бу пайт дарвозанинг тўғрисиغا етгандим. Орадаги масофа жуда қисқа эди. Башанг кийимда у мени танимаса керак деб ўйлагандим, лекин зеҳни ўткир экан, бир қарашдаёқ аравакашлигимни билиб, қоровул йигитларга шивирлаб бир нарса деди.

— Тўхта! — қичқирди барзангилардан бири.

Ўзимни эшитмаганга олиб йўлимда давом этавердим.

— Отиб ташлайман, тўхта! — такрорлади ҳалиги йигит.

Ноилож тўхтадим. Ўгирилиб у томонга қарадим-да илжайдим. Қоровул йигитлар югуриб келишиб, бири қўлимдан ушлади, бошқаси биқинимга тўппончасини тиради.

— Юр бу ёққа! — дағдаға билан дарвоза томонга тортқилашди.

Шу туртки менга керак эди. Уларни нега, нима учун, деб сўроққа тутиб ўтирмадим. Ғўдайиб иягимни бироз кўтариб қоровул йигитлар билан ёнма-ён, хўжайини билан унинг иккита таиландлик шеригининг ёнига бордим.

— Сен, — деди мен аравада олиб келган киши, — кимсан?

— Одам, ҳаммага ўхшаган одам, — жавоб қайтардим жиддий қиёфада.

— Ҳаммага ўхшамайдиган кўринасан... Қаердан келгансан?

— Прокурормисиз?

У қоровулларга юзланди. Шунда лаблари билинар-билинемас учаётганини сездим.

— Ичкарига олиб киринглар, — деди у.

Бунақанги кошонани биринчи кўришим. Қасрнинг ўзи.

Дарвозадан кираверишда, йўлакнинг икки чеккасида бўйи икки метрдан сал зиёдроқ келадиган, хушманзара арча кўкариб турибди. Арчаларнинг оралиғида фавворачалар отилиб турибди. Фавворалар оппоқ мрамрдан. Бир-бирига ўхшамайдиган турли шаклларда. Ундан нарида оқ, қизил, сариқ, пушти рангли атиргуллар очилган, кўзингизни ўйнатади. Гулларнинг орқа тарафи қўм-кўк майсазор. Рўпарада эса уч қаватли, оппоқ ҳашаматли қаср ғоздек кўкрак кериб турарди. Унга етгунча ҳар эллик метрда битта қора костюм-шимли қора кўзойнак таққан йигит турибди, улар бизга диққат билан разм солар ва қўлларисидаги аппаратга бир нарсалар деб қўйишарди. “Адашдим-ов. Қоровулларнинг кўплигини қара. Жуда катта амалдор ёки президентнинг уйига келиб қолганга ўхшайман”, деб ўйладим. Қолганини ўша пайтда кўришга имкон бўлмади, аланг-жалаң қилаверсам, қоровулларни чўчитиб қўйишим мумкин эди. Қаср ёнидаги йигитлар, мени бошдан-оёқ кўриқдан ўтказишгач, йўл бўшатишди. Қасрга киришни жуда истаётгандим, ammo насиб этмади. Гўзал нақшлар билан безатилган, деворига мос оқ рангли эшикка яқинлашишимиз билан ичкаридан бошига кепка кўндирган, оддий жигарраң футболка ва калта шим кийган, қўлида аждарбош ҳассаси бор, лабига Гавана сигарасини қистирган, кўзи қисик бир киши чиқди. Уни кўришлари билан ёнимдагиларнинг ҳаммаси таъзим қилишди. Мен безрайганча туравердим.

— Ким бўлди бу нусха? — деди калта иштонли ҳассасини менга ниқтаб.

Олти нуқта (мен аравада шу ерга олиб келган одамга шундай лақаб қўйгандим) ўзига ярашмаган ҳалимлиқ билан эгилиб, калта иштоннинг қулоғига пичирлади. Калта иштон сигарасини қўлига олиб, оғзидан тутун чиқардида:

— Шунини менинг ёнимга олиб келдингларми, чиқиндихонага олиб бориб бўлаклаб ташланглар, тамом, — деди.

Унинг гапи тугар-туғамас тансоқчилар қўлимни қайиришди.

— Одамларингиз билан биттага битта уришмоқчиман,

— дея вазиятдан чиқиб кетиш учун уриндим. Аслида шундоғам тансоқчиларни ер тишлатишга кўзим етиб турибди, аммо менга бошқа нарса керак эди. Яъни одам-хўрларни топиб, йўқ қилиш. Негадир охирги пайтларда шу фикр миямга ўрнашиб қолганди. Шундай қилсам кўнглим жойига тушиб, уйга Ренани олиб бемалол кетишим мумкин, деб ўйлардим.

— Қўйворинглар, — деди калта иштон шотирларига. Сўнг менинг ёнимга иржайиб яқинлашди-да, кўксимга аждарбош ҳассасини тиради, — агар иккитасига кучинг етса, мен сени қўйиб юбораман. Балки йигитларим сафига қўшиб ҳам оларман. Маъқулми?

— Келишдик, — жавоб қилдим жилмайиб.

Биз мактаб спорт залига тенг келадиган жойга бордик. У ерда йигирмадан зиёд оқ иштон, оқ яқтак кийган йигитлар каратэ билан шуғулланишаётган экан. Калта иштон эшикдан кирган ҳамон улар саф тортиб, барава-рига таъзим бажо келтиришди. Калта иштон ҳассасини дўқиллатиб, бир-бир қадам босганча уларнинг ёнига бориб, ҳар бирига синчков назар солиб чиқди ва ориққина бир йигитнинг қўлидан ушлаб ўртага етаклаб чиқди.

— Ҳов! — дея менга қараб бақирди калта иштон, — тўғриси айтсам, сенга раҳим келаётганди. Шунинг учун манавини танладим, — у шундай деб каратэчи йигитни аждарбошли ҳассаси билан кўрсатди: — Қонун битта! Бир киши жон таслим қилиши керак!

Хўжайиннинг гапидан ҳамма руҳланиб кетди, шекилли, залдагилар қийқиришди. Биргина мен жим эдим. Биргина мени рақибимнинг бевақт ўлиши қийнаётган эди.

Калта иштон четга чиққанидан кейин аста-аста қадам босиб, рақибим томон юриб бора бошладим. Аммо душманнинг бунчалик имиллашимга сабри чидамади. Мен томон югуриб келиб сакради. Сакрашга сакради-ю, лекин ерга юзтубан йиқилди. У иккала қўли билан хотини ушлаганча инграрди. Тўғриси, уни чарчатгим келмади. Шу боисдан энгашиб, оёқларини устимдан ўтказиб юбориб, хотига мушт туширгандим.

Залдагилар жим бўлиб қолишди. Оғриқ зўридан инграётган йигитнинг овози эшитиларди, холос.

- Ўлдир! — буйруқ берди калта иштон менга ўқрайиб.
- Энди бу менга қасдланди, соғайгач яна уришаман.
- Унгача тирик қоламан деб ўйлаяпсанми?
- Ҳали ўлиш ниятим йўқ.

Шундай дейишим билан сафда турган оқ яктаклилардан бири ўртага югуриб чиқди. Бу боягисига нисбатан анча қорувли эди. Турқи ҳам совуқ. Важоҳатидан еб-ютгудек. Бунақанги қизиққонлик билан уришиб бўлмайди. Ҳали ҳеч нарсани билмайдиган, оддий одамларга нисбатан куч ишлатса айни муддао-ю, лекин устаси фарангларга бор хунарини ошкор қилиб қўйганини ўзи ҳам сезмайди.

Рақибим жангни менинг оёғимга тепиб ағдаришдан бошламоқчи бўлди. Унинг бу усулни қўллашини ҳали ҳаракати бошланмасдан сезиб турардим. Шу боисдан ҳам, у энгашиб товони билан зарба йўллаган маҳалида мен ҳавога сакраган ва унинг башарасига тепиб улгургандим. Рақиб йиқилди, қимирламай қолди. У ҳушидан кетган эди. Унинг аҳволини кўрган шерикларидан бир йўла учтаси ўртага югуриб чиқишди ва менга бирдан ҳамла қила кетишди. Беш сонияда учаласини ҳам ерга чўзилтирдим. Аммо навбатдаги тўртта каратэчи билан узоқроқ уришдим. Чунки улар тез ташланишмади. Гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб жанг қилмоқчи бўлишди. Менинг бировни ўлдириш ниятим йўқ эди. Устозим: “Мусулмончиликда одам ўлдириш энг оғир гуноҳ ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай шароитда одам ўлдиришдан қочиш лозим. Афсуски, буни жуда кеч билдим. Энди қандай покланиб оламан, ёлғиз худога аён”, деган эди. Албатта, ҳар сафар мен унинг айтганларини бажаришга уринаяпман. Бироқ тўла-тўкис уддасидан чиқолмаяпман. Мана ҳозир ҳам шундай бўлди, тўрт каратэчининг охиргиси ўлди. Қуллоғининг орқасига зарба бераётганимда, мўлжалдан озгина адашибман. Томири ёрилиб кетди.

Каратэчиларнинг навбатдаги гуруҳи мени қуршаганида калта иштон уларни тўхтатди. Унинг овозини эшитган оқ яктаклиларнинг ҳаммаси аввалги жойларига бориб

туришди. Бироқ кўзларидан ўт чақнар, қуйиб берса, мени тилкалаб ташлагудек шаштлари бор эди.

— Сен менга ёқдинг, — деди калта иштон ёнимга келиб, — боппадинг. Тўғрироғи, шарманда қилдинг. Албатта, бунинг учун сен айбдор эмассан. Манави итдан тарқаган айбдор.

У ҳассаси билан бўйи икки метр келадиган, ҳар елкасига битта одам бемалол ўтирса бўладиган, бургут кўз, қирра бурун, қора белбоғ таққан каратэчи йигитни кўрсатди. Худди шу маҳал тансоқчилардан бири югуриб унинг ёнига келди-да, қўлига тўппонча тутқазди. Мен уни тўхтатмоқчи бўлдим, бироқ оғиз очишга улгурмасимдан калта иштон басавлат йигитга тўппончасини тўғрилаб тепкини босиб юборди. Умрим бино бўлиб одам танасидан қон фавворадай отилиб чиққанини биринчи кўришим. Ўқ йигитнинг нақ юрагини тешиб ўтди, шекилли, қон резина ичакдан сув пуркагандай отилди. Калта иштоннинг кўйлаги ҳам қип-қизилга бўялди. Бундан жони чиқиб кетган калта иштон яна тўрт маротаба унга қарата ўқ узди. Унинг важоҳати қўрқинчли эди. Мен бошқаларни ҳам отиб ташлашидан чўчиётгандим. Ҳатто ўзимга ўқ учиши мумкин эди. Ахир, бундай одамлар жаҳл отига бир минса, уларни тўхтатиш қийин бўлади. Ҳартугул, унга инсоф берди, қўлидаги қуролни четга отиб юборди-да, ташқарига йўналди. Мен эса унинг шотирлари олди-га тушдим.

Калта иштон қаттиқ асабийлашган экан, сигарасини чуқур-чуқур тортарди. Афтидан, яқин орада бундай ютқазмаган бўлса керак.

— Сен нима мақсадда келдинг? — сўради у ёнига боришим билан.

— Ҳеч қанақанги мақсадим йўқ, шунчаки ўтиб кетаётган эдим, — жавоб қилдим мен.

— Шунчаки дегин. Менинг уйим атрофида-я? Бу кўчанинг охири берк. Бу ерда юриш мумкин эмас.

— Биринчи эшитишим.

— Бегонага ўхшайсан.

— Узоқдан келганман. Сизнинг йўлингиздан ўтиш мум-

кин эмаслигини билмагандим. Чиройли жойлар экан, айлангим келди.

Калта иштон иржайди, бу билан мақтовга суяги йўқлигини билдириб қўйди. Менимча, анави олти нуқтали бекорга бунинг атрофида ўралашиб юрмаган. Ожиз жойини топган ва фойдаланиш ниятида.

— Бунақанги жой ер юзида битта, такрори йўқ, — деб хурсандлигини янада ошкор қилди калта иштон.

— Шунини билганим учун ҳам келдим-да. Эгаси ҳеч бўлмаганда томоша қилишга рухсат берар.

— Сен менга ёқиб қолдинг. Исминг нима?

— Нармакур, — дедим калламга келган биринчи сўзни айтиб, тўғриси, исминини айтиш ниятим йўқ эди.

— Тушунмадим, — деди у пешонасини тириштириб, — ҳеч бунақанги исминини эшитмаган эканман, миллатинг нима ўзи?

Бироз каловландим. Ўзбеклигимни ошкор қилсамми-йўқми, деган ўйга бордим.

— Нима, эсингдан чиқариб қўйдингми?

— Йў—ўқ, — дедим чўзиб, — мен асли битта миллат вакили эмасман. Шунга қайси бирини айтсам экан деган хаёлда эдим. Майли, отам тарафдан барлос.

— Қизиқ миллатинг бор экан, менинг исминини Живаку. Мана, танишиб ҳам олдик. Хўш, келишганимиздай менга хизмат қиласанми энди? Айтиб қўяйин, ҳали бирорта одам текширувларсиз олинмаган. Сен биринчи бўлаялсан, бу жуда катта гап. Яна тўғридан-тўғри менга тансоқчи бўласан. Демакки, кимлигингни билмасдан туриб жонимни қўлингга топшираяпман. Хўш, нима дейсан?

У айни кўнглимдаги гапни айтган эди. Лекин таклифни бирданига қабул қилолмасдим. Буни унинг ўзи ҳам сезиб турарди. Шу боис, жавобимни кутиб ўтирмасдан:

— Бир кун муҳлат, ўйлаб кўрарсан, — деди.

— Тўғри йўл шу, менимча.

— Аравага кимнидир ортиб юрганингдан кўра ёнимда кайф-сафо қилиб яшаганингга нима етсин? Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Сен шунча истеъдодинг билан арава тортиб юрсанг, ярашмайди. Уни анави залда чўзилиб қолганлар тортсин.

Шу билан Живаку иккаламизнинг суҳбатимиз тугади. У аждарбошли ҳассасини бир кўтариб қўйди-да, ортига бурилиб қасрга кириб кетди. Мени дарвозагача тансоқчилар кузатиб қўйишди. Кўчада эса қоровуллардан бири ён чўнтагидан бир даста бели букилмаган юз купюралик доллар чиқариб берди.

— Керак эмас, — дедим унинг қўлини итариб, — мен пул учун келганим йўқ.

— Менинг тирик юришимни истайсизми? — деди у бироз ранги оқариб.

— Нимайди?

— Олмасангиз, мени ўлдиришади.

Демак, олишим шарт. Бу, табиийки, мени Живакуга қарам қилиб қўяди. Лекин шу билан бирга унга янада яқинлашаман-ку!

Пулни чўнтагимга солдим-да:

— Раҳматимни етказиб қўйишни эсингиздан чиқармасиз, — дедим жилмайиб.

Живакунинг қароргоҳидан бироз узоқлашганимда ортимдан кузатишаётганини пайқаб қолдим. Шундай бўлишини кўнглим сезганди. Адашмабман. “Шошмай тур, паразит, пойлаб юриш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяйин”, деб ўйладим, ва яширинишга қулай жой қидира бошладим. Бу ерларда “йўқолиб” қолиш ҳеч гапмас, бир лаҳза кўздан қочирсанг тамом, қайтиб тополмайсан. Чунки чумолидай ҳамма ёқни одам босган.

Йўл бўйидаги қаҳвахоналардан бирига кирдим. Аввал ҳам бу ерда бир икки-марта тушлик қилгандим. Бу жойнинг иккита эшиги бор. Биттасидан кириб иккинчисидан, орқа томонидан чиқиб кетаверишинг мумкин. Шу ерда орқамдан кузатиб келаётганлар лаҳқа тушишди. Менимча, яна битта эшик борлигини улар билишмаса керак, билишса-да эсларидан чиққан, чоғи. Аввалига: “Менинг чиқишимни кутиб тураверишсин. Қани, қанча кутишаркан?” — деб ўйлаган эдим. Сўнг ниятимдан қайтдим. Секин қаҳвахонадан кўзларини узмай турган иккита йигитнинг ортидан бордим-да, бараварига иккаласини ҳам қўлидан ушладим. Бечоралар чўчиб тушишди.

— Мен ортимдан кузатадиганларни ёмон кўраман, — дедим уларга.

Иккисининг ҳам ранги ўзгарди.

— Кечирасиз, биз сизни танимаймиз, шунчаки туриб-миз бу ерда, танишимиз келиши керак эди, — деди чап тарафимдаги йигит.

— Шунақами? Майли, унда кутаверинглар. Лекин мен сизларни огоҳлантирдим. Келишдик-а!

Аслида уларни ўша жойнинг ўзида бир ёқли қилиб кетишим керак эди. Чунки улар барибир ортимдан тушишади. Икки юз қадам юрар-юрмас бунга амин бўлдим. Жаҳлим чиқди. Живаку билан ҳамма нарсани келишиб олган бўлсак, буларга бало борми?

Бу сафар мушук-сичқон ўйнаб ўтирмадим. Шартта ортимга ўгирилиб улар томон тўғри боравердим. Кузатувчилар мени кўришлари билан, ўзларини худди гаплашаётган одамлардай тутишди. Ёнларига етишим билан, ҳеч қанақанги гап-сўзсиз, бирининг жигарига, иккинчисининг жағига зарба бердим. Улар мендан буни кутишмаганди. Келиб, бизга: ортимдан кузатганларни ёмон кўраман, деб айтади-ю, яна изига қайтади, деган хаёлга боришган. Шу боис, зарба тегиши билан иккисиям ерга гурсиллаб йиқилди. Бирининг дами чиқмай қолди, иккинчиси эса туришга ҳаракат қила бошлади. Орқа миясига мушт туширгандим, жимиб қолди. Албатта, бу воқеа жуда тез содир бўлди, шу боис, гарчи йўлак гавжум эсада, одамлар тўпланишга улгуришмади.

Анча жойгача асабимни жиловлай олмай, ичимда сўкиниб кетдим.

Уйга яқинлашган сайин негадир қўнглим гашланаверди. “Ишқилиб, Рена тинч бўлсин-да”, деган хаёлга бордим. Қадамимни тезлатдим. Бунга ҳам қаноат қилмай, югуришга тушдим.

Эшикни очган ижарачи аёлнинг юзида бир дунё ташвиш. У менга қараб ҳали гапиришга улгурмай, инграган товуш эшитилди. Юрагим шиғ этиб кетди-ю, ўзимни ичкарига урдим. Уй тўрида каравот устида Рена инқиллаб ётар эди. У мен томонга қараб, жилмайди. Ёнига бориб тиз чўкканча:

— Ҳаммаси яхши бўлади, — дедим, бошқа гап тополмаганимдан кейин.

У бошини қимирлатиб тасдиқлади.

Бунгача ижарачи хотин ортимдан етиб келди.

— Дўхтирга олиб борайлик, — дея унга юзландим.

— Хужжатларинг йўқ экан. Қўйишмайди. Менинг ҳам бошим балога қолиб кетади. Илгари бир-икки марта доялик қилганман ўзим. Бош томонига ўт.

Яқин одамнинг қийналишини кўришдан ортиқ азоб бўлмаса керак. Ренага қўшилишиб туққандай бўлдим ўзим ҳам. Бир-икки марта бақириб юборганимни сезмай ҳам қолдим.

Ниҳоят чақалоқнинг чинқиргани эшитилди.

— Ўғил! — деди ижарачи кампир шодон қийқириб ва болани қўлига олиб аввал юқорига кўтарди, сўнг Ренанинг қорни устига бир неча дақиқага қўйиб қўйди. Кейин гўдакни оппоқ чойшаб билан яхшилаб артиб, оғзини онасининг кўкрагига тутди. Гўдак эма бошлади...

Болани кўтариб бошқа хонага ўтдим. У кўзчаларини юмиб ухларди. Кимга ўхшашлигини билиш учун роса термилдим. Лекин у ўзидан бўлакка ўхшамас эди.

Рена қаттиқ чарчаган экан, уч соатлар ухлади. Шу кун иккаламиз ҳам бахтли эдик. Фақат яхши нарсалардан гаплашар, чақалоққа у ўзларида урф бўлган исм, мен ўзбекона исм қидирардик.

— Барибир энди бизнинг юртда яшаймиз, исми ғалати бўлса ҳамма кулади. Яхшиси Ёдгор қўяйлик, — дедим фикримиз бир жойдан чиқавермагач.

— Маъноси нима? — сўради у.

— Бизга сен яшаган оролдан ёдгорлик. Ўша оролни эслатиб туради.

Рена ўйга толди. Бироздан кейин юзига табассум югуриб, бошини қимирлатиб розилигини билдирди.

Эртасига, Живаку билан келишганимиздай, унинг ёнига бордим (Ренага қаёққа кетаётганлигимни айтмадим. Ҳозирча билмай тургани маъқул. Ўйлаиб сути қочиб кетмасин тагин). Аввалдан тайинлаган бўлса керак, унинг қоровуллари гап-сўзсиз кираверишимга рухсат беришди. Қаср ёнига етгунимча бирорта тансоқчи мени тўхтатма-

ди, қаёққа бораяпсан, деб сўрашмади ҳам. Худди ўз уй-имда юргандай, атрофни томоша қилиб бемалол кетавердим. Фақат қаср ёнида, олдинги сафаргидай, иккита йигит бошдан-оёқ текширди. Кейин бироз кутиб туришимни сўрашди.

Йигирма дақиқалардан кейин ичкаридан Живаку чиқиб келди. Кўриниши ўша-ўша. Мен билан илиқ сўрашганидан кейин, сайрга таклиф қилди.

— Сен, — деди у ёнма-ён юриб кетаётиб, — яхши уришаркансан. Лекин кўнглинг бўш. Мен бунақаларни кечирмайман. Йўқ қилиш керак дедимми, демак, айтганим юз фоиз бажарилиши шарт. Чала бўлса, кечирмайман.

— Ҳар қалай, янгиман. Кўп нарсани ўрганишимга тўғри келади.

— Гапинг тўғри, шунинг учун икки кун дарс оласан. Ҳов анавидан.

Мен у кўрсатган томонга қарадим. Бошига шляпа кийган, қорни хиёл чиққан, қора костюм-шимли киши элик қадамча нарида биз томондан кўзини узмай қараб турарди. Бу кечаги кўйлагининг устида олти нуқтаси бўлган, кўзлари айёр боқувчи одам эди. Мен унга бирров назар ташлаб қўйдим.

— Ким сенга устозлик қилган? — сўради Живаку.

— У ўлган.

— Афсус, сенга ўхшаганлар менга кўп керак.

Живаку тўхтаб, аждарбош ҳассаси билан ерга ниманидир чиза бошлади. Мен атрофни бир қур назардан ўтказдим. Ёнгинамизда икки туп арча дарахти бор. Олти нуқтали кимса кўринмай қолибди... Кўнглим ниманидир сезди.

— Ақлли болага ўхшайсан, — деб Живаку менга юзланди.

Худди шу маҳал арча ортидан калта шим кийган, девқомат негр чиқди-да, Живакуга қарата нимадир отди. Мен отилган нарсани мўлжалга етмасидан ҳавода илиб олдим. Қарасам, пичоқ. Негрнинг ўзига улоқтирдим. У ҳам чаққон йигит экан. Энгашиб қолиб пичоқни ўтказиб юборди ва ҳавода сакраб айланиб менинг рўпарамда пайдо

бўлди. Айланиб унинг оёқларига тепмоқчи бўлдим. У яна маҳоратини кўрсатди, вақтида сакради. Шундан кейин яна менинг тўртта зарбам бекор кетди. Тўғриси, бироз ҳаяжонландим. Бунақа бўлиши мумкин эмас. Нимададир хато қилаётгандай эдим. Бесамар ҳаракатимдан негр кулди ва ўзи ҳамла қилишга ўтди. Бир марта оёқ зарбаси кўкрагимга тегди. Ана шундан кейин меники қўзиди, уч қадамча ортга чекиндим. Мени уриб ташлашига қўзи етган негр бор кучи билан ташланди. Худди шу пайтда юқорига сакраб ёнламасига айландим-да рақибимнинг очиқ қолган башарасига тепдим. У йиқилмади-ю, лекин гандираклаб кетди. Бундан фойдаланмаслик хато саналарди. Кекирдагига мушт туширдим. Учинчи зарбани эса икки қошининг ўртасига бердим ва душманним қулади.

— Ўлдир! — деди Живаку.

— Озгина қийналсин. Жонингизга қасд қилган одамнинг осонгина жон таслим қилишини истамайман. Шундоғам ўлади, унгача азоблансин, — дедим мен ва гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай Живакунинг ёнига бордим.

Бу ернинг ҳатто осмонидан қушлар ҳам юрак ҳовучлаб учади. Албатта, негр йигит, Живакунинг жонига қасд қилиш учун келгани йўқ. Улоқтиргани ҳам оддий ёғоч. Фақат пичоқ шаклида.

Синовдан муваффақиятли ўтганим Живакуни хурсанд қилди. Аммо у ҳали синовни бас қилмаганини ич-ичимдан сезиб турардим.

— Сенга, — деди у ҳассасини кўкрагимга теккизиб, — боягина айтдим, гапим икки бўлиши мумкин эмас. Жазога лойиқсан.

Мен дарров ўзимни бир қадам орқага олдим. Кутганим содир бўлди. Ҳассанинг учидан бир қаричча келадиган ўткир тиғ чиқди. Агар жойимдан қимирламаганимда, у кўкрагимни тешиб кирар эди.

— Сен! — деди қошларини чимирган Живаку. — Мен учун ўлишга тайёр бўлишинг керак.

— Лекин бекорга эмас. Сиз ҳали мендан тансоқчи бўлишга рози-розимаслигимни сўраганингиз йўқ.

— Нимага бунақа деяпсан? Менинг итим бўлишгайм жон-жон деб рози бўладиганлар қанча...

— Эҳтимол, лекин мен эмас.

— Ўжар экансан. Қаҳрлансам ўлиб кетишингдан кўрқмайсанми? Мен билан тортишганларни ёмон кўраман.

— Ақлли одамсиз, жаҳлингиз чиққанда ҳам керакли одамларни сийлашни биласиз.

— Бу сафар ҳам омон қолдинг. Юр, мен сенга сийланганларни кўрсатаман.

Биз қасрнинг орқа томонига ўтдик. Кўриб одамнинг кўзи қувнайди: чиройли қилиб қирқилган дарахтлар, кўм-кўк майса, отилиб турган фавворалар, ранг-баранг очилган гуллар, уларнинг шакли, қушларнинг сайрашлари — бундан ортиғи бўлмаса керак. Битта каравотни ташқарига олиб чиқиб, кўзингни юмиб, маза қилиб хаёл суриб ётсанг. Лоф қилиб айтганда, ўн йилга ёшарасан, мен кафил. Негр билан уришганим, Живакунинг кўпол гаплари зумда хаёлимдан кўтарилди. Кўкрагимни тўлдириб нафас оларканман, ўзгача роҳатни туйдим.

— Манави дарахтнинг номини биласанми? — сўраб қолди бироз юрганимиздан кейин Живаку.

— Кўрмаган эканман, — жавоб қилдим соддалик билан.

— Африкадан олиб келганман. Ақлли дарахт. Ҳатто ости кавланган бўлсаям кўкариб кетаверади, ўзиям роса манзарали, тўғрими?

— Чиройли экан.

— Чиройли... Чиройли, — дея Живаку гапимни такрорларкан, пастқамгина, ер бағирлаб ўсган дарахт ёнига бориб, баргини ушлади ва менга юзланиб деди: — Чиройда гап кўп. Одамни маҳлиё қилади-ю, лекин ҳийласи жарга қулатиши ҳам мумкин.

Живаку гапини тугатиши билан дарахт жойидан қўзғалди. Мен ниҳоятда ҳайратландим, аммо буни сездирмаслик учун ўзимни бепарво тутдим. Дарахт сурилди, остидан қопқоқ (йўллардаги канализация оғзини бекитиб турувчи пўлат қопқоққа ўхшаб кетади) кўтарилиб, ўз-ўзидан очилди.

Биз ер остига тушдик. Бу ердаги манзара ҳам тепадагидан қолишмайди. Аквариумларда турли-туман балиқ-

лар сузиб юрибди, деворга катта-кичик, ҳар хил манзаралар, одамларнинг суратлари чизилган картиналар осилган. Қизиғи, на акварумлар ва на картиналар тартиб билан осилган, бари пала-партиш қалаб ташланган. Ер ости “кўргазма зали”нинг ҳам бир жойи тор, бир жойи кенг эди. Умуман, ҳаммасини чамалаб кўрсангиз, бирор уч сотихча чиқади.

— Мен, — деди Живаку тиржайиб, — шу ерга тушсам дам оламан. Табиатда тартиб бўлмайди. Манави балиқлар билан картиналардай айқаш-уйқаш бўлиши лозим. Бу фалсафа. Менинг фалсафам. Қалай, сенга ёқдими?

— Ҳа, — дедим бошимни силкиб, — фақат бир нарсага тушунмаяпман. Тансоқчингиз бўладиган болага буларни кўрсатишнинг нима кераги бор?

Живакунинг башараси тундлашди, менга ўқрайиб, ҳасасини дўқиллатиб ерга урди.

— Нима бўлса бўлсин, — деди у кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб, — бироқ санъатни қадрлаш керак. Бунинг учун одам севишни билмоғи лозим.

Тўғриси, унинг бу гаплари ўзига мутлақо ярашмас эди. Менинг устозим гапирсин эди, бошқалар гапирсин эди — уларга ярашарди. Лекин бу жаллоднинг оғзидан бунақанги гаплар чиқса энсанг қотаркан.

— Экскурсия тугади, — деди Живаку, — юқорига чиқамиз.

Тепада унинг бир йўла ўнта тансоқчиси турарди. Ҳаммасининг қўлида тўппонча. Чиқишим билан қўлларидаги матоҳни менга қаратишди.

— Буниси энди нега керак? — дедим Живакуга қараб.

— Тушуниб оласан. Ақлинг балодай экан-ку, — деб ҳиринглади Живаку ва қаср томон кетди. Шотирлари турткилашиб унинг ортидан юришимни айтишди.

Қасрнинг орқа томонидаги эшикдан кирдик. Оёқ остига мрамар ётқизилган, девори тўқ қизил рангга бўялганди. Ҳавоси ҳам ғалати, нафасни бўғади.

Живаку тўғрига юриб бориб қоп-қора эшикни очди. Унинг ортидан мен ҳам кирдим. Кирдим-у, даҳшатга тушдим. Бу ерда куни кеча мен билан уришган қаратэчи

йигитлар ва ташқарида Живакуга ҳамла қилган негрнинг мурдаси ётарди.

— Гуноҳи менга ютқазганими? — дедим ўликлардан кўз узмай.

— Биларкансан, демак, мен ютқозишни истамайман. Кел бу ёққа, — деб у ҳассасини дўқиллатганча девор ёнидаги иккита курсидан бирига ўтирди. Иккинчисидан мен жой олдим.

— Бу томоша ҳаммасидан ҳам сен учун қизиқ, албатта, — дея Живаку ҳассасининг бошини силади. Шу маҳал белим билан кўкрагимнинг устидан қалин камар ўтиб, мени бутунлай қимирлатмай қўйди. Биз билан хонага Живақунинг иккита тансоқчиси кирганди. Боғланганимдан кейин ташқаридагиларнинг ҳаммаси киришди. Оёқларимни темир қутига маҳкамлашди. Қўлларим эса курсининг суянчиғига боғланди. Бошимга сим тўр кийдиришди. Хуллас, Живаку мени лаққа туширган ва электр столига ўтқазганди.

— Айбларингни тан оласанми? — сўради Живаку ўрнидан туриб шотирлари тутқазган сигарани лабига қистирар экан.

— Ўзим ҳам нима гуноҳ қилган эканман, деб ўйлана-япман, — жавоб қилдим жилмайиб.

— Гапим икки бўлмасин дегандим-а? Лекин сен бажармадинг. Мен билан қандай гаплашишни билмадинг... Шунинг ўзи бемалол сени ўлимга тортадиган иш бўлди. Ташқарида ҳам осонгина йўқотишим мумкин эди сени. Аммо тез ўлиб кетишингни истамадим. Аввал кичикроқ кучланишдаги токнинг мазасини тортасан, худди мана-вилардай, — деб ўлиб ётган йигитларни кўрсатди у, — сўнг қувватни кўпайтирамиз.

Менинг рўпарамга шотирлар курси қўйишди, Живаку унга ўтирди-да, қўлига қандайдир қора матоҳни олди. Унинг катталиги сигарета қутисидай келар, устида битта қизил ва битта кўк тугмачаси бор, тепасидан бир қаричча сими чиқиб турарди. Живаку бармоғини кўк рангли тугмачанинг устига қўйди.

Агар бу аҳволимни оқсоқол кўрганида борми, мени ўзи уриб ўлдириб қўя қоларди. Ахир шу даражага етгу-

нимча озмунча тер тўқдими?.. Ҳа, оқсоқол ҳақ экан, ҳали пишиб етилмаган эканман. Мана, Живакунинг оддийгина ҳийласига лаққа тушдим. Лекин унга ҳам қойил, аввал ҳамма ёқни томоша қилдириб, кейин мени ажал курсисига ўтқазди. Энди тугмани босади-ю, ҳаммаси та-мом...

Ренага ишонаман. Бир ўзи бемалол болани катта қило-лади. Эҳтимол, оролга — қариндошларининг ёнига ҳам бориб олар. Бироқ алам қиладигани, мен қишлоғимни бошқа кўрмаслигим эди.

Аъзойи баданимда қалтироқ турди. Кўз олдим қоронғилашиб, ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Шу ҳолатимда ҳам ўлимимни ўйладим. Бу сафар кўрқув босмади, балки ўлимнинг шакл-шамойили қизиқ туйилди...

Юзимга теккан муздай сувдан кўзим очилиб кетди. Мен ухлагандай эдим, шу боис гарангсидим. Атрофимда безрайиб турган одамларни энди кўраётгандай тикилдим. Живаку секин ёнимга келди. Ўшшайди. Бурнимга чертди:

— Қалайсан, қаҳрамон?

Жавоб қилмадим. Нафрат билан тикилдим унга.

— Ҳай, ҳай, — у елкамга урди, — озгина ҳазилниям кўтаролмадингми? Қани, буни бўшатишлар.

Электр столдан турганимдан кейин ҳам бошим гангиб турар, вужудимда ҳорғинлик бор эди.

Уйга кетдим. Тўғрироғи, Живаку эртагача отдай бўлиб кетишимни, синовдан муваффақиятли ўтганимни айтганидан сўнг шотирларига олиб бориб кўйишни буюрди. Мен эса бир оз ўзимга келиб олишимни баҳона қилиб ярим йўлда тушиб қолдим. “Лайча”лар кўнишмади-ю, пўписага ўтиб, манзилни аниқ айтмаганимдан сўнг ноилож машинани тўхтатишди. Бу пайтда атрофга қоронғилик этагини ёйган, кўчада одамлар ҳам сийраклашганди.

Биламан, Живаку буларга уйимнинг қаердалигини билиб келишни ҳам юклаган. Кеча ортимдан пойлаб юрганларнинг ҳам мақсади шу эди, назаримда. Шунинг учун қинғир-қийшиқ йўллардан юрдим, йўл бўйидаги дўконларга ҳам бир неча марта кириб чиқдим. Хуллас, ортимдан пойлаб юрганларни (уларни аниқ кўрмадим-у,

лекин гумоним бор эди) адаштириб, уйга кириб боргунимча вақт алламаҳал бўлиб кетди.

Эшикни Рена очди.

— Ухламадингми? — сўрадим юзидан ўпиб қўярканман.

— Қаерда эдинг? — деди у саволимга жавоб бермай.

— Озгина ишларим...

— Нега рангинг бунчалик оқарган, тинчликми?

— Кўп юрганим учундир балки...

— Илтимос қиламан, ҳеч нарса ни яширма, мен сени қандай шароитда қандай аҳволга тушишингни яхши биламан. Агар мендан яширадиган сиринг бўлса ўзимни кечиролмайман. Ахир, мен сени деб ҳамма нарсадан воз кечдим. Шундай оғир бир шароитда сенинг ниманидир яширишингни кўтаролмайман!

У гапира туриб титраб кетди. Мен Ренани ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаса керак, деб ўйлардим. У эркаклардан ҳам бардошлироқдек туйилар эди, хаёлимда. Адашибман, унда ҳам аёл қалби бор экан. Унга ҳам йиғлаш, изтироб чекиш, севиш ва кутиш ёт эмаскан.

Уни бағримга босдим, юз-кўзларидан ўпдим. Сўнг кўтариб олдим-да, кичкинагина хонамиздаги каравот устига ётқизиб, ўзим ёнига ўтирдим.

— Мени деб қийналишингни истамайман. Вазифанг — болага қараш. Кўчанинг муаммоси эса менинг зиммамда. Келишдикми? — дедим.

— Йўқ, — бош чайқади у, — иккаламизники. Чунки бизнинг ҳеч кимимиз йўқ.

— Бунча ақллисан?

— Гапни айланторма, нима бўлди, ҳаммасини гапириб бер.

Мен бўлиб ўтган воқеалардан Ренанинг хабардор бўлишини истамасдим. Яқинда бўшанди, асабийлашиши мумкинмас. Лекин унинг қистовларидан кейин ҳаммасини очиқ-ойдин айтмасам, мени ёмон йўлга кириб қолди, деган гумонга бориши ҳам мумкин. Шуларни ўйлаб, унинг сочини ўйнаган кўйи Живаку тўғрисида сўзладим.

— Осон бўлмайди, — деди Рена гапларимни қулоқ

қоқмай эшитганидан сўнг. — Маккор одам экан. Эҳтиёт бўлишинг керак.

— Асосийси, ютдим. У ўзича зўр жойларни менга кўрсатиб, сўнг электр столига ўтқазиб, қудратини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Лекин унинг инига кириб олганимни, бир кун бошига кўп ташвиш келтиришимни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмади. Одамхўрларда қасдим бор. Насиб бўлса, уларни таг-томири билан йўқ қилиб юбораман.

— Мен эса, — дея белимдан қучди Рена, — сендан хавотирдаман. Ёрдам беролмаётганим алам қилади.

— Ўзим эплейман, худо хоҳласа.

Менга Живакуни уйдан ташқарига чиққанидан сўнг қўриқлаб юриш топширилди. Шу боис учинчи марта унинг қасрига киролмадим. Дарвозадаги қоровуллар билан кун бўйи ўтирдим. Живакунинг бугун ҳеч қаерга чиқмаслиги маълум бўлгач, қош қорайганда уйга қайтдим. Живакунинг қўли мен ўйлаганимдан кўра анча узун экан. Буни хизматимнинг ўнинчи кун билдим. Уни портга кузатиб бордим. Қандайдир азиз меҳмони келиши керак экан (Живакунинг ким билан учрашиши, унинг ёнига ким келиши ҳақида бизга маълумот берилмасди). Диққат билан атрофни кузатиб турганимда пароходдан бошига саватдай шляпа кийган, кийимлари оппоқ, бўйнига ялтироқ бир нима осиб олган, бўйчан бир негр тушиб кела бошлади. Живаку унинг истиқболига чиқиб, қучоқлашиб кўришди. Бир оз гаплашгач (улар инглиз тилида сўзлашишарди, мен айрим жумлаларнигина илғаётгандим), машинага таклиф қилди.

Меҳмонни шаҳар ташқарисига, Живакунинг дала ҳовлисига олиб боришди. Аввал маишатбозлик бўлди. Егулигу ичкиликларни тўкиб ташлашди. Танасининг икки жойигина қилдай ингичка иплар билан бекитилган қизлар хизматда. Уларнинг орасида сариқ сочли европаликлардан тортиб негрларгача бор. Бироқ стол атрофидагиларнинг биронтаси қизларга эътибор бермас (тўкин дастурхон атрофида Живаку ўзининг иккита ёрдамчиси — улардан бири менинг бу ерларда юришимга сабабчи бўлган олти нуқтали киши ҳамда меҳмоннинг ўзига ўхшаган икки шериги ўтирарди), дастурхондаги ноз-неъмат-

лардан чимдиб-чимдиб тотинишар ва суҳбатлашишарди. Суҳбат шунчалар жиддий эдики, биронтасининг юзида, озгина бўлсин, табассум аломати кўринмасди. Шу боисдан ҳам қизлар эркакларга имкон қадар эҳтиёткорлик билан муомалада бўлишарди. Мен бутун вужудимни қулоққа айлантирдим. Қандай қилиб бўлса-да улар нима ҳақда гаплашишаётганини билишга уриндим.

Ўша куни уйга бормадим. Живаку қаср ичига киришимга рухсат берди. Шундан билдимки, вазият ўта қалтис. Келган меҳмон билан у ниманидир келиша олмаган ва у ўта хавфли. Йўқса, Живакуни қўриқлаш бу даражада кучайтирилмасди.

Гарчи қасрга илк маротаба киришимга қарамасдан, унинг ичидаги ҳашаматли безаклар, кўзни олувчи қандиллар ва ойнаванд шкафлардаги турли шаклли қимматбаҳо тошлардан ясалган идишлар мени асло ҳайратлантирмади. Иккинчи қаватда ўта моҳирлик билан ясалган эшик ёнида турдим. Бу ер Живакунинг ётоғи эди. У хонага иккита хотини билан кириб кетганди. Мен унинг икки жонон ўртасида роҳатланиб ётишини қўриқлашим керак. Эрталабгача. Ҳеч ким мени алмаштирмайди. Ўтирмайман, юрмайман. Ҳатто кўзимни юмишим ҳам мумкин эмас. Бошимни қимирлатмайман-у, лекин бирон жойни эътибордан четда қолдирмайман. Буйруқ шундай бўлган.

Очиғи, кимнингдир ишратини қўриқлайман, деб ўйламаган эдим. Шу боис, малол келди. Аммо илож қанча, мақсадимга етишим учун чидашим шарт.

Ниҳоят узоқ кутилган тонг отди. Қаср ичида фаррошлар ғимирлаб қолишди. Бироқ Живаку уйғонай демасди. Мен тоқатсизланавердим. Икки қиз бир бўлиб, хўжайинни бир ёқли қилиб қўйдимикин, деган хаёлга ҳам бордим. Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ким биларди, балки анави негрлар бирор нима ваъда қилишган бўлса, ухлаётганда одамни ўлдириш нима бўпти? Оғирроқ бир нарса билан бошига яхшилаб битта туширади — олам гулистон. Наум — олти нуқтали (у билан ҳали танишганим йўқ, лекин шу ердагиларнинг ўзаро суҳбатидан унинг исми Наум эканлигини билдим. Негадир бу исм танишдай, ҳам қулоққа яқин) икки марта келиб

кетди. Демак, Живакунинг уйғонмаётганидан у ҳам хавотирда. Лекин ҳар икки сафар ҳам эшикни очишга ҳалди сифмади. Бундан мен баттар ичикдим, чунки Живаку ҳали менга тириклайин керак эди. Ичим ўт бўлиб ёнаётган бир маҳал, ҳартугул, Живакунинг ўзи хонасидан чиқиб келди. Бу пайтда соат кундузги ўн бирга яқинлашиб қолганди.

Туни билан оёқда туриб чиққанлигим учун менга уйда дам олишга руҳсат беришди. Бироқ кетишни истамасдим. Шу боис, бир-иккита баҳона қилиб кўрдим. Лекин унашмади. Кечқурун соат еттидан кечикмасдан етиб келишим зарурлигини тайинлашди (сўнгги пайтларда Живаку билан мутлақо гаплашолмасдим. Буйруқларнинг барини Наумнинг ёрдамчиси Рубен орқали олардим. Қизиқ томони, бошқаларга ҳам Наум ёки Рубен топшириқ берарди. Живакунинг ёнида юрадиган ёрдамчилари худди кўғирчоққа ўшарди. Иш буюрилса бажаришар, бошқа пайт Живакунинг атрофида ўралашиб юришарди).

Сўнгги пайтларда Ренанинг ҳам кайфияти йўқдай. Мени табассум билан кутиб олса-да, нигоҳида аллақандай маъюслик бордек. Бир-икки марта ундан бунинг сабабини сўрамоқчи бўлдим-у, бироқ оғиз очмадим. Оролини соғингандир, гапириб дилини оғритиб қўймай, деб ўйладим. Чақалоқ эса кун сайин тўлишиб келаётгандай эди. У кўп йиғламас, кечаси тинч ухлар, фақат қорни очгандагина гингшиб қўярди, холос.

Кўнглим хотиржам, чунки ижарачи аёл уйдан камданкам ҳоллардагина кўчага чиқар, Ёдгорни ўзининг боласидай яхши кўрар, Рена эмизиб бўлиши билан уни қўлига олиб, кўтариб юрарди. Ҳатто чақалоқ ухлаб қолганидаям қўлидан қўймасди. Бу томондан кўнглим тўқ эди.

— Уйингга бориш ниятинг борми сенинг? — деди чой ичаётганимда Рена менга тикилиб. — Хаёлимда ишинг чўзилиб кетгандай.

— Кетамиз. Ўзим ҳам қанотим бўлса учиб кетгудайман. Оз қолди...

— Қасд қилганларингни йўқотганинг билан ҳеч нарса ни ўзгартириб юборолмайсан-ку. Эртароқ кетганимиз яхши эмасми? Тинч яшардик.

— Тўғри, лекин уларнинг уйини куйдирмасам, менга ўхшаган қанчадан-қанча одам бевақт нобуд бўлиб кетади.

— Биз Худо эмасмиз, қўлимиздан келмайдиган ишлар кўп. Ана, бир марта сени лақиллата олишди-ку. Яна уларнинг тўрига тушиб қолмаслигинга ким кафолат беради? Ундан кейин менинг орзуларим барбод бўлади. Боланг отасиз қолади.

— Жоним, ҳаммасини тушуниб турибман. Узоғи билан яна бир ой чида.

Рена индамай бошини эгди. Шу ҳолатида у ўзимизнинг қизларга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Меҳрим жўшди, уни оҳиста бағримга босдим...

Живаку дала ҳовлисида эди, ўша ёққа боришимга тўғри келди. Шаҳардан бир соатлик йўл. Ўта сўлим гўша. Ёнидан дарё оқади. Шунақанги сокинки, дарёнинг оқаётганини сезмайсан. Бу ерга келишинг билан кайфиятинг ҳам кўтарилади. Маза қилиб айланиб юргинг келади.

Манзара худди кечагидай, дарахлари қуюқ, салқин жойга ясатилган узун стол, устида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор, атрофида ўша кечаги олтилик. Бугун улар хушчақчақ. Ёнларида туриб, ичкиликлар қуйиб, оғизларини ҳам артиб қўяётган қизларнинг нозик белларидан кучишар, чўгдек қип-қизил лабларидан бўса олишар, хохолашиб кулишарди.

Базму жамшид тахминан тунги ўн иккигача давом этди. Ичкиликни кўп ичишганидан стол атрофидаги олти кишининг бари маст бўлиб қолди. Уларни дала ҳовлининг ўзидаги ётоқхоналарга (ҳар бирини алоҳида ётоқхонага) ётқиздик.

Эртаси тушга яқин Рубен билан кетдим. Машинага ўтирарканман, негадир деразадан ташқарини томоша қилгим келди. Шаҳарнинг деярли ўттиз фоизи менга таниш эди. Билмаган жойларим ҳам ҳайратлантирмай қўйган. Шу боис, томоша қилмасдим. Аммо бу сафар ташқаридан кўзимни узолмадим. Ўтиб бораётган жойларимиз танишдай туйилаверди. Қачон ўтган эканман бу ерлардан, деб қанча ўйламай, барибир эслолмадим. Фақат машина жин кўчага бурилганда юрагим ҳаприқиб кетди. Ахир,

неча йиллар бурун худди шу кўчага мени сўйиш учун олиб келишганди-да! Арава судраб юрган пайтларим бу кўчани роса қидиргандим, лекин тополмаганман.

Атрофни зийраклик билан кузатдим. Ҳеч бир нарса назаримдан четда қолмади. Кўрганларимни бирма-бир хотирамга жойлаб кетавердим. Ниҳоят машина ойнавандли дўконга ўхшаб кетадиган бино ёнида тўхтади. Адашдим, шекилли. Ахир у жой бошқача эди. Ҳозиргача кўз ўнгимда турибди. Қоп-қора эшик... Рубен машинадан тушиб, бино ичига кириб кетди. “Шошма, — дея ўйладим, — яна алданиб қолмайин, бу олти нуқталиларнинг қўлидан ҳар бало келади. Менимча, шайтон таълимни шулардан олган. Қилаётган маккорликлари бировнинг хаёлига келмайди”.

Рубен тез қайтди. Эшикни очиб, менга бир оз тикилиб турди-да:

— Туш, — деди.

— Тинчликми? — сўрадим ўзимни гўлликка солиб.

— Имиллама, бўл тез.

У билан бирга ойнавандли иморат эшигидан ичкарига кирдим-у, қотиб қолдим. Бу ўша жой эди! Фақат олди ойна билан тўсилибди. Бошқа ҳеч нарса ўзгармаган. Ҳаяжон босди. Ўз-ўзидан қўлим мушт бўлиб тугилди. Шу маҳал хаёлимга оқсоқолнинг гапи келди: “Ҳар нарсада шошмаслик лозим. Шошма-шошарлик билан бирор нимага эришаман, деб умид қилма”. Ўзимни босишга ҳаракат қилиб, Ренани, ўғлимни эсладим.

Ичкарига кирдик. Йўлак ўзгармаган. Эҳтимол, таъмирлангандир. Лекин шакл ўша-ўша. Яна ертўлага, кушхонага керамиз, деган хаёлда эдим. Аммо биз бинонинг орқа томонидаги эшикдан ташқарига чиқдик. Ҳовлида катта юк машинаси турарди. Ёнида беш-олти чоғли йигит сигарета тутатиб, хохлашиб туришарди. Рубен иккаламизнинг пайдо бўлишимиз уларнинг парвосига ҳам келмади. Ёт тилдаги суҳбатларини, хохлашларини давом этказаверишди.

Рубен улар гаплашаётган лаҳжада бир нима деб бақирди. Шундан кейингина йигитлар сал сергакланишди. Паст

бўйли, сариқ сочлиси машинани кўли билан кўрсатиб, алланарса деб бидиллади.

Музлаткичли машина экан. Орқа эшигини очганидан кейин билдим. Мени музхонага чиқариб қўйишди. Қолганлар эса, қоғоз қутиларни ҳозиргина Рубен иккаламиз чиқиб келган иморатдан олиб чиқиб, менга узатиб туришди. Мен тахлайвердим. Кўлим ишда-ю, хаёлим қутилар ичида. Унга нима жойланганини билгим келарди. Ахир, Рубен кимсан Живакудай одамнинг тансоқчисини бекордан-бекорга бу ерга олиб келмайди-да. Пастдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, қутилардан бирининг ёнига бармоғимни урдим. Осонгина тешилди. Елим халтадаги юмшоқ нарсага кўлимнинг учи тегди. “Гиёҳванд модда бўлса керак”, деб ўйладим аввалига. Бироқ кўзим билан кўргим келаверди. Аммо қутини йиртишим мумкин эмас. Шу боис, пастдагиларни гапга тутмоқчи бўлдим. Шу пайт кутилмаганда оғзи очиқ қутини узатишди. Унга қарадим-у, этим жимирлаб кетди: қути ичида целлофанга ўралган бир парча гўшт бор эди! Молнинг жигарини, юрагини, умуман, ҳамма аъзосини биламан. Кўриб турганим эса молниқига мутлақо ўхшамасди. Бу айнан одамнинг ички аъзоси.

Ўн бештача қути тахланди. Демак, камида ўнга яқин одам ўлдирилган. Қизиқ, буларни қаерга жўнатишаркан? Кимга керак булар? Мабодо касал одамнинг ишдан чиққан юраги ёки бошқа аъзосининг ўрнига қўйилса, унда махсус суюқликка солиб олиб борилиши керак-ку. Мен шундай деб эшитганман. Лекин булар оддий музлаткичга тикилаяпти... Бу саволларга жавоб бериш учун айна жараёни охиригача кўришим зарур. Аммо бунга менда вақт йўқ. Демак, ҳозироқ жангни бошлашим шарт!

Агар мени “қассобхона”га олиб кирган, ўзбек тилини бинойидай биладиган паст бўйли кўзойнак етиб келганида, тўғриси, пастда менга қутиларни узатиб турган йигитнинг башарасига тепардим. Ундан сўнг қолганларини ҳам бир ёқли қилишга тушиб кетардим. Аммо ўшаниш кўзойнакка кўзим тушиши билан қотиб қолдим. У ҳам менга қаради. Бир неча сонияга нигоҳларимиз тўқнашди. Эҳтимол, у танигандир. Балки шунчаки кўзи-

га таниш кўрингандирман. Лекин нима бўлганда ҳам, шаштимдан қайтиб, машинадан сакраб тушдим.

Кўзойнак Рубенга ўз тилида гапирди. Шундан кейин Рубен менга бошдан-оёқ қараб кулди, бошини сарак-сарак қилиб, кўзойнакка жавоб қилди.

— Без ватанга бормаганга анча бўлде, — деди кўзойнак ўзбекчалаб.

Юрагим ҳаприқиб кетди. Жаҳлим босилиб, пакана, қиладиган иши одамкушликдан иборат, кўзойнакни кучоқлаб бағримга босгим келди. Ахир, ўзбекча талаффузни эшитмаганимга жуда кўп бўлди. Аммо ўзимни босдим, ҳаяжонимни яширдим.

— Бир нима дедингизми? — сўрадим жилмайиб қарарканман таиланд тилида.

— Сизни бир қадрдонимга ўхшатдим. Иноқ эдик у билан.

— Балки ўхшарман. Балки ўшанинг ўзидирман, — деб киноя қилдим.

— Дўстим, — деб кўзойнакнинг елкасига қўлини қўйди Рубен, — кўп ишляяпсан. Икки ойдан бери тиним билмайсан. Кўрдингми, чолни кўрсанг “бобом” дейдиган бўлиб қолибсан. Ахир, сен олий ирққа мансубсан-ку.

— Тушунаман, балки кечки овқатни бирга қилармиз, менинг ҳисобимдан, албатта. Гаплашиб олардик.

— Афсуски, яқин бир ҳафта бандман. Меҳмонлар кўп. Менимча, кейинги ҳафта ҳам вақт бўлмаса керак. Африкага бориб келишим зарур... Ўтган сафар ўн долларга туширгансан.

Уларнинг суҳбатидан ғалати аҳволга тушдим. Бу ердагилар пулнинг бетига қарамаса керак, деб ўйлардим. Ахир, бу ишларидан озмунча даромад қилишмаса керак. Аммо бу иккиси қаердаги ўн доллар учун бири иккинчисини қарздорга айлантираяпти. “Булар шундай одамларки, сариқ чақаси бировга ўтиб кетса борми, дарди-дунёси қоронғи бўлиб кетади. Ўша пулини ўн баробар қилиб чиқариб олиш учун ҳар қандай тубанликдан қайтишмайди. Ҳатто хотини билан ҳам ҳисоб-китоб қилиб яшайди. Улар ўта кўрқоқ, эҳтиёткор. Улардан мумкин қалар узоқроқ юриш лозим. Чунки ёлғон ишлатмаса, куни ўтмайди

уларнинг”, деган эди оқсоқол. Чолнинг гаплари нақадар ҳақиқат эканлигининг ҳозир гувоҳи бўлиб турибман.

Гарчи Рубен кўзойнакни чарчаганликда айблаётган эса-да, у ўзига ишонаётганди, яъни мендан шубҳаланаётганди.

— Сен ҳайдовчи билан бирга борасан, — деди Рубен ва дўсти билан хайрлашди.

Бандаргоҳга етганимиздан кейин кўрдимки, негрлар қайтишаётган экан. Негадир уларни Живаку кузатгани чиқмабди. Ёрдамчилари бор, Рубен ҳам биздан олдин етиб келибди.

Пароходга қутиларни машина билан қўшиб ортишди. Демак, “товар”ни меҳмонлар олиб кетишади. Лекин одам гўштини улар нима қилишаркан, шунисига ҳайрон эдим.

Кузатув маросими ниҳоясига етанидан сўнг ўзимга ўхшаган таиландлик йигитдан ҳаммасини билиб олдим.

— Иштаҳалари карнайми дейман қорамағизларнинг, машинани ҳам олиб кетишди-я, — дедим уни секин гапга солиб.

— Буниси ҳали ҳолва. Живаку бир сафар унга анча тилла ҳам қўшиб берганди.

— Нафси ҳакалак отган экан-да.

— Подшоси хуш кўраркан одам гўштини. Ҳар олти ойда келишади. Туллак Рубен уларга “мол” тайёрлаб қўяди.

Этим жимирлаб кетди. Қандайдир ғалати аҳволга тушдим. Бироқ буни шеригимга билдирмадим.

— Нима, ҳайвон гўшти тешиб чиқармикан?

— Бунисини билмадим. Уни кўрмаганман, бу ерга келмаган.

— Рубен бекорга хушомад қилмаётгандир.

— Бўлмасам-чи. Нефти бор уларнинг. Рубен Живаку билан бирга нефтни арзон-гаровга сотиб олади. Кейин қимматга сотиб бойишади. Бунинг учун подшога совға тариқасида одамнинг жигаридан жўнатиб туришади.

Кўриқчининг бу гапи бошимга тўқмоқдек тегди. Олти нуқталиларга нафратим ўн чандон ошди.

— Қанақа ярамас подшо у? — сўрадим ўзимни зўрға босиб.

— Африкада. Экваториал Гвинея деган давлат бор...

Кўриқчи йигит бирдан гапиришдан тўхтаб, менга тикилиб турди-да:

— Сенга ҳеч нарса айтмадим, — деди.

— Нега бунча кўрқиб кетдинг?

— Рубен эшитиб қолса, менинг жигаримниям совға қилиб юборади. Икки марта шундай бўлган. Ҳозир қизишиб кетдим-да. Шунинг учун сенга гапириб қўйганимни сезмай қолдим. Илтимос, айтганларимни унут. Ҳар қалай, кўринишингдан сотқинга ўхшамайсан-ку.

— Хавотир олма, — деб унинг елкасига қўлимни қўйдим. Ҳаммаси жойида бўлади. Бировга гинг демайман. Ўзим учун билиб қўйдим, холос. Энди янада эҳтиёткор бўламан. Ҳа, яна бир гап: бу ерга келганимга анча бўлиб қолди, лекин биронта ҳам ўртоғим йўқ. Менга ўртоқ бўлишни истамайсанми?

— Мумкинмас, ошна.

— Шундаям салом-алик қилиб турарсан.

— Бунисини эплеймиз. Фақат сен оғзингга эҳтиёт бўл. Менга ўхшаб бошқаларнинг ёнида гуллаб юрмагин.

Мен Рубен ўтирган машинага чиқдим. Чиқдим-у, кўзойнак ҳам орқа ўриндиқда ўтирганидан таажжубландим. Унинг кўзи менга тушиши билан иржайди.

— Сезнеки яхше ишлайде, — деди у ўзбекчалаб.

Пешонамни тириштирганча, бир Рубенга, бир кўзойнакка қарадим, гўё энсам қотгандек бўлиб.

— Нималар деяпсан? — Рубен кўзойнакдан сўради.

— Ёшлигимда доим хиргойи қилиб юрадиган қўшиғим бўларди, сўзлари шунақа эди. Ҳозир эсимга тушиб кетди.

Рубен жавобдан қониқди, шекилли, ўшшайди. Мен эса бу маразнинг хотирасига қойил қолдим. Ахир, мени кўрмаганига қанча бўлди? Ҳали эсидан чиқармабди. Рубенни ҳам боплаб алдади... Агар бу ифлос менинг кимлигимни ошнасига айтиб берса-чи... Тўхта, режаларим барбод бўлиб кетади-ку. Нимадир қилишим керак.

Қасрга етиб боргунча шу ҳақда ўйладим. Турли режа туздим. Бироқ режаларимнинг яқуни мени қониқтирмади. Шундай қилишим керакки, Живакуга қўшилиб Ру-

бен бошлиқ ҳамма одамхўрлар асфаласофилинга равона бўлишганини сезмай қолишсин.

Машинадан тушганимиздан кейин кўзойнак яна бир марта менга тикилиб қаради. Сўнг пешонасини қашлаб, дарвозадан ичкарига кириб кетди.

Мен энди кечгача бўш эдим. Шу боис, хаёл сурганча уйга кетдим. Хаёлга шунчалик берилиб кетибманки, уйга қандай етиб борганимни сезмадим. Фақат кўнгиракни босганимдан кейингина сергакландим. Шундагина Рена билан маслаҳатлашиш керак, деган қарорга келдим ва сабрсизланиб эшикнинг очилишини кута бошладим.

Эшикни ижарачи кампир очди. У Ёдгорни кўтариб олган, иккала кўзи ёшга тўла.

— Тинчликми? — сўрадим ҳовлиқиб.

— Ре... Рена! — деди кампир худди бўғилаётгандай оғир нафас олиб.

— Нима Рена?! Гапирсангиз-чи тезроқ?! Унга бирор нарса бўлдими? Қани ўзи?!

Ижарачи кампирнинг лаблари пирпирар, кўзи ёшга тўлган эди. Ўзиям Ёдгорни зўрға кўтариб турганга ўхшарди. Яна икки оғиз баланд овозда гапирсам, ўғлимни ташлаб юборгудай аҳволда.

Секин болага қўлимни узатдим. Йўқ, адашган эканман, у гўдакни бағрига маҳкам босиб турган экан, зўрға олдим. Шундан кейингина кампир тилга кирди.

— Рена кетиб қолди, — деди у шунчаки гапни айтаётгандай беларво оҳангда.

— Қаёққа кетади, нега кетади?! — дедим даҳшатга тушиб.

— “Ўзимникиларнинг ёнига кетаяпман. Узримни айтиб қўйинг. Бола отасидан айрилмасин, деб эргашиб келгандим. Мана, бола омон-эсон туғилди. Соппа-соғ. Мен ниятимга етдим. Нодирга тайинланг, Ёдгорга мен ҳақимда асло гапирмасин. Биламан, икки қайсарнинг боласи, албатта, қайсар бўлади. Ўғлим катта бўлгач, мени қидириб сарсон бўлмасин. Мен ўғлим билан Нодирни қаттиқ севаман. Уларнинг шу дунёда яшаётганининг ўзи мен учун катта бахт”, деди.

Кампир Ренанинг гапларини сўзма-сўз такрорларкан, кўзидан дув-дув ёш оқарди.

Мен бу гапларни тушимда эшитаётгандай, оёқ-қўлим музлаб кетди. Бошим айланди. Йиқилиб тушмаслик учун секин чўк тушдим.

— Мен, — гапини давом эткизди ижарачи кампир, — Ренага жуда ўрганиб қолган эканман. У худди кетмагандай. Нариги хонада ухлаётгандай, ҳали-замон уйғониб Ёдгорни қўлимдан оладигандай. Қийналдим...

Кампир яна алланималар деди. Бироқ унинг гапларини эшитадиган аҳволда эмасдим. “Бўлиши мумкинмас, Рена шунчаки ҳаммасига қўл силтаб кетолмайди. У жасур аёл. Севгиси учун ўлишгаям тайёр... Нега кетди? Болани битта ўзим катта қилолмайман-ку. Огоҳлантиргандаям майлийди! Энди нима қиламан?!” — дея бошим қотарди.

Бола чинқириб йиғлаб юборди, шундагина ўзимга келдим... Ёдгорни ижарачи кампирга тутқаздим-у: “Ҳозир келаман”, деганча ортимга бурилдим.

Тўғриси, бир шиша ароқни қандай ичиб қўйдим, билмайман. Бир пайт ўрнимдан турайдесам, бошим айланади. Ўтиб кетар, деган хаёлда озроқ ўтирдим. Бироқ ўтиб кетмади, кайфим ошиб, кўз олдим қоронғилашди. “Гўдаккина, — дедим ўзимга-ўзим гапириб, — онанг сени ташлаб кетди. Мана, даланг ҳам маст. Агар кампир бўлмаганида, бугун сенга ким қарарди? Қорнинг очиб, дардингни бировга айтолмай йиғлаб ётаверармидинг?”

Ичган ароғимнинг пулини тўлашни ҳам унутиб, гандираклаганча кафедан чиқарканман, тинмай гудранардим. Бир маҳал ортимдан кимдир қўйлагимни тортқилаётганини сезиб қолдим. Ўгирилиб қарасам, ёшгина қиз турибди.

— Сен... Сен менга айт-чи, сев... севган одамингдан фарз... фарзанд кўр... кўрсанг, ташлаб кетармидинг? — дедим унга.

Қиз менга анграйиб қаради. Ҳойнаҳой, ичавериб эси оғиб қолган бўлса керак, деб ўйлагандир.

— Айт, — дедим ҳамон бир сўз демай термилиб турган қизга.

У кўрсаткич бармоғи билан бош бармоғини бир-бирига ишқалаб менга кўрсатди. Лекин гапирмади.

— Ҳа сен... сен... Ҳиқ!.. Соқовмисан? Биринг туғ... туғиб қочасан... бошқанг соқовсан. Ҳамманг бир гўрсан. Ўзимизнинг ўз... ўзбекка тўғри келмайсан.

Гапим тугар-тугамас унинг ёнига бақалоққина бир одам келди-да:

— Нима гап? — деб сўради.

— Билмадим, — деди қиз, — хорижлик шекилли, алланималар деяпти. Тушунмадим.

Ўша лаҳзада гўё ёрилдим. Шунақанги қаҳ-қаҳ отиб кулдимки, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ахир, мен ўзбекча гапираётганимни ўзим сезмабман.

— Кечирасиз, — дедим ўзимни босиб олгач, бақрайиб турган бақалоқнинг елкасига қўлимни қўярканман, — мастликда одам қайси тилда гапираётганини ҳам сез... сезмай қоларкан, ҳиқ...

Бақалоқнинг юзига табассум югурди.

— Чет элдан келиб, бизнинг тилимизни шунча ўзлаштириб олганингиз учун ароқ сизга текин. Истасангиз, яна битта бериб юбораман. Қайси меҳмонхонага жойлашганингизни айтсангиз, йигитлар олиб бориб қўйишади. Ҳар қалай, меҳмонсиз, бу аҳволда кўчада юрсангиз, полиция бошингизни қотириши мумкин. Бизникилар меҳмонни юз-хотир қилишмайди.

— Ташаккур. Шаҳ... Шаҳрингизни яхш-ши б...б... биламан. Таксида етиб оламан, лекин барибир ар... ароқнинг пулини тўлайман.

Тўғриси, бақалоққа қанча пул берганим ёдимда йўқ. Кўз олдимни туман қоплади. Йиқилаётганимни аниқ-тиниқ эслайман-у, лекин биронта аъзомни қимирлатолмайман. Хуллас, қолгани эсимда йўқ. Кўзимни очсам, юмшоққина каравотда ётибман. Хона ҳам ажабтовур. Ким мени бу ерга олиб келганини эслашга уриндим. Кошки, эслаёлсам. Бошим лўқиллаб оғрир, сув ичгим келарди. Секин ўрнимдан турдим. Эшикни очиб ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Шу пайт эшик очилиб, тиржайганча бақалоқ кириб келди. У кўзимга иссиқ кўринди, лекин

қачон, қаерда у билан дуч келганимни эслолмадим. Пешонамни тириштирганча унга тикилиб қолдим.

— Бош оғримаяптими? — сўради бақалоқ тиржайган башарасини зиғирча ўзгартирмай.

— Оғрияпти, — дедим. — Мен қаердаман? Сиз кимсиз?

— Меҳмонимсиз, маст бўлиб қолганингиздан сўнг дам олиш хонамизга олиб кириб ётқиздик. Яхши ухладингизми? Озгина ароқ ичиб юборсангиз бош оғриғи қолади.

Мен афтимни буриштирдим. Қўлимни ҳавода силки-тиб “керакмас” деб ишора қилдим-да:

— Қаерда юзимни ювсам бўлади? — деб сўралдим.

Муздеккина сув чиройимни очди, бош оғриғи ҳам қолгандай бўлди. Бақалоқ билан хайр-хўшлашиб ташқарига чиқдим. Аллақачон қоронғи тушибди. Фақат бир озгина юрганимдан сўнг нима мақсадда кафега кирганим, нега ичганим хаёлимга келди. “Рена!.. Бун сендан кутмаган эдим!” — дея нолинганча ўғлимнинг ёнига тезроқ етиб бориш учун шитоб билан юриб кетдим.

Ижарачи аёл қовоғини солиб кутиб олди.

— Ҳеч қурса, сен болангни ўйласанг бўлармиди? Биринг туғдириб, иккинчинг туғиб, сўнг бечора гўдакни ташлаб кетвординглар. Шунақа ниятларинг бор экан, нима қилардинглар норасидани дунёга келтириб? Энди сенларнинг касрингга қолиб бу шўрлик бир умр азобланиши керакми? — дея жавради.

— Йўқ, бун ташлаб кетадиган аҳмоқмасман. Ўлсам...

— Яхшиси, онасини қидирсанг бўларди. Ҳеч ким онасидек меҳр беролмайди. Ичганинг билан фойдаси йўқ, ёнингда туриб бўлмайди.

Мен нима деяримни билмай қолдим. Кампир боглаб тузлади. “Бунча сасийсан, оғзинг оқова трубасими?” — дейиши ҳам мумкин эди-ку. Аяди, шекилли. Менимча, азбаройи Ёдгорнинг борлиги учунгина шундай қилди. Чунки у Ёдгорни жуда яхши кўради. Айтса бўларди-ку: “Бола сеникими, ол-да, уйимдан чиқ. Қайтиб қорангни кўрсатма”, деб.

— Болага сут керак, — деди кампир. — Ҳозирча дўкон-

дан олиб келиб ичираяпман. Лекин онасининг сутига тўймаса бўлмайди. Бор, қидир, узоқлаб кетмагандир. Шаҳарни билмайдиган, бунинг устига, ёнида ҳужжати йўқ одамнинг бирон ёққа кетиб қолиши гумон... Эркаксан, ўзингни қўлга ол!

Худди онамдан даkki эшитгандай бўлдим. Кампирга меҳрим янаям жўшди. Итоаткорлик билан уйдан чиқиб кетдим. Кўчага чиққанимдан сўнг: “Қаёққа бораман?” — деган ўй келди хаёлимга. Ярим кечаси, устига-устак, ҳамма уйида дам олаётган бўлса. Кимдан нима деб сўрайман? Кундуз бўлганда-чи? Ренани ким ҳам танирдик, фалон жойда кўрувдим деса?

Таваккал қилиб таксига ўтирдим-да, бандаргоҳга бордим. Ҳамма ёқни айланиб чиқдим. Рена йўқ. Аэропорт, вокзални у билмайди. Ўйлаб қарасам, бандаргоҳни топиб келиши ҳам даргумон. Шу пайтгача ижара уйдан чиққани йўқ... Таксичига айтса, олиб келиб ташлаши мумкин-у, аммо орол қайси томондалигини билмайди-ку... Бошим қотиб, бандаргоҳдан чиқиб, машиналар зувиллаб ўтаётган кўча бўйида туриб қолдим. Бир маҳал ёнгинамга қоп-қора “Жип” илкис тормоз бериб тўхтади ва эшиги очилиб, пўрим кийинган бир йигит сакраб тушди-да, менга юзланиб:

— Бу ерда нима қилиб юрибсан?! — деди баланд овозда. — Сени қидирмаган жойимиз қолмади.

Уни танидим. Живакунинг тансоқчиларидан. Камгап йигит. Ҳалигача оғиз очиб гапирганини бирор марта эшитмаганман. Ваҳоланки, ҳар куни қаср ёнида кўрадим. Салом берсам, фақат бошини ирғаб қўярди. Бошқалар билан ҳам гаплашаётганига кўзим тушмаган.

— Тинчликми? — сўрадим ундан.

— Машинага чиқ, борганда биласан.

Машинага ўтиришни ҳам, ўтирмасликни ҳам билмай иккиланиб туриб қолдим. Ахир мен Ренани топишим керак. Лекин буни унга айтолмайман. Бундан пайтда Живаку билан неча пуллик ишим бор? Чақирмаса, ундан нарига ўтиб кетмайдими? Аслида нима қиламан шулар билан ўралашиб? Уйга етгулик пулим бўлса, аэропортдагиларнинг кўзини шамғалат қилиш қўлимдан келса, жўнаб

кетавермайманми?.. Бунинг учун Ренани топишим керак, ернинг тагидан бўлса ҳам топмасам бўлмайди. Ҳар қалай, ҳозирча Живаку билан алоқани узмай турганим маъқул.

— Нимага турибсан, бўл тез! — деди йигит тоқатсизланиб.

— Сигаретинг борми? — сўрадим йигитга беларво одамдай боқарканман.

— Чекмасдинг-ку, — ҳайрон бўлди у.

— Чекким келиб қолди.

— Машинада.

Тутунни ичимга тортгандим, йўтал тутиб қолди. Машинани елдай учириб кетаётган йигит кулди:

— Оғайни, уддалаган чекади.

У минг бор ҳақ эди. Ҳар бир ишнинг устаси бор. Бировнинг касби-корига зинҳор бурнингни тикма, кесиб олишади...

Қасрга киришим билан кўзойнакка дуч келдим. Вақт алламаҳал бўлган. Шу боис, унинг бу ердалигидан ажабландим ва айна пайтда сергакландим ҳам.

— Хайрли тун, — дея ўшшайиб ўзбекча гапирди у.

— Тушунмадим, — дедим мен таиланд тилида, — илтимос, ўзингизнинг лаҳжангизда гапирмасангиз.

— Шунақами? — айёрона боқди у.

— Таиландчани яхши билсангиз керак. Ҳар қалай, бошқалар билан гаплашаяпсиз-ку.

— Биласизми, мен ҳатто биринчи марта қачон иштонимни ҳўллаб қўйганимни ҳам яхши эслайман. Ўшанда икки кунлик чақалоқ эдим.

— Хотирангизга балли. Лекин мен ҳақиқатан сиз гапирётган тилни тушунмайман. Ҳайронман, нега менга умримда эшитмаган...

— Наҳотки? Мен бундай деб ўйламайман. Яхшиси, юринг, сизга бир нарсани кўрсатаман. Эҳтимол, ўшандан кейин бир-биримизни тушунаримиз.

— Узр, Живаку жаноблари қидираётган эканлар. Шунга...

— Унинг хабари бор, — деб у гапимни бўлди.

— Начора, у хабардор экан, қани, бошланг.

Биз залнинг ўртасидан кесиб ўтиб, чап томондаги оппоқ эшикдан ичкарига кирдик. Унча катта бўлмаган шинамгина хона. Тўрда экрани катта телевизор, ўртада айлана стол, юмшоқ курсилар, хонага мос қандил. Хуллас, маза қилиб дам оладиган жой.

Кўзойнак телевизор тагидаги видеомагнитофонга касета қўйди ва мени курсига ўтиришга таклиф қилди.

Унинг қилаётган ишига ҳайрон бўлиб, кўрсатилган жойга ўтирдим.

Телевизор экрани ёришди ва ўша мен биладиган, одамларнинг ички аъзолари чавақланадиган “цех” кўринди. Ертўла йўлаги. Кўзойнак пилдираб кетаяпти. Ортидан довдираб, атрофига олазarak боққанча ёшгина йигит бораяпти. Улар махсус хонага киришди. Кўзойнак йигитчага кутиб туришни айтди ва ўзи ичкарига кириб кетди... Этим увишди. Вужудимда титроқ турди. Тишларимни бир-бирига босиб, зўрға чидаб ўтирибман. Чунки ўша соддагина, ҳеч нарсадан хабари йўқ ёшгина йигит мен эдим.

— Хўш, — деди кўзойнак менга ўгирилиб, телевизор экранида кўринган йигитча қочиб кетишга улгурганидан сўнг, — бирор нимани эслагандай бўлдингизми?

— Афсуски, ҳеч вақога тушунмадим.

— Ҳимм! — деб у курсига суянди ва ойнагини олиб, толиққан кўзларини уқалади.

— Менимча, сиз бугун ухламаганга ўхшайсиз, — дедим унга кулиб қарарканман.

— Сиз ҳақсиз. Одатим шунақа. Ўша сиз телевизорда кўрган йигит қочиб кетганидан сўнг бир ҳафта ўзимга келолмаганман. Умримда бир мартагина хатога йўл қўйгандим ўшанда. Энди уни тузатиш вақти келганга ўхшайди.

Мен унинг нимани назарда тутаётганини яхши англаб турардим. Бу “шайтоннинг қариндоши” Живакуга мен ҳақимда бор гапни айтгани ҳам кундай равшан. Шунинг учун ҳам Живаку мени қидиртирган... Бундан чиқди, ҳукм ўқилган. Олий ҳукм — ўлим жазоси. Йўқса, кўзойнак хатосини тузатиши ҳақида гапирмаган бўларди. Де-

мак, ишни биринчи бўлиб мен бошлашим керак. Кутилмаганда, туйқусдан.

— Афсуски, — дедим кўзойнакка тикилиб ўзбек тилида, — хатони тузатаман, деб яна битта хатога йўл қўйдингиз. Яъни ниятингизни айтганингизни ўзингиз ҳам пайкамай қолдингиз, чамамда. Рубеннинг гапига қулоқ солиш керак эди. Чунки одам чарчаганида хушёрликни йўқотиб қўяди.

Ёмон жаҳлланган эканман, кўзойнакнинг жағидан ушлаб чап елкаси томонга бўйнини шундай қаттиқ қайирдимки, бечора овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Фақат бўйин суяқларининг қисирлагани эшитилди, холос. Шу билан неча йиллардан бери одам ўлдиришни ўзига касб қилиб олганлардан биттаси даф бўлди.

Адашмабман, ҳаракатни вақтида бошлаган эканман. Ишни битириб ўрнимдан туришим билан эшик очилиб, бир тўда барзанги йигитлар югурганча кириб кела бошлашди. Ҳаммасининг ичкарига кириб олишини кутиш аҳмоқлик бўларди. Шу боис, ҳужумни бошлаб юбордим. Учасини ерга ағдаришда муаммо туғилмади. Шунақанги тез ҳаракат қилдимки, баъзан муштимни қайтариб олишимга улгурмасимдан оёғим бошқа бирининг биқинига, юзига тегарди. Албатта, улар менинг қандай жанг қилишимни билишарди. Бироқ кўпчилик бўлиб эплаб ташлаймиз, деган хаёлга боришган, шекилли, бирортаси ҳам ўзи билан қурол олмабди. Шуниси менга иш берди. Очиғи, оролдан кетганимдан бери бунчалик ҳузурланиб муштлашмагандим. Роса чигалим ёзиладиган бўлди, деган хаёлда, ҳеч қийинчиликсиз рақибларимни ер тишлатавердим. Адашмасам, улардан тўрт нафари қолганида, иккинчи гуруҳ эшикдан ёпирилди. Булар автомат билан қуролланишган эди. Мен фақат биринчи кирганининг бурнига туфлимнинг товони билан тепишга улгурдим. Буни кўрган шериклари автоматларини менга тўғрилашди ва мен уришдан тўхтадим. Ўн чоғли йигит доира бўлиб туриб олишгач, эшикдан Живаку билан Рубен кириб келди. Живаку йигитларининг полда чўзилиб ётганликларини кўриб қарсақ чалди.

— Бопладинг! Мени яна бир марта қойил қолдирдинг!

Биламан, сен манавиларни ҳам бир ёқли қилиб ташлайсан, агар жой кенгроқ бўлса! — деди у.

Рубен эса яқин турганимга ҳам қарамай, қадрдони — кўзойнакнинг ёнига келиб, унинг томоқ томирини ушлади ва менга қаради. Унинг ранги оқарган, кўзлари олайган эди.

— Живаку! — бақириб юборди у аламига чидолмай. — Нимага қараб турибмиз, отиш керак бу ифлосни!

— Шошма! — деди Живаку сигара тутган қўлини юқорига кўтариб. — Ҳали эрта! Ундан кўра, ўзингнинг жонингни ўйла. Бўқ еб унинг ёнига борволдингми?!

— Мақсадинг нима?! — дедим Живакуга ўқрайиб.

— Худди шу нарсани мен сендан сўрамоқчи эдим. Ахир мен сенинг ёнингга бормаганман. Ўзинг келгансан!.. Тўғриси, қанотимга бунчалик тез кириб олганингга ўзинг ҳам ҳайрон бўлгандирсан. Сени электр столига ўтқазгандим. Агар ўшанда синовдан тўла ўтганман десаң адашасан... Ортингдан пойлаган йигитларнинг бир сафар абжағини чиқарган бўлсанг, бошқа пайт адаштириб кетдинг. Шундай қилишингга асло шубҳам йўқ эди. Лекин Таиландда Живаку битта! Унга бирорта кимса қарши чиқолмайди, ҳатто энг катта амалдор ҳам. Живакунинг гапи икки бўлмаслиги шарт! Мана шуни унутдинг!.. Ажойиб, гўзал хотининг бор экан. Мана кўрдингми, ҳамма нарсани биламан. Демак, сен менинг кўзимни шамғалат қилиб ишимни битираман, деб қаттиқ адашгансан. Хотинингнинг исми Рена, шекилли. Сендан кам уришмаскан. “Булар осмондан тушдимми?” — деб юрган эканман. Буни қара, бизга узоқ бўлмаган кичкинагина оролчада нинзалар яшашаркан...

Титраб кетдим. Қўлларим мушт бўлиб тугилди. Бир зум кўз олдим қоронғи тортди. Шундай эса-да, ўзимни босдим.

— Рена қани?! — дедим асабийлашиб.

— Хотинчанг керакми, марҳамат, — деб Живаку орқасига бир қараб қўйган эди, югурдаклардан бири чопқиллаб келди-да, видеомагнитофондаги кассетани олиб, ўрнига қўлидаги кассетани тиқди.

Экранда оёқ-қўли боғланган, оғзига елим қоғоз ёпиш-

тирилган Рена кўринди. У тинимсиз типирчилар, бироқ арқондан қутулиб кетолмасди. Бечоранинг кўзидан оқаётган ёш шундоққина кўриниб турарди. Ичим куйиб кетди. Унинг аҳволини кўриб йиғлаб юборай дедим. Бироқ не бўлганда ҳам ўзимни босишим шартлигини англаб турардим.

Живаку экранга қараб, ора-сира шифтга ҳам бир қур назар ташлаб қўяётганини пайқаб қолдим. У ерда иккита: бири яшил, бири қизил чироқ бор эди. Ҳозир қизил чироқ ёниқ. Қизиқ, бу нимани билдирадики, Живаку унга кўз ташлаяпти? Дарров Живакуга тикилдим. Шунда унинг бурни тагида кичкинагина холни кўрдим. Илк марта у билан кўришганимда бунақанги хол йўқ эди.

— Қўйиб юбормасанглар, биронтанг ҳам тирик қолмайсан, — дедим пўписа қилиб.

— Бизни ўлдириш учун аввал ўзинг тирик қолишинг керак, — деб илжайди у. Овозда ҳам ўзгариш бор. Бу мутлақо бошқа одам, Живаку эмас. Шу пайтгача эътибор бермаган эканман. Дарров шифтга қарадим: қизил чироқ ёниб турибди. “Живаку бошқа жойда туриб кузатаяпти. Бу нусха унинг қиёфодоши бўлиши керак. Агар ҳозир мен уни гаровга олсам, қуролланганлар менга қўшиб Живакунинг қиёфодошини ҳам отиб ташлайди. Демак, ют-казаман”, дея тахмин қилдим-да:

— Нима истайсизлар мендан? Ана, хотинимни ушлаб-сизлар. Мен ҳам қўлларингга тушиб турибман. Айтинг, ҳурматли хўжайин, қайси тилагингизни бажарайин? — дедим.

— Дарров ақлли бола бўлиб қолдинг-а! Билардим эсинг тез киришини, — деб у кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарган эди, қуролланган йигитлардан иккитаси югуриб ёнимга келди-да, қўл-оёғимни кишанлади. Сўнг улардан бири қўлидаги автоматнинг қўндоғи билан қорнимга чунонам туширдик, букилиб қолдим.

— Ярамас! — дедим аламимдан бўғилиб.

— Олиб чиқинглар, — деди Живаку.

Икки ёнимдан икки барзанги етаклаётганида шифтга қарадим ва у ерда яшил чироқ ёнганини кўрдим.

Бошқа хонага олиб ўтишди. У ерда столга боғланган, ҳамма ёғи чандиб ташланган Рена ўтирарди.

— Нега? — дедим унга норози боқиб.

— Бизни кимдир сотибди, — жавоб қилди Рена, оғзидаги елим қоғоз олиб ташланганидан сўнг.

— Наҳотки шундай деб ўйласангиз, хоним?..

Мен овоз келган томонга қарадим. Ҳа, бу ҳақиқий Живаку эди. Унинг бурни тагида хол йўқ, овози ҳам бошқача. Бундан чиқди, мен адашмабман. Кулиб юбордим.

— Аламли кулги, — деди Живаку сигарасини тортиб ва ўзи учун қўйилган юмшоқ курсига ўтирди.

— Ҳақиқийси, — дедим мен жилмайиб, — сизни кўрганым учунгина кулаяпман. Барибир сизнинг юзингиз бошқача.

— Нимага шаъма қилаяпсан?

— Ўзингиз билмадингизми?

Шу гапни айтишим билан қорнимга яна бир марта автомат қўндоғи билан уришди. Аввал букилиб, сўнг полга йиқилиб тушдим. Аммо азбаройи Ренанинг борлиги учунгина инграмардим, оғриқ жудаям кучли эди. Рена бақириб юборди.

— Тегманглар! Мени уринглар! — деди у.

— Қайғурма, — дедим оғир нафас оларканман, — унақа қаттиқ теккани йўқ.

Шу гапни бекор айтибман. Живакунинг уч-тўрт шотирини тепкилашга тушиб кетишди, оёқ-қўлим боғлиқлигидан ҳимояланолмай, ҳамма зарбаларни қабул қилавердим. Бу “бўрон” тахминан икки дақиқалар давом этди. Живаку ишора қилди, шекилли, тепкилаётганлар тўхташди.

— Маромига етдими? — деди Живаку ҳиринглаб ва мен жавоб беришга улгурмасимдан шотирларига: — Хонимчасининг ёнига ўтқазинглар, — дея буйруқ берди.

Рена билан ёнма-ён ўтирибмиз, афт-башарам қонга бўялган, қовоғим шишиб кетган, шекилли, кўз олдимни бекитиб қўйган. Рена елкамга пешонасини тиради.

— Майли, мени ўлдирсинлар эди, сен нега таслим

бўлдинг?! Ахир, иккимиздан биттамыз тирик қолишимиз шарт-ку, — деди йиғламсираб.

— Живаку инсофли одам, — дедим душманимга қараб илжайарканман, — иккаламизни ҳам омон қолдиради.

— Афсуски, шундай қилардим сен бошқача одам бўлганигда. Энди бўлса, қийналиб ўласан... Адашдим. Қийналмайсан. Битта дори, тамом, ишинг битади. Юрагинг керак бизга. Мижозлар сўрашаяпти...

— Наҳотки осонгина ўлдириб қўя қолсанг?

— Йўқ, осонгина эмас. Сен учун совға бор. Айтмоқчи-манки, фақат сен адашиб бориб қолган оролдагина эмас, бошқа жойларда ҳам нинзалар яшашади. Лекин сенга ўхшаганлардан минг марта ақлли улар. Хуллас, ўшалардан бири билан муштлашасан. Енгсанг, бирор ярим соатча кўпроқ яшайсан, бўлмаса, ортингдан хотинчангнинг ётиб боришини кутаверасан. Албатта, сен кетганингдан кейин у менинг тўшагимнинг юмшоқлигини синаб кўради. Ҳа, айтмоқчи, ўғлинг ота-онасиз яшолмаса керак. Шунинг учун ўзимга ўғил қилиб оламан. Қолганини ўзинг тушуниб олавер.

Томирларим бўртиб кетди. Қўлим сал бўшасайди, бу маразни туғилганига пушаймон едирардим. Инграб кўзимни юмдим. Қулоғимга Живакунинг қаҳқаҳа отаётгани эшитилиб турарди.

— Бурдалайман!!! — деб ўкирдим телбаларча. — Сов қўймайман!!!

Хонага мендан новчароқ, қисик кўзли, оппоқ яқтак кийган йигит кириб келди.

Шу ондаёқ автоматларни менга тўғрилашди ва Живакунинг иккита одами қўл-оёғимни бўшатиб, ўзлари четга чиқишди.

Ҳали ўрнимдан туришга улгурмай, бўйним билан гавдам аралаш теккан тепкидан орқамга гурсиллаб қуладим. Буни кўрган Живаку чапак чалиб юборди. Унга атрофидагилар ҳам қўшилишди. Кўз олдим бир лаҳза хира тортиди ва айни шу маҳал туман орасидан оқсоқол чиқиб келди: “Тур! Ўғлинг, Рена менинг авлодим, сен уларни асраб қолишинг шарт!”

Ёввойиларча ўкирдим ва сакраб оёққа турдим. Рақи-

бим шуни кутиб турган экан, кўкрагимга тепди. Суякларим қисирлаб кетди. Нафас олишим оғирлашиб яна ортимга, Ренанинг ёнгинасига гурсиллаб йиқилдим. Бу сафар хушим ўзимда эди. Фақат нафас олишим оғирлашганди.

Живаку қаҳ-қаҳ отиб кулди... Сўнг бирдан кулгидан тўхтади.

— Ярамас! — дея бақирди. — Мени томошадан мосуво қилаяпсан. Жонинг йўқ экан, нима қилардинг гўдаиб?.. Йўлбарс, ўлдир уни!

Мен туришга уринаётиб, Рена ўтирган стол орқасидаги арқоннинг тугунига кўзим тушди ва шу заҳоти яшин тезлигида уни тортиб юбордим-да, жуда яқинимга келиб қолган рақибимнинг оёғига тепдим. У буни мутлақо кутмаган экан, ўтириб қолди.

— Энди бошлаймиз, — дедим жойимда бир-икки сакраб.

Рақибим илжайди ва ўтирган жойида бир қўлига суяниб икки оёқда мен томонга отилди. Бу сафар қочиб қолдим. У ҳам гарчи зарбаси мўлжалга тегмаган эса-да, мушукдай оёқда тик турди. Аммо менинг муштим шу заҳоти унинг юзига тегди. Душманним йиқилиш ўрнига ёнламасига икки марта учиб айланди. Бу тактикани жуда яхши биламан. Энди у сакраб орқага қайтади. Шундай бўлди ҳам. Аммо рақиб зарбаси ҳавони ишғол қилди, холос...

Қўл жанги қизигандан қизиб кетди. Гоҳ мен уни йиқитаман, гоҳида унинг қўли баланд келади. Бу орада Ренага кўзим тушади. У боягидай менга калтак тушганида бақириб юбормас, тинимсиз арқондан бўшалишга уринарди. Демак, мен мумкин қадар жангни чўзишим керак. Рақибим унчалик кучли эмас, тайёргарлиги сустроқ экан, агар унинг ўрнига Сёхэй бўлганида борми, аллақачон мени асфаласофилинга жўнатарди.

Рена арқонни тўла ечганига кўзим тушди. Ич-ичимдан қувониб, кучимга куч қўшилди ва ҳаракатимни тезлаштирдим. Рақибим зарбада адашганидан фойдаланиб, жигарига бор кучим билан урдим. У бир метрлар чамаси юқорига кўтарилиб гурсиллаб полга қулади ва шу ондаёқ

жон берди. Ҳамманинг кўзи унда, ҳайкалдек қотиб қолишганди. Бундан Рена усталик билан фойдаланди ва ўтирган столи билан ёнгинасида турган қуролли йигитнинг бошига қарсиллатиб урди-да, икки марта салто қилишда Живакунинг ёнида пайдо бўлди ва унинг ҳассасини тепиб юбориб, бўйнига пичоқ тиради.

— Одамларингга айт! — деди у таҳдидли овозда. — Қўлларидаги ўйинчоқларини ташлашсин!

— Айт... Айтганини қилинглар, — хириллаб буйруқ берди Живаку.

Унинг шотирлари бир зум иккиланишди, Аммо Живакунинг томоғидан қон сизиб чиқа бошлаганини кўргач, қуролларини отиб юборишди. Мен автоматлардан бирини олдим ва шошилмасдан Живакунинг йигитларига қарата тепкини босдим. Ҳали-ҳамон қайнаган қонимнинг тафти босилмаганди. Кўзимга ҳеч нарса кўринмас, автоматни тинимсиз тариллатардим. Живакунинг шотирлари худди ўрилаётган пичандай қаторасига қулашарди... Ўқ тугаб, автомат чиқиллаб қолгандагина тўхтадим. Қарасам, Живакунинг ҳамма одамлари қонига бўялиб ётибди. Қўлимдаги қуролни улоқтириб, Ренанинг ёнига бордим ва унинг юзидан ўпдим. Шунда унинг титраётганини сездим. Пичоқ ушлаган қўли аста-секин тортилаётганди. Живаку жон талвасасида ёлворишга тушди.

— Илтимос, ўлдирманглар, ўлдирманглар, нима истанглар, ҳаммасини бажараман! Ўлдирманглар! — дерди у.

Мен Ренанинг қўлидан пичоқни аста олдим. Живаку: “Бўлди, булар энди мени ўлдирмайди”, деб ўйлаганди, шекилли. Аммо у адашган эди. Мен фақат Ренанинг одам ўлдиришини истамагандим.

Живакунинг боши узилиб кетди. Буни ғайриихтиёрий равишда қилдим...

Рена бўйнимга осилиб йиғлаб юборди.

— Мана... Мана, — дедим ҳансираб, — ҳаммаси ортда қолди. Энди кетамиз... кетамиз.

Шу маҳал хаёлимга Рубен келди ва бирдан ўлиб ётганларга бирма-бир қараб чиқдим. Уларнинг орасида Рубен йўқ эди.

— Рена, — деб бағримдаги жувоннинг елкасидан ушлаб юзига қарадим, — биттаси қочибди.

— Қочса, ундан нарига ўтсин...

— Улар Ёдгор ҳақида гапиришганди, шошилишимиз керак.

Биз биттадан автоматни қўлга олиб, ташқарига отилдик. Живакунинг одамлари ҳали кўп экан, қаср ичида, ташқарисида уларга дуч келдик. Чаққонлигимиз, қуролимиз иш берди ва дарвозагача омон-эсон етиб олдик (тансоқчилару қоровулларнинг биронтасини ҳам тирик қолдирмадик).

Адашмаган эканман, Рубен тўғри ижара уйимизга борибди. Ичкарига кирганимизда, Ёдгор биғиллаб йиғлар, унинг муштдек бошчасига тўппонча тиралган эди. Ижарачи кампир бўлса, девор тубида кўзлари юмуқ ҳолда ётарди.

— Агар болага бир нарса бўлса, зотингдан бирортаси ҳам тирик қолмайди! — деб бақирдим.

Рубен илжайди. Сўнг тўппончасини юқорига кўтардида, айлантириб ўйнади ва бир четга иргитиб юбориб:

— Болангни ўлдириш ниятим йўқ эди. Фақат сени бир озгина тўхтатиб турмоқчийдим. Шунга рухсат берар...

У гапини охиригача айтолмади. Рена унинг башарасига шунақанги тепдики, бечора Рубен учиб бориб деворга гурсиллаб урилиб полга қулади. Шу бўйи қимирламай қолди. Рена югуриб бориб йиғлайверганидан овози хириллаб, юзи қизариб кетган Ёдгорни қўлига олди, маҳкам кучоқлаб, ўпди. Она ҳидини чақалоқ сизди, шекилли, йиғлашдан тўхтаб, кичкинагина оғизчасини очганча кўкрак қидира бошлади. Кўзларидан дув-дув ёш оқаётган Рена дарҳол унинг истагини бажо келтирди.

Мен тик турган жойимга секин ўтирдим. Ютоқиб эмаётган гўдакни, ўғилчасининг бошини силаб унсиз йиғлаётган аёлимни кузатдим. Уларнинг бу ҳолатини ҳеч нарсага тенглаб бўлмасди. Дунёни бир тарафга қўйиб, иккинчи томонга боласини эмизаётган онани қўйса, шубҳасиз, тарози палласининг оғир томонини она билан бола эгаллайди. Рена билан Ёдгорнинг ҳолатини кўриб иччимдан бир нарса “чирт” этиб узилгандай бўлди. Ўзим-

нинг уларга дахлдорлигимдан қанчалик қувонганимни таърифлаб беролмайман. Менимча, буни фақатгина кўриш ва ҳис қилиш лозим.

Қорни тўйган чақалоқ пишиллаб ухлай бошлагач, Рена уни каравотга оҳиста ётқизди-да, стол устида турган пичоқни қўлига олди. Унинг нияти аён эди — Рубеннинг калласини сапчадай узмоқчи.

— Тўхта, — дедим унинг йўлини тўсиб, — аввал ўзига келтирайлик, ҳисоб-китоб қилайлик. Осонгина ўлиб кетмасин.

— Қанақа ҳисоб? Бу итдан тарқаганнинг қай тарзда жаҳаннамга кетиши мени қизиқтирмайди. Мен учун ўлса бўлди.

— Йўқ, қизиққонлик қилма.

Иккиланиб қолганидан фойдаланиб, унинг қўлидаги пичоқни олдим.

Рена бўйнимдан кучди-ю, хўнграб йиғлаб юборди.

— Илтимос, бу ердан тезроқ кетайлик. Оролга олиб бориб ташласанг ҳам майли. Фақат бу ердан кетай. Илтимос!

— Кетамиз. Ҳаммамиз кетамиз.

Шу маҳал кампирнинг инқиллагани эшитилди.

— Вой, — деди Рена унга кўзи тушиб ва дарҳол бориб ижарачи аёлнинг бошини кўтарди. Кампир ҳали ўзига келмаганди.

— Сув! Сув керак бунга! — деди Рена қичқариб.

Бошидан сув қуйиб, юзини хўл латта билан артганимиздан кейингина кампир кўзини очди ва:

— Хайрият, — деди пичирлаб. Шу ондаёқ унинг кўзидан ёш сизиб чиқди. — Ёдгор... Ёдгор тирикми?!

— Ухлаяпти, она. Ухлаяпти!

Ижарачи кампир “она” сўзини эшитгач, баттар тўлиқиб кетди ва мадорсиз қўллари билан Ренани кучоқлади, юзидан ўпди. Мен бу манзарага ортиқ қараб туролмадим, кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келди. Ўзимни чалғитиш учун Рубеннинг тепасига бориб, томирини ушлаб кўрдим. Унинг юраги ураяпти, демак, ўлмаган.

— Рена, — дедим ортимга ўгирилиб, — сизлар нариги хонага ўтинлар.

Рена аввал кампирни суяб нариги хонага ўтказди, сўнг Ёдгорни олиб кетаётди:

— Бу ерда қон тўкилмагани маъқул, — деди. У бу гапни эшик томондан кўзини узмасдан айтди. Биламан, у ҳали-бери ўзига келмаган. Мен бўлмасам, Рубенни унинг ўзи ҳозироқ бир ёқли қилади. Фақат кампирдан истиҳола қилаяпти, холос.

Умримда энг ёмон кўрадиганим — баттоллик, қароқчилик, ёлғончилик, алдамчилик, кўзбўямачиликдан ўзга нарсани билмайдиган нокасининг бошидан сув қуйдим. Унинг нафас олиши тезлашди, ўзига келди. Аммо у кўзини очишга шошилмасди. Демак, шу ҳолидаям ўйлаяпти. Эҳтимол, ҳозир қаердалигини билмас. Балки уйқудан уйғонаяпман, деган хаёлга бораётгандир. Бироқ, не бўлган тақдирда ҳам, ҳозир ўйлаяпти. Живакунинг аллақачон ўлганини унутгандир, ундан яна қандай фойдаланишни режалаштираётгандир...

— Кўзингизни очинг, жаноб, — дедим мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб.

Рубен чўчиб тушди-да, бошини кўтариб у ёқ-бу ёққа қаради. Сўнг:

— Имм-м! — деб кўзини юмди.

— Маккорлик ҳам эви билан бўлса ишонарли чиқади, — дедим худди у билан ҳамсуҳбат одамдай ёнига ўтириб.

— Бошим қаттиқ оғрияпти. Нега бунақа бўлганини ҳечам эслолмаяпман.

— Бу ерга қандай ҳолда келганингизни-чи, униям эслолмайсизми? Онасининг кўкрагидан бошқа нарсани билмайдиган гўдакнинг бошига тўппонча тираганингиз ҳам ёдингизда йўқми? Қариб-чуриб қолган кампирни уриб хушидан кетказганингизни ёдингизга солишим керакми?

— Тушунмадим. Бу менинг табиатимга зид-ку. Наҳотки шуларнинг барини мен қилган бўлсам?! Мен маданиятли одамман. Ишонаверинг. Жудаям маданиятлиман. Бировга қаттиқ гапиришни ҳам эплаёлмайман...

— Оббо муғомбир-эй, шу пайтгача доим мени сенсирардинг. Дарров тилинг ўзгариб қолдими? Ҳатто бирга ишлаганимизниям эсингдан чиқаргандирсан. Живаку деган одамнинг хизматини қилганларинг, унга йўл-йўриқ

кўрсатганларинг, одамларнинг ичак-чавоғини Африкага жўнатганларинг — буларнинг бари, менимча, тушингда бўлгандир. Ахир, сен ниҳоятда ҳалим, бировнинг бурнини қонатмаган маданиятли кишисан-ку, шундайми?

Рубеннинг киприклари пирпиради. Қошлари чимирилди. Пешонаси тиришди.

— Эсимда... Эсимда бари, лекин бошимни қаттиқ урган эканман. Оғриқ билан бўлиб ҳаммасини унутибман. Айтганларингнинг ҳаммаси ҳақиқат. Лекин мен Живакунни ёмон йўлдан қайтариб, бизнесга ундаб юргандим. Охирги пайтларда бунга қисман эришгандим ҳам. Ўзинг биласан, авваллари у фақат наркотика, босқинчилик билан шуғулланган.

— Кейинги пайтларда-чи, одам сўйиш биланми?! Ўзингни оқламай қўя қол. Ҳамма кирдикорларинг маълум. Шундай экан, ўлимингга тайёргарлик кўравер.

— Шошма, мақсадинг мени йўқ қилиш бўлса, улгурасан. Менинг бизнесим бор. Экваториал Гвинеядаги нефтнинг саксон фоизини мен сотаман.

— Қолган йигирма фоизи-чи?

— Живакунники эди.

— Демак, африкалик подшо нефтини фақат сенлар орқали сотган. Эвазига унга одам гўшти етказиб бергансанлар. Подшо экан, ўзининг давлатида одам қуриб қолибдими?

— У осиеликларнинг гўшти мазали деган.

— Тушундим. Қанча пулинг бор?

Шундай дейишим билан бирдан Рубеннинг юзи ёришди. Кўзларида умид учқунлари порлади.

— Ҳозирча икки миллиарддан ортиқ. Ярмини бераман сенга.

— Ҳаммасини. Сен подшонинг қолган нефтини сотиб яна пул йиғиб олаверасан.

— Бунча пулни йиққунимча ўн беш йил умрим кетди.

— Ҳозир ўлдирсам, йиққан пулингнинг сариқ чақалик қиммати қолмайди. Хўш, нима дейсан? Ўлдирайми ёки...

— Жоним омон, каллам ишлаб турибди. Пул топиш қўлимдан келади. Майли, жонимни ўз пулимга сотиб оламан.

Мен “қаҳ-қаҳ” отиб кулиб юбордим. Нариги хонадаги Рена келиб эшикдан мўралади. Унга “кетавер”, дегандек қўлим билан ишора қилдим. Сўнг Рубенга юзланиб:

— Мени сотиб олдинг, шундайми? Лекин ўйлаб қарасам, пулларинг камлик қиларкан. Дунёнинг энг катта бойи бўлишим керак, — дедим.

— Менда бошқа пул йўқ, — дея қовоғини уйиб олди Рубен.

— Унда менинг ҳам иложим йўқ, сени ўлдираман.

— Пуллардан қуруқ қоларкансан. Лекин айтиб қўяй, мен ўлиб кетганим билан пулларимга эга чиқолмайсан, қолаверса, уддабурон қондошим бор. У банкир. Пулимни қандай қилиб ўзиники қилиб олишни билади. Учига чиққан фирибгар. Доим ишини пухта қилади. Минг текширганинг билан барибир айбини тополмайсан. Аслида, бизнинг ҳаммамиз уста молиячилармиз!

— Ҳов, уста молиячи, гапимиз чўзилиб кетди, — деб унинг икки қоши орасига мушт туширмоқчи бўлганимда, у:

— Теодорнинг қўлида бир юз йигирма учта осиелик бор. Уларнинг ҳаммаси ҳозирча тирик. Уларни қутқаришнинг ягона йўлини фақат мен биламан. Мен ўлсам улар ҳам ўлиши тайин. Бир йўла бир юз йигирма тўртта одамнинг жон таслим қилишига розимисан? Улардан фақат биттасининггина бўйнида тоғдай гуноҳ бор. Бошқалари бегуноҳ. Яна тўққизтаси ўн ёшга ҳам кирмаган гўдак... — деганча лаби-лабига тегмай чулдираб кетди.

— Ким у Теодор деганинг, нима иш қилади? Нега шунча одамни ўлдириб юбормоқчи?

— Афри...

— Экваториал Гвинея деган кичкинагина давлатнинг президенти, одамхўр, шундайми? — дедим жаҳлим чиқиб кетганидан муштларимни тугиб.

— Ҳа, — жавоб қилди Рубен менга тикилиб.

Бошим қотиб қолди. Бундан бир неча дақиқа олдин Рубен Ёдгорнинг бошига тўппонча тирагани кўз олдимга келди. Ҳойнаҳой, падар лаънати шайтон малайининг қўлидаги гўдакларнинг ота-оналари қон бўлиб фарзандларини қидиришаётгандир. Кўпчилиги фарзанд доғида

оғир касаллик орттириб олган бўлишса ҳам ажабмас...
Отам ҳам кутавериб адоий тамом бўлган-ку...

— Қандай борилади у ёққа? — сўрадим Рубендан.

Рубеннинг юзига қон югурди, лабида ним табассум пайдо бўлди. Афтидан, тирик қолишга умидланди. Аслида, ич-ичидан: “Сен ким бўпсан менинг олдимда? Битта сени чув туширолмасам, нима қилиб олти нуқтани кўтариб юрибман?” — деган хаёлга борган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Пароходда ўн икки кунлик йўл, — деди Рубен иржайиб.

— Сенинг қочиб кетишинг ёки менга қарши бирор фитна қўллашинг учун етарли вақт.

— Нималар деяпсан? Сенинг қанчалик кучга эга эканлигингни кўрдим-ку. Бир марта ўлимдан қутулиб қолиб, яна ажалга дуч бўлишдан менга нима фойда? Яхшиси, сенинг ишингни битириб бераман-да, ўзим ҳам тинчгина бизнесимни қилиб яшайвераман. Ўйлаб қарасам, ҳалигача уйланмабман. Тўғри, ҳар бир давлатда биттадан хотин ўрнини бемалол босадиган аёлларим бор. Бироқ улар шунчаки кўнгилхушлик учун.

— Самолётда учамиз.

— Лекин у ёққа рейс йўқ-да. Нигерия орқали ўтишимизга тўғри келади.

— Нигерия орқали бўлса нима қипти? Африканинг бир-икки давлатиниям мундоқ томоша қилайлик. Яна қанча яшаймиз, бу Худоба аён.

Рубен жимиб қолди. Ўйлаяпти маккор. Устозим — орол оқсоқоли: “Ҳар қандай соддалик ортида ҳам маккорлик бўлиши мумкин. Айримлар соддаликни қурол даражасига кўтарган. Бунақанги соддаликдан эҳтиёт бўлиш лозим. Рақибинг ўзини қанча содда тутса, демак, сен ҳам содда бўлишинг керак. Аччиқни ҳар доим аччиқ кесиб келган. Эҳтимол, ширинлик зиён келтирувчи нарсага айланган маҳал, уни ширинлик билан даволаш керакдир. Бироқ соддалик билан гўлликни аралаштириб қўймаслик лозим. Ахир оқ бўёқнинг ҳам тури кўп бўлади”, деган эди. Рубен шоҳни-да ўзига бўйсундира олган одам, у билан қанча кўп гаплашсанг, шунча кўп адашасан. Шу боисдан

ҳам ундан жавоб кутиб ўтирмай, камаримни ечдим-да, оёқ-қўлини боғлаб, ўзим нариги хонага ўтдим. Рена менга савол назари билан қаради. Мен қовоғимни уйдим ва тусимни ўзгартирмаган кўйи:

— Сен у маразларнинг орасида нима қилиб юргандинг? — деб сўрадим. Аслида, у билан маслаҳатлашмоқчи эдим, бироқ ижарачи аёлнинг олдида бунга тилим бормади.

— Сен “иш”ни чўзиб юборганинг учун ёрдам бермоқчийдим. Шунга холамга, — Рена ижарачи аёлга бир қараб олди, сўнг “хола” деб кампирга ўзимни тағин бегона кўрсатиб қўйдим, деб ўйлади, шекилли, гапини тўғрилади, — онамга ёлғон гапириб чиқиб кетдим. Лекин улар аллақачон айғоқчи қўйиб улгуришган экан. Шаҳарни билмаслигим панд берди. Ўзинг ҳам шу пайтгача тузукроқ айлантирмадинг. Одам сийрак жойда бир киши юзимга нимадир сепиб кетди. Бошим айланиб, кўзим тинди. Бор воқеа шу.

— Кўлингдан ҳар бало келишига шубҳам йўқ. Аммо бу ерларни тузукроқ билмайсан. Осмондан тушгандайсан. Агар яна бир марта ўзбошимчалик қилсанг, ўзингдан кўр.

Шундай дедим-у, кулгим қистади. Ахир, унга кучим етмасди. Тўғри, у менга қарши ҳеч нарса қўлламайди, бироқ жанг санъатини мендан ўн чандон кўпроқ ўзлаштирган.

— Илтимос, — деди ижарачи кампир, — уришманглар.

Рена мийиғида кулди ва қучоғидаги Ёдгорни баландроқ кўтариб юзини тўсди.

— Барибир, — дедим мен кампирга қараб, — жиддий гаплашиб олмасак бўлмайди. Агар ҳозир гаплашмасак, ўзбошимчалиги орқасидан бошқа фалокатлар ҳам келиши мумкин. Сиз болани олиб туринг, биз ошхонага ўтиб гаплашамиз.

— Лекин...

Аёл яна эътироз билдирмоқчи эди:

— Сиз хавотирланманг, — дея бирдан унинг гапини бўлдим.

Ренани бағримга босдим, сочларини силадим, юзидан

ўпдим. У кўзларини юмиб олди. Бир оздан кейин киприклари орасидан ёш сизиб чиқди.

— Қийналдингми? — сўрадим ундан шивирлаб.

Рена аввалига: “Йўқ”, деди бош чайқаб, сўнг:

— Сени калтаклашаётганларида қаттиқ кўрқдим, — деди.

— Ҳаммаси ортда қолиб кетди. Яна озгина сабр қилсанг, кейин юртга кетамиз.

— Тамом-ку, яна нимани бошламоқчисан? — Рена кучоғимдан чиқди ва ажабланиб юзимга қаради.

— Сенга нима деб тушунтирсам экан?..

— Ҳеч нарса деб. Агар мени ота-онангнинг ёнига олиб боришни истамаётган бўлсанг, ҳеч тортинмай айтавер. Қайтиб кетавераман изимга.

— Нималар деяпсан? Бу итдан тарқаганларнинг қўлида юздан зиёд одам тутқунда экан, орасида гўдаклар ҳам бор. Уларниям ота-оналари...

— Сен уни ҳали ўлдирмадингми?

— Йўқ.

— Нега?

— Бошқа иш чиқиб қолди. Хуллас, узоғи билан яна бир ой бу ерда яшашингга тўғри келади. Ундан кейин ҳаммаси тамом.

Рена бўшашди. Юзига оқиб тушган кўз ёшларини артиб ташлади-да, ошхонадан чиқиб кетди.

Мен Рубен билан гаплашдим. Фақат бу сафар унинг фикрларига, таклифларига қулоқ тутмадим. Салгина эзмалик қилса, гапини бўлдим. Ора-сира пўписа ҳам қилиб қўйдим. Шундан сўнг:

— Қолган-қутган танишларингга телефон қиласан. Рена иккаламизга паспорт тайёрлайди. Ҳозир гаплашасан, бирорта ҳам бегона сўз ишлатмайсан, уқдингми? Қолган нарсаларни кейин айтаман, — дедим таҳдид билан.

Рубен бажонидил рози бўлди. Энди унинг имкониятлари кенгаёtgанди. Айни пайтда шубҳаланаётганди ҳам. Чунки бизда ҳужжат бўлгач, кўп ишларни унинг кўмагисиз ҳам қилаверишимизга имкон туғиларди.

Унинг қўлини бўшатдим. Рубен менга бир қараб қўйди-да, билагини уқалаб, чуқур нафас олгач, рақам терди.

Сезиб турибман, гапираётганида ич-ичидан қандай аҳволдалигини билдирмоқчи бўлаяпти. Шу боис, баъзан товуши қалтираб чиқаяпти. Кўзи ёшга тўлган. Шундай бўлсада, буйруқ бераяпти.

— Эртага, — деди Рубен телефонни ўчирар экан, — соат учга тайёр бўлади. Ярим соатдан кейин “Қуёш” супермаркети ёнида Рена иккалангизни кутади у. Қирқ беш ёшлардаги сочи оппоқ, новча одам. Соқол қўйган. Оппоқ костюм-шимда бўлади.

Рубен сўроққа ҳожат қолдирмаганди. Афтидан, менинг эртароқ кетишимни истаяпти. Мен бориб келгунимча у бирор қабиҳликни режалаштириб қўяди. Кўрамиз, режаси қанчалик пишиқ бўларкан.

Телефонини қўлидан олиб, қўл-оёғини кишанлаб қўйдим-да, Ренанинг ёнига бордим ва жилмайганча шаҳар айланиб келишни таклиф қилдим. Рена аввалига ҳайрон бўлди. Кейин асабий ҳолатдан ҳали чиқолмагани, озгина дам олиши кераклигини айтди.

— Юравер, йўл-йўлакай ўзим қайфиятингни кўтараман. Ахир, бизга ҳужжат керак-ку, — дея бағрида ютоқиб эмаётган Ёдгорнинг бурнини чимдиб қўйдим.

— Ҳужжат... Нима у? Илгари полиция сўраганида ҳам тушунмагандим, ўшанда гипноз бизга иш берганди...

— Оролда ҳамма бир-бирини танийди. Лекин бу ерларда... Самолётга чиқаётганингда ҳужжатинг бўлмаса қўйишмайди. Ахир, биз уйгача пиёда бормаймиз-ку.

Айтилган жойда одам сийрак экан, шу боис, бизни кутиб турган “нусха”ни топишимиз қийин бўлмади. Кўришганимиздан сўнг у Рена иккимизга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, кейин суратга олди. Сўнг:

— Нима деб исм қўяй? — деб сўради.

— Ўзинг биласан, фақат одамнинг тили айланадиган исм бўлса, бас, — дедим унга қараб жилмаярканман.

— Бўпти, — дея у ортига бурилиб кетди.

Орадан икки кун ўтиб, мен билан Ренанинг ҳужжатларимиз тахт бўлгач (энди биз исталган давлатга самолётда уча олишимиз мумкин эди), мен илк бор, бу ерга келиб ўлиб кетишимга озгина қолган масканга бордим. Биланман, Живакунинг йўқ қилиниши, кўзойнакнинг ўлди-

рилгани, Рубеннинг йўқолиб қолиши у ердагиларни ваҳимага солиб қўйган. Эҳтимол, аллақачон жуфтакни рослаб қолишгандир. Лекин нима бўлгандаям, бу жой аслидай турмаслиги керак. Ҳамма нарса изига тушганидан сўнг ризқ-насибасини (қизиқ, жаҳолатни ризқ-насибага айлантириб олганлар ҳам бор-а... Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин-у, лекин мутлақо бошқа мавзу бўлгани учун шартмас) ўша ердан топганлар барибир қайтиб келишади. Яна аввалги ишларини давом эттиришади. Ахир, бу уларнинг қон-қонига сингиб кетган, бировни ўлдирмаса, аъзоларини ичидан суғуриб олмаса туролмайдиган бўлиб қолишган. Бу одатларини гўрга кирганларидан сўнг тарк этмаса, бошқа пайт ҳеч нарса қайтара олмайди уларни.

Адашмабман, у ерда ҳеч ким йўқ экан. Шу боис, айланиб, пастроқ бир уйнинг томи орқали ўтишимга тўғри келди. Бироқ бу томонда ҳам эшик қулф экан. “Зўравонлик” қилишимга тўғри келди. Эшикни бузиб ичкарига кирдим. Ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Бирор кимса кўринмайди, жимжитлик, худди мозорнинг ўзгинаси. Ҳавоси шунақанги бадбўйки. Афтидан, совуткичлар ишламаётгани боис, очиқ қолган “гўшт”лар сасий бошлаган. Ташқарига чиқиб кетдим. Нима қиларимни билмай ҳовлида бир оз тургач, юк машинасига кўзим тушди. Секин бориб кабинасини қарадим. Ҳеч зог йўқ. Машина баки остидаги больтни ечиб, бир челақ бензин олдим ва ҳеч иккиланмай, “қассобхона”нинг ичига сеппиб чиқдим. Сўнг бир муддат бу ерда илгари кўрганларимни хаёлимдан ўтказгач, гугурт чақиб ирғитдим-да, келган йўлим билан бинонинг олд томонига ўтдим.

Ҳали катта йўлга чиқмаёқ ортимга қараганимда, “олти нуқтали”лар “корхона”си аланга ичида қолганини кўрдим.

Қилган ишимдан мамнун эсам-да, барибир кўнглим тўлмас, асли ниятим одамхўрларнинг барини битта-битта бўғизлаш эди.

* * *

— Негадир хавотирланаяпман. Кўнглим нотинч, бормай қўя қол, — деди Рена сафарга отланганимни эшитиб бўйнимдан кучиб.

— Хавотирга ўрин йўқ. Имкон борича тез қайтаман.

Бормасам ҳам бўларди-ю, лекин кейин бир умр ўзимни кечиролмайман, — дедим унга жавобан.

— Тирик қайтаман, деб ваъда берасан-а?

— Албатта. Мен ўлмаслигим керак. Агар ўлиб қолсам, сенга бошқа биттаси кўз олайтиради. Биласан-ку, сенга бировнинг кўзи бехосдан тушиб қолса ҳам чидолмайман.

— Жиннивой, — деб Рена қулди-да, лабимга лабини босди.

* * *

“Боинг-747” ҳавода бир зайлда учиб бораяпти. Тамадди қилиб олган йўловчиларнинг аксарияти пинакка кетган. Мен ҳам мутлақо уйқум келмаётган эса-да, кўзимни юмиб олганман. Ўзимча бораётган манзилимни, у ерда қанақанги одамлар яшашини тасаввур қиламан. Ўйларим мен истаган тасаввурни беролмас, одамлар ҳаракати, туриш-турмуши гўё туман ичида. Охири бу хаёллардан зерикиб, кўзимни очдим-да, ёнгинамда ўзини ухлаганга солиб ўтирган Рубенга қарадим.

— Уйғоқлигингни яшириш қўлингдан келмаскан, — дедим.

У кўзини очди. Илжайди. Сўнг:

— Топдинг. Менинг ухлашим қийин. Ҳатто юмшоқ тўшакда ҳам икки соатча тўлғониб ётаман, — деди.

— Аслида ухлашга ҳақинг йўқ сенинг. Чунки сен ухлайдиган бўлсанг, бошқа жойда қондошинг кўпроқ пул йиғиб қўйиши мумкин. Ёки банк очади.

— Буям тўғри.

— Агар дунёда пул деган нарса бўлмаганида нима йигардинглар?

— Энг ноёб нарсалар бизники бўларди.

— Нега очиқ гапираяпсан? Сенга нафратим баттар кучаяди-ку?

— Кучайса кучаяр, барибир мен керакли одамман. Мендайларни асрашади. Агар Теодоро Обианг Нгуемнинг чангалидан асирларини озод қилсанг, ҳатто президентни ўлдирсанг ҳам барибир менга қўл кўтаролмайсан, чунки сенга керак бўлавераман. Бирор ишинг менсиз битмайди.

— Шундай деб ўйлайсанми?

— Үйламайман. Үзи шундай.

— Кўрамиз, — дедим самолётнинг думалоқ деразасидан ташқарига қарарканман. Биз хирмон бўлиб ястаниб ётган булутлар устидан учиб ўтаётгандик. — Кел, менга борадиган жойимиз ҳақида гапириб бер.

— Биз бораётган давлат Африка қитъасининг марказида жойлашган, миттигина. Ҳирмонлари, шаршаралари бор. Пойтахти Малабо шаҳри. Одамлари, асосан, негрлар. Шундай десам сенга тушунарлироқ бўлади. Негрлар кўплигига қарамай, ўндан зиёд миллат яшайди. Ҳўш, тагин айтадиган бўлсам, ҳавоси нам, ёғингарчилик кўп бўлади. Қаҳва етиштиради. Нефтга бой мамлакат.

— Одамлари тўқ яшаркан-да.

— Йўқ, бой эмас. Бойлик президентнинг чўнтагига бориб тушади. Ундан ортгани бошқа амалдорларники. Одамлари очидан ўлмаганига шукр қилиб яшайверади.

— Бутун мамлакатнинг бойлиги чўнтагига тушса, президент нима қилиб одам гўшти еб юрибди? — дедим пешонам тиришиб.

— Бу уларга мерос. Аввал тоғаси президент эди. Уям одамхўрлиги билан ном чиқарганди. Кейин унинг ўрнига жияни Теодоро бўлди. Тоғасини отиб ташлаган ҳам шу. Одамнинг гўшти учун ўзини томдан ташлайди. Кўрдингми?

— Сен у билан қандай танишгансан?

— Пул, — деб кафтларини бир-бирига ишқалади Рубен, — пул, керак бўлса, ёввойи махлуқлар билан ҳам тил топишиб кетишинга ёрдам беради. Мана, масалан, сени пул қизиқтирмайдими?

— Йўқ, — дедим бошимни чайқаб.

— Алдама, — тиржайди Рубен.

— Бутун йиққан пулларингни бермоқчи бўлдинг, олмадим-ку.

— Ҳозирча. Вақти келса...

— Кўрасан, албатта, — дедим ва ўриндиққа суяндимда, кўзимни юмдим.

Йўқ, уйқум келмаётганди. Рубеннинг гаплари зериктирди. Энди яхшилаб режа тузиб олишим зарур. Мақсадим, асирларни қутқариб, зудлик билан ортимга қайтиш.

Рубен эса ўша ерда қолади. Албатта, лоши. Ахир, бир ерда муқим яшамайдиган одам учун қаерда ўлишнинг нима фарқи бор?

Шундай хаёллар оғушида ухлаб қолибман. Қаттиқ ухлабман, шу боис, самолёт қаергача етганини билмадим. Кўзимни очсам, Рубен пиво ичиб ўтирибди. Уйғонганимни кўриб:

— Сени безовта қилгим келмади. Шунинг учун фақат ўзимга буюртирдим, — деди гуноҳ иш қилгандай.

Тахминан беш соатлардан кўпроқ учдик. Шундан сўнг стюардессанинг майин овози янгради. У бизни манзилга етиб келаётганимиз билан табриклаб, камарларимизни тақиб олишимизни тайинлади.

Самолёт чиптасига Камерун пойтахти ёзилганини кўриб, Таиланддалигимиздаёқ Рубендан сўраганимда: “Биз борадиган жойга тўғри учадиган самолёт йўқ. Шунинг учун аввал унга қўшни давлатга борамиз. У ёғига эса машинада. Пойтахт Биоко оролида. Унгача пароходда кетишимизга тўғри келади”, — деган эди.

Таиландликлар орасида юравериб бирдан негрлар орасига тушиб қолсанг, одам ғалати бўлар экан. Биронта ҳам оқ танли одам кўринмайди. Айни чоғда, бир-икки негрни айтмаганда, бошқалар бизга эътибор ҳам қилишмади. Албатта, шуниси тузук. Ҳамма сенга маймунга қарагандай қарайверса, ўзингни кўярга жой тополмай қоласан.

Аэропортдан чиқиб, таксига ўтирдик. Рубен бир амаллаб ҳайдовчига чегарагача олиб бориб қўйишни тушунтирди. Чегарагача узоқ экан, аввалига таксичи кўнмади. Мўмайгина кира ҳақи ваъда қилинган, дарров рози бўлиб кўя қолди.

Чегарагача ўн соатга яқин йўл юрдик. Ҳайдовчи миқ этмайди. Рубен эса ўз хаёллари билан банд. Мен ташқарини томоша қилиб кетаяпман. Баъзан ғалати дарахтлар тўдасига кўзим тушади. Умримда бундай дарахтларни кўрмаганман, номларини ҳам билмайман. Ўрмон унча катта эмас, нари борса, беш-олти километрга чўзилган. Сўнг яккам-дуккам буталарга дуч келасиз. Кейин эса чўлу биёбон. Менга ёққани турли-туман ҳайвонларнинг

кўплиги бўлди. Улар машинадан ҳам ҳайиқмай ёнгина-миздан ўтиб қолади. Ёшлигимдан “Оламга саёҳат” кўрсатувини маза қилиб томоша қилардим. Энди ўша ҳайвонларнинг ўзини кўриб завқланиб кетяпман.

Чегарага беш юз метрлар қолганида таксичи машинасини тўхтатиб, ортига ўгирилди-да, ўз тилида нималардир деди. Уни на мен ва на Рубен тушундик. Қора танли ҳайдовчи қўли билан имо-ишора қилиб, чегарагача бо-ролмаслигини англатишга уринди. Унинг овози ўчиши билан Рубен аввал келишилган пулни, кейин иккита юз-талиқ долларни қўлига тутқазди. Қора танли бир пулга, бир бизга қаради. Нима қиларини билмай бир оз икки-ланиб тургач, яна машинасини юрғазди.

Чегарадан ўтиш муаммо туғдирмади. Камерун давлати чегарачилари ҳужжатларимизга синчиклаб қарашган эса-да, нариги томондагилар кучоқ очиб кутиб олишди. Бу мени ҳайратга солди. Рубенга кўзлари тушиши билан уларнинг юзларида табассум пайдо бўлди. Демак, Рубен бу ерда жуда кўп бўлган ва подшонинг махсус кўрсатмасига биноан уни сўзсиз-сўроқсиз ўтказиб юборишлари шарт! Яна таажжубланарлиси, қоравой йигитлар Рубеннинг қўлини олишга шошишарди. Гўё авлиё уларнинг юртига кириб келаяпти-ю, унинг қўлини тутиш, юз-кўзига суриш бир шарафдай. “Эй, қандингни ур! — деб юбордим ичимда. — Бу оми одамлар наҳот Рубен деган бачча-ғарнинг ўтакетган туллаглигини билишмаса... Кўйиб берса, бутун хизматларини йиғиштиришиб, уни қўлларида кўтариб боришса”.

— Обрўлари жуда-а баланд-ку, — дедим Рубеннинг биқинига туртиб.

— Мен буларнинг миллий қаҳрамонига айланганман, — деди Рубен тиржайганча. — Шахсан президентнинг ўзи мен билан кучоқлашиб кўришиб, кўксимга орден тақиб қўйганини, кўкларга кўтариб мақтаганини телевизорда кўрсатишган: “Бу инсон ватанимизнинг дунёга танилишига катта ҳисса қўшди. Унга давлатимиз эшиги ҳамиша очиқ...”

Рубен гапини охирига довура айтолмади. Бўйи икки метрдан зиёд, ҳар елкасига битта одам сиғадиган, бар-

занги бир негр тўғри келиб Рубенни кучоқлаб ердан даст кўтарди. Рубенга унинг қилиғи хуш ёқди. Ёқмасинми, менинг кўз ўнгимда уни кўкларга кўтариб улуғлашяпти. “Кўриб қўй, мен кимман! Сен жипириқ мендай улуғ шахснинг пойига болта ураман, деб юрибсан. Кошки бу нарса қўлингдан келса”, дея хаёлидан ўтказган бўлиши ҳам мумкин. Балки у ҳақдир. Не-не одамларни чув тушириб, бегона бир давлатда қаҳрамон даражасига кўтарилган одам мени лақиллатолмайдими? Тўғри, оқсоқолдан ҳаётда зарур бўладиган илм-таълимни ўргандим. Аммо ҳеч ким: “Ҳаётинг мана шундай бўлади”, деб чизиб кўрсатиб беролмайди-ку. Ўйлаб кўрсам, кўнгилчан эканман. Бу хислатим золимларга фақат фойда келтирди... Ҳаммасига қўл силтаб кетсаммикин? Энди кеч, буни эртароқ ўйлашим керак эди. Ренанинг гапларига қулоқ солсам бўларкан.

Бизни қоп-қора “Жип”га ўтқазишди. Олди-орқамизда кузатувчи машиналар. Бамисоли бир давлатнинг раҳбари расмий ташриф билан келаётгандай. Бундан кўнглимдаги шубҳам икки ҳисса ошди. Бир хаёл, ҳозирнинг ўзида, иззатим борида Рубенни бир ёқли қилиб жуфтакни ростлаб қолмоқчиям бўлдим. Лекин дарров ниятимдан қайтдим. Шошма-шошарлик режаларимни барбод қилиши мумкин эди.

— Жаноб, — дедим ёнимда ўтирган Рубеннинг биқинига туртиб, — мен тушунмайдиган тилда бир оғиз ҳам гапирмайсан.

— Бунинг иложи йўқ, — деди у қовоғини осиб, — чунки бу ердагиларнинг биронтаси ҳам таиландча билмайди... Иккаламиз ҳам гунг-соқов бўлиб қоламиз. Мендан хавотир олма, ҳаммаси жойида бўлади.

Унинг гапларига ўзимни ишонган қилиб кўрсатиш учун зўрма-зўраки илжайиб қўйдим ва табиатни томоша қилмоқчи бўлиб ташқарига қарадим. Бироқ, ўй-хаёлим манзилга етганимиздан сўнг қиладиган иш билан банд эди. Бу давлат, лофи билан айтганда, берида туриб йўталсанг нариги томонидаги одам эшитадиган даражада кичик экан. Ярим соат ўтар-ўтмай, кемалар қатнайдиган мўъжазгина бандаргоҳга етиб бордик.

— Пойтахт Биоко оролида, — деди менга қараб ўшшайиб Рубен, — шаҳарни Малабо дейишади.

Рубен самолётга чиқаётганимизда ҳам бу ҳақда айтган эди. Ҳозир ўша айтган гапи эсидан чиққан, шекилли, яна такрорлади. Мен бош силкиб қўя қолдим.

— Агар, — деди Рубен пароходда кетаётганимизда, — нефтдан келаётган даромаднинг ўн фоизигина халққа берилса борми, бу ер жаннатга айланиб кетарди. Ҳайронман, Теодоро шунча пулни нима қилади? Тўғри, болачақаси изғиб ётибди. Ҳафтасига битта хотин олади, десам ишонавер. Лекин ўша болалари вафо қилармикин? Ўзи тоғасини отиб ўлдирди-ку...

— Ўзинг-чи? Хотининг, боланг, қариндош-уруғинг йўқ, лекин икки миллиарддан зиёд пулинг бор. Мен сени ўлдириб юборсам, сенга ўша пулларинг вафо қиладими? — дедим унинг гапини бўлиб.

— Йўқ, албатта. Аммо менинг йўриғим бошқа. Бунинг бўйнида бутун бошли мамлакат одамларининг увол-савоби ётибди.

— Менимча, Теодоронинг бойлик тўплашига ўзлари ёрдамлашиб юбормаганмилар? Ҳар қалай, шу ернинг одамларига қайғуриб келмагандирсиз бу жойларга, — деб унга нишимни тикиб олдим.

Рубен қовоғини уйди, бироз ранги оқарди. Кейин илжайиб:

— Хом сут эмган одамлармиз-да, биродар. Сен ёш бўлсанг-да, менинг кўзимни очдинг. Пул ҳақида гаплашганимиздан бери кўп ўйладим. Ҳақиқатан ҳам, пулни деб қанча ишларни қилиб қўйибман!

— Анави дельфинми? — дедим Рубенни чалғитиш мақсадида биз билан изма-из сузиб келаётган улкан балиқни кўрсатиб.

— Бу ерларда дельфинлар кўп, деб эшитганман. Ҳар доим вертолётда пойтахтга борардим, шунинг учун кўрмагандим буни, — деди Рубен гапимни тасдиқлаб.

Оқсоқол бир сафар менга шайтон ҳақида гапириб, иблис аввал ишончингга кириб оларкан-да (рост гапириб, тоза амаллар қилиб), сўнг алдашга ўтаркан деганди. Рубеннинг ундан кам жойи борми? Мана, самолётга чиқ-

қанымиздан бери ўзи билан ҳамтовоқ, бойлигидан фойдаланган ошнасининг бошидан мағзава ағдариб келаяпти. Уни қаллобликда, одамхўрликда, очофатликда айбла-япти. Фирт гийбатчига ўхшайди. Тагин ўзини қўй оғзидан чўп олмагандай кўрсатиб, менинг қўлтигимга сув пуркаётир.

Банدارгоҳда ҳам чегарадагидай Рубенни улуғлаб, қўллари-ни сиқиб кутиб олишди. Биз тансоқчилар ҳамроҳлигида машинага ўтирдик.

Бу ҳурмат-эътибор менинг имкониятимни чеклаб қўяётган эди. Шундай бўлиши аввал хаёлимга келмаганини қаранг... Калта ўйлаганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим.

— Мендан узоқлашмайсан, ортиқча ҳаракат қилмайсан, — дедим Рубеннинг қулоғига шивирлаб.

Энди унинг мендан қўрқадиган жойи қолмаганди. Машинани бошқараётган ҳайдовчи, унинг ёнида ўтирган йигит, қолаверса, биздан олдинда ва ортда кетаётган машиналардаги одамлар Рубенни кўз қорачиғидай асрашлари кундай аён эди. Буни ҳис этиб турган туллак норозиланиб менга қараб қўйди. Лекин жавоб қайтармади.

— Ҳар қандай жойга менсиз кирмайсан! — деб қайта таъкидладим.

Албатта, гапим Рубенга ёқмади. У кўзини юмиб-очди, шу асно жағи ҳам қимирлади. Демак, тишини тишига маҳкам босди.

Машина елдек учиб, ўн сонияда улкан бир иморат ёнида тўхтади. Тансоқчилар эшикни илдам очди, Рубен иккаламиз тушдик. Иморатнинг зиналарига чўғдек қипқизил гилам тўшалган. Пиллапоярларнинг икки томонида костюм-шимли, кўзойнак таққан, қоп-қора барзанги йигитлар туришибди. Рубен чуқур нафас олиб, кучоғини ёзди-да, ўз тилида алланималар деб валдиради, сўнг менга беписанд назар ташлаб:

— Яратганга шукрона айтдим, — дея изоҳ берди.

Албатта, у бошқа гапни гапирган, буни юз-кўзидаги ўзгариш айтиб турарди.

Сариқ сочли бир одам бино эшигидан чиқди-да, югуриб ёнимизга келди ва Рубен билан ўпишиб кўришди.

Улар мен тушунмайдиган лаҳжада кулишиб гаплашишди. Рубен мен томонга бир қараб олди-да:

— Кечирасан, дўстим, — деди нотаниш одамга таиланд тилида, — мен ҳамроҳим билан бир-биримиз тушунмайдиган тилда гаплашмаймиз, деб келишиб олганман. Танишинглар, Сури.

— Менинг исмим Эдмистер, — деди сариқ мен томонга қўлини чўзаркан.

— Сиз ҳам Таиландда бўлганмисиз? — сўрадим.

— Бўлганда қандоқ! Ўн йил яшаганман, — деб у Рубенга қаради. — Бу ерда нима қилиб турибмиз? Мен дўстимнинг келишига зўр шоу уюштирганман. Президент ҳам, албатта, бўлади. Рубен, у сени жуда соғинган. Юринглар!

Биз қайта машиналарга ўтирдик. Йўл-йўлакай улар гаплашиб кетишди, мавзу пул ҳақида эди.

— Ироқдаги иккита қудуқ бизникиларга ўтди. Мен биттасига киролдим, холос, шунда ҳам бор-йўғи ўн фозизга. Йилига ўн беш миллион беради, — деди Эдмистер.

— Наҳотки мен беҳабар қолган бўлсам? — қовоғини уйди Рубен.

— Хафа бўлма, ҳамма пуллар Манжу орқали ўтади, ўшанда ўзинга тегишлисини олиб қолаверасан. Ҳар куни уруш бўлиб ётган жойга сени аралаштиргимиз келмади. Илгаридан биласан-ку, у ернинг одамлари тезда гапга киравермайди, — деб Рубеннинг кўнглини кўтарган бўлди Эдмистер.

— Самман Хуснини дарров тутиб олдинглар.

Эдмистер Рубеннинг елкасига қўлини қўйди.

— Биродарлар бу ишни чўзиб ўтиргилари келмади. Гуш Душнинг ҳовлиқмалигини биласан-ку. Ҳақиқий Самман Масге оролига етиб келмай туриб, нухасини уш-лашга буйруқ бериб юборди. Барибир кўпчилик ишонмади. Энди боши қотган.

Тўғриси, мен Рубен билан Эдмистернинг сўзларига тушунмаётгандим. Улар айтаётган исмлар танишдай, аммо гап нима ҳақда кетаётганига ақлим етмасди. Қанақадир қудуқ, банк, орол, яна кимнингдир ҳовлиқмалиги...

Машина оппоқ катта дарвозадан боққа кириб, бир оз юрди-да тўхтади.

— О-о! — қулочини кенг ёзиб кулди Рубен. — Бу ерга келмаганимга ҳам неча йиллар бўлди. Наҳотки базму жамшиднинг устидан чиққан бўлсак?!

— Омадинг бор-да, — унинг қувончига шерик бўлди Эдмистер, — бугунги байрам аввалгиларидан бутунлай фарқ қилади. Кўрсанг оғзинг очилиб қолади.

Биз йигирмадан зиёд тансоқчилар қуршовида гуллар барқ уриб ётган бино томон юрдик. Тўғриси, бу ерга етиб келгунча шаҳарнинг ифлослигини, одамларнинг, айниқса, аёлларнинг қарийб яланғоч юрганларини кўриб, кўнглим айниганди. Бетартиб қурилган уйлар (уларнинг орасида ёғочу қамишдан наридандан-бери тикланган кулбалар ҳам бор эди), лой-тупроқ йўллар бу ернинг пойтахт-шаҳар эканлигига шубҳа уйғотарди. Шу боис, кўркам иморат фақат ўша биз Эдмистер билан учрашган жойдагина бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, бу ер ҳам ёмон эмаскан. Фавворалар отилиб турибди. Гуллар, майсалар, турли шаклдаги дарахтлар боққа кўрк берган. Аммо боғ ўртасидаги қоп-қора иморат, улкан қора қояга ўхшайди. Бу уй эгасининг кимлигидан далолат бериб турарди.

Ойнаванд эшикдан ичкарига кирдик. Ҳайҳотдай зал, стол-стуллар териб қўйилган, дастурхон ноз-неъматларга тўла, атрофида ранг-туси ҳар хил, паст-баланд бўйли аёл-эркаклар тизилишган. Биз кириб боришимиз билан қарсақбозлик бўлди. Сўнг майин куй янгради. Рубен бешолти қора танли билан қўл бериб кўришди ва менга секингина:

— Булар вазирлар, — деб шипшиб қўйди.

Тўрдаги столга яқин бориб бошқалар қаторига қўшилиб турдик. Сўнг, залнинг ўнг тарафидаги эшик очилиб, бошдан-оёқ оппоқ либосдаги барваста киши кириб кела бошлади. Бу сафар қарсақбозлик узоқ давом этди, илжайиб кириб келаётган одамнинг боши узра гуллар сочилди.

— Президент Теодоро, — изоҳ берди Рубен.

Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Подшо ҳеч кимга

гапирмади, тўрдаги шоҳона безатилган столнинг ёнига боргач, ортига бурилиб, қўлини юқорига кўтариб қўйди-да, ўтирди. Бошқалар ҳам жойларига ўтирганидан кейин тановул бошланди.

Рубеннинг иштаҳаси очилиб кетди, у кетма-кет икки қадаҳ ароқ ичиб, сўнг қовурилган жўжани ўнг қўлидаги пичоқ билан майдалади ва шоша-пиша оғзига сола бошлади. Орада тўхтаб қадаҳини ароққа тўлдириб бир кўтаришда сипқориб юборарди. Тахминан ўн дақиқача ўтганидан сўнг, бир костюм-шимли йигит келиб унинг қулогига шивирлади. Рубен илжайди ва оғзини чаққон сочиққа артиб ўрнидан турди-да йигитнинг ортидан кета бошлади. Менинг эса уни кўзим билан кузатишдан ўзга иложим йўқ эди. Рубен энди қўлимдан чиқиб кетгани кундай равшан бўлганди. Соддалигим алам қилиб, икки қадаҳ ароқ ичиб юбордим. Дарров миям қизиди, бир зум ҳамма нарсани унутдим. Энди менга ҳеч нарсанинг фарқи қолмагандай эди.

Рубен қайтиб келмади. Бир пайт қарасам, у президентнинг биқинида ўтириб, иржайиб-тиржайганча гап бера-япти. Эҳтимол, мени ҳам тилга олаётгандир. Ҳа, шайтон қўлга тушгандаёқ бошини мажақлаш керак экан, раҳминг келса ёки жазони кечиктирсанг, бошингга битган бало бўларкан.

Орадан чамаси бир соатча ўтиб, майин мусиқа садоси тинди ва президентнинг ёнида ўтирганлардан бири ўрнидан турди-да, ниманидир эълон қилди. Мен ўзимдан хавотирдаман: “Анави аблаҳ ҳурматли президентимизни ўлдиришга келибди”, деб айтдимикин? Ҳартугул, ўтирганларнинг бари ўринларидан туришиб, ўнг тарафда очилган икки табақали баланд эшикка томон юра бошлашди. Мен ҳам уларга эргашдим.

Биз бошқа залга ўтдик. Ўртада очиқ, кенг майдон, атрофига стол-стуллар қўйилган. Бошқалар қатори стуллардан бирига ўтирдим. Теодоро Рубен билан ҳаммадан кейин кириб келди. Энг баланд, ҳашаматли столга бориб ўтирди ва “бошланглар” дегандек қўлини ҳавога кўтариб қўйди.

Тўғриси, бу ерда кўрганларимни айтиш кўп қийин. Аслидаям тилга олгулик эмас. Яна бутун бошли ҳудуднинг катталари шунақанги томоша кўрсатдики, бу менинг тушимга ҳам кирмаган.

Оғир мусиқа янграб, залнинг ўртаси икки томонга очилди. Мен циркка ўхшаш бирор томоша кўрсатилса керак, деб ўйлагандим, аммо адашган эканман. Пол остидан доира шаклидаги сахна юзага чиқди. Унинг устида оппоқ матога ўралган ўндан зиёд қизлар туришарди. Оғир мусиқа енгилга алмашиши билан улар устларидаги матоларни иргитиб, шунча одамнинг кўз ўнгида қип-яланғоч қолишди ва рақсга туша бошлашди. Рақсни таърифлашга тил айланмайди. Ёнимдагилардан уялиб кўзимни олиб қочдим. Бошқалар рақс тушаётган қизларга еб қўйгудек тикилиб туришарди.

Бир маҳал қизлардан иккитаси Теодоронинг ёнига югуриб боришди-да, унинг оёқ-қўлларини силаб-сийпалашга тушиб кетишди. Бошқа қизлар эса залдаги эркакларни бирма-бир эгаллай бошлашди. Орадан икки дақиқача ўтар-ўтмай шунақанги бемаъни томоша бошланиб кетдики...

Ҳартугул, бир соатлардан кейин бу ажинабазм ниҳоясига етди. Сўнг лифт билан ер остига тушдик. У ерда ҳам зал бор экан. Энди қанақанги “ўйин” бўларкан, деб ўйлаб турганимда, Рубен ёнимга келиб қолди.

— Қалай, маза қилдингми? — деди у тиржайиб.

— Бундан баттари бўлмаса керак, — дедим иржайиб.

— Шумшайиб ўтиришингдан билгандим, томоша сенга ёқмаганлигини. Аслида, бунақа беҳаёликни менинг ҳам жиним суймайди. Лекин на илож, баъзан чидашингга тўғри келади.

— Иккинчи қисмини бу ёқда томоша қиламизми?

— Ҳе-хе-хе, — кулиб бош силкиди Рубен, — бу ердаги томоша айнан сенбоп. Иккита оқ бадан ёнингга келади. Рена узоқда-ку, сен ҳам одам... Ҳа, айтганча, Теодорога сени тансоқчим деб таништирдим. Аслидаям шундай-ку, бирортаси мени чертолмайди. Чунки сендан кўрқишади.

Президент, биласанми, нима деди? Йигитингнинг бир кучини кўр...

— Сенинг одаминг бўлиб қолдимми ҳали? — қовоғимни уйдим.

— Шунчаки, номига. Кимлигимизни икковимиз билсак бўлди-да. Нима қиламиз буларга сирни ошкор қилиб?.. Гап урчиб кетади. Қисқаси, сенинг номингни ҳам эълон қилишади. Теодоронинг лайчаларини дўппослаб, ҳақиқий тансоқчи қандай бўлишини кўрсатиб қўй, — деб Рубен елкамга қоқди-да, подшонинг ёнига кетди.

Бир оздан кейин, Рубен айтганидай, иккита сариқ сочли қиз ёнимга келди. Бири бошимни, иккинчиси белимни уқалай бошлади. Мен уларни силтаб ташладим. Бунақанги қўполликни кутмаган қизлар ажабланишиб бир-бирларига қарашди. Сўнг биттаси эгилиб, қулоғимга инглиз тилида бир нималарни шивирлади.

— Ноо, инглиз, — дедим бош чайқаб.

— По русский знаете? — деди қиз овози титраб.

Мен унга бирдан “ялт” этиб қарадим.

— Понятна, значит, вы не чужой, — деди қиз ранги ўзгариб, — разрешите, я вас немножка массаж буду делат и кое что расскажу.

Қиз рус экан. Гарчи рус тилини билмасам-да, билганларимни ҳам аллақачон эсимдан чиқариб юборган эсам-да, сўзлари қулоғимга таниш эди. Ичимда бир энтикиш пайдо бўлди. Бошқа жой, бошқа ҳолат бўлганида, сўзсиз, уни қучиб олардим.

Қиз мени уқалаш асносида ниҳоятда паст овозда:

— Если сможете, заберите меня от сюда, а то я здес могу погибнут. Они не люди, а звери. Понимаете вы? Звери они... — дея қиз бирдан гапиришдан тўхтади. Шундан билдимки, кимдир биз томонга яқинлашапти.

“Бу ҳам менга қўйилган тузоқлардан биттаси. Аввал тўрткўз менга ўзбекча гапириб кўрганди. Мақсади менинг қаердан келганимни билиш эди. Энди бу қиз менга рус тилида гапираяпти. Демак, бунга шу буюрилган. Ҳойнаҳой, Рубеннинг иши бўлса керак”, — хаёлимдан ўтди менинг.

Икки ёнимдаги стулга иккита қоп-қора барзанги йигит келиб ўтирди. Мен уларга қараб жилмайиб қўйдим ва таиланд тилида:

— Биргалашиб томоша кўрарканмиз-да, — дедим.

Бироқ улар фақат тишларининг оқини кўрсатиб тиржайишди. Албатта, бу йигитлар бекорга ёнимга келишмаган. Демак, менинг кимлигим кўпчиликка маълум. Фақат қўлга олишни нега бунчалик чўзишаётгани мени ҳайрон қолдираётганди. Ахир, президент шу ерда бўлса, мен унга бемалол зиён етказиб қўйишим мумкин-ку. Ёки бошқа режалари бормикин? Дарвоқе, Рубен Теодоронинг йигитлари билан муштлашимни айтди-ку... Демак, бунинг ортида ҳам нимадир бор. Рубен бир нимани мўлжаллаётир. Эҳтимолки, Теодоронинг одамлари ҳаддан зиёд кучли, улар билан олишиш дев билан майдонга тушиш билан баробардир. Рубен менинг айнан шундай жангла ўлиб кетишимни истаётгандир, яъни шовқин-суронсиз, ими-жимиди.

Залнинг ўртасига иккита йигит чиқиб келди. Шу лаҳзада томошабинларнинг олди шифтдан тушган темир панжаралар билан тўсилди. Ҳеч кимнинг юзида хавотир сезмадим, демак, бу ерда бундай томошанинг кўп марта гувоҳи бўлишган.

Ўртага чиққан иккита йигит муштлашишни бошлаб юборишди. Бу олишув бирор-бир спорт турига ўхшамасди. Улар гоҳ тепишишар, гоҳида тишлашарди ҳам. Ниҳоят қорувлиси рақибини уриб ерга қулатди ва томошабинларга қараб қўлларини осмонга кўтарганча оғзини калишдай очиб ўқирди-да, рақибининг устига бутун гавдасини ташлади. Рақибнинг бир жойи синди, шекилли, шўрлик типирчилаб қолди. Бироқ голиб бу билан ҳам қаноатланмай, уни бошидан ушлаб турғазди-да, бўйин томирини тишлаб узиб ташлади. Мағлубнинг қони фавворадек отилди ва у гурсиллаб ерга ағанади. Томошабинлар қийқиришиб, қарсак чалишди. Голиб “шоввоз”ни олқишлашди.

“Жанггоҳ”га иккинчи жуфтлик чиқди. Бири маймуннинг қилиғини қилса, иккинчиси аждарҳодек ташлана-

ди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари кўчанинг муштумзўрлариникига ўхшаб кетса-да, томошабинларга ёқди, бир-бирининг гўштини еяётган чапаниларнинг олишувини маза қилиб томоша қилишди.

Тўртинчи жуфтликнинг фақат биттаси ўртага чиқиб, залдагиларга қараб алланарса деб ўкирди. Мен уни буқага ўхшатдим: бўйи, чамамда, икки метрдан зиёд, кўкраги тўнкарилган қозондай дўнг, қомати тошдан йўнилгандай. Ҳайбатидан юрак ҳаприқади. Овоз ҳам шунақанги йўғонки, қулоқни қоматга келтиради. Унинг нега ёлғиз ўзи “жангоҳ”га чиққанини тушунолмай турганимда, Рубеннинг дўсти Эдмистер ёнимга келди-да:

— Сизни чорлаяпти. Чиқиб бир овозини ўчириб қўймасангиз, бу ердагиларни тириклайин еб қўяди у! — деди сохта мулозамат билан.

— Нега мен? Ахир, менинг вазифам Рубенни кўриқлаш, ўртага чиқиб олиб ким биландир муштлишиш эмас, — дея хафа бўлганимни билдириш учун қовоғимни уйдим.

— Лекин Теодорога Рубен ваъда қилиб қўйган. “Менинг йигитимнинг ҳам кучини бир кўринг”, деган. Энди рад этиб бўлмайди. Ахир, жонингизни асраб қолишнинг ягона йўли шу. Чунки сиз руслигингизни ҳаммадан яшириб келаяпсиз... Яна бир томони, асирлар билан бирга боягина сизни уқалаб қўйган Олянинг ҳам тақдирининг кўлингизда...

У гапини тугатар-тугатмас ўрнимдан турдим-да, панжара ортида чақчайган кўзларини лўқ қилиб турган “жангчи” томон юрдим. Аммо икки-уч қадам ташлашга улгурмасимдан иккита тансоқчи йўлимни тўсди. Улардан бири кийимимни ушлаб бир нарсалар деди, гапига тунунмай ортимга ўгирилиб Эдмистерга қарадим.

— Қоидага кўра кийимингизни ечишингиз керак, — дея илжайди у.

— Мени ўзларингга ўхшаган исқирт деб ўйлаяпсизларми, айтинг, манави темир-терсакни кўтаришсин! — дедим панжарани кўрсатиб.

— Бир дақиқа, — деб Эдмистер кўрсаткич бармоғини

юқорига кўтариб, Теодоро билан Рубенга қаради. Шу пайт Рубен Теодоронинг қулоғига бир нималар деб шивирлади. Хукмдор ўшайиб қўлини силтади. Бу рухсат, дегани эди.

Ўзиям қоним қайнаб турганди, панжара кўтарилиши билан мени жангга чорлаётган қип-яланғоч девқомат томон сакрадим. Рақибимнинг башарасига товоним тегди. Бироқ у жойидан қимирламади ҳам. Буни кўрган томошатаблар қийқириб юборишди. Мен иккинчи зарбани унинг оёқлари орасига бердим. Аммо у қўлини қўйишга улгурганди. Бироқ шу заҳоти тиззам билан жағига тепдим ва у орқасига қулади. Кетма-кет башарасига тепки еган ҳар қандай забардаст одам ҳам гангиб қолади. Рақибим ҳам ўрнидан туришга турди-ю, лекин жойида тебраниб туриб қолди. Мен уни асло ўлдирмоқчи эмасдим. Бу бечорада нима гуноҳ? Одамларнинг қийналиб ўлаётганларини кўриб роҳатланаётган Теодоро билан унинг гуашталарининг буйруғи билан чиққан майдонга. Ўзига қолса, шундай шармандали аҳволга тушармиди?

Рақибим менга тикилиб, бақувват қўлларини мушт қилди. Шу маҳал унинг кўзи ялтиради. Буни кўриб алланечук бўлиб кетдим. Ич-ичимдан эзилдим. Чунки у ўзининг ютқазганлигини, бир неча сониядан кейин ўлишини сезиб турарди.

Машғулотдагидай енгил ҳаракат қилиб, мени урмоқчи бўлиб чўзган қўли тагидан ўтиб, қулоғининг орқасига зарба бердим. Рақибим юзтубан полга гурсиллаб қулади. У ҳушидан кетган эди.

Томошабинлар томоқлари йиртилгудек бақирришарди. Гарчи мен уларнинг гапларини тушунмасам-да, олишувни бой берган йигитни ўлдиришим кераклигини англаб турардим. Мендан шу талаб этилаётганди.

— Ўлд-и-и!!! — деб мен ҳам бошқа жангчилардай бақирдим. Шундай дейишим билан залдагилар жимиб қолишди. Ҳамма ўгирилиб Теодоро томонга қаради. Бироқ подшо жим эди. Назаримда, мен унинг энг ишонган жангчисини ўлдириб қўйгандим. У шундан хафа бўлганга ўхшайди. Рубен унинг қулоғига шивирлади. Менимча,

гапимни таржима қилди. Шундан кейин Теодоро ўрнидан туриб қарсақ чалди ва ўзининг тилида нимадир деди. У гапини тугатиши билан Эдмистер панжара ёнига келиб мени имлаб чақирди. Мен секин унга яқинлашдим.

— Теодоро жаноблари сени битта синовдан ўтганлигинг билан табриклади. Агар иккинчисини ҳам бажарсанг, жосус бўлишингга қарамай қўйиб юборишини айтди, — деди Эдмистер.

— Яна қанақанги синов? — дедим мен ажабланиб.

— Ҳозир ўзинг кўрасан.

Панжара кўтарилди. Шунда жанггоҳни ўраб олган ўттиздан зиёд қора костюм-шимдаги йигитлар ўринларидан туриб, тўппончаларини менга ўқталишди. Эдмистер эса боягина менга рус тилида гапирган қизни етаклаб келди ва ўртага олиб чиқиб, унинг авратини бекитиб турган кийимларни ҳам йиртиб ташлади.

Вужудим музлаб кетди. Кейин... Кейин: “Аввалги залда мен бошқалар кўрсатган томошани қилмаганим учун, энди ҳамманинг олдида шу шармандаликни бажараманми?” — деб ўйлаб қалтираб кетдим. Аммо шу пайт бутунлай бошқа ҳодиса юз берди. “Жанггоҳ”га темир қафасга солинган йўлбарсни олиб келишди. Уни кўриб қиз чинқириб юборди. Эдмистер эса:

— Қиз ҳам тирик қолиши керак! — деб бақирди.

Йўлбарс шошмасдан қафас ичидан чиқди-да, ўкирганча биз томон кела бошлади. Энди панжара ичида йўлбарс, қиз ва мен қолгандик.

Ўй ўйлашга фурсат йўқ, рўпарамдаги йўлбарс ўкирганча яқинлашиб келар, қиз эса жонини ҳовучлаб ортимга бекинган, қутқаришимни сўраб ёлворарди. Томошатаблар эса одатдагидай қарсақ чалишмоқда.

“Йиртқич ҳужум қилганида, агар имконинг бўлса, кўзига тик қара, хаёлан тилка-пора қилиб ташлайдиган вазоҳат билан тикил, бунинг акси нигоҳингда пайдо бўлсин”, деган эди оқсоқол. Унинг ўгитига амал қилдим, аммо йўлбарс ўкирганча яқинлашаверди.

— Мен у билан олишаман, сен чап томонга қоч! — деб бақирдим ортимга бекиниб олган қизга.

Бироқ ношуд қиз гапимга тушунмади. Аксинча, белимдан маҳкам кучоқлаб олди.

Жон-поним чиқиб, уни силтаб ташладим-да, ўзим йўлбарс томон отилдим. Шу маҳал йиртқич чалғиди — бошини аввал қизга, кейин менга буриб ириллади ва мен бир кўзига бармоғимни уриб, устидан ошиб ўтиб кетишга улгурдим. Ҳар қандай жонзотга жон ширин, бир кўзидан айрилган йўлбарс дунёни бузиб ўкирди, овози ҳамма шовқинни босиб кетди. У анча вақт ўзига келолмади, жон аччиғида думалади. Аммо оғриғи босилмади, шекилли, яна ўкирди. Мен эса, умидланиб: “Қанийди қочса, жони омон қоларди”, деб ўйладим. Кўнглимдагини уққандай, ҳайвон олдинги оёқлари билан кўзини силлаганча, қафасга киришга уринди.

Йўлбарснинг мағлубияти томошабинларга хуш келмади. Улар қўлларига илинган нарсани йиртқичга улоқтиришар, алламбало деб сўқинишарди. Яралангани, устига-устак, отилган буюмлар келиб тегаётганидан юраги ёрилаёзган йўлбарс бизни ўраб турган панжара бўйлаб қоча бошлади. Мен энди йўлбарсга бас келолмасдим. Чунки қўрқувдан қутуриб кетган йўлбарсни энди ҳеч қандай куч қайтара олмасди. Жанггоҳнинг ўртасига бориб турдик. Шу маҳал гумбурлаган ўқ овози эшитилди. Йўлбарс икки марта сапчиди-ю, гурсиллаб ерга қулади, уни отиб ташлашганди.

Панжара кўтарилиши билан Теодоронинг беш-олтита йигити майдонга югуриб кирди. Шу маҳал Рена қоғозга ўраб берган порох иш берди, уни ерга урганда, портлаб бир неча сония атрофни тутун қоплайди. Мен бундан фойдаланиб, қочиб қолишни мўлжалладим. Бунақа усулни нинзалар кўп қўллашарди. Улар ўша пайтда жуда тез ҳаракат қилиб, бошқа жойга ўтиб кетишади. Бироқ мен ҳали бирор марта бу усулни ишлатмагандим. Оролда оқсоқол неча марта ўргатишга уриниб кўрди, барибир уддасидан чиқолмаганман. “Ишқилиб, қалтис вазиятга тушиб қолмагин-да”, деганди ўшанда устозим.

Порох портлаган заҳоти ғайриоддий куч билан олдинга интилдим. Залдагилар ўзига келгунича мен Теодоро-

нинг ёнига етдим ва тансоқчиларидан бирининг тўппончасини олиб, подшонинг бўғзига тирадим.

Тугун тарқагач, жанггоҳдан мени тополмаган томошабинлар бирдан қий-чув кўтариб Теодоро томонга қарашди-ю, ҳайратдан донг қотишди. Сўнг ўзларини эшикка уришди. Тансоқчилар эса қуролларини ўқталганча ўзини аллақачон Худо деб эълон қилиб, энди ўлим билан юзмаюз турган Теодорога кўмакка шошишарди. Рубен эса, ўрnidан туриб қочишга шайланди, аммо биқинига чунонам тепдимки, турган жойида букчайиб қолди.

— Агар уч метр яқин келсанглар, подшоларингдан айриласанлар! — пўписа қилдим бўш кўлимни юқорига кўтариб.

Қаердандир пайдо бўлган Эдмистер гапимни баланд овозда таржима қилди ва ўзи ҳаммадан олдинга ўтиб:

— Ўзингни бос! Агар Теодоронинг бирон жойи тирналса, сени тансоқчилар тилка-пора қилиб ташлашади. Қуролингни ташла! — деди.

— Куролимни ташласам, улар поёндоз тўшаб мени кузатиб кўйишади, шундайми? — дедим киноя билан. — Чучварани хом санабсан. Агар бу кўппакнинг итваччалари кўлларидаги матоҳларини ерга кўйиб, менга эшикни очишмаса, Теодоронинг жойи жаҳаннамда бўлади! — қичқирдим Эдмистерга.

У дарров гапларимни таржима қилди.

Жони қил устида турган подшо одамларига ўз лаҳжасида нимадир деб бақирди. Унинг сўзларини эшитган тансоқчилар тўппончаларини ерга ташлашди. Шу маҳал кўриқчилар орасини ёриб ўтиб, ўрис қиз ёнимга югуриб келди.

— Падар лаънати, сенга бу ерда пишириб кўйибдими? Йўқол! — дедим жоним чиқиб.

Қиз қилт этмади. Аксинча, инқиллаб-синқиллаб ўрnidан туришга уринаётган Рубеннинг оёғидан судраб менга яқинлаштирди.

— Бунни пишириб ейманми?! — дея жаҳл устида бош бармоғим билан Рубеннинг томоғига урдим. Томири узи-

либ кетди, шекилли, у қўллари билан зарба теккан жойини ушлаганча ерга қулади.

— Бўл, тез! — бақирдим Эдмистерга. — Ҳамма йўлларни очиб қўйишмаса, подшосидан айрилади бу маймунлар!

Қондошининг жонсиз танасини кўриб ранги оқарган Эдмистер тутила-тутила гапларимни таржима қилди. Тансоқчилар орқага чекинишди ва йўл бўшатишди. Мен бир қўлим билан Теодорони ёқасидан ушлаб турғаздим ва эшик томон етакладим.

Ҳовлига чиқишимиз билан тансоқчилар бизни ҳалқа шаклида ўраб олишди. Уларнинг қўлларида автоматдан тортиб, оғир юк машинасини йўқ қиладиган қуролларгача бор эди. Бари мени нишонга олишган, отишга шай.

— Эдмистер, менимча, сенларга Теодоронинг кераги йўққа ўхшайди. Агар икки дақиқа ичида бу ерда бирор қуролланган одам қолса, подшонгни итдай отиб ташлайман!.. Яна эшит: қамоқдаги хорижликларнинг бари шу ерга олиб чиқилсин! — дея таҳдид қилганча Теодоронинг бўғзига тўппонча тираган кўйи бино ичига қайтиб кирдим.

— Будте осторожно, пожалуйста, — деди Оля ҳаяжондан кўкраги кўтарилиб тушиб, — не верте ни кому, вы такой человек, что обезятельно должно жит.

— Гапингга тушунмаяпман. Оёғим остида кўпам ўралашаверма, ёмон бўлади. Ҳали сотқинлик учун жавоб берасан.

У ҳам менинг гапимга тушунмади. Бақрайганча юзимга тикилиб бир оз турди-да:

— Мне сказали, что вы из Узбекистана. Вы всеровно должны меня понимать. Если мы живой останемся, много расскажу вам.

“Ўзбекистон” сўзини эшитиб эгим жимирлаб кетди. Кошки эди, рус тилида бирон оғиз гапиролсам. Билганларим ҳам эсдан чиқиб кетган. Ҳатто баъзида энди ўзбекча гапироламанми-йўқми, деб ўйланиб қоламан. Лекин барибир бу қизга ҳам ишониб бўлмайди. Бир марта соддалигига бориб у менинг қаерданлигимни айтиб қўйди. Тагин сотқинлик қилмайди, деб ким кафолат беради?

Нима бўлгандаям, бу қиздан тезроқ қутулишим керак. Бошимга неки ташвиш тушган бўлса, бари аёл зотини деб бўлди...

Орадан чамаси ярим соатлар вақт ўтиб Эдмистер қамоқдаги хорижликлар тўпланганлигини айтди.

— Подшоларингнинг қанақа кийимдалиги эсингдан чиқмаган бўлса керак. Ҳаммасига худди шунақа кийим кийдиришлар. Бизга ҳам икки жуфтини келтир, — дедим ичкарида туриб Эдмистерга бақириб.

— Эсинг жойидами? Шунча кийимни қаёқдан ола-миз?! — деди Эдмистер асабийлашиб.

— Бир мамлакатда юз элликта бир хил кийим топиш муаммоми?

— Айнан Теодороникдан йўқ.

— Унда қамоқда ўтирганларникдан келтиришлар. Огоҳлантириб қўяй, вақт кетаяпти. Айтганим ярим соат ичида бажарилмаса, подшоларингни азоблаб ўлдираман.

Пўписам иш берди чоғи, беш дақиқада мен сўраган нарсалар муҳайё бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши, Теодоро ечган кийимларни йиртиб, учаламизнинг ҳам юзимизни бекитдим. Қарабсизки, учта бир хил кўринишдаги одам. Агар синчиклаб разм солинмаса, уларни ажратиш қийин.

Ташқарига чиққач, қамоқдан келтирилганларга бир қур назар ташладим. Ишонасизми, уларнинг бақрайган кўзлари-ю туртиб чиққан суюқларигина қолган эди. Ичимдан бир нима “чирт” узилгандай бўлди. Чуқур нафас олдимда, нарироқда ҳар бир ҳаракатимни кузатиб турган Эдмистерга:

— Бизга яқинроқ келсин ҳаммаси, — деб буюрдим.

Бу сафар гапларим инглиз тилига таржима қилинди. Бироқ ҳар қандай гапдан юрак олдириб қўйган одамлар бир жойга тезда жам бўлаверишмади. Уларнинг имиллаётганликларини кўрган Оля инглиз тилида бақирди.

Албатта, тўдадагиларнинг ҳаммаси маҳбуслар эмас, орасида Теодоронинг одамлари ҳам бўлса эҳтимол. Шу боис, жуда эҳтиёткор бўлишимга тўғри келди. Рус қизи кўнглимдагини уққандай, уларни яқинимизга йўлатмади.

Биз гаровдаги подшо “кўмаги”да аста-секин Теодоро-

нинг қароргоҳидан чиқиб олдик. Бу ёғи шаҳар. Паст-баланд иморат кўп. Гарчи энди Теодоронинг тансоқчилари кўринмаса-да, ортдан бизни кузатиб бораётгани аниқ эди.

Тахминан шаҳар ичида икки юз метрлар чамаси юргач, асирлар орасидан иккита “бегона”сини танишга улгурдим. Улар ҳам озғин эди-ю, аммо кўзлари бежо, ҳарҳар замонда ўзаро пичирлашиб қўярди. Четдан қараганда ўзига-ўзи гапираётгандай туйилиши мумкин, аслида, ёқаларидан чиқиб турган билинар-билинемас симли микрофонга шивирларди. Устунлигим шунда эдики, юзим берк, лекин кўзларим олдини тўсиб турган мато ниҳоятда юпқа, атрофни бемалол кўра олардим. Улар эса, менинг қаёққа қараётганимни пайқамасди.

Дарвоқе, Оля ҳам шу орада ишончимга кира бошлади. У қамоқдан чиққанларни кузатиб борар, ҳар бирининг хатти-ҳаракатига эътибор берарди.

Йўл-йўлакай: “Шубҳали бегоналардан воз кечиш керак”, деган ўй хаёлимга келди. Устига-устак, яёв узоққа боролмаслигимиз ҳам кундай равшан эди.

— Стоп! — дедим Олянинг қўлига туртиб. Биргина шу русча сўз келди хаёлимга. Менга бир қараб олган Оля инглиз тилида нималардир деб бақирди. Ҳамма юришдан тўхтаб, биз томонга ўгирилди. “Ўтир” деган сўз рус тилида қандай айтилишини эслолмадим, шу боис, Теодоронинг елкасидан босиб ўтқиздим-да, ёнига ўзим ҳам ўтириб, бошқаларга қўлим билан “ўтир” ишорасини қилдим.

— Нима истайсан? — деган овоз келди ортимдан.

— Тўртта юк машинаси. Усти ёпиқ бўлсин. Тез! — бақирдим ортимга қарамай ва шу ондаёқ Теодоронинг биқинига енгилгина мушт туширдим. У инграб юборди. Олд томондан иккита, чап томондан битта “қамоқдан чиққан” йигит “ялт” этиб қаради. “Аҳмоқлар, сенларга ким қўйибди тансоқчи бўлишни?” — деб сўкиндим ичимда.

Бир оздан сўнг талаб қилинган машиналар келтирилди. Ҳақиқий асирлар шошиб, бир-бирини уриб-туртиб

машинага чиқишга интилар, уларнинг орасидаги айғоқчилар эса чиқиб олишини бемалол кузатиб туришарди. Санасам, қарийб йигирматача шубҳали бегона бор.

Мен иккинчи машинани мўлжал қилдим. Бегоналар ҳам менга эргашишди. Айти дамда тўппонча ушлаган қўлимни озгина бўшатсам, тамом, улар менга ёпирилиб, улса-да, подшоларининг жонини сақлаб қолишга уринишарди. Шунини сезганим учун, бир қўлим билан Теодоронинг гарданидан ушлаб олган бўлсам, иккинчи қўлимдаги тўппонча милини подшонинг юраги устидан тираганман.

Машинага биздан олдин икки киши чиқди. Иккови ҳам бегона. Бошқаларига йўл қўймадим. Теодоронинг биқинига туртиб, тезроқ чиқишига ундадим. Тепадагилар қўлидан тортишиб, уни мендан ажратиб олишмоқчи бўлишди. Сакраб машинага чиқдим-у, сохта маҳбуслардан бирини тепиб пастга тушириб юбордим. Иккинчисининг эса жигарини тирсагим билан эздим.

Ниҳоят машина жойидан жилди. Мен ўз жонимни асрашнинг ҳадисини олгандим. Барча тайёргарлигим шунга йўналтирилганди. Бунақа кўп одамнинг хавфсизлигини таъминлаш, қандай қилиб уларни бехатар жойга олиб чиқишни билмасдим.

Биз ўтирган машинага Оля билан бирга ўндан зиёд маҳбуслар чиқди. Лекин бошқа машиналарда кимлар борлигини билмасдим. Бировдан сўрашга менда забон йўқ. Шу боис, Оляга қараб қўйдим. Сўнг сўрадим:

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзимизданми? Нариги машинадагиларни қандай билсак бўлади? — дедим қўлим билан имо-ишора қилиб.

— Я ни чего не понела, — жавоб қилди у киприклари пирпираб.

— Ту, ўзбек, — дедим ўзимни кўрсатиб бисотимдаги саноқли инглизча сўзларни ишлатарканман, — ноу ўзбек, рус. Ла... ла... ла таиланд.

Сўнгги жумлани тилимни унга кўрсатиб қимирлатиб гапирдим.

— Понела тепер, вы сами узбек. Но русского не знае-

те. С вами нужна разговариват по таиландски. Правильно? — деди Оля юзи ёришиб.

Мен гарчи унинг сўзларига тушунмаган эсам-да, бош силкиб тасдиқ ишорасини қилдим.

— А мы таиландского не знаем. Серовно я у других спрошу.

Оля инглизчалаб нимадир деди-да, машинада тебраниб кетаётган маҳбусларга бир-бир тикилиб чиқди. Аввалига улардан садо чиқмади. Орадан беш дақиқача ўтгач, калта бўйли, ориқ, кўзи қисик одам ўрнидан турди-да:

— Мен биламан таиланд тилини, — деди.

— Хайрият! — деб юбордим чуқур нафас олиб. — Яқинроққа келинг.

У сафдошларининг оёқлари устидан зўрға ошиб олдинга ўтди-да, ёнимизга келди.

— Биларкансиз-ку, мен қачондан буён тилмоч тополмай қийналаман, — дедим унга.

— Бу маконда “биламан” деганларнинг қанчаси ўлиб кетди. Юрагимизни олдириб қўйганмиз, — деди кўзи ёшланиб.

— Майли, вақтни бой бермайлик. Маҳбуслар орасига манави хумпарнинг одамлари кириб олган, — дедим бармоғимни бигиз қилиб, бошини ҳам қилганча қовоғини уйиб кетаётган Теодорони кўрсатиб.

— Биламан, улар ўттиздан зиёд. Нариги машиналарга ҳарбийлари ҳам чиқди. Ўз кўзим билан кўрдим. Ҳозир улар маҳбусларни бирма-бир ўлдиришаётган бўлса ҳам ажабмас.

— Шаҳардан чиқишимизга қанча бор?

Саволимга таиландчани биладиган маҳбус жавоб беролмади. Оляга юзланиб, инглиз тилида ундан сўради. Сўнг қизнинг гапини менга таржима қилди.

— Ўн дақиқалардан кейин ўрмон бошланаркан.

Ичимни ит тирнаётганди. Мақсадим, тутқундагиларни жаҳаннамдан омон-эсон олиб чиқиб кетиш. Шу боис, ҳаётимни хавф остига қўйгандим. Энди англасам, бу уришиш билан уларнинг эртароқ ўлим топишларига ўзим сезмаган ҳолда кўмаклашиб юборибман.

Кутилганда вақт ҳам имиллайди, бундан баттар жиғибийрон бўламан. Шу ўн дақиқа бир неча йилга татидиёв, чамамда.

Ниҳоят кутилган жойга етиб келдик. Кабинани муштладим. Ҳайдовчи сал ҳовлиқмароқ шекилли, бирдан тормозни босди. Агар брезент бўлмаганида, кабина устидан ошиб тушишим аниқ эди.

— Бировинг бориб, ҳайдовчидан қанақанги телефон аппарати бўлса ҳам олиб келинглар, — дедим ҳайрон қараб турган маҳбусларга.

Гапимни тилмоч инглизчага ўгиргач, маҳбуслар худди “сен бор, сен бор”, дегандек бир-бирига юзланишди. Оля бундан асаби қўзиб пастга тушмоқчи бўлди-ю, бироқ яна тўхтаб инглиз тилида таржимонга нималардир деди.

— Йўлнинг икки тарафини ҳарбийлар эгаллаган, бизга қурол ўқталиб туришибди. Нарироқда танк ҳам бор экан, — тилмоч Олянинг сўзларини мен тушунадиган лаҳжага ўгирди-да, бурнини қашлаб қўйди.

— Майли, тушавер, — дедим қизга қўлим билан ишора қилиб. У гапларимни таржимонсиз илғаб, секин машинадан тушди. Бу пайтда ортимиздан келаётган машиналар тўхтаганиди.

— Ўҳў, ортимиздан бутун бир карвон келаяпти-ку. Кўпи ҳарбийлар, — деди тилмоч брезентдан ташқарига бошини чиқариб қараб.

— Демак, бизни осонликча қўйиб юборишмайди. Майли, нима бўлса бўлар, бу ёғи пешонадан, — дедим ва Теодоронинг иягидан ушлаб ўзимга қаратдим-да: — Шунчалик кераклигингни сен ифлос энди билаяпсанми? — дея сўрадим.

У нималардир деб минғирлади.

— Майнавозчиликни бас қил. Не истаётган бўлсанг, ҳаммасини бажараман, деди, — дея таржима қилди тилмоч.

— Тоғанга вафо қилмаганингда менга вафо қилармидинг? Сен менинг ихтиёримдасан. Жим ўтириб айтганларимни бажарасан. Бўлмаса, сен бошқаларни қандай

азоблаб ўлдирган бўлсанг, ўзингни ундан баттар кўйга соламан, — дедим.

Оля қайтиб келди. Қўлида рацияга ўхшаш матоҳ.

— Гапир, — дедим Олянинг қўлидаги асбобни олиб Теодорога берарканман, — йўл ёқасида бирорта ҳам ҳарбий қолмасин, нариги машинадаги одамларингнинг ҳаммаси тушсин.

Тилмоч аввал менинг гапларимни инглиз тилига ўгирди. Сўнг Теодоро нимаики деган бўлса, ҳаммасини менга айтиб турди.

— Яхши, буюр, Эдмистерни ҳозирнинг ўзидаёқ отиб ташлашсин. У сотқинлик қилди. Сенинг ҳам шу кўйга тушишингга ўша сабабчи. Сотқин вақтида ўлмаса, бошга кулфат келтиради.

— Йўқ, бунисини бажаролмайман, — деди Теодоро гапимнинг мазмунини тилмочдан билгач, — у кучим етмайдиган томоннинг одами. Улар бутун дунёга эгалик қилишади.

— Мен ҳам ўша томоннинг одамиман. Йўқса, сени бу аҳволга солиш қўлимдан келмасди. Менга Эдмистерни йўқ қилиш буюрилган. Лекин у шайтон ўзининг ўрнига сени тўғрилади. Сенга ўзингнинг жонинг керакми ёки Эдмистерники? Айтганимни қил.

— Экваториал Гвинеянинг президенти гапиради! Ҳамма ҳарбий қисм кўмондонларига! Эдмистер қўлга олинсин ва ҳеч бир сўроқсиз отиб ташлансин.

Теодоро гапини тугатиши билан рациядан шовқин эшитилди.

— Нима гап? — сўрадим тилмочдан.

— Буйруқ жуда қалтис дейишаяпти. Сиз айтгандай қилинса, бутун мамлакатнинг аҳволи оғирлашаркан, — деб, нариги томонда шовқин кўтарганларнинг сўзларини таржима қилди тилмоч.

— Шундоғам мамлакатнинг аҳволига маймунлар йиғлайди-ку. Яна бу билан бир нарса ўзгариб қолмайди, менимча, — дедим таржимонга истехзо билан.

Биламан, Теодоронинг буйруғи бажарилмайди, барибир Эдмистернинг ўлдирилганини мен кўрмайман.

“Ўлдирдик”, деб қўя қолишади. Мен эса “лақма”ман-да, гапларига ишониб кетавераман. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, подшонинг кўнглига гулгула солиб қўйганим яхши. Энди у ҳар қандай шароитда ҳам Эдмистерга ишонмайди. Ўзини ишонгандек кўрсатиши мумкин-у, аммо ич-ичидан унга душман бўлиб қолади.

Олддаги машинада ўтирган “ортиқча” одамларни йўқотиш вақти етганди, биз “карвон”нинг бошига чиқиб олдик. Улов елдек учиб борар, олдинда қанча тўсиқлар борлиги сезилмас, биз хавф нима эканлигини унутгандик. Мен брезентни ташқарини бемалол кўрадиган қилиб кесдим. Атрофга қарадим, сўнг Теодоронинг биқинига туртиб:

— Шундай жойларни жаннатга айлантириб ташламайсанми, ҳамма пулни чўнтагингга тикқунча, хумпар! — дедим.

У жавоб қилмади. Пешонасини тириштириб қараб қўйди, холос.

— Агар кунинг битмаган бўлса, бу кўргилигингни эсингдан чиқармайсан, — дея елкасига уриб қўйдим. Сўнг рацияни қўлига тутқазиб: — Одамларингга айт, бандаргоҳда машиналар бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Юк кема тайёр турсин. Нариги қирғоққача машинадан тушмаймиз... Тўғрироғи, Камерун чегарасигача, — деб буйруқ беришини тайинладим.

Тилмочдан менинг гапларим таржимасини эшитгач, Теодоро энсаси қотиб алламбало деди. Мен таржимонга юзландим.

— Сени барибир қўлга олишади. “Синов давлати”нинг бошлиқлари аллақачон ишларингдан хабардор. Қаерга яширинишингдан қатъи назар, барибир қўлга олишади, — дея Теодоронинг гапларини мен тушунадиган тилга ўгирди у.

— Бу ёғи пешона. Кимнинг қанча яшаши ёлғиз Худога аён. Агар тақдиримда ўша сен орқа қилиб юрган одамларнинг қўлига тушиш ёзилган бўлса, демак, тушаман. Ўлдиришса, ўлиб кетавераман. Аммо нима бўлган тақдирда ҳам, сен мени унутмайсан.

Теодоро билан суҳбатимиз тугади. У буйруқни ўрин-босарларига айтди, менинг хаёлимни эса режалар банд этди.

Бир соатларда бандаргоҳга етиб бордик. Келаётганимизда бу ерда одам жуда сийрак эди. Ҳозир ҳеч қаерга сизмайди. Ҳаммаси аллақандай плакатлар кўтариб олишган, нималардир деб бақаришарди. Уларнинг олдини бошқача кийимдаги (сўнгги пайтларда бойликка муккасидан кетиб, нефть заҳираси кўп бўлган жойларга кўз олайтириб, ғаламисликларни авж олдираётган — яқинда бир мамлакатни босиб олганини ҳам эшитдим — давлатнинг аскарлари эди улар) аскарлар тўсиб туришарди.

Буюрилганидай, машиналар бандаргоҳда бир сония ҳам тўхтамай, тўғри кеманинг устига чиқиб борди. Кема ҳам туриб қолмади, сувни кесиб йўлга тушди. Қутулиб кетишларига энди ишона бошлаган маҳбуслар брезентни кўтариб орқа томонга қарашарди. Баъзилари менга ўхшаб кесиб туйнук очиб олишган, тез-тез шу йиртиқдан қараб қўйишарди.

Экваториал Гвинея чегарасидан қаршиликсиз ўтдик. Аммо Камерун чегарачилари машиналарни талай муддат ушлаб туришди. Чегарачилар брезентни кўтариб бизга қарашди, бироқ ҳеч нарса сўрашмади. Ҳар биримизга синчиклаб бир сидра назар ташлагач, брезентни ёпиб кетаверишди. Улар келиб-кетганларида мен жойимни алмаштириб турдим. Эҳтиёт шарт. Бир соатдан зиёдроқ вақт ўтгач, оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан иккита ҳабаш машинага чиқди. Маҳбуслар уларнинг олдини тўсишди.

— Бу ерда уларга нима бор, нега чиқишди? — сўрадим мен.

Тилмоч гапларимни инглизчага ўгирди.

— Сизнинг фойдангиз учун келдик, дейишяпти, — дея уларнинг гапини ўгириб берди.

— Менинг эмас, манави аблаҳнинг манфаати учун келишган. Гап бундай, қадрдонлар! Камеруннинг ичкари-сига камида юз километр кирамиз, ўша жойда ҳар қан-

дай гап-сўзни муҳокама қиламиз. Кейин, Экваториал Гвинеядан у ерга бирорта ҳам аскар ёки вакил бормасин.

Ҳабашлар бир-бирларига қараб қўйишди-да, машинадан тушиб кетишди. Шундан кейин ҳам ўн беш дақиқаларча жойимиздан жилмадик. Ниҳоят улар менинг айтганларимга кўнишди, шекилли, машина юра бошлади.

— Жаноб президент, улар ҳатто сиздан ҳол сўрашмади-я? — дедим Теодорога йўлда кетар эканмиз.

— Ҳеч бир мамлакат раҳбари бундай аянчли аҳволга тушмаган. Шармандалик. Сенга айтгандим-ку, менинг юртимдан чиқмай ҳамма ишни битирайлик деб, — жавоб қилди Теодоро.

— Тақдирингизда шундай кунлар ҳам бор экан-да. Аслида одамхўрлигингиз учун жазо бу. Мен вазифамни бажариб бўлдим. Энди бемалол жуфтакни ростлайман.

Тилмочдан гапларимнинг таржимасини эшитган Теодоро хунук иржайди-да:

— Бекор айтибсан. Америка разведкасидан қутулиб бўпсан. Қаерда бўлишингдан қатъи назар, уруғ-аймоғинг билан йўқ қилади.

— Кўрамиз.

— Ташқаридаги овозларни эшитаяпсанми, биз билан бирга вертолётлар, ҳарбий машиналар кетишаяпти. Ўлишингга оз қолди.

— Сен ифлос ўз жонингни сақлаб қолишни ўйласанг бўлармиди, — дедим унга жавобан ва бошига бир урдим. Атайин урдим, чунки уни айни шу пайтгача биров чертишга ҳам журъат этмаган, ҳатто бир оғиз ҳам ортиқча гап гапиришмаган унга.

Келишилган манзилга етганимиздан сўнг машиналар бир қатор бўлиб тизилди. Брезентни олиб ташлаб, ҳаммамиз тушдик. Мен Теодоро билан бирга машинадан сакрадим ва унинг ортига бекиндим.

Рўпарамизда мингга яқин аскар автоматларини тўғри-лаб туришарди. Уларнинг олдида эса боягидай қора костюм-шимлилардан беш-олтитаси бор. Орқа томонда кимлардир суратга олар, видеотасмага туширарди. Агар улар матбуот вакиллари бўлишса, демак, бизни жуда кўп одам

телевизорда кўришаяпти. Бундай пайтда ҳеч ким қурол-сиз одамларга ўқ отолмайди. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлардим.

Учта қора костюм-шимли биз томонга тез-тез юриб келди-да, Теодоро билан менга икки қадамча қолганида тўхтади.

— Жаноб президент, — деди уларнинг новчаси, — сизга зиён етказишмадими?

— ...

— Жаноб президент, соғлигингиз жойидами?

Савол қайтарилди. Теодоро жавоб беришга шошилмай, аввал менга юзланди.

— Мана кўрдингми? — деди иржайиб. — Сўрашаяпти.

Унинг гапидан қора костюм-шимлилар ажабланишди. Тилмоч уларга мен билан Теодоронинг гапимизни таржима қилиб берди.

— Манзилга етиб келдингиз, жаноб, — деди бу сафар менга мурожаат қилган “даллол”, — сиз энди бошқа давлатдасиз. Ҳаётингиз хавфсизлиги тўла таъминланади. Рухсат берсангиз, жаноб Теодорони олиб кетсак.

— Сиз мени осонликча қўйиб юборганингиз учун учинчи бир давлатдан кўрқмайсизми? — дедим қора костюм-шимлининг кўзига тик қараб.

Тилмоч гапимни таржима қилганидан кейин ҳам у мендан кўзини узмай биров турди. Сўнг бош чайқаб деди:

— Йўқ, биз тупроғимизга ўзимиз хўжайинмиз. Сиз бу гапингиз билан бизни ҳақорат қилдингиз.

— Сизни тушуниб турибман, — дедим қуролимни ерга ташлаб, — мана, қўшнингизнинг подшосини олиб кетаверинг. Ҳар қалай, шундан сўнг ҳам уялмай давлатни бемалол бошқараверса керак...

“Даллол”лар менга яна бир марта бошдан-оёқ разм солиб чиққанидан сўнг ортига бурилишди. Адашмасам, улар беш-ўн қадамча босишган маҳал автоматнинг тариллаган овози эшитилди ва кимдир: “На-а-у-у!” — деб қичқирди.

Ёнгинамдаги маҳбус гурсиллаб қулади. Унинг кўкрагидан қон отилиб чиқарди. Мен ўзимни ерга ташладим,

бошқалар ҳам ётиб олишди. Теодорони олиб кетган “даллол”лар эса, қулочларини кенг ёзиб аскарларга бақир шарди. Бироқ ўқ ёмғири тўхтамади. Бир неча қўрғошин парчаси ёнгинамга келиб тушди. Олянинг инграган овозини эшитдим. Мен билан гаплашган костюм-шимли ҳабаш аскарларни тўхтатишга кучи етмаслигини пайқагач, ёнидан тўппонча олиб Теодоронинг қаншарига тиради ва ўз тилида нимадир деб бақирди. Шундан сўнги на ўқ ёмғири тинди. Бизнинг ҳайдовчилар пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди, шекилли, қўлларида автомат кўтариб кабинадан тушиб, машинанинг орқа томонига югуришарди. Бизнинг машинамиз ҳайдовчиси пешонасидан ўқ еб қулади. Унинг ёнидаги йигитни ҳам адашмай нишонга олдим. Сўнг эмаклаб машина тагига кирдим. Ортимдан Оля билан тилмоч ҳам эмаклаб келишди.

— Айт, ҳамма машиналарга чиқсин, — дедим таржимонга.

У гапларимни бошқаларга бақириб етказди.

Биз эгасиз қолган машинани дарҳол қўлга киритдик, ammo бошқаларнинг анча-мунча олишишига тўғри келди. Адашмасам, етти-саккиз нафар маҳбуснинг жасади шу ерда қолди. Чунки улар ўринларидан туришиб, югуриб келаётган ҳайдовчиларга тикка боришган ва уларнинг ўқларига учишганди. Масофа яқинлиги боис, ҳайдовчилар маҳбусларнинг ҳаммасини отишга улгуришмаганди.

Бизлар узоқ кетолмадик, тепамизда вертолёт пайдо бўлди.

— Тўхтат! — дея қичқирдим Оляга.

Ҳайдовчи илкис тормоз берди, ойнага қапишиб қолаёздик. Ҳартугул, машинани вақтида тўхтатган экан, устимиздаги вертолётдан отилган ўқ икки қадам олдимизга тушди-да, тупроқни тўзителиб юборди. Бирин-кетин машинадан сакраб, ўрмонга қараб қочдик.

Вертолётлар тўртта экан, яхшиям бахтимизга ўрмон яқин эди, акс ҳолда биронтамиз соғ қолмасдик. Тинимсиз ёғилаётган ўқ ёмғири остида ўрмон ичига кириб ол-

дик. Ортимиздан иккита машина йўлга чиққан экан, бор-йўғи ўн киши етиб келолди, холос. Бир қисми олдин тўхтаган жойимизда, қолганлари тўртта вертолётнинг кўрсатган “каромат”идан нобуд бўлишганди. Бизнинг машинадагилардан эса ўн беш киши тирик қолдик. Лекин ҳали хавф тўла бартараф бўлмаган, кузгунлардан биттаси устимиздан учиб ўтиб, гоҳ бомба ташлар, гоҳ ўққа тутарди.

Вертолётдагиларни чалғитиш мақсадида уч гуруҳга бўлиниб, ҳар тарафга қочдик. Ўрмон ниҳоятда қалин, юриш азоб, тепадан ёғилаётган ажал ёмғирга чап бериш ундан-да қийин эди. Бир соатлар чамаси югурдик. Йўл-йўлакай маҳбуслардан бир қанчаси жон таслим қилди. Бу аҳволда қирилиб кетишимиз тайин эди. Шу боис, мендан бир қадам ҳам ортда қолмай келаётган тилмочга:

— Сизлар қочаверинглар, мен ҳозир улар билан ҳисобкитоб қиламан, — деб қўлидаги автоматни олдим ва танами бир қулоч келадиган дарахт ортига яшириниб, тепада гирдикапалак бўлаётган вертолётлардан биттасини нишонга олиб тепкини босдим. Чўғдай ёниб учган кўрғошин парчалари темир кузгунга тегди; вертолёт ерга қулаб шу заҳоти портлаб кетди. Иккинчисини нишонга олаётганимда у кунботар томонга учиб кетди. Шу пайт мендан юз метрлар наридаги маҳбусларнинг қувончли қийқириви эшитилди.

Аста-секин қоронғилик туша бошлади.

— Энди улар бизни қидиришмайди, — деди тилмоч ёнимга келиб, — ҳамманинг тинка-мадори қуриган, узоқ юришолмайди. Яхшиси, дам олайлик.

— Биз ҳали жуда ичкарилаб кетганимиз йўқ, топиб олишадим. Шунинг учун яна юришимиз керак. Уларнинг қўлига тушадиган бўлсак, қочишимиздан маъно қолмайди, — дедим унга жавобан.

Бироқ менга кўз тикиб турган қоқсуяк маҳбусларга қараб, ҳақиқатан ҳам уларнинг мадори қуриганига амин бўлдим.

— Майли, бир оз дам олайлик, кейин йўлга тушамиз, — дея рухсат бердим-да, ўзим ўрмон ичкарилаб юра бош-

ладим. Мақсадим, уларга бирорта егулик топиш эди. Оля менга эргашди.

— Қайт, — дедим унинг кўкрагидан итариб.

— Нет, я с тобой пойду. Я боюс остатса с ними. Прошу тебя, не вгоняй меня, — дея у кўзларимга тикилди.

Тўғриси, унинг гапларига тушунмадим, аммо қолгиси келмаётганини англадим.

— Ўзинг биласан, — деганча йўлимда давом этдим.

Тахминан йигирма дақиқалар ичида бир кийикни овлаб қайтдим. Маҳбуслар қувонганидан қийқиришиб кўлимга ёпишишди.

Кийик терисини шилиб, гўштини майдалаб, таёққа сихга тортгандай тизиб, оловга тоблаб пиширгунимизча бир соатдан кўпроқ вақт ўтди. Гўшт яхши пишмади. Охирги марта қачон овқат егани номаълум маҳбуслар чидаб тура олмади.

— Секин-секин. Камроқ енглар, — деб тинимсиз жаврашимга қарамай, бир зумда кийикнинг суяқларигина қолди, холос. Аслида, гапимни ўзимдан бошқа ҳеч ким тушунмаганиди. Чунки тилмочнинг иштаҳаси ҳам карнай эди.

Бу ерда кундуздан кўра кечаси юриш ўн чандон қийинроқ эди. Яхшиям, оқсоқол тигиз ўрмон ичида кўзимни юмиб юришга ўргатган экан. Бўлмаса, бошқалар каби бошимни шохга уриб аллақачон ғурра қилардим.

Уч соат тиним билмадик. Бу ерда таржимон бир неча марта ёнимга келиб, дам олишга рухсат беришимни ўтиниб сўради. Лекин ҳар сафар унинг гапини кесиб ташладим. Ниҳоят тўрт километрдан мўлроқ юргач:

— Бўлди, дам оламиз, — дедим.

Таржимон гапимни ҳовлиқиб бошқаларга ўгириб ҳам ўтирмаёқ ўзини ерга ташлади. Орадан бир-икки дақиқа ўтиб унинг хурраги эшитила бошлади. Ерга ўтирган бошқа маҳбуслар бир-бирларига суянганча пинакка кетишди. Менинг эса ҳеч кўзим илинмасди. Аввалига барглар орасидан кўриниб турган юлдузларни томоша қилдим. Эшитилаётган ҳар бир товушга сергакланиб ўтирдим.

Шу тахлит қанча муддат ўтирганим эсимда йўқ, бир маҳал ёнимга Оля келди.

— Немогу уснут, — деди у секин пинжимга тиқилар экан, — вчерашный кашмар не даёт спат. Можно, рядом с тобой сяду.

Унга жавоб қилмадим, галини тушунмасам, индамай ўтиравердим. У бўлса менга қараб-қараб қўйди. Назаримда, бир нима демоқчи, лекин тилини тушунмаслигимни эсладими, индамай қўя қолди. Озгина ўтиб, бошини елкамга қўйганча пишиллаб ухлаб қолди.

Тонг энди отиб келаётган маҳал маҳбусларни уйғотдим. Улар ширин уйқусини бузгилари келмасди. Жаҳлим чиқиб иккитасини тепгандим, қолганлари сапчиб туришди.

Ўрмон биз ўйлаганчалик қалин эмас эди. Бемалол юрса бўладиган жойлари ҳам бор. Қоронғида пайқамай нуқул дарахтлару майда буталар қалин жойдан юрган эканмиз.

— Шошилалик, айт одамларингга, тезроқ юришсин. Анави маразлар бизни топиб олишади, — дедим негадир асабим ўйнаб.

Тўғриси, уларнинг кечаси бизни қидиришмагани мени ўйлантираётганди. Исташса, топишади-ку. Нега?..

Қуёш бир терак бўйи кўтарилганида дам олишга ўтирдик. Баҳона — ёввойи банан. Тилмочнинг айтишича, уни бемалол еса бўларкан. Мазаси озгина тахирроғ-у, лекин зарари йўқ, қоринни алдаса бўлади.

Қуёш тафтида шудринги кўтарилган майсазорга чўзилиб ётдик. Оқшом этимиз жунжикканиданми, иссиқ хуш ёқди.

— Менга қара, — дедим тилмочга, балки ундан жўяли гап чиқар деган умидда, — нега улар бизни қувмай қўйди? Жуда узоқлаб кетмагандик-ку.

— “Синов давлати”нинг ҳарбий базаси бу ердан узоқ эмас. Ўтибор қилган бўлсанг, кеча тепамизда айнан уларнинг вертолётлари айланди. Бизни ўққа тутган ҳам ўша давлатнинг аскарлари эди... Асли вьетнамликман мен. Америка билан уруш пайти ота-онам Таиландга қочиб ўтишган экан. Шу-шу беватанман. Сиёсат билан шуғул-

ланардим. Катта бир йиғинда “синов давлати”нинг анчамунча кирдикорларини очиб ташладим. Ўшандан кейин бошимга маломат ёғилди. Нигерияга конференция баҳонасида жўнатишди. Сўнг у ердан мени ўғирлаб кетишди. Олти ойдан зиёд ўтирдим... Ҳа, ўзимнинг дардимни айтиб, энсангни қотириб юбордимми? Хуллас, ўша давлат битта одами учун бутун бошли шаҳарни вайрон қилиб юбориши мумкин...

— Вертолётини уриб туширдик-ку, нега улар ўрмоннинг кулини кўкка совуришмади? — дедим унинг гапини бўлиб.

— Сўнгги пайтларда Теодоро уларнинг бошқарувидан чиқа бошлаганди. Одамлар ниҳоятда хароб аҳволда яшайди. Шундай қабилалар борки, на аёлининг ва на эркагининг эғнида кийим бор. Кўрсанг, ёввойи деб ўйлайсан. Турмуши тош асридагидан ҳам баттар. Ўшаларнинг жуда кўпчилиги очликдан қирилиб кетди. СПИД авж олган. Учта одамдан иккитаси шу касалликка чалинган. Ўлиб кетаётган гўдакларни кўрсанг, чидолмайсан, кўзингдан ёш чиқиб кетади. Бу ҳам камдай, яқинда ўша “синов давлати”нинг иккита йирик компанияси текинга сигарета тарқатди. Катталарга эмас, ҳали ўнга кирмаган болаларга. Ваҳоланки, улар ўз давлатида чекишга қарши шунанча қаттиқ курашяптики, асти қўяверасан. Жамоат жойида, кўчада чекиш мутлақо тақиқланган. Бу ердаги кароматларини кўриб ёқа ушлайсан. Хуллас, Теодоро халқига озгина қарашиб юборди ва бу билан ўша давлатга ёқмай қолди. Уни бир сафар олиб ташлашмоқчи ҳам бўлишди. Аммо ўрнига бошқасини тайёрлашга анча вақт керак. Шу боис, танобини тортиб қўйиш учун баҳона қидиришаётганди. Сен уларга ёрдам бериб юбординг. Рубенни ўлдирибсан. Эшитдим. Бундан оддий халқ қанчалик хурсандлигини билсанг эди. Менимча, Рубен сени атай “катта” дўстларига баҳона сифатида олиб келган бўлса керак. У ёғи менга қоронғи... Вертолётдагилар эса “синов давлати”дан келган эмас. Улар шу ерлик легионерлар. Нобуд бўлганларининг ўрнига бошқа легионер келади... Камерун ҳамма вақт ҳам уларнинг измидан юрмайди. Яна-

ям ким биледи дейсан? — шундай деб тилмоч бир нуқтага тикилиб қолди.

— Бундан чиқди, Теодорони олиб чиқиб кетаётганимизда атай индашмаган экан-да, — дедим ундан кўпроқ маълумот олиш илинжида.

— Шундай бўлиб чиқаяпти. Энди Теодоронинг попуги пасайиб қолгани аниқ.

— Афсус, вазият ўнглаб бўлмайдиган даражага етган. Битта одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмас экан.

— Тўғри. Энди биз ватанимизга етиб олиш йўлини излашимиз лозим. Ҳойнаҳой, “террорчи” деган тамға ҳаммамизнинг пешонамизга босилгандир. Вазиятдан чиқиб кетишни қара: жуда оддий ва осон. Қайси давлатга борма, оёқ-қўлингга кишан солади. Фақат ўлсангина булардан қутуласан.

— Йўқ, шунчаки жон бермаймиз. Тур, кўп ўтириб қолдик. Юриш керак.

Тилмочнинг гаплари хаёлимни банд этган, бу ерга бекорга келгандай ҳис қилардим ўзимни. Шунча одамни турмадан олиб чиққанимда ҳаммаси эсон-омон уйларига етиб боришади, деб ўйлагандим. Лекин қанчаси ўлиб кетди! Уйдагиларини кўриш нечтасига насиб этаркан, бу ёлғиз Худога аён. Балки ҳеч ким тирик қолмас, ҳатто буларга қўшилиб мен ҳам изсиз йўқ бўлиб кетарман...

Тилмочнинг кулгани хаёлимни бузди.

— Орқанга чумоли кириб кетдими? — дедим норозиланиб.

— Турмада бир одам бўларди. Ўша бир куни ўрмон кезибди. Гвинея ўрмонини. “Нукул олдимдан тимсоҳлар чиқади. Ўзи дарахтлару буталарнинг зичлигидан, ўтнинг узунлигидан юриб бўлмайди. Шунақанги жойлари борки, одам оёғи тегмаган. Камига, бугун дарахтларини кесиб, ўтини ўриб ўтган жойингдан эртасига ўтолмайсан. Яна ўт-ўлан қоплаб олади. Ҳар қадамда тимсоҳ”, деганди. Биз юз метр юрар-юрмасимиздан олдимиздан бир кийик кесиб ўтади. Ҳар жойнинг ҳайвони одамига мос бўларкан-да, — деди тилмоч мийиғида кулиб.

“Ҳозир”, деб энди гап бошлагандим, олд томондан товуш эшитилди.

— Тисс, — кўрсаткич бармоғимни лабимга босдим, — тўхтанглар!

Маҳбуслар жой-жойларига ўтиришди. Ҳамманинг қулоғи динг.

— Дарахтлар орқасига яширининглар, мен бориб кўриб келаман, — дедим таржимонга. У гапларимни шивирлаб бошқаларга етказди.

Аввал бироз эгилиб югурдим, сўнг секин юрдим. Олд томонимиздаги қалин дарахтзорга кирганимдан сўнг овозлар аниқ-тиниқ эшитила бошлади. Сас чиқармай қадам босиб, секин илгарилайвердим. Ўрмон тугади. Нарёғи яланглик, яккам-дуккам бута ўсиб ётибди. Кейин яна ўрмон кўринарди. Энг даҳшатлиси, икки бўлак ўрмон оралиғида ўндан зиёд ҳарбий техникалар қатор тизилган, атрофида аскарлар уймаллашиб овқатланишаётир. Бери-роқда эса битта вертолёт... Булар бари мен пойлаб турган жойдан узоғи билан ўттиз-қирқ метрча нарида. “Мана, уларнинг ортимиздан тушишмаганининг сабаби. Шу ерда кутиб туришса, биз ўз оёғимиз билан келиб буларнинг тўрига илинарканмиз”, дея ўйладим ва бир муддат кўксимни ерга босганча, бу жойдан сездирмай ўтиб кетиш режасини туздим. Лекин бунинг ҳеч бир имкони йўқ экан. Ортимга қайтиб, маҳбусларни панароқ жойга бошлаб келдим.

— Шу ерда миқ этмай ўтиринглар. Ишора қилмагунимча қилт этманглар. Шовқин чиқса тамом — ҳаммамиз итдай ўлиб кетамиз, — дедим маҳбусларга юзланиб.

Сўнг тилмочга гапларимни таржима қилишни уқтирдим-да, аскарлардан кўз узмай, энгашганча машиналарнинг ёнига ўта бошладим.

Охирги машинага яқинлашгунча беш дақиқа кетди. Бахтга қарши, иккита аскар ўрнидан туриб, шу тарафга кела бошлади. Мен кичикроқ бута ортига бекиндим. Улар машина ортига ўтишгач, алланималарни гаплашишди. Сўнг бири ортига қайтди, иккинчиси эса машина тагига кириб, калит билан ниманидир бурай бошлади. Бу айни

муддао эди. Эгилган кўйи югуриб машина баллонининг ёнгинасига бордим-да, тиз чўқдим. Машина тагидаги ҳарбий: “Шеригим келди”, деб ўйлади, шекилли, инглиз тилида нимадир деди. Гапига жавоб бўлмагач, оёқ товуши келган тарафга бурилиб қарамоқчи бўлди ва мен унинг иккала қоши ўртасига мушт туширдим. Аскарнинг қўллари бўшашиб, ёнига шалвираб тушди. Қарасам, шериги челак кўтариб, ҳуштак чалганча қайтиб келаяпти. Секин аввалги жойимга бориб турдим. Аскар шунчалик бепарво эдики, мен тарафга кўз қирини ҳам ташлаб қўймади. Машинанинг орқа тарафига ўтгач, сигарета тутата туриб чайқалиб кетди. Демак, у маст. Суробини тўғрилаш қийин бўлмайди. Тутунни бир-икки марта ҳузур қилиб ичига ютган аскар секин энгашиди-ю, бўйин суяги қирсиллаб кетганидан ҳайрон бўлди, шекилли, бир зум қотди. Қўлидаги сигарета ерга тушиб, ўзи чалқанча қулади.

Мен машина тагидаги ҳарбийнинг ёнида сочилиб ётган катта-кичик тўртта калит ва челакни олдим-да, секин бориб, ёнилғи бакини бурадим. Ёқилғи сизиб чиқа бошлагач, олдинги машинага ўтдим. Шу тариқа, қаторнинг олдидаги машинага етиб боргунимча аскарлар ҳеч нимани пайқашмади. Афтидан, бу ишларни қилишим ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, чоғи. Аслида, ўзимнинг-да хаёлимга келмаганди, лекин вазият шуни тақозо қилди-да. Бир челак ёнилғи қаторнинг охиридаги машина билан олдагиси оралиғига селиб чиқишимга етди. Кейин қолганини ўзим яширинган бутагача тўкиб келдим. Бўйни синган ҳарбийдан олган чақмоқтошни ишга солдим, тилсиз ёв машиналарга ҳужумга ўтди. Тахминан икки дақиқалардан сўнг машиналар бирин-кетин портлай бошладик, даҳшатли шовқиндан ваҳимага тушасан, киши. Бутун танасини аланга қоплаган бир ҳарбий ўрмон тарафга жон талвасасида югурар, тинимсиз доллар, олов эса, тобора авжига минарди. У йиқилди, типирчилади. Сўнг... Сўнг аланга ичида қолди...

Бу манзарани кўриб, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Сочимни гижимладим. “Нималар қилиб қўйди-и-

им!!!” — дея уввос солдим. Ўзимни ерга ташлаб, қўлларимни мушт қилиб, тишларимни бир-бирига босганча, тақдиримга лаънатлар ўқидим.

Портлашлар тингач, автоматларнинг тариллаган овози эшитила бошлади. Аввалига, бу саросимага тушиб қолган аскарлар бўлса керак, деб жойимдан қимирламай ётавердим. Бир оздан кейин товуш бошқа ёқдан келаётгандай туйилди ва секин ўрнимдан туриб қарасам, маҳбуслар ҳужумга ўтишибди. Улар ёнаётган машиналар тарафга тикка бостириб келишаётган эди. “Жинни бўлдим булар?! Аҳмоқлар! Ҳамманг ўлиб кетасан-ку!” — дея жанг авжига чиққан тарафга югуриб кетдим. Аскарларнинг тирик қолганлари ҳам бор эди. Яхшиям, улар ҳали қарахт ҳолда, нима бўлаётганини англаб улгуришмаганди. Шу боис, дуч келган тарафга пала-партиш ўқ узишарди.

Етти нафар маҳбуснинг шу ерда ажали етди. Шунга қарамай биз енгдик. Орқа тарафдан келиб, ҳарбийларнинг беш-олтитасини қаршиликсиз отиб ташлагандим, шу қўл келди. Қолаверса, аскарлар ўйлаганимдан кўра анча кам экан. Бунинг сабабини кейинроқ, вертолётни ҳам портлатиб, ўрмонга кираётганда билдим. Ҳарбийларнинг асосий қисми бизни қидириб анча наридан ўрмон ичкарасига кирган экан. Улар портлашларни эшитиб изларига қайтишганида, ҳарбийларнинг қароргоҳи аллақачон куйиб кулга айланганди. Дарахтлар ичидан чиқиб келаётган аскарларни кўриб: “Худо асрабди”, дедим ўзимга-ўзим ва қолган маҳбуслар билан бирга ўрмон ичкарасига қараб югура бошладим. Нафасимиз бўғзимизга тикилиб, дармонимиз қуригач, югуришдан тўхтадик.

— Аҳ... Аҳмоқ! — дедим ҳансирарканман тилмочга. — Мен сенларга айтгандим-ку, ўзим хабар бермагунимча биронтанг жойингдан қимирлама деб. Кўрдингми, яна қанча одам ўлиб кетди?!

— Биз сени йўқотиб қўйдик, — деди тилмоч ерга ўтираркан. — Машиналар портлаганида жароҳат олдинг деб ўйладик. Шунинг учун ўлсак шу бола билан бирга ўлайлик...

— У тебя все порядке? — деди Оля тилмочнинг гапни бўлиб.

— Нималар деб вайсаяпсан?! — дея унга бақирдим.

Олянинг юзи қорайиб кетган, сочлари тўзғиганди. Тўғри, шу ҳолатда ҳам у гўзаллигини йўқотмаган, чарос кўзлари порлаб турарди. Бақирганимдан у чўчиб тушди, киприклари пирпираб тилмочга қаради-да, инглиз тилида нималардир деди.

— У сенинг аҳволингни сўраганди, бечора қизни кўрқитиб юбординг, — деди таржимон.

— Энди билиб қўйинглар, агар яна бир марта ўзбошимчалик қилсанглар, ўзим отиб ташлайман сенларни. Шундоғам сенларни деб не қўйларга тушдим! Қанча одамнинг ўлиб кетишига сабабчи бўлаяпман...

Мен гапимни тугатиб улгурмадим. Тепамиздан бир йўла учта вертолёт вариллаб ўтиб кетди. Яхшиям дарахтлар зич жойдамиз, кўришмади. Йўқса, дўзахга мана шу ернинг ўзидаёқ дуч келардик.

— Арининг уйи бузилди, — дедим вертолётларнинг ортидан қараб қоларканман. — Энди соғ қўйишмайди. Худонинг ўзи мадаккор бўлсин. Кетдик.

Тўрт юз метрча юрганимиздан сўнг Олянинг оёғи қайрилиб кетди. У “вой-вой”лаганча ерга ўтириб қолди ва: “Бошқа юролмайман!” — дегандек ёш тўла кўзлари жавдираб менга қаради.

— Сен камлик қилиб тургандинг ўзи! — жаҳл билан уни елкамга опичлаб олдим.

Чарчаганингда кўйлак ҳам оғирлик қиларкан. Қизнинг вазни эллик килоча келса-да, аста-секин елкамни босиб, оёқ олишим қийинлашди. Маҳбуслар ёрдам беришмоқчи бўлишди, бироқ уларнинг ўзлари зўрға оёқларини судраб боришарди. Шу боис унамадим.

Орадан бир соатлар чамаси ўтгач, оптимиздан итларнинг ҳуриши, одамларнинг бақир-чақир овозлари эшитила бошлади. Ҳамма тўхтаб менга қаради, гўё ҳозир мен уларга қанот бериб учириб юборадигандай.

Очиғи, ўзим ҳам боши берк кўчага кириб қолгандим. Ўрмоннинг қаерда тугагини билмасам-да, оптимиздан

қуваётганлар ҳализамон етиб олишлари тайин эди. Аммо бироз юрганимиздан сўнг олдимиздан шовуллаб оқаётган дарё чиқди-ю, бирдан юзим ёришиб кетди. “Э Худо, — дея кўкка нола қилдим, — сенинг қудратинг олдида ҳар нарса ожиз!”

— Иккита йўл бор, — дедим сувга термилиб турган тилмочга, — биринчиси, ортимиздан қуваётганларнинг кўлига тушиб, таслим бўлиш. Иккинчиси, сувга ғарқ бўлиш. Қайси бирини танлаймиз?

— Балиқларга ем бўлганимиз маъқул, — деди таржимон, — суяқларимизнинг синишини эшитгандан кўра.

— Унда кетдик, — дедим-у ўзимни сувга отдим.

Дарё юзаси нисбатан тинч бўлгани билан тубда оқим шиддати жуда кучли экан, бирпасда мени шерикларимдан четга оқизиб кетди. Кетимдан Оля ўзини дарёга ташлади, сўнг бошқалар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, оқиб кета туриб дам олаяпман. Бошимни кўтариб маҳбусларга қарасам, улар ҳам чўкмаяпти, бошлари сув юзасида коп-токдай сузиб келишяпти.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмай шаршарага дуч келдик. Қуйига сувга қоришиб тушиб борарканман: “Ишқилиб, бирорта тошга урилиб кетмайин-да”, деб ўйлардим. Вужудимни алланечук қўрқув эгаллаган. Ҳартугул, бу сафар ҳам Худо асради. Шалоплаб сувга тушдим ва шу ондаёқ ўзимни четроққа олишга уриндим. Чунки мендан кейин келаётганлар устимдан тушиши тайин эди.

Шаршарадан кейин дарёнинг оқими тинч эди. Бемалол сузиб қирғоққа чиқиб олдим. Маҳбуслар ҳам эсон-омон шаршарадан пастга қулаб, қирғоққа сузиб келишарди.

Худога шукр, ҳеч ким чўкиб кетмабди.

Сувдан чиққанлар ўзларини қирғоққа, майса устига ташлашди. Бир маҳбус йиғлаб юборди. Тилмоч бориб сабабини сўрагани, жавоб қилмади. Кўлини ҳавода силкитиб, “шунчаки ўзим, эътибор қилманглар” дегандай ишора қилди. Қизиғи, Оля бемалол юриб бориб, биринчи дарахтга суяниб ерга ўтирди-да, кўзини юмди. Мен секин унинг ёнига бордим.

— Яхши қиз, сиз оёгингизни қайириб олгандингиз, юролмасдингиз-ку, — дедим киноя билан.

У кўзини очди-да, жилмайди ва инглиз тилида нимадир деди. Мен дарров тилмочни чақириб, сўрадим.

— “Мен қиз боламан-ку, озгина эркалик қилгим келди. Нима бўпти шунга?” деяпти, — деб тилмоч Олянинг гапини таржима қилди.

— Эркалик қилишга бошқа пайт қуриб қолган эканда, — ўрнимдан туриб ундан узоқлашдим.

Бошқалар қатори майса устига чўзилдим. Куёшнинг тафти танамга шунақанги ёқаётган эдики, уйку боса бошлади. Аммо бироздан сўнг чўчиб ўрнимдан туриб кетдим. Нимадан чўчидим, билмадим-у, лекин юрагим негадир безовта ура бошлади. Ўрнимдан туриб, у ёқ-бу ёққа қарадим. Тинчлик, хавотир уйғотадиган сас эшитилмайди.

— Ўрмон ичкарисига киришимиз керак, — дедим тилмочнинг тепасига бориб.

У индамади. Бундан жаҳлим чиқиб, уни туртдим.

— Ичкарироққа киришимиз керак, — гапимни такрорладим.

— Кўйсанг-чи, бу ердалигимизни ҳеч ким билмайди. Озгина дам олайлик, — деди у кўзини ҳам очгиси келмай.

— Бошқаларни турғиз!

Уларни кутиб ўтирмай ўзим ўрмон ичкарилаб кета бошладим. Йўл-йўлакай Оляни туртиб ўтдим. Ухлаган экан, чўчиб тушди ва менинг кетаётганимни кўриб:

— Дурак! — деди уйқуси бузилганиданми, жаҳли чиқиб.

Хавотиримда жон бор экан, ярим соат ўтар-ўтмай дарё устида вертолёт пайдо бўлди, айнан бизнинг тепамизда бир оз туриб қолди. Ҳаммамиз ерга қапишганмиз, нафасимизни ютиб кузатаяпмиз. Шу ердалигимизни сезишмади, шекилли, вертолёт баландлаб кетди. Шундан кейингина тинчландим ва чалқанча ўгирилиб, қулочимни ёздим-да уйқуга кетдим. Тушимга Рена билан Ёдгор кирибди. Улар билан боғда сайр қилиб юрганмишман. Ёдгор

чопқиллаб капалакларни қувар, қиқирлаб кулармиш. Мен ҳайронман, Ренага қараб: “Қачон бунинг юришга улгурди? Бунча тез катта бўлди?” — дермишман. Рена эса жавоб қилмас, нуқул кулармиш. Бир пайт у ҳам боласига кўшилиб капалак қувиб кетди. Менинг эса, кўнглимга хавотир тушди: “Бу ёққа келинглар!” — деб энди уларни чақирмоқчи эканман, бирдан иккови ғойиб бўлди. Роса қидирдим, кошки тополсам. Бақирай десам овозим чиқмайди. Кўкрагимдан тош босаётгандай сиқилармишман... Уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, Оля устимда.

Аввалига: “Бу нима қилмоқчи?” — деб ажабландим. Қарасам, шашти баланд — эҳтирос оловида ёнаяпти.

— Нима қиляяпсан, жинни?! — жеркиб, уни устимдан итқитиб юбордим.

— Я... Я... — деди у овози титраб, — без этого немогу жить. Плохого ничего не буду делать. Только удовольствия...

Унинг гапига тушунмадим, лекин нималардир деб ўзини оқлаётир.

— Бор, ухла! Эртага сени яна ортмоқлаб юрадиган аҳмоқ йўқ. Тагин бир марта яқинлашсанг, хафа бўласан, — деб уни нарироққа итардим.

У кетмади. Бошини тиззалари орасига олиб, пиқиллаб йиғлашга тушди. Унинг товушини эшитмаслик учун қулоқларимни бекитдим.

Ҳар доимгидек сахар палла уйғондим. Талай вақт хаёл суриб ётдим. Боши-кети йўқ муаммоларга жавоб қидирдим. Тил билмаслигим, бу ердаги шарт-шароитлардан беҳабарлигим имкониятларимни чегаралаб қўйган экан. Маҳбуслар ҳам бошга битган бало бўлди. Қаёққа борсам, албатта, уларнинг ҳам ғамини ейишим керак.

Ўй ўйлайверганимдан бошим оғрий бошлади. Чидолмай ўрнимдан туриб, ювингани дарё томон кетдим. Маҳбусларнинг ёнидан ўтаётиб, уларга ҳавасим келди. Улар кўзимга дардсиз, қайғусиз, худди уйида ётиб дам олаётгандай кўринди. Юзларига бирма-бир қараб чиқдим-да, сўнг соҳилга туша бошладим. Адашмасам, дарёгача бешолти қадам қолганди. Сув шовқини орасида одам овози

эшитилди. Олдимни дарахтлар тўсиб турганидан, ким гапирётгани кўринмади. Аввалига: “Маҳбуслардан бирортаси ювингани келгандир”, деб ўйладим. Сўнг: “Наҳотки бизни топиб келишган бўлса?” — деган хавотирли ўйдан юрагим “шиғ” этди. Секин дарё бўйини кузатдим. Хавотирим тўғри чиқди: моторли қайиқдан қирғоққа тушаётган ҳарбийларни кўриб, уларнинг шу ердалигимизни тахмин қилишганини англадим. Дарёдан тўғри сузиб ўтолмаймиз — аниқ. Ўзимизни сувга ташлаганимиз уларга аён, чунки бошқа чорамиз йўқ эди. Дарё оқими фақат шаршарадан кейин сокинлашади...

Ортга қайтиб маҳбусларни уйғотдим, қочганимиз билан узоққа боролмаймиз. Эти суягига ёпишган бечоралар эса, қуролли ҳарбийларга қарши очиқ курашолмади. Демак, ҳамма ташвиш яна ёлғиз менинг бўйнимга тушиб турибди.

Изқуварлар анчайин хотиржам эди. Ҳатто баъзилари манзилга етгунча мизғиб олган, шекилли, моторли қайиқдан тушиб, қулочини кериб керишиб олди. Уларнинг орасида оқ танлисини кўрмадим. Демак, булар профессионаллар эмас. Шу боис, эҳтиёткорлик уларга бегона.

Бир йигит дарахтларга суқланиб қараб, тиржайганча шеригига нимадир деди ва тўғри мен писиб турган жойга кела бошлади. “Бугуннинг биринчи қурбони аниқ”, деган фикр ўтди миямдан. Лекин мен уни ўлдиришни ҳечам истамасдим. Истараси иссиқ экан. У йўл-йўлакай шимининг тугмаларини еча бошлади. Ичимда: “Бошқа жойга бор, қайт изингга!” — дейман, лекин қани у эшитса? Одам ҳам шу қадар бефаросат бўладими? Яна ўрмонга беш-олти қадам ичкарилашини кўринг.

Орқа миясидан зарба еб бир марта “ҳиқ” этди-ю қулади. Ҳартугул, хушидан кетказиб яхши қилдим. Ўзига келади, ўлмайди, сўнг боши озгина оғриши мумкин-у, ўтиб кетади.

Қора танли ҳарбийнинг кийимларини ечиб, кийиб олдим. Озгина катталигини айтмаса, унинг шерикларини бироз чалғитишга ярайди.

Ердан бир сиқим тупроқ олиб юзимга суркадим, бироқ

барибир негрға ўхшамадим. Шу боис, ҳарбийлар ёнига бемалол бораман деган фикрдан воз кечиб қўя қолдим. Ҳозирги вазиятда энг яхшиси турган жойимдан душманларни бирма-бир мўлжалга олиш. Бунинг қулай томони — улар мени кўришмайди, мен эса ҳар биттасини бемалол кузатишим мумкин.

Биринчи галда сигарета тутатиб, буйруқ бераётганини нишонга олдим. Назаримда, ўша бошлиққа ўхшади.

Ўқ рақибнинг кўкрагини тешиб ўтди, у гурсиллаб қулади. Шериклари қайси томондан ўқ отилганини англаёлмай, автоматлардан дуч келган томонга ўқ узишга тушишди. Уч-тўртта қўроғшин парчаси ёнимдаги дарахтнинг пўстлогини титиб юборди.

Кейинги отган ўқларим ҳам нишонга беҳато тегди. Яна тўрттаси кўкрагини ерга берди. Улар менинг ёлғизлигимни ва яширинган жойимни сезиб қолишди-да, ўқ ёмғирини ёғдиришди. Яхшиям, ётган жойим нишаблик экан. Ортга тисарилиб ерга қапишган кўйи чап тарафга силжидим. Беш дақиқа ичида ўн қадамча наридаги бошқа бир дарахт ортига бекиндим ва ҳарбийларни кузатдим. Улар энди қуролларини тинимсиз тариллатмас, ҳар ҳар замонда ўқ отиб қўйишарди. Лекин биронтаси ҳам жойидан жилмаган. Демак, менинг тирик-ўлигимни билишмайди. Ўринларидан туриб, текширишга эса юраклари бетламаяпти.

Навбатдагисининг пешонасини мўлжалга олиб энди тепкини босмоқчи эдим, орқамдан шитирлаган товуш эшитилди. Туйқус автоматни шу тарафга тўғриладим-у, кўзим Оляга тушди. Уни отиб қўйишимга бир баҳя қолганди!

— Сенга бу ерда пишириб қўйибдими, аҳмоқ қиз? Бас қил оёғим остида ўралашишни! — вишилладим паст овозда.

— Ребята успели убежат. Что случилось? — деди менинг гапимга тушунмаган қиз безрайиб.

— Бор, кет! — дедим унга қўлим билан ишора қилиб.

Бироқ ўжар қиз ишорани англаган эса-да, жойидан жилмади.

— Менга деса, ўлиб кетмайсанми? — деб душманларни нишонга ола бошладим. Кетма-кет яна учтасини ер тишлатдим. Тагин душман ўқлари теграмда визиллаб уча бошлади. Вақтида Олянинг бошидан босиб ерга ётқизмаганимда, дайди ўқлардан биттаси унга тегиши аниқ эди.

— Ҳой қиз, жойингдан қимирламай ёт, тирик қолишни истасанг, — дедим унга имо-ишора қилиб. Бу гал у “хўп” дегандек бошини силкиди.

Дарахт ортидан пусиб душман тарафга кўз ташладим. Икки-учтаси мен томонга ўқ отиш билан овора, бошқалари биқиниб моторли қайиққа чиқишяпти. Бундан чиқди, улар қочмоқчи.

Кулгим қистади, ҳозир яна биттасини мўлжалга олсам, қолганлари ортига қарамай қочиши аниқ.

Икки марта думалаб жойимни ўзгартирдим-да, қуролни тинимсиз тариллатаётганлардан бирининг оёғини мўлжаллаб тепкини босдим. Қора танли автоматини улоқтириб, тиззасини чангаллаганча юмалай бошлади. Унинг аҳволини кўриб шериклари қайиқ томон чопқиллашди. Номардлар! Ҳатто шерикларини олиб кетишмади ҳам.

Ярадор ҳарбий билан ҳушсиз ётганини ўзига келтириб, моторли қайиққа ўтқазиб жўнатиб юбордим.

— Почему так делаешь, они же хотели тебя убить, — деди Оля ҳарбийлар биз турган қирғоқни тарк этишгач.

Мен унинг гапини тушунмадим, лекин афт-ангоридан қилган ишимни ёқтирмаётгани сезилиб турарди. Қўлимни силтаб:

— Кетаверишсин. Энди бу ёқларга бошқа қадам босмайдиган бўлишди, — дедим.

Маҳбуслар кўп узоқлашмабди, уч юз метрча ичкарилаб, бизни кутиб туришган экан.

— Нима бўлди? Кийимингда танимай отиб қўйишимизга оз қолди, — деди тилмоч.

— Отинглар эди, — дея илжайдим, — кейин ўрмондаги ҳайвонлар билан бирга юраверардинглар. Балки биронта йиртқичнинг емишига айланармидинглар?

Тилмоч гапимга кулса керак деб ўйлагандим, аммо унинг юзи ўзгармади, қайтанга у жиддийлашди.

— Бировга қарам бўлиш жуда оғир, — деди.

— Тушунмадим. Бу билан нима демоқчисан? Ўзингни менга қарам, деб ҳисоблаяпсанми?

— Ҳозирча, қайсидир маънода, шундай.

— Ҳе, фалсафангдан ўргилдим! Мен сенларни деб не кўйларга тушаётганимни биласанми ўзи? Шунча гафго менга керакмиди? Ўтирсам бўлмасмиди иссиқ жойимни советмай?

— Кечирасан, мен бошқа гапни айтмоқчи эдим. Ҳар қалай, одам... Раҳмат, шунчалик жон куйдираётганинг учун.

Мен унга ўқрайиб қарадим ва ўтириб майсадан юлиб олдим-да тишларим билан эзгилаганча хаёлга чўмдим.

Бошқаларни унутиб, ўз ўйларим билан овора бўлиб қолибман.

— Улар ҳарбий эмас, — деб қолди бир маҳал тилмоч.

Бирдан хаёлим учди. Пешонамни тириштириб:

— Кимлар? — дедим саволини тушунмай.

— Ўша, сен қувиб юборганлар.

— Ҳеч нарсага ақлим етмаяпти, мен кимни қувибман?

— Ҳозир жанг қилиб келаяпсан-ку, анави қайиқда келганлар билан.

Шу гапидан сўнггина ўзимга келдим. Афтидан, хаёлга қаттиқ берилган эканман.

— Кийимлари ҳарбийларники, кўтариб олган қуроллари ҳам... Хўш, кимлар билан жанг қилибман?

— Кайфиятинг йўқлигини кўриб, Олядан сўраб олдим. Хуллас, уларни ёллаганлар. Аслида, шу ерлик одамлар. Балки балиқчилардир. Хуллас, “синов давлати”нинг зобитлари бизнинг қаердалигимизни билиб олиш учун уларга мўмайгина пул, кийим-кечак беришган...

Таржимон кутилмаганда гапиришдан тўхтади. Пешонаси тиришиб ўйга толди. Мен ҳам сўз қотиб унинг хаёлини бўлмадим. Фақат юзига тикилиб туравердим. Орадан беш дақиқалар ўтгач, у чуқур нафас олиб, менга юзланди.

— Фалати ўйин бу, — деди у шикаста товушда, — аввалига Теодорони бемалол олиб чиқишинга йўл қўйиб беришди. Чунки бундай вазият “синов давлати”нинг мак-корлари учун зарур бўлган. Ўзинг ўйлаб кўр, ҳозирги техника ўта ривожланган даврда очиқ-ойдин, ҳаммага намойиш қилиб бутун бошли бир давлатнинг президенти асирга олиш мумкинми? Шунақанги мерганлар борки, икки километрдан ҳам нишонни бехато уришади. Энди эса... Африка синов майдонига айланиб қолди. Одамга қарши қуроллар шу ерда синалади. Улар ўзининг ҳарбийларини ҳам шу ерда чиниқтиришади. Анави маҳбусларнинг, менинг бировга керагимиз йўқ. Ҳарбий машғулотларни ўташ учун биз тирик нишонмиз. Уларга эса, фақат сен кераксан. Чунки қочишни биласан, яхши муштлашасан. Қуролдан фойдаланишинг ҳам чаккимас. Бу иқтидоринг “синов давлати” учун айти муддао.

Унинг гапларига ҳайрон қолдим. Бир муддат бошим гувиллади. Сўнг:

— Буларни қаердан биласан? — деб сўрадим.

— Сен жисмоний чиниққан йигитсан, мен эса ақлий. Агар мана шу икки хислат бир одамда жам бўлса борми... Майли, бу ёғини қўявер. Адашмасам, ўрмон ўлаганимиздек катта эмас. Ўрмондан чиққач, у ёғига ўзимиз кетаверамиз. Сен қол. Чунки бизга биров бир нарса демайди. Наридан борса, отиб ташлаши мумкин ёки тарғибот учун фойдаланишади: “Шунча одамни жаллоднинг қулидан қутқариб қолдик!” — деб дунёга жар солишади. Қарабсанки, улар қўй оғзидан чўп олмаган, сен эса айбдор бўлиб қолаверасан.

Тилмоч ҳақ бўлиб чиқди. Дам олиб, йўлга тушганимиздан сўнг икки соатлар ўтар-ўтмай, ўрмоннинг поёнига етдик. У ёғида ҳар-ҳар жойда пастак дарахтлар қўққайиб турарди.

— Сен қол, — деди тўхтаб тилмоч менга юзланаркан, — яшашинг керак.

— Хавотир олма, амаллаймиз, — дедим жилмайиб ва яна одимладим.

Икки юз метрча юрдик. Кейин қиялик бошланди.

Ҳамма жойида таққа тўхтади, чунки икки юз қадамча нарида ҳарбийлар туришарди. Қўлларида оқ байроқ.

Тилмоч менга қаради. Нигоҳидан: “Мен сенга айтмаганмидим?” — деган маънони уқиш мумкин эди. Кўзимни юмиб-очдим. Маҳбуслар ҳарбийлардан тортиб олинган автоматларини ўқлашди. Шунда рўпарамиздаги аскарлардан бири бошқаларидан бир қадам олдинга чиқди-да, бир нима деб бақирди.

— Камерунликлар, — дея унинг гапини таржима қилди тилмоч, — бизга ҳеч қанақанги зиён-заҳмат етказишмаскан. Бемалол ёнларига бораверсак бўларкан. Шунинг учун оқ байроқ кўтариб олишибди. У инглиз тилида гапирди.

— Унда сизлар бемалол бораверинглар. Негадир менинг кўнглим чопмаяпти, айтганингдай, ўрмонга яширинаман.

Тилмоч бош силкиб тасдиқлади-да, маҳбусларга юзлашиб сўзлади. Нима деганига тушунмадим-у, лекин маҳбусларнинг бақир-чақиридан, мени кўрсатиб алланималар дейишаётганидан, уларнинг норозилигини сездим.

— Мендан хавотир олманглар. Осонликча қўлга тушадиган аҳмоқ йўқ. Ҳаммаси жойида бўлади, сизлар бемалол бораверинглар, — дедим.

Гапимни тилмоч маҳбуслар тушунадиган лаҳжага ўгирди. Шундан кейин улар менга бироз тикилиб туришди, сўнг қуролларини оёғим остига қўйишди ва рўпарадаги аскарлар томон юриб кетишди.

Иккита автоматни елкамга осдим. Қолганларининг ўқдонларини ечиб олдим-да, ортимга қайтдим. Кўп юрмадим. Орқамдан келаётган қадам товушларини эшитиб тўхтадим. Лекин ўгирилиб қарамадим, бутун вужудим қулоққа айланган. Кўз ташламай келаётган инсоннинг кимлигини билмоқчи бўлдим. У югураяпти, лекин қадами енгил. Қиз бола... Маҳбуслар ичида биргина аёл — Оля. Унинг яна нима дарди бор экан?

— Я тоже с тобой пойду, — деди у ёнимга етиб келгач ҳансираб, — а вот это тебя. Переводчик дал.

Оля қўлимга қоғоз тутқазди. Унда таиландча сўзлар битилган эди: “Мен ҳам сенга дўст эмасдим. Атайин

сени тутиш учун маҳбуслар ичига қўшилганман. Махсус жосусман. Шу пайтгача сенинг қаерда юрган-турганининг хабарини душманларингга мен етказгандим... Яхши одам экансан. Ўлишингни истамадим”.

Асабийлашиб қоғозни йиртиб ташладим. Бир хаёл ортимга қайтиб, таржимонни отиб ташламоқчи ҳам бўлдим. Аммо дарров ниятимдан қайтдим. “Вақти келиб ҳали ҳисоб-китоб қиларман”, деб ўйладим ва ўрмон томонга югурдим. Бироздан кейин қарасам, орқамдан Оля ҳам югуриб келаяпти.

— Қайт! — деб бақирдим унга ва қўлим билан ишора қилдим.

Аммо, у қулоқсиз, қани югуришдан тўхтаса!

— Менга деса ўлиб кетмайсанми, ҳамманг бир гўрсан! — сўкиндим-да, шунақанги тез югурдимки, бирпасда ўрмонга кириб бордим. Тўхтаб нафас ростладим ва ортимга ўгирилдим: Оля жон ҳолатда ортимдан югуриб келарди, унинг изидан эса бир тўда ҳарбийлар кўринди. Дарҳол дарахт панасига ўтиб бекиндим, кейин ҳарбийлардан бирини нишонга олиб тепкини босдим. У ортига қулади. Бошқалари эса шу заҳоти ерга қапишди ва мени тинимсиз ўққа тута бошлашди. Ер бағирлаб бироз жим ётдим. Сўнг ўгирилиб отмоқчи бўлгандим, қўрғошин парчаси чийиллаб ёнгинамдан учиб ўтди. Ўрмон ичкарисига қараб икки марта ўмбалоқ ошдим. Оля ёнимга етиб келди. Қизиқ, аскарлар уни нишонга олишмасди. Бунинг тагида бир гап бордай туйилди. Зумда хаёлимдан Теодорнинг қароргоҳида Олянинг рус тилида гапиргани, сотқинлик қилгани ўтди. Албатта, у ҳам атайлаб менга қўшиб юборилган. Ҳеч бўлмаганида мен тўғримда ахборот етказиб турса керак.

Оляга ўқрайиб қараб қўйдим-да, ўрнимдан туриб эгилганча чопиб ичкарилай бошладим. Тўғриси, ўрмон ҳимояланиб, ёлғиз жанг қилишим учун анча қулай эди. Оқсоқол дарахт устига тез чиқиш, шохдан-шохга сакраш, биллакдай шохларни осонгина синдириш сирларини ўргатганди. Бу ҳунарлар энди асқотадиган бўлди.

Ўқ товушлари бутунлай тингач, тўхтаб, йўғон дарахт

танасига суяниб ўтирдим ва душман билан бўладиган жанг режасини туза бошладим. Орадан бир озгина вақт ўтгач, Олянинг овози келди. Ҳар доимгидай, унинг нима деб бақираётганини тушунмасдим. Лекин овозидаги йиғламсираш унинг қўрқаётганини билдирарди. “Баттар бўл, орқамдан думга ўхшаб эргашмайдиган бўлдинг”, дедим ўзимга-ўзим. Сўнг бирдан хаёлимга бир фикр келиб, сакраб ўрнимдан турдим-да, овоз келаётган тарафга шошдим. Ахир, у бунақанги бақирини “овчи”ларни ортидан эргаштиради-ку!

Озгина кеч қолибман. Қиздан беш-олти қадам берирокда тўхтаб, атрофга яхшилаб разм солаётсам, ўта эҳтиёткорлик билан қадам босиб Олядан кўз узмай келаётган уч-тўртта ҳарбийга кўзим тушди. Пана-пастқамда бошқалари пусиб туришган бўлиши тайин. Қолаверса, профессионал бўлишга интилаётган йигитларга, агар қай бири мени тутса, фалон минг мукофот ҳам ваъда қилингандир. Тилмочнинг гапларидан кейин одам шунақанги хаёлга ҳам боради-да.

Оля билан уни кузатиб келаётган аскарларнинг оралиғи узоғи билан етти-саккиз қадамча келарди. Оралиқда қанча дарахт бор. Баъзилари жуда йўғон. Хуллас, айти шу вазият менга қўл келиши мумкин эди.

Оляга ён томондан яқинлашдим. Орамиз жуда яқин эса-да, у овсар мени кўрмас, кўзидан дув-дув ёш тўкканча бақирарди.

— Ну зачем, я же хотела тебе помочь, неужели понимать трудно! — дейди ва яна биғиллаб бир нарсаларни гапиради.

Оля мўлжалимга олган йўғон дарахт ортига ўтганида, бир сакраб етиб оғзини кафтим билан бекитиб, “тисс!” дедим. Аввалига кўзи косасидан чиқиб кетгудай қўрқди. Мени кўргач, бирдан хотиржам тортиб “хўп”, дегандек бош силкиди.

Биз ерга ўтирдик. Қўлим билан имо-ишора қилиб орқа тарафдан душман келаётганини англадим. Сўнг қизга икки бармоғимни қимирлатиб кўрсатиб югуриш кераклигини тушунтирдим. Оля бу сафар ҳам мени англади ва

тез югуришга тушди. Мен йўгон дарахтнинг ёнгинасидаги бута тагига беркиндим. Орадан бир дақиқа ўтгач, қора кўзойнак таққан, яшил ҳарбий кийимда, уст-бошига баргларни ёпиштириб олган бир бақувват аскар секин қадам босиб ўтди. Унинг нигоҳлари олдинга қадалганди (кўзойнакда унинг қай тарафга қараётганини билиб бўлмасдию, лекин шундоққина оёғи остида ётганимни кўрмагач, шундай фикрга келдим). Унга индамадим, орқадагиларини кутдим. Сал туриб яна иккитаси юриб ўтди. Бошқалари нарироқда кетиб боришарди. Сўнги аскарнинг жони шу ерда узилди. Чунки у ўтаётиб мени кўриб қолганди. Лекин кўлидаги қуролнинг тепкисини босишга улгурмади. Шай тургандим, бўғзига пичоқ урдим.

Аскарнинг кийимларини ечиб олаётганимда оқ танли эканини кўрдим. Юзига қора куя суриб олган, шекилли.

Унинг олдида кетаётган яна иккита “қуролдош”ини тинчитиш қийин бўлмади. Чунки улар ора-чора ортга қайрилиб қараб қўйишар, ўзларининг кийимидаги душманни ўзларидан деб ўйлашарди.

Бироқ навбатдагисига етишимга икки қадамгина қолганида, у туйқус ортига бурилди-да, менга бақрайиб тикилиб қолди, сўнг бегоналигимга ишонч ҳосил қилиб тепкини босмоқчи бўлди-ю, бироқ кеч қолди. Мен ундан олдин қурол ишлатишга улгурдим. Ўқ товушидан бошқалар ҳам сергакланди. Улар юриб кетаётиб ўзларини ерга ташлаб, жим бўлишди. “Ҳеч ким кўрмади, бемалол бирма-бир ер тишлатавераман”, — деб ўйлагандим, адашибман. Қаердандир “тарс” этган овоз чиқди-ю, елкамда қаттиқ оғриқ турди. Инграб елкамни ушладим-да, баттар ерга қапишдим. Оғриқ жуда кучли эди. Уни енгилуш учун тишимни-тишимга босдим, лекин барибир чидаёлмадим. Сапчиб туриб, ўзимни орқа тарафга отдим. Шу заҳотиёқ боя ётган жойимга ўқ ёғилиб, хазонни тўзғитиб юборди. Кескин ҳаракатдан елкамдаги оғриқ баттар зўрайди. Аммо ётавериш ҳам мумкин эмас, бу ер ҳам тезда нишонга олиниши аниқ эди. Бир юмалаб, бир эмак-лаб қочарканман, душман тарафга, уларнинг кўзини кўрқитиб қўйиш учун ўқ отардим. Лекин уларнинг қуро-

ли узуқ-юлуқ отарди, шундан қўлларидоги милтиқ эканини пайқадим. Албатта, оддий милтиқ эмас. Гарчи кейинги ўқлар менга тегмаган эса-да, ёнгинамдан зувиллаб учиб ўтиб турибди. Бахтимга пастқамликка дуч келдим. Дарахти жудаям қалин, ўт-ўлан одам бўйидан баланд. Дарҳол бир сершоҳ дарахтга чиқиб олдим. Шохда ўтириб ортимдан қувлаётганларни кута бошладим. Душманлар шошилмас, ораларида икки-уч қадам масофа сақлаб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб келишарди. Эҳтимол, мен дарахтга чиқаётганимда шохнинг қимирлаганини кўрмай қолишган.

Улар қалин ўтлар орасига киришга шошилишмади. Инглиз тилида гаплашишди. Иккитаси нимагадир келишиб, қўл ҳам ташлашди. Сўнг аста-секин ўт орасига кира бошлашди.

Тепага қараш бирортасининг ҳам хаёлига келмади. Қаёқдан ҳам келсин? Яраланганимни аниқ кўришган. Дарахтга чиқолмайди, деб ўйлашган. Аслида ҳам бир қўллаб шохдан шохга ўтишим жуда қийин бўлди.

Оғриққа базўр чидаб, лабимни шунчалик қаттиқ тишлабманки, қонаб кетди. Аскарлар мени кўришмади. Бу ерга яширинмаганимга ишончлари комил бўлгач, яна эҳтиёткорлик билан юришда давом этишди. Улар анча юриб, дарахтлар орасида кўринмай кетишгач, шошмасдан, елка суягимнинг оғриғидан афтим бужмайиб, дарахтдан тушдим. Елкадан қон сизиб турарди. Агар тезроқ тўхтатмасам, душманларимнинг орқамдан қувишларига ҳожати ҳам қолмайди.

Дарахтга суяниб бир оз нафас ростлаган бўлдим-да, сўл тарафга қараб юрдим. Аста-секин кўзим тина бошладди. Бир-икки қоқилиб йиқилиб тушдим. Хаёлимда оғриқ ҳам пасайгандай бўлди. “Тезроқ, кўпроқ юришим керак. Тўхтасам мени ушлаб олишади”, дейман ўзимга-ўзим. Билмадим, қанча вақт оёқда юрдим? Йиқилиб, ҳушимдан кетаётганда хаёлан, юриб кетаяпман, деб ўйладим.

...Аввалига чуғурчуқларнинг сайраши эшитилди. Туш кўраяпман, деб тусмолладим. Уйқудан ҳечам тургим кел-

масди, бироқ юзимда кимнингдир юмшоқ кўлини сезиб кўзимни очишга мажбур бўлдим.

Тепамда Оля жилмайиб турарди. Унинг сочлари тўзгиган, юзида алланечук хавотир зоҳир эди.

— Наконеч, — деди у менинг кўз очганимдан қувониб.

— Қаердаман? — сўрадим мен.

— Я боялась. Думала не смогу. Но получилось. Всё-таки не забила.

— Нималар деб валдираяпсан? Мен қаердаман ўзи? — бошимни кўтармоқчи бўлгандим, елкамда кучли оғриқ турди.

— Лежи, лежи! Тебя ещё рано вставать, — деб у соғ елкамдан секингина босди.

Тўғриси, ярадорлигим мутлақо эсимдан чиқибди. Унга кўшилиб ўтган воқеаларни ҳам унутаёзибман. Оғриқ ҳам-масини ёдимга солди.

— Ели нашла тебя. Четыре часа искала. Думала, что ты меня оставил. Так боялась, так боялась... Когда нашла тебя... — Олянинг кўзи ёшга тўлди. Бир муддат гапиролмай қолди. Сўнг кўлини силтаб: — Давай, всё забудем. Самое главное: ты жив. Знаешь, я раньше работала медсестрой. Трудно было остановить твою кровь. Но у меня получилось...

Мен унинг юзига тикилиб турардим. Қани энди, тилини билсам-у, мен ҳам гап қўшсам! Ундан қандай қилиб мени ўзимга келтирганини сўрасам!

Мендан садо чиқавермагач, у жим бўлиб қолди. Юзимга тикилиб туриб, чуқур хўрсинди.

Бу аҳволда узоқ ётолмасдим. Ўрнимдан туришим ва хавфсизроқ жойга кетишим зарур эди. Лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Қимирласам, оғриқ зўраяди. Оёғим синганида устозим ҳар хил ўт-ўланларни эзиб босанди. Бироқ ўшандай ўтлар бу ерларда ўсармикин, билмасдим.

Гапларига тушунмаганимдан кейин Оля имо-ишорага ўтди. Аввал ёнимга ётди, сўнг ўрнидан туриб, ётган одамнинг оёқларидан ушлаб судраганини кўрсатди. Кейин елкамдан кўп қон оқаётганини тасвирлаб, ярани яхши-

лаб боғлаганини қўлларини силкиб-силкиб тушунтирди. Бош бармоғимни юқорига қилиб Оляга “зўр!” ишорасини қилдим. Қиз кулди. Мен эса секин бир қўлимга таяниб ўрнимдан туриб ўтирдим. Бу сафар оғриқ кучли эмас, ҳар қалай, оёққа турсам бўларди. Яхшиям, ёнимда автомат бор экан, Олянинг бермоқчи бўлган ёрдамидан воз кечиб, энди тураётсам, узоғи билан ўн-ўн беш қадам нарида бизни нишонга олаётган аскарни кўриб қолдим.

Икки марта ўқ отилди. Бирини у, иккинчисини эса мен отдим. Мен ундан олдинроқ тепкини босишга улгурдим, шу боис, кўкрагига кўрғошин парчасини аниқ санчдим. У йиқилаётиб, осмонни нишонга олди. Кутилмаган тасир-тусурдан Оля чинқириб юборди ва иккала қўли билан қулоқларини бекитганча ўзини ерга ташлади.

— Тур, — дедим рақибим қимирламаслигига ишончим комил бўлгач, Олянинг қўлидан тортиб, — бу ердан тезроқ кетишимиз керак.

Ортингдан кузатиб келишаётганини сезсанг-у, уларнинг қорасини кўрмасанг баттар таҳликага тушаркансан. Ҳар қадамда тўхтаيمان, “тиқ” этган товушга аланглайман. Диққатимни чалғитаётган қушларни сўкиб, дарахт шохларига сергак қарайман. Ёнгинамда келаётган Олянинг қадам товушлари ҳам юрагимга ғулғула солади. Қаердадир бизни кузатишаётганини кўнглим сезаётир. Айни шу нарса менинг хавотиримни баттар оширарди.

Ярим соатлар чамаси юрганимиздан сўнг, кенгроқ ўрага ўхшаш чуқурга дуч келдик. Ичидан бир нечта дарахт ўсиб чиққан, тагини қалин ўт қоплаганди. Бекинишга жуда қулай, ичига кириб ўтирсангиз узоқдан бировнинг назари илғамайди.

Ичкарида илон-пилон бўлмасин, деган ўйда чуқурга олдин ўзим тушдим, ўрани яхшилаб кўздан кечириб, хавфсизлигига амин бўлгач, Оляни имлаб чақирдим. Шу ерда бир муддат ўтириб, нафас ростладик. Елкамдаги оғриқ симиллаб ўзини билдириб турибди. Оля ярамни кўрсатиб, ўз тилида ҳол сўради. Менинг эса кўнглим хижил, ишқилиб, шу ердалигимизни ортимиздан пойлаб келаётганлар сезмаган бўлсин, дейман ичимда. Бир ма-

ҳал шохдан-шоҳга учиб-қўниб шовқин кўтараётган қушлар туйқусдан жимиб қолишди. Фақат ора-чора чигирткаларнинг чириллагани эшитилади. Бу ҳолат мени баттар хавотирга солди. Хаёлимда ғорга одаммас, қандайдир махлуқ яқинлашаётгандай туйилди. Африка чангалзорларида беҳисоб йиртқичлар борлигини биламан. Жойи келса, бармоқдай ўргимчак ҳам филни ағдариши мумкин. Қушлар... Дарвоқе, қушлар илонни пайқаса жимиб қолишади... Қанча одамнуса махлуқлардан омон қолиб, энди аллақандай жондорнинг захридан ўлиб кетиш менга қаттиқ алам қиларди, албатта.

Қаердадир шитирлаган товуш эшитилди. Диққатимни қанча жамламай, товуш қай томондан келганини сезмай қолдим. Автоматни ўқлаб атрофга алангладим. Сергакланганимдан Оля ҳам ташвишланиб қолди. Орадан икки дақиқа ҳам ўтмаёқ, ҳаловатимизни ўғирлаган махлуқни кўрдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унинг йўғонлиги норғул эркакнинг сонидай келади. Узунлигини эса, билмадим, думи кўринмайди. Жондор биздан ўн қадамча нарида, Олянинг орқа тарафида бошини ердан хийла кўтариб турарди. Ундан қочиб қутулолмаслигимиз тайин. Илонлар одамни аврайди, деган гапни ҳам кўп эшитгандим. Демак, қутулишнинг бирдан-бир чораси уни отиб ташлаш, отганда ҳам фақат бошидан отиш керак. Бошқа жойига теккан ўқдан ўлиши гумон.

Илон бошини ердан ярим метрча кўтариб, бизга тикилиб турганда секин автоматни тўғриладим, чунки кескин ҳаракат уни ташланиб қолишга мажбур қилиши мумкин. Оляга “тисс”, дедим. У ўтирган жойида муз қотди. Бармоғимни тепкига қўйганимда илон озгина тебранди. “Эй, Худо, ўзинг қўлла”, — дея ичимда ўтиниб тепкини босдим. Бир йўла отилган беш-олтита ўқдан илоннинг боши сочилиб кетди, назаримда. Пешонамдан чиққан совуқ терни артиб, Оляга қарадим, унинг ранги докадай оқарган, киприк қоқмай менга тикилиб турибди.

— Илон, — дедим зўрма-зўраки жилмайиб, — қўрқиб кетдингми?

Олянинг тили айланмади. Бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олди-да:

— Прошу тебя, сделай что нибудь, чтобы мы ни на секунды не оставались одни, — деди ёлвориб, сўнг йиғлаб юборди. Овутиш илинжида сочларини силадим.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — юпатган бўлдим уни.

Шу пайт аждарсифат илоннинг боши биздан беш қадамча нарида пайдо бўлди. Мен нишонга аниқ олгандим. Бироқ ўйлаганимдай боши титилиб кетмаган, сачраган экан, холос. Яшин тезлигида автоматни илонга тўғрилаб, тепкини босмоқчи бўлганимда, бошқа томондан қарсиллаган товуш эшитилди ва ердан ярим метрча баландликдаги илоннинг боши узилиб кетди. Ҳайрон бўлдим: бу сафар мен отишга улгурмадим-ку. Илоннинг боши чап тарафга узилиб тушди. Демак, уни кимдир ўнгдан нишонга олган. Бошимни буриб ўша тарафга қарадим. Ҳеч қандай сас-садо эшитилмади. Бир пайт кимнингдир оёқ ташлагани — аста-секин одимлаган товуши эшитилди. Қўлим билан Оляга “Ёт!” ишорасини қилдим. Ўзим эса дарахт ортига яширинганча рақибимни кута бошладим.

Кўп ўтмай у кўринди. Биз томонга эмаклаб, ҳар силжиганида тўхтаб биз томонга разм солиб судраларди. Бироқ синчиклаб қарагани билан мени кўрмаётганди. Уни отиб ташлашим мумкин эди, бироқ бу зиёнимга ишлаб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Ким билади, унинг шериги қаерда? Бир оз иккиланиб турдим, оқибатда душман анча яқинлашиб қолди. Таваккал қилиб елкасини нишонга олиб тепкини босдим. Мени илондан қутқарган, лекин кейин ўзи илоннинг ишини қилмоқчи бўлган ҳарбий типирчилаб қолди.

— Қочдик, — дедим Олянинг қўлидан тортиб.

Икки соатлар тинимсиз югурдик. Узоқроқ югуриш ҳам мумкин эди, бироқ кўп қон йўқотганимдан ҳолсизланиб қолдим. Олянинг бўлса, ўпкаси чиқиб кетаёзди.

Нафас ростлагани дарё бўйига тушдик. Қирғоқни ювиб оқаётган сувни шох-шаббалар тўсиб турарди. Дарё орти эса қалин ўрмон. Хуллас, анча хавфсиз жой.

Оля иккаламиз анча вақт ерга чўзилиб ётдик. Сўнг Оля ўрнидан туриб ўтирди. Кўзлари мўлтираб менга қаради, сўнг қорнини кўрсатиб бошини силкиди.

— Менинг ҳам ичимни ит тирнаяпти. Очман, лекин ҳозир иложим йўқ, қоронғи тушгунча кутишимизга тўғри келади, — дедим унинг истагини тушуниб.

У хўрсинди ва яна жойига ётди. Юрагим эзилиб кетди. Ўрнимдан туриб, ўрмонни ичкарилаб бироз юрдим. Дарахларнинг шоҳига умид билан термилдим. Лекин биронтасида мева кўринмади. Изимга қайтиб, Оляга “кетдик” ишорасини қилдим.

Анча юрдик. Ора-сира Оля менга қараб қўяди. Нимадир демоқчи бўлади-ю, гапига тушунмаслигим эсига тушиб индамайди. Куёш уфққа ёнбошлаб қолган, эртароқ егулик топмасак, кечаси билан қоринни уқалаб чиқишимизга тўғри келади. Шу ўй хаёлимдан кечганда тўрт метр нарида тарвақайлаб ўсиб ётган бута орасидан бир куён ирғиб чиқиб, икки оёғида тик турганча бизга тикилди. Афтидан, бизга ўхшаган махлуқни кўрмаган шекилли, қилт этмасди.

Чаққонлигим фойда берди, бир ўқ билан уни турган жойига қулатдим.

Роса очқаган эканмиз, куённи паққос туширдик, аммо тўймадик. Ҳартугул, Худо ризқимизни берди-ку, дея шунга ҳам шукр қилдим.

Ярим оқшомга бориб ҳаво ниҳоятда совиб кетди. Уйқум учиб, қалтирай бошладим. Олянинг ияги қалтираб, тишлари такиллади. У совуққа чидолмай, мени маҳкам кучоқлаб олди. Қани энди, қалтираши тўхтаса.

— У меня ес... есть, идея, это самый правильный путь избегат от заморозки... Мы должны заниматься лю... любовью, — деди у лаблари титраб қулоғимга шивирларкан.

— Нима балолар деяпсан?

У секин томоғимдан ўпди.

— Шу камлик қилиб турувди, аҳмоқ. Лабингнинг изи музлатиб юбораяпти. Сенинг дастингдан музлаб ўлайин-

ми, ўзи базўр чидаяпман. Шукр қилмайсанми қучоғимда исиниб олганингга?

Мен унинг “любовь” деган сўзига тушунгандим. Бу сўз саккизинчи-тўққизинчи синфдан бери менга таниш эди. Синфдошларимиз билан бирга биринчи ишлатган русча сўзимиз ҳам шу бўлган. Демак, Оля севги ҳақида гапиряпти, деган фикрга бордим. Лекин бундай совуқда севишишга бало борми?

Бир пайт қарасам, гапларимни тушунмаган Оля ўзи истаган иш билан шуғулланишга ўтаяпти: тугмаларимни ечиб, баданимни уқалаяпти. Бир муддат совуқни унутдим, Олянинг хатти-ҳаракати хуш ёқиб, бўшашдим. Балки... Балки хаёлимга келган нарса ҳам бўлиши мумкин эди, агар Оля эҳтиётсизлик қилиб, ярамни эзиб юбормаганида.

— Нима қилаяпсан, аҳмоқ, калланг жойидами?! — деб ўрнимдан туриб кетдим.

— Извини, дорогой, я случайно... Сейчас тебя будет хорошо, — деб у менинг соғ елкамга осилиб яна ўша қилиғини давом эттирмоқчи бўлганида, уни силтаб ташладим.

— Бўлди қил, ўзингдан кетма, — дедим.

— Ах ты. Что за человек, — деб қулочини кенг ёзиб ётиб олди.

Совуқ бўлса-да, тонгга яқин кўзим илинибди. Уйғонсам, Оля мени қучоқлаб пишиллаб беозор ухлаётган экан. Уйқусини бузгим келмади.

Қуёш тафти ер юзини қиздириб, ўрмон ичи илий бошлагандан сўнг қизни уйғотдим. У керишиб, тўнғиллади. Турткилайверганимдан кейин туришга мажбур бўлди.

Тушга яқин ёмғир қуйиб берди. Дарахт остига бекинди-у, лекин жиққа ҳўл бўлдик. Яхшиям, ёмғир илиқ эди, аксинча бўлганда, Оля иккимиз шамоллаб қолардик. Икки соат мобайнида шовуллаб қуйган ёмғир бирдан тўхтади. Булут тарқаб, қуёш чарақлаб кетди. Олянинг ҳам чиройи очилиб, рақсга туша бошлади. Буни кўриб: “Жинни-пинни бўлганми бу қиз, худди онасининг уйида юргандай?” — дея ажабландим.

— Бас қил! — дедим унинг қўлидан ушлаб тўхтатиб.

Лекин гапим, зигирча бўлсин, таъсир қилмади. У қий-қирганча бўйнимга осилиб олди.

— С тобой мне интересно. Ты такой непонятный человек, но интересный. Я тебя хочу изучить, — деди.

— Овсар! Кошки бир-биримизни тушунсак.

— Знаешь. Кое-что должна тебе сказать. Я снималась в кино.

— Кино, — дедим мен ҳам илк маротаба русча талаффуз қилиб.

Олянинг бирдан кўзлари чарақлаб кетди.

— Да... Да... Вот ты молодец. Скоро обязательно будешь говорит по-русски. Потом обоим не будет трудно друг друга понять. Садись, садись, — деб у меня ўтиришга ундади.

— Хўш, — дедим оёқларимни чалиштириб ўтирарканман.

Оля бир зум менга жилмайиб қараб турди-да, бир метрлар доирадаги ернинг ўтларини юлиб чиқди. Шу пайтгача эътибор қилмаган эканман, юлинган ўт ўрнида қумли ер очилди.

Оля қумни кафти билан текислаб, кўрсаткич бармоғида қиз боланинг шаклини чизди ва уни кўрсатиб:

— Алла Пугачёва, — деди.

— Алла Пугачёва? — ҳайрон бўлдим мен.

Бу машҳур рус қўшиқчисининг исмини жуда кўп эшитгандим.

— Молодец, вот уже начал говорить. А это, — деб энди эркак шаклини чизди, — Максим Галкин. Я играла роль Аллы Пугачевой. Максима Галкина играл другой человек, партнёр мой. Мы показали чем наши герои занимались. Понял?

У шундай деб қумдаги шаклларни ўчириб ташлади ва яна қумни кафти билан текислаб, ачомлашганларнинг шаклини чизди. Кейин яна турли-туман одам шакллари-ни чизиб, имо-ишоралар билан ишқий ўйинларни тушунтирмоқчи бўлди.

Менинг ақлим шошиб қолди. Устига-устак, у ётволиб қилган қилиқларини ҳам кўрсатиб берарди.

— Бўлиши мумкин эмас, — дедим Олянинг гапларига ишониб-ишонмай, — битта аёл шунча эркак билан... ақлга сиғмайди. Кейин кинода шунча эркак билан шунақанги ролда ўйнаганинг ғалати-ю. Демак, соғ эмассан сен ҳам.

Оля гапимга тушунмади, чамамда, иржайди.

— Я певица. Но для того, чтобы рекламировать себя, я должна была сыграть такую роль. И у меня успешно получилось. Про меня теперь все знают, поэтому украли. Ведь я симпатичная, всем мужчинам нравлюсь. Даже, придурок Теодоро как увидел, сразу бросился на меня. Десять дней не вставала с его постели... Тепер без мужчин сама не могу жить... Понял, что хотела тебя сказать?

Унинг қилиқлари, гаплари ансамни қотириб юборди. Шу суюқоёқ билан бирга юрганим учун ўзимдан жиркандим.

Индамай ўрнимдан турдим-да кета бошладим.

— Дурак, вот ты кто? — деди Оля ортимдан эргашишга мажбур бўлиб.

Кун пешиндан оққач, ёввойи хурмозорга дуч келдик (балки бошқа мевадир, лекин кўриниши хурмога ўхшайди). Ундан тўйгунимизча едик. Сўнг яна йўлга тушдик. Аммо бу сафар кўп юрмадик. Ўрмон тугаб қолди. Яланглик бошланди. Ҳар-ҳар ерда пастқам бутасимон дарахтлар ўсиб ётибди. Мен атрофни бир қур кўздан кечирдим. Хавф йўқ. Демак, ортимиздан пойлаб келаётган ҳарбийларни адаштирибмиз. Энг катта ютуғимиз ҳам шу.

Кўп ўтмай эгасиз турган машинага дуч келдик. Оля қарсак чалиб, югурганча машинага чиқиб олмоқчи бўлганди, уни тўхтатдим. Аввал атрофни яхшилаб кузатиш керак, бундай жойда бекордан-бекорга эгасиз машина турмайди.

Изига қараганда, машина бу жойга яқинда келган. Демак, эгаси ҳам унчалик узоқламаган. Лекин нега бу эски, усти очиқ “Форд”ни ташлаб кетишди экан? Шуниси мени ўйлантирарди...

Мен машина ҳайдашни билмаслигим боис, рулга Оля

ўтирди. “Форд”нинг эгаси кийимлари билан бирга машина калитини ҳам унутиб қолдирган экан.

Машинани орқага буриб, келган изидан ҳайдаб кета бошладик. Оля хурсанд, менга қараб жилмайиб қўяди.

Ярим соатлар юрганимиздан сўнг асфальт йўлга чиқдик. Оля машинани тўхтатди. Бир муддат қайси тарафга юришни билмай ўйланиб қолди. Мен уни туртдим-да, ўнг томонни кўрсатиб: “Ҳайда!” — дедим.

Толиққан оёқларимни баҳузур ёйиб маза қилиб ўриндиққа суяниб олдим. Шундай дамларда одамнинг яшагиси келиб қолади. Ташвишлар тугагандай, энди улар такрорланмайдигандай туйилади. Лекин шодлигим узоққа чўзилмади. Рўпарамиздан ҳарбий машина чиқди. Йўлга кўндаланг турган машина атрофида уч-тўртта ҳарбий юрибди. Дарров автоматни тортиб ўқлаб, ёнгинамга қўйдим.

— Машина американский, — деди Оля, — что будем делать?

У гапирди-ю, лекин машинани тўхтатмади, тезликни ҳам оширмади.

Ҳарбийлардан бири ўнг қўлини кўтариб “тўхта” ишорасини қилди. Шу маҳал Оля менга қаради. Мен бош чайқаб, “Тўхтама!” — дедим. Оля тезликни пасайтирди. Бизнинг тўхташимизга шубҳа қилмаган ҳарбий четроққа ўтди.

Орада беш-олти қадамча қолганда Оля газ берди. Ҳарбий шошиб қолди. Мен қўлимдаги қуролни ишга солдим. Бирин-сирин душманларни отиб ташлайвердим. Уларнинг биттаси ўқ узишга улгурди. Шунда ҳам кўкрагига қўрғошин парчаси санчилганидан сўнг. Шу боис, унинг отган ўқи ҳавога кетди. Оля эса тормозни вақтида босишга улгурмади. Лекин, ҳар қалай, босди. Биз ўтирган “Форд” чийиллаганча йўлда кўндаланг турган юк машинасига гурсиллаб урилди. Яхшиям баллонга урилдик. Бўлмаса, шу ернинг ўзидаёқ жон таслим қилиб қўя қолардик. “Форд” қандай урилган бўлса, шу зайл ортига отилиб кетди. Пешонам олд ойнага тегди. Ёнимда ўтирган қиз эса, жойидан қимирламади ҳам.

— Кўзинг қай гўрда эди, ҳайвон? — дедим машина тўхтагач.

У қалтираганча ранги бўзариб:

— Как ты? — деди.

Унга жавоб қилмадим. Гапига тушунсам жавоб қилман-да. Пешонамни уқалаб машинадан тушдим ва шошиб йўлимизга тўғаноқ бўлган юк машинасини айланиб кўрдим. Бахтимизга, бирорта ҳам душман йўқ эди. Улар биз келаётган томонда турган экан. Бу йўлдан машина онда-сонда ўтса керакки, улар зерикиб ўтирган, бизни кўриб хурсанд бўлишган. Тўхтатиб, обдон текшириб хуморидан чиқишмоқчи бўлишган. Аммо кутилмаганда биз уларни боплаб сийладик. Қонга беланиб ётган аскарларнинг тепасига бориб қарадим. Ўққа учганларнинг бари ҳабаш экан. Шунда хаёлимдан: “Булар ҳам ёлланганлар”, деган фикр ўтди.

Биз олди пачоқланган “Форд”имизда юк машинасини айланиб ўтиб, йўлга тушдик. Энди хавотирим икки ҳисса ошганди. Чунки ўрмон ичида эмас, ялангликда кетаяпмиз. Исталган жойдан бизни бемалол нишонга олишлари мумкин. Тўғриси, машинада кетаяпман-у, кўрқмасдан Теодорони бошқа давлатга ўтказиб юборганимни эслаб, бу қилган ишимга ўзимнинг ақлим лол қолади. Ўзимга-ўзим ишонмай қўяман.

Олянинг юзи жиддий, йўлдан кўз узмайди. Баъзида тезликни жуда ошириб юборди, мен уни туртиб, “секинроқ юр” дейишга мажбур бўламан.

Узоқдан баланд-баланд уйлар кўзга ташланиб қолди. Демак, шаҳарга яқинлашаяпмиз. Энди эҳтиёткор бўлишга тўғри келади.

Машинада шаҳарга кириб бориш хавфли эди, полициячилар бўлиши мумкин. Балки улар билан бирга ҳарбийлар ҳам йўлимизга кўз тикиб туришгандир. Яхшиси, яёв кетганимиз маъқул, деб ўйладим. Шу пайт қаердандир гуриллаган мотор товуши эшитилди. Атрофга қарадим: бирор-бир техника кўринмади. Товуш эса борган сари яқинлашаяпти. Шунда ўгирилиб тепага қарашим билан иккита вертолётга кўзим тушди. Дарҳол машинада уну-

тиб қолдирилган кийимлардан бирини олиб, Олянинг елкасига ёпдим. Иккинчисини қўлимга олишим билан ундан шунақанги бадбўй ҳид анқидики, кўнглим айниди. Барибир ёпинишга мажбур эдим.

Вертолётлар устимиздан учиб ўтди. Оля қилт этмади. Мен эса ўзимни шу ерлик одамдай кўрсатишим учун оёғимни эшикдан чиқариб олдим.

— Қутулдик, — дедим вертолётлар нари кетгач.

Эрта қувонган эканман, темир ниначилар ортига қайтди. Бу сафар пастлаб, худди бизни нишонга олиб ўққа тутадигандай туйилди. Аммо устимиздан учиб ўтиб кетди-да, тагин айланиб орқага қайтишди.

— Падар лаънатилар! Сезиб қолишди. Энди қўлга тушамиз! — деб бақирганча автоматни қўлга олиб, жангга тайёргарлик кўрдим. Лекин бу сафар ҳам вертолётдагилар бизни ўққа тутишмади.

Бирини учиб ўтди, иккинчиси эса қулоқни қоматга келтириб, тепамизда вариллаб тураверди. Бир хаёл уни ўққа тутмоқчи бўлдим. Лекин дарров ниятимдан қайтдим. Чунки ҳарбий вертолётларнинг бирини уриб туширганим билан иккинчиси бизни кунпаякун қилиб ташлаши мумкин.

Олдиндаги вертолёт ерга қўнди. Бирин-кетин ўндан ортиқ ҳарбий ерга сакраб тушиб, қуролларини ўқталганча биз томонга югуриб кела бошлади. Шу пайт Оля қаттиқ тормоз бериб, рулни бурди. Машина олдинга бир силтанди-ю, йўлга тесқари туриб қолди. Оля газни босди.

Бу билан қутулиб қололмасдик, чунки тепамиздаги вертолёт ҳам изма-из ортига бурилганди.

— Тормозни бос! — дея бақирдим Оляга.

Мен қанча вақтдан бери энди ўзбекча гапираётгандим. Қандай гапириб юборганимни ўзим ҳам билмайман. “Тормоз” сўзини ўрису ўзбек бир хил айтиши ёдимда йўқ, Олянинг қўлидан ушладим.

— Убери руку, поняла тебя! — деб бақирди у.

Машина тўхтади, сакраб тушиб, бошимиз оққан тарафга қараб қоча бошладик. Бу ерларда дарахтлар як-

кам-дуккам, бекиниб бўлмайди. Оёқ остини эса қуруқ-хўл аралаш майса қоплаб олган.

Вертолётлар елдай учиб келиб, бизга яқинроқ жойга қўнишди. Бирин-кетин сакраб тушган аскарлар зумда Оля иккаламизни ўраб олишди. Югуришдан тўхтадик, Оля менга ёпишиб олди. Мен эса, автоматимни душманларга ўқталиб турдим.

Ҳарбийлар бизга етишларига беш-олти қадам қолганда тўхташди. Уларнинг орасидан новча, кенг елкалиси олдинроққа чиқиб, инглиз тилида нималардир деди (ажабки, бизни ўраб турганларнинг асосий қисми оқ танлилар эди).

Оля унга мен тушунмайдиган тилда жавоб қайтарди. Ҳарбий яна бир нималар деганидан сўнг:

— Брос ружьё, они нас не трогить, — деб қуролимни пастга босди.

Унинг нима деганини дарров англадим ва бу сафар тақдирга тан бериб, автоматни отиб юбордим-да, Оляни нарига итардим.

— Окэ! — деб қафтларини бир-бирига урди Оля билан гаплашган ҳарбий (менимча, у бошлиқ бўлса керак) ва ёнидагиларга буйруқ тарзида нимадир деди.

Бирпасда қўлларим кишанланди. Иккита барзанги икки қўлтиғимдан сиқиб ушлаб, вертолёт томон судради.

Қалтис пайтда кўпроқ ўтмиш ёдга тушаркан. Қўлим боғлиқ ҳолда вертолёт деразасига суянган қўйи ёшлигимни, уйдан чиқиб кетганим, отамнинг ортимдан мўлтираб қолганини ва Тошкентдаги воқеаларни, кейин бошимга тушган кўргиликларни, Ренани, Ёдгорни эсладим. Ичикдим. Ўзимни вертолётдан ташлаб юборгим келди. Сўнг хўрсиниб, кўзимни очдим-да, рўпарамда қалдирғочдай тизилиб, мендан кўз узмай кетаётган ҳарбийларга алам билан қарадим.

Менинг жазоим тайин, олиб боришади-ю қамашади. Сўнг бир четга олиб чиқиб итдай отиб ташлашади. Шу билан тамом, умримга нуқта қўйилади. “Нимамга ишониб бу ерларга келиб юрибман? — дея ўйладим ўзимни яниб. — Пишириб қўйганмиди? Рена билан ўғлимни олиб

уйимга қайтиб кетаверсам бўлмасмиди? Ҳа, овсар бола-я, гўллигинг қолмади-қолмади-да!”

Вертолёт шаҳарни четлаб ўтиб, талай вақт учганидан кейин, кўзимга анча таниш кўринган, шамолда ҳилпираб турган байроқлар осиелиқ ҳарбий базага қўнди.

Ҳаёлимга ғаройиб фикр келди. Ахир, булар менинг қўлларимни кишанлаганлари билан оёқларим бўш-ку, бемалол қочиб кета оламан-ку. Бахтимга, вертолётлар қатор туришибди. Машиналар ҳам кўп. Бемалол уларнинг ортига яширинишим, шу йўл билан жуфтакни ростлашим мумкин. Асосийси, абжирлик қилиб, вақтида улгурсам бўлди. Оля эса... Оляга тегинишмайди, барибир. “Мени ўзига асир қилиб олди. Ҳамма бало-қазога рўпара қилди”, дейди. Баҳоналарни қалаштиради. Қуролимни ташлатганини рўқач қилади. Уни қўйиб юборишади.

Вертолётдан тушаётганимизда:

— Оля, яхши қол. Энди сен билан кўришмасак керак, — дедим. Гапимни бошқалар ҳам эшитди, лекин ҳеч ким тушунмади. Шуниси ҳам маъқул, тушунишса минг хил ўйга боришади.

Режамни амалга оширолмадим. Беш-олти киши атрофимни ўраб, иккитаси қўлларимни орқага қайириб, рўпарадаги беш қаватли кўркам бинога олиб киришди. Мен, ҳеч қурса, атрофни яхшилаб кузатай, кейинроқ бир йўлини қиларман, деб ўйлагандим. Аммо бунинг ҳам уддасидан чиқолмадим. Ўзимни жуда дармонсиз сездимки, оёғимни зўрға судраб босаман. Бу аҳволда, қочишга имкон туғилганида ҳам узоққа боролмасдим. Бирорта аҳмоқнинг ўқиға учиб, ўлиб кетаверардим.

Бинонинг иккинчи қаватига олиб чиқишиб, зарангдай қалин темир эшикни шарақ-шуруқ қилиб очишди-да, тешик-туйнуксиз хонага киритиб юборишди. Ортимдан эшикнинг шарақлаб қулфлангани эшитилди. Оляни ёнимга олиб келишмади, эҳтимол, уни бошқа жойга қамашгандир.

Зим-зиё хонада икки соатлар чамаси ўтирдим, кейин эшик очилди. Бир йўла бир-биридан бақувват бешта йигит кириб келди. Шу маҳал шифтдаги чироқ ёниб, кўзим-

ни қамаштирди. Кирганлардан бири кўзи қонга тўлиб, менга еб қўйгудек тикилди, сўнг инглизчалаб бир нима-лар дея бақира кетди. Мен жилмайиб башарасига қараб туравердим. Қарашим унга ёқмади ва чўқмордай мушти билан башарамга чунонам туширдик, кўзимдан ўт чиқиб кетди. Бошқа пайт унинг зарбасига бемалол чап бериб қолардим. Лекин ҳозир мавриди эмасди. Қайтанга: “Бир-иккита мушт есам, уларнинг кўнгли юмшаб қоладими?” — деган ўйда эдим. Кутганимдай, қорнимга ҳам бир тепки едим. Барзангини навбатдаги ҳамладан ёнидагилари тутиб қолишди, мени ургани қўйишмади.

Мени дид билан безатилган, “П” шаклидаги стол қўйилган, тўрдаги деворга бу каззобларнинг йўлбошчилари бўлса керак — бир одамнинг сурати осилган кенг ва ёруғ хонага олиб киришганида, бурнимдан қон оқарди. У ерда етти-саккиз чоғли одам ўтирибди, иккитаси фуқаро кийимида, бошқалари ҳарбий.

Фуқаро кийимидаги оппоқ сочли, кўзойнак таққани аҳволимни кўриб, мени олиб кирганларга бақирди ва уларни ҳайдаб чиқарди. Сўнг чўнтагидан бежиримгина, топ-тоза дастрўмол чиқариб, бурнимдаги қонни артдида, бир нарсалар деди.

— Сизни бундай кўйга солишганларидан ниҳоятда афсусдаман, — деб ён томонимдан кимдир унинг гапини таржима қилди. Ўгирилиб қарасам, тилмоч. Бу ўша мени соқов бўлиб қолишдан сақлаб, гапларимни бошқаларга тушунарли қилиб ўгирган, кетар чоғи Олядан ўзининг аслида кимлигини айтишни унутмаган таржимон. Унга қараб истехзоли жилмаярканман:

— Сизга қойил қолдим, — дедим.

— Мен бўлсам, бунчалик осон қўлга тушасан деб ўйламагандим, — деди у ва менинг ҳам, ўзининг ҳам гапларини бошқаларга таржима қилиб берди.

— Бошқалар тирикми? — сўрадим тилмочдан маҳбусларни назарда тутиб.

— Ҳаммаси соғ-саломат, уй-уйларига кетишди. Сенга уларнинг ҳурмати баланд эди. Кўрсам, раҳмат айтишимни тайинлашди.

— Шунисига ҳам шукур. Оля ҳам яхши, манавилар уни қўлга олишган.

— Ҳечқиси йўқ, қўйиб юборишади, — деди тилмоч кулиб, сўнг ўзи каби тиржайиб турганларга юзланди-да, суҳбатимизни уларга таржима қилиб берди.

Оқсоч киши ёнимга келиб, бир нималар деганча қўлини узатди.

— Афсус, сиз билан кўришиш имконияти йўқ, — деб унга кишанни кўрсатдим мен ҳам жилмайиб.

Оқсочнинг бирдан ранги бўзарди ва баланд овозда ҳарбийларга бақирди. Дарров қўлимни кишандан бўшатишди. Шундан кейингина оқсоч билан қўл бериб кўришдим.

— Уилсон, шу давлатдаги ҳарбий штаб бошлиғи, — деб уни менга таништирди тилмоч.

— Мени яхши танисангиз керак, жаноб, — дедим мен оқсочга.

— Албатта, — деди у юзидаги табассумни зиғирча ҳам ўзгартирмай, — шунча аскарларимизни қириб ташлаган, бир нечта техникамизни йўқ қилган одамни танимай бўладими?

Уилсоннинг гапларини тилмоч таржима қилди.

— Марҳамат, ўтиринг, қаҳрамон, — дея жой кўрсатди Уилсон.

Ўтирдим ва хонадагиларга бирма-бир қараб чиқдим.

— Жаноб Уилсон сиздан кофе ичасизми ёки сув деб сўраяптилар, — деди тилмоч.

— Икковиниям, овқат ҳам ейман.

Таржимон гапларимни инглизчага ўгирганда ўтирганлар бирдан кулиб юборишди. “Агар менга ўхшаб итдай ўрмонда санқиганларингда, очларингдан ўлардинглар”, — хаёлимдан ўтказдим.

Буюртмам дарров бажарилди. Худди биров олдимдагини тортиб олиб қўядигандай шошиб, ютоқиб овқатланарканман, гўё маймуннинг янги топилган зотига қизиқсинаётгандай мендан кўз узмай турган хонадошларимга иржайиб қараб қўяман.

— Эҳтиёт бўл, яна томоғингга тиқилиб қолмасин, — деди тилмоч товуқнинг оёғини кемираётганимда.

— Хавотир олма, сенларга ҳам қолдираман, — деб суяк билан рўпарамда ўтирган ҳарбийнинг пешонасига бир урдим ва шу ондаёқ стол устига сакраб чиқиб Уилсоннинг башарасига тепдим. Чаққон сакраб яна битта душманни уриб ағдардим, у бечора энди жойидан турганди, кўкрак қафасининг суякларини товоним синдириб юборди, чамамда. Аммо эшикка етганимда тўппончанинг қарсиллаган товуши эшитилди, гурсиллаб полга ағанадим.

Шу зайл нишонга чап бердим, чунки уларнинг қурол ишлатишини кўнглим сезганди.

Ўқ эшикни тешиб ўтди. Унинг ортидаги одамнинг қулагани аниқ-тиниқ эшитилди ва бу билан йўлимдаги битта тўсиқ олиб ташланганди. Ўрнимдан турмай, шоша-пиша эшикни кўлим билан очдим-да, ўмбалоқ ошиб йўлакка чиқиб олдим. Кўкрагидан ўқ еб нариги дунёга равона бўлган аскарнинг қуролини олдим-у, ортимдан югуриб чиққанларни бир сидра “сийладим”.

Бинога икки томондан кириларкан: ўнг тарафдан ҳарбийлар югуриб келишаяпти, чапда эса ҳеч ким йўқ. Омадимни қарангки, эшик автомат тарзда очилиб ёпиларкан, мен ташқарига чиқишим билан ортимдан қарсиллаб беркилди. Деразаси ўқ ўтказмайдиган ойнадан экан. Ортимдан югуриб келаётганлар эшикни муштлашганча қолаверишди.

Ташқаридагиларнинг қўлларида ҳеч қандай қуроли йўқ экан. Вертолётлар, ҳар турли хилдаги ҳарбий машиналар ёнида қўллари қора мойга ботган таъмирловчилар менинг ҳовлиқиб югуриб келаётганимни кўриб аввалига ҳайрон бўлишди. Бир-иккитасига қурол ўқталгандим, ўзларини ерга ташлаб бошларини бекитишди. “Ҳеч вақт — қандай вазиятда бўлишингдан қатъи назар — зиёнсиз одамга мушт кўтарма. Шундай пайтлар ҳам бўладики, бир-иккита муштга ҳам индамай чидашинг лозим. Фақат жонингга хавф туғилганда ўзингни ҳимоя қилгин. Бошқа пайтда, душманинг ожиз бўлса, тегинма. Шундагина унинг

сен ҳақингдаги фикри ўзгариши мумкин”, деган эди оқсоқол. Лекин мана бу ерга юзтубан ётганларнинг фикри ўзгариши даргумон. Аслида мен ҳақимда уларнинг бирон-бир фикри борлигига ҳам ишонмайман. Бироқ биронтасига ўқ узмадим. Фақат ҳарбий бўлинмани ўраб турган девор бурчагидаги баланд қилиб қурилган қоровулхонада тик турган соқчини отиб ташлашимга тўғри келди. Бир нечта ўқ баданини тешиб ўтгач, қоровул иккала қўлини юқорига кўтариб турган жойида бир-икки марта силкинди-да, пастга қулади. Тупроққа тушди, шекилли, чанг кўтарилди. Девор баланд, ундан ошиб ўтиб бўлмасди. Устига-устига, тепасида тиканли симлар чуваллашиб ётарди. Бузуқ машиналар оралаб, чиқиб кетишга қулайроқ жой излаб югурдим. Йўл-йўлакай қувиб келаётганларнинг ўқларига чап беришимга тўғри келарди. Қуваётганлар мени аниқ нишонга олишмасди, эҳтимол, “Тириклайин ушланглар”, деган буйруқ олишгандир.

Югура-югура деворнинг бурчагига етиб олдим. Ортимга қайрилиб бир сидра ўқ отдим-да, деворга тирмашдим. Жон талвасасида деворнинг устига чиқиб, сим тўсиқни ошиб сакрашимга бир дақиқа ҳам кетмади-ёв. Энг қизиғи, шу паллада менга бир марта ҳам ўқ узишмади. Худонинг марҳаматини қарангки, девордан беш-олти метр наридан ўрмон бошланарди. Ўрмонга кирдим-у, ортимга ўгирилиб қарадим. Бир қора кўринмайди. Шунда бирдан кулгим қистади. Чунки тагин ўрмон, тагин сарсон-саргардон бўлишим... Лекин анавиларнинг қўлида ўлиб кетгандан кўра, шуниси маъқулроқ. “Ёввойи ҳайвонлардай санқиб юравераман-да”. Шу ўй билан дарахтларни оралаб елдек учиб кетавердим. Оқсоқолнинг ўғитлари катта ёрдам берди, қалин дарахтзорда шох-шаббаларга чап бериб улгурдим. Аммо тўғрига эмас, нуқул ёнламасига югурибман. Афтидан, рўпарамдан чиқаётган дарахт шохларидан қочиб шундай югургандирман. Ярим соатлардан кейин ўрмон тугаб қолса бўладими? Бу ёғи яланглик. Сўнгги дарахтнинг ёнида тўхтадим-да, атрофга назар ташладим. Тахминан уч километр нарида — мен ўрмонга қочиб кириб кетган жойда кўплаб ҳарбийлар туришар,

ёнларида ғалати ҳарбий машиналар ҳужумга шай, бақир-чақир авжида эди. Уларни биров кузатиб турдим-да: “Сенларни шундай бопплайнки, онадан туғилганларингга пушаймон енглар”, деб хаёлимдан ўтказдим. Бироқ айни дамда аниқ бир режам йўқ эди. Қаёқдан ҳам бўлсин? Ўзи зўрға қочиб қутулдим-ку. Лекин ичимда уларнинг устидан кулиш истаги шу қадар кучли эдики, юрагим ҳаприқиб кетаётганди. “Ҳар қандай ишда шошилма, аввал оқибатини ўйла. Ўйинг шунчалик қисқа ва пухта бўлсинки, режангнинг пишиқлигига таъсир қилмасин”, деган эди оқсоқол. Унинг сўзларини эсларканман, секин дарахт остига ўтирдим ва тўрт тарафни кузатиб чиқдим. Чап томонимда ҳарбий базанинг дарвозаси бор, ҳозир у очиқ эди. Ёнида бесаранжом аскарлар ўзлари билан овра. Нарн борса, олти-еттита чиқади. Агар кескин ҳаракат қилсам, барисини ер тишлата оламан. Жуда аниқлик билан, эҳтиёткор бўлиб ҳаракат қилишим керак. Бир жойда озгина адашсам, яна қўлга тушишим муқаррар. Улар-ку, мени ушлалолмайди, бошқалари сезиб қолса чатоқ. Шундай ўйлар гирдобида ўрмон оралаб энди юрмоқчи бўлиб турганимда, базадан бир йўла тўртта вертолёт ҳавога кўтарилди. “Учиб юраверинглар, ниначилар, ёқилғиларинг тугаганида бирон жойга қўнарсизлар”, деб ўзимча уларни мазах қилганча, югуришга тушдим.

Беш дақиқада дарвоза ёнида пайдо бўлдим. Ўрмон билан база ораси эллик қадамча келади, оралиқ яланглик. Учиб борган тақдиримда ҳам кўриб қолишлари тайин. Яхшиси, қулай вазиятни кутай, деб дарвозадан кўзимни узмай ўтирдим. Орадан кўп ўтмай, базадан юк машинаси чиқиб, дарвоза ёнида тўхтади. Ҳайдовчи пастга тушиб, аскарлар билан гаплашди. Сўнг яна машинага чиқди. Шунда “синов давлати” ҳарбийлари билан “мушук-сичқон” ўйнаб бўлмаслигини тушундим. Чунки бир-иккита машинани портлатиб, беш-олти аскарни йўқ қилганим билан мурод-мақсадим амалга ошиб қолмасди. Яхшиси, бу ердан жуфтакни ростлаганим маъқул.

Чайқалиб келаётган машинанинг тезлиги юқори эмас, унга етиб олиш мумкин эди. Шу ниятим амалга ошса,

бемалол шаҳарга бора олардим. Нарёғига Худо пошшо. Лекин мени асфальтланган, бир текис йўлдан машинанинг имиллаб келаётгани ўйлантираётганди. Хаёлимда айти шу машина мен учун қўйилган тузоқдай туйилаверди. Бироқ хаёлимга “ҳай” бериб ёнимдан ўтаётганида машинанинг бортига осилиб олдим. Шунда қулоғимга кимнингдир инграгани, бировнинг бақиргани эшитилди. Секин юқорига кўтарилиб, орқа тарафга ўтдим. Ёлқичнинг озгина жойини кўтариб қарадим-у, ҳайратдан донг қотдим: бортда иккита ҳарбий Оляни хўрлаётганди. Уловнинг секин юраётгани сабаби бу ёқда экан. Бир сакраб бортга чиққанимда ҳарбийлар “ялт” этиб менга қарашди. Қарамаганлари дуруст эди: бирининг иягига оёғим учи билан тепа туриб, иккинчисининг башарасига мушт туширдим. Улар икки томонга йиқилди. Шунда ҳам жаҳлим босилмади. Ақлимни йўқотар даражада қутуриб кетибман. Ахир, ожизанинг афт-башарасини қонга белаб, камига унинг номусига тажовуз қилиш эркак кишининг иши эмас-ку!

Иккала зўравон ҳам нафас олишдан тўхтади ва мен ўзимни тутдим.

Оля ўкириб йиғлар, қонга беланган юзини қўллари билан бекитиб олганди. Серрайиб унга бироз қараб турдим. Сўнг секин ёнига чўккалаб сочини силадим. Бечора қиз бўйнимдан қўлларини ўтказиб кучоқлаган кўйи: “Ай-й!!!” — деб бақириб юборди.

— Бўлди, бўлди. Ҳаммаси ортда қолди, — дедим уни юпатиб. Кейин ўрнимдан туриб, лоши машинанинг силкинишига монанд тебраниб кетаётган “зўравон”ларнинг камаридаги сув солинадиган идишни олиб, Олянинг қўлига сув қўйдим. У юз-қўлларини ювди.

Бош бармоғимни кўрсатиб: “Зўр”, деган ишорани қилдим. Йўқ, Оля ўзига келмади, баттар ўкириб йиғлади.

Машина бир соатча юргач, секинлаб йўл четига тўхтади. Кабина очилиб, ҳайдовчи ерга тушганди. Мен бортнинг орқа тарафига ўтдим. Ҳайдовчи нимадир деди, лекин гапига жавоб бўлмагач, шарақ-шуруқ этган товуш эшитилди. Демак, у қуролини ўқлади. Мен эса унинг

овозидан қаерда турганини чамаладим. Шу боис, ортиқча кутиб турмай, тепкини босдим. Ҳайдовчи бир мартагина “А-а” деган товуш чиқарди-да, сўнг жимиб қолди. Брезентни кўтариб қарасам, у қонига беланганча ерда чўзилиб ётарди.

Рулга Оля ўтирди. Ҳозирги аҳволида машина бошқариши қийин бўлса-да, на илож, менинг қўлимдан келмаса.

Бахтимизга, бизни таъқиб қилишмади. Бу сафар тепамизда вертолёт ҳам учмади, омон-эсон шаҳарга етиб бордик. Бироқ шаҳар кўчаларида ҳарбий машина кўпчилигининг диққатини тортарди. Шу боис, шаҳарга кириб, бир оз юрганимиздан сўнг машинадан тушдик. Аммо кўчада пиёда юриб ҳам қора танлилардан фарқ қилиб қолдик. Айниқса, Оля. Ҳабаш йигитлар ёнимиздан ўтишаётиб Оляга еб қўйгудек тикилишар, ора-чора гап отиб қўйишарди. Кийимларимиз расвоси чиқиб кетган, кир босгани етмагандай, йиртиқ. Лекин бу ерликларнинг уст-бошидан унча фарқ қилмасди.

Олянинг тил билиши фойда берди. Мен унга бандаргоҳга боришимиз зарурлигини амаллаб тушунтиргандим. У одамлардан бандаргоҳнинг қаердалигини суриштириб билди. Чўнтақларимизда ҳемири йўқ. Шу боис, пиёда кетдик. Албатта, етиб олишимиз осон бўлмади. Йўл-йўлакай полициячиларнинг эътиборини тортмаслик учун ачомлашар, ўзимизча бир нималарни гаплашган бўлиб ҳиринглашардик. Оля лабларининг ёрилиб кетгани, кўзи шишганини яшириш учун, полициячилар ёнидан ўтаётганимизда тумшуғини бўйнимга тиқиб, ўзини ўпаётгандек кўрсатарди. Мен эса уни бағримга босардим. Ҳартугул, ажабтовур қилиқларимиз наф берди, шекилли, бизни ҳеч ким тўхтатиб: “Кимсан? Қаёққа бораяпсан?” — деб сўрамади.

Бу давлатнинг бандаргоҳи Таиландникидай ҳашаматли эмас, лекин катта-кичик кемалар худди автовакзалдаги автобуслардек тизилиб туришар, тепасида турли хил рангдаги байроқлар ҳилпирарди. Одамлар бир кемадан тушаётир, бошқасига чиқаётир, биридан кран юк тушира-

ётган ёки ортаётган бўлса, иккинчисида кийим-боши биз-
никидан баттар, киндигигача яланғоч бўлган қора танли-
лар қоп, яшик ташишяпти. “Айни муддао”, дея ўйла-
дим ва Олянинг қўлидан ушлаб, усти ёпиқ, қоплар тах-
ланиб турган сарой томон юрдим. Юкчилар шу ердан
қоп орқалаб чиқишаётган эди. Мен-ку, битта қопни бе-
малол кўтараман, лекин Олянинг қийналиши тайин. Бир
қопни кўтариб кўрдим, хийла оғир. Аёл кишининг бели-
ни майиштириб юборади. Оляга қараб, қопни кўрсат-
дим-да:

— Кўтароласанми? — деб сўрадим.

У нима қилиш кераклигини дарров англаб, елка қисди.

— Сенга ўзим ёрдамлашаман. Фақат озгина чида, бўпти-
ми? — деб қиздан жавоб кутиб ўтирмай, кўзимга кичик-
роқ кўринган қопни Олянинг елкасига қўйдим. Сўнг бо-
шқа бир қопни ўзим орқаладим. Бир қўлим билан ўзим-
никини, иккинчи қўлим билан Олянинг қопини суяб, у
олдинда, мен орқадан кетаяпмиз. Бизга ёнимиздан юк
кўтариб ўтган қора танлилар эътибор қилишмади. Улар-
нинг тиришган манглайи тердан ялтирайди.

Кемага чиқиб, махсус юкхонада тахлаётган ишчиларга
қопларни топширдик-да, қайтиб пастга тушмадик. Ел-
камдаги юкни тушираётиб баланд қилиб тахланган қоп-
ларнинг орасига бир ҳабаш яшириниб турганини, бошқа
бир қора танли унинг атрофини қоплар билан бекитаёт-
ганини кўриб қолдим. Имо-ишоралар билан унга мени
ҳам шундай бекитгин, деб сўрадим. Аввалига у кўнмади.
Шунда ташқаридагиларга бу йигитни яширганингни ай-
таман, деган гапни имо-ишорада англатдим ва у афтини
бужмайтириб бир оз қараб турди-да, ноилож рози бўлди.

Бор-йўғи уч киши яшириндик, деб ўйлаган эдим. Юк-
хонанинг улкан эшиги ёпилиб, орадан бирор соатдан
мўлроқ вақт ўтгач, гоҳ у бурчакдан, гоҳ бу бурчакдан
бекинган одамлар чиқиб келавердики, ҳайратдан донг
қотиб қолдим. “Қандай қилиб шунча одам яширинган
экан, наҳотки биров сезмаган бўлса?!” — дейман ўзимга
ўзим. Нима бўлганда ҳам шуниси маъқул, Оля билан
биргамиз-ку, қолаверса, кеманинг эгалари кўриб қолса,

кўпчиликка индаёлмайди. Ярим йўлда шунча одамни сувга ташлаб кетолмайди, дея ўзимга таскин бердим.

Оқшом ўтди. Қорин ичига тортиб кетган, бироқ егани бир бурда нон ҳам йўқ. Олянинг аҳволи меникидан бешбаттар. У бир нималар деб ғингшиди, кейин нафаси ҳам чиқмай қолди. Эътибор берсам, уйқудан кўзини очолмайди. Бунақада очидан ўлиб қолиши ҳеч гапмас. Бошқалар ўзлари билан олган егуликларини тамадди қила бошлашди. Уларнинг кавшанганига қараб, қорин баттар хуруж қилади. Охири чидаб туролмадим. Ўрта бўйли, этлигина, тишларидан бўлак ҳамма ёғи, ҳатто кийиб олган шими-ю кўйлаги ҳам қоп-қора ҳабашнинг ёнига бордим-да, қўлимни чўзиб егулик сўрадим. У аввалига ҳайрон бўлиб тикилди. Мақсадимни англагач, қўли билан “кет” деб ишора қилиб, ўз тилида шанғиллади. “Тиқилиб ўл”, дедим унга ва бошқасининг ёнига бордим. Бироқ бунисидан ҳам ёруғлик чиқмади. Фақат бир негр йигитнинг инсофи бор экан, сув билан бир бурда нон берди.

Юзига сув сачратгандим, Оля чўчиб кўзини очди ва мени кўргач, илжайди.

— Ма, — дедим унга нонни кўрсатиб, — очдан ўлиб қолма тағин.

Оля “емайман” дегандек бош чайқади.

— Каллани қотирма, ол. Аввал сувни ич. Кейин нонни ейсан.

Олянинг буткул тинкаси қуриган экан. Нондан бир тишлади-да, жуда узоқ чайнадикки, ютишини кутиб бетоқат бўлдим. Лекин иккинчи луқмани тезроқ чайнаб ютди. Хуллас, менга ҳеч вақо қолмади. “Майли, бир амалларман”, деб ўйлаб қопларнинг устига чўзилгандим, менга нон берган қора танли ёнимга келиб насибасидан яна бир бўлак узатди. Оларимни ҳам, олмасимни ҳам билмай унга бироз тикилиб турдим. Қора танли йигит жилмайди ва узатган нонини қўлимга тутқазиб, ортита бурилиб кетди.

Орадан чамаси икки соатлар ўтди ё ўтмади, ухлаган эканман, бирдан Олянинг чинқирган товушини эшитиб ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. Қарасам, қиз шўрликни

бўйи икки метр келадиган гавдали қорамағиз эркак маҳкам кучоқлаганча ўлмоқчи бўлаяпти. “Шуниси етмай турганди”, деган хаёлда югуриб бориб Оляни қутқармоқчи бўлгандим, қорамағиз қизни қўйиб юбориб, башарамга бир мушт туширса бўладими? Кўзимдан ўт чиқиб кетаёзди. Қорнига шунақанги қаттиқ тизза қўйдимки, у “ув-в-в”лаганча ўкириб, гурсиллаб қулаб тушди. Унинг ёнини олиб ҳеч ким менга ташланмади. Ҳатто шўрликни ўрнидан турғазадиган киши топилмади. Ноилож, ўзим қўлтиғидан олиб оёқлатгандим, қарасам, кўзидан ёш оқаяпти. Унга шунақанги ичим ачидики, кечирим сўрамоқчи ҳам бўлдим, бироқ улгурмадим. Мендан олдин ўзи қўлини кўксига қўйиб, бир нималарни гўлдираб бошини қимирлатди. Шу билан жанжал ниҳоясига етди. Бироқ кўп ўтмай, ўша калтак еган негр менга бир талай егуликлар кўтариб келди. Қўлини қайтардим. Ахир, ҳам уриб, ҳам ризқига шерик бўламанми? Нон сўраганимда бермади, энди хушомадгами ёки бошқа важданми, томоғидан қийиб насибасини кўтариб келибди.

— Раҳмат, оғайни, мен сендан хафа эмасман, эркакман, мен ҳам тушунаман. Лекин бу қиз кўп азоб чеккан, иккинчи унақа қилмагин, — дедим. Кошки у бирор сўзимга тушунган бўлса.

Аммо у юзимдаги мулойимликни кўриб илжайди ва олиб келган гўштидан озгинасини оғзига солиб чайнаб ютгач, егуликларини ёнгинамга қўйди. Унинг қилиғидан кулгим қистади.

— Мен заҳарлаб келдинг, демаяпман. Ишонаман, ҳаммаси тоза. Лекин ўзинг егин, хўпми? — деб гўшtdан озгина олиб оғзимга солдим-да, қолганини қўлига тутқаздим.

Орадан икки кун ўтди. Бизга ҳомийлик қиладиганлар чиқиб қолди. Бироқ кўпчиликнинг егуликлари тугаб бо-раётганди. Айримлар аллақачон очлик гирдобига торти-лаётир, овқатланаётганларга суқланиб қараб, “култ-култ” ютинишарди. Бу аҳвол узоқ давом этиши даргумон, ҳали-замон бир парча нон учун муштлишишлари турган гап. “Эртароқ манзилга етиб борсайдик”, дея ўйлайман. Бир

маҳал кема қаттиқ чайқалиб кетди. Мувозанатни сақла-
ёлмай, ҳаммамиз йиқилдик. Ўрнимиздан турмасимиздан
кема тагин уч-тўрт марта чайқалди. Ташқарида бақир-
чақирлар эшитилди. Яширинча сафарга чиққанларнинг
бари эшикка ёпирилди. Уч-тўртта бақувват йигит эшик-
ни гурсиллатиб уриб, бир нималар деб бақирди. Бироз-
дан сўнг кимдир эшикни очди. Юзимга совуқ, намхуш
ҳаво урилди. Ҳамма ташқарига отилди. Океанда довул
бўлаётган экан. Тепага кўтарилган тўлқин устимизга шо-
вуллаб қуйилди. Шу пайт кема кескин чайқалиб, бизни
орқага улоқтириб юборди.

Ҳамма ёғи жиққа ҳўл ҳабаш йигит йиқилганларнинг
устидан бирма-бир ҳатлаб ўтиб, бир қопни қучоқлаб кўта-
риб, пастга улоқтириб юбормоқчи бўлди, бироқ улгурма-
ди, навбатдаги тўлқин уни полга қапиштириб ташлади.
Кўлидан чиққан қоп бошини босиб қолди. Ўрнимдан
сакраб туриб, устидан қопни олдим. Унинг кўзлари юмуқ,
лаблари бир нималарни пичирларди.

Шамол ҳуштак чалиб авжига чиқар, ҳар икки-уч дақи-
қада тўлқин ўзининг шўр, муздай суви билан бизни “сий-
лаб” турарди. Бир пайт, кема ўнг тарафга оға бошлади.
Ичига сув тўлиб кетаётган бўлса керак. Қаердандир етти-
саккиз чоғли денгизчилар пайдо бўлиб, қопларни пастга
улоқтира бошлашди. Биз ҳам ёрдам беришга тушиб кет-
дик. Бироқ, қопларни пастга улоқтиришнинг ўзи бўлмас,
ҳар сафар уч-тўрт марта ағанашимизга тўғри келарди.
Ниҳоят охирги қопни ҳам сувга отдик. Бироқ на довул
тўхтайтиди, на ёнбошига оғаётган кема ростланади. Тақ-
дирга таваккал қилиб, қоплар таҳланган улкан хонага
кириб, деворга қапишганча туравердим.

Орадан уч соатлар ўтгач, ҳартугул, шамол сусайди.
Тўлқиннинг кучи ҳам қирқилди чоғи. Тагин ярим соат
ўтгач, ичидаги сув, қай йўсинда билмадим, чиқариб таш-
ланди шекилли, кема сув юзида бемалол сузиб кета бош-
лади. Ҳўл кийимларимизни ечиб сувини сиқиб, энди
нафас ростлаб тургандик, ёши эликлардан ошган, ҳар-
бий кийимдаги қора танли бир киши ёнимизга келди.
Уни кўриши билан ҳамма бир қаторга тизилиб бошини

эгди. Келган киши бизларга бирма-бир қараб чиқаётиб Олянинг рўпарасида тўхтади ва иягидан ушлаб ўзига қаратди-да, алланималар деди. Оля унга инглизча жавоб қилди. Ҳарбий (кема капитани бўлса керак) инглиз тилини биларкан. Қиз билан уч-турт дақиқача гаплашди. Сўнг менга илжайиб қараркан, билагимдан ушлаб кўрди ва бош бармоғини юқорига кўтариб:

— Окэ, — деди.

У кетганидан кейин бизга тоза ичимлик суви, овқат олиб келишди. Роса очиққан эканман, бош кўтармай овқатландим. Бошқаларнинг ҳам иштаҳаси карнай эди.

Яна икки кун сувда сузиб, ниҳоят кема соҳилга яқинлашди. Лекин соҳилда шаҳар тугул бирорта бино ҳам кўринмасди. Бунинг устига, дов-дарахт ҳам йўқ.

Кема соҳилгача тақалиб бормади, анча берида тўхтади ва олтига қайиқни сувга туширишди. Кема капитани ёнимизга келиб ҳар биримизнинг қўлимизни сиқиб чиқди. Оляга эса алоҳида эҳтиром кўрсатди — эгилиб қўлидан ўпиб қўйди. Бизни қуруқликка олиб борган ҳарбий кийимдаги йигитлар қайиқларда ортларига қайтишди. Биз эса кимсасиз, фақат қумликдан иборат чўлу биёбонда қолиб кетавердик.

Бошим гувиллар, нима қилишни билмасдим. Бошқаларнинг аҳволи ҳам меникидан тузукроқ эмас. Кема кўзга кўринмай кетгунча қараб турдик, сўнг бирин-кетин қумга чўкдик. Бироқ кўп ўтирмадик. Ёши қирқлардан ошиб қолган, манглайини ажин босган, жингалак сочларига оқ оралаган қора танли ўрнидан туриб, чўлу биёбонни кўрсатиб, шерикларига нимадир деди. Унинг гапини инглизчага ўгириб Оляга ҳам тушунтирадиган топилди. Бироқ ёлғиз мен ҳеч балони англамадим. Шу боис, одамлар ўринларидан туриб, йўлбошчиларининг ортидан кета бошлагач, ноилож уларга эргашдим. Бир нарсани билишса керак-да улар, деган хаёлга бордим. Ҳадемай шаҳарми, қишлоқ-пишлоққами етиб борармиз, деб ўйлагандим. Қаёқда, қуёш уфққа ёнбошлагунча юриб, кўкариб турган бирорта дарахтни ҳам кўрмадик. Бу чўлнинг кундузи қанчалик жазирама бўлса, кечаси шунчалик изғиринли экан.

Совуқ суяк-суягимгача ўтиб кетди. Оля менга қапишиб ухлади. Қоровойларнинг ҳолига эса маймунлар йиғлади-ёв, бир-иккитаси чидаёлмай ўкириб юборди. Ҳатто ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа югурганлари ҳам бўлди.

Эртасига яна йўл юрдик. Шу зайл орадан уч кун ўтди. Кема капитани инсоф қилиб ташлаб кетган егуликларни еб битираёздик. Сувни эса энди бир-бир ҳўпладан ича-япмиз. Шу тахлит чўлда итдай ўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Эртаси кунни тушга яқин силламыз қуриб, оёгимизни зўрға ердан узиб қадам ташлаб кетаётганимизда узоқдан кўкаламзор кўринди. Оёқларимизга жон киргандай бўлди. Илдамлаб юра бошладик. Аммо қанча кўп, тез юрсак, жамолини кўз-кўз қилиб турган сабззор шунчалик узоқлашарди. Гўё сароб дейсиз. Балки чиндан ҳам саробдир. Океан бўйида ҳаво нисбатан салқин, нам эди. Юрса бўларди. Чўлни ичкарилаганимиз сайин қуёш шунақанги қиздира бошладики, кундуз кунни юриш азобга айланди. Устига-устак, шамол туриб, оёқларимиз остидаги қумни совура бошлади. Энди юриш тугул, ётиб ҳам бу азобга дош бериш мушкул, тинка-мадорни қуриб ташлайди. Менку, амаллаб чидааяпман, ҳартугул, оқсоқол жисмонан чиниқтирган экан. Бироқ бошқаларнинг, айниқса, Олянинг бу дўзахга чидаши амримаҳол. Ҳа, биз кўзимизга жамолини кўз-кўз қилиб, устимиздан кулаётган жодули кўкаламзорга ета олмадик, бийдай чўлда бирин-сирин қумга думаладик. Ер иссиқ, устимиздан қум ёмғири шовуллаб қуйилапти. Ўлсак, гўрковга ҳожат йўқ.. Кечга бориб шамол тинди. Қумлар ерга чўкди. Қуёшнинг тафти сусайди. Секин устимдаги чанг-тўзонни қоқиб ташлаб, ўрнимдан турдим. Ажабо, тап-тақир чўлда мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Бир муддат гарансиб, атрофга олазарак боқдим. Беш-олти қадам нарида қум уюми секин қимирлаётганига кўзим тушди. Шоша-пиша кўнглимда бир дунё умид билан қимирлаган уюмни оча бошладим. Аввал кўйлак, сўнг одам танаси кўринди. Негр йигитлардан биттаси экан. Уни қумдан суғуриб олдим. Шунда хаёлимга қум остида одам нафаси қайтиб ўлиб қолиши

мумкин, деган ўй келди. Қора танли йигитнинг кўкраги кўтарилиб тушаётганини кўрганимдан кейин бошқа дўмпайган жойларни ҳам қидира бошладим. Яна иккита ҳамроҳимни тирик ҳолда топдим. Лекин уларнинг аҳволи ниҳоятда хароб эди. Тагин беш киши қум остидан ўлар ҳолатда чиқишди. Хаёлим Оляда эди. Бечора, шунча азоб-уқубатлар билан шу ерга етиб келганида ўлиб қолмасин, деб хавотир олардим. Куёш уфққа ёнбошлаган, ҳализамон қоронғилик тушади. Эртароқ уни топмасам, кейин кеч бўларди. Бироз дармонга энган ҳамроҳларим ҳам менга эргашиб мен каби ер тимдалай бошладилар. Ниҳоят, қоронғи тушгунча Оляни топдим. Уни қум остидан суғуриб олдим-у, юрагим “шиғ” этиб кетди.

Ҳартугул, ҳамроҳларимдан бирининг сувдониди озгина сув қолган экан. Олянинг кўксига қулоғимни қўйиб, юраги ураётганини эшитганимдан сўнг юзига сув сепдим.

— Вода-а, — деган ожизгина ун чиқди унинг лабларидан.

Бу сўзнинг маъносини етти-саккиз ёшимдан билардим. Эсимдан чиқмаган экан. Дарров Олянинг оғзига сув қуйдим. У кўзини очди. Жилмайди, она тилида ташаккур айтди. Шундан сўнг бошидан суяб, ўтиришга кўмаклашдим.

Қум бўронида ҳеч ким ўлмади. Ҳаммани топдик. Ҳаво салқинлаб қолгани боис уларнинг ўзларига келиши кўп чўзилмади.

Икки соатдан зиёдроқ вақт дам олганимиздан сўнг, йўлга тушдик. Кундузи кўзимизга кўриниб, бизни ўзига чорлаган майсазорга етдик. Ҳақиқатан ҳам у бор, сароб эмас экан. Хурсандлигимизнинг чек-чегараси йўқ эди. Айниқса, жилдираб оқиб турган сувдан қониб-қониб ичганимиздан сўнг рақсга тушиб кетдик. Мен ҳали қўлимни кўтариб ўйнаган бола эмасман, бироқ ҳамроҳларимнинг шодлигини кўриб қараб тура олмадим. Ҳолдан тойгунимизча ўйнадик.

Теримиз қота бошлагач, совуқдан баданимиз жунжикди. Оля яна пинжимга тиқилди. Мен, ҳар доимгидек қаршилиқ қилмадим. У мени мижози заиф дея ўйлай

бошлаган шекилли, ортиқча қилиқларини қилмасди. Таваба, ҳаётимда бунақанги қизни биринчи кўришим. Чарчаганми, хурсандми, хафами — фарқи йўқ; ўй-хаёли ишқ-бозлик. Менимча, ажали шундан бўлса керак.

Ҳамма уйқуга кетди. Олянинг ҳам пишиллагани эшитила бошлагач, кўзим илинди. Уйқу ҳам чала. Ярим уйқу, ярим уйғоқ деса ҳам бўлаверади. Ахир, ким ҳам бу совуқда қотиб ухлайди?

Тушга яқин усти очиқ, қумда юришга мослашган учта машина келди. Уловдан тушган оқ яктакли қуролланган одамлар бошларига оқ мато ўраб олишган. Фақат яқинлашиб келганларидан кейингина улар юзларидаги оқ рўмолчани кўтаришди. Ранглари негрникидай қоп-қора эмас, шундан билдимки, булар араблар.

Қизиқ, мен ҳалиям Африканинг қоқ ўртасида юрган-дирмиз, деб хаёл қилгандим. Аслида эса... Кема қайси томонга юрган, наҳотки Мадагаскар оролини четлаб ўтиб, бизни Арабистон ярим оролига ташлаб кетган бўлса?

Ҳойнаҳой, бу йигитлар биз тушган давлатнинг ҳарбийлари бўлса керак, деб ўйладим. Чунки ҳарбий либосдагиларни кўравериб кўзим кўникиб қолган. Ҳарбийлар бизни қўлга олишиб, қамоқхонага олиб бориб ташлашди. Қизиқ, одам кўпинча ишнинг аввал ёмон тарафини ўйларкан. Айниқса, бошига устма-уст ташвиш тушаверса, шунақа бўлиб қоларкан. Бироқ менинг бу галги ёмон ўйларим нотўғри чиқди. Қуролланганлар биз билан самимий кўришишди. Сўнг афт-ангоримиздан ниҳоятда очиққанимизни сезишиб, овқат билан сийлашди. Уларнинг гапларига тушунмадим. Худди кар-соқов одамдай, ўзимга аталган яхна гўшт ва нонни еб, ора-сирада нималарнидир бир-бирига тушунтириш билан овора бўлган Оля, йўлбошчимиз ҳамда қалин мўйловли барваста ҳарбийга қараб-қараб қўяман.

Тамаддидан кейин машиналарга ўтирдик. Узоқ юрдик. Ниҳоят қалъани эслатувчи, тўрт томони девор билан ўралган жойга етдик. У ерда биронта ҳам дарахт йўқ, фақат бир-бирига тутшиб кетган пастаккина уйлар сўппайиб турарди. Фақат қуролланган одамларни кўрганингдан кей-

ин бу ерда қандайдир ҳарбий гуруҳ истиқомат қилишига амин бўласан.

Бизга иззат-икром кўрсатилди. Салқин хужрага олиб киришиб, яна бир марта таом билан сийлашди. Сўнг йўлбошчи чиқиб кетди. Мен деворга суянган кўйи ўтмишимни хаёл суриб ўтиравердим. Назаримда, ҳеч қачон юртимга қайтолмайдигандай эдим. Бу ўй юрагимни эзар, Рена билан Ёдгорнинг кўзимга кўриниб кетаётгани эса аламимни баттар оширарди. Ўйларим билан овора бўлиб, йўлбошчининг кириб келганини сезмабман. У жуда хушчақчақ кайфиятда ҳамроҳларимга ниманидир айтиб берди. Унинг гапи тугар-тугамас ҳамма ўрнидан туриб ирғишлаб, қийқира бошлади. Ҳеч вақога тушунмаганим боис, уларни лоқайд кузатиб ўтиравердим.

Бироз ўтиб, Оля йўлбошчининг ёнига бориб, у билан инглиз тилида сўзлашди ва кутилмаганда:

— Наув, наув! — деб қичқариб юборди. Бу инглизчасига “йўқ” дегани эди. Мен бирдан Олянинг ёнига бориб, имлаб нима гаплигини сўрадим.

— Идём сюда! Мы по-другому будем говорить, посмотрим, кто здесь останется, — дея у қўлимдан ушлаб ташқарига етаклади.

Ҳовлида бизни бу ёққа олиб келганлардан бирига Оля инглиз тилида мурожаат қилди. Йигит унга жавобан елкасини қисиб қўя қолди. Бундан юзи шолғомдай қизариб-бўзариб кетган Оля бошқасининг ёнига борди. Хуллас, шу ернинг каттасини топгунимизча Оля уч-тўртта одамга мурожаат қилиб кўрди.

Бошлиқ кунчиқар томондаги, кўркамроқ уйда тураркан. У бизни кўриб жилмайди, бироқ унинг жилмайгани қизга зиғирча ҳам таъсир қилмади. Қайтанга кўкраги кўтарилиб-тушаётгани қизишаётганидан далолат берарди. Буни мен тугул, стол ортида нималарнидир ёзиб бўлиб, қоғозларини эринмай тахлаётган бошлиқ ҳам дарров илғади. Бироқ унинг юзидаги табассум ўзгармади.

Оля овозини баландлатиб истагини айтди. Шунда ҳам қорачадан келган, соқол-мўйловли, лаби қалин киши

жилмайиб тураверди. Фақат Оля гапириб бўлгач, столни кўрсатиб “ўтиринглар” деган ишорани қилди.

Этибор қилсам, бу одам босиқлик билан сўзлаётганида ҳам юзида табассум зоҳир бўлиб тураркан. Шундан билдимки, у европача тарбия кўрган. Дарвоқе, оқсоқол менга: “Хар қандай вазиятда ҳам кулиб турган одам, албатта, Европанинг нонини еган бўлади. Лекин бундайлар узоқни кўзлайдиган, мулоҳаза билан иш тутадиган одамлар сирасига киради. Улар билан муомалада эҳтиёт бўлмоқ зарур. Агар озгина бефаросатлик қилиб қўйсанг, камида кўнглига озор етказиб қўйишинг мумкин”, деган эди.

Устозимнинг гапларини эслаб, имкон қадар ўзимни одобли тутишга уриндим.

Сухбат анча давом этди. Тилни билганимда, гап нима ҳақдалигини батафсил сўзлаб берардим. Афсус, ҳеч вақонни тушунмадим-да. Лекин Олянинг шодланганидан билдимки, бошлиқ унинг айтганларига кўнганди.

Тун осуда кечди. Мендан бўлақ ҳамма оромида ухлади. Негадир кўнглим нотинч эди. Кўрсатилган мурувватлар ортида нимадир яшириндай туйилаверди. Ахир, ҳали бирон жойда, шунчаки... Йўқ, эсимдан чиқай дебди, Таиландга борганимда бир қиз менга беминнат ёрдам берган. Ҳа, мен уни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Ўшанда ҳам аҳволим хароб эди. Кейинчалик уни қидирдим, лекин тополмадим. Оқсоқол ҳам ёрдамини аягани йўқ. Балки булар ҳам, қўлларидан келса, албатта, ёрдам берадиганга ўхшади. Аммо буларнинг қурол кўтариб юргани нимадан далолат беради? Мени шу қийнаётган эди. Лекин бекорга безовталанган эканман. Бирор ёмон ҳолиса рўй бермади. Қанча вақтдан бери биринчи марта одамдай ювиниб, одамдай нонушта қилдим.

Орадан бир соат ҳам ўтмай, Оля иккаламизни усти очиқ машинага ўтқазиди. Оля бошлиқ билан қуюқ хайрлашди. Ҳатто бошлиқ ўзини тийиб туролмади, унинг оппоқ юзидан ўпиб қўйди. Унинг бу қилиғидан мен ва яна бир-иккита йигит жилмайиб қўйдик. Шу ерга келиб паноҳ топишимизга сабабчи бўлган қора танли ҳам аввал

Олянинг, сўнг менинг қўлимни сиқиб қўйди. Биз орқа ўриндиқда, олдинда эса ҳайдовчи билан яна бир қуролланган йигит. Ортимиздан биз ўтирган машинага ўхшаш уловда тўрт киши қўриқчилик қилиб келаётир. Ҳамма жим. Менинг эса, ичим тошади. Қаердалигимизни, бизни қаёққа олиб кетишаётганини жуда-жуда билгим келади. Аксига олиб, қуролланган йигитлар ҳам мум тишлагандек. Бундан дилим хуфтон бўлиб, баттар хавотирим ошади. Айтиб бўладими, буларнинг нияти нима? Нарироққа олиб бориб, бизни отиб ташлашиб, сўнг изларига қайтиб кетишадими ёки бошқа мақсадлари борми, менга қоронғи. Шу боис, хушёрликни эсдан чиқармай, баъзи-баъзида бир нарсаларни баҳона қилиб ортга, қўриқчилик қилиб келаётган машинага назар ташлаб қўяман.

Адашмасам, беш соатдан кам юрмадик. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган йигит бир неча марта сув берди. Акс ҳолда, гармсел тинкамизни қуритиб ташларди.

Машиналар туя ўркакидек бир қум бархани ёнида тўхтади. Менинг шубҳам ортди, шу боис, сергакландим. Оля эса, негадир бемалол, ҳайдовчининг ёнида ўтирган йигитдан тамаки олиб тутатди. Унинг чекишини энди кўрдим. Бироқ бу одати мени мутлақо қизиқтирмаётганди. Ахир, у нима ишлар қилмаган? Чекиши унинг қилган қилиқлари олдида нима бўпти?

Орадан бир пиёла чой ичгулик ҳам вақт ўтмай, рўпарамизда худди биз ўтирган машинага ўхшаш, сариқ-яшилга мойил иккита машина пайдо бўлди. Улар ёнгинамизга тўхтаганидан кейин тушиб келган, кийинишидан арабларга ўхшаш қуролланган йигитлар билан бизни олиб келганлар қучоқлашиб кўришишди. Сўнг қандайдир қоғозларни алмашишди ва қисқача сўзлашиб олишгач, эҳтиром билан Оля иккалаамизнинг нариги машинага ўтишимизни айтишди. Уларнинг эҳтироми юзларидаги табассум ва майин овозларида сезилиб турарди.

Машинада қумликлар оралаб қоронғи тушгунча юрдик. Сўнг бир шаҳарга яқинлашдик. Сахро ўрнини аста-секин яшил қирлар эгаллай бошлади. Шундан кейингина кўнглимдаги ҳадик бир оз ортга чекинди.

Ҳартугул, ёмон одамларга дучор бўлмабмиз, деган ўй кечди ҳаёлимдан. Шаҳаргача иззат-икром билан олиб келишдим, демак, бу ёғига ҳам ниятлари ўзгармас. Лекин меҳрибонликларнинг боиси нимада? Наҳотки, эвазига биздан ҳеч нарса талаб қилишмаса?

Дарвоқе, шаҳарга кираверишда қўриқчилар машиналарини тўхтатишиб, кийимларини ўзгартириб олишди. Менга ҳам арабча кийим кийдиришди. Олянинг-да либослари ўзгарди.

Аллақачон қоронғилик тушган эса-да, шаҳар кўчалари кундузгидек ёп-ёруғ эди. Одам сийрак, аммо машиналар кўп. Баъзан чорраҳаларда ўн беш дақиқача туриб қоламиз. Шу тарзда бир соатга яқин юрганзимдан сўнг, пештоқига арабча ва инглизча сўзлар ёзилган ўн қаватли меҳмонхона ёнига тўхтадик. Хийла дид билан қурилган бу мусофирхонанинг кираверишида одамлар кўп эди. Ҳамма ўзининг ташвиши билан овора, бизга эътибор берадиган киши бўлмади. Яхшиям, Рубен Таиландда тай-ёрлаб берган ҳужжатларни йўқотмаганим, акс ҳолда, яна ишнинг пачаваси чиқаркан. Мусофирхона ходими бир марта юзимга қараб қўйди ва қоғозларни расмийлаштириб, қўлимизга калит тутқазди.

Уч юз ўн еттинчи хонага Оля иккаламиз жойлашганимдан сўнг, бизни шу ергача кузатиб келган йигитлар ўта самимият билан қўлларимизни сиқиб, иккаламизга ҳам бир пачкадан юзталиқ доллар беришиб (астойдил рад этганимизга қарамай, чамамда, буйруқ шундай бўлган шекилли, стол устида қолдиришди) ортларига қайтиб кетишди. Хуллас, уларнинг бунақанги муруввати менга кўпам ёқмади. Омонатдай туйилди. Ҳализамон бу сахийликлари эвазига нимадир талаб қиладигандай эди. Шунинг учун чиннидай озода, юмшоқ ўриндиқлар, чиройли стол, кўзни қувнатадиган пардаларга қараб кўнглим ёришмади. Оля ювиниш хонасидан чиқиши билан чўмилгани кирдим. Илимиліқ сув остида талай муддат тургач, ҳиди одамнинг ҳушини оладиган даражада хушбўй шампунни кўпиртириб, бутун танамга суриб, роҳатланиб ювиндим, бироқ дилимдаги хижиллик кетмади. Кийинаётганимда

Оля ўтдай нигоҳини менга қадади. Бу қарашнинг маъносини жуда яхши англаган эсам-да, ўзимни гўлликка солдим. Бепарво кийиниб, сочларимни тартибга келтирдим. Танамда ажиб бир енгиллик бордай, лекин барибир хавотирим бу ҳузурга соя солиб турарди.

Оля ёнимга келиб, қўлимдан ушлади-да, боши билан эшик томон ишора қилиб:

— Ресторан, — деди.

Мен кулдим. “Бориб юз грамм ароқ ичаман, шунда ҳамма нарсани унутиб бемалол ухлайман”, деган фикр хаёлимдан ўтди. Аммо меҳмонхонада ароқ сотилмас экан. Ҳафсалам пир бўлиб турганди, Оля ўрнидан турди-да, қаёққадир ғойиб бўлди. Унга доимо кўнглимда шубҳа билан қараганман. Ўта маккор, қилни қирқ ёрадиган, кимларгадир жуда садоқат билан хизмат қиладиган айғоқчи ўйлаганман уни. Тўғри, бирга кўп қийинчиликларни бошдан кечирдик. У гумон туғдирадиган бирор иш қилгани йўқ. Лекин барибир ишонгим келмасди. Бизга араблар шунча иззат-икром кўрсатишиб, ҳатто кетар чоғларида пул ҳам бериб кетишди. Албатта, бу бекорга эмас. Ҳозир ҳам, Худо билади, Оля кимларга қанақанги маълумот етказгани кетди? “Майли, манжалақи, ўйин қилиб тур-чи, кейин кўрамиз ҳаммаси нима билан тугаркан?” — дея муштимни тугдим.

Эътибор қилсам, шинамгина, кичик рестораннынг асосий мижозлари шу ерлик одамларга ўхшаб кийинишган. Фақат уч-тўртта европалик бор. Бирортаси ароқ ичаётгани йўқ. Ароқдан умидимни узиб ўтирганимда Оля пайдо бўлди. Юзи қизаринқираган, лабида табассум, қўлида графин.

— Ели нашла, — деди у шивирлаб. Кейин жойлашиб ўтириб олди-да, у ёқ-бу ёққа қараган киши бўлиб, графиндаги қизғиш суюқликдан аввал ўзининг қадаҳига, сўнг меникига қўйди ва шоша-пиша ўзиникини ичиб бўшатди. Мен ҳам ичдим. Суюқлик томоғимни кўйдириб ўтди. Шундагина ароққа компот аралаштирилганини сездим.

Яна икки қадахдан ичиб, тановулни бошлаганимизда, бизга яқин столда ўтирганлардан бири ёнимизга келиб,

Оляга инглиз тилида нимадир деди. Жавобни эшитиши билан рус тилида гапира бошлади. Оля кўлидаги қошигини тушириб юбориб бир оз қараб турди-да, ўрнидан сакраб туриб, бояги одамнинг бўйнидан кучоқлаб йиглаб юборди. Гапираман, дейди, бироқ тили айланмайди, нуқул ҳиқиллайди, йиғлайди. Унинг аҳволини кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетаёзди. Оғзимдаги луқмамни чайнашимни ҳам, чайнамаслигимни ҳам билмай тикилиб туравердим. Ич-ичимдан қизга ҳавасим келди. Ахир, у ниҳоят юртдошини топди, ўз она тилида гаплашди. Бундан ортиқ бахт борми?! Энди шу одам орқали Россияга етиб олса ҳам ажаб эмас!

Оля ўзини босиб олишига беш-олти дақиқа керак бўлди. Сўнг у юртдошини ёнига ўтқизиб, иккаласига тўлдириб ароқ қуйди-да, бирга-бирга ичишди. Кейин улар мени ҳам унутиб гаплаша кетишди. Тўғрироғи, Оля оғзи тинмай гапирар, ватандоши эса мен томонга қараб-қараб кўярди. Орада Оля “Ўзбекистон” деган сўзни ҳам ишла-тиб юборди ва мени кўрсатиб:

— Вот, он тоже земляк, узбек, — деб қолди.

— Йўғ-э, — деди унинг ёнида ўтирган одам менга қараб, менинг она тилимда гапираркан, — сиз ўзбекми-сиз?

Менинг бутун танам музлаб кетди. Нима деяримни, нима қиларимни билмай ўрнимдан секин турдим, “қулт” этиб ютиндим. Сўнг:

— Ака! — дедим кўзимдан дув-дув ёш оқиб. — Ака-жон!!!

Биз бир-биримизни маҳкам қучдик. Олядан баттар аҳволга тушдим. Аъзойи баданим титрарди. Худди уйимизга етиб боргандай, отам билан кучоқлашиб тургандайман.

— Ё худо! — дедим бақириб. — Ҳақиқат бор экан-ку!

Албатта, мен қаерда эканлигимни ва бошқалар менга: “Жинни бўлганми бу?” — деб ажабланиб қарашларини ҳам унутгандим. Умуман, ким нима деса демайдимми? Портлаб кетмайдими ҳаммаси? Ахир, ўн йилдан буён бирорта ўзбек фарзандини кўролмайдиган доғдаман-ку!..

— Ҳаммаси жойида, ҳаммаси яхши, ўтиринг, — деди у менга стол тўғрилаб.

— Ака! — дедим мен ўтирганимдан кейин ҳам ўзимни босолмай. — Мен ўзбек зотини кўролмай ўлиб кетаманми, деб ўйловдим! Худога шукр, мана кўрдим!

У жилмайди. Оляни яна қадаҳларни ароққа тўлдиришга ундади. Сўнг елкамга қўлини қўйиб:

— Биродар, ҳар кимнинг ҳам яхши кунлари кўп бўлади. Қани, манавини ичинг, — деб қадаҳни тутқазди у.

Менинг ўзимни босиб олишим учун графиндаги ароқ камлик қилди. Оля яна графинни тўлдириб келди. Бироқ биз энди графинни олиб ресторандан чиқдик. Мени ҳамюртим хонасига таклиф қилди.

У билан бирга яна бир қадаҳдан ичганимиздан сўнг:

— Исмиб Собир, — деди ҳамюртим қўлини чўзиб.

Унинг қўлини тутдим, бироқ тилим калимага келавермади. Чунки отам қўйган исми эслаёлмай қийналардим. Тилимнинг учида турганди-ю, лекин дарров ёдимга келмасди.

— Меники... Меники, ҳа, топдим, — дея жилмайдим юзим ёришиб, — Нодир! Асли исмиб Нодир! Биласизми, мен ўзбекчани бутунлай эсимдан чиқариб қўйган бўлсам керак, энди гапиролмасман-ов, деб юрардим. Мана, гапирдим. Гапироларканман!

— Шунисига хурсанд бўлинг, эсидан чиқариб қўяётганлар кўп. Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, ука? — деди Собир ака.

— Эй-й, ака! — деб хўрсиндим. — Ўзимам билмайман, бу ерларга қандай келдим? Асли қаердалигимниям билмайман.

— Йўғ-э, уйдан чиқётганингизда қаерга бораётганингиз билан қизиқмадингизми? Бошингиз оққан тарафга кетавердингизми?

Собир аканинг гапи менинг ярамни тирнаб юборди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Билардим... Билардим... Лекин адашиб-алданиб... Қўйинг, эслатманг. Эсласам ўзимни-ўзим ўлдиргим келади. Мана, ака, сизни топдим-ку...

— Тушунаман. Сизга ўхшаганлар озмас. Ишқилиб, ўзингиз соғ-омонмисиз?

— Яхшиман. Лекин тортган азобларимни айтсам... Асли эркак одамга ёзғириш тўғри келмайди-ю, ичинг тўлиб кетганидан кейин...

Оля Собир аканинг ёнига келиб бир нималар деб менинг гапимни бўлиб қўйди.

— Нима деяпти? — дедим у сўзлашдан тўхтагач.

Собир ака ажабланиб юзимга қаради-да:

— Рус тилини билмайсизми? — дея сўради.

— Билганимда бу овсар билан тузук-қуруқ гаплашардим. Қаердалигимни шу орқали бошқалардан сўрардим.

— Унда қандай қилиб бирга юрибсизлар?

— Имо-ишора билан гаплашаяпмиз, ака, худди карсоқовлардай. Ҳалиям бунга яхши. Инглизчаниям боплайди. Одамлар билан бемалол муомала қилиб кетаверади. Мен бечоранинг бўлса, таиландча билан ўзбекчадан бошқасига тишим ўтмайди.

— Эй-й, қизиқ бўлди-ку. Таиландчани қаердан ўргана қолдингиз?

— Биттадан ичайлик. Барибир ҳаммасини бошидан гапириб бермасам бўлмайди, — деб қадахимни ароққа тўлдирдим-у, Собир акага қуйиш эсимдан чиқиб бир кўтаришда қадахни бўшатдим (Қизиқ, шунча ичсам ҳам ҳеч маст бўлмаётгандим). Сўнг лаб-лунжимни артиб, аввал қишлоғимизни, отамни, укаларимни эсладим. Сўнг Шокир ака билан Нормат акага қўшилиб Тошкентга отланганим ёдимга тушди. Гапимни бошлаганимда Собир ака муштини иягига тираб менга қаради. Лекин кўзимга тикилмади. Гапимни бўлиб қўйишдан чўчиди, чамамда. Аммо сўзлаётганимда гоҳ қошлари чимирилди, гоҳ пешонаси тиришди. Шундан билдимки, гапларимни диққат билан тинглаяпти.

Ҳатто хўрлигим келиб, юрагим тошиб кетганда ҳам бир оғиз гап қўшмади. Жим ўтирди. Бу пайт Олянинг пишиллагани эшитилди.

Собир акага оролдаги одамхўр билан бўлган воқеаларни гапирётганимда қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб ту-

гилди, чаккасидаги қон томирлари бўртиб чиқди. Оқсоқол ҳақида сўзлаганимда эса юзи ёришиб, кўзлари чақнади. Рена билан севишганимизни эшитгач лабида табассум пайдо бўлди. Мен фақат ички бир туйғу билан ундаги ўзгаришни сезиб турардим. Аслида кўз олдимда бошимдан ўтган барча воқеалар гавдаланган ва уларнигина кўраётгандим...

Тонг отди. Қуёш чиқди. Оля ҳам уйғонди. Лекин менинг гапим тугамади. Собир ака ҳам бир лаҳза бўлсин кўзини юммади. Ҳатто афт-ангориди уйқусираётгани ҳам сезилмасди.

Ниҳоят тушга яқин мен ҳикояни тугатдим ва жимиб қолдим.

— Энди ётиб ухланг, — деди Собир ака юмшоқ овозда, — турганингиздан кейин яна гаплашамиз.

Бошимни ёстиққа қўйдим. Кўзим илинавермади. Ўтган кунлар хаёлимда гавдаланаверди. Орадан бирор фурсат ўтиб, Собир ака тепамга келди-да:

— Манавини ичинг, — деб дори берди.

Уйғонганимда қоронғи тушган экан. Хона ўртасидаги столда ҳар хил ноз-неъматлар, ҳатто кечаги графин ҳам бор.

Собир ака, Оля учаламиз бироз чақчақлашдик. Икки қадаҳдан ароқ ичдик. Олянинг ҳам гапларида маза-матра бор экан. Унинг сўзларини менга Собир ака таржима қилиб бериб турди.

— Бу йигит, — деди Оля кўрсаткич бармоғини менга ниқтаб, — ўта ўжар, таваккалчи ва фирт аҳмоқ.

— Вой жинни, нима деяпти? — деб Собир акага қараб илжайдим.

Оля гапимнинг таржимасини эшитганидан сўнг Собир акага юзланиб:

— Тўғриси, бунинг эркаклигига ҳам шубҳам бор, бўлма-са, шунча тирғалиб бир мартаям натижа чиқаролмадим...

Собир ака аввал маза қилиб кулди, сўнг унинг гапини ўзбекчага ўгирди.

— Кўрқдим. У ёғини ўзларинг тушуниб олаверинглар.

Гапим Оляга ёмон таъсир қилди, шекилли, стол усти-

даги сигарета қутисидан бир дона олиб лабига қистирди-да, айвонга чиқиб кетди. Шундан сўнг Собир ака у тарафга жилмайиб қараб қўйиб:

— Сен, десам майлими? — дея мендан сўради.

— Бемалол, сиз менга акамдай бўлиб қолдингиз, — жавоб қилдим унга.

— Кеча гапларингни эшитаётиб, совет даврида ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни эсладим. Менинг ҳам жуда кўп амалдорлар билан олишишимга тўғри келган. Мен ҳам алданган эдим. Мени битта-иккита одам эмас, бутун бошли бир қудратли давлат алдаган. Оқибатда онамдан, укамдан айрилганман.

Собир ака кўзини бир юмиб, ютиниб олди.

— Сенга маслаҳат беришдан олдин, шуларни қисқагина айтиб беришим керак. Шундан кейин, балки, бир-биримизни яхшироқ тушунармиз.

Кеча у гапимга қай тарзда қулоқ солган бўлса, энди мен унинг гапларини диққат билан эшита бошладим.

Собир ака бир пайтлар жосус бўлган экан. Жуда оғир, ачинарли аҳволга тушган, лекин ҳаммасидан омон чиқа билган ва ниҳоят, совет иттифоқининг парчаланиб кетишидан кейингина бўйнидаги гуноҳлар олиб ташланган.*

— Ҳозир савдо билан шуғулланаяпман, — деди Собир ака ҳикоясини якунларкан, — Исроилга келгандим. Шу ерда бир фирма билан алоқа боғлаётгандик. Аксига олиб, бир кун олдин ўша фирманинг биноси портлаб кетибди, снаряд тушиб... Ўйлаб кўрсам, бу фирмачилар мени чув туширишмоқчи экан. Биттаси сал оғизбўшлик қилиб қўйди. Хуллас, суриштириб билсам, мен дуч келган бизнесменлар нуқул бировларни алдаб бойишаркан. Агар алдашга қурби етмаса, баъзан... кучли давлатлар ёрдами билан мақсадига етишаркан. Мана, масалан, Ироқни қай кўйга солишди? Саддам Ҳусайн ўтакетган зулмкордир, лекин Ироқни босиб олиб, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритиб, бойликларга эга чиққанлар-

* Азиз ўқувчи! Собир билан “Ўлимга маҳкум қилинганлар”, “Жаҳолат қурбонлари” асарлари орқали яхши танишсиз. Шу боис унинг Нодирга ҳикоя қилиб берган саргузаштларига тўхталмадик. — *Муаллиф.*

нинг гуноҳи олдида унинг қилмиши нима бўпти? Бошида бутун дунёга жар солишди, гўёки бу давлат раҳбари биологик қурол билан қўшниларига зуғум қилмоқчи. Лекин натижаси нима бўлди? Ўша қуролдан бир дона ҳам топилмади-ку. Ҳеч нарса йўқ экан-ку!.. Мақсад аслида бошқача — Ироқдаги нефтга эга чиқиб, нафси қондириш бўлган. Лекин юҳонинг нафси бу билан қонмайди. Қўйиб берса, дунёдаги жамики бойликка кўз олайтиради бу аждаҳо. Хуллас, биттагина сенинг ёки менинг қўлимдан ҳеч вақо келмайди. “Теодорони — бутун бошли давлатнинг подшосини бир давлатдан иккинчи давлатга бемалол олиб ўтдим”, деяпсан. Ҳозирги қуроллар билан биргина ортиқча ҳаракат қилсанг ўша заҳотиёқ йўқ қилиб юборишлари мумкин эди. Лекин шундай қилишмаган, сабаби, сен ўзинг билмаган ҳолда уларга ёрдам бериб юборгансан.

Собир ака қўли титраган ҳолда қадаҳини ароққа тўлдириб, бир кўтаришда ҳаммасини сипқорди.

— Сенга ўхшаш йигитларнинг кўп бўлгани яхши. Аммо билимни, ақл-идрок ва кучни фақат керакли жойга сарфлаган маъқул. Сени Худонинг ўзи қўллабди. Шунинг учун ҳам тирик қолгансан. Ўша оқсоқолга дуч бўлганинг, Рубеннинг тузоғига тушиб яна омон-эсон чиқиб кетганинг — бариси Оллоҳнинг иши... Бу ерда, ука, ишинг тугабди. Бўлди энди, шунча санқиганинг етади. Энди Рена билан Ёдгорни олиб қишлоғингга — юртга қайт.

— Ўзимниям ниятим шу. Лекин Таиландга қандай бораман?

— Бу ёғини менга қўйиб бер. Эртагаёқ самолётга чипта олиб бераман. Ҳа, бирга борамиз, отангинг қўлига ўзим топшираман сени, йўқса, яна улоқиб кетасан.

Эртасига Собир ака Оля билан бирга чиқиб кетди. Улар қайтиб келгунча мен эшитган гапларимнинг мағзини бирма-бир чақдим. Албатта, ақлим етганча.

Оля ўз давлатининг элчихонасида қолибди.

— Хайрият-э, қутулибман, — дедим Собир акага, — сиз бўлмаганингизда, бир умр ортмоқлаб юрармидим?

Собир ака кулди ва қўлидаги чипталарни кўрсатиб:

— Самолёт уч соатдан кейин учади, тайёрлан, аэропортга кетамиз, — деди.

* * *

...Рена Ёдгорни ўйнатиб ўтирган экан, мени кўрди-ю, ҳайкалдек қотиб қолди. Лаблари титради ва югуриб келганча бўйнимга осилиб йиғлаб юборди. Мен унинг юз-кўзларидан ўпдим.

— Бўлди, йиғлама, мана қайтиб келдим. Ортиқ бу ерда турмаймиз, бугуноқ кетамиз, хўпми... хўпми?! — дедим сочларидан силаб.

У “хўп” дегандек бошини қимирлатди.

Кечгача ижарачи хотин, Собир ака ва менинг оилам роса байрам қилдик. Сўнг йўлга отландик. Ижарачи кампир Ёдгорга жуда боғланиб қолган экан. Уни маҳкам бағрига босиб, анча вақт йиғлаб ўтирди. “Сизни кўргани ҳали кўп келамиз”, дея ваъда берганимдан кейингина ўғлимни берди.

Самолёт Тошкент аэропортига қўнаётганида, юрагим ҳаприқиб кетди. Ҳаяжон босди. Қайтганимга ишонгим келмайди. Гўё ҳозир бошқа юртга қўнамиз-у, мени яна кимлардир таъқиб қила бошлайди.

Аэропортдалигимдаёқ кўзимдан дув-дув ёш қуйилиб кетаверди. Бунга кўрган Собир ака елкамга қўлини қўйиб:

— Бўлди қил, йиғи эркак кишига ярашмайди, — деди.

Шу биргина гапдан кейин сал ўзимга келдим. Тўғрироғи, Ёдгорни Ренанинг қўлидан олиб, юзимни бағрига босиб бекитдим.

Қишлоққа кириб бордик. Тўғриси, ёнимда Собир ака бўлмаганида қай аҳволга тушардим, худо билади. Уйга кириб боришимни тасвирлаб беролмайман. Уйимиз бошқатдан қурилибди, дарров таниёлмадим. Лекин сўри остидаги чорпоя ўша-ўша. Чорпояда отам ўтирибди. Тўғрироғи, кўкрагига тушиб турган соқоли оппоқ бир чол. Агар Рена вақтида болани олмаганида, қўлимдан тушиб кетиши тайин эди.

— Ота! — дедим. Менга қараб турган чол қилт этмади.

Чамамда, овозим чиқмади. — Ота!!! — дея бу сафар бақирдим.

Чол ўтирган жойида қалқиб кетди.

— А-а! Нодир! Болагинам!!! Болагинамнинг овози! Ҳо-о-ой, ким бо-о-р! Но-ди-ир-р!!! — дея отам ўрнидан туришга ҳаракат қилиб типирчилар, бироқ ҳеч бунинг удасидан чиқолмасди.

— Ота! Отажон!!! — деб югуриб келдим-да, маҳкам кучоқладим.

— Болагинам! Ҳамма сени ўлдига чиқарди! Тириклингингни билайдим! Тирик!

Мен отамнинг юзларидан тинимсиз ўпарканман, унинг киприклари кўтарилмаётганини кўриб қолдим. Отам кўзини очолмаётганди. Ўша пайтда мен отамнинг кўр бўлиб қолганлигини билмасдим!..

* * *

Узоқларга бахтимни излаб кетган эдим. Аслида синфдошим, мендан кўнгил узолмай, нақ олти йил тунларини бедор ўтказган, умиди бутунлай сўнгач, шу қишлоқнинг бир йигитига турмушга чиқиб, икки боланинг онаси бўлган Нозиманинг мен туфайли ғоз юриб мағрурланиши учунгина кетгандим. Уни ростакамига бахтли қилмоқчийдим. Пул топсам, машина минсам — бахт ўша, деб ўйлардим. Бироқ узоқлабман, бутунлай, ҳамма нарсадан... Рена — олисдан топилган умидим чироғи. Аммо қишлоғимга келгачгина ростмана бахтни туйдим. Лекин бу бахтнинг йўли жуда олис бўлди... Олис!..



Адабий-бадий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

БАХТНИНГ ОЛИС МАНЗИЛИ

Саргузашт-детектив роман

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Акбар Исмоилов

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Замира Гулматова

Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Босишга 25.01.2008 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 15,96.

Нашр босма табоғи 16,15. Адади 5 000.

08-531-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

РАССЫЛКА